

**АБУ-Л-‘АББОС АҲМАД ИБН ЙАҲЙО  
АЛ-БАЛОЗУРИЙ**

**ФУТУҲ АЛ-БУЛДОН**

**ХУРОСОННИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ**

Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар,  
изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи  
Ш.С. Камолиддин

**Тошкент – 2017**

Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балозурий. Футуҳ ал-булдон. Хуросоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: ТошДШИ, 2017.

Ушбу китоб қадимги туркларда деҳқончилик ва шаҳарчилик маданиятини тадқиқ этишга қаратилган А-1-190 рақамли давлат гранти доирасида амалга оширилган. Бағдодлик машхур тарихчи олим Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балозурий (279/892-93 йилда вафот этган) нинг араб тилида ёзилган “Футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) номли тарихий асари VII – VIII асрларда арабларнинг турли мамлакатларда олиб борган фатҳ урушлари, шунингдек, Араб халифалигининг илк даврлари тарихи ҳақида махсус ёзилган биринчи асардир. Ушбу китобда ал-Балозурийнинг мазкур асаридаги “Хуросон” қисмининг ўзбекча таржимаси илмий изоҳлар ва шарҳлар билан берилган. Китобда VI – VIII асрларда Турк ҳоқонлиги таркибига кирган Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқлари, уларнинг аҳолиси, шунингдек карвон йўллари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг  
илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия  
этилган, 2017 йил 15 октябр, мажлис протоколи  
навбатдан ташқари № 1

Масъул муҳаррир:

М.Исҳоқов – т.ф.д., Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг  
профессори.

Тақризчилар:

Д.Юсупова – т.ф.д., ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги  
Шарқшунослик институтининг бўлим мудир;

Ф.Ҳасанов – т.ф.н., “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий  
нашриётининг бўлим мудир.

© Ш.С.Камолиддин

© Тошкент Давлат Шарқшунослик институти

## СЎЗ БОШИ

Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ибн Жобир ибн Довуд ал-Котиб ал-Бағдодий ал-Балозурий (вафоти 279/892-93 й.) биринчи бўлиб арабларнинг фатҳ урушлари ҳақида ҳикоя қилувчи махсус тарихий асар ёзган. Аҳмаднинг асл келиб чиқиши форс бўлган, деб тахмин қилинади. У шоир ва тарихчи ровий бўлган, кўп ҳажвий шеърлар ёзган. Унинг Жобир исмли бобоси араб тилини яхши билган ва Миср ҳукмдорининг котиби бўлиб хизмат қилган. Аҳмад ал-Балозурий Ироқдаги Бағдод шаҳрида туғилиб ўсган. Унинг *кунйаси*, яъни ўғлининг исми билан аталган лақаби Абу-л-‘Аббос, Абу Жа‘фар, Абу-л-Ҳасан ёки Абу Бакр бўлган.

Аҳмад ибн Йаҳйонинг “ал-Балозурий” *нисбаси*, Ибн ан-Надимга кўра, унинг ҳаётининг охири даврида чалинган касаллик билан боғлиқ бўлган. Унга кўра, Аҳмад *балозур* (بلاذر) уруғларини истеъмол қилган ва унинг таъсир кучини билмай, васваса ва руҳий тушкунликка тушган. Шунинг учун у “ал-Балозурий”, яъни “руҳий тубан” деб аталган [Ибн ан-Надим: 125 – 126; Ibn an-Nadim I: 113]. Ёқут ал-Ҳамавийга кўра, Аҳмад ибн Йаҳйонинг Жобир исмли буваси ҳам шу *нисбани* ишлатган [Yaqut II: 127 – 128]. Демак, бу *нисба* Аҳмад ибн Йаҳйонинг ўзи билан боғлиқ бўлмаган, балки унга ота-боболаридан мерос бўлиб қолган [Brockelmann 1937: 216 (№ 3); Брокелман III: 43]. Араб тилидаги *балозур* (بلاذر) ёки *балодур* (بلادر) сўзи санскрит тилидаги *bhallātaka* ёки *bhallāt* ва *bhilāwat* сўзидан ясалган бўлиб, Ҳиндистонда ўсадиган бир дарахт мевасини билдирган [Беруни 1974: 285 – 286]. Қадимги юнонлар уни *anakardia* деб атаганлар. Латинча илмий номи *Semecarpus anacardium* I ҳам шундан ясалган. *Балозур* дарахтининг бўйи калта, шохлари эса пастга қараб ўсади ва баъзида ерга ҳам етиб, илдиз отади. Меваси шаклан ҳинд ҳурмосининг данагига ўхшаш, лекин ундан йирикроқ бўлиб, ичида бодом мағзи каби ширин ва зарарсиз мағзи бор. Меваси устида қора ғалвирак қобик бўлиб, унинг ғовак ерларида асалга ўхшаш ҳидли, ёпишқоқ мода бўлади ва терини яра қилади. Табиатда *балозур* ва унинг “асали” ишлатилган [аз-Зириклий I: 252; ал-Балозурий 1987: 2 (1-изоҳ); Каримова 2002: 165]. Тўхористондаги Бағлон вилоятида

Балодур (بلادر) номли жой номи ҳам қайд этилган [Гоибов 1987: 5].

Аҳмад ибн Йаҳйо ўзининг отаси ва бобоси сингари ‘Аббосийларнинг Бағдоддаги саройида юқори мавқега эга бўлган. Ўзининг илк қасидаларида у халифа ал-Ма’мун (813 – 833 йилларда ҳукм сурган) ни мадҳ этган. Хусусан, у халифа ал-Мутаваккил (232 – 247/847 – 861 йилларда ҳукм сурган) ва халифа ал-Муста‘ин (248 – 252/862 – 866 йилларда ҳукм сурган) нинг *надими*, халифа ал-Му‘тазз (252 – 255/866 – 869 йилларда ҳукм сурган) нинг ‘Абдуллоҳ исмли ўғлининг сарой тарбиячиси бўлган [ас-Сули: 61 76 87, 94 120; Ибн ‘Асокир VI: 74 – 76 (№ 310); Yaqut II: 127 – 132; аз-Заҳабий: 162 – 163 (№ 96); Ибн Халликон VI: 24; Ибн Касир XIV: 646; ас-Сафадий VIII: 155 – 157 (№ 1331)].

Халифалар ал-Муҳтадий (255 – 256/869 – 870 йилларда ҳукм сурган) ва ал-Му‘тамид (256 – 279/870 – 892 йилларда ҳукм сурган) ҳукмронлиги даврида у моддий жиҳатдан қийин аҳволда қолган ва вафот этган. Айнан шу даврда (255/868-69 й.) ал-Балозурий ўзининг “Футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) номли тарихий асарини ёзишга киришади. Бу асар “Китоб ал-булдон ас-сағир” (“Мамлакатлар ҳақидаги кичик китоб”) деб ҳам аталган. Манбалардаги маълумотларга кўра, ал-Балозурий “Китоб ал-булдон ал-кабир” (“Мамлакатлар ҳақидаги катта китоб”) номли асар ҳам ёзган, лекин у охирига етказилмай қолган ва бизгача етиб келмаган. Бу асардан фойдаланган Ибн Халликоннинг ёзишича, унинг тўлиқ номи “Китоб ал-булдон ва футуҳ ал-ислом” (“Мамлакатлар ва ислом фатҳ урушлари ҳақида китоб”) бўлган [Ибн Халликон I: 227].

Ундан ташқари ал-Балозурий араб тилида ёзилган “Китоб ат-та’рих” (“Тарих китоби”), “Мухтасар китоб фи-радд ‘ала-ш-шу‘убиййа” (“аш-Шу‘убиййа ҳаракатига жавоб ҳақида китобнинг қисқачаси”) ва “Китоб ал-ахбор ва-л-ансоб” (“Хабарлар ва насаблар китоби”) ёки “Китоб ансоб ал-ашроф” (“Шарафли инсонларнинг насаблари ҳақида китоб”) номли асарларнинг ҳам муаллифидир. Уларнинг учинчиси бизгача етиб келган ва бир неча марта нашр этилган [ал-Балозурий 1959; 1978].

Аҳмад ал-Балозурий таржимонлик фаолиятини ҳам олиб борган ва ўрта форс (пахлавий) тилида ёзилган бир қатор асарларни

араб тилига таржима қилган. Хусусан, у “Китоб ‘аҳд Ардашир” (“Ардашир ҳукмронлиги ҳақида китоб”) номли қадимги эпосни араб тилига шеърӣ усулда таржима қилган [Ибн ан-Надим: 126; Ibn an-Nadim I: 113, 166, 244; Yaqut II: 131 – 132; Брокелман III: 43 – 45].

Аҳмад ал-Балозурий бошланғич билимларни Бағдоддаги олимлардан олган. Сўнгра у ўз даврининг анъанасига кўра, илм-фан ўрганиш мақсадида кўп саёҳат қилган ва аш-Шом (Сурия) даги Дамашқ ва Ҳимс шаҳарларининг энг машҳур олимларидан таҳсил олган. Хусусан, у Дамашқда Ҳишом ибн ‘Аммор, Абу Ҳафс ‘Умар ибн Са‘ид, Ҳимсда Муҳаммад ибн Мусаффо, Антокийда Муҳаммад ибн ‘Абд ар-Раҳмон ибн Саҳм ал-Антокий, Аҳмад ибн Бурд ал-Антокий, ал-‘Ироқда эса ‘Аффон ибн Муслим, ‘Абд ал-А‘ло ибн Ҳаммод, ‘Абд ал-Воҳид ибн Гийос, Шайбон ибн Фаррух, ‘Али ибн ал-Мадиний, ‘Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-‘Ижлий, Мус‘аб аз-Зубайрий, Абу ‘Убайд Ҳишом ибн ал-Қосим ибн Саллом, Халаф ибн Ҳишом, Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн Муҳаммад ал-Мадо‘иний, Муҳаммад ибн Са‘д ал-Котиб ал-Воқидий, Муҳаммад ибн ас-Сабоҳ ад-Дулобий, Аҳмад ибн Иброҳим ад-Даврақий, Абу-р-Раби‘ аз-Заҳроний ва бошқа кўп олимлардан таҳсил олган. Унинг ўзининг ҳам шогирдлари кўп бўлган. Улар орасида “Фих-рист ал-‘улум” (“Илмларнинг рўйхати”) асарининг муаллифи Ибн ан-Надим, 50 жилдлик “Та’рих Димашқ” (“Димашқ тарихи”) асарининг муаллифи Ибн ‘Асокир ва “Китоб ал-харож” асарининг муаллифи Қудома ибн Жа‘фар ҳам бор эди [аз-Заҳабий XX: 289 – 290 (№ 267); Ибн Касир XIV: 646 – 647]. Ундан кейинги даврларда яшаган тарихчилар ҳам унинг асарларидан кенг фойдаланганлар [Ибн Халликон I: 227; II: 153; VI: 24, 299, 372; VII: 77, 103].

Аҳмад ал-Балозурийнинг аниқ вафот этган вақти маълум эмас. У умрининг охирида чалинган касаллиги туфайли *ал-бимористон* (البیمارستان), яъни касалхонага тушиб, ўша ерда 279/892-93 йилда вафот этган [Ибн ан-Надим: 125; аз-Заҳабий XX: 289 – 290 (№ 267); Ибн Тағри Барди III: 95].

ал-Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг фатҳ этилиши”) асари арабларнинг фатҳ урушлари ҳақида ҳикоя қилувчи махсус ёзилган биринчи асардир. X асрда ал-Мас‘удий

бу асардан кенг фойдаланган ва унга юксак баҳо бериб, “Мен мамлакатларнинг фатҳ этилиши ҳақида ёзилган бундан яхши китобни билмайман”, деб айтган [Masoudi I: 14]. Бу асар биз учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки унда арабларнинг турли мамлакатларда, шу жумладан Хуросон ва Мовароуннаҳрда олиб борган фатҳ урушлари ва Араб халифалигининг илк давридаги ҳарбий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тарихи акс этган. Бу асар Араб халифалигининг илк тарихи билан шуғулланувчи ҳар бир мутахассис учун ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулк” асари билан бир қаторда энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади [Бартольд 1963: 50; Беляев 1939: 18 – 19; Крачковский 1957: 154, 156; Куббель, Матвеев 1960: 22 – 24].

Хуросон ва Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотларни ал-Балозурий Абу ‘Убайда Му‘аммар ибн ал-Мусанно ал-Балхий (110 – 209/728 – 824) ва Абу Ҳасан ‘Али ибн Муҳаммад ал-Мадо’иний (234/848 ёки 235/849 йилда вафот этган) каби тарихчи ровийларнинг сўзидан баён этган. Улардан ташқари муаллиф ўзининг Эрон ва Сурия шаҳарлари бўйлаб қилган сафари давомида учрашган у ёки бу воқеанинг қатнашчилари ва шоҳидларидан олинган маълумотларни ҳам келтирган. Энг муҳими, ўзининг асарида келтирилган тарихий маълумотлардан фойдаланишда ал-Балозурий уларга танқидий ёндашган. Шунинг учун бу асар арабларнинг фатҳ урушлари ва Араб халифалигининг тарихи бўйича ҳаққоний ва ишончли манба ҳисобланади. Муаллиф ўзининг асарида иқтисодий масалаларга алоҳида эътибор қаратгани туфайли бу асар Араб халифалигининг ижтимоий-иқтисодий тарихи бўйича ҳам қимматли манба ҳисобланади. Лекин у Араб халифалигининг илк даври билан боғлиқ бўлган айрим масалалар ҳақида сўз юритганда, ўз даврида, яъни IX аср охирида қабул қилинган ҳуқуқий нормаларнинг таъсири остида бўлган.

“Футуҳ ал-булдон” асари бизгача қисқартирилган шаклда етиб келган. Унинг тўлиқ матни эса, баъзи маълумотларга кўра, 40 жилддан иборат бўлган. Бу асарнинг бизгача етиб келган матни 622 йилдан 869 йилгача бўлган давр ичида юз берган воқеалар баёнини ўз ичига олади. Асар 90 бобдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир бобини алоҳида бир мамлакат ёки вилоятнинг фатҳ этилиши ҳақидаги ҳикоялар ташкил этади. Ҳар бир бобда тарихий воқеа-

лар даврий тартибда баён этилган. Айрим боблар Араб халифалигининг ташкил топиши билан боғлиқ бўлган муайян тарихий воқеалар баёнига бағишланган.

Асарнинг биринчи қисмида Муҳаммад пайғамбарнинг 622 йилда Маккадан ал-Мадинага кўчиши ва унинг Арабистон ярим оролида олиб борган илк ҳарбий юришлари, шунингдек, арабларнинг шимолда ва ғарбда Сурия, Ливан, Иордания, Кипр, Арманистон, Миср, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Испанияда олиб борган фатҳ урушлари ва Ўрта денгиздаги оролларга ва Византияга қарши қилган юришлари ҳақида сўз юритилган. Махсус бир боб арабларнинг Византия билан олиб борган қоғоз савдоси тарихига бағишланган. Асарнинг иккинчи қисмида арабларнинг шарқда ва шимоли-шарқда ас-Савод (Ироқ), Форс, Озарбайжон, Тўхористон, Хуросон ва Мовароуннаҳрда, шунингдек ас-Синд, Сижистон, Кобул ва бошқа мамлакатларда олиб борган фатҳ урушлари баён этилган. Араб тилида ёзган тарихчилардан биринчи бўлиб ал-Балозурий ас-Синддаги турклар ҳақида ҳикоя қилади ва араб саркардаси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирнинг уларга қарши қилган *газв* юриши ҳақида маълумот келтиради.

Асарда арабларнинг турли мамлакатларда олиб борган фатҳ урушларидан ташқари у ерларнинг маданияти, дини, ҳукмдорлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳолати, арабларнинг бошқарув тизими, хирож йиғими, пул-молия сиёсати ва бошқа масалалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Воқеалар баёнида маълумотлар жуда ҳам қисқа ва лўнда берилган. Масалан, бирор жанг ҳақида сўз кетганда, у ҳақида фақат бир ёки икки жумла билан кифояланган. Чунки бизгача етиб келган матн асарнинг қисқартирилган шаклининг нусхасидир. Бу жанг ҳақидаги кенгроқ маълумотлар эса асарнинг бизгача етиб келмаган тўлиқ матнида келтирилган бўлса керак. Асарнинг муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда у ёки бу шаҳарнинг фатҳ этилиши ҳақида сўз юритилганда, доим унинг қайси йўл билан – куч ишлатиш йўли билан (عنة) ёки сулҳ тузиш йўли билан (صلحا) фатҳ этилганлиги қайд этилган. Сулҳ тузилган бўлса, унинг шартлари ва арабларга тўланиши лозим бўлган ўлпон миқдори кўрсатилган. Айрим ҳолларда тузилган сулҳнинг тўлиқ

матни ҳам келтирилган. Асарда араб маъмуриятининг маҳаллий ҳукмдорлар билан бўлган ўзаро муносабатлар ҳам акс этган.

Мазкур асарнинг бир нечта нусхаси бизгача етиб келган бўлиб, улардан бири VII/XIII асрда, иккитаси IX/XV асрда кўчирилган. Асарнинг матни илк бор 1866 йилда Голландиянинг Лейден шаҳрида М. де Гуйе томонидан нашр этилган [al-Beladsori 1866]. Кейинчалик у араб мамлакатларида ҳам бир неча бор нашр этилган [ал-Балозурий 1893, 1901, 1906, 1932, 1956, 1957, 1959, 1987]. Асарнинг тўлиқ матни инглиз тилига [al-Balazuri 1916 – 1924] ва немис тилига [al-Balazuri 1917 – 1923], унинг иккинчи қисми эса форс тилига таржима қилинган [ал-Балазори 1346]. Асарнинг айрим қисмлари рус тилига Н.А.Медников [ал-Балазури 1897], П.К. Жузе [ал-Балазури 1927], С.Волин [ал-Балазури 1939], Л.Е.Куббель ва В.В.Матвеев [ал-Балазури 1960] ва Л.И.Надирадзе [ал-Балазури 1968] томонидан таржима қилинган. Асарнинг Хурсонга оид қисми Г.Гоибов томонидан рус тилига таржима қилинган [ал-Балазури 1987]. Г.Гоибовнинг таржимаси асарнинг 1956 – 1958 йилларда С. ал-Мунажжид ва 1959 йилда М.Р.Ридвон томонидан нашр этилган матнлари асосида ва унинг форс тилидаги таржимаси ёрдамида амалга оширилган.

Ушбу ўзбекча таржима асарнинг М. де Гуйе томонидан нашр этилган матни асосида амалга оширилган. Қавс ичидаги рақамлар мазкур нашрнинг саҳифаларини билдиради. Таржима қилиш жараёнида асарнинг рус ва инглиз тилларидаги таржималаридан қиёсий ва танқидий равишда фойдаланилди.

Ш.С.Камолиддин.



## ХУРОСОН [НИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ]

### I

#### [Йаздажирднинг қатл этилиши]

(315) [22/642-43 йилда Ниҳованд ёнида араблардан мағлубиятга учраб, Кирмонга қочгандан кейин] Йаздажирд<sup>1</sup> Хуросонга<sup>2</sup> йўл олди. У Марв<sup>3</sup> [вилояти]нинг чегарасига етиб келганда, [у ерда] уни ҳурмат ва эҳтиром билан [Марв] *марзбони*<sup>4</sup> Моҳавайх<sup>5</sup> кутиб олди.<sup>6</sup>

[Йаздажирд]нинг ҳузурига Низак<sup>7</sup> [ҳам] келди. [Йаздажирд] уни қабул қилди ва унга тўн кийдириб, ҳурмат билдирди. Низак унинг ҳузурида [бир] ой бўлиб, кейин кетди ва унга [мактуб] ёзиб, унинг қизини сўради. Йаздажирд бундан ғазабга келиб, деди: Унга ёзинглар: “Сен менинг қулларимдан бирисан, қандай қилиб менга совчилик қилишга журъат этдинг?” [Кейин] у (316) Марв *марзбони* Моҳавайх билан ҳисоб-китоб қилишни буюрди ва ундан пул [беришни] талаб қилди. Моҳавайх Низакга [мактуб] ёзди ва уни [Йаздажирд]га қарши [чиқишга] даъват этиб, деди: “Бу [одам] мағлуб бўлиб, [бу ерга] қочиб келди. Сен унинг мулки қайтиб келсин [деб], унга яхшилик қилдинг, у эса сенга бундай [ҳақоратли] мактуб ёзди”. [Кейин] улар [Йаздажирд]ни ўлдиришга [ўзаро] келишдилар.

Низак турклар<sup>8</sup> билан [Йаздажирд қароргоҳи] га яқинлашди ва ал-Жунобид<sup>9</sup> [номли ер]да тўхтади. [Йаздажирд аскарлари] улар билан жанг қилдилар. [Аввал] турклар [нинг кучи улар билан] тенг келди. Кейин омад [Йаздажирд] дан юз ўғирди, унинг одамлари ўлдирилди, қароргоҳи эса талон-тарож қилинди. [Йаздажирд] Марв шаҳрига келди, [лекин марвликлар] унга [дарвозани] очмадилар. У отидан тушди ва пиёда юриб, ал-Мурғоб<sup>10</sup> [дарёси] даги [бир] тегирмончининг уйига келди.<sup>11</sup>

Дейдиларки, Моҳавайх бўлган воқеадан хабар топгач, одамларини [Йаздажирд]нинг олдига юборди, улар тегирмончининг уйида [Йаздажирд]ни ўлдирдилар.

[Яна] дейдиларки, [Моҳавайх] тегирмончига яширинча [одам] юбориб, [Йаздажирд] ни ўлдиришни буюрди ва [тегирмончи] уни

ўлдирди. Кейин [Моҳавайҳ]: “Шоҳнинг қотили яшаши керак эмас”, деди ва тегирмончини ўлдиришни буюрди.

[Яна] дейдиларки, тегирмончи [Ўздажирд]га таом берди ва [Ўздажирд] уни тановул қилди. [Тегирмончи] унга шароб [ҳам] берди ва [Ўздажирд] маст бўлди. Кеч кирганда, у тожини чиқариб, бошига кийди. Тегирмончи уни кўриб, ўзига олмоқчи бўлди. У тегирмон тоши [томон] юрди ва уни кўтариб, [Ўздажирд]нинг устига ташлади. У [Ўздажирд]ни ўлдиргандан кейин унинг тожини ва кийимларини олди, унинг ўзини эса сувга ташлади. Кейин Моҳавайҳ бундан хабар топиб, тегирмончини ва унинг оиласини ўлдирди, тож ва кийимларни [эса] ўзига олди.

[Яна] дейдиларки, Ўздажирд Моҳавайҳ [томонидан] юборилган одамлар ҳақида хабар топиб, қочди ва сув бўйига тушди. [Одамлар] тегирмончидан шоҳни [беришни] талаб қилдилар. [Тегирмончи]: “У менинг уйимдан кетди”, деди. Улар [Ўздажирд]ни сув бўйидан топдилар. [Ўздажирд] деди: “Мени кўйиб юборинглар, мен сизларга камаримни, узугимни ва тожимни берман”. [Шунда] улар уни кўйиб юбордилар. [Кейин Ўздажирд] улардан нон ейиши учун [пул] сўради. Улардан бири [Ўздажирд]га тўрт *дирҳам*<sup>12</sup> берди. [Ўздажирд] кулиб, деди: “Менга [шундай] башорат қилинган эди: сен тўрт дирҳамга зор бўласан”. Шундан кейин Моҳавайҳ [Ўздажирд]ни излаб топиш учун юборган одамлар унга ташландилар. [Ўздажирд уларга] деди: “Мени ўлдирманглар, мени арабларнинг подшоҳига юборинглар, мен у билан ўзим учун ҳам, сизлар учун ҳам сулҳ<sup>13</sup> тузаман ва сизлар омон қоласизлар”. Лекин улар бундай қилишни рад этдилар. [Улар Ўздажирд]ни камалак ипи билан бўғиб ўлдирдилар, унинг кийимларини [ечиб] олиб, ҳуржунга солдилар, унинг жасадини эса сувга ташладилар.<sup>14</sup>

Ўздажирднинг ўғли Файруз<sup>15</sup>, айтишларича, туркларнинг қўлига тушди. [Турклар] уни уйлантирдилар ва [Файруз] улар билан қолди.<sup>16</sup>

## II

### ['Абдуллоҳ ибн Будаил ибн Варқо']

(403) Дейдилар: Абу Мусо ал-Аш‘арий<sup>1</sup> ‘Абдуллоҳ ибн Будаил ибн Варқо’ ал-Хузо‘ийни<sup>2</sup> *газавот* [уруши]га юборди.<sup>3</sup> У Кирмонга<sup>4</sup> келди ва ундан ўтиб, ат-Табасайнга<sup>5</sup> етиб борди. Бу эса иккита қалъа бўлиб, уларнинг бири Табас<sup>6</sup>, бошқаси эса Курин<sup>7</sup> деб аталади. Уларнинг ҳавоси иссиқ ва уларда *нахл*<sup>8</sup> [даррахти ўсади]. Бу икки [қалъа] Хуросон [вилояти]нинг дарвозаларидир. ['Абдуллоҳ ибн Будаил у ерда] ўлжа<sup>9</sup> қўлга киритди. ат-Табасайн аҳлидан бир гуруҳ [одамлар] ‘Умар ибн ал-Хаттоб<sup>10</sup> [хузурри] га келдилар ва улар олтмиш минг, [яна] дейдиларки, етмиш беш минг [дирҳам]га<sup>11</sup> сулҳ туздилар, ['Умар] уларга [сулҳ ҳақида] хужжат ёзиб берди.<sup>12</sup> Яна дейдиларки, ‘Абдуллоҳ ибн Будаил Исфҳондан<sup>13</sup> [у ерга] ўз хоҳиши билан йўл олди.<sup>14</sup>

## III

### ['Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз]

‘Усмон ибн ‘Аффон<sup>1</sup> халифа бўлганда, 28 [ҳижрий] йилда<sup>2</sup>, яна дейдиларки, 29 [ҳижрий] йилда<sup>3</sup> ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайзни<sup>4</sup> ал-Басрага<sup>5</sup> волий этиб тайинлади, у эса 25 ёшда эди. У Форс [вилояти]нинг<sup>6</sup> баъзи ерларини фатҳ этиб<sup>7</sup>, кейин 30 [ҳижрий] йилда<sup>8</sup> Хуросонга юриш қилди.<sup>9</sup> У ал-Басрада ўз ўрнига Зийод ибн Абу Суфйонни<sup>10</sup> қолдирди, олдинга эса ал-Аҳнаф ибн Қайсни<sup>11</sup>, [яна] дейдиларки, ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ибн Асмо’ ибн ас-Салт ибн Ҳабиб ас-Сулабийни<sup>12</sup> юборди, ва у [халифа ‘Умар билан тузилган] ат-Табасайн сулҳини тасдиқлади.<sup>13</sup>

Ибн ‘Омир ал-Аҳнаф ибн Қайсни Қуҳистонга<sup>14</sup> юборди.<sup>15</sup> Чунки у ат-Табасайнга энг яқин шаҳар<sup>16</sup> [қайси] деб сўраганида, [Қуҳистон] дедилар. [Йўлда] унга ал-Ҳайталлар<sup>17</sup> қарши чиқдилар, улар эса турклардир.<sup>18</sup> Яна дейдиларки, улар Форс [мамлакати] аҳлининг гуноҳкор бир қавмидир.<sup>19</sup> Файруз<sup>20</sup> уларни Ҳаротга<sup>21</sup> қувиб чиқарди ва улар турклар билан бирга [яшай] бошладилар ва Қуҳистон аҳлини қўллаб-қувватлар эдилар.<sup>22</sup> [ал-Аҳнаф] уларни мағлубиятга учратди ва Қуҳистонни куч билан фатҳ этди.<sup>23</sup> Яна дейдиларки, [ал-Аҳнаф] уларни ўзларининг қалъасида [бер-

кинишга] мажбур этди. Кейин Ибн ‘Омир етиб келди, улар сулх [тузиш]ни сўрадилар ва [Ибн ‘Омир] улар билан олти юз минг дирхамга сулх тузди.<sup>24</sup>

Му‘аммар ибн ал-Мусанно<sup>25</sup> деди: Қуҳистонга юборилган [одам] Умайр ибн Аҳмар ал-Йашкурий<sup>26</sup> эди, у [ер] ҳозиргача *бакр ибн во ‘ил*<sup>27</sup> [қабиласи] юртидир.

Ибн ‘Омир [яна] Йазид ибн ал-Жураший Абу Солим ибн Йазидни<sup>28</sup> Найсобур<sup>29</sup> [вилояти]га [қарашли] Зом<sup>30</sup> *рустоқи*га<sup>31</sup> юборди, ва [Йазид] уни куч билан фатҳ этди. У [яна] Найсобур [вилояти]га [қарашли] Бохарз<sup>32</sup> *рустоқини* фатҳ этди, шунингдек **(404)** Жувайн<sup>33</sup> [шаҳри]ни фатҳ этди ва [кўп] асир олди.<sup>34</sup>

Ибн ‘Омир [яна] *‘адий ар-рибоб*<sup>35</sup> [қабиласига мансуб] ал-Асвад ибн Кулсум ал-‘Адавийни<sup>36</sup> Найсобур [вилояти]га [қарашли] Байҳақ<sup>37</sup> *рустоқи*га юборди, у эса зоҳид<sup>38</sup> [одам] эди. У [шаҳар] аҳолиси [уйлари]дан бирининг деворидаги [бир] тешик орқали [шаҳар]га кирди, у билан бирга [бир] гуруҳ мусулмонлар [хам] кирдилар. Улар [шаҳарга кирган]дан [сўнг] душман ўша тешикни эгаллаб, [уларнинг йўлини тўсди]. ал-Асвад [душман билан] жангга киришди ва шериклари билан бирга ҳалок бўлди. Ундан кейин одамларга Адҳам ибн Кулсум<sup>39</sup> бошчилик қилди, у ғалаба қозонди ва Байҳақни фатҳ этди. ал-Асвад худодан унга [вахший] ҳайвонлар ва қушларнинг қоринларидан [қайта ҳаёт] бағишлашни сўраган эди. [Шунинг учун] укаси унинг [жасадини ерга] кўмади<sup>40</sup>, унинг ҳалок бўлган шериклари эса дафн этилдилар.

Ибн ‘Омир Найсобур [вилояти]га [қарашли] Бушт<sup>41</sup>, [шунингдек], Найсобур [вилояти]га [қарашли] Ашбанд<sup>42</sup>, Рухх<sup>43</sup>, Зоваҳ<sup>44</sup>, Хавоф<sup>45</sup>, Асбароин<sup>46</sup> ва Арғийон<sup>47</sup> [шаҳарлари]ни фатҳ этди. Сўнгра у Абаршаҳрга<sup>48</sup> келди, у эса Найсобур [вилояти]нинг [бош] шаҳридир, ва унинг аҳолисини [бир неча] ой [давомида] қамал қилди. [Шаҳар]нинг ҳар бир чорак [қисми]нинг<sup>49</sup> [алоҳида] бошқарувчиси бор эди. Ўша қисмлардан бирининг бошлиғи мусулмонларни шаҳарга киритиши эвазига [ўзи учун] омонлик<sup>50</sup> сўради. Унга [омонлик] берилди, у [араблар]ни кечаси [шаҳар]га киритди ва [араблар] дарвозани очдилар. [Абаршаҳр] *марзбони*<sup>51</sup> бир гуруҳ [одамлари] билан *ал-қуҳандиз*<sup>52</sup> [ичи]да истехком қурди. У бутун Найсобур номидан [маълум миқдорда] ўлпон<sup>53</sup> тўлови ҳақида [Ибн ‘Омир билан] сулх [тузиш] эвазига [ўзи учун]

омонлик сўради. [Ибн ‘Омир] у билан минг минг дирҳам<sup>54</sup>, яна айтадиларки, етти юз минг дирҳам [маблағ]га сулҳ тузди.<sup>55</sup>

[Ибн ‘Омир] Найсобурни фатҳ этгач, унинг волийси этиб Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламийни<sup>56</sup> тайинлади.

Ибн ‘Омир ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламийни Насо<sup>57</sup> [вилояти]га [қарашли] Хумрондиз<sup>58</sup> [номли] *рустоқ*га юборди ва [‘Абдуллоҳ ибн Хозим] уни фатҳ этди. Насо ҳукмдори<sup>59</sup> унинг олдига келди ва уч юз минг дирҳам [эвази]га сулҳ тузди. Яна дейдиларки, ерга хирож<sup>60</sup> [тўлови] юкланиши [эвази]га [‘Абдуллоҳ ибн Хозим] ҳеч кимни ўлдирмайди ва асирга олмайди [деб келишилди].<sup>61</sup>

Абивард<sup>62</sup> ҳукмдори Баҳмана<sup>63</sup> Ибн ‘Омир олдига келди ва тўрт юз минг [дирҳам]га сулҳ тузди<sup>64</sup>, яна дейдиларки, Ибн ‘Омир [Абивард] га ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни юборди ва у [Абивард] аҳли билан **(405)** тўрт юз минг дирҳамга сулҳ тузди.<sup>65</sup>

\*‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни Сарахсга<sup>66</sup> юборди ва [‘Абдуллоҳ ибн Хозим] унинг [аҳли] билан жанг қилди. [Сарахс] *марзбони* Зодавайх<sup>67</sup> юз кишига омонлик бериш ва [улар ўрнига] унга аёллар бериш ҳақида сулҳ [тузиш] ни сўради. Унинг қизи Ибн Хозимнинг қўлига тушди, у [қиз]ни ўзига олиб, унга Майсо’<sup>68</sup> деб исм қўйди. [Шундай қилиб] Ибн Хозим Сарахс ери [усти]дан ғалаба қозонди, яна айтадиларки, у [Зодавайх] билан юз кишига омонлик бериш ҳақида сулҳ тузди, [Зодавайх] унга юз [киши]ни санаб берди, лекин ўзини санаб ўтмади. [Ибн Хозим] уни ўлдирди ва Сарахсга куч билан кирди.<sup>69</sup>

\*Ибн Хозим Сарахсдан Шарик ибн ал-А‘варнинг<sup>70</sup> *мавлоси*<sup>71</sup> Йазид ибн Солимни<sup>72</sup> Кайф<sup>73</sup> ва Бина<sup>74</sup> [шаҳарлари]га юборди ва [Йазид ибн Солим] уларни фатҳ этди.<sup>75</sup>

Тус<sup>76</sup> *марзбони* Канозтак<sup>77</sup> Ибн ‘Омирнинг олдига келди ва у билан Тус учун олти юз минг дирҳамга сулҳ тузди.<sup>78</sup>

Ибн ‘Омир Ҳаротга Аус ибн Са‘лаба ибн Руқайй<sup>79</sup>, яна дейдиларки, Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафий<sup>80</sup> бошчилигидаги кўшинни юборди. Бу ҳақида [хабар] Ҳарот ҳокимига этиб борди, у Ибн ‘Омир олдига йўл олди ва у билан Ҳарот, Бодғис<sup>81</sup> ва Бушанж<sup>82</sup> номидан сулҳ тузди.<sup>83</sup> Тоғун<sup>84</sup> ва Боғун<sup>85</sup> [бу сулҳдан] ташқарида [қолган] эди, [шунинг учун] улар куч билан фатҳ этилди. Ибн ‘Омир унга [қуйидаги ҳужжатни] ёзиб берди:

\*“Би-сми-ллоҳ ар-рахмон ар-рахим.

Ушбу [хат] ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Ҳарот, Бушанж ва Бодғис ҳокимига амр этганидир. [‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир] унга Аллоҳга итоат қилишни, мусулмонларга яхши муносабатда бўлишни, қўли остидаги ерларга ишлов беришни амр этди, у билан Ҳарот, унинг текислик [ерлар]и ва тоғ[лар]и учун сулҳда белгиланган *жизйа*<sup>86</sup> ни [вақтида] тўлаш, уни [барча] ерларга адолат билан тақсимлаш ҳақида сулҳ тузди. Ким [қилиши] лозим бўлган ишдан бош тортса, унга [омонлик] кафолати ҳам, ҳимоя ҳам йўқ.

[Бу ҳужжатни] Раби‘ ибн Наҳшал<sup>87</sup> ёзди, [унга] Ибн ‘Омир муҳр қўйди”.<sup>88</sup>

Яна дейдиларки, Ибн ‘Омирнинг ўзи катта қўшин билан Ҳаротга борди ва унинг аҳли билан жанг қилди, кейин [Ҳарот] *марзбони* у билан Ҳарот, Бушанж ва Бодғис учун минг минг дирҳамга сулҳ тузди.<sup>89</sup>

Марв аш-Шоҳижон<sup>90</sup> *марзбони*<sup>91</sup> сулҳ [тузиш]ни сўраб, [чопар] юборди. Ибн ‘Омир Марвга Ҳотим ибн ан-Ну‘мон ал-Боҳийнийни<sup>92</sup> юборди ва [Ҳотим] у билан икки минг минг ва икки юз минг<sup>93</sup> дирҳамга, [яна] баъзилар дейдиларки, минг минг дирҳам ва икки юз минг *жариб*<sup>94</sup> буғдой ва арпага, [яна] баъзилар дейдиларки, минг минг ва юз минг *уққийа*<sup>95</sup> [дон]га сулҳ тузди.<sup>96</sup>

Сулҳдаги [шартга] кўра, улар ўз уйларида мусулмонлар учун жой ажратиши<sup>97</sup>, [тўланадиган ўлпон] маблағини [ўзаро] тақсимлаши (406), мусулмонлар [эса] фақат уни [қабул қилиб] олиши лозим [эди]. Марв [вилояти]нинг ҳаммаси сулҳ билан [ишғол этилди], фақат у ердаги ас-Синж<sup>98</sup> номли қишлоқ [бундан] истисно эди, у куч билан олинди.<sup>99</sup>

Абу ‘Убайда деди: “[Ҳотим ибн ан-Ну‘мон] у билан ёш қизлар, болалар, отлар ва матолар [бериш]га сулҳ тузди, [чунки] у вақтда одамларда пул йўқ эди.<sup>100</sup> [Кейинчалик ҳам] ҳамма хирож [тўловлари] шундай [тўланар] эди. Йазид ибн Му‘овийа<sup>101</sup> ҳокимиятга келганда, уни пулга алмаштирди”.<sup>102</sup>

‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ал-Аҳнаф ибн Қайсни Тўхористон<sup>103</sup> томонга юборди.<sup>104</sup> \*У [кейинчалик] Қаср ал-Аҳнаф<sup>105</sup> деб аталган ерга [етиб] келди, бу эса Марв ар-Руд<sup>106</sup> [вилояти] даги [бир] қалъа бўлиб, унинг Рустоқ ал-Аҳнаф<sup>107</sup> деган катта *рустоқи* бор, у Шаққ ал-Журад<sup>108</sup> деб [ҳам] аталади. [ал-Аҳнаф] унинг аҳлини

қамал қилди ва улар [ал-Аҳнаф билан] уч юз минг [дирҳам]га сулҳ туздилар. ал-Аҳнаф [уларга] деди: “Мен сизлар билан [шу шарт билан] сулҳ тузаманки, бизлардан бир киши [шу] қасрга кириб, унда азон айтади ва сизлар билан [бир кеча] қолиб, [кейин] кетади”. Улар рози бўлдилар. Сулҳ [шу] *рустоқ*нинг ҳаммаси учун [тузилган] эди.<sup>109</sup>

[Кейин] ал-Аҳнаф Марв ар-Рудга борди ва унинг аҳлини қамал қилди. Улар [ал-Аҳнаф] билан шиддатли жанг олиб бордилар. Мусулмонлар уларни мағлубиятга учратдилар ва қалъада [беркиниш]га мажбур қилдилар. [Марв ар-Руд] *марзбони*<sup>110</sup> ал-Йаман<sup>111</sup> ҳукмдори Бодомнинг<sup>112</sup> авлоди ёки унинг қариндоши эди. У ал-Аҳнафга: “Мени сулҳ [тузиш]га Бодомнинг ислом [дини]ни қабул қилиши ундади”, деб ёзди. [ал-Аҳнаф] у билан олти миш минг [дирҳам] га сулҳ тузди.<sup>113</sup>

ал-Мадоиний<sup>114</sup> деди: [баъзи] одамлар дейдиларки, [сулҳ] олти юз минг [дирҳамга тузилди].

ал-Аҳнафнинг отлик [аскар]лари бор эди. [Улар] юриш қилиб, Бағ<sup>115</sup> номли *рустоқ*ни [қўлга] олдилар ва у ердан [қўй ва] молларни ҳайдаб кетдилар. Шундан кейин сулҳ тузилди.

Абу ‘Убайда деди: ал-Аҳнаф Марв ар-Руд аҳли билан [бир неча] марта жанг қилди, кейин у шерикларига қозонда [овқат] пишираётган ёки хамир қориётган [бир] киши ёнидан ўтганда, унинг: “Биз амир<sup>116</sup> нинг улар билан бир томонда – дара ичида жанг қилишини истардик” деганини эшитди. [ал-Аҳнаф] ўзига деди: “Бу кишининг айтгани тўғри”.

[Кейин] у [душман билан] жангга киришди, ал-Мурғоб<sup>117</sup> [дарёси] унинг ўнг томонида, тоғ эса чап томонида эди. ал-Мурғоб – Марв ар-Руд [вилояти]дан оқиб ўтувчи дарё [бўлиб], кейин у кумга сингиб кетади, кейин Марв аш-Шоҳижон ёнида [яна ердан] чиқади.<sup>118</sup> [ал-Аҳнаф] уларни ва улар билан бирга бўлган туркларни<sup>119</sup> мағлубиятга учратди. Кейин улар [ўзларига] омонлик сўрадилар ва [ал-Аҳнаф] улар билан сулҳ тузди.

Абу ‘Убайдадан бошқа [бир ровий] деди: Тўхористон аҳолиси мусулмонларга [қарши қўшин] тўпладилар, ал-Жузжон,<sup>120</sup> ат-Толақон,<sup>121</sup> ал-Форйоб<sup>122</sup> **(407)** ва уларнинг атрофларидаги аҳоли бирлашдилар ва уларнинг [сони] ўттиз мингга етди. Уларга ас-Сағонийон<sup>123</sup> аҳолиси келиб [қўшилди]. Улар [Жайхун] дарёси-

нинг шарқ томонида [жойлашганлар]. ал-Аҳнаф ўзининг қасрига<sup>124</sup> қайтиб келди, унинг аҳолиси [ал-Аҳнаф]га содиқ эди. [ал-Аҳнаф] кечаси [кўчага] чиқди ва [бир] чодир [ичи]даги одамларнинг [ўзаро] суҳбатини эшитиб [қолди]. [Бир] киши айтаётган [эди]ки, “Амир уларнинг олдига [ўзи қарши] чиқиб, уларни учратган ерда улар билан жанг қилса, тўғри [бўлади]”. Хазир тагига олов ёқаётган ёки [хамир] қориётган киши [эса] деди: “Бу тўғри эмас, лекин у ал-Мурғоб ва тоғ орасида турса, ал-Мурғоб унинг ўнг томонида, тоғ эса чап томонида бўлса, тўғри бўлади. Агар душманнинг [сони] кўпайса ҳам, у уларнинг фақат ўз аскарларига тенг сони билан тўқнашади”.

[ал-Аҳнаф] буни тўғри деб топди ва шундай қилди. \*Унинг [кўшини] беш минг мусулмон [аскарлари]дан [иборат] эди, [улардан] тўрт минг [киши] араблар, минг [киши эса] ал-‘Ажам<sup>125</sup> мусулмонлари [эди].<sup>126</sup> Улар жангга киришдилар. [ал-Аҳнаф] байроғини хилпиратди ва ҳамла қилди, [улар ҳам] ҳамла қилдилар. ас-Сағонийон подшоҳи<sup>127</sup> ал-Аҳнафга яқинлашди ва унга найза билан ўқталди. ал-Аҳнаф унинг қўлидан найзани тортиб олди ва шиддат билан жангга киришди. У ноғоралар [чалган] лардан уч [киши]ни ўлдирди, у [душман]лар [ичи]дан ноғорачини<sup>128</sup> махсус [қидириб] топар ва уни ўлдирад эди. Кейин Аллоҳ кофирларнинг юзини тескари қилди, мусулмонлар уларни тезлик билан ўлдирдилар ва уларга [ўзлари] истаганича қурол ишлатдилар.<sup>129</sup> [Кейин] ал-Аҳнаф Марв ар-Рудга қайтди.<sup>130</sup>

\*Душманларнинг бир қисми ал-Жузжонга қочди. ал-Аҳнаф уларнинг кетидан ал-Акра‘ ибн Ҳобис ат-Тамимий<sup>131</sup> [бошчилиги]даги отлиқларни юборди ва [уларга] деди: “Эй, *тамим*<sup>132</sup> [қабиласи]нинг ўғлонлари. Бир-бирингиз билан иноқ бўлинг ва қўллаб-қувватланг, [шунда] ишларингиз ўнгидан келади. Нафсингиз ва [зинога] истакларингизга қарши тўхтовсиз *жиҳод*<sup>133</sup> олиб боринг, [бунда] сизга динингиз кўмакдошдир. [Фойда] кетидан қувманг, [бунда] сизга *жиҳод*нинг эрдამчидир”.

ал-Акра‘ [йўлга] чиқди ва душман билан ал-Жузжонда тўқнашди. [Дастлаб] мусулмонлар чекиндилар, кейин қайта [хужум] қилдилар, кофирларни мағлубиятга учратдилар ва ал-Жузжонни куч билан фатҳ этдилар.

Ибн ал-Ғурайза ан-Наҳшалий<sup>134</sup> деди:



Булутлар [уча] бошлаганда, ёмғирнинг [суви]  
ал-Жузжонда ўспиринларнинг қони тўкилган ерни ювди,  
[Кейин] Хуф<sup>135</sup> *рустоқи*даги ал-Қасрайнга<sup>136</sup> [борди],  
У ерда икки кал [одам] уларнинг кунига яради.  
ал-Аҳнаф сулҳ [йўли] билан ат-Толақонни фатҳ этди, ал-Фор-  
йобни [хам] у фатҳ этди. Яна дейдиларки, лекин [ал-Форйоб]ни  
Умайр ибн (408) Аҳмар фатҳ этди.<sup>137</sup>

Кейин ал-Аҳнаф Балхга<sup>138</sup> юрди, у эса Тухоро<sup>139</sup> [вилояти]-  
нинг [бош] шахридир. [ал-Аҳнаф] унинг аҳолиси билан тўрт юз  
минг<sup>140</sup> [дирҳам]га, яна дейдиларки, етти юз минг [дирҳам]га  
сулҳ тузди, бу [эса] тўғрироқдир. [ал-Аҳнаф] Балхга Асид ибн ал-  
Муташаммисни<sup>141</sup> [‘омил] этиб тайинлади, кейин Хоразмга<sup>142</sup> йўл  
олди, унинг эса ҳамма [ерлар] и [Жайхун] дарёси<sup>143</sup> [суви]дан су-  
ғорилади, унинг [бош] шахри<sup>144</sup> [дарё]нинг шарқ [томони]да  
[жойлашган]. [ал-Аҳнаф] уни енга олмади<sup>145</sup> ва Балхга [қайтиб]  
кетди. Асид [Балх] нинг [аҳли] дан сулҳ [да келишилган маблағ]-  
ни йиғиб бўлган эди.<sup>146</sup>

Абу ‘Убайда деди: Ибн ‘Омир [Жайхун] дарёсидан пастдаги  
[ер]ларни<sup>147</sup> фатҳ этди. Мовароуннахр<sup>148</sup> аҳли бу ҳақида эшит-  
ганда, ундан улар билан [хам] сулҳ тузишини сўраб [одам юбор-  
ди]лар ва у [шундай] қилди. Дейдиларки, у [Жайхун] дарёсидан  
кечиб ўтиб, ҳар бир ерга [ўзи] борди, яна дейдиларки, улар[нинг  
ўзлари] унинг олдига келиб, у билан сулҳ туздилар. У [сулҳда ке-  
лишилган]ларни олиш учун [одам] юборди. Унга [улардан] от-  
лар, болалар, ёш қизлар, ипак ва кийимлар келди. Кейин [Ибн  
‘Омир] Аллоҳга шукр қилиб, *ихром*<sup>149</sup> кийди. [Абу ‘Убайда] дан  
бошқа ҳеч ким [Ибн ‘Омир] нинг [Жайхун] дарёсидан кечиб ўт-  
гани ва шарқий томон аҳолиси билан сулҳ тузгани ҳақида хабар  
бермайди.<sup>150</sup>

Дедиларки, [Ибн ‘Омир] *умра*<sup>151</sup> [зиёрати]га борди ва [хали-  
фа] ‘Усмон [хузури]га келди. [Хуросонда] ўзининг ўрнига Қайс  
ибн ал-Ҳайсамни қолдирди. [Ибн ‘Омир] кетгандан кейин Қайс  
Тўхористон ерига юриш қилди.<sup>152</sup> У қайси шаҳарга бормасин,  
унинг аҳли у билан сулҳ тузар ва унга тобе бўлар эди. Лекин у  
Симинжонга<sup>153</sup> келганда, [шаҳар аҳли] унга қаршилик кўрсатди.  
[Қайс] уларни қамал қилди ва [шаҳар]ни куч билан фатҳ этди.<sup>154</sup>

Яна дейдиларки, Ибн ‘Омир [ўз ўрнига] Хуросонда уч [киши]-ни тайинлади: ал-Аҳнаф ибн Қайс, Ҳотим ибн ан-Ну‘мон ал-Бохилий ва Қайс ибн ал-Ҳайсам.<sup>155</sup> [Лекин] биринчиси тўғрироқдир.<sup>156</sup>

Кейин Ибн Хозим Ибн ‘Омир номидан [қалбаки] ҳужжат тайёрлаб, Хуросонда ҳукм сурди. У ерда [унга қарши] туркларнинг [турли] гуруҳлари бирлашдилар. [Ибн Хозим] уларни тарқатиб юборди.<sup>157</sup> Кейин у [халифа] ‘Усмоннинг ўлдирилишидан олдин<sup>158</sup> ал-Басрага кетди.

ал-Ҳусайн ибн ал-Асвад менга сўзлаб бериб, деди: “Ваки‘ ибн ал-Жарроҳ [бизга] Ибн ‘Авн [сўзи]дан, [у эса] Муҳаммад ибн Сириин [сўзи]дан дедикки, [халифа] ‘Усмон ибн ‘Аффон [Жайхун] дарёси ортидаги [подшоҳ]лар билан шартнома тузди”.<sup>159</sup>

#### IV

#### [Жа‘да ибн Ҳубайра ал-Махзумий]

Дедиларки, Марв *марзбони* Моҳавайҳ [халифа] ‘Али ибн Абу Толиб<sup>1</sup> ҳукмронлиги [даври]да унинг [хузури]га келди<sup>2</sup>, у эса ал-Куфада<sup>3</sup> эди. [Халифа] унга [Марвдаги] дехқонлар<sup>4</sup>, суворийлар<sup>5</sup> ва қишлоқ оқсоқоллари<sup>6</sup> [унга] *жизйа* тўлашлари ҳақида [мактуб] ёзиб берди. Хуросонда [араб]ларга қарши кўзғолон кўтарилди. [Халифа] Жа‘да ибн Ҳубайра ал-Махзумийни<sup>7</sup> [Хуросонга] юборди (409), унинг онаси Абу Толибнинг<sup>8</sup> қизи Умм Ҳони<sup>9</sup> эди. У Хуросонни фатҳ эта олмади.<sup>10</sup> Хуросон [халифа] ‘Алининг ўлдирилишига қадар фитна [оғуши]да эди.<sup>11</sup>

#### V

#### [‘Абд ар-Раҳмон ибн Абзо]

Абу ‘Убайда деди: [Халифа] ‘Али [даврида] Хуросоннинг биринчи ‘*омили*<sup>1</sup> *хузо ‘а*<sup>2</sup> [қабиласи]нинг *мавлоси* ‘Абд ар-Раҳмон ибн Абзо<sup>3</sup> [эди], кейин Жа‘да ибн Ҳубайра ибн Абу Ваҳб ибн ‘Амр ибн ‘О‘из ибн ‘Имрон ибн Махзум [бўлди].<sup>4</sup>

## VI

### [Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламий]

Дедилар: [Халифа] Му‘овийа ибн Абу Суфйон<sup>1</sup> Хуросонга Қайс ибн ал-Ҳайсам ибн Қайс ибн ас-Салт ас-Суламийни *‘омил* этиб тайинлади.<sup>2</sup> У [сулҳ шартларини] бузганларга қаршилик қилмас ва [фақат] сулҳга риоя қилганлардан [келишилган пулларни] йиғар эди. У [Хуросон]да [бир] йил ёки шунга яқин [вақт давомида *‘омил*] бўлди. Кейин [халифа] уни [вазифасидан] четлатди ва [унинг ўрнига] Холид ибн ал-Му‘аммарни<sup>3</sup> тайинлади, [лекин] у Қаср Муқотил<sup>4</sup> ёки ‘Айн ат-Тамрда<sup>5</sup> вафот этди.

Яна дейдиларки, Му‘овийа уни [*‘омил* этиб] тайинлаганига [кейин] афсусланди ва унга захарланган кийим юборди. Яна дейдиларки, унинг оёғига шиша [бўлаги] кирди ва у [кўп] қон йўқотганидан ўлди.

## VII

### [‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз]

Кейин Му‘овийа ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирга ал-Басрага Хуросонни ҳам қўшиб берди. Ибн ‘Омир Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламийни Хуросонга [волий] этиб тайинлади.<sup>1</sup> [Ундан олдин] Бодғис, Ҳарот, Бушанж ва Балх аҳолиси [сулҳ шартларини] бузган эдилар. [Қайс] Балхга борди ва унинг Навбахор<sup>2</sup> [номли ибодатхонаси]ни вайрон қилди. Бу [иш]ни *ал-лайс*<sup>3</sup> қабиласининг *мавлоси* ‘Ато’ ибн ас-Со’иб<sup>4</sup> бошқарди. У кўпол [одам] эди, шунинг учун уни ‘Ато’ ал-Хашал<sup>5</sup> деб атаганлар. У Балхдан [бир] *фарсах*<sup>6</sup> [масофа]да [оқувчи] учта дарёда<sup>7</sup> кўприклар қурдирди, [шунинг учун улар] Қанотир ‘Ато’<sup>8</sup> деб аталган.

Кейин Балх аҳолиси [Қайсдан] сулҳ тузишни сўраб, [унга] итоатга қайтдилар. Қайс улар билан сулҳ тузди. Кейин у Ибн ‘Омир [олди]га борди. [Ибн ‘Омир] унга юз [дарра] уришни [буйурди] ва [уни] ҳибсга олди.<sup>9</sup>

[Ибн ‘Омир] ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни [*‘омил*] этиб тайинлади.<sup>10</sup> \*Ҳарот, Бушанж ва Бодғис аҳолиси унга [одам] юбориб, омонлик ва сулҳ тузишни сўрадилар. [Ибн Хозим] улар билан сулҳ тузди ва [олинган] пулни Ибн ‘Омирга етказди.<sup>11</sup>

## VIII [Зийод ибн Абу Суфйон]

Зийод ибн Абу Суфйон 45 [ҳижрий]<sup>1</sup> йилда ал-Басра [волийси] этиб тайинланди.<sup>2</sup> У Умайр ибн Аҳмарни Марвга, Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафийни Абаршаҳрга, Қайс ибн ал-Ҳайсамни Марв ар-Руд, ат-Толиқон ва ал-Форйобга, *ал-азд*<sup>3</sup> [қабиласи] дан Нофи‘ ибн Холид ат-Тоҳийни<sup>4</sup> Ҳарот, Бодғис, Бушанж ва Анворонга<sup>5</sup> [қарашли] Қодисга<sup>6</sup> [волий] этиб тайинлади. Умайр биринчи бўлиб (410) Марвга арабларни кўчириб келган [волий] эди.<sup>7</sup>

## IX [ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий]

Кейин Зийод [ибн Абу Суфйон] ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорийни<sup>1</sup> [Хуросонга волий] этиб тайинлади. У [эса] тақводор [одам] ва саҳобалардан<sup>2</sup> эди. Бир куни [Зийод] ўзининг Фил<sup>3</sup> [исмли] ҳожибига<sup>4</sup> деди: “Менга ал-Ҳакамни келтир”. У ал-Ҳакам ибн Абу-л-‘Осий ас-Сақафийни<sup>5</sup> назарда тутган [эди]. [Зийод] нинг [хотини] Умм ‘Абдуллоҳ [эса] ‘Усмон ибн Абу-л-‘Осийнинг<sup>6</sup> қизи эди. [Фил] ал-Ҳакам ибн ‘Амрни [бошлаб] келди. [Зийод] уни кўрганда, [Аллоҳ] га шукр қилди ва [ичида] деди: “Тақводор одам [экан], [пайғамбаримиз] Расулуллоҳ (*солла-л-лоҳу ‘алайҳи ва саллам*) нинг саҳобаларидан [экан]”, ва уни Хуросонга [волий] этиб тайинлади.<sup>7</sup>

[ал-Ҳакам] у ерда 50 [ҳижрий]<sup>8</sup> йилда вафот этди.<sup>9</sup> ал-Ҳакам [Жайхун] дарёсининг ортида намоз ўқиган биринчи [мусулмон] эди.<sup>10</sup>

Менга Абу ‘Абд ар-Раҳмон ал-Жу‘фий сўзлаб бериб, деди: “Мен ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборакнинг<sup>11</sup> ас-Сағонийон аҳлидан [бўлган] биз билан [бирга] ҳадис<sup>12</sup> ўрганган бир кишига [шундай] деганини эшитдим: “Сен мамлакатингни ким фатҳ этганини биласанми”. У деди: “Йўқ”. [‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборак] деди: “ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий фатҳ этган”.<sup>13</sup>

## Х

### [ар-Раби‘ ибн Зийод ал-Хорисий]

Кейин Зийод ибн Абу Суфйон 51 [ҳижрий]<sup>1</sup> йилда ар-Раби‘ ибн Зийод ал-Хорисийни<sup>2</sup> Хуросон [волий]си этиб тайинлади<sup>3</sup> ва у билан бирга иккала шаҳар<sup>4</sup> аҳлидан эллик мингга яқин [мусулмонлар]ни оилалари билан [Хуросонга] кўчирди.<sup>5</sup> Улар орасида Абу ‘Абдуллоҳ Бурайда ибн ал-Хусайб ал-Асламий<sup>6</sup> [ҳам] бор эди. [У] Йазид ибн Му‘овийа<sup>7</sup> [ҳукмронлиги] даврида Марвда вафот этди.<sup>8</sup> Улар орасида яна Абу Барза ‘Абдуллоҳ ибн Надла ал-Асламий<sup>9</sup> [ҳам] бор эди ва [Марв] да вафот этди.<sup>10</sup> [ар-Раби‘ ибн Зийод] уларни [Жайхун] дарёсидан пастдаги [ерлар]га жойлаштирди.<sup>11</sup>

ар-Раби‘ биринчи бўлиб аскарларга [ҳамма] харажатларни биргаликда қоплашга буйруқ берди.<sup>12</sup> [ар-Раби‘] Хужр ибн ‘Адий ал-Киндийнинг<sup>13</sup> қатл этилгани ҳақида эшитганда, бу [хабар] уни [чуқур] қайғуга солди ва у [худодан ўзига] ўлим сўради. Шу кундан [бошлаб] у ҳасталана [бошла]ди ва ўлди.<sup>14</sup> Бу [воқеа] 53 [ҳижрий]<sup>15</sup> йилда [юз берди].

Унинг ўғли ‘Абдуллоҳ<sup>16</sup> унинг ўрнини эгаллади. У Омул, бу эса Омуйя<sup>17</sup>, ва Замм<sup>18</sup> аҳолиси билан жанг қилди.<sup>19</sup> Кейин улар билан сулҳ тузиб, Марвга қайтди ва у ерда икки ой тургандан кейин ўлди.<sup>20</sup>

## ХІ

### [‘Убайдуллоҳ ибн Зийод]

Зийод [ҳам] ўлди<sup>1</sup> ва [халифа] Му‘овийа Хуросонга ‘Убайдуллоҳ ибн Зийодни<sup>2</sup> [‘омил] этиб тайинлади, у 25 ёшда эди.<sup>3</sup> У йигирма тўрт минг<sup>4</sup> [аскар] билан [Жайхун] дарёсини кечиб ўтди<sup>5</sup> ва Байкандга<sup>6</sup> келди. Хотун<sup>7</sup> [бу вақтда] Бухоро шаҳрида<sup>8</sup> эди. У туркларга [одам] юбориб, улардан ёрдам сўради. Унга [турклар]дан катта [қўшин] келди. Мусулмонлар улар билан тўқнашиб, мағлубиятга учратдилар ва аскарларини [асирга] олдилар.<sup>9</sup> Мусулмонлар [йўлда ҳамма ёқни] вайрон қилиб ва ўт қўйиб олға юрдилар<sup>10</sup>. Хотун сулҳ тузиш ва омонлик [бериш]ни сўраб уларга [одам] юборди. У [Хотун] билан минг минг<sup>11</sup> [дирҳам]га сулҳ

тузди. [‘Убайдуллоҳ] шаҳарга кирди ва Ромдин<sup>12</sup> ва Байканд [шаҳарлари] ни фатҳ этди, улар орасидаги [масофа] икки *фарсах* [эди]. Ромдин Байкандга қарашли [шаҳар эди].<sup>13</sup>

Яна дейдиларки, у ас-Сағонийонни [ҳам] фатҳ этди.<sup>14</sup> У билан бирга ал-Басрага (411) бир гуруҳ Бухоро аҳли келди ва [‘Убайдуллоҳ] уларга [маош] белгилади.<sup>15</sup>

## ХII

### [Са‘ид ибн ‘Усмон ибн ‘Аффон]

Кейин [халифа] Му‘овийа Са‘ид ибн ‘Усмон ибн ‘Аффонни<sup>1</sup> Хуросонга [волий] этиб тайинлади<sup>2</sup> ва у [Жайхун] дарёсидан [кечиб] ўтди<sup>3</sup>. У [Жайхун] дарёсидан қўшин билан [кечиб] ўтган биринчи [саркарда] эди.<sup>4</sup> У билан бирга Руфай‘ Абу-л-‘Олийа ар-Рийоҳий<sup>5</sup> [бор] эди, у *бану рийоҳ*<sup>6</sup> [қабиласи]дан [бўлган бир] аёлнинг *мавлоси* [эди]. [Са‘ид] деди: “Руфай‘ Абу-л-‘Олийа – бу баланд мартаба ва юксаклик [демак]дир”.<sup>7</sup>

Хотун унинг [Жайхун] дарёсидан кечиб ўтгани ҳақида [хабар] топганда, унга сулҳда [келишилган пул]ни келтирди. [Шу вақт] ас-Суғд<sup>8</sup> аҳли, турклар, Кишш<sup>9</sup> ва Насаф<sup>10</sup>, бу эса Нахшаб, аҳли бир юз йигирма минг<sup>11</sup> [аскар] билан Са‘идга қарши чиқдилар ва [улар] Бухорода тўқнашдилар.<sup>12</sup> Хотун [унга] солиқни тўлаганига афсусланди ва шартномани бузди.<sup>13</sup> Мазкур бирлашган [қўшин] даги [бир] одамнинг қули келди ва у ўзининг [одамлари] билан жўнаб кетди<sup>14</sup>, қолганлар эса мағлуб бўлдилар. Хотун бундай [ҳол]ни кўргач, [Са‘ид] га гаровга [одамлар] берди ва [у билан] қайта сулҳ тузди. Са‘ид Бухоро шаҳрига кирди.<sup>15</sup>

Кейин Са‘ид ибн ‘Усмон Самарқандга<sup>16</sup> юриш қилди. [Бунда] унга Хотун билан Бухоро аҳли ёрдам бердилар. [Са‘ид] Самарқанд дарвозаси ёнида тўхтади ва [шаҳар]ни фатҳ этмасдан ва унинг *қуҳандизини* [қўлга] олмасдан [бу ердан] кетмасликка қасам ичди. У [Самарқанд] аҳли билан уч кун жанг қилди. Энг шиддатли жанг учинчи куни бўлиб, [унда] у [бир] кўзидан айрилди.<sup>17</sup> [Бу жангда] ал-Муҳаллаб ибн Абу Суффра<sup>18</sup> [ҳам] кўзидан [айрилди]. Яна дейдиларки, ал-Муҳаллаб кўзидан ат-Толақон [жанги]да айрилган. Кейин душман шаҳар [ичида беркиниш]га мажбур бўлди.<sup>19</sup> Улар орасида ярадорлар кўп эди. [Са‘ид]нинг олдига [бир]

одам келиб, унга подшоҳлар ва аслзодаларнинг ўғиллари [беркинган] қасрни кўрсатди. [Са‘ид] у ерга бориб, уларни қамал қилди. Шаҳар аҳли унинг қасрни куч билан эгаллаб, ундаги [бола]-ларни ўлдиришидан кўрқдилар ва сулҳ тузишни сўрадилар. [Са‘ид] улар билан етти юз минг дирҳам [тўлаш], унга аслзодаларнинг ўғилларини гаровга бериш, [мусулмонлардан] истаганларнинг шаҳарга кириши ва бошқа дарвозадан чиқиб кетиши [шартлари] билан сулҳ тузди. Улар ўз аслзодаларининг ўғилларидан ўн беш [нафари], яна дейдиларки, қирқ [нафари], яна дейдиларки, саксон [нафари]ни [Са‘ид]га бердилар.<sup>20</sup> [Са‘ид] қўҳандизни [ўққа] тутди ва тош унинг дарчасига тикилди.<sup>21</sup> Кейин у [шаҳарни] тарк этди.

[Са‘ид] ат-Тирмизда<sup>22</sup> бўлганида, Хотун унга сулҳда [келишилган солиқни] келтирди. У ат-Тирмиз [ёни]да қолиб, уни сулҳ йўли билан фатҳ этди.<sup>23</sup> Кейинчалик ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий ўлдирилганда<sup>24</sup>, унинг Мусо<sup>25</sup> [исмли] ўғли [паноҳ излаб] ат-Тирмиз подшоҳининг [олди]га келди. [Подшоҳ] уни [яхши] қабул қилди ва [ўз ҳимояси] остига олди. [Мусо] билан бирга [унинг] одамлари [хам] бор эди. [Мусо подшоҳни ат-Тирмиз]дан ҳайдаб юбориб, [шаҳар]ни қўлга олди. **(412)** У [халифага] муҳолиф эди ва ўлдирилгандан [кейин], [ат-Тирмиз] волийлар қўлига ўтди. Кейин [ат-Тирмиз] аҳли [арабларга қарши] исён кўтарди ва Қутайба ибн Муслим<sup>26</sup> уни [қайта] фатҳ этди.<sup>27</sup>

Молик ибн ар-Райб<sup>28</sup> Са‘ид ҳақида [шундай] дейди:

Қаттиқ шамол турди, барглари тўкди

Яшил шувоқ новдалари сарғайди

Йўлга чиқ, худо сенга ёр бўлсин, бизнинг ўлжамизни

ат-Тирмизда шамол ўйнатган қорга айланторма

Қиш душмандир, биз у билан жанг қилмаймиз

Ортга қайт, худо сенга ёр бўлсин, иссиқ кийим ҳозирдир.

Яна дейдиларки, бу байтлар Наҳор ибн Тавси‘а<sup>29</sup> [қаламига] мансуб бўлиб, Қутайбага бағишланган. Улар [қуйидагича] бошланади:

Хуросонда Йазид<sup>30</sup> ҳукм сурганда

Хайрли ишларнинг ҳамма эшиклари очик эди.

Унинг ўрнига тўймас Қутайба келди

Унинг юзи худди сирка билан ювилгандай.

Қусам ибн ал-‘Аббос ибн ‘Абд ал-Мутталиб<sup>31</sup> Са‘ид ибн ‘Усмон билан бирга эди ва Самарқандда вафот этди, яна дейдиларки, у [Самарқанд]да шахид бўлди.<sup>32</sup> ‘Абдуллоҳ ибн ал-‘Аббос<sup>33</sup> унинг вафоти ҳақида [хабар] топганда, “Унинг туғилган ери билан дафн этилган ери орасида қанчалик катта масофа”<sup>34</sup> деди ва намоз ўқишга тайёрланди. Ундан сўрадилар: “Бунинг [маъноси] нима?” Сиз эшитмаганмисиз, Аллоҳ дейдики: “Сабр ва намозда нажот изланг. Албатта, бу катта [синов]дир, [фақат] итоат этувчилар [бундан] истиснодир”.<sup>35</sup>

‘Абдуллоҳ ибн Солиҳ менга Шарик [сўзи]дан, [у эса] Жобир [сўзи]дан, [у эса] аш-Ша‘бий<sup>36</sup> [сўзи]дан сўзлаб, деди: “Қусам Са‘ид ибн ‘Усмоннинг олдига Хуросонга келди. Са‘ид унга деди: “Мен сенга ўлжадан минг улуш<sup>37</sup> бераман”. [Қусам] деди: “Йўқ, менга [бир] улуш, отимга [бир] улуш берсанг [кифоя]”.<sup>38</sup>

У [яна] деди: “Са‘ид ас-Суғдда гаровга олган [одамлар] билан жўнаб кетди. У улар билан [бирга] ал-Мадинага етиб келди, уларнинг [устидан] кийимларини ва камарларини [ечишни буюриб], ўзининг *мавл*оларига берди, уларнинг [усти]га [эса] жун *жубба*<sup>39</sup> ларни кийдириб, [ерларни] суғориш ва [оғир] ишларни [қилиш] га мажбур қилди”. [Бир куни] улар унинг [уйига] кириб, уни уриб [ўлдирди]лар, кейин [эса] ўзларини ўлдирдилар.<sup>40</sup>

Молик ибн ар-Райб Са‘ид ҳақида [шундай] дейди:

Сен ас-Суғд [жанги] куни кўрқувдан тинмай титраб турдинг  
Мен ҳатто сени насронийликни [қабул қиласан] деб кўрқдим.

Холид ибн ‘Уқба ибн Абу Му‘айт<sup>41</sup> деди:

**(413)** ‘Ажамлар қатл этган Са‘ид ибн ‘Усмон

Кўнгли яхши одам ва [яхши] ота эмасмиди,  
Агар замон Са‘иднинг умри давом этишини истамаган бўлса,  
Тақдирдан саломат қолган одам ким экан.

Са‘ид Хуросон хирожини [тақсимлашда] шеригини алдаган ва ундан [йиғилган] пулларни олган эди. Му‘овийа [унга] одам юборди, у [Са‘ид]ни Хулвонда<sup>42</sup> кутиб олди ва пулларни ундан олди. Унинг шериги Аслам ибн Зур‘а<sup>43</sup>, яна дейдиларки, Исҳоқ ибн Талха ибн ‘Убайдуллоҳ<sup>44</sup> эди. Му‘овийа Са‘ид уни [тахтдан] ағдаришидан хавфсирар эди<sup>45</sup>, шунинг учун уни тезроқ [вазифасидан] четлатди.



### ХIII

#### [‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод]

Кейин Му‘овийа ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийодни<sup>1</sup> Хуросон [волийси] этиб тайинлади.<sup>2</sup> У *шариф*<sup>3</sup> эди. Му‘овийа вафот этди<sup>4</sup>, [‘Абд ар-Раҳмон] эса [Хуросон волийси] эди.<sup>5</sup>

### ХIV

#### [Салм ибн Зийод]

Кейин Йазид ибн Му‘овийа Салм ибн Зийодни<sup>1</sup> [Хуросон волийси] этиб тайинлади.<sup>2</sup>

Хоразм аҳли у билан тўрт юз минг [дирҳам]га сулҳ туздилар ва [пул]ни унга келтирдилар.<sup>3</sup>

[Салм] дарёдан [кечиб] ўтди<sup>4</sup>, у билан бирга унинг аёли Умм Муҳаммад бинт ‘Абдуллоҳ ибн ‘Усмон ибн Абу-л-‘Осий ас-Сақафий<sup>5</sup> [ҳам бор эди]. У [Жайхун] дарёсини кечиб ўтган биринчи араб аёли эди. [Салм] Самарқандга келди. [Шаҳар] аҳли унга минг [киши учун] гаров [пули] берди.<sup>6</sup> [Шу ерда] унинг [хотини] ўғил туғди ва [Салм] унга ас-Суғдий деб исм қўйди. Унинг хотини ас-Суғд подшоҳининг хотинидан унинг тақинчоғини қарзга олди, [лекин] у [ваъда]сини бузди ва уни [ўзи] билан олиб кетди<sup>7</sup>.

\*Салм ибн Зийод ас-Суғдда [турган]да Хужандага<sup>8</sup> қўшин юборди.<sup>9</sup> Улар орасида А‘шо Ҳамдон<sup>10</sup> бор эди. Улар мағлуб бўлдилар ва А‘шо деди:

Менинг отлиқларим ал-Хужанда [жанги] кунида мағлуб бўлмаганда эди,

Мен макр [ичида] талон-тарож [этилганча] қолдим.

Қушлар мен ўлдирилган ерга тўпланмоқда,

Мен Аллоҳ [хузури]га қонга беланганимча қайтдим.

Кейин Салм Марвга қайтди, сўнгра у ердан [яна] урушга чиқди, [Жайхун] дарёсини [кечиб] ўтди ва Бандун ас-Суғдийни<sup>11</sup> ўлдирди. ас-Суғд [аҳли] унга [қарши] бирлашган эди ва [Салм] улар билан жанг қилди.<sup>12</sup>

Йазид ибн Му‘овийа вафот этганда<sup>13</sup>, одамлар Салмга қарши чикдилар ва дедилар: “Ибн Сумаййа<sup>14</sup> [биз ҳақимизда] ёмон ўйлабди, у бизни бирлигимизда ҳам, бўлинганимизда ҳам бошқармоқчи экан”. Шунга ўхшаш [гап] унинг акаси ‘Убайдуллоҳга ал-Басрада айтилган эди. [Салм] Хуросондан кетди<sup>15</sup> ва [Маккага] ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр<sup>16</sup> [ёнига] келди. [‘Абдуллоҳ] унга тўрт минг минг<sup>17</sup> дирҳам жарима солди ва уни ҳибсга олди. Салм [қамокдалигида шундай] деган эди: “Яхшиси мен аш-Шомга<sup>18</sup> бормасмидим ва акам ‘Убайдуллоҳ ибн Зийодга<sup>19</sup> хизмат қилишдан ор қилмасмидим, **(414)** унинг оёғини ювмасмидим, [шунда] Ибн аз-Зубайр [ёнига] келмаган бўлардим“. [Салм] Маккада<sup>20</sup> ал-Ҳажжож ибн Йусуф<sup>21</sup> Ибн аз-Зубайрни қамал қилган [вақт]гача қолди<sup>22</sup>. [Кейин] у қамокдан [лаҳм] қазиб, ал-Ҳажжож олдига, кейин [эса] ‘Абд ал-Малик<sup>23</sup> [ҳузури]га қочди. ‘Абд ал-Малик унга деди: “Аммо [мен] Аллоҳ [номи билан айтаман] ки, агар Маккада қолганингда эди, унинг учун сендан бошқа [муносиб] волий бўлмас эди ва сенинг устингдан [ҳеч қандай] амир турмас эди”. У [Салм]ни [яна] Хуросонга [волий] этиб тайинлади. [Лекин Салм] ал-Басрага [етиб] келганда, [тўсатдан] вафот этди.<sup>24</sup>

## XV

### [‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий]

Дедиларки, ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий Салм ибн Зийодни Найсобурда у Хуросондан кетаётган вақтда учратган эди.<sup>1</sup> Салм унга Хуросонни [бошқариш] ҳақида ‘ахднома<sup>2</sup> ёзиб берди ва ёрдам [сифатида] унга юз минг дирҳам берди.<sup>3</sup> [Шунда] *бакр ибн во’ил* ва бошқа [қабилалардан кўп одамлар йиғилдилар ва дедилар: “Нима учун улар Хуросон [ноз-неъматлари] ни бизсиз емоқдалар”. Улар Ибн Хозимнинг уғруқига хужум қилдилар, [лекин Ибн Хозим одамлари] улар билан жанг қилиб, [босқинчилар ниятларидан] қайтдилар.<sup>4</sup>

*ал-Маросид ибн раби’а*<sup>5</sup> [қабиласи]нинг [таркибидаги] *са’д ибн молик ибн дубай’а ибн қайс ибн са’лаба ибн ‘уккоба*<sup>6</sup> уруғига [мансуб бўлган] Сулаймон ибн Марсад<sup>7</sup> [исмли] бир киши Ибн Хозимга [одам] юбориб [деди]: “Агар сен билан бирга бўлган ‘ахднома соҳиби Хуросонда қолиши мумкин бўлганда эди, у бу

ердан кетмас эди ва сени [бу ерга] юбормас эди”. [Кейин] Сулаймон кетди ва Машра‘а Сулаймон<sup>8</sup> [номли ер]да тўхтади, Ибн Хозим [эса] Марвда қолди. Улар Ибн аз-Зубайрга [хат] ёзишга келишдилар, иккаласидан у қайси [бири]ни тайинласа, ўша [Хуросонга] амир [бўлади]. Шундай қилдилар. Ибн аз-Зубайр ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни Хуросонга [волий] этиб тайинлади.<sup>9</sup> Олти ойдан кейин унинг олдига [Хуросонга] ‘Урва ибн Қутба<sup>10</sup> ўзининг ‘аҳдномаси билан келди. Сулаймон буни қабул қилишдан бош тортди ва деди: “Ибн аз-Зубайр халифа эмас, у [бор-йўғи Аллоҳнинг] уйида қўним топган [бир] одамдир”. Ибн Хозим [Сулаймон] билан жангга киришди, унинг олти минг [аскари], Сулаймоннинг эса ўн беш минг [аскари] бор эди. Сулаймон [жангда] ҳалок бўлди. Уни Қайс ибн ‘Осим ас-Суламий<sup>11</sup> ўлдирди ва бошини [танасидан] жудо қилди. Ибн Хозим одамларидан ҳам [бир қанча] кишилар ярадор бўлди. Ибн Хозимнинг шиори: “Қизиллар [ҳеч кимдан] ёрдам кутмайдилар”, Сулаймоннинг шиори [эса]: “Эй, Аллоҳ, [менга] ёрдамнингни яқинлаштир” эди. Сулаймоннинг [қўшинидан омон] қолганлари ‘Умар ибн Марсад<sup>12</sup> [олдига] ат-Толақонда тўпландилар. Ибн Хозим [‘Умар]га [қарши] юриш қилди, у билан жанг қилди ва уни ўлдирди. Раби‘а [қабиласи араблари] Аус ибн Са‘лабанинг олдига Ҳаротда тўпландилар. Ибн Хозим ўғли Мусони ўз ўрнига [Марвда] қолдирди ва [Аус]нинг олдига [Ҳаротга] йўл олди. Уларнинг аскарлари ўртасида [бир қанча] тўқнашувлар бўлиб ўтди. Турклар бундан фойдаланиб қолдилар ва ҳужумга ўтиб, Найсобур яқинигача [етиб] бордилар<sup>13</sup>. Ибн Хозим ҳийла ишлатди, **(415)** [у] Аус олдига одам [юбориб], уни захарлади ва [Аус] касал бўлди. Улар жангга киришдилар. Ибн Хозим ўз шерикларини руҳлантириб, деди: “[Бу] кунингизни [ғалаба]га айлантинг, отларни бурнига уринг, чунки [гап бор]: “отнинг бурнига урма, [йўқса] у [орқага] тисарилади”. Улар шиддатли жангга киришдилар. [Унда] Аус жароҳат олиб, касал бўлди ва [бир неча] кундан сўнг ўлди.

Ибн Хозим ўғли Муҳаммадни<sup>14</sup> Ҳарот [волийси] этиб тайинлади. Букайр ибн Вишоҳни<sup>15</sup> [эса] унинг миршаби<sup>16</sup> қилди. [Шундай қилиб], Хуросон унинг учун [душманлардан] тозаланди.

Кейин *тамим* қабиласи Ҳаротда бош кўтарди, [тамимийлар] Муҳаммадни ўлдирдилар.<sup>17</sup> Унинг отаси [Ибн Хозим эса] ‘Усмон

ибн Бишр ибн ал-Мухтафиз<sup>18</sup> устидан зафар қучди ва уни шафқатсиз [равишда] ўлдирди, [шунингдек у] *тамим* қабиласидан [яна бир] кишини ўлдирди. [Кейин] *тамим* қабиласи [аъзолари] тўпландилар ва [вазиятни] муҳокама қилдилар. Улар дедилар: “Бу [одам] бизни тинч қўймайди, шекилли. [Яхшиси] бизлардан бир гуруҳ Тусга борсин. Агар [Ибн Хозим] уларга [қарши] чиқса, бизнинг Марвдаги [одам]ларимиз уни [тахтдан] ағдарадилар”<sup>19</sup>.

## XVI

### [Бужайр ибн Виқо’ ас-Сураймий]

[Кейин] *тамим* қабиласидан Бужайр ибн Виқо’ ас-Сураймий<sup>1</sup> бир гуруҳ [одамлар] билан Тусга кетдилар ва [Тус] қалъасига кирдилар. Кейин улар Абаршаҳр томон юрдилар ва Ибн Хозимни [тахтдан] ағдардилар. Ибн Хозим ўзининг юк[лар]ини ўғли Мусо билан ат-Тирмизга жўнатди, [чунки] Марвдаги *тамим* қабиласи [аъзолари] унга содиқ эмас эдилар.<sup>2</sup>

## XVII

### [‘Абдуллоҳ ибн Хозим]

[Кейин] ‘Абдулмалик ибн Марвондан Ибн Хозимни Хуросон волийси этиб тайинлаш ҳақида мактуб келди.<sup>1</sup> У [хат келтирган] одамга мактубни ейишга [мажбур] қилди ва деди: “[Агар] мен Расулуллоҳ (с.л. ‘а.м.) га эргашган [одам] нинг ўғлига<sup>2</sup> [қилган] қасамимни бузиб, [Расулуллоҳ (с.л. ‘а.м.)] нинг ҳайдалган авлодининг ўғлига<sup>3</sup> қасам ичсам, [у дунёда] Аллоҳ билан [қандай] юз кўришаман”.<sup>4</sup>

## XVIII

### [Букайр ибн Вишоҳ]

[Кейин] ‘Абд ал-Малик Хуросон волийси [этиб тайинлаш] ҳақида Букайр ибн Вишоҳга [мактуб] ёзди.<sup>1</sup> Ибн Хозим [Букайр] нинг Марв аҳли билан [бирга] унга қарши чиқишидан кўрқди. Букайр Ибн Хозимни [тахтдан] ағдарган эди. У қуролларни ва ғазнани қўлга киритди ва Марв аҳлини ‘Абд ал-Маликга [содиқ-

ликка] қасамёд этишга даъват этди ва улар [‘Абд ал-Малик] га қасамёд этдилар.<sup>2</sup>

Ибн Хозим ўғли Мусо олдиға кетди, у эса оиласи ва юк[лар]и билан ат-Тирмизда эди. Бужайр унинг кетидан борди ва у билан Марв яқинида жанг қилди<sup>3</sup>. Ваки‘ ибн ад-Даврақиййа ал-Қурай-‘ий<sup>4</sup> отасининг исми ‘Умайра, онаси эса Даврақнинг<sup>5</sup> асираси эди, у эса [онаси]га нисбат [этиб] аталган эди. [У] ўзининг совути ва қуролини [унга бериш]ни сўради. (416) У [совути]ни кийиб, [жанг майдониға] чиқди ва Ибн Хозимға ҳамла қилди. Бужайр ибн Виқо’ у билан эди. Улар [Ибн Хозим]ни [найзалар билан] санчдилар. Ваки‘ [Ибн Хозим]нинг кўкрағиға ўтириб, деди: “Мен Дувайла учун қасос олдим”. Дувайла эса Ваки‘нинг онаси [томон]дан укаси ва қурай<sup>6</sup> қабиласининг мавлоси эди. Ибн Хозим уни ўлдирган эди. Ибн Хозим унинг юзига тупурди ва деди: “Аллоҳ сенга лаънатлар [ёғдирсин]. Сен мудар<sup>7</sup> [қабиласи] нинг кўчқорини сенинг [бир] ховуч [хурмо] данағиға ҳам арзимайдиган [бир] тўнка уканғни деб ўлдирасанми”<sup>8</sup>.

Ваки‘ деди:

Эй, Ибн ‘Ажло мени қандай озиклантирган бўлсанг,

[ўзинг] ҳам [шундай] озиклан,

Ёки сен бу менинг ёдимдан кўтарилди, деб ўйлайсанми.

‘Ажло – Ибн Хозимнинг онаси [эди], унинг кунйаси<sup>9</sup> Абу Солиҳ эди. Ваки‘ ибн ад-Даврақиййанинг кунйаси [эса] Абу Раби‘а [эди]. ‘Абдуллоҳ ибн Хозим билан [бирга] унинг ‘Анбаса ва Йахйо<sup>10</sup> [исмли] икки ўғли [ҳам] қатл этилди. Ибн Хозимнинг Таҳмон [исмли] мавлоси [найзадан] ярадор бўлди. У эса Абу ‘Убайдуллоҳдан<sup>11</sup> кейин амир ал-му‘минин<sup>12</sup> ал-Маҳдийнинг<sup>13</sup> котиби бўлган Йа‘қуб ибн Довуднинг<sup>14</sup> бобоси [эди].

Букайр ибн Вишоҳға Ибн Хозимнинг бошини келтирдилар<sup>15</sup>, [Букайр] уни ‘Абд ал-Малик ибн Марвонға юборди, [‘Абд ал-Малик эса] уни Дамашқда [намойиш қилиб] ўрнатиб қўйди. Унинг ўнг қўлини [ҳам] кесдилар ва уни ‘Усмон ибн Бишр ибн ал-Муҳтафиз ал-Музанийнинг ўғлиға юбордилар.<sup>16</sup>

Ваки‘ кўпол, жуссаси катта [одам] эди. Бир куни у қўлида [бир чимдим] ўт билан намоз ўқиган эди, [бирдан] у [ўт]ни ея бошлади. Ундан сўрадилар: “Нега [ўт] еябсан, [ахир] сен намоз ўқиясан?” У деди: “Аллоҳ [бизга] ўт ейишни тақиқламаган, [Аллоҳ]

уни самовий сув билан нам тупрокда ўстирган”. У шароб ичар эди. Унга буни таъна қилдилар. У деди: “Сизлар мени шароб [ичишим]га таъна қиляпсизлар. [лекин] у менинг сийдигимни то-залайди, ҳатто уни кумушдек [тоза] қилади”.<sup>17</sup>

Дедилар: [Бир гуруҳ] одамлар Ибн Хозим воқеасидан ғазаб-ландилар ва [одамлар ўртасида] ихтилоф юзага келди. Баъзилар Букайр ибн Вишоҳ билан, бошқалар [эса] Бужайр билан кетди-лар.<sup>18</sup> Хуросон аҳлининг аслзодалари ва [энг] фозиллари ‘Абд ал-Маликга [хат] ёздилар ва унга “Фитна [кўтарилган]дан кейин фақат *қурайш* [қабиласи]дан<sup>19</sup> [бўлган] одам [волий] бўлса, Ху-росон [ўз ҳолига] қайтиши [мумкин]”, деб хабар бердилар.

## XIX

### [Умайя ибн ‘Абдуллоҳ]

[‘Абд ал-Малик] Умайя ибн ‘Абдуллоҳ ибн Холид ибн Асид ибн Абу-л-‘Ис ибн Умайяни<sup>1</sup> Хуросонга [волий] этиб тайинла-ди.<sup>2</sup> [Умайя] Букайр ибн Вишоҳни Тўхористонга [волий] этиб тайинлади<sup>3</sup>, кейин унга Мовароуннаҳрга юриш қилишни топшир-ди.<sup>4</sup> Кейин Умайя [ўзи] Бухорога хужум қилишга, [ундан] кейин [эса] Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим [олдига] ат-Тирмизга юришга қарор қилди.<sup>5</sup>

Букайр Марвга кетди, Умайянинг ўғлини ҳибсга олди, уни [қамокқа] ташлади ва одамларни Умайяни [тахтдан] ағдаришга даъват қилди. [Одамлар] бунга рози бўлдилар.<sup>6</sup> Бу [хабар] Умай-яга етиб борди. У Бухоро аҳли билан кичик [маблағ] тўловига сулҳ тузди (417) ва [дарёдаги] қайиқларни [қайта] тиклади, [чун-ки] Букайр уларни ёқиб юборган эди. У [орқага] қайтди ва Мусо ибн ‘Абдуллоҳни ҳоли қўйди. У [Марвга] келди ва [Букайр] би-лан жанг қилди. Кейин [Букайр] билан уни хоҳлаган *ноҳийа*га [волий] этиб тайинлаш [шарти] билан сулҳ тузди.<sup>7</sup>

Кейин Умайя [Букайр] нинг шундан кейин [хам] уни [тахт-дан] ағдаришга ҳаракат қилаётгани ҳақида хабар топди. [Умайя] агар [Букайр] унинг уйига кириб [келса], [қўлга] олиниши ҳақида [одамларига] буйруқ берди. [Букайр] келди ва [қўлга] олинди. [Умайя] уни [қамокқа] ташлашни буюрди. [Лекин] Бужайр ибн Вақо унга ташланди ва уни ўлдирди.<sup>8</sup>

Умайя ал-Хутталга<sup>9</sup> юриш қилди, [чунки] Са‘ид ибн ‘Усмон улар билан сулҳ тузгандан кейин улар [уни] буздилар, ва [Умайя] уни [қайта] фатҳ этди.<sup>10</sup>

## XX

### [ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра]

Кейин ал-Ҳажжож ибн Йусуф Хуросон билан иккала ал-‘Ироқнинг<sup>1</sup> [волийси] этиб тайинланди.<sup>2</sup> У 79 [ҳижрий]<sup>3</sup> йилда Хуросонга *ал-азд* [қабиласи]дан ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфрани<sup>4</sup> [волий] этиб тайинлади.<sup>5</sup> Унинг [яна бир] исми Сарроқ ибн Субҳ ибн ал-‘Атик ўғли Золим, *кунйаси* [эса] Абу Са‘ид эди.<sup>6</sup> ◌

У кўп юришлар қилди<sup>7</sup> ва ал-Хуттални [қайта] фатҳ этди, [чунки] улар [сулҳни] бузган эдилар.<sup>8</sup> У [яна] Хужандани фатҳ этди.<sup>9</sup> [У ерда] унга ас-Суғд [келишилган] солиқни келтирди. [Кейин] у Киш ва Насафга юриш қилди<sup>10</sup>, [орқага] қайтди<sup>11</sup> ва Марвар-Руд [вилоятига] қарашли Зоғул<sup>12</sup> [қишлоғи]да [биқинидаги] оғриқдан<sup>13</sup> вафот этди. Унинг касали ўғли ал-Муғира ибн ал-Муҳаллабнинг<sup>14</sup> [ўлими]га қайғуси [туфайли] бошланган эди.<sup>15</sup>

ал-Муҳаллаб ўз ўрнига [бошқа] ўғли Йазид ибн ал-Муҳаллабни қолдирди. У [ҳам] кўп юришлар қилди ва [ўғли] Муҳаллад ибн Йазид ибн ал-Муҳаллаб<sup>16</sup> қўли билан ал-Буттамни<sup>17</sup> фатҳ этди.

## XXI

### [Йазид ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра]

ал-Ҳажжож ибн Йусуф Йазид ибн ал-Муҳаллабни [волий] этиб тайинлади.<sup>1</sup> [Шу вақт] ‘Абд ар-Раҳмон ибн ал-‘Аббос ибн Раби‘а ибн ал-Ҳорис ибн ‘Абд ал-Мутталиб<sup>2</sup> Ҳаротга Ибн ал-Аш‘ас<sup>3</sup> ва бошқалар [аскарлари]нинг қолган-қутганлари билан кирди. [Бундан олдин] у Ибн ал-Аш‘ас билан бирга [бош] кўтарган ва ар-Руқод ал-‘Атакийни<sup>4</sup> ўлдириб, [аҳолидан] хирожни [ўзига] йиғиб олган эди.<sup>5</sup> Йазид унга [қарши] юриш қилди, улар жанг қилдилар ва Йазид уларни мағлубиятга учратди.<sup>6</sup> [Йазид] уларни таъқиб қилишни бас қилишни буюрди ва [‘Абд ар-Раҳмон] ал-Ҳошимий ас-Синд<sup>7</sup> [мамлакати]га кетди.<sup>8</sup>

Йазид Хоразмга юриш қилди<sup>9</sup> ва [кўп] асирларни қўлга киритди. [Унинг] аскарлари асирларнинг кийимларини [ечиб олиб] кийдилар ва [асир]лар совуқдан ҳалок бўлдилар<sup>10</sup>.

## XXII

### [ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра]

Кейин ал-Ҳажжож ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфрани<sup>1</sup> [волий] этиб тайинлади.<sup>2</sup> У Бодғисни фатҳ этди, у [сулҳни] бузган эди<sup>3</sup>, шунингдек, Шумон<sup>4</sup> ва Ахарунни<sup>5</sup> [фатҳ этди] ва кўп ўлжалар қўлга киритиб, уларни одамларга бўлиб берди.<sup>6</sup>

## XXIII

### [Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий кўзғолони]

Дедилар: Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий ат-Тирмизда [ўрнашган] эди.<sup>1</sup> [Аввал] у Самарқандга келди<sup>2</sup>, унинг подшоҳи Тархун<sup>3</sup> [Мусо]ни ҳурмат билан [кутиб олди].<sup>4</sup> [Мусо]нинг шерикларидан [бўлган] бир киши ас-Суғдлик [бир] кишига ташланиб, уни ўлдирди.<sup>5</sup> [Тархун] уни ва у билан [келганлар]ни [шаҳардан] чиқариб юборди.<sup>6</sup> [Мусо] Киш ҳукмдорининг [олдига] келди.<sup>7</sup>

Кейин [Мусо] ат-Тирмизга келди, бу эса [мустаҳкам] қалъа [эди].<sup>8</sup> **(418)** У ат-Тирмиз деҳқонининг [саройи]да тўхтади. [Деҳқон] унга таомлар келтирди. [Мусо таомларни] еб бўлиб, [дам олиш учун] ётди. [Шунда] деҳқон унга деди: “[Энди бу ердан] кет”. [Мусо] деди: “Мен [бошқа] бундай [яхши] жойни билмайман”, [сўнг у] ат-Тирмиз аҳли билан жанг қилиб, [шаҳар]ни қўлга олди.<sup>9</sup> [ат-Тирмиз] деҳқони ва унинг аҳли [шаҳардан] турклар [олди]га чиқиб кетиб, улардан ёрдам сўрадилар. [Турклар] уларга ёрдам бермадилар ва дедилар: “Сизларни Аллоҳнинг лаънати [урсин]. Нима учун куч [ишлатиш]ни сўраяпсизлар. [Ахир] сизларга бир одам юз [киши] билан келиб, сизларни шаҳрингиздан чиқариб юборибди ва [шаҳар]ни қўлга олибди”.<sup>10</sup>

Кейин Мусонинг олдига унинг отаси билан бирга бўлган биродарлари ва бошқалар кела бошладилар.<sup>11</sup> ат-Тирмиз соҳиби ва



унинг аҳли турклар [ери]да қолдилар ва [ниҳоят турклар] уларга ёрдам бердилар. [Улар] биргалашиб Мусони ва унинг одамларини қамал қилдилар.<sup>12</sup> Мусо [тунда] уларга хужум қилиб, уларнинг аскарларини қўлга олди. Мусулмонлардан ўн олти киши ярадор бўлди.<sup>13</sup>

ал-Хузо‘а қабиласидан бўлган Қутбанинг ўғиллари Собит<sup>14</sup> ва Ҳурайс<sup>15</sup> Мусо билан бирга эдилар.<sup>16</sup> Улар Тархун ва унинг одамларини Мусога [ёрдамга] чақирдилар. [Тархун] унга ёрдам берди ва унга кўп сонли [қўшин] юборди.<sup>17</sup> [Шундан кейин] ака-уканинг [Мусонинг кўз ўнги]да обрў-эътибори ортди. Улар [Мусо]нинг қўшинида буйруқ берувчи ва тақиқловчи бўлдилар. [Одамлар Мусо]га дедилар: “Сенинг [фақат] исминг қолди. Бу иккаласи эса қўшин соҳиблари ва буйруқ берувчилардир”.<sup>18</sup>

Унга қарши ат-Тирмиз аҳлидан бўлган ал-Ҳайтал ва турклардан [иборат] одамлар чиқдилар.<sup>19</sup> Улар қаттиқ жанг қилдилар. Мусулмонлар ва улар билан бирга бўлганлар [ғайридин]ларни енгдилар. Бу [хабар] ал-Ҳажжожга етиб борди ва у деди: “Аллоҳга шукур, у мунофиқларга ғайридинлар устидан ғалаба берди”.<sup>20</sup>

Мусо у билан жанг қилганларнинг каллаларидан иккита улкан иморат қурдирди.<sup>21</sup>

Ҳурайс ибн Қутба [жангда] унга теккан ўқдан ўлди. Мусонинг биродарлари унга дедилар: “Аллоҳ бизни Ҳурайсдан халос этди. [Энди] сен бизни Собитдан халос эт. Унинг дастидан тинчлигимизни йўқотдик”. Уларнинг бу [ёвуз] ниятлари Собитнинг [қулоғига] етиб борди. [Бу гаплар] тасдиқ топгандан кейин у Ҳашурога<sup>22</sup> кетди ва Тархундан ёрдам сўради. [Тархун] унга ёрдамга [келди]. Мусо унга қарши чиқди ва шаҳарнинг *рабад* [қисми]ни<sup>23</sup> қўлга олди.<sup>24</sup> Кейин суғдларнинг ёрдамга [келган кучлари] кўпайди. [Мусо] ат-Тирмизга қайтди ва унда истехком қурди. [Собит] га Кеш, Насаф ва Бухоро аҳли ёрдамга [келди]. Собит саксон минг [аскар] билан Мусони қамал қилди.<sup>25</sup>

[Кейин] Мусо Йазид ибн Ҳузайлни<sup>26</sup> [Собит олдига] гўёки Зиёд ал-Қасир ал-Хузо‘ийга таъзия билдириш учун юборди. У эса мусибат оғушида эди<sup>27</sup>. **(419)** [Йазид] Собитни [ўлдириш учун] қулай фурсат пойлаб, уни қилич билан бошига урди. [Собит] шундан сўнг етти кун яшади, кейин ўлди. Йазид [эса] ўзини ас-Сағонийон дарёсига<sup>28</sup> ташлаб, [хаётини] сақлаб қолди<sup>29</sup>. [Собит]-

нинг кўшинларига Тархун бошчилик қилди.<sup>30</sup> Мусо тунда уларга [тўсатдан] ҳужум қилди ва ‘ажамлар ўз шаҳарларига қайтиб кетдилар.<sup>31</sup>

Хуросон аҳли [Мусо ҳақида шундай] деган эдилар: “Биз Мусога ўхшаш [жасур жангчи]ни кўрмаганмиз. У отаси билан биргаликда икки йил тинмай жанг қилди. Кейин у бир нечта [аскар] билан ат-Тирмизга келиб, [шаҳар]ни қўлга олди ва [ат-Тирмиз]-нинг подшоҳини [шаҳар]дан чиқариб юборди. Кейин у турклар ва ‘ажамлар билан жанг қилиб, уларни мағлубиятга учратди ва тарқатиб юборди”.<sup>32</sup>

## XXIV

### [ат-Тирмиз қамали]

Йазид ибн ал-Муҳаллаб [лавозимидан] кетгандан [кейин] Хуросон [волийси] этиб ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб тайинланди.<sup>1</sup> У ‘Усмон ибн Мас‘удни<sup>2</sup> [ат-Тирмизга] юборди. [‘Усмон] йўлга чиқиб, ат-Тирмиз [ёни]даги [бир] оролга тушди, ҳозир [бу орол] Жазират ‘Усмон<sup>3</sup> деб аталади. Унинг [қўли остида] ўн беш минг [аскар] бор эди. [‘Усмон] Мусони қамал қилди ва Тархунга [мактуб] юборди. [Тархун] унга [ёрдамга] келди.<sup>4</sup>

Мусо унга қарши келган [қўшинлар]ни кўрганда, шаҳардан чиқди.<sup>5</sup> [Кетишдан олдин] у [шаҳар]да қолган ўзининг биродарларига деди: “Агар мен ҳалок бўлсам, шаҳарни Мудрик ибн ал-Муҳаллабга<sup>6</sup> топширинглар, [лекин] уни Ибн Мас‘удга топширманглар”.<sup>7</sup>

Турклар ва суғдлар Мусо билан қалъа орасидаги [йўлни] тўсдилар<sup>8</sup>. [Мусо]нинг оти қоқилиб, [Мусо] йиқилди. [Шунда у] ўз мавлосининг орқасига [сақраб, отига] миниб олди ва: “Ўлим [менга] ётдир”, деб [қичқира] бошлади. ‘Усмон унга қараб, деди: “Мусонинг [бу] сақраши[га қойил], ал-Ка‘банинг рабби [бунга шоҳид]”. [‘Усмон] унга ҳужум қилди, [Мусо] ва унинг мавлоси [отдан] йиқилдилар. [Одамлар] унга ташландилар ва ўлдирдилар. Унинг биродарлари ҳам ҳалок бўлдилар.<sup>9</sup> Улардан фақат Рақийа ибн ал-Хурр<sup>10</sup> омон қолди.<sup>11</sup> [‘Усмон] уни Холид ибн Абу Барза ал-Асламийга<sup>12</sup> топширди.

Мусо ибн ‘Абдуллоҳни Восил ибн Тайсала ал-‘Анбари<sup>13</sup> ўлдирди. Шаҳар Мудрик ибн ал-Муҳаллабга топширилди.<sup>14</sup> Мусонинг ўлими 85 [ҳижрий]<sup>15</sup> йилнинг охирларида юз берди. Бир одам ўлган Мусонинг оёғини [қиличи билан] кесиб ташлади. Қутайба [волий] бўлганда, [қилган бу иши учун] уни ўлдирди.<sup>16</sup>

## XXV

### [Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий]

Дедилар: Кейин ал-Ҳажжож Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилийни Хуросонга [волий] этиб тайинлади.<sup>1</sup>

У Охарунни [фатҳ] қилмоқчи бўлиб йўлга чиқди.<sup>2</sup> У ат-Толақонга келганда, унга Балх деҳқонлари келиб қўшилдилар ва у билан дарёни кечиб ўтдилар. У дарёни кечиб ўтганда, унинг олдига ас-Сағонийон подшоҳи<sup>3</sup> совғалар ва олтин калит билан келиб, унга тобелик билдирди ва уни мамлакатада тўхташга таклиф этди. Охарун ва Шумон подшоҳи ас-Сағонийон подшоҳига зулм қилган ва унга қарши уруш очган эди. Шунинг учун [ас-Сағонийон подшоҳи] Қутайбага [совға]лар берди **(420)** ва уни ўз [мамлаката]га таклиф этди. Қутайбанинг олдига Куфйон<sup>4</sup> подшоҳи ҳам келиб, ас-Сағонийон подшоҳи сингари [совғалар] келтирди. Улар иккаласи ўз мамлакатларини [Қутайба]га топширдилар.<sup>5</sup>

[Кейин] Қутайба Марвга кетди<sup>6</sup> ва укаси Солиҳни<sup>7</sup> [қўшин билан] Мовароуннаҳрда қолдирди.<sup>8</sup> Солиҳ Фарғона [вилояти]даги Косон<sup>9</sup> ва Ураштни<sup>10</sup> фатҳ этди.<sup>11</sup> Наср ибн Саййор<sup>12</sup> у билан бирга унинг қўшинида эди.<sup>13</sup> У Фарғонадаги ...харни<sup>14</sup> фатҳ этди, [кейин] у Хишкатни<sup>15</sup> фатҳ этди. Бу [Фарғона]нинг қадимги пойтахти эди.<sup>16</sup> Косон ва Урашт аҳолиси [арабларга қарши] қўзғолон кўтарди ва уларни марҳум *амир ал-му’минин* ал-Мунтасир биллоҳ<sup>17</sup> халифалиги [даври]да охириги бўлиб Нуҳ ибн Асад<sup>18</sup> фатҳ этди.

Дедилар: ал-Жузжон подшоҳи [сулҳ тузиш учун] Қутайба олдига [элчи] юборди. [Қутайба] унинг олдига [подшоҳ]нинг ўзи келиши [шарти] билан сулҳ тузди. [Подшоҳ] унинг олдига келди, кейин [ўз ерига] қайтди ва ат-Толақонда ўлди.<sup>19</sup>

Кейин Қутайба 87 [ҳижрий]<sup>20</sup> йилда Байкандга юриш қилди.<sup>21</sup> У билан бирга Низак<sup>22</sup> [ҳам бор] эди.<sup>23</sup> У Байканд [томон]га дарёдан Замм орқали кечиб ўтди<sup>24</sup>, бу эса Бухоро [вилояти]нинг

дарё [томон]даги энг чекка шаҳарларидан [бири] эди.<sup>25</sup> [Байкандликлар унга] қарши чиқдилар ва суғдларни<sup>26</sup> ёрдамга чақирдилар. [Қутайба] улар билан жангга киришиб, ҳужумга ўтди ва уларни қамал қилди. Улар сулҳ [тузиш]ни сўрадилар. [Лекин Қутайба шаҳарни] куч билан фатҳ этди.<sup>27</sup>

88 [ҳижрий]<sup>28</sup> йилда Қутайба Марвда укаси Башшор ибн Муслимни<sup>29</sup> [ҳоким] қилиб қолдирди, [ўзи эса] Тумушкат<sup>30</sup> ва Карминийага<sup>31</sup> юриш қилди, уларнинг [аҳли] билан сулҳ тузди ва [бир нечта] кичик қалъаларни фатҳ этди.<sup>32</sup>

[Кейин] Қутайба Бухорога юриш қилди ва уни сулҳ [йўли] билан фатҳ этди.<sup>33</sup>

Абу ‘Убайда Му‘аммар ибн ал-Мусанно деди: Қутайба Бухорога юриш қилди. [Бухороликлар] ундан [шаҳар ичига] беркиндилар. [Қутайба] деди: “Менинг [бир ўзимга шаҳар]га киришимга [имкон] беринглар, мен унда [фақат] икки *рак‘ат*<sup>34</sup> намоз ўқийман”. [Бухороликлар] унинг [шаҳарга кириши]га рухсат бердилар. [Қутайбанинг] одамлари [дарвоза ёнида] пистирмада турган эдилар. Улар [ҳам дарвозага] кирганларида, [биргалашиб] дарвоза соқчиларидан кўпайиб кетдилар ва [шаҳарга] кирдилар. [Қутайба] у ерда катта бойликларни қўлга киритди ва унинг аҳолисига [нисбатан ўз сўзига] хиёнат қилди.<sup>35</sup>

У [яна] деди: Қутайба ас-Суғдга [ҳам] ҳужум қилди<sup>36</sup>, Тўхористонда Низакни ўлдирди ва салб этди<sup>37</sup>, Киш ва Насафни, яъни Нахшабни сулҳ [йўли] билан фатҳ этди.<sup>38</sup>

Дедилар: Хоразм подшоҳи<sup>39</sup> заиф эди. Унинг акаси Хурразод<sup>40</sup> (421) унга душман эди ва уни таҳқирлар эди.<sup>41</sup> Хоразм подшоҳи Қутайбага [мактуб] юбориб, [деди]: “Мен сенга уни ва буни бераман ва сенга [шаҳарларнинг] калитларини тақдим этаман, фақат сен мени мамлакатимга акамсиз подшоҳ қилиб [қолдира]сан”. Хоразм учта шаҳардан<sup>42</sup> [иборат] бўлиб, уларни [ҳар тарафдан] хандақ<sup>43</sup> ўраб туради. Улар [ичи]да ал-Фил<sup>44</sup> [шаҳри] энг мустаҳкамдир. ‘Али ибн Мужоҳид деди: “ал-Фил шаҳри Самарқанддир”.<sup>45</sup>

[Хоразм] подшоҳи энг мустаҳкам шаҳарда яшар эди.<sup>46</sup> У Қутайбага сулҳда [белгиланган] пулни ва [шаҳар] калитларини юборди.<sup>47</sup> Қутайба укаси ‘Абд ар-Раҳмон ибн Муслимни Хурразодга қарши юборди. [‘Абд ар-Раҳмон] у билан жанг қилди ва

уни ўлдирди<sup>48</sup>. У тўрт минг асирни қўлга киритди ва уларни [ҳам] ўлдирди.<sup>49</sup> [Кейин] у, келишилгандек, биринчи подшоҳни [бутун] Хоразмга подшоҳ қилиб қолдирди.<sup>50</sup> [Лекин] мамлакат аҳли уни заиф деб топдилар, унга ташландилар ва уни ўлдирдилар. [Кейин] Қутайба укаси ‘Убайдуллоҳ ибн Муслимни Хоразмга [волий] этиб тайинлади.<sup>51</sup>

[Кейин] Қутайба Самарқандга юриш қилди.<sup>52</sup> Қадимда ас-Суғднинг подшоҳлари бу [шаҳар]да турар эдилар.<sup>53</sup> Кейин [эса] Иштиханда<sup>54</sup> турдилар.<sup>55</sup> Қутайба Самарқанд аҳлини қамал қилди. Улар бир неча марта тўқнашдилар ва жанг қилдилар.<sup>56</sup> ас-Суғднинг подшоҳи аш-Шош подшоҳига<sup>57</sup> [мактуб] ёзди, у эса ат-Торбанд<sup>58</sup> [шаҳри]да яшар эди. [аш-Шош подшоҳи] ўзининг кўп сонли аскарлари билан унга [ёрдамга] келди.<sup>59</sup> Мусулмонлар улар билан тўқнашдилар ва улар шиддатли жанг қилдилар. Кейин Қутайба уларни йиқитди ва синдирди.<sup>60</sup>

Ғузак<sup>61</sup> у билан ҳар йили икки минг минг ва икки юз минг *дирҳам*<sup>62</sup> [ўлпон тўлаш] ва [Қутайба] нинг шаҳарга [кириб] намоз ўқиши [шарти] билан сулҳ тузди.<sup>63</sup> [Қутайба шаҳар]га кирди. Ғузак унга таом келтирди. [Қутайба таомни] еди ва намоз ўқиди.<sup>64</sup> [Кейин] у масжидга [жой] тайёрлади ва унда [бир гуруҳ] мусулмонлар жамоасини қолдирди. Улар орасида “ат-Тафсир” [асари]-нинг муаллифи ад-Даххок ибн Музоҳим<sup>65</sup> [ҳам] бор эди.<sup>66</sup>

[Яна] дейдиларки, Қутайба етти юз минг *дирҳам* [ўлпон тўлаш] ва мусулмонларни уч кун [давомида] зиёфат қилиш [шарти] билан сулҳ тузди.<sup>67</sup> Сулҳда санамлар ва оловларга [бағишланган] ибодатхоналарни [топшириш ҳам кўрсатилган] эди. Санамлар [ташқарига] чиқариб ташланди, уларнинг [қимматбаҳо] безаклари ечиб олинди ва ёқиб юборилди.<sup>68</sup> [Маҳаллий] *ал-‘ажамлар* деган эдилар: “Бу ерда [шундай] санамлар борки, кимда-ким уларга озор берса, у ҳалок бўлади”.<sup>69</sup> Қутайба ўз қўли билан [ўша санам] ларни ёққанда, уларнинг кўпчилиги ислом [дини]ни қабул қилди.<sup>70</sup> [Шоир] ал-Мухтор ибн Ка‘б ал-Жу‘фий<sup>71</sup> Қутайба ҳақида [шундай] деган эди:

У суғдларни [араб] қабилалари [ёрдами] билан забт этди,  
Ҳатто суғдларни очик осмон тагида ўтирган [ҳолда] тарк этди.<sup>72</sup>

(422) Абу ‘Убайда ва бошқалар дедиларки, ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз<sup>73</sup> халифа бўлганда, унга Самарқанд аҳлидан [бир гурух] одамлар элчи бўлиб келди. [Элчилар] унга Қутайба [суғдларнинг бош] шаҳрига кириб, унга аҳдни бузиб мусулмонларни жойлаштирганини етказдилар. ‘Умар ‘омилига [мактуб] ёзиб, унга [элчиларнинг] айтганларини кўриб чиқиш учун уларга қози тайинлашни буюрди. Агар [қози] мусулмонларни [шаҳардан] чиқариб юбориш ҳақида ҳукм чиқарса, улар чиқариб юборилади. Уларга [қози этиб] Жумай‘ ибн Ҳодир ал-Божий<sup>74</sup> тайинланди. [Қози] уларнинг [ўзаро] тенгма-тенг жанг қилиши [шарти] билан мусулмонларни [шаҳардан] чиқариб юбориш ҳақида ҳукм чиқарди. Самарқанд шаҳрининг аҳли урушишдан бош тортдилар. Улар мусулмонларни [шаҳарда] қолдирдилар ва [мусулмонлар] уларнинг орасида жойлашдилар.<sup>75</sup>

ал-Ҳайсам ибн ‘Адийй деди: “Менга Ибн ‘Аййош ал-Ҳамадоний сўзлаб бердики, Қутайба бутун аш-Шош [вилояти]ни<sup>76</sup> фатҳ этди ва Исбижобгача<sup>77</sup> етиб борди. [Яна] дедиларки, Исбижоб қалъаси қадимги [вақтлар]да фатҳ этилган, кейин уни турклар қўлга олдилар, улар билан аш-Шош аҳлидан [бир қанча] одамлар [ҳам] бор эди. Кейин уни *амир ал-му‘минин*<sup>78</sup> ал-Му‘тасим биллоҳ<sup>79</sup> халифалиги даврида Нуҳ ибн Асад фатҳ этди<sup>80</sup> ва унинг атрофига аҳолисининг тоқзорлари ва далаларини ўраб турувчи девор қурдирди”.

Абу ‘Убайда Му‘аммар ибн ал-Мусанно деди: Қутайба Хоразмни фатҳ этди, кейин [эса] куч билан Самарқандни фатҳ этди. [Ундан олдин] Са‘ид ибн ‘Усмон унинг аҳли билан сулҳ тузган эди. Қутайба [шаҳар]ни ундан кейин фатҳ этди. Улар сулҳни бузмаган эдилар, лекин [Қутайба] уларнинг сулҳини [жуда ҳам] енгил деб топди.

У [яна] деди: [Қутайба] Байканд, Киш, Насаф ва аш-Шошни фатҳ этди<sup>81</sup> ва Фарғонага юриш қилиб, унинг бир қисмини фатҳ этди.<sup>82</sup> [Кейин] у ас-Суғд ва Ушрусанага<sup>83</sup> юриш қилди.<sup>84</sup>

## XXVI

### [Қутайба ибн Муслимга қарши фитна]

Дедилар: Қутайба [халифа] Сулаймон ибн ‘Абд ал-Маликнинг<sup>1</sup> ғазабига учраган эди. Чунки [Қутайба одамларни] ‘Абд ал-‘Азиз ибн ал-Валидга<sup>2</sup> [содиқликга] қасамёд қилишга даъват қилган ва Сулаймонга [қасамёд қилиш]дан қайтармоқчи бўлган эди. [Халифа] ал-Валид<sup>3</sup> вафот этиб, [тахтга] Сулаймон ўтирганда, [Қутайба] одамларга хитоб қилиб [шундай] деган эди: “Сизларга Ҳабаннақа ал-‘О’иший<sup>4</sup> [халифа] бўлди”. Чунки Сулаймон [факат] бой ва бадавлат одамларга [эътибор] берар ва хайрихоҳлик қилар эди, улардан бошқаларга [эса] эътибор бермас эди. Ҳабаннақа – бу Йазид ибн Сарвон<sup>5</sup> [эди], у ўзининг семиз туяларини [яхши] пичан ва [тоза] ўт билан боқар эди [ориқларини эса яхши боқмас эди]. У [шундай] дер эди: “Мен Аллох [томонидан] бузилган [нарса]ни тузатмайман”. [Қутайба] одамларни [Сулаймон]ни [тахтдан] ағдаришга даъват қилди, [лекин] ҳеч ким унга бу [ишни қилиш]га [ризолик] жавобини бермади. [Шунда Қутайба] *тамим* қабиласини сўқиб, уларни хоинликда айблади. У [шундай] деди: “Сизлар *тамим* [қабиласи]дан эмассизлар, балки шармандалик [авлодлари] сизлар”.<sup>6</sup> [Қутайба] *бакр ибн во’ил* қабиласини [хам] ёмонлаб, [уларга]: “Эй, Масламанинг<sup>7</sup> укалари”, деди. [Кейин] у (423) *ал-азд* [қабиласи]ни ёмонлаб, [уларга] деди: “Сизлар найзаларни эшкакларга, отларнинг узангиларини [эса] кемаларга алмаштирдинглар”. У [яна] деди: “Эй, ас-Софила одамлари<sup>8</sup>, мен [сизларни] ал-‘Олийа одамлари<sup>9</sup> демайман. Мен сизларни Аллох қўйган жойда қолдираман”.<sup>10</sup>

[Абу ‘Убайда] деди: Сулаймон Қутайбага волий этиб тайинлаш ҳақида [мактуб] ёзиб, унга қамоқдаги барча [махбуслар]ни озод этишни, одамларга уларнинг маошларини беришни ва [қўшинга] қайтишни истаганларга қайтиб келишга рухсат беришни буюрди. [Одамлар] шундай [буйруқ]ни кутиб юрган эдилар. [Сулаймон] элчисига [мактуб]да ёзилганларни одамларга ўқиб эшиттиришни буюрди. Қутайба деди: “Бу унинг менга қарши [қилинган] тадбиридир”. [Кейин] у турди ва [яна] деди: “Эй, одамлар, Сулаймон сизларни чивинлар суяқларининг мияси билан ишонтирди. Сизлар қурбонлик келтиришга қодир бўлмаган кичик

[бир] гўдакга [содикликга] қасамёд қилишга даъват қиялпсизлар”. [Одамлар Қутайба] уларни [аввал] сўккани учун ундан ғазабда эдилар. [Қутайба] бунинг учун [улардан] узр сўради ва деди: “Мен ғазабланган эдим ва нима деганимни [ўзим] билмадим. Мен сизларга фақат яхшилик [қилиш]ни истар эдим”. [Одамлар ўзаро] суҳбатлашиб, дедилар: “Агар бизга [қўшинга] қайтишга рухсат берса, унинг ўзига яхши бўлади, агар [ундай] қилмаса, фақат ўзини айбласин”. [Қутайбанинг қулоғига] бу [гаплар] етиб борди ва у одамларга хитоб қилиб, ўзининг уларга [қилган] яхшиликларини санаб ўтди, уларнинг унга вафо қилмаганлигини ва унга қарши чиққанлигини қоралади, уларни унга ёрдамга келган *ал-‘ажамларнинг* [келиши] билан қўрқитди. [Одамлар] унга қарши уруш қилишга келишдилар ва унга ҳеч қандай жавоб бермадилар. Улар ал-Худайн ибн ал-Мунзирдан<sup>11</sup> уларнинг ишига бошчилик қилишини сўрадилар. [Лекин] у рад этиб, уларга Ваки‘ ибн Ҳассон ибн Қайс ибн Абу Суд ибн Калб ибн ‘Авф ибн Молик ибн ‘Удона ибн Йарбу‘ ибн Ҳанзала ат-Тамимийни<sup>12</sup> тавсия этди ва деди: “Бу ишни ундан бошқа [ҳеч ким бажаришга] қодир эмас, чунки у ҳақиқий бадавий бўлиб, унинг қавми унга итоатдадир. У *тамим* [қабиласи]дандир. Қутайба *ал-аҳтам*<sup>13</sup> қабиласи [аъзолари]ни ўлдирган, [шунинг учун] улар ундан [хун] қонини талаб этадилар”.<sup>14</sup>

## XXVII

### [Ваки‘ ибн Ҳассон ат-Тамимий]

[Одамлар] Ваки‘нинг [олдига] кетдилар. [Ваки‘] уларга [розилик] қўлини берди ва улар унга [содикликга] қасамёд қилдилар. Улар орасида Масқаланинг *мавлоси* Ҳаййон<sup>1</sup> воситачи эди. Ўша вақтда Хуросонда ал-Басра аҳлидан қирқ минг, ал-Куфа аҳлидан етти минг, *мавлолардан* [ҳам] етти минг жангчи бор эди.<sup>2</sup>

Ваки‘ [ёлғондан] ўзини касал қилиб кўрсатиб, уйдан [чиқмай] қолди. Қутайба унинг олдига [одам] юборди. [Ваки‘] оёқларини ва тиззасини [қизил] охра билан бўяб: “Мен касалман, ҳаракат қила олмайман”, дер эди.

Бир куни [Қутайба] унинг олдига уни [мажбурлаб] олиб келиш учун одамларни юборди. Улар [яширинча] бориб, Ваки‘нинг



олдига келдилар ва унга [бу ҳақида] хабар бердилар. (424) Ваки‘ қуролини ва найзани [келтириш]ни буюрди, [кейин] у хотинининг рўмолини олиб, унинг устига ёпиб қўйди. Идрис исмли бир одам уни кўриб, унга деди: “Эй Абу Мутарриф! Сен [катта бир] ишни бошламоқчисан, [лекин] унинг [бир] одами сенга омонлик [кафолат] қилганидан кўрқяпсан. Ё, Аллоҳ, [ё] Аллоҳ!” Ваки‘ деди: “Бу Идрис – Иблиснинг элчисидир<sup>3</sup>. Қутайба менинг [ҳаётим] га омонлик [кафолат] қиляптими? Ё Аллоҳ! Унинг боши [менга] келтирилмагунча, мен унинг олдига бормаيمان”.

[Лекин шунга қарамай], у Қутайбанинг чодирни томон юрди. [Одамлар] унга қўшилдилар. Қутайба ўзининг оиласи ва унга содиқ қолган одамлар билан [бирга ўтирган] эди. Унинг укаси Солиҳ ўзининг ғуломига деди: “Менга камонимни бер”. Кимдир унга [бошини] чайқаб: “Бу кун камон [ишлатадиган] кун эмас”, деди. [Шу вақт] *дабба*<sup>4</sup> қабиласидан [бўлган бир] одам [Солиҳ]га ўқ отиб, унинг кўксини яралади. У йиқилди. Уни чодирга олиб кирдилар ва у жон берди. Қутайба унинг боши устида [эди]. Қутайба ‘*ажамлар* [кўшини]га бошчилик қилган Ҳаййонга [тинмай]: “Ҳужум қил”, дер эди, у [эса]: “Ҳали эрта”, деб жавоб берар эди. [Шу вақт] ‘*ажамлар* арабларга ҳужум қилдилар. Ҳаййон [уларга] деди: “Эй, ‘*ажамлар*<sup>5</sup>! Нега сизлар Қутайба учун ўзларингни ўлдиряпсизлар? Унинг сизларга яхшилаб келтирган кулфатлари учунми?” [Ҳаййон] улар билан [бирга] *тамим* қабиласи [томон]га ўтди.<sup>6</sup> Одамлар [орасида] ғулғула [бошланди]. Қутайба билан [фақат] унинг ака-укалари, оиласи аъзолари ва ас-Суғд подшоҳларининг ўғилларидан бир нечтаси қолиб, уни [оғир дамда] тарк этишни истамадилар.<sup>7</sup> Чодирнинг [ён] арқонлари ва [чодир] томининг арқонлари қирқилди, [чодирнинг томи] Қутайбанинг устига тушди, [чодир] томининг устуни [эса унинг] бошига тушиб, уни ўлдирди. ‘Абдуллоҳ ибн ‘Алвон<sup>8</sup> унинг бошини [танасидан] жудо қилди.

[Баъзи] одамлар, улар [жумласи]да Ҳишом ибн ал-Калбий<sup>9</sup> [ҳам шундай] дедилар: [Одамлар Қутайба] нинг чодирига [бостириб] кирдилар, [кейин] уни Жаҳм ибн Заҳр ал-Жу‘фий<sup>10</sup> ўлдирди, Са‘д ибн Мажд<sup>11</sup> уни [қилич билан] урди, Ибн ‘Алвон [эса] унинг бошини [танасидан] жудо қилди.

Дедилар: [Қутайба] билан [бирга яна бир қанча] одамлар – унинг ака-укалари, оиласи аъзолари ва ас-Саммо<sup>12</sup> [исмли] хотини<sup>13</sup> [хам] қатл этилдилар. [Фақат] Дирор ибн Муслим<sup>14</sup> омон қолди, *тамим* қабиласи [одамлари] унга шафқат қилдилар.

[Кейин] *ал-азд* [қабиласининг одамлари] Қутайбанинг бошини ва унинг узугини олдилар. Қутайбанинг бошини Ваки‘га келтирдилар. [Ваки‘] уни Салит ибн ‘Атиййа ал-Ханафий<sup>15</sup> билан Сулаймон [ибн ‘Абд ал-Малик]га юборди.

Одамлар *боҳила*<sup>16</sup> [қабиласи] ни талон-тарож қилмоқчи бўлдилар, [лекин бошқалар уларни] бундан қайтардилар.

Ваки‘ Абу Мижлаз Лоҳиқ ибн Хумайдга<sup>17</sup> уни Марвга [ҳоким] этиб тайинлаш ҳақида [мактуб] ёзди. [Лоҳиқ] буни қабул қилди, одамлар [хам] бунга рози бўлдилар.

Қутайба ўлдирилган вақтда 55 ёшда эди.<sup>18</sup>

Ваки‘ ибн Абу Суд Хуросонда қаттиқ [чоралар] қилиб, унда тартиб ўрнатгандан [кейин] Сулаймон уни [Хуросон]га волий этиб тайинлашни истади. [Лекин унга] дедиларки, “Ваки‘ [фақат] фитна [вақтида] кўтарилади, (425) [одамлар] жамоасида [эса] у пасаяди. Унинг [муомаласи] кўпол, [табиати эса] бадавийларга [хос]дир”. Ваки‘ тос [келтириш]ни буюрар ва [унга] сияр эди, одамлар [эса] унга қараб турар эдилар.

[Ваки‘нинг ҳукмронлиги] тўққиз ой давом этди, кейин унинг ўрнига Йазид ибн ал-Муҳаллаб келди, [унгача эса] у ал-‘Ироқда эди.

## XXVIII

### [Йазид ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра]

Сулаймон унга [мактуб] ёзиб, Хуросонга жўнашни [буюрди] ва [волий этиб] тайинлангани ҳақида [фармон] юборди<sup>1</sup>. Йазид ўғли Муҳалладни [Хуросонга] юборди<sup>2</sup>. [Муҳаллад] Ваки‘дан ҳисобот [беришни талаб] қилди ва уни ҳибсга олди. [Муҳаллад] унга: “Аллоҳнинг пулини қайтар”, – деди. [Ваки‘ унга]: “Сен Аллоҳнинг хазиначисимидинг?” – [деб жавоб] берди<sup>3</sup>.

Муҳаллад ал-Буттамга юриш қилиб, уни фатҳ этди<sup>4</sup>. Кейин унинг кетидан [улар] кўзғолон кўтардилар. [Муҳаллад] уларни тарк этиб, [орқаси]га қайтди. [Муҳаллад] кетаётганда, улар [уни

қайтишга] гижгижладилар. [Мухаллад] уларга қайта [хужум] қилиб, [ал-Буттам]га кирди. Жаҳм ибн Заҳр [ҳам ал-Буттам]га кириб, у ерда кўп бойликлар ва олтиндан [қилинган] санамларни<sup>5</sup> қўлга киритди. ал-Буттам аҳли унинг ҳимояси [ости]да ҳисобланадилар<sup>6</sup>.

## XXIX

### [Журжоннинг фатҳ этилиши]<sup>1</sup>

(334) ... ‘Аббос ибн Ҳишом ал-Калбий<sup>2</sup> отаси [Ҳишомнинг сўзи]дан, (335) [у эса] Абу Михнаф<sup>3</sup> ва бошқаларнинг [сўзи]дан менга ҳикоя қилди, [улар] дедилар: Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик ибн Марвон ҳукм сура бошлаганда, Ҳазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфрани ал-‘Ироқга волий этиб тайинлади. [Ҳазид] Хуросонга [йўлга] чиқди, чунки Қутайба ибн Муслим [тўғри йўлдан] қайтиб, Сулаймонга қарши чиққан эди, Ваки‘ ибн Абу-с-Суд ат-Тамимий [эса] уни ўлдирган эди.

[Ҳазид] Хуросонга кетаётганда унинг йўлини Сул ат-Туркий<sup>4</sup> тўсди. [Ҳазид] Сулаймонга [мактуб] ёзиб, ундан [Сул]га қарши юриш қилишга рухсат сўради ва [Сулаймон] унга рухсат берди. [Ҳазид] Жилон<sup>5</sup> ва Сорийага<sup>6</sup> юриш қилди. Кейин у Дихистонга<sup>7</sup> келди, [чунки] Сул ўша ерда эди. [Ҳазид] уни қамал қилди, [Ҳазид] нинг [қўл остида] аш-Шом, иккала шаҳар<sup>8</sup> аҳли ва Хуросон аҳлидан [ташқил топган] катта қўшин (336) бор эди. Дихистон аҳли [қалъадан] чиқар ва улар билан жанг қилар эдилар. Ҳазид [қамални] кучайтириб, уларга озиқ-овқат келишини тўхтатди. Кейин Сул Ҳазидга [одам] юбориб, у билан сулҳ тузишни сўради. [Сулҳ шартлари]га кўра, [Ҳазид] унинг ўзига, мол-мулки ва оила аъзоларига омонлик бериши, [Сул] эса унга шаҳарни, унинг аҳлини ва ундаги барча [мол-мулк]ни топшириши [лозим] эди. Ҳазид бу [шартлар]ни қабул қилди, [Сул] билан [ўша шартлар асоси]да сулҳ тузди ва унга амал қилди. Ҳазид турклардан ўн тўрт минг<sup>9</sup> [киши]ни ўлдирди ва у ерда [ўзининг ҳокимини] қолдирди.

Абу ‘Убайда Му‘аммар ибн ал-Мусанно деди: Сул [ҳам] ўлдирилди.

Лекин биринчи хабар тўғрироқдир.

Ҳишом ибн ал-Калбий деди: Ҳазид Журжонга<sup>10</sup> келди. [Журжон] аҳли уни [илгари] Са‘ид ибн ал-‘Ос<sup>11</sup> билан келишилган ўлпонни<sup>12</sup> [келтириб] кутиб олди. [Ҳазид] уни қабул қилди. Кейин Журжон аҳли [сулҳни] буздилар ва бош кўтардилар. [Ҳазид] у ерга Жаҳм ибн Заҳр ал-Жу‘фийни юборди ва у [Журжон]ни [қайта] фатҳ этди.

[Ҳишом] деди: Дейдиларки, [Ҳазид аввал] Марвга келди ва кишни у ерда ўтказди. Кейин у аш-Шом, ал-Жазира<sup>13</sup>, иккала шаҳар ва Хуросон аҳлидан [ташқил топган] бир юз йигирма минг киши[лик кўшин] билан Журжонга юриш қилди.

‘Али ибн Муҳаммад ал-Мадо‘иний менга ҳикоя қилиб, деди: Ҳазид ибн ал-Муҳаллаб кишни Хуросонда ўтказди, кейин Журжонга юриш қилди. У ерда пишиқ ғиштдан [қурилган] девор<sup>14</sup> бўлиб, уларни [кўчманчи] турклардан ҳимоя қилар эди. Унинг бир тарафи денгизда эди<sup>15</sup>. Кейин турклар [девор]ни қўлга олдилар ва ўзларининг подшоҳини [ўтқизиб, уни] Сул<sup>16</sup> деб атадилар. Ҳазид деди: “Аллоҳ Қутайбани қораласин. У арабларнинг [қоқ] ўртасида<sup>17</sup> [жойлашган] бу [душман]ларни [омон] қолдириб, ас-Синга<sup>18</sup> юриш қилмоқчи бўлди”, ёки [Ҳазид] деди: “ас-Синга юриш қилди”. Ҳазид Хуросонда [ўғли] Муҳаллад ибн Ҳазидни [ҳоким қилиб] қолдирди.

[ал-Мадо‘иний] деди: “[Ҳазид] Журжонга келганда, Сул ал-Буҳайрада<sup>19</sup> тўхтаган эди. [Ҳазид] уни олти ой [давомида] қамал қилиб, у билан бир неча марта жанг қилди. [Сул] сулҳ тузишни сўради. [Сулҳ шартлари]га кўра, [Сул]нинг ўзига, мол-мулки ва оиласи аъзоларидан уч юз кишига омонлик берилиши, [Сул] эса ал-Буҳайрани ва ундаги барча мол-мулкларни [Ҳазид]га топшириши [лозим] эди. [Ҳазид] у билан сулҳ тузди, кейин Табаристонга<sup>20</sup> кетди. [Ҳазид] Дихистон ва ал-Байосонда<sup>21</sup> ‘Абдуллоҳ ибн Му‘аммар ал-Ҳашкурийни тўрт минг [аскар] билан ҳоким қилиб қолдирди. [Ҳазид] ўзининг ўғли Холид ибн Ҳазидни<sup>22</sup> ва укаси Абу ‘Уйайна ибн ал-Муҳаллабни<sup>23</sup> ал-исбаҳбадга<sup>24</sup> [қарши] юборди. [Лекин ал-исбаҳбад] уларни мағлубиятга учратди ва Ҳазиднинг қароргоҳигача қувиб борди.

*Ал-Исбаҳбад ал-марзубонга, (337) ёки, дейдиларки, ал-марзубонга<sup>25</sup> [мактуб] ёзиб, “Биз Ҳазиднинг шерикларини ўлдирдик, сен эса ўз томонингдаги арабларни ўлдир”, деди. [ал-Марзубон]*

‘Абдуллоҳ ибн Му‘аммар ал-Йашкурийни ва у билан бирга бўлганларни ўлдирди. Улар эса ўз уйларида хотиржам [ўтирган] эдилар.

Бу хабар Йазид [нинг қулоғи]га етиб борди. У Масқаланинг *мавлоси* Ҳаййонни [Журжонга] юборди, у эса ад-Дайламда<sup>26</sup> [олинган] асирлардан [бири] эди. [Ҳаййон] *ал-исбаҳбад*га деди: “Бизнинг динимиз фарқли бўлса ҳам, [барибир] мен сенинг [қавминг] одамиман ва сенга [хайрихоҳман]. Мен сенга қарши му‘минларнинг амири ва Хуросон қўшинларидан сен [ҳали кўрмаган] бир [қўшин]нинг келмаслигига ва сенинг унга қаршилик кўрсата олишингга қафолат бермайман. Мен сен учун Йазиднинг олдига бордим ва унинг сулҳ [тузиш]га тайёр эканлигини кўрдим”. [Ҳаййон] уни алдашда давом этди ва [нихоят] Йазид етти юз минг дирҳам ва тўрт юз юк<sup>27</sup> заъфаронга<sup>28</sup> сулҳ тузди. *Ал-Исбаҳбад* унга деди: “Олти [юк]нинг вазнидаги ўн [юк]”. [Йазид]: “Йўқ, етти [юк]”, деди. [ал-Исбаҳбад буни] рад этди. Ҳаййон деди: “Бу икки вазн ўртасидаги фарқни мен ўз зиммамга оламан”, ва буни ўз зиммасига олди. Ҳаййон аслзода *мавлослардан* ва уларнинг бошлиқларидан [бири] эди. Унинг *қунйаси* Абу Му‘аммар<sup>29</sup> эди.

Ал-Мадо‘иний деди: Йазид Журжон аҳлининг [сулҳни] бузгани ва [мажбуриятни] бажармагани ҳақида хабар топди ва яна у ерга йўл олди. *Ал-Марзубон* унинг яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар топгандан [кейин] Вазоҳга<sup>30</sup> келди ва у ерда истехком қурди. Унинг атрофи тўқайлар ва чакалакзордан [иборат] эди.

[Йазид қалъа]нинг ёнида етти ой давомида [қамал қилиб] туриб, унга [қарши] ҳеч нарса қила олмади. [Қалъадагилар] бир неча марта [Йазид] билан жанг қилдилар. [Йазид] уларга қарши тўплар<sup>31</sup> ўрнатди. Кейин бир одам уларга қалъага [кириш] йўлини кўрсатди ва деди: “Чарм нарвонлар керак”. Йазид [бу ишни] Жаҳм ибн Заҳр ал-Жу‘фийга топширди ва [унга] деди: “Сен ҳаёт [устидан] ғолиб бўлсанг, ўлим [устидан] ғолиб бўлма”.<sup>32</sup> Йазид ўтинларни ёқишни буюрди.<sup>33</sup> Бу [қамалдаги]ларни ваҳимага туширди, уларнинг бир қисми [қалъадан] чиқдилар, кейин [яна] орқага қайтдилар. [Шу вақт] Жаҳм қалъага етиб келди, [қалъа] дарвозасининг ёнидаги одамлар у билан жанг қилдилар. [Жаҳм] уларни [дарвоза]дан сиқиб чиқарди. Тез орада душманлар орқа-

дан *ат-такбир*<sup>34</sup> [овози]ни эшитдилар. Қалъа кўлга олинди, [унинг аҳли эса] Ўазиднинг ҳукмига топширилди. Жаҳм уларни Журжон дарёсининг<sup>35</sup> ёқасига олиб бориб, ўлдира бошлади, уларнинг қони дарёга оқиб тушиб, ҳатто [уни] тўлдирди.<sup>36</sup>

[Ўазид] Журжон шаҳрини қурди.<sup>37</sup> Ўазид Хуросонга кетди ва [у ерда кўп] совғалар олди.

Кейин у ўғли Мухалладни Хуросонга волий этиб тайинлади ва Сулаймон [ибн ‘Абд ал-Малик]нинг олдига кетди. У [Сулаймон] га ўзида йигирма беш минг минг<sup>38</sup> дирҳам [бор]лиги ҳақида [мактуб] ёзди. Бу мактуб ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азизнинг кўлига тушди. Ўазид унинг олдига келди ва [‘Умар уни] ҳибсга олди.

‘Аббос ибн Ҳишом ал-Калбий отасининг [сўзи]дан, [у эса] Абу Михнаф ёки ‘Авона ибн ал-Ҳукмнинг [сўзи]дан ҳикоя қилиб, деди: Ўазид Табаристонга юриш қилди. *ал-Исбаҳбад* ад-Дайлам [аҳли]ни ёрдамга чақирди ва улар [ёрдам]га келдилар. Ўазид у билан жанг қилди. Кейин [*ал-исбаҳбад*] у билан ҳар йили тўрт минг минг дирҳам ва етти юз минг дирҳам мисқол<sup>39</sup> нақд пул ва тўрт юз эшак [юки]<sup>40</sup> оғирлигида заъфарон [бериш], ҳар бирининг бошида қалқон ва ёпинчиқ, кумуш жом ва ипак болиш [бўлган] 400 кишини [қулликга] топшириш [мажбурияти] билан сулҳ тузди.

Ровийлардан бири дейди: [уларнинг] уст кийими [ҳам бўлиши керак эди].<sup>41</sup>

Ўазид ар-Руйон<sup>42</sup> ва Дунбовандни<sup>43</sup> [ҳам] пул, кийим-кечак ва идиш-товоқ [бериш мажбурияти] билан фатҳ этди.

**(338)** [Ўазид Табаристонга юриш қилгандан]<sup>44</sup> кейин Журжонга йўл олди. Унинг аҳли [тузилган] сулҳни бузиб, унинг ноибини ўлдирган эди. У ўзидан олдин Жаҳм ибн Заҳр ибн Қайс ал-Жу‘фийни юборди. [Жаҳм] шаҳарга кириб борганда, унинг аҳли хотиржам бўлиб, [ҳеч қандай] хавф-хатарни кутмаган эди. Ибн ал-Мухаллаб<sup>45</sup> [ҳам] унга келиб қўшилди. У [Журжон] аҳлидан [кўп] одамларни ўлдирди, уларнинг бола-чақаларини асирга олди, қатл этилганларни эса йўлнинг ўнг ва чап томонларида хочга тортди.<sup>46</sup> У [Журжон]га Жаҳмни ноиб этиб қолдирди. [Жаҳм] унинг аҳлига *жизйа* ва *хирож* [солиқларини] солди. [Жаҳм]нинг зулми [Журжон аҳли] га оғирлик қилди.<sup>47</sup>

### XXX

#### [Қутайба ибн Муслимнинг ноиби]

(425) Абу ‘Убайда Му‘аммар ибн ал-Мусанно деди: Ривоят қилган эдиларки, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Абдуллоҳ ибн ал-Аҳтам Абу Хоқон<sup>1</sup> ал-Ҳажжожга [мактуб] ёзиб, унда Қутайбага тухмат қилди ва унинг ўзлаштирган пуллари ҳақида хабар берди. Ўша вақтда у Қутайбанинг Марвдаги ноиби эди. Қутайба юриш қилганда, [доим] уни Марвда [ўз ўрнига] қолдирар эди. Бухоро ва унинг атрофларига юриш қилинганда ва Қутайба уни [ўз ўрнига] қолдирганда, [Қутайба]нинг олдига *ал-аҳтам* қабиласидан Башир [исмли] бир одам келиб, унга деди: “Сен ‘Абдуллоҳга [кўп] эрк бериб юбординг, у эса ёвуз [ният]ли, ҳасадли [одам]. Биз унинг [сени] бизга қарши қилиб, сени [тахтдан] ағдаришидан сақлай олмаймиз”. [Қутайба унга] деди: “Сен бунни амакингнинг ўғлига ҳасад қилганингдан айтдинг”. У [яна] деди: “[Бу айтганларим] сенинг олдингдаги узрим бўлсин. Агар шундай бўлса, сен мени узр этдинг”. [Қутайба] юриш қилди.

[Шундай қилиб, ‘Абдуллоҳ] ал-Ҳажжожга мазкур [мактуби] ни ёзди. [Кейин] ал-Ҳажжож унинг мактубини ўзининг мактубига қўшиб Қутайбага [юборди]. Элчи [Хуросонга] келиб, Марвдаги бир кўчада тўхтади, ундан [тўғри Қутайбанинг олдига] кетди, ‘Абдуллоҳнинг олдига [эса] кирмади. [‘Абдуллоҳ] ёмонликни сезиб, Марвдан қочди ва аш-Шомга келиб, [у ерда узок] вақт бўйнида [осилган] боғлам билан юриб, шароб ва зиғир [толасидан тўқилган] матолар сотди. Кейин у [бир бўлак] латта ва пахта-ни бир кўзига қўйиб, уни боғлаб олди ва ўзини Абу Тина<sup>2</sup> деб таништирди. У ёғ [ҳам] сотар эди. Бу ҳол ал-Валид ибн ‘Абд ал-Малик ҳалок бўлгунга қадар давом этди.<sup>3</sup> Сулаймон [халифа] бўлганда, [‘Абдуллоҳ] бу кир [кийимлар] ва латталарни ташлаб, Сулаймон [шарафи]га мақтов [сўзлари]ни [одамларга] хитоб қила бошлади (426), ал-Ҳажжож ва Қутайбага [эса] таъна қилди. Улар иккалови ‘Абд ал-‘Азиз ибн ал-Валидга [содикликга] қасамёд қилган, Сулаймонни [эса] тан олмаган эдилар. Одамлар тарқалдилар ва улар [шундай] дер эдилар: “Абу Тина аз-Заййот<sup>4</sup> энг гапга уста одам [экан]”.

Ибн ал-Аҳтамнинг ал-Ҳажжожга ёзган мактуби Қутайбанинг [қўлига] тушганда, у ўзининг ғазабини [Ибн ал-Аҳтам]нинг амиваччалари ва ўғилларига қаратди. Улардан бири Шайба Абу Шабиб эди. [Қутайба] улардан тўққиз кишини ўлдирди. Улар орасида Башир [ҳам] бор эди. Башир [Қутайба]га деди: “Менинг сенга [айтган] узримни эслагин”. [Қутайба унга] деди: “Сен оёқ кўйдинг-у, [сўнг] оёғингни қайтариб олдинг, эй Аллоҳнинг душмани”. [Кейин Қутайба] уларнинг ҳаммасини ўлдирди.

Ваки‘ ибн Абу Суд ундан олдин Хуросонда *тамим* қабиласининг [бошлиғи] эди. Қутайба уни [бу қабилдан] четлатди ва [унинг ўрнига] *дирор ад-дабби* [қабиласидан] [бир] одамни тайинлади. [Қутайба] уларни ўлдирганда, [Ваки‘] деди: “Аллоҳ менинг [қавмим]ни ўлдирди, мен [Қутайба]ни ўлдираман”. [Одамлар Ваки‘]ни кўрмайдиган бўлиб қолдилар. [Чунки] у на пешин, на аср намозларига келар эди. [Одамлар] унга: “Сен намоз ўқимадинг”, дедилар. У [жавоб бериб] деди: “Қандай қилиб мен [бундай] раббга намоз ўқий, [Қутайба] бизнинг [қавмимиз]ни ўлдирди, уларнинг кўпчилиги болалар эди. [Рабб эса] улар учун [Қутайбага] ғазаб қилмади”.

Абу ‘Убайда деди: Қутайба Фил<sup>5</sup> шаҳрига юриш қилиб, уни фатҳ этди. [Ундан олдин] бу [шаҳар]ни Умайя ибн ‘Убайдуллоҳ ибн Холид ибн Асид фатҳ этган эди.<sup>6</sup> Кейин [шаҳарлик]лар [сулҳ шартларини] буздилар. Йазид ибн ал-Мухаллаб уларни [қайта қўлга] олмоқчи бўлди, [лекин] бунга қодир бўлмади.<sup>7</sup> Ка‘б ал-Ашқарий<sup>8</sup> [бу ҳақида] деди:

Эй, Қутайба, Фил сенга икки қўли билан бўйсинди, у тўғри қилди,

Сенгача буни мақтанчоқ ва манман, яъни Йазид ибн ал-Мухаллаб хоҳлаган эди.

### XXXI

#### [ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳакабий]

Дедилар: ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз халифа бўлганда<sup>1</sup>, Моваруннахр подшоҳларини ислом [динини қабул қилиш]га даъват этиб, уларга [мактублар] ёзди. Улардан баъзилари ислом [дини]ни қабул қилдилар.<sup>2</sup> ‘Умарнинг Хуросондаги *‘омили* ал-Жарроҳ



ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳакамий<sup>3</sup> эди. У Мухаллад ибн Йазидни ва Йазиднинг ‘омилларини [ишдан] олиб, уларни ҳибсга олди.<sup>4</sup>

[Кейин] ал-Жарроҳ Мовароуннаҳрга ‘Абдуллоҳ ибн Му‘аммар ал-Йашкурийни<sup>5</sup> юборди. У душман мамлакатининг [ичкараси]-дан ўтиб, ас-Син<sup>6</sup> [мамлакати]га кирмоқчи бўлди. [Лекин] турклар уни қуршаб олдилар. [‘Абдуллоҳ] улардан [пул бериб] қутулди ва озод бўлиб, аш-Шошга келди.<sup>7</sup>

‘Умар Хуросонда ислом [дини] ни қабул қилганларнинг хирож [тўлаши] ни бекор қилди ва ислом [дини]ни қабул қилганларга [вазифалар] белгилади.<sup>8</sup> У [Хуросонда] мусофирхоналар<sup>9</sup> қурдирди.

Кейин ‘Умар ал-Жарроҳнинг мутаассиб [экан]лиги ҳақида эшитди.<sup>10</sup> [Олдин эса ал-Жарроҳ] унга: “Хуросон аҳлини фақат қилич билан тузатиш мумкин”, деб ёзган эди. [‘Умар] бунга қарши эди ва уни [вазифасидан] четлатди. [ал-Жарроҳ]нинг [ғазнадан] қарзи бор эди (427) ва у [қарзи]ни тўлади.<sup>11</sup>

### XXXII

#### [‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘айм ал-Ғомидий]

[‘Умар] ‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘айм ал-Ғомидийни<sup>1</sup> Хуросонда уруш [ишлари]га, ‘Абд ар-Раҳмон ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қушайрийни<sup>2</sup> [эса] унинг хирож [ишлари]га волий этиб тайинлади.<sup>3</sup>

\*[Абу ‘Убайда] деди: ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ кумуш ва олтиндан [безакли] буюмлар ясатар ва уларни ўзи ўтирган ердаги гилам тагида сақлар эди. Уларнинг вазнлари ҳар хил эди. Унинг олдига ака-укаларидан ва унга азиз бўлган [инсонлар]дан кимдир кирганда, у уларнинг ҳар бирига унинг [ўзи]га лойиқ миқдордаги [буюм]ни ташлар эди.<sup>4</sup>

### XXXIII

#### [Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз ал-Хузайна]

Кейин Йазид ибн ‘Абд ал-Малик<sup>1</sup> [халифа] этиб тайинланди. У Маслама ибн ‘Абд ал-Маликни<sup>2</sup> ал-‘Ироқ ва Хуросонга [волий] этиб тайинлади. Маслама [эса] Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз ибн ал-Ҳорис ибн ал-Ҳакам ибн Абу-л-‘Осий ибн Умаййани<sup>3</sup> Хуросонга

[волий] этиб тайинлади. Бу Са‘иднинг лақаби Хузайфа<sup>4</sup> эди. Чунки Мовароуннаҳр деҳқонларидан бири<sup>5</sup> унинг олдига кирганда, у рангли [либослар] кийган, сочи [эса] ўрилган эди. [Шунда у]: “Бу Хузайфа, яъни аёл деҳқондир”, деди. Са‘ид Масламанинг куёви [бўлиб], унинг қизига [уйланган] эди.<sup>6</sup>

Са‘ид [Хуросонга] Саура ибн ал-Хурр ал-Ҳанзалийни<sup>7</sup>, кейин [эса] унинг ўғлини юборди.<sup>8</sup> [Кейин ўзи] Мовароуннаҳрга йўл олиб, Иштиханда тўхтади.<sup>9</sup> [Ундан олдин] у ерга турклар келган эдилар.<sup>10</sup> [Са‘ид] улар билан уруш қилиб, уларни мағлубиятга учратди, [лекин ўзининг] одамларига уларнинг кетидан [таъқиб этиш]ни ман этди.

Кейин у турклар билан иккинчи марта тўқнашди. [Турк]лар уни мағлубиятга учратдилар ва унинг кўп одамларини ўлдирдилар.<sup>11</sup>

[Кейин] Са‘ид [Самарқандга] Наср ибн Саййорни волий этиб тайинлади.<sup>12</sup> Са‘ид ҳақида [бир] шоир [шундай] дейди:

Сен душманлар [ёни]га ўйинчоқ ўйнаб бординг,

Сенинг мучанг очикдир, қиличинг [эса] қинидадир.

### XXXIV

#### [Са‘ид ибн ‘Амр ал-Жураший]

Хуросон аҳлининг аслзодаларидан [бир гуруҳ] одамлар Са‘ид [устидан] шикоят қилиб Масламанинг олдига бордилар.<sup>1</sup> [Маслама] уни [вазифасидан] четлатиб<sup>2</sup>, Хуросонга Са‘ид ибн ‘Амр ал-Журашийни<sup>3</sup> волий этиб тайинлади.<sup>4</sup> У Хуросонга [етиб] келганда, котибига ўзининг [Хуросонга волий этиб] тайинланганлиги [ҳақидаги фармон]ни ўқиб эшиттиришни буюрди. [Котибнинг] талаффузи ёмон эди. Са‘ид [одамларга] деди: “Эй, одамлар! Амирнинг сиз эшитган бу хато [гаплар]га алоқаси йўқ”.

[Са‘ид] суғдларни [ўзларининг] обрўларини [сақлаб], қайта [сулҳ] тузишга даъват этиб, уларни таъқиб қилишни тўхтатиб турди.<sup>5</sup> Унинг [юборган] элчилари [қайтиб] келиб, [суғд]ларнинг [Са‘ид]га қарши чиққани ҳақида [хабар бердилар].<sup>6</sup> [Са‘ид] уларга қарши юрди.<sup>7</sup> Уларнинг йўлбошчисидан<sup>8</sup> [арабларга] итоат [этиш]га мойил бўлган ўн мингга яқин одамлар ажралиб чиқдилар ва уни тарк этдилар.<sup>9</sup> [Са‘ид] ал-Жураший суғдларнинг ҳамма

қалъаларини фатҳ этди ва душман устидан қатъий устунликга эришди.<sup>10</sup>

### XXXV

#### [Муслим ибн Са‘ид]

Йазид ибн ‘Абд ал-Малик [тахт] вориси<sup>1</sup> этиб (428) Ҳишом ибн ‘Абд ал-Маликни<sup>2</sup>, ундан кейин эса ал-Валид ибн Йазидни<sup>3</sup> тайинлаган эди. Йазид ибн ‘Абд ал-Малик ўлганда, [тахтга] Ҳишом ўтирди ва ‘Умар ибн Ҳубайра ал-Фазорийни<sup>4</sup> ал-‘Ироқга волий этиб тайинлади. [‘Умар] ал-Журашийни [вазифасидан] четлатди<sup>5</sup> ва Хуросонга Муслим ибн Са‘идни<sup>6</sup> [волий] этиб тайинлади.<sup>7</sup>

[Муслим] Афшинга<sup>8</sup> [қарши] юриш қилиб, у билан олти минг бош [кул]га сулҳ тузди.<sup>9</sup> [Кейин] унга қалъасини топшириб, Марвга кетди.<sup>10</sup>

[Муслим] Тўхористонга Наср ибн Саййорни волий этиб тайинлади.<sup>11</sup> Араблардан [бир гуруҳ] одамлар унга қарши чиқдилар. [Наср] уларга ҳужум қилди. Кейин улар ўртасига воситачилар тушиб, улар [ўзаро] келишдилар.<sup>12</sup>

### XXXVI

#### [Ҳолид ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий]

[Шу вақт] Ҳишом Ҳолид ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрийни<sup>1</sup> ал-‘Ироқга [волий] этиб тайинлади. [Ҳолид эса] укаси Асад ибн ‘Абдуллоҳни<sup>2</sup> Хуросонга волий этиб тайинлади. Муслим ибн Са‘ид бу [хабар]ни эшитиб, [Марвдан] кетди ва Фарғонага келди<sup>3</sup>. \*[Муслим] унинг бош шаҳрини<sup>4</sup> эгаллаб, [у ерда] дарахтларни кесди ва иморатларни бузди.<sup>5</sup> Турк хоқони кўшини билан унга қарши юриш қилди. [Муслим] Фарғонадан [зудлик билан] кетиб, бир кунда уч *марҳала*<sup>6</sup> [масофа]ни босиб ўтди ва унинг отлари ҳолдан тойди. Турклар [келиб], унинг кўшинини йўқ қилдилар.<sup>7</sup> \*Шоирлардан бири [бу ҳақида] деди:

Сен биз билан [вазифангдан] четлатилишингдан кўрқиб юриш қилдинг, [чунки сен] бош кўтарган эдинг.

[Лекин] сен ўзининг ғурурини [сенга] кўрсатган дунёдан

## XXXVII

## [Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий]

Асад [ибн ‘Абдуллоҳ] Самарқандга келди<sup>1</sup> ва унга ал-Ҳасан ибн Абу-л-‘Амарратани<sup>2</sup> [хоким] этиб тайинлади. Турклар Самарқанд атрофларида бўлиб, [унга] хужум қилиб турар эдилар. Улар ҳар сафар хужум қилганда, ал-Ҳасан [уларни] ҳайдаб юборар, [лекин] уларга ета олмас эди. Бир куни у [жум‘а намозида] хитоб<sup>3</sup> қилди ва [ўзининг] *хутбасида* [одамларни] туркларга [қарши курашга] даъват этиб, деди: “Ё Аллоҳ! Уларнинг изини йўқ қил, уларнинг ўлимини яқинлаштир ва уларнинг [оёқлари]га кучсизлик ато қил”. Самарқанд аҳли [эса] уни сўкиб, деди: “Йўқ, Аллоҳ бизнинг [оёқларимиз]ни кучсиз қилди, уларнинг қадамларига [эса] куч ато қилди”.<sup>4</sup>

Асад Нимруд тоғларига юриш қилди<sup>5</sup> ва Нимруд<sup>6</sup> [аҳли] у билан сулҳ тузди ва ислом [дини]ни қабул қилди.<sup>7</sup>

[Кейин Асад] ал-Хутталга юриш қилди.<sup>8</sup> У Балхга келганда, унинг *мадина* [қисми]ни [қайта] қуришни буюрди<sup>9</sup> ва девонларни<sup>10</sup> у ерга кўчирди.<sup>11</sup> [Кейин] у ал-Хутталга йўл олди, [лекин] у ерда ҳеч нарса [қўлга] кирита олмади. [Унинг] одамлари [эса] йўқотишлар ва очликга дучор бўлдилар.<sup>12</sup>

[Асад ўзи ҳақида] Наср ибн Саййорнинг [ёмон] сўзлагани ҳақида эшитди, уни [ушлаб] урди ва фитна [уюштирганликда] айбланган уч киши билан бирга Холид олдига юборди.<sup>13</sup>

Кейин Асад Хуросонни тарк этди<sup>14</sup> ва у ерда [ўз ўрнига] ал-Ҳакам ибн ‘Авона ал-Калбийни<sup>15</sup> қолдирди.

## XXXVIII

## [Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламий]

[Кейин] Ҳишом Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламийни<sup>1</sup> Хуросонга [волий] этиб тайинлади<sup>2</sup>. У билан [бирга] (429) ‘Умайра<sup>3</sup> исмли ва Абу Умайя *кунйали* [бир] *набатий*<sup>4</sup> котиб [ҳам] бор эди. У [Ашрас]ни ёмонлик [қилиш]га ундади. Ашрас Хуросонда

[давлат идораларида] ишловчи [араблар]нинг [ойликлари]ни кўтарди, [маҳаллий] деҳқонларни [эса] кўзга илмади.<sup>5</sup>

[Ашрас] Мовароуннаҳр аҳлини ислом [дини]ни қабул қилишга даъват этди ва ислом [дини]ни қабул қилганлардан *ал-жизйа* [тўлови]ни бекор қилишни буюрди. [Улар] ислом [дини]ни қабул қилишга шошилдилар ва [ғазнага] *хирож* [тушуми] камайиб кетди. Ашрас бундай [ҳол]ни кўрганда, у [илгари тузилган] сулҳда [кўрсатилган тўловларни яна] ола бошлади. [Одамлар] буни инкор қилдилар ва ундан [юз] ўгирдилар. Улар билан [бирга] Собит Қутна ал-Аздий<sup>6</sup> [ҳам Ашрасдан] ғазабланди. Уни Қутна<sup>7</sup> деб атаганларининг [сабаби], унинг бир кўзи йўқ эди ва унинг [ўрни]га у пахта кўяр эди. Ашрас уларга [қарши аскар]ларни юборди, улар йиғилган [одам]ларни тарқатиб юбордилар. [Ашрас] Собитни ушлаб, [аввал] ҳибсга олди, кейин уни [бировнинг] кафолатига биноан озод қилди ва иш билан бир [ер]га юборди. [Йўлда] турклар унга [қарши] чиқдилар ва уни ўлдирдилар.<sup>8</sup>

### XXXIX

#### [ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон ал-Муррий]

Ҳишом 112 [хижрий]<sup>1</sup> йилда ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон ал-Муррийни<sup>2</sup> Хуросонга [волий] этиб тайинлади.<sup>3</sup> У турклар билан тўкнашиб улар билан жанг қилди.<sup>4</sup> [Кейин] у ўзининг илғор [қисм]ларини [олдинга] юборди. Улар хоқоннинг ўғли [усти]дан зафар қозондилар. У маст ҳолда ов қилаётган эди. [Араб]лар уни [қўлга] олиб, ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмоннинг олдига келтирдилар.<sup>5</sup> [ал-Жунайд эса] уни Ҳишом олдига юборди.<sup>6</sup> [ал-Жунайд] турклар билан жанг қилишни давом этиб, уларни сиқиб чиқарди.<sup>7</sup>

[Кейин] у Ҳишомга ёрдам сўраб [мактуб] ёзди. Ҳишом унга ‘Амр ибн Муслим<sup>8</sup> [бошчилиги]да ал-Басра аҳлидан [бўлган] ўн минг аскарни ва ‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘айм [бошчилиги]да ал-Куфа аҳлидан [бўлган] ўн минг аскарни ёрдамга юборди. Улар [ал-Жунайд]га ўттиз минг найза ва ўттиз минг қалқон [ҳам] келтирдилар. [Ҳишом] унга [аскарларнинг] улушларини белгилашда тўла эркинлик берди. [ал-Жунайд] ўн беш минг одамга улуш белгилади. [Кейин] ал-Жунайд [кўп] юришлар қилди.<sup>9</sup>

Унинг волийлиги давомида *Бану Ҳошим*<sup>10</sup> [уруғи]дан бўлган ташвиқотчилар [кўп] тарқалди ва уларнинг мавқеи кучайди<sup>11</sup>. ал-Жунайд Марвда вафот этди.<sup>12</sup>

## XL

### [‘Осим ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳилолий]

Ҳишом Хуросонга ‘Осим ибн ‘Абдуллоҳ ибн Йазид ал-Ҳилолийни<sup>1</sup> волий этиб тайинлади.<sup>2</sup>

Абу ‘Убайда Му‘аммар ибн ал-Мусанно деди: Тўхористоннинг [баъзи] *ноҳий*ларида фитна кўтарилди ва ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон уларни [кайта] фатҳ этиб, уларни [илгари тузилган] сулҳга ва ўзларининг ерига қайтарди.<sup>3</sup>

## XLI

### [Наср ибн Саййор]

[У яна] деди: Марвон ибн Муҳаммад<sup>1</sup> даврида Наср ибн Саййор<sup>2</sup> Ушрусанага<sup>3</sup> юриш қилган эди, [лекин] у ерда ҳеч нарсани [қўлга] кирита олмади.<sup>4</sup>

## XLII

### [Халифа Абу-л-‘Аббос ас-Саффоҳ]

Марҳум *амир ал-му’минин* Абу-л-‘Аббос<sup>1</sup> ва ундан кейинги халифалар<sup>2</sup> [тахт]га ўтирганда, [Хуросонга] ўзларининг волийларини тайинлар эдилар<sup>3</sup>. Улар душман ерининг худудлари ва уларнинг атрофларини [борган сари] торайтирар, [улар билан] сулҳ тузганлардан [берилган] қасамёдни бузганлар ва [келишилган] шартномадан воз кечганлар билан уруш қилар, (430) [тузилган] сулҳга вафо қилмаганларга уруш эълон қилиб, [улар билан қайта] сулҳ тузишга ҳаракат қилар эдилар.<sup>4</sup>

### XLIII [Халифа ал-Ма'мун]

Дедилар: *амир ал-му'минин* ал-Ма'мун<sup>1</sup> халифа бўлганда<sup>2</sup>, ас-Суғд ва Ушрусанага, [шунингдек], унга қарши қўзғолон кўтарган Фарғона аҳлига қарши қўшин юборди.<sup>3</sup> У Хуросонда турган даврида [ҳам]<sup>4</sup>, ундан кейин [ҳам] уларга қарши [тўхтовсиз] урушлар ва юришлар олиб борди.<sup>5</sup> [ал-Ма'мун] уларга [қарши] отлик [қўшин] ларни юборганда, уларни ислом [дини] қабул этишга, итоат қилишга даъват этар ва уларни [бойликлар билан] қизиқтириб [мактублар ҳам] ёзар эди.<sup>6</sup>

У Кобул-шоҳга<sup>7</sup> [қарши] қўшин юборди. [Кобул-шоҳ] ўлпон тўлаб, [унга] итоат қилди.<sup>8</sup> [Кобул] билан алоқа ўрнатилди ва у ердан [ал-Ма'мун]га [маҳаллий] мевалардан юбордилар, улар [йўлда] бузилмай етиб келди.<sup>9</sup>

Ушрусана подшоҳи Ковус<sup>10</sup> Зу-р-Рийосатайн<sup>11</sup> [номи] билан машҳур бўлган ал-Фадл ибн Саҳлга<sup>12</sup> [мактуб] ёзган эди, у эса ал-Ма'муннинг вазири ва котиби эди. [Ковус] унга [белгиланган] пулни бериши ва [бунинг эвазига] мусулмонлар унинг шаҳрига юриш қилмаслиги [шарти] билан сулҳ тузишни ундан сўраган эди. [ал-Фадл] бунга ижобат берди. Ал-Ма'мун, Аллоҳ унга раҳм қилсин, Мадинат ас-Саломга<sup>13</sup> келганда, Ковус [тузилган] сулҳга вафо қилишдан бош тортди.

[Ковус]нинг [бир иш] бошқарувчиси бўлиб<sup>14</sup>, [Ковус]нинг унга ҳурмати баланд эди. Унинг қизи ал-Фадл ибн Ковусга турмушга чиққан эди. У ал-Фадлни яхши кўрар ва юрагига яқин тугар эди, ал-Афшин<sup>15</sup> [номи] билан машҳур бўлган Ҳайдар ибн Ковусни<sup>16</sup> [эса] ёқтирмас эди ва у ҳақида ёмон [сўзлар] гапирар эди. [Бир куни] Ҳайдар [ўша] бошқарувчига ташланиб, уни ўлдирди. [Бу воқеа] уларнинг [бош] шаҳри Кунб<sup>17</sup> дарвозаси ёнида [содир бўлди]. [Кейин у] Ҳошим ибн Муҳаввир ал-Хутталийнинг<sup>18</sup> олдига қочди, Ҳошим эса ўз мамлакатининг ҳукмдори эди.<sup>19</sup> Ҳайдар ундан отасига [мактуб] ёзиб, ундан розилик олишни сўради. Ковус ўзининг иш бошқарувчиси Тародис ўлдирилгандан [кейин], Умм Жунайдга уйланган ва ўзининг бир нечта деҳқонлари билан [бирга] қочган эди.<sup>20</sup>

Ҳайдар буни эшитгандан [кейин] ислом [дини]ни қабул қилди ва Мадинат ас-Саломга йўл олди. У ал-Ма'мунга Ушрусанада [уни фатҳ этиш учун] қулай фурсат [етиб] келганлигини баён этди ва одамлар [кураш] оғир бўлиши, [қийинчиликлар] ҳақидаги хабарлар билан [илгари] уни кўрқитган бўлсаларларда, [аслида ғалабага] осонгина эришиш мумкинлигига уни ишонтирди. [Ҳайдар] унга [Ушрусана]га олиб борувчи [энг] яқин йўлни [ҳам] тавсифлаб берди. Ал-Ма'мун [Ушрусана]га юриш қилиш учун Аҳмад ибн Абу Холид ал-Аҳвал ал-Котиб<sup>21</sup> [бошчилиги]даги катта кўшинни юборди. Ковус [арабларнинг] унга қарши келаётганини эшитиб, ал-Фадл ибн Ковусни турклардан ёрдам сўраш учун юборди. Улардан беҳисоб [кўшинлар] унга ёрдамга келдилар. Аҳмад (431) ибн Абу Холид Ушрусана мамлакатига келди ва ал-Фадлнинг турклар билан етиб келишидан олдин унинг пойтахтида тўхтади. Ковус [эса араблар] бу яқин йўлни билмасдан, узок йўлдан юрадилар, деб тахмин қилган эди. Унинг кўлидан [қувват] кетиб, қалбини кўркув босди. У [арабларга] таслим бўлиб, [уларнинг олдига] итоат билан чиқди. ал-Фадл бу хабарни эшитгач, туркларга кўшилиб, [улар билан] ўша атрофдаги чўлга [чиқиб кетди]. Кейин у [турк]ларни тарк этди. У шошилинич равишда отасининг олдига келди ва унинг омонлик [ҳақидаги кафолати ости]га кирди. Турклар [эса чўлда] чанқоқликдан ҳалок бўлдилар. Ковус Мадинат ас-Саломга келди ва ислом [дини]ни қабул қилди. [Кейин] ал-Ма'мун уни ўзининг мамлакати [Ушрусана]га подшоҳ этиб тайинлади. Кейин унинг ўғли Ҳайдарни, яъни ал-Афшинни ундан кейин подшоҳ этиб тайинлади.

[Ундан олдин] ал-Ма'мун, Аллоҳ унга раҳм қилсин, ўзининг Хуросондаги волийларига [мактублар] ёзиб, Мовароуннаҳр аҳлидан [арабларнинг] итоатига кирмаганлар ва ислом [дини]ни қабул қилмаганларга қарши юриш қилишни [буюрар] эди. У [Мовароуннаҳрга] ўзининг элчиларини юборар, улар [эса] у ерларнинг аҳлидан ва уларнинг подшоҳларининг ўғилларидан ким девонда [хизмат қилиш]ни ва маош олишни истаса, уларга маош белгилар, уларни бойлик орттиришга рағбатлантирар эдилар. Улар унинг олдига келганларида, [ал-Ма'мун] уларни ҳурмат [билан кутиб] олар, уларга совғалар [улашар] ва маошларини кўтарар эди.<sup>22</sup>



## XLIV [Халифа ал-Му‘тасим]

Кейин ал-Му‘тасим биллоҳ халифа бўлди.<sup>1</sup> У ҳам худди шундай [қилар] эди. Ҳатто [шундай бўлдики], [энди] унинг қўшинининг кўпчилик қисмини суғдлар, фарғоналиклар, ушрусаналиклар, шошликлар ва бошқалардан [иборат] Мовароуннаҳр аҳли ташкил этди. Уларнинг подшоҳлари унинг олдига [кўп] келар эдилар ва у ерлардаги аҳоли орасида ислом ғалаба қилди.<sup>2</sup> У мамлакат аҳли [энди] орқа томондаги туркларга [қарши ўзлари] юриш қила бошладилар.<sup>3</sup>

‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир<sup>4</sup> ўғли Тоҳир ибн ‘Абдуллоҳни<sup>5</sup> ғузлар мамлакатига<sup>6</sup> юриш [қилиш учун] юборди. [Тоҳир] ундан олдин ҳали [араблардан] ҳеч кимнинг [оёғи] етмаган ерларни фатҳ этди.

Менга ал-‘Умарий, [у эса] ал-Ҳайсам ибн ‘Адий [сўзи]дан, [у эса] Ибн ‘Аййош [сўзи]дан гапириб бердики, Қутайба арабларни Мовароуннаҳрга кўчириб келтирди<sup>7</sup>, уларни ҳатто Фарғона ва аш-Шош ерларига [ҳам] жойлаштирди.<sup>8</sup>

# ШАРҲЛАР ВА ИЗОҲЛАР

## I

### Йаздажирднинг қатл этилиши

1. Йаздажирд ибн Шаҳрийор ибн Кисро Абарвиз ибн Ҳурмуз ибн Ануширвон (يزدجرد بن شهريار بن كسرى ابرويذ بن هرمز بن انوشيروان) – шаҳаншоҳ Йаздажирд III – Сосонийлар сулоласининг охирги ҳукмдори (632 – 651 йилларда ҳукм сурган) [at-Tabari I: 148, 201, 216, 1044, 1065, 1067, 1069, 2163, 2210, 2215, 2238 – 2244, 2247, 2688 – 2693, 2682 – 2684; Hamzae Ispahanensis: 62 – 63, 151 – 153; Фирдоуси IX: 311 – 382; Jacut I: 769; II: 317, 411, 777, 925; IV: 265, 323, 834; Ибн Халдун II: 563 – 564; 583 – 585; Тер-Мкртичан 1979: 62]. У ҳақида яна қаранг: Morony 1997: 80; EI: XI: 309; Дашков 2008: 199 – 206.

2. Хуросон (خراسان) – Ўрта Осиёнинг жанубий ғарбида жойлашган тарихий вилоят. Унинг номи ўрта форс (пахлавий) тилида *xvarāsān* – “қуёшнинг чиқиш ери”, “шарқ” маъносини билдиради [ПРС: 30]. Сосонийлар даврида Эрон дунёнинг 4 томонига қараган 4 қисм (*kūst*) га бўлинган – шимолда Апахтар (*apaxtar*) ёки Отурпотакон (*Āturpatakān*), жанубда Нимруз (*nēmroç*), ғарбда Хобарон (*xvarbarān*) ва шарқда Хуросон (*xvarāsān*). Илк ўрта асрларда Хуросон Эроннинг шимоли-шарқидаги алоҳида маъмурий бирлик (*kūst*) ни ташкил этиб, қадимги Парфия ҳудудларини ўз ичига олган. Унда Самарқанд (Samarkand), Бахл (Bāxl), Х<sup>в</sup>оразм (Xvārazm), Марв-и Рот (Marv i Rot), Марв (Marv), Харе(в) (Harēh), Пушан(г) (Pūšan(g), Тос (Tōs), Нев-Шахпур (Nēv-Paḥpuhr), Кайен (Kāyēn), Дахистон (Dahēstān), Комиш (Kōmis) каби шаҳар ва вилоятлар бўлган [Markwart 1931: 8 – 12]. Хуросон ҳукмдори *испахбад* (форс. اسپهبد, араб. الاسبيد) деб аталган. Маъмурий жиҳатдан Хуросон 4 қисм (ربع) га бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирида *марзбон* (مرزبان) лар ҳукмронлик қилган. Улардан бири Марв ва унинг вилояти, иккинчиси Балх ва Тўхористон, учинчиси Хирот, Бушанж, Бодғис ва Сижистон, тўртинчиси эса Мовароуннаҳр бўлган [Ибн Хордадбех: 61; Ibn al-Fakih: 314 – 330; Гардизи: 17]. IX асрда ал-Фарғоний “Хуросон” тушунчасига бутун Ўрта Осиё ерлари, шу жумладан Еттисув ва Талас водийсини ҳам киритган эди [Калинина 1988: 131]. Ибн ал-Фақиҳга кўра, Хуросон 2 қисмдан иборат бўлган. Юқори Хуросон (خراسان العليا) га Самарқанд ва ас-Суғд шаҳарлари, Қуйи Хуросон (خراسان السفلى) га эса Марв ва Ҳарот шаҳарлари кирган [Ибн ал-Фақиҳ 1968: 56]. Ибн Русте ат-Тирмиз, Бухоро, Самарқанд, Кеш, Насаф, аш-Шош, Фарғона ва Усрушанани ҳам Хуросон таркибига киритган [Ibn Rosteh: 97, 105]. XII асрда ал-‘Ироқ аҳли ар-Рай шаҳридан бошлаб кун чиқар томондаги ҳамма ерларни Хуросон деб атаганлар. Айрим манбаларда Хуросоннинг ғарбдаги чегараси сифатида Ҳул-

вон тоғлари ҳам кўрсатилган [ас-Сам‘оний V: 67; Jacut II: 409–415]. Бу ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 102 – 121; Колесников 1982: 131 – 146; de Meunard 1861: 197 – 202; Dehkhoda VII: 9634 – 9635; Bosworth 1986: 55–59.

3. Марв (مرّو) ёки Марв аш-Шоҳижон (مرّو الشاهجان) – Хуросонда Марв дарёси, яъни Мурғобнинг қуйи оқимида жойлашган катта шаҳар. Сосонийлар даврида Марв (Marv) Хуросон вилояти (*kūst*) нинг асосий шаҳарларидан бири бўлган [Markwart 1931: 11]. Араблар Хуросонга келганларида, унинг 4 қисм (ربع) идан бирини Марв ва унинг вилояти ташкил этган бўлиб, унда *марзбон* (مرزبان) унвонли алоҳида ҳукмдор ҳукмронлик қилган. Исломдан олдинги Марв ҳукмдори *моҳуйа* ёки *моҳавайҳ* (ماهويه) унвонига ҳам эга бўлган [Ибн Хордадбех: 61, 69]. Суғд тилидаги манбаларда Марв шаҳрининг номи *тры* (*mary*) – Марғ шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 216 (5430)]. Сосонийлар даврида Марвда MR, MRW ва MRWY номлари остида тангалар зарб этилган [Дашков 2008: 273]. Ўрта форс (пахлавий) тилидаги манбаларга кўра, уни Византиялик Сокандар (Sōkandar i Hrōmāyik), яъни Македониялик Искандар қурган [Markwart 1931: 11]. Ислом давридаги ривоятга кўра, Марвнинг *қуҳандизи*, яъни ички қалъасини Эроннинг афсонавий шоҳи Тахмурос, шаҳарнинг *мадина* қисмини эса Зу-л-Қарнайн, яъни Македониялик Искандар қурдирган [Ibn NaukaI: 434]. Марв 30/650-51 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида Хотим ибн ан-Ну‘мон ал-Боҳилий томонидан фатҳ этилган. Илк ислом даврида Марв арабларнинг Хуросондаги таянч нуқтаси ва Хуросон волийларини қароргоҳи бўлган. Бу ерда 30/650-51 йилда Сосонийларнинг охириги шаҳаншоҳи Йаздагирд III ўлдирилган. ‘Аббосий халифаларининг ҳокимияти ҳам Марвда бошланган ва уларнинг қора рангли байроқлари илк бор шу ерда кўтарилган. Бу ерда 10 йил давомида халифа ал-Ма‘мун ҳукм сурган. Шунинг учун одамлар уни аш-Шоҳижон (الشاهيجان), яъни Шоҳ Жаҳоний (شاه جهانبي) – “Подшоҳлар қароргоҳи” деб атаганлар. Ривоятга кўра, Марв сўзи олов чиқариш учун ишлатиладиган “оқ тош” маъносини билдирган.

Шаҳар текисликда жойлашган бўлиб, унинг атрофларида бирорта ҳам тоғ йўқ эди. Унинг тупроғи шўр ва қумли бўлган. Унинг бинолари ғиштдан ва пахсадан қурилган. Шаҳарда 3 та жоме‘ масжиди бўлган. Улардан энг қадимги 2 таси *мадинанин*г ичида, яна бир жоме‘ масжиди Абу Муслим даврида Можон ариғининг бўйида қурилган. XII асрда улардан фақат биттасида намоз ўқилган ва унинг эшиги ёнида катта минора қурилган. Ўша масжиднинг орқасида ҳукумат уйи жойлашган. У ерда Абу Муслим даврида пишиқ ғиштдан қурилган тўрт бурчак шаклдаги 4 эшикли қуббали бинода X асрда ҳам Марв амирлари мажлислар ўтказганлар. X асрда баланд ерда қурилган *қуҳандиз* хароба ҳолатда эди. Шаҳар бозорлари ҳам Абу Муслим даврида *мадинадан* Можон ариғи бўйига кўчирилган. Марв бозорлари жуда ҳам озода ва турли-туман молларга бой бўлган. Байрам (*ийд*)

намозгоҳи Ра'с ал-Майдон маҳалласида Абу Жаҳм майдонида Хурмузфарра ва Можон ариқлари орасида жойлашган. Шаҳар 4 қисмга бўлинган бўлиб, ҳар бирида алоҳидан ариқ ўтган. Ас'адий ал-Хуросоний ариғининг бўйида Марв *марзбонининг* қароргоҳи, Можон ариғининг бўйида Абу Муслим қароргоҳи, Хурмузфарра (Наҳр ал-Мулук) ариғининг бўйида эса Тоҳирийлар сулоласининг қароргоҳи жойлашган, ар-Разик ариғининг бўйида Марв деҳқонлари яшаган. Марвнинг ҳамма ариқлари Бомийон тоғларидан оқиб келувчи Мурғоб дарёсидан сув олган. Сув тақсимоти учун махсус амир тайинланган, унинг обрў-эътибори солиқ йиғувчи амалдорниқидан ҳам юқори бўлган. Шаҳардаги 10 мингдан ортиқ аҳолининг ҳаёти шу ариқлардаги сув билан боғлиқ эди. Шаҳар мудофаа девори билан ўралган. Шаҳар атрофидаги *рустоқлар* ҳам ар-Рай номли девор билан ўралган. Ички *мадинанинг* 4 та дарвозаси бўлиб, улар Боб ал-Мадина, Боб Санжон, Боб Болин ва Боб Дар Маскон деб аталган. Халифа ал-Ма'мун Марвда волий бўлиб турганда, унинг қўшинлари шу дарвоза ёнида турган. Абу Са'д ас-Сам'оний (XII аср) Марвдаги 15 та маҳалла, 20 та кўча, 11 та масжид ва 20 та мадраса, работ, хонақоҳ ва бошқа иншоотлар ҳақида маълумотлар келтирган.

Марв вилоятида шаҳар ва қишлоқлар кўп бўлиб, уларнинг кўпларида жоме' масжидлари қурилган. Кушмайхан (كشميهن), Хурмузфарра (هرمزفره), Синж (سنج), Жиранж (جيرنج), ад-Дандонақон (الدندانقان), ал-Каринайн (القرينين), Бошон (باشان), Харақ (خرق) ва ас-Савсақон (السوسقان) шулар жумласидандир [Ибн Хордадбех: 61, 63, 64, 66, 67, 69; al-Jakubi: 279 – 280; Ibn Rosteh: 97; at-Tabari I: 2682 – 2690, 2872 – 2888; al-Istakhri: 254, 258 – 263, 282 – 285; Ibn Naukal: 435 – 437; al-Moqaddasi: 27, 33, 50, 61, 258, 271, 294, 299, 310 – 314, 317, 322 – 336, 347, 356; Худуд ал-‘Алем: 86, 10а, 126, 20аб; Jacut IV: 507 – 512]. Абу Са'д ас-Сам'оний Марв вилоятида жойлашган 160 дан ортиқ қишлоқлар ҳақида маълумот келтирган [al-Sam'ani: 523R; ас-Сам'оний VIII: 286; Jacut I: 205, 324, 396, 559, 797; IV: 80, 315, 499, 857; Камалиддинов 1993: 27 – 42]. Марв шаҳри харобалари ҳозирги Туркменистоннинг Мари шаҳри яқинидаги Байрам-Али шаҳарчаси ёнида жойлашган. Шаҳар харобалари икки қисмдан иборат бўлиб, Гаур-қалъа ва Султон-қалъа деб аталади. IX – X асрларда бу шаҳар тахминан 300 га майдонни эгаллаган [Жуковский 1894: 35 – 48; Массон 1963: 7 – 19]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 172 – 195; 1971: 60 – 69; Булгаков 1963: 213 – 224; СГСА 1973: 211 – 219; de Meynard 1861: 526 – 533; Колесников 1982: 19, 44, 133 – 142, 144, 156, 189, 196, 203, 221; Yakubovskii, Bosworth 1991: 618 – 621; Dehkhoda XIII: 20721; Камалиддинов 1993: 20 – 26.

4. *марзубон* ёки *марзбон* (مرزبان) – ўрта (пахлавий) тилидаги *marzepān* – “чегара посбони”, яъни “чегарада жойлашган вилоятнинг ҳукмдори” сўзининг арабча шакли [ПРС: 191]. Сосонийлар даврида Эрондаги 18 та вилоятнинг ҳамма ҳукмдорлари шу унвон билан аталганлар. VI – VII асрларда

Хуросондаги Абаршаҳр, Марв, Марв ар-Руд, Сарахс, Абивард каби вилоятларнинг *марзбон*лари марказий ҳокимиятдан деярли мустақил бўлганлар ва ўз вилоятларининг эгасига айланганлар. Илк ислом даврида бу сўз ал-Марзубон (المرزبان) шаклида атоқли исми сифатида ҳам ишлатилган. Бу унвон ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 138; Колесников 1981: 49 – 56; Kramers, Morony 1991: 633 – 634; Dehkhoda XIII: 20655.

5. Моҳавайҳ ёки Моҳуйа (ماهويه) – Сосонийлар даврида Марв шаҳри ва вилоятининг *марзбони*, яъни волийси ёки ҳукмдори. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сида унинг исми Моҳуй (ماهوي) шаклида келтирилган [Фирдоуси IX: 334, 337, 346 – 351, 353 – 356, 361 – 365, 370 – 379]. Унинг отасининг исми Мофанах, бобосининг исми эса Фид бўлиб, у Абу Бароз ас-Сурий номи билан ҳам машҳур эди. Бошқа маълумотга кўра, унинг отасининг исми Азар (أزر) бўлган. Араблар Хуросонга келган илк даврда Моҳавайҳ бу ернинг сиёсий ҳаётида муҳим мавқени эгаллаган. Моҳавайҳ Хуросоннинг шарқий қисмида Марвдан Амударёгача бўлган ҳудудда ҳукмронлик қилган. В 31/651-52 йилда Сосонийлар сулоласининг охирги шаҳаншоҳи Ўздагирд III, араблардан қочиб, Марвга келганда, бу ерда уни Моҳавайҳ ва Бодғиснинг турк ҳокими Низак Тархон тантанали равишда кутиб олдилар. Низак Тархон Ўздагирддан унга қизини турмушга беришини сўраган, лекин шаҳаншоҳ унга рад жавобини берган. Сўнгра у Моҳавайҳдан солиқларни тўлашни талаб қила бошлаган. Уларнинг муносабатлари бузилган. Моҳавайҳ турклар билан битим тузиб, Ўздагирдни қатл этишни ташкил қилган [ат-Табари: 24 – 30]. Моҳавайҳнинг кейинги тақдири манбаларда турлича баён этилган. Баъзи маълумотларга кўра, араблар Марвга яқинлашганда, Моҳавайҳ Амударё ортидаги туркларнинг ёнига қочиб, умрининг охиригача турк ҳоконининг хузурида қолди. Бошқа маълумотга кўра, Моҳавайҳ араблар келгандан кейин ҳам Марв деҳқони бўлиб қолган ва Ўздагирднинг ғазнаси ва ҳамма бойликларини халифа ‘Усмонга юборган. Учинчи маълумотга кўра, Моҳавайҳ шаҳаншоҳни ўлдиргани учун форслар уни қатл этганлар [Колесников 1982: 135 – 140]. Яна бир маълумотга кўра, Ўздагирд қатл этилгандан кейин Моҳавайҳ туркларга қарши чиқиб, ўзини унинг тўкилган қони учун қасос олувчи деб эълон қилган. Турк ҳокони Ишбара Халлиғ ҳам 651 йилда Марвга юриш қилиб, ўзини Ўздагирднинг тўкилган қони учун қасос олувчи деб эълон қилган. Амударёдан жанубда жойлашган бир ерда улар ўртасида жанг бўлиб, унда турклар Моҳавайҳни асирга олганлар ва қатл этганлар [Фирдоуси IX: 446; Гумилев 1967: 240 – 241]. Қандай бўлганда ҳам араблар келгандан кейин Моҳавайҳ Хуросоннинг сиёсий майдонидан ғойиб бўлган. 27/647-48 йилда Моҳавайҳнинг Бароз исмили ўғли Марв деҳқони сифатида Хуросон волийси ‘Умайр ибн Аҳмар ал-Йашкурийга ёрдам берган [Гардизи: 25, 26]. 31/651-52 йилда арабларнинг Хуросонга тайинланган волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Марвга Ҳотим ибн ан-Ну‘мон ал-Боҳилийни юборганда, у билан Аброз (Бароз)

исмли Марв *марзбони* сулҳ тузган [ат-Табари: 31]. Эҳтимол, у Марв шахрининг ҳокими этиб тайинланган Моҳавайҳнинг ўғли бўлган [ат-Табари: 26]. Манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, *моҳавайҳ* Марв ҳукмдорларининг унвони, *аброз* эса Насо ҳукмдорининг унвони, *бароз-банда* эса Фаржистон ҳукмдорининг унвони бўлган [Ибн Хордадбех: 69; Бируни 1957: 111]. Ибн А‘самга кўра, Моҳавайҳ Сарахс ҳукмдори (ملك سرخس) бўлган [Ибн А‘сам II: 338]. 36/656-657 йилда Моҳавайҳ шахсан халифа ‘Али ибн Абу Толибнинг ҳузурига ал-Куфа шахрига келиб, илгари тузилган сулҳга содиқ эканлигини яна бир бор исботлаган. ‘Али ибн Абу Толиб унга *китоб* (كتاب), яъни шартнома ёзиб бериб, унда ўзининг шартларини келтирди ва унга юклатилган хирожни келтиришни буюрган. Моҳавайҳ унга белгиланган маблағни келтириб берган. Кейин Марв аҳли исломдан юз ўгирганлар [Халифа ибн Хаййот: 41; ал-Йа‘кубий II: 192; al-Ja‘kubi II: 214; al-Jakubi: 296; al-Beladsori: 408]. Шундан кейин араблар Марв шахрини ўзларининг таянч нуқтасига айлантирдилар ва Хуросон волийларининг қароргоҳи шу ерда бўлган.

Ўрта аср манбаларида Моҳавайҳнинг авлодлари ҳақида айрим маълумотлар мавжуд. Хусусан, X асрда Насаф вилоятидаги Утшунд номли қишлоқда Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Ну‘айм ибн ал-Фудайл ибн Саҳл ибн Фаррухон ибн Моҳон ибн Баҳром ибн Моҳавайҳ ал-Утшундий (302/914 йилда вафот этган) исмли одам яшаган, у Марв *марзбони* Моҳавайҳнинг авлоди бўлган. Абу Бакр ал-Утшундий шунингдек Бухорода ҳам яшаган ва ал-Бухорий *нисбасига* эга бўлган. Бухорода у амир Исмо‘ил ибн Аҳмад ас-Сомоний (279 – 295/892 – 907 йилларда ҳукм сурган) нинг котиби, кейин эса вазири бўлган. Исмо‘ил ибн Аҳмаднинг вафотидан кейин у амир Аҳмад ибн Исмо‘ил ас-Сомоний (295 – 301/907 – 914 йилларда ҳукм сурган) нинг котиби ва вазири, кейин эса 1 йил амир Наср ибн Аҳмад ибн Исмо‘ил ас-Сомоний (301 – 331/914 – 943 йилларда ҳукм сурган) нинг вазири бўлган. Ҳаммаси бўлиб у 20 йил вазир лавозимини эгаллаган. Сомонийлар сулоласига мансуб амирлар “унинг вазирлик хизматидан жуда мамнун бўлганлар, лашкарбошилар ва раъият ҳам уни давлат ишларини яхши бошқаргани учун мадҳ этганлар”. Манбаларда унинг отаси Ҳотим ибн Ну‘айм ва бобоси Ну‘айм ибн ал-Фудайл, Сулаймон исмли амакиси, шунингдек Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Котиб ал-Утшундий ан-Насафий ва Абу Аҳмад исмли ўғиллари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Уларнинг ҳаммаси унинг ўзи сингари ҳадис ривоят қилганлар [ас-Саолибий 1976: 101, 397; ан-Насафий 6284: 71R]. Унинг набираси Абу-л-Музаффар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳамид ал-Котиб ал-Утшундий ан-Насафий Кеш ва Насаф почтасининг бошлиғи бўлиши билан бирга машҳур шоир ва адиб, баён ва нутқ санъатининг устаси ҳам бўлган. У ҳам ҳадис ривоят қилган ва Абу Ҳанифа мазҳабига оид фикҳ илмини ўрганган, кейин эса му‘тазилийлар таълимотини тарғиб қилган [ас-Сам‘о-

ний I: 131]. Шундай қилиб, манбаларда Моҳавайхнинг 10 бўғимдаги авлодлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Уларнинг шажараларидан аён бўладики, Моҳавайхнинг ўғли, набираси ва чабираси қадимги эроний исмлар (Баҳром, Моҳон ва Фаррухон) га эга бўлганлар. Ундан кейинги авлодлари эса ислом динини қабул қилганлар ва араб исмларига эга бўлганлар [Камолиддин 2006: 30 – 36]. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda XIII: 20052 – 20053.

6. ат-Табарийга кўра, Ўздажирд 22/642-43 йилда Марвга келиб, у ерга жойлашган. У ўзи билан зардуштийларнинг муқаддас оловини ҳам олиб келиб, уни сақлаш учун Марвдан 2 *фарсах* масофада ибодатхона қурдириб, атрофларига боғ солган. Бу ибодатхонага олиб борувчи йўлда яна бир гумбазли бино қурдирган. Марвдан туриб у вилоятлардаги одамларни арабларга қаршилик кўрсатишга даъват этган. Араб саркардаси ал-Аҳнаф ибн Қайс Марвга етиб келганда, Ўздажирд шаҳарни тарк этиб, Марв ар-Рудга кетган. Бу ердан туриб, Ўздажирд турк хоқони ва ас-Суғд подшоҳига элчилар юборди, ас-Син, Кобул ва ал-Хазар подшоҳига ҳам мактублар ёзиб, улардан арабларга қарши ёрдам беришларини сўраган. Ал-Аҳнаф Марв ар-Рудга йўл олганда, Ўздажирд Балхга кетган. Куфалик араблар унинг кетидан қувиб бориб, Балх яқинида унга етиб олганлар ва унинг аскарлари билан жанг қилганлар. Бу жангда Ўздажирд мағлубиятга учраб, одамлари билан Балх дарёси (яъни Амударё) томон қочган ва ундан нариги қирғоққа кечиб ўтган. Турк хоқони турклар, Фарғона ва ас-Суғд аҳлини йиғиб, Ўздажирдга ёрдамга келган. Улар бирга Балх дарёсидан Хуросонга кечиб ўтиб, Балхга келганлар. Куфалик араблар у ердан ал-Аҳнаф ёнига Марв ар-Рудга чекинганлар. Турк хоқони кўшини билан Балхдан Марв ар-Рудга келиб, шаҳар ёнида тўхтаган. Туркларнинг одатига кўра, жангдан олдин 3 ноғорачи бирин-кетин туғ кўтариб қароргоҳдан чиқиши ва ноғорасини чалиб, белгиланган масофадаги ерга бориб туриши лозим эди. Шундан кейин қолган кўшинлар жангга отланар эдилар. Ўша куни ал-Аҳнаф ибн Қайс кечаси қалъадан чиқди ва хоқоннинг кўшини турган ерга келиб тонг отишини кутди. Ноғорачилар бирин-кетин қароргоҳдан чиқа бошлаганда, ал-Аҳнаф уларга ҳужум қилиб, уларни ўлдирди ва орқасига қайтди. Тонгда турклар жангга отланганда, ўзларининг 3 ноғорачиларининг ўлдирилган жасадларига дуч келдилар. Хоқон буни ёмон аломат деб қабул қилди ва жангга киришмасдан Балхга қайтиб кетди. Ўздажирд хоқонни тарк этиб, Марвга йўл олди ва у ерда қолдирган ғазнасини олди. У ғазнани Туркистонга ёки ас-Синга олиб кетмоқчи эди. Лекин ал-Форс аҳли бунга қаршилик қилдилар, Ўздажирдга ҳужум қилиб, унинг ғазнасини тортиб олдилар ва бу ҳақида ал-Аҳнафга хабар бердилар. Араблар Марвга етиб келдилар ва Ўздажирд тарафдорлари билан жанг қилиб, уларни шаҳардан сиқиб чиқардилар. Ўздажирд араблардан қочиб, дарёдан кечиб ўтди ва халифа ‘Умар (13 – 23/634 – 644 йилларда ҳукм сурган) ҳукмронлигининг охири-

гача Фарғонадаги турклар хузурида қолди. Ал-Форс аҳли ал-Аҳнаф ибн Қайс билан сулҳ тузиб, ўз ерларига қайтдилар. Халифа ‘Усмон (23 – 35/644 – 656 йилларда ҳукм сурган) даврида Хуросон аҳли арабларга қарши бош кўтардилар. Ўздажирд ҳам Фарғонадан Марвга келди. Лекин бу ерда Ўздажирд билан Хуросон аҳли ўртасида низо вужудга келди. Ўздажирд улардан қочиб, бир тегирмонга яширинди. Хуросонликлар уни қидириб топиб, ўлдирдилар, жасадини эса ариққа ташладилар [Tabari I: 2682 – 2690; 2876]. Бошқа маълумотга кўра, Ўздажирд мағлуб бўлгандан кейин Форс вилоятига қайтиб келиб, у ерда 4 йил қолди, кейин у Кирмон вилоятига кетиб, у ерда 2 ёки 3 йил қолди. Кейин у Сижистонга кетиб, у ерда 5 йилга яқин вақт қолди ва сўнг Хуросонга кетди [Tabari I: 2876]. Бошқа манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Ўздажирд Марвга 19/640 ёки 21/641-42 йилда келган [al-Ja‘kubi II: 173; Ибн Шихна XI: 122 – 123], унинг қатл этилиши эса 30/650-51 ёки 31/651-52 йилда юз берган [История халифов: 26; Ибн ал-Асир III: 13, 45 – 47]. Ас-Сам‘онийга кўра, Ўздажирд халифа ‘Усмон хукмронлигининг 8-йили, яъни 31/651-52 йилда Марвдан 6 *фарсах* жанубда жойлашган Зарқ (زرق) ёки Разиқ (رزق) номли қишлоқдаги ариқ бўйида қатл этилган [ас-Сам‘оний VI: 267]. Арман манбаларида ҳам Ўздажирд 31/651-52 йилда қатл этилганлиги қайд этилган [Патканьян 1869: 87]. Ибн ал-Фақиҳга кўра, Ўздажирд 32/652-53 йилда қатл этилган [Ibn al-Fakih: 103]. Сурёний тилдаги манбаларга кўра, 956 (яъни 645) йилда Ўздажирд араблардан қочиб, Марғиёна ёнида туркларнинг чегарасида жойлашган Сижистон номли ерга келди. 961 (яъни 650) йилда халифа ‘Усмон ўзининг Саид исмли ўғлини Ўздажирднинг кетидан юборди. Ўздажирд 5 йил Сижистонда яшириниб тургандан кейин Куфа томонга борди, кейин Марвга келиб, бир тегирмонда яширинди. Бир турк уни ўлдириб, бошини Марв *марзбони*га юборди. Марзбон буни кўриб, арабларга шаҳар дарвозаларини очиб берди. Саид унинг тожини олиб, Усмонга юборди [Гусейнов 1960: 41]. Бу ҳақида яна қаранг: Колесников 1982: 131 – 142; Гоибов 1989: 80 – 84; Джалилова 1991: 7; Камалиддинов 1993: 119 – 120.

7. Низак (نيزك) – Хуросондаги Бодғис вилоятининг ҳукмдори. Унинг унвони *тархон* (طرخان) бўлиб, VII асрнинг иккинчи ярми – VIII аср бошларида у Хуросон ва Тўхористонда юз берган сиёсий воқеаларда етакчи ва муҳим ўрин тутган. Араблар уни Абу-л-Ҳаййож (ابو الهياج) – “Сержахл”, “Жаҳлдор” деб атаганлар. *Тархон* унвони туркий бўлиб, исломдан олдин туркларнинг *арғу* қабиласида “бек” маъносида ишлатилган [Кошғарий I: 409; ДТС: 539]. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сида у Бижан Тархон деб қайд этилган [Фирдоуси IX: 348, 349, 373, 375 – 378]. Манбаларда Низак Тархон ҳақида маълумотлар 31/651-52 йилдан 91/709-10 йилга қадар давр орасида қайд этилган. Низак Тархон илк бор сиёсий майдонга 31/651-52 йилда кириб келган бўлиб, ўша йилда у Марв *марзбони* Моҳавайхга Сосонийлар сулоласининг охириги *шаҳаншоҳи* Ўздажирд III га қарши курашда ёрдам



берган [al-Jakubi: 300; al-Ja'kubi II: 342; at-Tabari I: 2878, 2879, 2686 – 2688; II: 156, 1129 – 1131, 1152, 1184 – 1186, 1204 – 1207, 2118 – 1227; el-Maqdisi VI: 38]. 51/671-72 йилда ар-Раби' ибн Зийод Балхни сулҳ йўл билан, Куҳистон вилоятини эса куч билан фатҳ этган. Куҳистонда унга турклар қаршилиқ кўрсатдилар. Уларнинг бир қисмини ар-Раби' қириб ташлади, қолганлари эса қочиб қутулдилар. У ердаги турклардан фақат Низак Тархон ўз жойида қолган, яъни араблар билан сулҳ тузган [at-Tabari II: 156]. Ибн А'самнинг асарида VII асрнинг ўрталарида яшаган Тахтоҳ (طختاخ) Низак Тархон исмли ҳукмдор қайд этилган [Ибн А'сам II: 317 – 318]. 82/701-02 йилда Низак Тархон ас-Суғд ҳукмдори Тархуннинг даъватига биноан ат-Тирмизга Собит ибн Қутбага Мусо ибн 'Абдуллоҳга қарши жангда ёрдам бериш учун келган [at-Tabari II: 1152]. 84/703-04 йилда Низак Тархон ўзининг Бодғисдаги қалъасидан чиқиб, юришга кетганда, Хуросон волийси Йазид ибн ал-Муҳаллаб унинг қалъасига келиб, уни қўлга олмоқчи бўлди. Низак бу ҳақида хабар топиб, орқасига қайтди ва Йазид билан сулҳ тузиб, унга ўзининг ҳамма бойлиқларини берди ва оиласи билан қалъани тарк этди. Низак қалъасини жуда ҳам кадрлар, ҳар доим уни кўрганда, унга таъзим қилар эди [at-Tabari II: 1129 – 1132]. 86/705 йилда Низак Тархон *соҳиб ат-турк* (صاحب الترك) – “туркларнинг бошлиғи” [al-Ja'kubi II: 342] ёки Тархон ат-Туркий (طرخان التركي) сифатида қайд этилган [el-Maqdisi VI: 38; Jacut II: 411; IV: 818].

Ибн А'самга кўра, Қутайба ибн Муслим Хуросонга волий бўлиб келганда, у ерда фақат 2 киши унга бўйсунмаган эди. Улардан бири Низак ал-Барқаший (نيزك البرقشي) эди. Унинг асли турк бўлиб, олдинги Хуросон волийларидан бири даврида ислом динини қабул қилган эди. У араб саркардаси Са'ид ибн 'Усмон ибн 'Аффонга қиз бериб, у билан қариндошлиқ алоқалари ўрнатган эди [Ibn A'tham VII: 215; Ибн А'сам VII: 142, 148 – 153]. 87/705-06 йилда Низак Тархон яна Бодғис ҳукмдори сифатида Қутайба ибн Муслим билан сулҳ тузди ва унинг Мовароуннаҳрга қилган юришларида у билан бирга бўлди. У ислом динини қабул қилиб, ўзига 'Абдуллоҳ исминини ҳам қабул қилган эди [al-Beladsori: 420; ал-Йа'кубий II: 300; at-Tabari II: 1184]. 90/708-09 йилда арабларнинг қилган ваҳшийликларидан ваҳимага келиб, Тўхористонга кетди ва уларга қарши кўзғолон кўтарди. Балх, Марв ар-Руд, ат-Толақон, ал-Форйоб, ал-Жузжон ва бошқа ерларнинг аҳолиси унга қўшилдилар [at-Tabari II: 1201]. 91/709-10 йилда Низак Тархон тарафдорлари билан Искимишт яқинидаги тоғлар орасидаги Хост номли қалъага беркинди. Қутайба ибн Муслим уларни 2 ой давомида қамал қилиб, қалъани қўлга кирита олмади ва охири таслим бўлиш эвазига уларга омонлик ваъда қилди. Улар қалъадан чиқиб, таслим бўлдилар. Лекин Қутайба ўзининг сўзи устидан чиқмади ва уларнинг ҳаммасини қатл этди [at-Tabari II: 1218 – 1225]. Қутайба Низак Тархоннинг боши ва унинг камари-

ни ал-Ҳажжожга юборди. Бу камар Сосонийларнинг охирги шаҳаншоҳи Йаздагирднинг камари эди [el-Maʿqdisi VI: 38].

Баъзи манбаларда келтирилган маълумотга кўра, Низак Тархоннинг қароргоҳи Балх шаҳрида бўлиб, у Марвга ўша ердан келган [Арабский аноним: 16]. Халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ҳукмронлигининг 2-йилида, яъни 24/644-45 йилда Балх шаҳрини Низак ат-Туркий қўлга олиб, мусулмонларни ҳайдаб чиқарди [Jacut II: 411]. Араблар Балхга келганда, унда *тархон* унвонли подшоҳ ҳукм сурган [al-Jakubi: 287]. Ўрта асрларда Балх шаҳридан жанубдаги Дара-и Газ номли тоғ дарасида тоғ тепасида Борбар (باربر) ёки Фароздиз (فرازدز) номли тошдан қурилган катта қалъа жойлашган эди. Ривоятга кўра, бу қалъани Низак Тархон исмли Балх ҳукмдори қурган [Махмуд ибн Вали: 46]. XII асрда ёзилган “Фазо’ил-и Балх” асарида Низак *амир-и Балх* (امير بلخ) – “Балх амири” деб аталган [ал-Балхий: 18].

Ибн ал-Фақиҳ келтирган маълумотга кўра, Низак Тархон дастлаб Тўхористон шаҳарларидан бирида ҳукмдор бўлган. Араблар Балхни босиб олганларидан кейин у ердаги Навбахор ибодатхонасининг Бармак исмли бош коҳини ислом динини қабул қилди. Низак Тархон унга қарши юриш қилиб, уни ота-боболар динига қайтишга даъват этди. Лекин Бармак исломдан қайтишдан бош тортиб, арабларни ёрдамга чақирди. Шунда Низак Тархон орқага қайтиб, қулай фурсат келишини пойлаб юрди. Бир куни у кечаси Бармакнинг уйига бостириб кириб, уни ўлдирди, у билан бирга унинг 10 та ўғлини ҳам ўлдирди [Ibn al-Fakih: 324].

Бу маълумотлардан аён бўладики, дастлаб Низак Тархон Қуҳистондаги Бодғис вилоятининг туркий ҳукмдори бўлган, кейин у Навбахор ибодатхонасининг бош коҳини Бармакни ўлдириб, Балхни эгаллаган ва Тўхористон халқларининг арабларга қарши ҳаракатини бошқарган. Л.Н.Гумилев маълумотига кўра, 651 йилда Бодғис ҳукмдори Йукук Ирбис Дулухон бўлиб, у 653 йилда вафот этган. Унинг ўрнига тахтга ўғли ўтириб, 659 йилда қатл этилган. Ундан кейин тахтга Низак Тархон ўтирган [Гумилев 1967: 240]. Низак Тархон 1 млн. кишини ўлдирган 4 одамдан бири ҳисобланган [ас-Саолибий: 72]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 32 – 39; Bosworth 1995: 67.

8. Низак Тархоннинг асли турк бўлиб [Ibn A‘tham VII: 215], манбаларда у *соҳиб ат-турк* (صاحب الترك) – “туркларнинг бошлиғи” [al-Ja‘kubi II: 342] ёки Тархон ат-Туркий (طرخان التركي) сифатида қайд этилган [el-Maʿqdisi VI: 38; Jacut II: 411; IV: 818]. Баъзи манбаларда у *малик ал-ҳайотила* (ملك الهياطة) – “эфталийларнинг подшоҳи” деб аталган [Hamzae Ispahanensis: 63]. Арабларнинг фатҳ урушларига қадар Хуросоннинг кўп шаҳар ва вилоятларида туркий ва туркийлашган эфталий сулолалар ҳукм сурган [Никитин 1986: 82 – 88]. Арман манбаларига кўра, Хусрав I Ануширвон даврида Веркан (Журжон) ва Сагастан (Сижистон) ерлари “Туркастан”, яъни Туркистонга қарашли бўлган [Тер-Мкртичан 1985: 51]. Сурёний манбаларига кў-

ра, турклар V асрнинг охири – VI асрнинг бошларида Хуросондаги Марғиёна (Марв) вилоятида ҳукмронлик қилганлар [Гусейнов 1960: 49].

Турклар Хуросонга илк бор IV – V асрларда кириб келган бўлиб, улар хийоний, кидарий ва эфталий қабалалар иттифоқининг таркибида Сосонийларга қарши урушларда иштирок этганлар. Ҳозирги Эрон ҳудудида улардан қадимги туркий лаҳжалар [Зейналов 1972: 74 – 79] ва кўплаб туркий топонимлар сақланган [Логашова 1984: 151 – 153]. Нумизматик маълумотларга кўра, хийоний ва кидарий қабилалари Сосонийлар давлатининг шарқий ҳудудларида мил. IV асрнинг 80-йилларида жойлашганлар [Вайнберг 1972: 134, 137]. Арабларнинг фатҳ урушлари арафасида Хуросон турклари расман Сосонийларга тобе бўлсалар ҳам Тўхористон турклари сингари қарлуқларнинг *жабғуя* (جبغوية), яъни *йабғу* унвонли олий ҳукмдорига бўйсунганлар [at-Tabari II: 1589, 1590, 1604, 1612].

9. ал-Жунобид (الجنابذ) – ал-Муқаддасийга кўра, Жуновид (جناود) ёки Жуновод (جناوان) – Тус вилоятида жойлашган шаҳар, X асрда унга 70 та қишлоқ қарашли бўлган [al-Moqaddasi: 319]. X асрда Қуҳистон вилоятида Йунобид (ينابذ) номли шаҳар бўлиб, у Санқондан, Кундур ва Қойин шаҳарлари ўртасида, улардан 2 кунлик йўл масофада жойлашган [al-Istakhri: 273, 274, 283, 284; Ibn Haukal: 446, 455]. ас-Сам‘онийга кўра, Жунобид (جنابذ) Нишопур вилоятида жойлашган бўлиб, унинг номи форсча Кунобид (كونابذ), яъни Гунобод (گونابذ) номининг араблашган шакли бўлган [ас-Сам‘оний III: 306; Jacut II: 120 – 121; IV: 206]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 165 – 166; Dehkhoda XII: 19270 – 19271, 19417.

10. ал-Мурғоб (المرغاب) ёки Мурғоб (مرغاب) – Марв воҳасидаги энг катта дарё. 31/651-52 йилда бу дарёнинг бўйидаги сув тегирмонида Сосонийлар сулоласининг охириги шаҳаншоҳи Ўздагирд III ўлдирилган. Марв шаҳри ва унинг *рустоқ*ларидаги ҳамма ариқлар шу дарёдан сув олган. Бу дарё ал-Бомийон тоғларидан бошланиб, Фаржистон ва Марв ар-Руд вилоятлари орқали Марвга оқиб келган. Марвдан қарвон йўли Мурғоб дарёси бўйлаб Марв ар-Рудга, кейин Балх ва Тўхористонга кетган. Ривоятга кўра, бу дарёнинг номи *мурғ* ва *об* сўзларидан ясалган бўлиб, “қуш суви” маъносини англатади. Бошқа ривоятга кўра, Мурғоб сўзи Марвоб, яъни Марв суви маъносини билдирган. Дарё номининг Мурғоб шакли хато бўлиб, унинг келиб чиқишини *мурғ* (қуш) билан боғловчи ривоят таъсирида вужудга келган [Жуковский 1894: 68]. Бошқа маълумотга кўра, бу ном билан дарёнинг бошланиш ери аталган. Яна бир маълумотга кўра, *мурғ* ёки *марғ* сўзи “қалин ўрмон” маъносини билдирган. Суғд тилидаги манбаларда Марв шаҳрининг номи *mry* (*mary*) – Марғ шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 216 (5430)]. Марв вилояти ҳудудида дарёнинг суви Зарқ (زرق) номли қишлоқ ёнидаги тўғонда тақсимлана бошлаган. Бу дарёдан шаҳардаги ҳар бир маҳалла ва кўчага ариқлар ўтказилган. Ҳар бир ариқда ёғоч тахталар қўйилган бўлиб, уларда сув келишини назорат қилиш учун қилинган те-

шиклар бўлган. Бу тешиклар сувни сунъий равишда кўпайтириш ёки камайитиришнинг олдини олган. Ҳар бир маҳалла ва кўча ўзининг маълум миқдордаги ичимлик сувига эга бўлган. Дарёда сув кўпайиб кетса, уларнинг улуши ҳам кўпайган, сув камайиб кетса, уларнинг улуши ҳам камайган. Бу масалада ҳамма тенг бўлган ва ҳеч ким афзал қўйилмаган. Бу тахталар шаҳардан ярим *фарсах* масофада жойлашган Бухсоб (بخساب) номли қишлоқда ўрнатилган. Сув тақсимотини назорат қилиб туриш учун махсус амир тайинланган. Унинг обрў-эътибори солиқ йиғувчи амирникидан ҳам баланд бўлган. Марвдаги 10 мингга яқин аҳолининг ҳаёти шу дарёнинг суви билан боғлиқ бўлган. [at-Tabari I: 2872 – 2883; II: 170; al-Istakhri: 261; Ibn Naukal: 436; Байхаки: 850, 870, 871; ан-Насави: 334; Jacut IV: 499; Бабур-наме: 122а, 165а, 179а, 185б, 187аб, 205а; Махмуд ибн Вали: 27, 96]. Бу дарё ҳозир ҳам Мурғоб деб аталади, Афғонистон ва Туркменистон ҳудудларидан оқиб ўтади. Ўрта асрларда Форс вилоятида ҳам Мурғоб (مرغاب) номли дарё бўлган. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 136 – 156; 1971: 47, 53, 56, 60 – 71, 76, 82, 98, 262; СГСА 1973: 166 – 168; Колесников 1982: 139, 142, 144. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 1993: 608; de Meynard 1861: 524; Dehkhoda XIII: 20481.

11. Ас-Сам‘онийга кўра, Ўздажирд Марвдан 6 *фарсах* жанубда жойлашган Зарқ (زرق) ёки Разиқ (رزق) номли қишлоқда ал-Мурғобдан оқиб чиқувчи бир ариқнинг бўйида қатл этилган [ас-Сам‘оний VI: 267]. Бу маълумотни XI асрда яшаб, “Та’рих ал-хулафо” (“Халифалар тарихи”) асарини ёзиб қолдирган номаълум араб муаллифи ҳам тасдиқлайди [История халифов: 2б].

12. *дирахм* (درهم) – араб., қад. юнон *drahm* (δραχμή) – “кумуш танга” сўздан олинган, Араб халифалигида муомалада бўлган кумуш пул бирлиги. Сосонийлар империясида муомалада бўлган кумуш пул бирлиги ҳам *драхма* деб аталган. Форс тилидаги манбаларда бу сўз кўпроқ қисқартирилган *дирам* (درم) шаклида учрайди. Ундан ташқари бу атама 16 *қирот* (قيراط) ёки 3, 186 г га тенг бўлган оғирлик ўлчови сифатида ҳам ишлатилган. Бу ўлчов мисқолнинг 7/10 қисмини ташкил этган [Давидович 1970: 81]. Бу ерда Сосонийларнинг кумуш драхмалари назарда тутилган, чунки халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврида араблар ўзларининг кумуш тангаларини ҳали зарб этмаганлар. Улар фатҳ этган деярли барча ерларда эса Сосонийларнинг кумуш тангалари муомалада бўлган [Walker 1941; Göbl 1971; Дашков 2008]. Бу ҳақида яна қаранг: Miles 1965: 319 – 320; Dehkhoda VII: 10650 – 10652; 10713 – 10717.

13. Матнда: *сулҳан* (صلحا) – араб., “сулҳ билан”, яъни сулҳ шартномасини тузиш орқали. Араблар фатҳ урушлари давомида шаҳарларни 2 йўл билан фатҳ этганлар: куч билан (عنوة) ва сулҳ билан (صلحا), яъни сулҳ шартномасини тузиш йўли билан. Маҳаллий аҳолининг қайси йўл билан фатҳ этилганлиги арабларнинг улар билан кейинги муносабатларини белгилаш-

да муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хусусан, маъмурий китобларда хирожнинг миқдори ҳақида маълумот келтирилганда, ҳар доим маҳаллий аҳоли билан араблар ўртасида сулҳ тузилганлиги ёки у куч билан фатҳ этилганлиги кўрсатилган [Qudama ibn Ja'far: 165 – 166]. Сулҳ шартномаси юридик ҳужжат бўлиб, араблар номидан уларнинг лашкарбошиси ва маҳаллий аҳоли номидан уларнинг ҳукмдори томонидан тузилган, ва унда иккала томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Араблар шаҳарларни сулҳ йўли билан фатҳ этишни афзал кўрганлар, чунки кўпинча маҳаллий аҳолининг сони араб аскарларининг сонидан анча устун бўлган ва уларни куч билан енгиш доим ҳам осон кечмаган. Маҳаллий аҳоли ҳам сулҳ тузишни афзал кўрганлар, чунки акс ҳолда шаҳарда кўп қон тўкилиши ва шаҳар вайрон бўлиши мумкин эди. Шунинг учун фатҳ урушларининг илк босқичларида сулҳ шартномалари араблар билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги муносабатларни белгиловчи ягона расмий ҳужжат бўлиб келган. Илк ислом даврида айрим ҳолларда маҳаллий ҳукмдорлар сулҳ шартномасини халифанинг ўзи билан тузганлар. Масалан, Марв *марзбони* Моҳавайх 36/656-657 йилда шахсан халифа ‘Али ибн Абу Толибнинг ҳузурига ал-Куфа шаҳрига келди ва ‘Али ибн Абу Толиб унга *китоб* (كتاب), яъни шартнома ёзиб берди [Халифа ибн Хаййот: 41; al-Ja'kubi II: 214; al-Jakubi: 296]

Сулҳ шартномаси араб тилида 2 нусхада тузилган ва бир нечта гувоҳлар томонидан тасдиқланган. Баъзан у маҳаллий аҳолининг тилига ҳам таржима қилинган. Унинг бир нусхаси арабларда, иккинчи нусхаси маҳаллий аҳолида сақланган [Колесников 1982: 153 – 165]. Манбаларда арабларнинг маҳаллий аҳоли билан тузган айрим сулҳ шартномаларининг матнлари сақланган. Хусусан, Ибн А‘сам ал-Куфийнинг “Китоб ал-футух” (“Фатҳлар китоби”) асарида 93/711-12 йилда Қутайба ибн Муслимнинг Самарқанд ҳукмдори Ғурак билан тузган сулҳ шартномасининг тўлиқ матни келтирилган [Ibn A‘tham VII: 239 – 246; Смирнова 1957: 119 – 134]. Бу ҳақида яна қаранг: Khadduri 1997: 845 – 846; ЎМЭ VIII: 135; Dehkhoda X: 15025 – 15026.

14. ат-Табарийга кўра, Марвдаги христианларнинг Илия исмли митрополити Йаздажирднинг қатл этилгани ҳақида хабар топгандан кейин барча христианларни йиғиб, шундай деди: “Мана форсларнинг шоҳи қатл этилди. У шоҳ Кисронинг ўғли шоҳ Шаҳрийорнинг ўғли эди. Шаҳрийорнинг онаси малика Ширин эди, у эса бизнинг динимизга мансуб эди. Демак, бу шоҳнинг томирида христиан қони ҳам бўлган. Унинг бобоси шоҳ Кисро даврида ҳам христианлар ҳурмат-иззатда бўлганлар. Ундан олдинги шоҳлар ҳам христианларга яхшиликлар қилганлар ва улар учун бир нечта черковлар қурдирганлар. Шунинг учун биз бу шоҳнинг қатл этилганига чуқур таъзия билдиришимиз керак, чунки унинг аждодлари христианларга кўп яхшиликлар қилганлар. Мен бир *новус* қурдириб, унда шоҳнинг жасадини тантанали равишда дафн этмоқчиман”. Христианлар унинг бу гапла-

рини маъқулладилар. Марвдаги митрополиянинг боғида *новус* қурдилар ва шоҳнинг жасадини ариқдан олиб, кафанга ўрадилар, тобутга солдилар ва елкаларида кўтариб, ўша *новусга* олиб келдилар. Кейин уни *новусда* дафн этиб, кириш ерини ғишт териб ёпдилар [at-Tabari I: 2883 – 2884]. Арман тилидаги манбаларга кўра, Ширин Византия императори Маврикийнинг қизи бўлиб, шаҳаншоҳ Хусрав II Парвиз (590 – 628 йилларда ҳукм сурган) нинг энг суюкли хотини бўлган. Ширин Эронда христианлар учун кўп черковлар ва монастирлар қўриб берди [Патканьян 1869: 59 – 60]. Ибн Халдун келтирган маълумотга кўра, Марв аҳли Йаздажирднинг жасадини ариқдан чиқариб, тобутга солдилар ва уни Истахрга олиб келиб, ўша ердаги *новусга* дафн этдилар [Ибн Халдун II: 584 – 585].

15. Файруз ибн Йаздажирд (فیروز بن یزدجرد) – Феруз ёки Пероз, охирги шаҳаншоҳ Йаздажирд III нинг ўғли, VIII асрнинг бошларида у Мовароуннаҳрда Қутайба ибн Муслимга қарши жанглар олиб борган [al-Ja'kubi II: 184, 185; at-Tabari I: 196; al-Masudi: 101; Ибн Халликон III: 267]. Г. Гоибовнинг фикрига кўра, Йаздажирднинг араблардан Фарғонага қочиши ва Хуросонга қайтиши аслида унинг ўғли Ферузга тааллуқлидир [Гоибов 1989: 84]. Бизнингча, Феруз отаси Йаздажирд билан Фарғонага кетган ва халифа 'Усмон даврида у билан бирга Хуросонга қайтган. Йаздажирд Марвда қатл этилганидан кейин Феруз яна Фарғонага кетган. Феруз узок вақтгача арабларга бўйсинмай келган Табаристон вилоятига ҳам келиб, у ерда Сосонийларнинг ҳокимиятини тиклаш ва маъмурий тизимини ўрнатишга ҳаракат қилган [Бартольд 1971: 216]. Баъзи маълумотларга кўра, Хуросонда ал-Ҳайтал подшоҳлари ҳокимиятга келгандан кейин, улар Йаздажирднинг ўғли Ферузни ўлдирдилар [Jasut II: 410]. Хитой манбаларида келтирилган маълумотга кўра, Хитой императори 662 йилда Ферузни Эроннинг подшоҳи деб эълон қилди. Шундан кейин Феруз Тўхористонда арабларга қарши кураш олиб борди ва 672 йилда Хитойда вафот этди. Хитой манбаларида Йаздажирднинг Нерсе (Ни-хуань-ши) исмли набираси ҳақида ҳам хабар келтирилган [Chavannes 1903: 257 – 258]. У 58/677-78 йилда Хитой императорининг саройида яшаган, кейин эса Тўхористонда арабларга қарши кўзғолонга бошчилик қилган [at-Tabari: 17, прим. 16, 22]. У 677 йилда Тўхористонда жангда қатл этилди. Бу ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 16, 71; Dehkhoda IV: 5937.

16. Қутайба ибн Муслим Йаздажирднинг Шоҳфаринд исмли қизини асирга олиб, уни ал-Ҳажжож ибн Йусуфга юборди, у эса уни халифа ал-Валид ҳузурига юборди ва ундан бўлажак халифа Йазид туғилди [at-Tabari II: 1247]. Шоҳфаринднинг бир қутиси бўлиб, унда у форс тилида ёзилган бир китобни сақлар эди [Ibn al-Fakih: 209]. Илк ўрта асрларда Эрондаги *ши'а* мазҳабига мансуб одамлар Йаздажирд III нинг Шаҳрбону Жаҳоншоҳ исмли қизининг Рай шаҳрининг чеккасида жойлашган мақбарасини чуқур эъзозлаганлар. Ривоятга кўра, унинг иккинчи исми Сулофа бўлиб, у имом

Хусайннинг хотини ва унинг ўғли 4-имом ‘Али ибн Хусайн ибн ‘Али ибн Абу Толибнинг онаси бўлган [Алиев 2002: 222 – 223]. VII асрда Марв шаҳрида Йаздажирднинг *деҳқон* Камкор исмли авлоди яшаган [Ибн ал-Асир VIII: 44]. Машҳур фақиҳ, *ал-ҳанафиййа* мазҳабининг асосчиси, ал-Имом ал-А‘зам таҳаллуси билан машҳур Абу Ханифа Ну‘мон ибн Собит ибн Марзубан ибн Камкор ибн Йаздажирд ибн Шаҳрийор (150/767-68 йилда вафот этган) унинг 4-авлоди бўлган [ал-Карши: 63]. 110/728-29 йилда Йаздажирднинг Хусрав исмли набираси (Файрузнинг ўғли) Камаржа жангида турк ҳоконининг томонида иштирок этган [at-Tabari II: 1518; Gibb 1923: 71]. VIII аср бошларида Фарғонада ва Туркистонда яшаган *‘ажамлар*, яъни форслар ҳақида маълумот келтирилган [История халифов: 167а]. Бу ерда VII асрдан бошлаб қувғин қилинган Йаздажирднинг авлодлари ва аслзода форсларнинг жамоаси яшаб келган [at-Tabari II: 2692; Ibnu’l-Balkhi: 24, 109]. Бу воқеалар халқ оғзаки ижодида ҳам акс этган. Ривоятга кўра, араблар ‘Ажам ерларини фатҳ этганларидан кейин форслар улардан қочиб, Фарғонада кўним топганлар [Шоҳ Ҳаким: 17]. Иссиқкўлдаги Отбоши шаҳри яқинидаги Барсхон шаҳрининг қарлуқларидан чиққан Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Сабук-тегин ҳам ўзининг шажарасини Йаздажирд III билан боғлиқ деб ҳисоблаган. Унинг сўзларига кўра, охириги шаҳаншоҳ араблардан турклар юртига қочгандан кейин ўша ерда кўним топган [Bosworth 1962: 220; 1963: 39 – 40]. 720 йилда ёзилган бир йилномада VII асрнинг иккинчи ярмида (654, 657, 659, 660 ва 676 йилларда) Японияга Тўхористон аҳлининг келганлиги қайд этилган, улар аслзодалардан иборат бўлиб, исмлари форсча бўлган. Таҳмин қилинишича, улар Йаздажирднинг авлодлари бўлганлар [Gikio 1979: 55 – 63; Колесников 1982: 145].

## II

### ‘Абдуллоҳ ибн Будаил ибн Варқо’

1. Абу Мусо ‘Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Сулайм ибн Хидор ибн Ҳарб ал-Аш‘арий – арабларнинг *қаҳтон* қабиласи таркибига кирган *ал-аш‘ар* уруғига мансуб *ғозий*, Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири. Абу Мусо 21/602 йилда Йамандаги Забид шаҳрида туғилиб, ёшлигида Маккага келган ва у ерда ислом динини қабул қилган. У бир гуруҳ мусулмонлар билан Ҳабаш ерига кетиб, у ерда маълум вақт яшаган. Улар орасида Муҳаммад пайғамбарнинг энг яқин саҳобаларидан бири ‘Усмон ибн ‘Аффон ҳам бор эди. Кейинроқ Абу Мусо Муҳаммад пайғамбарнинг Забид ва ‘Адан шаҳарларидаги вакили этиб тайинланган. 17/638 йилда ‘Умар ибн ал-Хаттоб (13 – 23/634 – 644 йилларда ҳукм сурган) халифалиги даврида ал-Басра шаҳрига ҳоким этиб тайинланган. Арабларнинг фатҳ урушларида фаол иштирок этган, Эрондаги Исфохон ва ал-Аҳвоз шаҳарларини фатҳ этиб, у ерларнинг ҳам ҳокими этиб тайинланган. Халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон (23 –

35/644 – 656 йилларда ҳукм сурган) даврида ал-Куфа ҳокими бўлган. 37/657-58 йилдаги Сиффин жангидан сўнг ‘Али ибн Абу Толиб (35 – 40/656 – 661 йилларда ҳукм сурган) билан Му‘овийа ўртасида бўлган тахт учун курашда Абу Мусо ҳакам этиб сайланган. Сўнг у ал-Куфа аҳли билан бирга ‘Алига қарши фитна уюштиргани учун вазифасидан четлатилган ва Маккада яшаган. Умрининг охирида у ал-Куфага қайтган ва у ерда 42/662-63 ёки 44/664-65 йилда вафот этган. Саҳобалар ичида энг яхши тиловат қилувчи Абу Мусо бўлган. Имом ал-Бухорийнинг “ал-Жоме‘ ас-Саҳиҳ” номли ҳадислар тўпламидаги 355 та ҳадиснинг ровийлар занжири Абу Мусо ал-Аш‘арийга бориб тақалади [ал-Балозурий 1959: 201; at-Tabari I: 89, 126, 1125, 1250, 1667, 1788, 1852 – 1854, 1983, 2094, 2136; Macoudi IV: 394, 398, 399, 401, 408; Jacut I: 174, 297, 412, 436, 441, 609, 642, 849, 940; II: 46, 62, 131, 294, 317, 628, 817; III: 28, 189, 404, 581, 837; IV: 175, 208, 265, 832, 844]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий IV: 254 – 255; Dehkhoda I: 922 – 923; X: 15721.

2. ‘Абдуллоҳ ибн Будаил ибн Варқо’ ал-Хузо‘ий – Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири, хузо‘а қабиласига бошчилик қилган. Унинг отаси Будаил ибн Варқо’ ҳам хузо‘а қабиласининг бошлиғи бўлган. Арабларнинг Эронда олиб борган фатҳ урушларида фаол иштирок этган. Хусусан, у 23/643-44 йилда Табас шаҳрини фатҳ этишда иштирок этган. 35/655-56 йилда у халифа ‘Усмон ибн ‘Аффонга қарши кўтарилган исёнда қатнашган. 37/657-58 йилда ‘Али ибн Абу Толиб билан бирга Сиффинда Му‘овийага қарши жанг қилиб, жангда ҳалок бўлган [at-Tabari I: 2636, 2704, 3005, 3283, 3289, 3292, 3297 – 3299, 3324; Ибн А‘сам II: 247; ас-Сам‘оний VIII: 414]. Унинг набираси ‘Абдуллоҳ ибн Будаил ибн ‘Абдуллоҳ ибн Будаил ибн Варқо’ ал-Хузо‘ий 81/700-01 йилда Умавийларга қарши бош кўтарган ‘Абд ар-Раҳмон ибн ал-Аш‘аснинг тарафдори бўлган, у мағлубиятга учрагандан кейин ат-Тирмизга Мусо ибн ‘Абдуллоҳнинг олдига кетиб, 85/704 йилгача у билан бирга бўлган ‘Усмон ибн Мас‘уд ат-Тирмизни қамал қилиб, Мусони ўлдирганда, унинг тарафдорларидан фақат ‘Абдуллоҳ ибн Будаилнинг ҳаётини сақлаб қолган [al-Ja‘kubi II: 211; Macoudi IV: 315, 365, 373; at-Tabari II: 1158, 1163]. Унинг отаси Будаил ибн Варқо’ ва акаси Нофи‘ ибн Будаил саҳобалардан бўлганлар ва манбаларда ҳадис ровийлари сифатида қайд этилганлар [al-Ja‘kubi II: 59; Ibn Saad IV (1): 136; IV (2): 31; V 339]. Унинг ‘Абд ар-Раҳмон исмли акаси ёки укаси ҳам бўлган [al-Ja‘kubi II: 211]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1989: 144, 159; 1993: 101, 144, 159, 242; Колесников 1982: 113, 141, 142; аз-Зириклий IV: 200; Dehkhoda X: 15716.

3. Матнда: *ғозийан* (غازيا) – “*ғозий* сифатида”, яъни *ғозий* бўлиб кетди. Араб тилида *ғозий* (غازي) сўзи “ислом дини учун *ғазавот* урушида иштирок этувчи”, “жангчи” маъносини билдирган. Илк ўрта асрларда кўнгилли жангчилар (*ал-мутавви‘ун*) дан ташкил топган кўшинлар ғайридин



(*кофир*) туркларга қарши “муқаддас уруш” (*ал-жиход* ёки *газавот*) лар олиб борганлар. Бундай жангчилар *ғозий* деб аталган. Ислом анъанасига кўра, *газавот* урушида ҳалок бўлган мусулмонлар тўғри жаннатга йўл олганлар ва *шаҳид* (شهيد) деб аталганлар. Аллоҳ йўлида ғайридин туркларни ўлдирган мусулмонлар бегуноҳ ҳисобланган. У даврда “турк” деганда ислом динига душман бўлган барча ғайридинлар, шу жумладан ўзларининг ватанини араб-форс босқинчиларидан озод қилиш учун кураш олиб борган Ўрта Осиё турклари ва суғдлари назарда тутилган.

IX асрда аш-Шош ва Фарғонанинг чегара ерларидаги работларда *ғозий*ларнинг махсус қўшинлари жойлашган бўлиб, улар ислом дунёсининг турли мамлакатларидан кўнгилли равишда тўхтовсиз келиб турган мусулмонлар (*ғозий*, *мутавви‘ун*, *‘аййор*) дан таркиб топган. Самарқанд ҳам ғозийларнинг тўпланадиган маркази бўлиб, улар шаҳар атрофларидаги работларда жойлашган. Бу қўшинлардаги аскарларларнинг сони 40 мингга етган бўлиб, уларга руҳоний уламолар бошчилик қилган. Сомонийлар сулоласига мансуб амирлар улар билан жуда яқин муносабатда бўлганлар ва уларга ҳомийлик қилганлар. Ҳатто ҳалок бўлган *ғозий*ларнинг жанозасини кўпинча амирнинг ўзи ўқиган [ан-Насафий 6284: 59R; ан-Насафий 1991: 91, 122, 127, 163, 204, 284, 286, 341, 414, 418, 445, 524, 547, 859, 973; ас-Сам‘оний VII: 163; Paul 1993: 81 – 84].

Маоши тайинланган мутахассис ҳарбийлардан иборат мунтазам қўшиндан фарқли ўлароқ *ғозий*лар қўшинининг асосини маҳаллий ер эгалари (*асҳоб ал-иқто‘от*) ташкил этган. Ҳукумат томонидан уларга *иқто‘* мулки сифатида ер ажратилган бўлиб, ундан келган даромад уларнинг барча харажатлари, шу жумладан оилаларини боқиш, от-уловлари ва қурол-яроғларига кетадиган харажатларни қоплаш учун мўлжалланган. Шунингдек, бу даромадга улар савдо билан ҳам шуғулланганлар, камбағалларга хайрия эҳсонлар қилганлар. Зарурат туғилганда, ҳукумат чақириғига биноан улар ўзларининг ҳарбий асбоб-ускуналари ва қурол-яроғлари билан работларга тўпланиб, душманларга қарши жанг олиб борганлар [Ибн аз-Зубайр: 139 – 147].

IX – X аср бошларида Сомонийлар ‘Аббосийларнинг ислом динини Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолисига сингдириш сиёсатини амалга ошириб, ғайридин туркларга қарши *газавот* урушларини фаол олиб борганлар [Bosworth 1963: 31; Paul 1993: 69 – 92]. Худди шундай *газавот* урушларини ғайридин туркларга қарши Қорахонийлар ҳам олиб борганлар. Қорахонийларнинг ислом динини қабул қилган биринчи ҳукмдори Сатук Буғрохон (344/955-56 йилда вафот этган) ўзининг бутпараст қариндошларига қарши уруш олиб боргани учун ал-Ғозий деб аталган [ал-Карши: 103 – 104]. Исфижоб шаҳрининг Қорахоний ҳукмдори Аҳмад ибн ‘Али Туғонхон ўзининг 398/1007-08 йилда зарб этилган тангасида *ғозий* (غازي) деб аталган. Ўша йилда Қорахонийлар ғайридин туркларга қарши юриш қилган

эдилар. Унинг укаси Муҳаммад ибн ‘Али ҳам ғайридин туркларга қарши уруш олиб борган ва *ғозий* деб аталган [Кочнев 1988: 196 – 199]. Аҳмад ибн ‘Али Туғонхон ҳукмронлигининг охириги йилларида, тахминан 404/1013-14 ёки 408/1017-18 йилда, унга қарашли ерларга шарқдан 300 минг ўтовдан иборат ғайридин туркларнинг катта қўшини бостириб кириб, Балосоғун шаҳрининг яқинида тўхтади. Туғонхон *ғозий*ларнинг қўшинларини ёрдамга чақирди. Унинг чақирғига қўшни вилоятлардан 120 минг кўнгилли жангчилар жавоб бердилар. Улар ғайридинларга қарши юриш қилиб, уларни 3 ой давомида таъқиб қилиб бордилар. Ниҳоят ҳал қилувчи жангда ғайридинлар мағлубиятга учрадилар. [Ибн ал-Асир IX: 101 – 102]. Қорахонийлар сулоласига мансуб хоқон Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон-тегин ибн Довуд Куч-тегин (526/1132 йилда вафот этган) ҳам ал-Ғозий деб аталган [ал-Карши: 104]. Ғайридин туркларга қарши *ғазавот* урушларини Салжукийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар ҳам олиб борганлар. Ўрта асрларда ислом динини қабул қилган туркларда Алп-Ғозий исми кенг тарқалган [Ибн ал-Асир XII: 82]. Ҳиндистонда ғайридинларга қарши *ғазавот* урушлари олиб борган Маҳмуд Ғазнавий ал-Ғозий ал-Акбар (الغازي الاكبر) – “Буюк Ғозий” деб аталган [Bosworth 1962: 219]. Гурийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар Ғийос ад-Дин ва унинг укаси Шихоб ад-Дин ҳам Ҳиндистондан уруш олиб борганлар ва Ғозий деб аталганлар [Ибн ал-Асир XII: 63, 84, 86, 124, 142]. Қорахитойларга қарши *жиҳод* уруши олиб борган Хоразмшоҳ ‘Ало’ ад-Дин Муҳаммад ҳам *ғозий* бўлган [Ибн ал-Асир XII: 121 – 126, 167] ва мўғуллар қўлидан ислом дини учун шаҳид бўлган [Ибн ал-Асир XII: 164 – 171]. Унинг ўғли Жалол ад-Дин ҳам *ғозий* бўлган ва ислом дини учун шаҳид бўлган [Ибн ал-Асир XII: 187 – 233]. Бу ҳақида яна қаранг: Резван 1991: 52 – 53; Melikoff 1965: 319 – 320; Dehkhoda XI: 16541 – 16544.

4. Кирмон ёки Кермон (كرمان) – ўрта асрларда Кирмон (Кермон) Эроннинг жануби-шарқий қисмида жойлашган вилоят. Бу вилоят шимолда Сижистон чўли, ғарбда Форс вилояти, шарқда ас-Синд вилояти билан туташ бўлган, жанубда эса унинг ерлари буюк денгизга чиққан. Бу вилоятнинг майдони тахминан 180 *фарсах*га 150 *фарсах*ни ташкил этган бўлиб, асосан чўллардан иборат бўлган. Сосонийлар даврида Krmān (Кирмон) шаҳри Немроч (Kust i Nēmrōč) номли вилоят таркибига кирган [Markwart 1931: 18 (№ 39)]. Сосонийлар даврида бу ерда кумуш тангалар зарб этилган [Дашков 2008: 270 – 271]. Араблар Кирмонга илк бор 23/643-44 йилда юриш қилиб, унинг баъзи шаҳарларини қўлга олганлар, 29 – 30/649 – 651 йилларда эса унинг бош шаҳри аш-Ширажон (ас-Сиражон) ни фатҳ этганлар. IX асрда ундан 60 млн. дирҳам хирож олинган. IX – X асрларда унинг бош шаҳри ас-Сиражон, аш-Ширажон ёки Сиракон бўлган. Бу вилоятда ундан бошқа яна Хабис, ал-Куфс, ал-Бариз, ал-Мураж, ал-Булус, Жирафт ва Бурдасир номли шаҳарлар ва Ҳурмуз номли порт бўлган, лекин Кирмон номли

шаҳар қайд этилмаган [Ибн Хордадбех: 72 – 73; Ибн ал-Факих: 71, 77, 98; Ibn al-Fakih: 205 – 208; al-Jakubi: 286; Ibn Rosteh: 97; at-Tabari I: 2682, 2690, 2839, 2876, 2881, 2885; al-Moqaddasi: 33, 337; Худуд ал-‘Алем: 26аб; Ibn Naukal: 305 – 315; Беруни 1973: 456; ас-Сам‘оний X: 400 – 401; Jacut IV: 263 – 267]. Ҳозирги кунда ҳам Эроннинг жануби-шарқий қисмида Кирмон номли *остон* (استان) бўлиб, унинг маъмурий маркази ҳам шу ном билан аталади [Бартольд 1971: 140 – 141]. Кирмон номининг аниқ келиб чиқиши маълум эмас. Ўрта аср туркий тилдаги манбаларда “шаҳар”, “қалъа” маъносини англатувчи *kārmān* (كرمن) ёки *kārmān* (كرمان) сўзи учрайди [Радлов 1899: 1108]. Эҳтимол, Кирмон шаҳрининг номини шу сўз билан боғлаш мумкиндир [Мурзаев 1984: 271]. Лекин бу номнинг таркибидаги *-tan* кўшимчаси унинг эроний тиллар билан боғлиқлигига ишора қилади. У ҳақида яна қаранг: Lambton 1986: 147 – 166; de Meynard 1861: 482 – 486; Dehkhoda XII: 18285 – 18287; Колесников 1982: 115, 127 – 129, 132, 138, 141, 143, 152, 181, 188, 201, 221.

5. ат-Табасайн (الطبيين) ёки ат-Таббасон (الطيسان) – араблар Нишопур, Исфаҳон ва Кирмон ўртасида, Сижистондан ғарбдаги Қуҳистон вилоятида жойлашган шаҳарни шундай атаганлар. Унинг номи араб тилида “икки Табас” маъносини билдиради, чунки у Табас (طبس) номли икки шаҳардан иборат бўлиб, уларнинг бири Табас ал-‘Унноб (طيس العناب) ёки Табас Масинон (طيس مسينان), иккинчиси эса Табас ат-Тамр (طيس التمر) ёки Табас Қилаки (طيس كيلكي) деб аталган. Бу иккала шаҳар Боб Хуросон (باب خراسان), яъни “Хуросоннинг дарвозаси” деб ҳам аталган. Бу шаҳар воҳасини ҳар томондан қумли чўллар ўраб турган. Араблар Табас шаҳрини 23/643-44 йилда фатҳ этганлар. IX – X асрларда бу шаҳарнинг атрофларида ҳурмо ва бошқа мевали дарахтлардан иборат боғлар кўп бўлган, уларни суғориш учун кўп-лаб ариқлар ўтказилган [at-Tabari I: 2682, 2881, 2885; Ибн Хордадбех: 67, 73; Ibn al-Fakih: 318, 321; Ibn Rosteh: 105; Худуд ал-‘Алем: 19б; al-Istakhri: 229, 231, 232, 273, 274, 286; al-Moqaddasi: 24, 50, 288, 301, 321, 322, 332, 333, 336, 488; Беруни 1973: 456; Байхаки: 667; Гардизи: 18, 24, 47, 86; Та’рих-и Систан: 65; ас-Сам‘оний VIII: 209; Jacut III: 513 – 514]. XI асрда Носир-и Хусрав ўзининг “Сафарнома” сида Исфаҳондан Табасга олиб борувчи қарвон йўли ва Табас шаҳрининг ўзи ҳақида батафсил маълумот келтирган [Носир Хисрав: 97 – 100]. Бу шаҳар ҳозирги Йазд ва Машҳад шаҳарлари орасидаги Гулшан қишлоғининг ўрнида жойлашган. Унинг ёнидаги чўл Дашт-и Кавир деб аталади [Бартольд 1971: 141; Le Strange 1930: 358]. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 2000: 22 – 23; de Meynard 1861: 388; Колесников 1982: 127, 133, 142, 143, 145, 164; Dehkhoda X: 15356 – 15358, 15360.

6. Табас (طبس) – Қуҳистон вилоятидаги шу номли икки шаҳар. Бу ҳақида I, 5-изоҳга қаранг.

7. Курин (كرين) – Ибн Ҳавқал маълумотиға кўра, ат-Табасайн шахри Кури (كري) деб ҳам аталган [al-Istakhri: 232, 234, 243; Ibn Haukal: 446; al-Moqaddasi: 50, 301, 321, 488]. Ёкут ал-Ҳамавийга кўра, Курин (كرين) Қухистондаги Табас шахрига қарашли қишлоқ. Унинг номи Куррин шаклида ҳам талаффуз этилган [Jacut IV: 270; de Meynard 1861: 488]. Форс тилидаги манбаларда ҳам бу ном Кури (كري) шаклида келтирилган. Бу шаҳар чўл ўртасида Табас шахридан 3 *фарсах* масофада жойлашган. Унда машҳур *карбос* матоси ишлаб чиқарилган [Худуд ал-‘Алем: 196; Истахрий 1368: 215].

8. *нахл* (نخل) – финик пальмаси, хурмо дарахти, феникс, лотинча номи Phoenix [Бируни 1974: 843 (№ 1047)]. Бу дарахтсимон ўсимлик иссиқ икклимли тропик ва субтропик минтақаларда сувга яқин ёки ер ости сув манбалари бор қурғоқ ерларда фақат маданий ҳолда ўсади. Унинг 15 та тури мавжуд бўлиб, унинг энг қадимги тури Phoenix dactylifera L. Ёки араб хурмоси деб аталади. У Арабистон ярим ороли, Шимолий Африка, Жанубий Эрон, Афғонистон ва Покистоннинг қуруқ субтропик минтақаларида ўсади. Ўрта Осиёда бу дарахт Туркманистоннинг жануби-ғарбий қисмида экилади. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида учрайди. У ҳақида яна қаранг: Viré 1993: 906 – 909; ЎМЭ IX: 251; Dehkhoda XIV: 22368 – 22369.

9. Матнда: *мағнам* (مغنم) – араб., “ҳарбий ўлжа”, “ғанимат”, яъни уруш давомида қўлга киритилган нарсалар. Бу сўзнинг яна бир шакли *ганима* (غنيمه) бўлиб, у ҳам худди шу маънога эга. Ҳарбий ўлжа асосан муайян жанг давомида қўлга киритилган асирлар ва мол-мулкларни ўз ичига олган. Айрим ҳолларда кўчмас мулк ҳам ўлжа сифатида баҳоланган. Ҳарбий ўлжанинг *хумс* (خمس), яъни 1/5 қисми имомга, яъни халифага юборилган, қолган 4/5 қисми жангчиларга бўлиб берилган [Qudama ibn Ja‘far: 189 – 192; Qudama ibn Ja‘far 1965: 108 – 112]. Ўлжанинг жангчиларга тегишли қисмидан ҳар бир пиёдага 1 улуш (سهم), ҳар бир отликқа эса 2 ёки 3 улуш берилган. Жанг давомида мағлуб этилган душманнинг қурол-яроғлари ва кийим-кечаклари ҳарбий ўлжа қаторига киритилмаган. Бу ҳақида яна қаранг: Lokkegaard 1965: 1005 – 1006; Большаков 1991: 54; Dehkhoda XIV: 21238.

10. ‘Умар ибн ал-Хаттоб ибн Нафил ал-Форуқ ал-Қураший ал-‘Адавий (23/643-44 йилда шахид бўлган) – Маккадаги *қурайш* қабиласининг ал-‘адий уруғига мансуб, ислом динини илк қабул қилган саҳобалардан бири. Муҳаммад пайғамбардан кейин мусулмонлар жамоаси (*уммат ал-ислом*) устидан ҳукм сурган дастлабки тўрт араб халифалари (*ал-хулафо’ ар-рошидун*) нинг иккинчиси, 13 – 23/634 – 644 йилларда ал-Мадинада ҳукм сурган. Муҳаммад пайғамбар унинг қизига уйланган эди. ‘Умар ибн ал-Хаттоб Сурия, Фаластин, Миср, ал-‘Ироқ, ал-Жазира ва Эронда фатҳ урушлари олиб борган. Ал-Басра ва ал-Куфа шаҳарларига асос солган. Мусулмонларнинг хижрий тақвим ҳисоби олиб борилиши (16/637 й.) ва *байт ал-мол* (بيت

المال), яъни мусулмонларнинг ғазнасига асос солган, мамлакат бошқарувида девонлар тизимини таъсис этган. Халифалардан биринчи бўлиб ‘Умар ибн ал-Хаттобни мусулмонлар *амир ал-му’минин* (امير المؤمنين), яъни “мўъмин мусулмонларнинг амири” унвони билан атай бошлаганлар. ‘Умар ибн ал-Хаттоб ўзининг форс қули томонидан ўлдирилган [ал-Балозурий: 23, 42, 45, 56; at-Tabari I: 72, 538, 785, 926, 962, 1098, 1142, 1144, 1189, 1250 – 1254, 2682, 2683, 2689, 2690; Ibn Saad III (1): 190; al-Ya‘qubi: 11 – 13; al-Masudi: 288 – 294; al-Osyooti: 107 – 147; al-Tha‘alibi: 44; al-Istakhri: 58, 80, 140, 158; al-Moqaddasi: 18, 65, 80, 81, 98, 116, 117, 133, 151, 171 – 174, 207, 260, 294, 403, 417; История халифов: 1416 – 1476; Арабский аноним: 2386, 2396, 247a, 2536, 2806; Гардизи: 17, 33; Сиасет-намэ: 62, 149, 150, 164, 165, 171, 182, 186, 232, 251, 261 – 265, 273, 289, 331]. У ҳақида яна қаранг: Levi della Vida, Borner 2002: 883 – 886; аз-Зириклий V: 203 – 204; Dehkhoda X: 16347; Большаков 1991: 241; 1993: 129 – 154; Бартольд 1966: 104 – 105; Беляев 1966: 99, 115, 124, 135, 144 – 146; 152 – 154.

11. Бу ерда *дирҳам* (درهم), яъни Сосонийларнинг кумуш тангаси (драхма) назарда тутилган. У ҳақида I, 12-изоҳга қаранг.

12. Маҳаллий аҳоли билан сулҳни одатда араб лашкарбошиси, яъни Хуросон амири тузган. Фақат айрим ҳолларда маҳаллий ҳукмдорлар халифа олдига келиб, унинг ўзи билан сулҳ тузганлар. Эҳтимол, бу ислом динини қабул қилиш ёки ўлпон миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлгандир. Сулҳ ҳақида I, 13-изоҳга қаранг.

13. Исфаҳон (اصفهان), Исбаҳон ёки Асбаҳон (اصبهان) – Ғарбий Эрондаги ал-Жибол вилоятининг бош шаҳри. Унинг номи қадимги Спахан (Sprahan) ёки Аспаҳон (Asprahan) шаҳри номининг арабча шаклидир [ПРС: 200]. Қадимги юнон манбаларида бу шаҳарнинг номи *Aspadana* шаклда қайд этилган. Сосонийлар даврида бу шаҳар Гай (Gay), араб манбаларида эса Жай (جي) деб аталган [Markwart 1931: 21; al-Tha‘alibi 1968: 87] ва Эроннинг энг катта иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган. Бу ердаги зарбхонада GY (Gay) номи билан кумуш тангалар зарб этилган [Дашков 2008: 267, 269]. Шаҳар дарвозаларидан бири Дарвоза-и Жаҳудон (دروازه جهودان) – “Йаҳудийлар дарвозаси” деб аталган. Араблар Спахан шаҳрини 23 – 24/643 – 645 йилларда фатҳ этганлар. IX асрда Исфаҳон Эроннинг марказий қисмида жойлашган ал-Жибол вилоятининг энг катта шаҳри бўлиб, унинг вилояти ҳам кенг, ҳавоси тоза, аҳолиси зич бўлган. Бу шаҳарга қарашли бўлган ерлар энига 80 *фарсах*, бўйига ҳам 80 *фарсах* майдонни эгаллаган бўлиб, 17 та *рустоқ*дан иборат бўлган. Ҳар бир *рустоқ* янги ташкил топган қишлоқларни ҳисобга олмаганда, 365 та қишлоқни ўз ичига олган. Исфаҳон шаҳрининг янги марказий қисми ал-Йаҳудийа (اليهودية) деб аталган бўлиб, унда қадимги даврда Исро’ил (Фаластин) даги ал-Қуддус шаҳридан кўчириб келинган яҳудийлар яшаганлар. X асрда Исфаҳоннинг эски шаҳар қисми Шаҳристон деб ҳам аталган [Ибн Хордадбех: 62 – 63;

Ибн ал-Факих 1979: 80; Ibn al-Fakih: 261 – 263; al-Jakubi: 274 – 275; Ibn Rosteh: 97, 151 – 163; at-Tabari I: 2681; II: 2004; al-Istakhri: 88, 113, 115, 126, 133, 182, 195 – 198; Ibn Haukal: 357 - 360; al-Moqaddasi: 60, 258, 384, 430; Беруни 1973: 242, 347, 456; Байхаки: 52, 71, 81, 86, 91, 117; Гардизи: 37, 39, 69, 75, 109, 113; ac-Сам‘оний I: 289; Jacut I: 292 – 298]. Бу шаҳар ҳозир ҳам ўзининг қадимги номини сақлаб қолган бўлиб, шу номли *остоннинг* маъмурий марказидир. Бу ерда ҳалигача фаолият кўрсатиб турган эски жоме‘ масжидининг асосий биноси IX асрда қурилган. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 169 – 177; Пигулевская 1956: 170; Колесников 1982: 88, 105, 109, 112 – 115, 125, 132, 147, 156, 161, 172, 190, 194, 202; Lambton, Sourdell-Thomine 1978: 97 – 107; de Meynard 1861: 40 – 48; Dehkhoda II: 2701 – 2702; 2754 – 2788.

14. Бизгача етиб келган қўлзма ал-Балозурий асарининг қисқартирилган шакли бўлгани туфайли унда маълумотлар жуда қисқа ва лўнда берилган. Лекин шунда ҳам баъзи маълумотлар ўртасида тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Масалан, бир ерда ал-Балозурий “Са‘ид ибн ‘Усмон ибн ‘Аффон [Жайхун] дарёсидан қўшин билан [кечиб] ўтган биринчи [араб саркардаси] эди” деб қайд этган [al-Beladsori: 411]. Лекин унғача ал-Балозурий “[халифа] ‘Усмон ибн ‘Аффон [Жайхун] дарёси ортидаги [подшоҳ]-лар билан шартнома тузди” [al-Beladsori: 408], ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий [Жайхун] дарёсининг ортида намоз ўқиган биринчи [мусулмон] эди”, “ ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод 24 минг [аскар] билан [Жайхун] дарёсини кечиб ўтди ва Байқандга келди” деб таъкидлаган [al-Beladsori: 410]. Демак, ал-Балозурий ҳам ат-Табарий сингари маълумотларни қандай эшитган бўлса, шундай баён этган ва уларга танқидий ёндашишга ҳаракат қилмаган. Бу ҳақида яна XII, 4-изоҳга қаранг.

### III

#### ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз

1. ‘Усмон ибн ‘Аффон ибн Абу-л-‘Ос ибн Умаййа (35/655-56 йилда шаҳид бўлган) – Маккадаги *қурайш* (قریش) қабиласининг *умаййа* (أمية) уруғига мансуб ислом динини илк қабул қилган саҳобалардан бири. Муҳаммад пайғамбардан кейин мусулмонлар жамоаси (*уммат ал-ислом*) устидан ҳукм сурган дастлабки тўрт араб халифалари (*ал-хулафо’ ар-рошидун*) нинг учинчиси, 23 – 35/644 – 656 йилларда ал-Мадинада ҳукм сурган. Дастлаб у бир гуруҳ мусулмонлар билан Ҳабаш ерига кетиб, у ерда маълум вақт яшаган. 623 йилда Мадинага қайтиб, Муҳаммад пайғамбарнинг қизига уйланган, кейинроқ унинг иккинчи қизига ҳам уйланган. Шунинг учун уни Зу-н-Нурайн (ذوالنورين) – “Икки нур соҳиби” деб атаганлар. Муҳаммад пайғамбар ҳам унинг қизига уйланган эди. ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида араблар фатҳ урушларини муваффақият билан давом этдириб, Сосонийлар

давлати устидан узил-кесил ғалабага эришган, Шимолий Африка, Кипр ороли, Арманистон, Кавказ, Кирмон, Сижистон ва Хуросонда ўрнашган ва Ўрта Осиё худудларига яқинлашган эдилар. ‘Усмон даврида биринчи марта Қур’он-и Карим китобининг тўлиқ матни хаттотлар томонидан янги араб алифбоси ёрдамида қоғозга туширилган, жума кунлари азон айтилиб, жамоа бўлиб намоз ўқиш, ал-‘ид кунлари хутба айтиш йўлга қўйилган. Усмон даврида илк бор *шурат* (شرط) – миршаблар хизмати жорий этилган. Унинг бошлиғи эса *ҳожиб* (حاجب) деб аталган. ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида ал-Куфа, ал-Басра ва фатҳ этилган Мисрдаги амалдор араблар кучайиб, унга қарши чиқа бошлаганлар. ‘Усмон улар устидан ўз назоратини кучайтириш мақсадида у ерлардаги юқори мансабларга ўзининг қариндошларини тайинлаб, уларга ғазна ҳисобидан катта-катта ерлар ва маблағлар инъом этган. Натижада Миср араблари унга қарши фитна уюштирганлар ва унинг уйига бостириб кириб, қилич билан чопиб ташлаганлар. Ривоятга кўра, унинг бир томчи қони шу ерда турган Қур’он-и Карим мусхафи устига сачраган. Ҳозирги вақтда ушбу мусҳаф Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг музейида сақланади [Халифа ибн Хаййот: 36 – 40; ал-Балозурий: 44, 88, 123, 171 – 173, 188, 198, 201 – 205; Ibn Saad III (1): 36; ал-Йа‘қубий II: 169 – 184; al-Ja‘kubi II: 60, 87, 144, 154, 167, 181 – 208, 212, 216, 264, 304; at-Tabari I: 148, 967, 984, 1105, 1144, 1330, 2659, 2689, 2690, 2840, II: 22, 28, 179; al-Ya‘qubi: 13 – 14; al-Osyooti: 147 – 165; al-Istakhri: 61; Ibn Naukal: 88, 117; al-Moqaddasi: 38, 80, 82, 142, 143, 151, 171; История халифов: 1476 – 1486, 1a – 106; Арабский аноним: 2366, 238a, 2406, 2416; Гардизи: 17, 18, 24, 25; Сиасет-намэ: 165; Jacut I: 111, 280, 487, 611, 642, 713]. У ҳақида яна қаранг: Levi della Vida, Khouri 2002: 1023 – 1026; Большаков 1991: 242 – 243; 1993: 155 – 215; аз-Зириклий IV: 371 – 372; Dehkhoda X: 15751; Босворт 1971: 27 – 28; Бартольд 1966: 105 – 106; Беляев 1966: 85, 99, 136, 153 – 158. 160, 167, 194.

2. 28 ҳижрий йил милодий 648 йилнинг 25 сентябр кунидан 649 йилнинг 13 сентябр кунигача давом этган.

3. 29 ҳижрий йил милодий 649 йилнинг 14 сентябр кунидан 650 йилнинг 3 сентябр кунигача давом этган.

4. Абу ‘Абд ар-Раҳмон ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Қурайз ибн Раби‘а ибн Ҳабиб ибн ‘Абд аш-Шамс ал-Умавий (4 – 59/625 – 679) – халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон амакисининг ўғли, Маккада туғилган. 29/649-50 йилда 25 ёшида ал-‘Ироқ ва ал-Басра волийси этиб тайинланган, Форс, Тус, Абаршаҳр, Сижистон ва Хуросонда фатҳ урушлари олиб борган. У Хуросоннинг Нишопур, Сарахс, Абивард, Марв, Балх, ат-Толақон ва ал-Форйоб шаҳарларини куч билан, Омул, Марв ар-Руд, Ҳарот, Кобул шаҳарларини эса сулҳ билан фатҳ этиб, биринчи бўлиб Хуросон амири этиб тайинланган. Унинг қароргоҳи Гувайн (Жувайн) шаҳрида бўлган. 31/651-52 йилда Хуросонда ўз ўрнига Қайс ибн ал-Ҳайсамни қолдириб, хаж сафарига чиқ-

қан ва ал-Мадинада қолиб, 36/656-57 йилга қадар ал-Басрада волий бўлган. ‘Усмон вафотидан сўнг юз берган ‘Али ибн Абу Толиб ва Му‘овийа ибн Абу Суфйон ўртасидаги мухолифат вақтида Му‘овийа томонида бўлган. 41/661-62 йилда Му‘овийа халифа бўлганда (41 – 60/661 – 680 йилларда хукм сурган) уни яна ал-‘Ироқ ва ал-Басрага волий этиб тайинлаган. 44/664-65 йилдан кейин ал-Мадина шаҳрида яшаган, Маккада вафот этган ва ал-‘Арафот тоғида дафн этилган [Халифа ибн Хаййот: 35; ал-Балозурий: 82, 218; Ibn Saad V: 30 – 35; al-Jakubi: 295 – 296; ал-Йа‘қубий II: 173 – 175, 227; al-Ja‘kubi II: 167 – 168, 217; at-Tabari I: 2802, 2828, 2829, 2832, 2833, 2836, 2883, 2897, 2904; II: 3, 7, 15 – 17, 44, 65 – 71, 172, 214, 447; al-Ya‘qubi: 16; el-Maqdisi VI: 1 – 2; Ибн А‘сам II: 316, 335 – 340, 370, 388, 416, 446 – 456, 460, 483; III: 116; IV: 290, 297, 310, 329, 330; Масoudi IV: 257, 262, 263, 299, 304, 305, 331, 373; V: 19; al-Istakhri: 17; Ibn Naukal: 25; Гардизи: 18, 24 – 25; Та’рих-и Систан: 103, 104, 106, 107, 113; Ибн Халликон I: 70, 96; III: 18; Ибн Халдун II: 577 – 580]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1993: 178, 179, 181, 185, 187 – 189, 197, 198, 202, 208; Колесников 1982: 120, 126, 129, 130, 141 – 145, 173, 191; Gibb 1923: 15; 1960: 43; аз-Зириклий IV: 228; Dehkhoda X: 15719.

5. ал-Басра (البصرة) – ўрта асрларда ал-‘Ироқ вилоятидаги Дажла дарёсининг ғарбий соҳилида ундан чиқарилган Убулла номли ариқнинг шарқий қирғоғида жойлашган шаҳар. Бу шаҳарнинг ўрнида халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврида 17/638-39 йилда араб лашкарбошиси ‘Утба ибн Ғазвон аз-Зубайра номли ҳарбий қароргоҳ қурган ва 18/639-40 йилда одамлар унга кўчиб кирганлар. Кейинчалик унинг ўрнида шаҳар вужудга келган ва ал-Басра деб аталган. Илк ислом даврида ал-Басра Хуросон ва Мовароуннаҳрда фатҳ урушларини олиб бориш учун таянч нуқтаси бўлган. Уни Куббат ал-Ислом (قبة الاسلام) – “Исломнинг гумбази” ва Хизонат ал-‘Араб (خزانة العرب) – “Арабларнинг хазинаси” деб ҳам атаганлар [al-Ya‘qubi: 13, 16; Ибн Хордадбех: 54, 76, 77, 119, 120, 122, 124, 134; al-Huwarizmi: 22; Suhraб: 30; at-Tabari I: 2682, 2836; II: 15, 67, 73, 81, 156, 163, 171, 177; Беруни 1973: 454; ас-Сам‘оний II: 236; Jacut I: 653 – 654]. IX – X асрларда ҳам ал-Басра Араб халифалигининг энг йирик ва муҳим шаҳарларидан бири бўлган [Ibn al-Fakih: 187 – 195; al-Istakhri: 27, 28, 49, 79 – 82; Ibn Naukal: 231 – 248; al-Moqaddasi: 7, 12, 13, 25, 33, 35, 47, 53, 60, 114, 454]. Бу шаҳар ҳозир ҳам ўзининг қадимий номи билан аталади. Илк ўрта асрлардаги ал-Басра шаҳрининг харобалари ҳозирги Басрадан 15 км масофада жойлашган. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1984: 16, 56, 99, 177, 202; 1993: 49, 50, 86, 87, 90, 91, 97, 102, ... 258; 2010: 11, 14, 15, 18, 24, 31, 42 – 44, 47 – 49, 148 – 152, 297 – 299, 338; Колесников 1982: 79 – 82, 101 – 104, 122 – 125, 184 – 195; Pellat, Longrigg 1960: 1085 – 1087; Dehkhoda IV: 4849 – 4850.

6. Форс (فارس) ёки ал-Форс (الفارس) – ўрта форс (пахлавий) манбаларидаги Pars (қад. юнон. Persis ёки Persida) мамлакати номининг арабча шак-



ли. Ҳозирги Эроннинг жануби-ғарбида Форс кўрфазининг соҳилида жойлашган бу мамлакатда қадимда Аҳамонийлар давлатининг пойтахти Персеполь ва Сосонийлар давлатининг пойтахти Ктесифон жойлашган [Дашков 2008: 266 – 270]. Араблар Парс вилоятига илк бор 17/638-39 йилда ал-Баҳрайн оролидан кемаларда чиқиб денгиздан юриш қилганлар. Парс *марзбони* арабларга қаршилик кўрсатиб, уларни мағлубиятга учратган. 23/643-44 йилда ал-Баҳрайн волийси этиб тайинланган ‘Усмон ибн ал-‘Ос яна денгиздан Парсга хужум қилган. Унга арабларнинг ал-Басрадаги қўшинлари ҳам ёрдам беришган. Натижада араблар Парс вилоятининг жанубий қисмида жойлашган шаҳарларни фатҳ этганлар. Лекин 25/645-46 йилда форслар арабларга қарши қўзғолон кўтариб, уларнинг маъмуриятини ҳайдаб чиқардилар. Қўзғолон бир неча йил давом этди (29/649-50 ёки 30/650-51 йилгача) давом этди. 35/655-56 йилда Истахр (Стахр) шаҳрида форслар яна қўзғолон кўтардилар ва араблар уни шафқатсиз бостирдилар. Илк ўрта асрларда Форс алоҳида вилоят ёки иқлим (الاقليم) ни ташкил этган бўлиб, унда Истахр, Собур (Жундисобур), Ардашир-хурра, Дарабжирд, Арражон ва Фаса сингари бир нечта катта шаҳарлар жойлашган, унинг маъмурий маркази Шероз (شیراز) шаҳри бўлган [Ибн Хордадбех: 72; Ibn al-Fakih: 195 – 205; Ибн ал-Факих: 37 – 40, 55, 58 – 60, 76; at-Tabari I: 2682, 2683, 2689, 2690, 2839, 2876, 2884; I: 67, 392; al-Ya‘qubi: 30; Ibn Naukal: 260 – 300; al-Moqaddasi: 33; ac-Сам‘оний IX: 215; Jacut III: 835 – 838]. Шероз шаҳри ҳозир ҳам Эрондаги Форс вилоятининг маъмурий марказидир. Ўрта асрларда Персеполь харобалари Истахр (اصطخر) шаҳри ёнида, Ктесифон эса ал-Мадо‘ин (المدائن) шаҳри ўрнида жойлашган. Форс вилояти ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 152 – 168; Колесников 1982: 120 – 127; Пигулевская 1956: 45, 48, 113, 121, 153, 158, 165, 169, 219, 327; Lokhart 1965: 811 – 812; de Meynard 1861: 410 – 412; Dehkhoda XI: 16925 – 16927.

7. *фатҳ* (فتح) – араб. (кўплиги فتوح), “очиш”, “забт этиш”, “қўлга олиш”. Илк бор бу сўз 8-ҳижрий йил (мил. 629-30 й.) да Муҳаммад пайғамбар ва унинг саҳобалари ал-Мадинадан Маккага юриш қилиб, шаҳарни қўлга олганларида ишлатилган. Ислом тарихида ўша йил *санат ал-фатҳ* (سنة الفتح) – “фатҳ йили” деб аталади [al-Masudi: 264]. Кейинчалик ислом адабиётида *фатҳ* сўзи мусулмонлар томонидан янги ерлар ва мамлакатларнинг забт этилиши ва Араб халифалигига кўшилишини билдирган. Амалда эса илк арабларнинг бошқа мамлакатларда олиб борган босқинчилик урушлари, янги ерларни эгаллаш ва аҳолини талон-тарож қилишдан иборат бўлган. Бу урушлардан асосий мақсад ҳарбий ўлжа ва қулларни қўлга киритиш, яъни бойлик орттириш бўлган [Надирадзе 1968: 75 – 85]. Бу ҳақида яна қаранг: Dehkhoda XI: 14961.

8. 30 ҳижрий йил милодий 650 йилнинг 4 сентябр кунидан 651 йилнинг 23 август кунигача давом этган.

9. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, араблар илк бор Хуросонга 22/642-43 йилда юриш қилганлар. 30/650-51йилда ал-Куфа ҳокими араб лашкарбошиси Са‘ид ибн ал-‘Ос ибн Умаййа аввал Табаристонга, кейин Журжон ва Хуросонга юриш қилди. Ал-Басра ҳокими ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ҳам у билан бир вақтда йўлга чиқиб, Хуросонга ундан олдин етиб келди ва Абаршаҳрни қамал қилди [at-Tabari I: 2835 – 2840]. ал-Йа‘қубий келтирган маълумотга кўра, ‘Усмон ибн ‘Аффон ал-Басра волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ва ал-Куфа волийси Са‘ид ибн ал-‘Осга: “Қайси бирингиз биринчи бўлиб Хуросонни фатҳ этсангиз, у ерга волий бўласиз”, – деди [ал-Йа‘қубий II: 173]. Бу ҳақида яна қаранг: Колесников 1982: 118 – 120; Гоибов 1989: 73 – 80.

10. Абу-л-Муғира Зийод ибн Абу Суфйон ибн Ҳарб ибн Умаййа ибн Абд Шамс (53/672-73 йилда вафот этган) – уни Зийод ибн Абиҳи, яъни отасининг ўғли деб ҳам атаганлар, чунки унинг отасининг аниқ исми номаълум бўлган. У ал-Ҳижоздаги ат-То‘иф шаҳрида туғилиб ўсган. Онасининг исми Сумаййа бўлган, шунинг учун уни Зийод ибн Сумаййа деб ҳам атаганлар. У Муҳаммад пайғамбар ҳаётлиги вақтида яшаган, у ҳақида эшитган, лекин ўзини кўрмаган. Халифа Абу Бакр (11 – 13/632 – 634 йилларда ҳукм сурган) даврида ислом динини қабул қилган. У дастлаб ал-Басрада ал-Муғира ибн Шу‘банинг котиби, кейин Абу Мусо ал-Аш‘арийнинг котиби, кейин Ибн ‘Омирнинг котиби, кейин Ибн ‘Аббоснинг котиби, кейин ‘Али ибн Абу Толибнинг котиби бўлган. Кейин кўп йиллар давомида у ал-Басранинг молиявий ишларини бошқариб, бадавлат ва нуфузи баланд одамга айланган. ‘Али ибн Абу Толиб (35 – 40/656 – 661 йилларда ҳукм сурган) даврида Форс вилоятининг амири этиб тайинланган. ‘Али ўлдирилгандан кейин Зийод Му‘овийага бўйсунидан бош тортиб, Форс вилоятидаги қалъаларда истехком қурди. Му‘овийа ибн Абу Суфйон ўзининг сиёсий манфаатларини кўзлаб, уни ўзининг ўғай акаси (Абу Суфйон зурриёти) деб тан олган ва бу ҳақида унга хат ёзган. Зийод Му‘овийанинг олдига келган ва 44/664-65 йилдан бошлаб унинг оиласига кўшилган. 45/665-66 йилда Му‘овийа уни ал-Басра, ал-Куфа ва бутун ал-‘Ироқга, шунингдек Хуросон ва Сижистонга волий этиб тайинлаган. Кейин Зийод арабларнинг Хуросонда олиб борган фатҳ урушларида фаол қатнашган. Арабларнинг маъмурий бошқаруви ва ҳарбий ташкилотига киритилган кўп ўзгаришлар ва янгиликлар унинг номи билан боғлиқ бўлган. Унинг 43 та фарзанди бўлиб, улардан 20 таси ўғил, 23 таси қиз бўлган. Ўрта асрларда у ҳақида кўп ривоятлар ва ҳикоялар айтилган ва улардан “Ахбор Зийод ибн Абиҳи” (Зийод ибн Абиҳи тарихи) номли иккита асар ёзилган [Ibn Saad VII (1): 70 – 71; al-Jakubi: 296; al-Ya‘qubi: 17; at-Tabari II: 73, 79 – 81, 84, 85, 109, 155, 156, 161 – 163; el-Maqdisi VI: 1 – 3; Ибн А‘сам: IV: 240, 241, 297 – 307, 314 – 318, 331, 344, 349; V: 149; VI: 225, 271, 318; Macoudi V: 15, 20 – 27, 61, 62, 66 – 69; VI: 473, 474; Гардизи: 18, 27; Та‘рих-и Систан: 103, 112,

114 – 117; Ибн Халликон VI: 356 – 362 (№ 344); Ибн Халдун III: 7 – 17]. У ҳақида яна қаранг: Hasson 2002: 519 – 522; Большаков 1993: 197, 198, 258; 2010: 12, 117; Колесников 1982: 185; аз-Зириклий III: 89 – 90; Gibb 1923: 16; Dehkhoda IX: 13049 – 13050.

11. ал-Аҳнаф ибн Қайс (الاحنف بن قيس) – унинг асл исми Абу Баҳр Саҳр (ёки ад-Даххок) ибн Қайс ибн Му‘овийа ас-Са‘дий ат-Тамимий ал-Басрий (66/685-86 ёки 67/686-87 йилда вафот этган) бўлган, арабларнинг *тамим* қабиласидан етишиб чиққан ҳарбий қўмондон. У ал-‘Ироқдаги ал-Басра шаҳрида туғилиб ўсган. Унинг оёғи туғилганидан қийшиқ бўлгани сабабли унга ал-Аҳнаф (الاحنف) – “қийшиқ оёқ” деб лақаб қўйганлар. 31/651-52 йилда ал-‘Ироқ волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирнинг Форс вилояти ва Хуросонга қилган юришида унинг илғор кўшинига қўмондонлик қилган. 32/652-53 йилда у Балх дарёсидан жанубдаги деярли барча ерларни фатҳ этган ва Балх дарёсидан сув ичиб, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирнинг олдига қайтиб келган [al-Ja‘kubi II: 193].

37/657-58 йилда у ‘Али ибн Абу Толибнинг тарафдорлари билан Сиффин жангида иштирок этган. Кейин у Дамашқда халифа Му‘овийа ибн Абу Суфйоннинг миршаби (صاحب الشرطة) бўлиб хизмат қилган ва у вафот этганда, унинг жанозасини ўқиган [Ibn Saad VII (1): 66 – 69; al-Jakubi: 296; ал-Йа‘қубий II: 174, 249, 268, 276, 327; al-Ja‘kubi II: 167; Халифа ибн Хаййот: 35; at-Tabari I: 290, 291, 2538, 2544, 2549, 2557, 2560, 2569, 2680, 2682 – 2690, 2885 – 2904; II, 76, 96, 156, 170, 682 – 685, 699; Ибн А‘сам II: 284, 313, 337, 340, 341, 377, 458, 463, 504, 505, 544; IV: 199, 203, 207 – 209, 304, 332, 334; V: 37; VI: 179, 182, 188, 189, 197, 285, 364; Macoudi IV: 319, 410; V: 69, 70, 93, 94, 195; VI: 275, 276; Гардизи: 24; Jacut I: 64, 111, 298, 319, 713; II: 149, 411, 780, 919; III: 170, 285, 800; IV: 108, 175, 832, 858; Ибн Халликон II: 499 – 506 (№ 305); Ибн Халдун II: 563 – 564]. У *тоби‘ун* (التابعون) лар, яъни Муҳаммад пайғамбар саҳобалари (اصحاب) нинг ёш издошларидан бири бўлган ва ‘Умар, ‘Усмон ва бошқа саҳобаларнинг сўзидан ҳадис ривоят қилган. Одамлар уни жуда ақлли, билимли ва нотик инсон деб таърифлар эдилар. Шу билан бирга у жуда ҳам юмшоқ ва кўнгли бўш одам бўлган [ас-Сам‘оний VII: 83; al-Nasafi: 91 (№ 109); Байхаки: 177]. Ўрта асрларда Хуросондаги Марв ар-Руд вилоятида унинг номи билан Қаср ал-Аҳнаф номли қалъа ва шу номли *рустоқ* аталган [al-Istakhri: 269, 270; Ibn Naukal: 441, 442; al-Moqaddasi: 50, 299, 314, 347]. У ҳақида яна қаранг: Pellat 1960: 303 – 304; аз-Зириклий I: 262 – 263; Dehkhoda I 1489; Большаков 1993: 185, 187, 188, 257; 2010: 303; Колесников 1982: 133, 134, 140, 143 – 145, 174, 177, 178; Gibb 1923: 15; Гоибов 1989: 80 – 84.

12. Абу Солих ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ибн Асмо’ (Забйон) ибн ас-Салт ибн Ҳабиб ас-Суламий ал-Басрий (72/691-92 йилда ўлдирилган) – арабларнинг *қайс* қабиласи бошлиғи, машҳур лашкарбоши, арабларнинг 31/651-52 йилдан бошлаб Хуросонда олиб борган фатҳ урушларида фаол қатнашган.



дуллоҳ ибн ‘Омир ат-Табасайн аҳли билан 75 минг дирҳамга сулҳ тузди [ал-Йа‘қубий II: 174]

14. Қуҳистон (قوهستان) ёки Қуҳистон (فہستان) – Хуросоннинг жанубий қисмида Форс чўли ёнида Нишопур ва Ҳарот шаҳарлари орасида жойлашган Қуҳистон (کوهستان) номли тоғли ўлканинг арабча шакли [Истахрий 1368: 215 – 216]. Унинг бош шаҳри Қойин (قاین) деб аталган. Ундан ташқари Қуҳистонда Йунобиз, Курин, Хур, Табас каби шаҳарлар ҳам бўлган. Бу шаҳарларнинг бинолари пахсадан қурилган. Ҳавоси салқин, боғлари кўп эмас. Шаҳарлар бир-биридан узок жойлашган, уларнинг ораларида бўш ерлар кўп бўлган. IX – X асрларда Қуҳистон аҳолиси сийрак ва асосан кўчманчилардан иборат эди. У ерда бирорта ҳам дарё ёки оқар сув йўқ эди, сув фақат кудуқларда ва сунъий ер ости сув йўлларида бор эди. Қуҳистон аҳолиси чит ва бўз матолар ишлаб чиқарганлар, бу матолар бошқа вилоятларга ҳам олиб кетилган. Қуҳистон атрофидаги чўлларда курдлар яшаган. Улар туя ва қўй кўпайтириш билан шуғулланганлар Ундан ташқари ўрта асрларда ал-Жибол, Кирмон, Ҳамадон ва Наҳованд вилоятларида ҳам Қуҳистон (قوهستان) номли *рустоқ*лар бўлган [Ибн Хордабех: 67, 73; Ибн ал-Факих: 98; Ibn al-Fakih: 263; Ibn Rosteh: 105; al-Istakhri: 243; Ibn Naukal: 446 – 447; al-Moqaddasi: 481; Худуд ал-‘Алем: 66, 196, 27а; ас-Сам‘оний X: 264; Jacut IV: 205 – 206]. Қуҳистон номи форсча Қуҳистон сўзининг арабча шакли бўлиб, “тоғли ўлка” маъносини билдиради. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзаси ва Бадахшон тоғлари ҳам Қуҳистон (کوهستان) деб аталган [Та’рих-и Бадахшан: 118а, 124а, 125а]. У ҳақида яна қаранг: Kramers 1986: 354 – 356; de Meunard 1861: 466; Бартольд 1971: 140 – 142, 200, 265, 477, 482; Колесников 1982: 133, 143, 145; Dehkhoda XII: 17820, 17825.

15. Бу маълумотни ат-Табарий ҳам келтирган [at-Tabari I: 2885]. Гардизийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир эфталий (*ал-ҳайтал*) ларга қарши Ҳотим ибн ан-Ну‘мон ал-Боҳилийни юборди. Унинг кўшини 4000 та араб ва 1000 та *‘ажам* (форс) аскарларидан иборат эди [Гардизи: 24].

16. *мадина* (مدينة) – араб., “шаҳар”. Лекин Қуҳистон шаҳар эмас, вилоят бўлган. Афтидан бу ерда Қуҳистон вилоятининг бош шаҳри Қойин (قاین) назарда тутилган бўлса керак. Араблар кўпинча вилоятларнинг бош шаҳарларини ҳам ўша ном билан атаганлар. Масалан, Фарғонанинг исломдан олдинги бош шаҳри Косон *мадинат Фарғона*, аш-Шош вилоятининг бош шаҳри Бинкат *мадинат аш-Шош*, X<sup>в</sup>оразм вилоятининг бош шаҳри Кот *мадинат X<sup>в</sup>оразм* деб аталган, ас-Суғд вилоятининг бош шаҳри Самарқанд *мадинат ас-Суғд*, Бухоро вилоятининг бош шаҳри Бунжикат *мадинат Бухоро*, Нишопур вилоятининг бош шаҳри Абаршаҳр *мадинат Нишопур*, Сижистон вилоятининг бош шаҳри Заранж *мадинат Сижистон* ёки Шаҳр-и Систон деб аталган [Raymond 2004: 551 – 554; Dehkhoda XIII: 20563]. Бу ҳақида яна III, 144, XI, 8 ва XXV, 30, XXXVI, 4-изоҳларга қаранг.

17. ал-Ҳайтал (الهيطل), кўплиги ал-Ҳайотила (الهياطلة) – милодий V асрда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган кўчманчи эфталий қабилаларининг арабча номи. Эфталийлар илк ўрта асрлардаги Тибет манбаларида *хебдал*, арман манбаларида *хентал*, сурёний манбаларида *абдел*, Византия манбаларида эса *йафтал* шаклида қайд этилган [Гумилев 1967: 162]. XII асрда Тўхористоннинг энг чеккасида, яъни Бадахшонда Йафтал (يفتل) номли шаҳар қайд этилган [al-Sam‘ani: 601R; Jacut IV: 1023]. Сўнгги ўрта асрларда Бадахшонда Юқори Йафтал (يفتل بالا) ва Қуйи Йафтал (يفتل پايان) ажратилган [Та‘рих-и Бадахшан: 3б, 10а, 11а, 67б, 68б, 80а, 86а]. Хитой манбаларида эфталийлар *йе-да* шаклида қайд этилган. Уларда келтирилган маълумотларга кўра, *йе-да* қабилалари Уху (Аму) дарёсидан жанубда жойлашган Бади-ан ёки Бо-до-чуан-на (Бадахшон) номли тоғли ўлкада яшаганлар, *йе-да* ҳукмдори эса шу номли шаҳарда яшаган бўлиб, унга 30 дан ортиқ майда вилоятларнинг ҳукмдорлари бўйсинганлар. Улар кўчманчи ҳаёт тарзи олиб борганлар, уларнинг урф-одатлари туркларники билан ўхшаш, лекин тили умуман бошқа бўлган. Тахминан 558 йилда *е-да* қабилаларига қарашли ерларни турклар босиб олиб, ўзларининг одамани ҳукмдор қилиб қўйганлар [Chavannes 1903: 275, 200; Бичурин II: 268, 286; Julien II: 199].

Мил. V асрда кўчманчи эфталий қабилалари Ўрта Осиёга шимол томондан кўчиб келиб, унинг деярли ҳамма ҳудудлари устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган эдилар. Шунинг учун X асрда ёзилган айрим манбаларда Амударёдан шимолда жойлашган ерлар ал-Ҳайтал (الهيطل) деб аталган [al-Moqaddasi: 261]. Ривоятга кўра, Мовароуннаҳрдаги Бухоро, Самарқанд, Хўжанд ва улар орасидаги ерлар Ҳайтал (هيطل) деб аталган. Чунки Ҳайтал ибн ‘Олам ибн Сом ибн Нух исмли бир одам бу ерга Бобил (Вавилон) дан кўчиб келиб, бу ерларни обод қилган [Jacut IV: 999]. Ибн А‘сам ал-Куфий эфталийларни *барқаш* (برقش) деб атаган [Ибн А‘сам VII: 142, 148 – 153]. Эфталийлар ҳақида қаранг: Ghirshman 1948; Bivar 1971: 303 – 304; Тревер 1954: 131 – 147; Гумилев 1959: 129 – 140; Курбанов 2006; Исоматов 2006: 76 – 130.

18. Эфталийлар расмий тил сифатида Бактрия-Тўхористонда анъанавий бўлган бохтар (бактар) тили, Суғдда эса суғд тилидан фойдаланганлар. Лекин уларнинг она тили қандай бўлганлиги маълум эмас. Шунинг учун уларнинг этник келиб чиқиши масаласи ҳам мунозарали бўлиб, бу ҳақида турли фикрлар мавжуд. Айрим олимларнинг фикрига кўра, хийонийларнинг ва эфталийларнинг тили эроний тиллар оиласига мансуб бўлган [Исоматов 2006: 82 – 83]. Бошқа олимларнинг фикрига кўра, уларнинг келиб чиқиши туркий бўлган [Ходжаев 2010: 189 – 196]. Ривоятга кўра, ал-Ҳайтал номининг келиб чиқишини эфталийларнинг афсонавий бобокалони ал-Ҳайтал исми билан боғлиқ бўлган, у эса Нух пайғамбарнинг авлоди бўлган [ad-Dinavari: 4 – 5; at-Tabari I: 211 – 212; Jacut IV: 999]. Эфталийларни “оқ хуннлар”, яъни “ғарбий хуннлар” деб ҳам атаганлар. Қадимги туркларда

ернинг турли томонлари ранглар билан аталган: оқ ранг ғарбни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, қора ранг эса шимолни билдирган. Ўрта асрларда Тўхористонда яшаган туркий *халаж* ва *канжина* қабилалари эфталийларнинг авлодлари ҳисобланган [al-Khowarezmi: 119]. Ал-Балозурий ҳам бу ерда ал-Ҳайтал, яъни эфталийларни “улар турклардир” деб махсус қайд этиб ўтган [al-Beladsori: 403].

19. Шунга ўхшаш ривоят хоразмликлар ҳақида ҳам айтилган. X аср араб географи ал-Муқаддасий келтирган ривоятга кўра, “Шарқ ҳукмдори ўзининг мамлакатига 400 та одамдан ғазабланиб, уларни аҳоли яшайдиган ерлардан 100 *фарсах* узоқда жойлашган бирор ерга сургун қилишни буюрди. Шунда уларни X<sup>o</sup>оразмга олиб келдилар. Кейин подшоҳ уларга 400 та турк қизларидан хотин қилиб беришни буюрди. Шунинг учун х<sup>o</sup>оразмликларда ҳозиргача турклар билан ўхшашлик бор. Улар ўтовларда яшар эдилар ва балиқчилик билан шуғулланар эдилар. Кейинчалик улар яшаган ерда X<sup>o</sup>оразм пойтахти Кот шаҳри вужудга келди [al-Moqaddasi: 285 – 286].

20. Файруз (فیروز) – Сосонийлар сулоласига мансуб шаҳаншоҳ Пероз исмининг арабча шакли. Пероз Йаздагирд II нинг ўғли ва Баҳром Гўрнинг набираси бўлиб, милодий 459 – 486 йилларда Ктесифон шаҳрида ҳукм сурган. Унинг фахрий лақаби Мардона эди. Пероз тахтга ўтирганда, ёш бола эди. Унинг ўрнига давлатни вазирлар бошқарган. 468 йилда Пероз вояга етиб, давлатни ўзи бошқара бошлаганда, эфталийларга қарши бир неча марта юришлар қилди. 470 йилда Пероз эфталийлардан мағлубиятга учраб, уларга бир қанча ерларини, шу жумладан Толақон шаҳрини беришга мажбур бўлди ва уларга ўлпон сифатида 30 та отга тўла юкланган танга пуллар бериш ва уларга қарши бошқа юриш қилмаслик мажбурияти ҳақида тилхат ёзиб берди. Бундан 20 та отга юкланган пуллар ўша заҳоти берилди. Қолган 10 та отга юкланган пуллар эса Сосонийлар томонидан узоқ вақт давомида ҳар йили тўлаб борилди. 483 йилда Пероз эфталийлар билан тузилган шартномани бузиб, яна уларга қарши юриш бошлади. Эфталийлар ҳарбий ҳийла ишлатиб, ўз аскарларининг рўбарўсига хандақ қазидилар ва унинг устини беркитиб қўйдилар. Сосонийларнинг отлиқлари эфталийларга ҳужум қилиб, хандаққа қуладилар ва эфталийлар уларни қириб ташладилар. Бу жангда Пероз ҳам ўғиллари билан бирга ҳалок бўлди. Бу мағлубиятдан кейин Сосонийлар эфталийларга Марв шаҳрини беришга мажбур бўлдилар ва яна ўлпон тўлаш мажбуриятини олдилар [al-Ja‘kubi I: 184, 185; at-Tabari I: 864, 871 – 880, 882, 895, 899, 1042, 2447; Фирдоуси VIII: 9 – 17; Тер-Мкртичан 1979: 55 – 57]. Пероз ҳақида яна қаранг: Пигулевская 1956: 290 – 293, 301, 305, 306, 311; Дашков 2008: 123 – 125; Патканьян 1869: 41 – 45; Dekhoda XI: 17250 – 17251.

21. Ҳарот (هراة) – Хуросоннинг энг шарқий чеккасида Нишопурдан 80 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар. Унинг қадимги форсча номи Ҳари

(هري) бўлган [Наршахий: 66, 67, 85]. Ўрта форс манбаларида унинг номи *Harzw*, Сосонийлар зарб этган тангаларда эса *HLY*, *HRY*, *HLYDY* (*HLYDW*) шаклларида қайд этилган [Дашков 2008: 270 – 271]. Сосонийлар даврида Хуросон 4 маъмурий бирликга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирида алоҳида *марзбон* ҳукмронлик қилган. Ҳарот шаҳри Бушанж, Бодғис ва Сижистон билан бирга бир маъмурий бирликни ташкил этган. Исломдан олдин Ҳарот, Бушанж ва Бодғис ҳукмдори *барозон* (برازان) деб аталган. IX асрда эса Исфизор ва Андах билан бирга бир маъмурий бирликни ташкил этган [Ибн Хордадбех: 61, 67, 69, 73]. Арабларнинг фатҳ урушлари даврида Ҳарот аҳолиси эфталийлардан иборат бўлган [at-Tabari I: 2885].

X асрда Ҳарот вилоятига Молин, Хайсор, Астарбайон, Ауфа, Моробод, Бошон, Карух ва Хашт каби шаҳарлар кирган. Ҳарот вилоятида Асфизор номли *рустоқ* бўлиб, унда Адраскан, Каворон, Кушак ва Кавошон номли шаҳарлар жойлашган. Ҳарот шаҳрининг мустаҳкам қалъаси бўлган. Унинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам оқар сувлар бўлган. Шаҳар *қуҳандиз*, *мадина* ва *рабаддан* иборат бўлган. Жоме‘ масжиди *қуҳандиз* ичида, ҳукумат қароргоҳи эса шаҳар ташқарисидаги Хуросонобод номли ерда жойлашган. Бу ер шаҳардан 1/3 *фарсах* масофада Бусанж йўлида Ҳаротдан ғарб томонда жойлашган. Шаҳарнинг бинолари пахсадан қурилган. Ҳарот вилояти Гур ва *халажлар*нинг ери билан чегарадош бўлган. Шаҳарнинг *мадина* қисми бўйига ҳам, энига ҳам 0,5 *фарсах*ни ташкил этган. Унинг 4 дарвозаси бўлиб, улардан шимол томондагиси Боб Сарой, ғарб томондагиси Боб Зийод, жануб томондагиси Боб Фирузобод, шарқ томондагиси Боб Хушк деб аталган. Улардан фақат Боб Сарой дарвозаси темирдан, қолганлари эса ёғочдан ясалган. Ҳар бир дарвозанинг ёнида бозор жойлашган. *Мадина* ва *рабадда* оқар сувлар кўп бўлган.

*Мадина* ичидаги *қуҳандиз*нинг ҳам 4 та дарвозаси бўлиб, улар *мадина* дарвозаларининг қаршисида жойлашган ва ўша ном билан аталган. Қалъанинг ташқарисида ундан 30 қадам масофада уни одам бўйидан баландроқ девор ўраб турган. Жоме‘ масжиди *мадинада*, унинг ёнида бозорлар, орқасида эса қамоқхона жойлашган. Хуросон, Мовароуннаҳр, Сижистон ва ал-Жиболда Ҳарот жоме‘ масжиди узоқ вақт давомида энг гавжум бўлган, ундан кейин Балх жоме‘ масжиди, ундан кейин Сижистон жоме‘ масжиди турган. Ҳарот Форс вилоятидан Хуросонга келувчи молларнинг тўпланиш ери бўлган. Шунинг учун бу шаҳар Хуросон, Сижистон ва Форснинг савдо маркази бўлган.

Ҳаротга энг яқин тоғ шаҳардан 2 *фарсах* масофада Балх йўлида жойлашган. Бу тоғда яйлов ҳам, ўтин ҳам бўлмаган. Одамлар у ердан тегирмонлар учун, қурилиш ва кўчаларга ётқизиш учун тош олиб келганлар. Бу тоғнинг учида Сиришк номли оташпарастларнинг ибодатхонаси жойлашган бўлиб, X асрда ҳам фаолият кўрсатган. Бу тоғ билан шаҳар ўрта-сида насронийларнинг черкови жойлашган. У ерларда оқар сувлар ҳам,



боғлар ҳам бўламаган. Фақат шаҳар дарвозасининг ёнидан дарё оқиб ўтган. Ҳарот билан Асфизор ўртасидаги ерлар чўлдан иборат бўлиб, у ердан шаҳарга ўтин олиб келинган. Шаҳарнинг ҳамма дарвозаларининг ёнида оқар сувлар ва боғлар бўлган. Улардан Фирузобод дарвозаси энг гавжум бўлган. Шаҳардан оқувчи дарё ал-Ғур тоғларидаги Карвон работи яқинида бошланган. Дарё тоғдан оқиб чиққанда, кўплаб ариқларга бўлиниб, Ҳарот вилоятидаги *рустоқ*ларни суғорган. Ҳарот вилоятидаги энг катта шаҳарлар Карух ва Ауфа бўлган. Ундан ташқари Молин, Хайсар, Астарбайон, Маробод, Бошон каби шаҳарлар бўлган. Асфизор номли *рустоқ*да Кавасан, Каворон, Кушак ва Адраскан шаҳарлари жойлашган [Ibn Rosteh: 105, 173; al-Istakhri: 248, 249, 254, 262 – 268, 282, 285; Ibn Haukal: 437 – 440; al-Moqaddasi: 26, 34, 50, 298, 306, 313, 323 – 329, 334 – 336, 346, 350, 352; al-Idrisi VIII: 470 – 473; Jacut IV: 958 – 959]. Ҳозирги вақтда Ҳарот шаҳри Афғонистон ҳудудида жойлашган. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 592 – 593; Колесников 1982: 15, 133, 140, 143 – 145, 156, 177, 203; Frye 1971: 177 – 178.

22. Турклар Хуросон ва Озарбайжон ҳудудларида қадимдан яшаб келганлар. Қадимги парфияликлар ҳам, Сосонийлар ҳам кўшинларига ҳарбий хизматга кўшни кўчманчи туркий қабилаларни кўплаб жалб этганлар. Чунки кўчманчиларнинг ҳарбий кучларидан ўз манфаати учун фойдаланиш улар устидан доимий назорат олиб бориш имконини берар эди [Wright 2005: 15 – 31]. Арман манбаларида келтирилган маълумотга кўра, Ахамонийлар даврида турклар Кир ўғли Камбизнинг кўшинида хизмат қилганлар [Тер-Мкртчян 1985: 66]. Мил. IV асрда Сосонийлар Византияга қарши урушда *хийоний* қабилаларини жалб этганлар. 502 йилда шаҳаншоҳ Кавад *эфталий*лар билан бирга яна Византияга қарши уруш олиб борди, 503 йилда эса *эфталий*лар Кавказда хунларга қарши жанг олиб бордилар. 527 – 532 йилларда Сосонийлар *савир* қабилаларини Византияга қарши урушга жалб қилдилар. Шаҳаншоҳ Хусрав I Ануширвон (531 – 579 йилларда ҳукм сурган) туркий қабилаларга чегара вилоятлардан ерлар ажратиб, уларга чегараларни кўчманчилардан ҳимоя қилишни топширган [Колесников 1981: 53; Дьяконов 1961: 312; Frye, Sayili 1945: 313]. Хусусан, у Боб ал-Абвоб (Дарбанд) номли шаҳарни, шунингдек, кўчманчиларга қарши 40 *фарсах* узунликдаги мудофаа девори қурдирди ва уни ҳимоя қилиш учун унинг ҳар бир дарвозаси ёнига *хазар*, *алан* ва туркларнинг *ас-сарир* (*савир*) қабилаларини жойлаштирди [Masoudi II: 2]. Ривоятга кўра, у туркларга қарши юриш қилиб, Сул номли қабилани асирга олди ва уларнинг кўпларини қириб ташлади. Улардан фақат 80 кишини тирик қолдириб, Хуросонга жойлаштирди ва улардан урушларда фойдаланди [at-Tabari I: 894]. XII асрда Михаил Сурёний қадимги форс шоҳларининг турк қабилаларини ҳарбий хизматга ёллашни танқид қилган, чунки улар ватанига қайтиб, қабиладошларига Яқин Шарқ шаҳарларидаги бойликлар ҳақида ҳикоя қилиб бе-

рар ва уларни юриш қилишга чорлар эдилар [Мокрынин 2004: 69]. Ибн Ҳавқал келтирган маълумотга кўра, қадимги даврда *бажнақ* (بجنق) қабила-сига мансуб турклар ўзларининг ерларини тарк этиб, аввал ал-Андалус (الاندلس) га, кейин ал-Барза‘а (البرذعة), яъни Парфияга кўчиб кетганлар [Ibn Naukal: 15]. Бу маълумотда м.а. III аср охирида Парфияни босиб олган кўчманчилар назарда тутилган бўлса керак.

Сосонийлар давлатининг чегара вилоятларига асосан эроний бўлмаган халклар (хионийлар, эфталийлар, хазарлар, турклар, арманлар, грузинлар ва ҳ.к.) нинг вакиллари волий этиб тайинланган. Улар шаҳаншоҳ саройида олий ҳарбий табақа таркибига кириб, *марзбон* – “чегара посбони” унвонига эга бўлганлар [Колесников 1981: 49, 54, 55; Тревер 1950: 141]. Балх вилоятдаги Жига-тепа харобаларидан мил. III – IV бошларига мансуб муҳрларнинг тасвирлари сақланган. Бу муҳрлар Сосонийлар давлатининг 6 табақали амалдорларига тегишли бўлиб, уларда турклар тасвирланган [Кругликова 1984: 141 – 151]. Мил. V – VII асрларга мансуб Сосонийлар давлатининг муҳрларида турклар ва уларга хос суратлар тасвирланган [Frye 1971: pl. XV, fig. 81; pl. XXXIX, XLVI – LIV; Bivar 1968a: 69 – 101; Bivar 1968b: pl. XV, XX – XXIV; Gignoux 1982: 87 – 117; Gyselen 1995: 39, 43]. Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида сақланаётган VII – VIII асрларга мансуб кумуш лаганда паҳлавий ва суғдча ёзувлар бор. Суғдча ёзув *tmu'č trγ'nβχč*, яъни “муҳр соҳиби тархон Вағач” деб ўқилган, унда туркий *тамгачи* ва *тархон* унвонлари қайд этилган [Лившиц, Луконин 1964: 172].

Илк ўрта асрларда Сосонийлар давлатининг таркибидаги Хуросоннинг кўпчилик шаҳарлари ва вилоятларида эфталий ва туркий сулолалар ҳукм сурган [Никитин 1986: 82 – 88]. Арман манбаларида келтирилган маълумотга кўра, Хусрав I Ануширвон (531 – 579 йилларда ҳукм сурган) Веркан (Журжон) ва Сагастан (Сижистон) вилоятлари “Туркастан” (яъни Туркистон) мамлакатига қарашли бўлган [Тер-Мкртичян 1985: 51]. Сурёний тилдаги манбаларга кўра, турклар V аср охири – VI аср бошларида Хуросондаги Марғиёна (Марв) вилоятига келиб ўрнашганлар. Муҳаммад пайғамбар даврида Марғиёнадаги турклар форслар ва курдлар билан бир қаторда унга эргашдилар. Исломдан кейин бу ерга келган янги турклар ислом динини қабул қилган маҳаллий туркларни учратдилар ва уларга қўшилдилар [Гусейнов 1960: 49, 52]. Марв харобаларида топилган суғдча ёзувли сопол парчасида туркий *тархон* (*trx'n*) унвони қайд этилган [Фрейман 1939: 296 – 302]. Журжон ва Дихистон шаҳарларида Сулийлар сулоласига мансуб ўғуз турклари ҳукм сурганлар. Уларнинг кўплари эроний исмлар ва унвонларга эга бўлганлар, форслар сингари зардуштийлик динига эътиқод қилганлар, урф-одатлари ва ташқи қиёфалари ҳам форсларники билан бир хил бўлган. Уларнинг баъзилари эроний исмлар ва унвонлар билан бир қаторда туркий исмлар ва унвонларга эга бўлганлар [ал-Исфохани IX: 21; at-Tabari I: 2657; II: 1320 – 1333; ас-Саҳмий: 4 – 5, 9 – 18, 194 (№ 381); Гар-

дизи: 33; ас-Сам‘оний VIII: 110; Ибн Халликан I: 9 – 11]. XI аср ўрталарида Маҳмуд Кошғарий ўғуз туркларининг эронийлашуви жараёни ҳақида сўзлаб, шундай ёзган эди: “Ўғузлар форслар билан қоришиб кетганидан кўп туркий сўзларни унутганлар ва уларнинг ўрнига форсий сўзларни ишлатадилар” [Кошғарий I: 406]. Араб тилида ёзилган манбаларга кўра, Хуросондаги Куҳистон, Ғур, Ҳарот, Бодғис ва Бушанж вилоятларида турклар ҳукмронлик қилганлар. Қўшни Тўхористонда эса ҳокимият тўла туркларнинг қўлида бўлган [at-Tabari I: 2878; II: 156, 1129, 1148, 1221].

Қўшни Бактрия-Тўхористонда ҳам илк ўрта асрларда худди шундай вазият бўлган. VI – VIII асрларда эса бу вилоят Турк хоқонлигининг таркибий қисми бўлган [Кляшторный 1980: 158 – 161; Симс-Вильямс 1997: 3 – 11; Göbl 1967]. Туркий қабилалар м.а. II асрдан бошлаб сак ва кушан қабилалар иттифоқи, IV – V асрларда хионий, кидарий ва эфталий қабилалар иттифоқи таркибида Бактрия-Тўхористон ва Хуросонга кўплаб кириб келганлар. Эрон ҳудудларида ҳозиргача сақланиб қолган қадимги туркий лаҳжалар [Зейналов 1972: 74 – 79], шунингдек, Эроннинг кўп ерларида учрайдиган бой туркий топонимия туркий тилли халқларнинг бу ерларда қадимдан яшаб келганлигидан далолат беради [Савина 1980: 140 – 155].

Нумизматик маълумотларга кўра, кўчманчи хионий ва кидарий қабилалар Эроннинг шарқий қисмида IV асрнинг 80-йилларида келиб ўрнашганлар [Вайнберг 1972: 134, 137]. Уларнинг ўрнига келган эфталийлар 484 йилда шаҳаншоҳ Пероз кўшинларини 3 марта мағлубиятга учратиб, бутун Хуросон, Куҳистон ва Сижистон ерларини эгалладилар. VI асрнинг ўрталарида эфталийларнинг ўрнига келган турклар Хуросон, Сижистон, Кобулистон, шунингдек Бактрия-Тўхористон ва Шимолий Ҳиндистонда анъанавий шаклдаги тангаларни зарб этишни давом этдирдилар [Никитин 1986: 82]. Араблар истилоси арафасида жанубда туркларга қаршли ерларнинг чегараси Балх ва Марв шаҳарлари орасидаги чизик бўйлаб ўтган [Chavannes 1903: 264]. VIII аср бошларида Сижистонда ғузлар ва халажлар яшаганлар [Masoudi V: 302]. Халажлар Сижистонда IX асрнинг ўрталаригача ҳукмронлик қилдилар, фақат Йа‘қуб ибн ал-Лайс даврига келиб араблар улардан ҳокимиятни тортиб олдилар [Frye, Sayili 1945: 314]. Халажлар Хуросонга кўчиб келган энг қадимги турклар бўлиб, уларнинг тилида қадимги туркий тилнинг хусусиятлари сақланиб қолган [Зейналов 1972: 79]. Халқ ривоятларида уларнинг келиб чиқиши Искандар Зу-л-Қарнайн даври билан боғланган [Мамедов 1981: 28]. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2006: 30 – 36.

23. *‘унватан* (عنوة) – араб., “куч билан”. Араблар фатҳ урушлари давомида шаҳарларни 2 йўл билан фатҳ этганлар: куч билан (عنوة) ва сулҳ билан (صلحا). Маҳаллий аҳолининг қайси йўл билан фатҳ этилганлиги арабларнинг улар билан кейинги муносабатларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хусусан, маъмурий китобларда хирожнинг миқдори ҳақида

маълумот келтирилганда, ҳар доим маҳаллий аҳоли билан араблар ўртасида сулҳ тузилганлиги ёки у куч билан фатҳ этилганлиги кўрсатилган. Агар у ёки бу шаҳар куч билан фатҳ этилган бўлса, бу маҳаллий аҳоли арабларга қаршилик кўрсатган ёки сулҳ шартларини қабул қилмаганлигини англатган, ёки аксинча араблар маҳаллий аҳолининг шартларига рози бўлмаганлар. Шунинг учун ўзаро муносабатлар куролли тўқнашув йўли билан ҳал қилинган. Шаҳар куч билан фатҳ этилса, араблар маҳаллий аҳолига нисбатан чексиз ҳуқуқларга эга бўлганлар ва унинг тақдири тўла босқинчиларнинг ихтиёрида бўлган. Бундай ҳолларда араб лашкарбошисининг қарорига биноан маҳаллий аҳолининг эркак қисми қисман ёки бутунлай қириб ташланиши ёки қул қилиниши мумкин бўлган, уларнинг ерлари ва мол-мулклари эса мусодара қилинган. Аёллар ва болалар одатда қул қилинган, шаҳар эса талон-тарож қилинган. Сулҳ тузилгандан кейин маҳаллий аҳоли уни бузиб, келишилган шартларни бажаришдан бош тортса, у ҳолда араблар уларни куч билан ёки яна сулҳ йўли билан қайта фатҳ этганлар. Бу ҳақида қаранг: Колесников 1982: 148 – 152; Dehkhoda XI: 16420.

24. Бошқа манбаларда арабларнинг Куҳистон аҳолиси билан тузган сулҳ миқдори келтирилмаган. Халифа ибн Хаййотга кўра, ал-Ахнаф ибн Қайс Ҳарот аҳли билан тўқнашиб, уларни мағлубиятга учратди [Халифа ибн Хаййот: 35].

25. Абу ‘Убайда Му‘аммар (Ма‘мар) ибн ал-Мусанно ат-Таймий ал-Басрий ан-Наҳвий (110 – 209/728 – 824) – *қурайш* қабиласига мансуб *тим* (تيم) уруғининг *мавлоси*, яъни улар ёрдамида ислом динини қабул қилган ва уларнинг ҳимояси остида бўлган форс. У тарих, адаб ва араб тили соҳасидаги олим, арабларнинг насл-насаблари билимдони бўлган. У Басрада туғилиб ўсган ва ўша ерда вафот этган. 188/803-04 йилда Ҳорун ар-Рашид уни Бағдодга таклиф қилди ва Му‘аммар унга ўзининг китобларидан ўқиб берди. Унинг келиб чиқиши форс ёки яҳудий бўлиб, арабларни ёқтирмаган ва *аш-шу‘убиййа* ҳаракатининг ашаддий аъзоси бўлган. Шу билан бирга у ҳадис илмини яхши билган. Исломдан олдинги тарихни ҳам яхши билган. У вафот этганда, унинг жанозасига ҳеч ким келмаган. Унинг замонида ундан билимлироқ одам бўлмаган. У ҳаммаси бўлиб 200 га яқин асар ёзган. “Аййом ал-‘Араб” (“Арабларнинг даври”), “ал-Инсон”, “Ма‘оний ал-Қур’он”, “И‘роб ал-Қур’он”, “Табақот ал-Фурсон”, “Табақот аш-Шу‘аро”, “ал-Хайл”, “ал-Қабо‘ил”, “ал-Амсол” ва бошқалар шулар жумласидандир. У арабларнинг фатҳ урушлари ҳақида бир нечта асар ҳам ёзган. Хусусан, у “Футуҳ Армийа” (“Армийада фатҳ урушлари”), “Китоб Хуросон” (“Хуросон китоби”) асарларини ёзган [at-Tabari I: 1016, 1029, 1102, 3454, 3455; II: 91, 94, 99, 101, 104, 161, 194, 200, 435 – 437, 445 – 447, 450, 455; Ибн ан-Надим: 58 – 60; Ibn an-Nadim I: 53 – 54; Jacut I: 96, 110, 139, 146, 216; Ибн Халликон V: 235 – 243 (№ 731)]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 11 – 14; аз-Зириклий VIII: 191; Dehkhoda I: 781 – 782.

26. Умайр ибн Аҳмар ал-Йашкурий – араб лашкарбошиси, матнда унинг исми Умайр (امير) шаклида келтирилган. ал-Йа‘кубий ҳам уни шу шаклда келтирган [al-Ja‘kubi II: 193]. Лекин ат-Табарий ва Гардизийнинг асарларида унинг исми ‘Умайр (عمير) шаклида келтирилган. 27/647-48 йилда у халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида 1 йил Хуросон волийси бўлган. 31/651-52 йилда ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида Абаршаҳр (Нишопур) га қарашли бўлган Тус, Абивард, Нисо ва Хумрон шаҳарларини фатҳ этган ва Сарахсгача етиб борган. 35/655-56 йилда халифа ‘Усмон вафот этгандан сўнг бир муддат Сижистон волийси бўлган. 45/665-66 йилда халифа Му‘овийа ва ал-‘Ироқ волийси Зийод ибн Абу Суфйон даврида у аввал Марв шаҳри ва унинг вилоятига ҳоким этиб тайинланган. Кейин эса Хуросондаги шаҳарлардан бирида хирож йиғимига масъул бўлган [at-Tabari I: 2884 – 2888; II: 79, 81; Гардизи: 18, 25; Та‘рих-и Систан: 107]. Гардизийга кўра ‘Умайр ибн Аҳмар ал-Йашкурий ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида Хуросон волийси этиб тайинланган. У кўшини билан Марвга келганда, дастлаб шаҳар ташқарисида чодирларда яшаган. Қишда қаттиқ совуқ бўлганда, шаҳарликлар арабларга раҳм қилиб, уларни уйларига жойлаштирганлар. Лекин бир неча кундан сўнг бу ишга пушаймон бўлиб, уларни чиқариб юбориш йўлини қидирдилар. Марв деҳқони Бароз ибн Моҳавайҳ бундан хабар топиб, бу гапни ‘Умайрга етказди. Шунда араблар шаҳар аҳолисини қириб, уларини талон-тарож қилдилар. Ўртага воситачилар тушиб, шаҳарликлар арабларга товон пулини тўлаб қутулдилар ва ‘Умайрдан кечирим сўрадилар. Шундан кейин араб аскарлари шаҳарликларнинг уйида турдилар. ‘Умайр эса Барозни уларга берган ёрдами учун мукофотлади [Гардизи: 25]. ал-Йа‘кубийга кўра, шундан кейин Умайр Марвда қолишдан кўрқиб, ‘Усмон ибн ‘Аффоннинг олдига қайтиб кетди. ‘Усмон ибн ‘Аффон унга Марв аҳлини ўлдиришни ман этган эди. Умайрнинг кўркувини кўриб, ‘Усмон ундан яна ҳам қаттиқ ғазабланди [al-Ja‘kubi II: 193; ал-Йа‘кубий II: 174 – 175]. ат-Табарийнинг маълумотига кўра, бу воқеа 45/665-66 йилда содир бўлган [at-Tabari II: 79, 81].

27. бакр ибн во‘ил (وائل بن بكر) – араб қабилалари иттифоқи. Уларни бакрийлар деб ҳам атаганлар. Уларнинг бобокалони Бакр ибн Во‘ил ибн Қосит бўлиб, раби‘а қабиласига мансуб бўлган. У ал-жоҳилийа даврида яшаган ва бутпараст бўлган. Унинг авлодлари ал-Бакрий нисбасига эга бўлганлар [ал-Балозурий 1959: 317; Ibn al-Fakih: 120, 122, 170, 190; al-Jakubi: 285, 311; al-Masudi: 89, 203, 204, 241, 242, 299; at-Tabari I: 2685; II: 489– 496, 861, 1050, 1257, 1287, 1473, 1474, 1485; al-Nasafi: 47 (№ 5), 188 (№ 290); ас-Сам‘оний II: 276; Jacut I: 143, 149, 271, 318, 341, 395, 472, 508, 638, 846, 876, 921, 942]. У ҳақида яна қаранг: Caskel 1960: 962 – 964; Большаков 1989: 207, 209, 215, 216, 235, 274; 1993: 59, 231; 2010: 126, 150, 269; Пигулевская 1964: 109, 122, 147; аз-Зириклий II: 46 – 47.

28. Йазид ибн ал-Жураший Абу Солим ибн Йазид – араб лашкарбоши-си. Унинг *нисбасига* кўра, у арабларнинг *ҳумайр* (حمير) қабиласининг *бану жураиш* (بنو جرشي) уруғига мансуб бўлган. Муҳаммад пайғамбар ва саҳобаларнинг кичик замондошлари (араб. *ат-тоби‘ун*) дан бири Йазид ибн ал-Асвад (Абу-л-Асвад) бўлган [ас-Сам‘оний III: 228]. Унинг *Зам‘а* (زمعة) исмли онаси Муҳаммад пайғамбарнинг уруғига мансуб бўлган [ал-Балозурий: 432]. Унинг отаси ал-Асвад ибн Йазид ибн Қайс ан-Наха‘ий ал-Куфада фикҳ соҳасида машҳур олим бўлган [аз-Зириклий I: 330]. Эҳтимол, бу ерда ўша Йазид ҳақида сўз юритилгандир. Ҳар ҳолда улар иккаласининг яшаган даври деярли бир. Маълумки, кўп саҳобалар ва уларнинг кичик замондошлари (*ат-тоби‘ун*) фатҳ урушларида фаол иштирок этганлар. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 1998: 32 – 39.

29. Найсобур ёки Нисобур (نيسابور) – форсча Нишопур (نشاپور) номининг арабча шакли. Хуросоннинг жанубидаги катта шаҳар, Абаршаҳр ёки Апаршаҳр (ابرشهر) деб ҳам аталган. Баъзи маълумотларга кўра, унинг иккинчи номи Ироншаҳр (ايران شهر) бўлган [Ibn al-Fakih: 199, 213, 321]. Берунийнинг ёзишича ҳам Нишопур вилоятининг бош шаҳри Ироншаҳр (ايرانشهر) деб аталган [Беруни 1973: 465]. Сосонийлар даврида бу шаҳар Nev-Shahrpuhr (Nēv-Šahrpuhr) деб аталган. Ривоятга кўра, уни Арташир ўғли Шопур қурган [Markwart 1931: 12]. Бу шаҳарда APL ёки APR (Апаршаҳр) номи билан тангалар зарб этилган [Дашков 2008: 266, 267, 277]. Исломдан олдин Нишопур ҳукмдорлари *кунар/канор* унвонига эга бўлган. Нишопур вилоятида Зом, Бохарз, Жувайн ва Байҳақ шаҳарлари жойлашган. Хуросон волийлари бўлган Тоҳирийлар сулоласининг ҳукмронлиги даврида Нишопур уларнинг пойтахти бўлган. Унгача пойтахт Марв ёки Балх шаҳарлари бўлган эди. 211 – 212/826 – 828 йилларда Нишопур ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳирга 4 108 900 *дирҳам* солиқ тўлаган. 549/1154-55 йилда султон Санжар ҳукмронлиги даврида ғузлар шаҳарни талон-тарож қилиб, кўпчилик аҳолисини қириб ташлаганлар. Қолганлари эса шаҳарни ташлаб кетдилар. Кейинчалик аҳоли аста-секин шаҳарга қайтиб келди ва шаҳар қайта қурилди. 580/1184-85 йилда янги шаҳар олдингисидан ҳам каттароқ ва чиройлироқ эди. Шаҳар *қуҳандиз*, *мадина* ва *рабаддан* иборат эди. *Қуҳандизда* 2 та, *мадинада* эса 4 та дарвоза бўлган. *Рабадда* ҳам бир нечта дарвозалар бор эди. Бозорлар *рабадда* жойлашган. У ердаги карвонсаройлар ҳам ўзига хос бозор эди. Ичимлик суви ер ости кубурлардан оқиб, ер юзига шаҳар ташқарисида чиқарилган. Фақат *қуҳандизнинг* баъзи ерларида сув ер юзига чиқарилган бўлиб, ҳовлилар ва боғлардан оқиб ўтган. Нишопурда Водий Сағориз номли катта дарё оқиб ўтган бўлиб, у шаҳардаги баъзи боғларни ва асосан шаҳар ташқарисидаги *рустоқларни* суғорган. Шаҳар ичидаги ер ости сув йўллари сувни шу дарёдан олган. Бу мураккаб суғориш тизимини кўриқлаш ва тартибда сақлаш учун ҳукумат томондан масъул одамлар тайинланган. Хуросонда аҳолисининг зичлиги, майдонининг кенглиги, савдо-сотик ривож-

ланган ва мусофирлари ва карвонларининг кўплиги бўйича Нишопур энг катта шаҳар бўлган. Нишопурда пахта ва ипакдан нафис матолар ва кийимлар ишлаб чиқарилган. Уларнинг сифати олий ва ўзига хос бўлгани сабабли улар бошқа ислом мамлакатлари ва ҳатто ғайридинларнинг мамлакатларига ҳам олиб кетилган. Нишопур вилоятидаги *рустоқ*ларда яна бир нечта шаҳарчалар ва қишлоқлар жойлашган. Бузжон, Молин (Кавохарз), Ҳойманд, Сулумақ, Санкон, Завзан, Кундур, Туршиз, Хон Равон, Озодвар, Хусравкирд, Баҳманобод, Мазинон, Сабзавор, Дивора, Михражон, Исфароӣин, Хужон ва Риванд шулар жумласидандир. Нишопур вилояти таркибига баъзан Тус вилояти ҳам киритилган [Ибн Хордадбех: 63, 67, 69, 70, 73; Ибн ал-Факих: 80, 98; Ibn al-Fakih: 208, 227, 235, 246, 254, 318 – 321; at-Tabari I: 2836, 2884 – 2887, 2900, II: 79, 170, 596, 831, 832, 861, 862, 1207, 1327; Ibn Rosteh: 97, 105, 171, 172; al-Jakubi: 278 – 279; al-Istakhri: 202, 207, 253 – 258, 262, 283; Ibn Haukal: 431 – 434; al-Moqaddasi: 28. 30, 33, 34, 36, 259, 270, 294, 300, 351; Jacut IV: 824 – 826]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 68, 72, 80, 82, 108 – 114, 120, 124, 131, 350, 364, 369, 431; Колесников 1982: 132, 133, 143 – 145, 173; Пигулевская 1956: 160, 174, 275, 387, 301; Honigmann, Bosworth 1995: 62 – 64; Dekhoda I: 308, 978.

30. Зом (زام) ёки Жом (جام) – Нишопур ва Ҳарот орасида жойлашган ҳудуд (*ноҳийа*). Унинг маъмурий маркази Бузжон (بوزجان) бўлиб, унга 180 та қишлоқ қарашли бўлган [al-Jakubi: 278; Ибн Хордадбех: 63; Ibn al-Fakih: 318; Ibn Rosteh: 171; al-Istakhri: 256, 282, 283; Ibn Haukal: 433; al-Moqaddasi: 50, 300, 319, 331, 351; ac-Samʻoniy II: 329; Jacut II: 909]. Унинг асл номи Зом бўлган, Жом эса унинг араблашган шакли бўлган. У ҳақида яна қаранг: Колесников 1982: 143; de Meunard 1861: 282; Dekhoda VIII: 12552.

31. *рустоқ* (رستاق) – форсча *русто* (روستا) – “қишлоқ”, “туман” сўзининг арабча шакли [Dekhoda VIII: 12371 – 12372]. Бу сўз ўрта форс (пахлавий) тилидаги *rudista* – “қишлоқ”, *rōstāk* – “мамлакат”, “вилоят” сўзларидан келиб чиққан [ПРС: 177, 179]. Араб тилидаги географик манбаларда бу сўз *рустоқ* (رستاق) шаклида қайд этилган бўлиб, унда шаҳар ташқарисида жойлашган, хўжалик ва солиқ нуқтаи назаридан алоҳида бир ҳудуд назарда тутилган. Ўрта асрларда унинг ўрнига *ноҳийа* (ناحية) атамаси ҳам ишлатилган. Ўрта асрларда бу 2 атама маъмурий бирлик сифатида ҳам ишлатилган бўлиб, *вилоят* (ولاية) таркибига кирувчи шаҳардан ташқарида жойлашган деҳқончилик ерлари ва ер эгаларининг мулкларини билдирган. Бир *рустоқ*нинг катталиги тахминан бир туман ҳудудига яқин бўлган. Одатда ҳар бир *рустоқ*нинг маъмурий маркази бўлиб унда маҳаллий зодагонлар истиқомат қилганлар. Демак, *русто/рустоқ* (رستاق/روستا) атамаси катта ҳудудларга эга бўлган қишлоқларни, *деҳ* (ده) ёки *диҳ* (ديه) атамаси эса кичик қишлоқларни англатган; *русто/рустоқ* атамаси ҳақида яна қаранг : Smith 1995: 955; Смирнова 1970: 90.

32. Бохарз (باخرز) ёки Кувохарз (كواخرز), яъни Гувохарз – Нишопур ва Ҳарот оралиғида жойлашган ҳудуд (*ноҳийа*). Унинг номи ўрта форс тилидаги *бодҳарза* (بادهرزه) – “шамолли ер” (مهبل الرياح) сўзидан ясалган. Маъмурий маркази Молин (مالين) деб аталган. Унга 168 қишлоқ қарашли бўлган. Молинда Тоҳирийлар сулоласига қарашли бўлган ер мулклари ва иморатлар жойлашган [Ибн Хордабех: 63; Ibn al-Fakih: 318; Ibn Rosteh: 171; al-Istakhri: 256, 283; Ibn Haukal: 433; al-Moqaddasi: 50, 300, 351; ac-Сам‘оний II: 21; Jacut I: 458]. У ҳақида яна қаранг: Spuler 1960: 952; de Meynard 1861: 74; Dehkhoda III: 3932.

33. Жувайн (جوين) – Нишопурдан 10 *фарсах* масофада Бистом йўлида Байҳақ ва Жожарм орасида жойлашган Куйон (كويان) номли ҳудуд (*ноҳийа*) номининг арабча шакли. Унга 189 та қишлоқ қарашли бўлган. Унинг маъмурий маркази Озодвор (ازادوار) шаҳри бўлган. Унинг атрофларида бир-бирига уланиб кетган қишлоқлар кўп бўлган. Қишлоқ бир-бирига яқин жойлашган. У ерда аҳоли кўплигидан 5 *фарсах* давомида ҳеч қандай ташландиқ ер ёки чўл кўринмаган. Сижистонда ҳам Жувайн (جوين) номли ер бўлган [Ибн Хордабех: 63; Ibn al-Fakih: 318; al-Istakhri: 257, 284; Ibn Haukal: 433; al-Moqaddasi: 50, 318; ac-Сам‘оний III: 385; Jacut II: 164 – 166]. У ҳақида яна қаранг: Hartmann 1965: 604 – 605; Колесников 1982: 143; de Meynard 1861: 180 – 181; Dehkhoda V: 7919.

34. Араблар фатҳ урушлари давомида қўлга киритган асирларига нисбатан чексиз ҳуқуқларга эга бўлганлар ва асирнинг тақдири тўла босқинчиларнинг ихтиёрида бўлган. Араб лашкарбошисининг қарорига биноан асирларнинг эркак қисми қисман ёки бутунлай қириб ташланиши ёки қул қилиниши мумкин бўлган. Аёллар ва болалар одатда қул қилинган ва ўзаро бўлиб олинган. Араб босқинчиларини биринчи навбатда Ўрта Осиёда аҳолининг кўплиги қизиқтирган, чунки улар учун бу арзон ишчи кучи ва қулларнинг манбаи бўлган. Асирга олинган жангчиларни қулга айлантириш қадимдан анъана бўлиб келган. Эронда Аҳамонийлар даври (м.а. VI – V асрлар) дан бошлаб Турон (Туркистон) да асирга тушганлар қул қилиб сотилган [Короглы 1983: 21]. Қадимги Суғдда ҳам шундай бўлган [Смирнова 1970: 264]. Турк хоқонлиги (VI – VIII асрлар) да ҳам қабилалараро урушларнинг асосий мақсади қул (*qul*) ва чўри (*kun*) ларни қўлга киритиш бўлиб, улардан уй хўжалигида ва оғир ишларда фойдаланилган. Турклар одатда аёллар, қизлар, болалар ва ўсмир ёшидагиларни тирик қолдириб, қулга айлантирганлар, ёши катта эркакларни эса ўлдирганлар [Кляшторный 1983: 168 – 170]. Эронда Туркистондан олиб келинган чўрилар бойларнинг ҳарамларига сотиб олинган, ёш қуллар эса *соқий*, яъни шароб қуёвчи бўлиб хизмат қилганлар. Араб босқинчилари эса аксинча, кўпроқ ўрта ёшли эркак қулларни афзал кўрганлар [Большаков 1986: 427]. 94/712-13 йилда Кутайба ибн Муслим ва Суғд ҳукмдори Ғурак ўртасида Самарқандда тузилган сулҳ шартномасига кўра, Ғурак арабларга 30 минг қул бе-



риши лозим эди, улар ичида бирорта ҳам бола ёки қария бўлмаслиги керак эди [Смирнова 1970: 208, 264; Смирнова 1957: 122, 132]. Бу ҳақида яна қаранг: Надирадзе 1968: 75 – 85.

35. *‘адий ар-рибоб* (الرياب عدي) – *тамим* қабилалар иттифоқига мансуб араб қабиласи. Уларни *‘адий*, *‘адий тамим* ёки *‘адий ибн ‘абд манот* деб ҳам атаганлар. Бу қабиллага мансуб одамлар ал-‘Адавий *нисбасига* эга бўлган [Халифа ибн Хаййот: 35; at-Tabari I: 2888; II: 1446, 1457; ac-Сам‘оний VIII: 411; Jacut I: 280, 288, 583, 659; IV: 295778, 923]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1989: 47, 49, 55, 75, 262.

36. ал-Асвад ибн Кулсум ал-‘Адавий – арабларнинг *тамим* қабилалар иттифоқи таркибидаги *‘адий ар-рибоб* (الرياب عدي) қабиласига мансуб лашкарбоши [ac-Сам‘оний VIII: 410 – 414]. 31/651-52 йилда халифа ‘Усмон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида Абаршаҳрдан 16 *фарсах* масофада жойлашган Байҳақ номли шаҳарни фатҳ этган ва ўша ерда жангда ҳалок бўлган [at-Tabari I: 2887, 2888; II: 1528].

37. Байҳақ (بيهق) – Нишопурдан 16 ёки 20 *фарсах* масофада жойлашган *ноҳийа*. Унга 321 та қишлоқ қарашли бўлган. Унинг номи форс тилида “олий сифатли” (الاجود) маъносини билдирган. Унинг маъмурий маркази (قصبه) аввал Хусравжирд (خسروجرد) ёки Хусравкирд (خسروکرد) номли шаҳарда бўлган, кейин Сабзавор (سبزوار) ёки Собзавор (سابزوار) шаҳрига кўчирилган. Бу *ноҳийа*нинг чегаралари ар-Риванд қишлоғидан ад-Домағон қишлоғига қадар ерларни ўз ичига олган бўлиб, бўйига 25 *фарсах*, энига ҳам шунча масофани ташкил этган. Ҳарот вилоятида ҳам шундай номли ер бўлган [Ибн Хордадбех: 63; Ibn al-Fakih: 318; at-Tabari I: 2888; II: 1581, 1720; al-Istakhri: 257, 284; Ibn Naukal: 433; al-Moqaddasi: 50, 300, 318, 326, 488; Худуд ал-‘Алем: 196; ac-Сам‘оний II: 381; V: 116; Jacut II: 804 – 805]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 112, 120, 121, 142, 434, 436; Колесников 1982: 143; Lambton 1960: 1130; de Meynard 1861: 130 – 131; Dehkhoda IV: 5306 – 5307.

38. *зоҳид* (زاهد) – араб., “художўй одам”, “зоҳид”, “аскет”, яъни тарки дунё қилиб, ҳаётини ибодатга бағишлаган одам. Зоҳидлар худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш ва жаннатга тушиш учун тарки дунё қилиш зарурлигига ишонганлар. Зоҳидлик ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган бўлиб, кейинчалик буддизм, христианлик ва бошқа динларда кенг тарқалган. Яккахудолик (монотеистик) динларида зоҳидлик диний таълимот даражасига кўтарилиб, яхши фазилатлар ва баркамолликга эришиш, фозил инсон бўлишнинг энг маъқул йўли деб ҳисобланган. Христиан динида зоҳидлар *монах*, улар яшайдиган жамоа уйлари эса *монастир* деб аталган. Буддизм ва монийликда ҳам шунга ўхшаш ташкилотлар бўлган. Илк ислом даврида зоҳидлик (*зуҳд*) ислом таълимотида кенг тарғиб қилинган. Бу ҳақида кўплаб ҳадислар ҳам ривоят қилинган. Ўрта Осиёда зоҳидлар *дарвиш* деб ҳам аталган. Зоҳидлар оила қурмаганлар ва *хонақоҳ*ларда

жамоа бўлиб яшаганлар. Улар дунёнинг барча лаззатларидан воз кечиб, бо-рига қаноат қилиш, чиллада ўтириш, доимий рўза тутиш, зикр тушириш ва қаландарлик қилиш билан шуғулланганлар. Зоҳидлар учун кам ухлаш, кам овқат ейиш ва тўхтовсиз ибодат қилиш одат бўлган. X – XIII асрларда зо-ҳидлик суфизм таълимотининг ажралмас қисмига айланиб, суфийларнинг асарларида асосий мавзулардан бири бўлган. Ислон мамлакатларида зо-ҳидлар ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, бу атама асосан художўй ва такводор одамларга нисбатан ишлатилади. Бу ҳақида яна қаранг: Gobillot 2002: 559 – 562; Большаков 1991: 80; Dehkhoda VIII: 12577 – 12578.

39. Адҳам ибн Кулсум ал-‘Адавий – ал-Асвад ибн Кулсум ал-‘Адавий-нинг укаси. У ҳам акаси билан Байҳақни фатҳ этиш учун бўлган жангда иштирок этган. 61/680-81 йилда унинг ўғли ‘Усмон ибн ал-Адҳам ал-‘Ада-вий Сижистонга Йазид ибн Зийод билан бирга келган ва ўша йилда Ко-булга қарши юришда иштирок этиб, жангда ҳалок бўлган [Та’рих-и Сис-тан: 121]. 111/729-30 йилда Хуросон волийси ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳ-мон даврида унинг Вард ибн Зийод ибн Адҳам ибн Кулсум исмли набира-си Мовароуннаҳрда турклар ва суғдларга қарши жангда иштирок этган. Жангда камон ўқи унинг бурнига ёнидан тегиб, бурнининг иккала коваги-ни тешиб ўтган [at-Tabari II: 1528].

40. Бу одат зардуштийлик динига хос бўлиб, унга кўра, мурдани туп-роққа кўмиш ёки куйдириш тақиқланган. Зардуштийлик диний таълимоти-да жон ўлмас ва абадий деб ҳисобланган. Инсон ўлгандан кейин унинг жо-ни ёввойи ҳайвонлар ва қушларда давом этади. Маълум вақтдан кейин у яна инсон шаклида қайта дунёга келади. Зардуштларнинг муқаддас китоби “Авеста” да ёзилишича, одам ўлгандан кейин дафн этилгунга қадар унинг мурдаси 3 хил иншоотларда сақланган. Биринчи босқичда мурда вақтинча дастлабки бир-неча кун *ката* номли ерда сақланган. Иккинчи босқичда мурданинг гўштани йиртқич ҳайвонлар ва қушлар ейиши учун *дахма* ёки “сукунат минораси” деб аталувчи усти очиқ иншоотга боғлаб қўйилган. Учинчи босқичда мурданинг гўштан тозаланган ва ёмғир сувлари остида ювилган суяклари йиғилиб, сандиқга ўхшаш махсус қопқоқли идиш – *остодон*га жойлаштирилган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сида *дахма* сўзи “мақбара”, “мавзолей” маъносида ишлатилган. Араб манбаларида христи-анлик динидан кириб келган *наус* (*новус*) атамаси ҳам *дахма*, ҳам *остодон* га нисбатан ишлатилган. Илмий адабиётда *остодон* “оссуарий” деб атала-ди. *Дахмалар* ва *новуслар* шаҳардан ташқарида якка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб жойлашган. Айрим шаҳарларда барча *новуслар* бир ерга жамланган бўлиб, шаҳар қабристонини ташкил этган [Борисов 1940: 301 – 311]. Бу ҳақида яна қаранг: Сулейманов 1989: 41 – 45; Бойс 1988.

41. Бушт (بشت) ёки Буст (بست) – Нишопур вилоятидаги шаҳар, Аргендоб дарёсининг Ҳилманд дарёсига қуйилиш ерида жойлашган. Унга 226 та қишлоқ қарашли бўлган. Сосонийлар даврида бу ерда ўрта форс (пахла-

вий) ёзувида BST ва BŠT деб ёзилган тангалар зарб этилган [Дашков 2008: 268 – 269]. Бу шаҳар Турсис (طريث) деб ҳам аталган. Ривоятга кўра, бу шаҳарни Буштасф исмли афсонавий подшоҳ курдирган ва унинг исми билан аталган. Буштда Эрон шоҳи Манучеҳр ва Турон хоқони Афросиёб ўртасида жанг бўлган. Уни яна Бушт араб Хуросон (بشت عرب خراسان) – “Хуросон арабларининг Бушти” деб ҳам атаганлар, чунки у ердан араб тилида ижод қилувчи адиблар ва олимлар кўп етишиб чиққан [Ибн Хордадбех: 73; Ibn al-Fakih: 318; Ibn Rosteh: 171; al-Istakhri: 237; Ibn Naukal: 433; al-Moqaddasi: 300, 317; ac-Сам‘оний II: 226; Jacut I: 628 – 629]. Ўрта асрларда Хуросонда Бушт (بشت) номли яна бир нечта ерлар бўлган [al-Istakhri: 131, 125, 235, 268; Ibn Naukal: 200, 222, 295, 319; al-Moqaddasi: 50, 298, 495; Худуд ал-‘Алем: 24a]. Ҳарот вилоятидаги Бодғис туманида Бушт (بشت) номли қишлоқ бўлган [Jacut I: 630]. Кобул вилоятида Ҳарот ва Ғазна ўртасида эса Буст (بست) номли шаҳар бўлган [ac-Сам‘оний II: 208]. Нишопур вилоятидаги Бушт ҳозирги даврда Қалъа-и Буст деб аталади У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 88 – 92, 342, 348 – 352, 414; Колесников 1982: 130, 137; Sourdel-Thomine 1960: 1344 – 1345; de Meynard 1861: 100 – 104; Dehkhoda IV: 4818.

42. Ашбанд (اشبند) – Нишопур вилоятидаги *ноҳийа* ёки *рустоқ*. Бошқа манбаларда унинг номи Ашбаназ (اشبند), Асфанд (اسفند) ва Ашфанд ёки Ушфанд (اشفند) шаклларида келтирилган. Бу *рустоқ* катта майдонни эгаллаган бўлиб, аҳолиси зич, қишлоқлари ва бойликлари кўп бўлган. Унинг худудлари Марж ал-Ғудо (الغضاء مرج) ёки Марж ал-Ғудо (مرج الفضاء) номли ердан аз-Завзан (الزوزن) ва ал-Бузжон (البوزجان) га қадар чўзилган. Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз (59/678-79 йилда вафот этган) қишда саҳобалар билан Нишопурдан Ҳаротга кетаётганда йўлда шу ерда тўхтаган ва қаҳратон совуқ туфайли орқасига қайтган. Унинг бош шаҳри Фарҳоджирд (فرهادجرد) деб аталган. X асрда унга 83 та қишлоқ қарашли бўлган [Ibn Rosteh: 171; al-Moqaddasi: 300, 319; ac-Сам‘оний I: 274; Jacut I: 280]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 38; Dehkhoda II: 2641.

43. Рухх (رخ) ёки ар-Рухх (الرخ) – Нишопур вилоятидаги *ноҳийа* ёки *рустоқ*. Оддий халқ унинг номини ар-Рих (الريخ) деб ҳам бузиб талаффуз этган. Унинг ери қаттиқ ва қизил бўлгани туфайли шундай аталган. Унинг аҳолиси зич, қишлоқлари кўп ва серҳосил бўлган. У 106 та қишлоқни ўз ичига олган. Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз (59/678-79 йилда вафот этган) саҳобалар билан унда тўхтаган. Хуросонга Суфйон ибн Саъид ас-Саврий келганда, бу *рустоқ*даги Бишак (بيشك) номли қишлоқда тўхтаган. Бу қишлоқ унинг маркази ҳисобланган. Унда катта бозор бўлган, лекин жоме‘ масжиди бўлмаган [Ibn Rosteh: 171; al-Moqaddasi: 300; ac-Сам‘оний VI: 99; Jacut II: 770]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 258.

44. Зова (زاوة) ёки Зоваҳ (زاوه) – Нишопур ва Ҳарот ўртасида жойлашган *ноҳийа* ёки *рустоқ*. Унга ҳар томондан тоғ даралари орқали кирилган, шунинг учун у шундай ном билан аталган. Бу *рустоқ* 220 та қишлоқни ўз ичига олган. Лекин унинг кўп қишлоқлари Рухх *рустоқ*ига ўтказилган. Бишак (بيشك) ҳам улар жумласидан бўлган [Ibn Rosteh: 171; al-Moqaddasi: 300; ас-Сам‘оний VI: 225; Jacut II: 910 – 911]. У ҳозирги Машҳад шаҳридан 140 км жанубда жойлашган бўлиб, ҳозир унинг ўрнида жойлашган шаҳар Турбат-и Ҳайдари ёки Ҳайдарийа деб аталади. X асрда Бушанж (Фушанж) шаҳрига қарашли ал-Бузжон ёнида, шунингдек, Ғазнин вилоятида ҳам Зоваҳ (زاوه) номли қишлоқлар бўлган [al-Moqaddasi: 50, 297]. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 2002: 463; de Meynard 1861: 282; Dehkhoda VIII: 12566.

45. Хавоф ёки Хувоф (خواف) – Нишопур вилоятидаги катта *ноҳийа* ёки *рустоқ*. Унинг номи Хавоб (خواب) шаклида ҳам келтирилган. Бу *рустоқ* бир томонда Ҳаротга қарашли Бушанж шаҳрининг ерлари билан, бошқа томонда аз-Завзан *рустоқ*и билан туташ бўлган. Бу *рустоқ* 200 та қишлоқни ўз ичига олган. Унинг ҳудудида 3 та шаҳар бўлиб, Санжон (سنجان), Сираванд (سيراوند) ва Харжирд (خرجرد) деб аталган. Унда экинзорлар ва тоқзорлар, шунингдек ариқлар кўп бўлган [Ibn Rosteh: 171; al-Moqaddasi: 300; ас-Сам‘оний V: 199; ан-Насави: 57; Jacut II: 486 – 487]. У ҳақида қаранг: de Meynard 1861: 213 – 214; Dehkhoda VII: 10036.

46. Асбаро‘ин (اسبرائين) – Нишопур вилоятида Журжон (Гургон) йўналишидаги карвон йўлида ярим йўлда жойлашган мудофаа девори билан ўралган шаҳарча (بليدة). Бошқа манбаларда унинг номи Асфаройин (اسفراين), Асфаро‘ин (اسفرائين) ёки Асфаройин (اسفرايين) ва Сабройин (سبراين) шаклларида келтирилган [Ibn Rosteh: 171; al-Istakhri: 217, 257, 282 – 284; Ibn Haukal: 433; al-Moqaddasi: 300, 318, 323, 352, 372; Худуд ал-‘Алем: 7а, 196]. Лекин бу ном кўпроқ Исфаройин (اسفرايين) шаклида машҳур. Одамлар Насо, Абивард ва Исфаройин шаҳарларини “янгилик киритувчиларга қаршилик қилувчи уч келин” деб атаганлар. Баъзи маълумотларга кўра, Исфаройин шаҳрини қадимда ал-Михрижон (المهرجان) деб ҳам атаганлар. Ривоятга кўра, бир подшоҳ унинг кўкаламзор ва (نضارة) ли ер бўлгани учун уни бу ном билан атаган. Бошқа бир ривоятга кўра, бу шаҳарнинг номи уни қурдирган Исфандийор исмли афсонавий подшоҳ билан боғлиқ бўлган [ас-Сам‘оний I: 235; Jacut I: 246]. X асрда Михрижон (مهرجان) Нишопур вилоятидаги алоҳида шаҳар сифатида қайд этилган [Ibn Haukal: 433]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 124; Колесников 1982: 143; Bosworth 1978: 107; de Meynard 1861: 34 – 35; Dehkhoda II: 2306.

47. Арғийон (ارغيان) – Нишопур вилоятининг ғарбий қисмида жойлашган *ноҳийа* ёки *рустоқ* [Ibn Rosteh: 171; al-Moqaddasi: 300, 318]. Айтишларича, унда ҳаммаси бўлиб 71 та қишлоқ бўлган. Насах (نسح) ёки Сабанж (سبنج), Бон (بان), Рованир (راونير) ёки ар-Рованир (الراونير) улар жумласидандир. Улардан Рованир қишлоғи энг катта ва мустаҳкам бўлган [ас-Сам‘о-

ний I: 185 – 186; II: 64; VI: 56 – 57; Jacut I: 209]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 25; Dehkhoda II: 1881.

48. Абаршаҳр ёки Абрашаҳр (ابرشهر) – илк ўрта асрлардаги Нишопур вилоятининг бош шаҳри (*мадина*). Кейинчалик бу шаҳар ҳам Нишопур деб аталган [at-Tabari I: 2836, 2884, 2885 – 2887, II, 79, 170, 596, 831, 832, 861, 862, 1207; al-Istakhri: 254, 262; Ibn Naukal: 431; Jacut I: 80 – 81]. Арман тилидаги манбалардан Себеосга кўра, Апаршаҳр ёки Апрушаҳр Тос вилоятидаги шаҳар, Лазар Парпеци ва “Ашхарацуиц” га кўра, Ария, яъни Кусти Хуросон таркибига кирувчи вилоятнинг номи бўлган, унинг бош шаҳри эса Ньюшапур, яъни Нишопур деб аталган [Тер-Мкртчян 1979: 52 – 53, 60, 63]. Пахлавий тилида ёзилган манбаларда Нишопур (Nēv-Šāhpuhr) вилоят сифатида қайд этилган, лекин унинг шоҳаншоҳ Арташир ўғли Шопур (Šāhpuhr i Artašēr) томонидан қурилган бош шаҳри (*шаҳристон*) нинг номи келтирилмаган [Markwart 1931: 12]. Сосонийлар даврида Нишопурда APR ёки APR (Апрушаҳр) номи билан тангалар зарб этилган [Дашков 2008: 266, 267, 277]. Бизнингча, Нишопур вилоятининг бош шаҳри ҳам шу ном билан аталган. Лекин ундан ташқари бу шаҳар Апаршаҳр деб ҳам аталган. X аср муаллифи ас-Саолибийга кўра, ислом дунёсида бир нечта шаҳарлар 2 тадан номга эга бўлган. Улар орасида Нишопур – Абаршаҳр ҳам қайд этилган [al-Tha‘alibi 1968: 87]. Апаршаҳр (apar-šahr) сўзи ўрта форс (пахлавий) тилида “юқори шаҳар” маъносини билдиради. Суғд тилидаги манбаларда ҳам Нишопур *brš’r* (abar-šar) – Абаршар деб аталган [Gharib 1995: 19 (#488)]. Берунийга кўра, Нишопур вилоятининг бош шаҳри Ироншаҳр (ایران شهر) деб аталган [Беруни 1973: 465]. Ибн ал-Фақиҳ ҳам Найсобур шаҳрининг иккинчи номи Ироншаҳр (ایران شهر) деб ёзган [Ibn al-Fakih: 199, 213, 321]. Баъзи манбаларда унинг номи Абҳаршаҳр (ابهرشهر) шаклида ҳам учрайди. У ҳақида яна қаранг: Пигулевская 1956: 301; Бартольд 1971: 108, 369; 1965: 108; Колесников 1982: 119, 143, 144; Walker 1960: 3; de Meynard 1861: 7 – 8; Dehkhoda I: 308, 978.

49. *руб* (ربع) – араб., “чорак”, майдон ўлчов бирлиги. Ундан ташқари *руб* номли ҳажм ўлчов бирлиги ҳам бўлиб, у 4 қадаҳ (قدح) ёки 8, 25 л га тенг бўлган. Доиранинг чорак қисми ҳам *руб* деб аталган. Ислом географиясига кўра, ер юмалоқ шаклда бўлгани туфайли бу атама майдон ўлчови бирлиги сифатида ишлатилган. Бутун ер курраси 4 қисм (*руб*) га бўлинган – ал-Мащриқ (шарк), ал-Мағриб (ғарб), ал-Жарби (шимол) ва ат-Тайман (жануб) [Ибн Хордадбех: 83, 106, 110]. Худди шу сингари Хуросон вилояти ҳам маъмурий жиҳатдан 4 қисм (*руб*) га бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирида алоҳида *марзбон* бўлган [Ибн Хордадбех: 61]. В 45/665-66 г. халифа Му‘овийа томонидан ал-Басра, Сижистон ва Хуросон волийси этиб тайинланган Зийод ибн Абу Суфйон ҳам Хуросонни 4 қисм (*руб*) га бўлиб, ҳар бирига алоҳида ҳоким тайинлади [at-Tabari I: 73, 79]. Абаршаҳр йирик шаҳар бўлгани туфайли Сосонийлар уни ҳам маъмурий жиҳатдан 4 қисмга

бўлиб бошқарганлар. Бу ҳақида яна қаранг: King 1995: 574 – 575; Dehkhoda VIII: 11898.

50. *ал-аман* (الامان) – араб., “омонлик”, “хавфсизлик”, “дахлсизлик”, яъни раҳм-шафқат қилиш ва ҳаётни сақлаб қолиш кафолати. Араблар шаҳар ёки қалъани қамал қилиб, куч билан ишғол этишдан олдин маҳаллий аҳолини таслим бўлишга даъват этганлар ва айрим ҳолларда таслим бўлиш эвазига аҳолининг ҳаммасига ёки муайян одамларга омонлик кафолатини берганлар. Шу маънода *ал-аман* атамаси илк бор 13/634-35 йилда Холид ибн ал-Валиднинг Дамашқ аҳолиси билан тузган сулҳ матнида ишлатилган. Бир мусулмон одам фақат бир нечта муайян одамларга омонлик кафолатини бериши мумкин бўлган. Кўпчилик одамларга ёки аҳолининг ҳаммасига фақат имом ёки унинг вакили омонлик кафолатини беришга ҳақли бўлган [Большаков 1991: 20]. Лекин араблар ўзлари берган омонлик кафолатини доим ҳам бажармаганлар ва баъзан омонлик ваъда қилган бўлсалар ҳам, таслим бўлганларни шафқатсиз қатл этганлар. Бу ҳақида яна қаранг: Schacht 1960: 429 – 430; Dehkhoda III: 3317.

51. Араблар билан сулҳ тузган Абаршаҳр *марзбонининг* исми Канора (كنارة) [at-Tabari I: 2886] ёки Каноз (كناز) эди [Халифа ибн Хаййот: 35]. *Марзбон* унвони ҳақида I, 4-изоҳга қаранг.

52. *ал-қуҳандиз* (القهندز) – форсча *куҳандиз* (كهندز) ёки *кандиз* (كندز) – “қалъа” сўзининг арабча шакли Араб тилида бу атама *ал-қал* (القلعة) ва *ал-ҳисор* (الحصار) шаклларида ҳам учрайди. Ўрта асрларда бу атама ҳоким қароргоҳи ва унинг девонлари жойлашган шаҳарнинг ички қалъасига нисбатан ишлатилган. Сўнгги асрларда ёзилган форс тилидаги манбаларда у *арк* (ارك) деб аталган [Бартольд 1971: 414]. Ўрта асрларда Шарқнинг деярли барча йирик шаҳарлари 3 қисмдан иборат бўлган: ички қалъа (қўрғон, *куҳандиз*, *арк*, *ҳисор*), ички шаҳар (шаҳристон ёки *ал-мадина ал-дохила*) ва ташқи шаҳар (*рабад* ёки *ал-мадина ал-хорижа*). Кўпчилик шаҳарларнинг фақат ички қисмлари, айрим йирик шаҳарларнинг эса учала қисми ҳам мустақкам қалъа деворлари билан ўралган. Ички қалъада одатда ҳукмдорнинг саройи ва маъмурий бинолар, ички шаҳарда – аҳоли яшайдиган маҳаллалар ва жоме‘ масжидлари, ташқи шаҳарда эса савдо ва хунармандчилик марказлари, бозорлар ва карвонсаройлар жойлашган. Бу ҳақида қаранг: Huici-Miranda 1978: 467; Huart, Taeschner 1971: 483; Dehkhoda VI: 9094 – 9099; XI: 17679 – 17680; XII: 17826, 18625, 18792. Ўрта Осиёдаги шаҳарларнинг таркибий қисмлари ҳақида қаранг: СГСА 1973: 14 – 47; Воронина 1959: 84 – 104; Куренной 1970: 61 – 64.

53. *вазифа* (وظيفة) – араб., “лавозим”, “мансаб”; “маош”, “тўлов”; “амал”. Бу ерда маҳаллий аҳолининг арабларга тўлаши лозим бўлган ўлпон назарда тутилган. Бу маънода бу сўзни “тўлов мажбурияти” деб таржима қилиш ҳам мумкин, чунки араб тилида “ўлпон” маъносида *ал-итова* (الاتوة) сўзи ишлатилган [de Jong 2002: 184 – 185].

54. *алф алф* (الف الف) – араб., “минг минг”, яъни 1 млн. Бу ерда “минг” сўзининг икки марта қайтарилиши минг марта минг, яъни миллион маъносини билдиради. ал-Йа‘кубий ҳам шу рақамни кўрсатган [Йа‘кубий II: 174].

55. Абаршаҳр *марзбони* Канора ўзининг Абу-с-Салт исмли ўғли ва укасининг Салим исмли ўғлини Ибн ‘Омирга гаровга берди. Кейинчалик Ибн ‘Омир уларни ан-Ну‘мон ибн ал-Афкам ан-Насрийга берди, у эса уларни қулликдан озод қилди. Бошқа маълумотга кўра, Ибн ‘Омир Абаршаҳр аҳли билан сулҳ тузиб, улар шаҳаншоҳ Хусрав оиласига мансуб Бабунаж ва Тахмиж (Тамхиж) исмли 2 қизни унга гаровга бердилар [at-Tabari I: 2886, 2888]. Халифа ибн Хаййотга кўра, Каноз Ибн ‘Омир билан Абаршаҳрнинг қолган қисми учун *алф алф дирҳам ва ми’ат алф* (الف درهم و مائة الف), яъни 1 100 000 дирҳамга сулҳ тузди. Ибн ‘Омир шунингдек таомлар келтиришни буюрди [Халифа ибн Хаййот: 35].

56. Қайс ибн ал-Ҳайсам ибн Қайс ибн ас-Салт ибн Ҳабиб ас-Суламий (тахм. 85/704 йилда вафот этган) – ал-Басра шаҳрининг кўзга кўринган одамларидан бири, хатиб. 31/651-52 йилда ал-‘Ироқ волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз (29 – 36/649 – 657 йилларда ҳукм сурган) ҳаж сафарига кетганда, Қайсни Жувайн шаҳрида ўзининг ўрнига Хуросон волийси вазифасида қолдирди. 42/662-63 йилда халифа Му‘овийа даврида ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз иккинчи марта ал-‘Ироқ волийси бўлганда (41 – 44/661 – 665 йилларда ҳукм сурган), яна Қайсни Хуросон волийси этиб тайинлади. 43/663-64 йилда Ибн ‘Омир уни заифликда ва хирож пулларини вақтида бермаганликда айблаб, лавозимидан четлатди ва унга 100 дарра уришни буюриб, ҳибсга олди. Кейин Қайснинг онаси Ибн ‘Омирнинг олдига келиб, ўғлига раҳм қилишни илтимос қилди. Шундан кейин Қайс қамокдан озод этилди. 59/678-79 йилда ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод Хуросон волийси этиб тайинланганда, ўзидан олдин Хуросонга Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламийни юборди. Қайс Марвга келиб, Хуросоннинг собиқ волийси Аслам ибн Зур‘ани ҳибсга олди, кейин ‘Абд ар-Раҳмон келиб, ундан 300 минг дирҳам пулни ундириб олди. 62 – 72/681 – 692 йилларда Араб халифалигида ўзаро низолар вақтида ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ал-Мадина шаҳрида Умавийларга қарши чиқиб, халифалик тахтига даъвогар бўлганда, Қайс унинг тарафдори бўлди. Умавийлар ҳокимиятни яна ўз қўлларига олгандан кейин Қайс халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвон олдига Дамашқга келди. Халифа уни авф этди ва Қайс ал-Басрага қайтиб, умрининг охиригача у ерда яшади [al-Jakubi: 296, 298; al-Ja‘kubi II: 193, 194; at-Tabari II: 17, 65 – 67, 188 – 190; Ибн А‘сам V: 37; VI: 285; Masoudi V: 195; Гардизи: 25; Jacut IV: 819]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 16; аз-Зириклий VI: 62; Dehkhoda XII: 17839.

57. Насо ёки Нисо (نسا) – Хуросонда Нишопурдан 6 *марҳала*, Марвдан 10 *марҳала*, Абиварддан 4 *марҳала*, Сарахсдан эса 2 *марҳала* масофада тоғ

ёнбағрида чўлнинг чеккасида жойлашган шаҳар [Dehkhoda XIV: 22449]. Исломдан олдинги Насо ҳукмдорлари *аброз* унвонига эга бўлган. Ривоятга кўра, Насо номининг келиб чиқиши араблар билан боғлиқ бўлиб, улар бу шаҳарни фатҳ этиш учун келганларида, унда фақат аёллар бўлган. Шунда араблар уни Мадинат ан-Нисо (مدينة النساء) – араб., “Аёллар шаҳри” деб атаганлар [al-Sam‘ani: 559a]. Лекин аслида бу шаҳарнинг номи жуда қадимий бўлиб, юнон тилида ёзилган манбаларга кўра, Нисея (Niseya) номли шаҳар м. а. III – II асрлардаги Парфия давлатининг пойтахти бўлган [Ибн Хордадбех: 67, 69; al-Jakubi: 277 – 278; Ibn al-Fakih: 312, 320, 321; at-Tabari I: 2884, 2886; II: 1950, 1951, 1963, 1964, 1972, 2002; III: 649, 651; al-Moqaddasi: 24, 40, 51, 61, 285, 295, 300, 312, 319 – 326, 332 – 336, 352; Jacut IV: 776 – 778]. Ислом даврида ҳам Насо катта шаҳар бўлиб, унинг эгаллаган майдони Сарахсга ёки Марвнинг ярмига тенг бўлган. Унинг ерлари серҳосил, боғлари ва тоғ ёнбағрида жойлашган *рустоқ*ларда экинзорлар кўп бўлган. Оқар сувлар ҳам сероб бўлиб, шаҳарнинг кўчалари ва ҳовлиларидан оқиб ўтган. У жуда ҳам чиройли шаҳар бўлган [al-Istakhri: 254, 273, 283; Ibn Naukal: 445, 454]. Лекин унинг ҳавоси жуда ҳам оғир, ёзда намлик кўп бўлган ва бундан турли касалликлар келиб чиққан [Худуд ал-‘Алем: 7а, 126, 196, 296]. Қадимги ва ўрта асрлардаги Насо шаҳрининг икки қисмдан иборат харобалари Туркменистоннинг пойтахти Ашхабод шаҳридан 18 км шимоли-шарқдаги Бағир қишлоғи ёнида жойлашган бўлиб, Койне Нусай (Эски Насо) ва Тазе Нусай (Янги Насо) деб аталади. Археологик маълумотларга кўра, бу шаҳар м.а. II асрда қурилган [Массон 1949: 16 – 106; Вязьмитина 1949: 147 – 169]. Ўрта асрларда Насо вилоятида қишлоқлар кўп бўлган. Болуз (بالوز), Район (ريان) ёки Разон (ردان), Ромарон (رامران), Симнон (سمنان), Симнак (سمناك), Тафтазон (تفتازان), Фаруз (فاروز), Шармағул (شرمغول) ва Шармақон (شرمقان) ёки Жармағон (جرمغان) шулар жумласидандир [ас-Сам‘оний II: 58, III: 64; VI: 49, 104, 203; VII: 148, 151, 322, 323; VIII: 425, 426; IX: 220]. Ўрта асрларда Форс ва Кирмон вилоятларида ҳам Насо (نسا) номли ерлар бўлган [al-Moqaddasi: 24, 30, 52, 432, 447, 458, 460, 464]. Фарғона водийсида Насйо (نسيا) номли икки *рустоқ* (Юқори ва Пастки) бўлган [Ibn Naukal: 512; al-Moqaddasi: 262]. Бу номнинг келиб чиқиши ҳам Насо номи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хуросондаги Найсобур ёки Нисобур (نيسابور) шаҳри номининг келиб чиқиши ҳам шундай. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 102 – 105, 114; СГСА 1973: 166 – 169; Колесников 1982: 144, 177; Minorsky, Bosworth 1993: 966 – 967; de Meynard 1861: 563 – 564; Камалиддинов 1993: 47 – 48.

58. Ҳумрондиз (حمراندز) ёки Ҳумрон (حمران) – Хуросонда Абаршаҳр ва Насо яқинида жойлашган шаҳар. Унинг номи форс тилида Ҳумрон қалъаси маъносини билдирган. Уни 31/651-52 йилда ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Куррайз фатҳ этган [at-Tabari I: 2888; Jacut II: 333]. Ал-‘Ақоба (العقبة) билан ал-Қо‘ (القاع) орасида, Сомарро‘ (سامراء) ва Тикрит (تكريت) орасида Қаср Ҳумрон



(قصر حمران), шунингдек ар-Риққа (الرفقة) ёнида Хумрон (حمران) номли ерлар ҳам бўлган [Jасut II: 333 – 334]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 191; Массон 1949: 53; Колесников 1982: 144.

59. *соҳиб Насо* (نسا صاحب) – Насо ҳукмдори. Беруний келтирган маълумотга кўра, Абивард ва Насо ҳукмдори Баҳмана (بهمنة) деб аталган [Бируни 1957: 111]. Ибн Хурдодбех маълумотида кўра, Абивард ҳукмдори *баҳмана* (بهمنة), Насо ҳукмдори эса *аброз* (ابراز) унвонига эга бўлган [Ибн Хордадбех: 69]. Ал-Балозурий ҳам Абивард ҳукмдорини Баҳмана деб атаган, Насо ҳукмдорининг эса исмини ёки унвонини келтирмаган [al-Beladsori: 404].

60. *ал-харож* (الخراج) – араб., хирож. Араб халифалиги даврида давлат ерларидан олинадиган солиқ тури. Дастлаб бу атама фатҳ этилган мамлакатлар аҳолисидан олинадиган ҳар қандай солиқларни англатган бўлиб, *жизйя* (جزية) атамаси билан бир маънода ишлатилган. Олинадиган хирожнинг миқдори ҳосилнинг 1/3 қисмини ташкил этган, баъзан эса 2/5 қисмигача кўтарилган. Хирож мол билан ҳам, пул билан ҳам олинган. Мол билан олинувчи хирож ҳосил терими вақтида, пул билан олинувчи хирож эса йил давомида ҳар 3 ойда, баъзан эса ҳар ойда олинган. Илк ислом даврида Араб халифалигининг турли мамлакатларидаги ҳар хил тоифадаги ерлардан хирож олиш қоидаларига бағишланган махсус асарлар ёзилган [Kodama: 1967; Qudama ibn Ja'far: 1986]. Шариат қонунларига кўра, давлат ерларида ишловчи барча ер эгалари ва деҳқонлардан хирож олиниши мажбурий бўлган. Бу ерлардан келган даромадлар давлат хазинасини тўлдириш, ҳарбийлар, амалдорлар ва хизматчиларга маош тўлаш, шунингдек Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларига нафақа тўлашга ишлатилган [Петрушевский 1966: 160; Большаков 1991: 273 – 274]. Бу ҳақида қаранг: Dehkhoda VII: 9627 – 9629; Subhan 1978: 1030 – 1056.

61. ат-Табарийга кўра, Ибн ‘Омир Абаршаҳрдан ‘Умайр ибн Аҳмар ал-Йашкурийни юборди ва у Тус, Бивард, Насо ва Хумрон шаҳарларини фатҳ этди [at-Tabari I: 2888].

62. Абивард (ابيوارد) – Хуросонда Марвдан 6 *марҳала*, Насодан 4 *марҳала* масофада Нишопур йўлида жойлашган шаҳар [Minorsky 1960: 99 – 100; Dehkhoda I: 985]. Исломдан олдинги Абивард ҳукмдорлари *баҳмана* унвонига эга бўлганлар. Унинг номи соддалаштириб, Бивард (بيورد) ёки Бовард (باورد) шаклида ҳам ишлатилган. Унинг ерлари серҳосил, *рустоқ*ларда аҳолиси зич бўлган. X асрда унинг мудофаа деворлари бузилган, жоме‘ масжиди эса бозор ўртасида жойлашган. Унинг аҳолиси урушга мойил эди. Бу шаҳарнинг харобалари Копет-Дағ тоғларидан шимолда Ашхободдан 110 км жануби-ғарбдаги Қаахқа туманида жойлашган бўлиб, Пештоқ деб аталади [Массон 1949: 55]. Абиварддан 6 *фарсах* масофада унга қарашли Куфан (كوفن) номли работ жойлашган. Уни халифа ал-Ма‘мун (198 – 218/813 – 833 йилларда ҳукм сурган) даврида Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир ибн ал-Хусайн қурган. Бу работ кўп қиррали бурчак шаклда қурилган бўлиб,

унинг деворининг узунлиги 1 *фарсах*га тенг бўлган. Унинг 4 дарвозаси бўлган [Ибн Хордадбех: 67, 69; Ibn al-Fakih: 209, 236, 312, 321; al-Jakubi: 278, 305; Ibn Rosteh: 105, 173; at-Tabari I: 2884; II: 1207, 1218, 1950, 1952, 1963, 1969, 1973, 2000, 2002; III: 650; al-Istakhri: 254, 283, 285; Ibn Haukal: 454; al-Moqaddasi: 25, 51, 61, 257, 285, 300, 312, 320 – 328, 333 – 336, 352; Худуд ал-‘Алем: 7а, 126, 196; ас-Сам‘оний I: 128; II: 65, 379; X: 496; al-Idrisi VIII: 480 – 481; Jacut I: 111]. Бу работнинг харобалари Туркманистондаги Қаахқа темир йўл бекатининг ёнида жойлашган бўлиб, Чугундер-Баба деб аталади [Массон 1949: 313]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 127; 1971: 82, 103 – 104, 107, 108, 114; СГСА 1973: 166 – 169; de Meynard 1861: 13; Колесников 1982: 144, 177; Пугаченкова 1951: 192 – 252.

63. Бахмана (بهمنه) – Абивард ҳукмдорининг унвони [Ибн Хордадбех: 69]. Беруний келтирган маълумотга кўра, Бахмана Насо ва Абивард ҳукмдорларининг унвони бўлган [Бируни 1957: 111]. XII асрда Насо ва Абивард яқинида жойлашган Панждех (بنج ديه) номли *рустоқ*да Бахвана (بهونه) номли қишлоқ бўлган [ас-Сам‘оний V: 178]. Сосонийларнинг арабларга қарши жанг олиб борган Зу-л-Ҳожиб лақабли лашкарбошисининг исми Бахман Жодавайх (بهمن جادويه) бўлган [Колесников 1982: 59, 64, 70, 73, 74, 89, 91, 92, 110]. Бу ҳақида яна қаранг: Dehkhoda IV: 5130.

64. Бошқа манабаларда сулҳ миқдори кўрсатилмаган.

65. ат-Табарийга кўра, Бивард (Абивард) шаҳрини ‘Умайр ибн Аҳмар ал-Йашкурий фатҳ этди [at-Tabari I: 2888].

66. Сарахс ёки Сурахс (سرخس) – Хуросонда Нишопурдан 6 *марҳала*, Марвдан 5 *марҳала*, Ҳаротдан ҳам 5 *марҳала* масофада текисликда жойлашган шаҳар [Bosworth 1997: 34; Dehkhoda IX: 13581]. Ривоятга кўра, Сарахс ўрнидаги илк иморатлар қадимги форсларнинг шоҳи Сиёвушнинг отаси Кайковус даврида Сарахс исмли бир одам томонидан қурилган. Македониялик Искандар Зу-л-Қарнайн унинг қурилишини давом этдириб, Сарахсининг ички шаҳари (*мадина*) ни қурган [ас-Сам‘оний VII: 69]. Исломдан олдинги Сарахс ҳукмдорлари *зодуя* унвонига эга бўлганлар. Сарахс халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Сулабий томонидан фатҳ этилган. IX – X асрларда Сарахс Хуросоннинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган. Унинг худудидан бир дарё оқиб ўтган бўлиб, унинг сувини Ҳарот ва Тусдан кейин ортиб қолган сувлар ташкил этган. Шунинг учун унда оқар сув доим бўлмаган ва кўпинча ёзда қуриб қолган. Шаҳарнинг ичимлик суви қудуқлардан олинган. Тегирмонлар асосан сув келганда, сув оқимидан ҳаракатланган ва ҳайвонлар ёрдамида ишлатилган. Сарахс атрофларида пахта ва қовун етиштирилган. Экинзорларнинг бир қисми фақат ёмғир суви билан суғорилган. Шаҳар атрофларида яйловлар кўп бўлиб, аҳолисининг асосий бойлигини туялар ва қўйлар ташкил этган. Сарахс шаҳрининг майдони Марвнинг ярмига тенг бўлган. Бинолари паҳса, ганч ва пишиқ ғишт-

дан курилган, ёғоч кам ишлатилган. Сарахс катта тижорат маркази бўлиб, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларидан келтирилган моллар шу ерда тўпланган. XII асрда бу ерда Тим Раби‘а (تيم ربيعة), ал-Мурабба‘а (المربعة) масжиди, Абу Ражо‘ (ابو رجاء) масжиди, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Майханий асос солган Бобу Фалайи (بابو فليي) хонақоси, ас-Сарахмард (السرہ مرد) мадрасаси қайд этилган. 549/1154-55 йилда ғузлар шаҳарни талон-тарож қилганлар [Ибн Хордадбех: 63, 67, 69; al-Jakubi: 279, 287, 306; al-Masudi: 359; Ibn al-Fakih: 319 – 321; Ibn Rosteh: 93, 97, 105, 173; al-Istakhri: 254, 259, 268, 272 – 274, 281 – 285; Ibn Haukal: 445, 453, 454; al-Moqaddasi: 50, 61, 65, 295, 312 – 314, 323, 327, 333, 348, 351, 450; Худуд ал-‘Алем: 7а, 20а; ас-Сам‘оний III: 118; VI: 84, 173, 312, 337; IX: 332; al-Idrisi VIII: 477; Jacut III: 71 – 72]. Сарахс шаҳрининг харобалари ҳозирги Туркменистонда Эрон чегарасидаги Сарахс қишлоғидан 2 км шарқда Тажан дарёсидан қадимда чиқарилган Санафгар номли ариқ бўйида, Кичи Ага овулининг яқинида жойлашган бўлиб, Койне Сарахс деб аталади. Археологик маълумотларга кўра, шаҳарнинг энг қадимги қисми 20 м баландликда курилган қалъа бўлиб, унинг энг пастки қатламлари м.а. V асрга мансуб. Аҳамонийлар даврида бу ерда пахса девор билан ўралган катта бир қишлоқ бўлган. Қалъанинг ичида антик даврга мансуб қолдиқлар ҳам топилган. Ўрта асрларда шаҳарнинг энг ривожланган даври XI асрнинг иккинчи ярми ва XII асрнинг биринчи ярми, яъни Салжуқийлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади [Марущенко 1956: 166; Оразов 1973: 5 – 7, 36, 95 – 99, 103; Адыков 1960: 7 – 8]. Эрон чегарасининг нариги томонида ҳам Сарахс номли яна бир қишлоқ бор. Сарахснинг қишлоқлари кўп бўлмаса ҳам, Кобул вилоятигача чўзилган. Унинг ёнидаги чўл Баҳр Абивард (بحر ابیورد) – “Абивард денгизи” деб аталган. Марв билан Сарахс орасидаги чўлда ҳам карвонлар тўхтайдиган ерларда қишлоқлар бўлган. XII асрда Сарахс вилоятида 20 дан ортиқ қишлоқлар қайд этилган. Ажинқон, Андукон, Бивақон, Жувайн, Салмақон, Санвожирд, Фалк, Ҳафсобод, Широз, Балужузжон, Буғовизжон, Ғинодуст, Зандахон, Сурфуқон, Холбарзан шулар жумласидандир. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 60, 65 – 68, 70, 72, 81, 82, 120; 1965: 134 – 135; СГСА 1973: 166 – 171; Колесников 1982: 133, 144, 158, 177; de Meunard 1861: 307 – 308; Камалиддинов 1993: 42 – 46.

67. Зодавайх (زادويه) – Сарахс ҳукмдорларининг унвони [Ибн Хордадбех: 69; Бируни 1957: 111]. Бу иккинчи даражали унвон бўлиши мумкин, чунки унинг асосий унвони *марзбон* (مرزبان) бўлган [al-Beladsori: 405]. Бу ном аслида исм бўлиши ҳам мумкин. Ибн Асамга кўра, Сарахс ҳукмдори Моҳавайх (ماهويه) деб аталган [Ибн А‘сам II: 338]. Сосонийларнинг арабларга қарши жанг олиб борган Зу-л-Ҳожиб лақабли лашкарбошисининг исми Баҳман Жодавайх (بهمن جادويه) бўлган [Колесников 1982: 59, 64, 70, 73, 74, 89, 91, 92, 110]. VIII асрда Зодавайх (زادويه) исмли *мавло* [Ибн А‘сам IV:

275], X асрда эса ал-Форс вилоятида ал-Марзубон ибн Зодуйа (بن المرزبان زادية) исмли шахс қайд этилган [al-Istakhri: 147; Ibn Naukal: 292].

68. Майсо' (ميساء) – араб., 1) “шикаст етказувчи”, “жароҳатловчи” (وثأ – “шикаст етказмоқ”, “жароҳатламоқ”, “лат емоқ” феълидан ясалган от); 2) “юмшоқ ер”, “осон”, “текислик” [Dehkhoda XIV: 21952].

69. \*...<sup>69</sup> Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган. Халифа ибн Хаййотга кўра, Амин ибн Аҳмар ал-Йашкурий Тусга келганда, Сарахс аҳлининг вакили унинг олдига келиб, 650 минг *дирҳам*га сулҳ тузди [Халифа ибн Хаййот: 35].

70. Шарик ибн ал-А‘вар ал-Ҳорисий – арабларнинг *ал-хазраж* (الخيرج) қабиласининг *бану ҳориса* (بنو حارثة) уруғига мансуб лашкарбоши [ас-Сам‘оний IV: 13 – 16]. 30/650-51 йилда Форс вилояти араблар томонидан фатҳ этилганидан кейин у Истахр шахрининг ҳокими этиб тайинланди ва у ерда масжид қурдирди. 37/657-58 йилда у халифа ‘Али ибн Абу Толиб тарафдорлари орасида қайд этилган. 42/662-63 йилда у ал-Мустварид бошчилигидаги хорижийлар ҳаракатини бостиришда иштирок этган. 59/678-79 йилда ал-Басра ва Хуросон волийси ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод даврида у Кирмон ҳокими бўлган. 60/679-80 йилда ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод уни Ҳусайн ибн ‘Алига қарши жанг қилиш учун ал-Басрага чақирган. Шарик *ши‘а* мазҳабининг ашаддий тарафдорларидан бўлган ва ‘Убайдуллоҳни ўлдирмоқчи бўлган, лекин буни уддалай олмаган ва ўша йилда вафот этган [at-Tabari I: 2885, 3417; II: 44, 45, 51 – 55, 195, 196, 241 – 249; Ибн А‘сам V: 38]. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda IX: 14259.

71. *маvlo* (مولى) – араб., кўплик шакли *маволи* (موالي) – “ҳомий”, “ҳимоячи”, “хўжайин” [Гиргас 1881: 904; Dehkhoda XIV: 21829 – 21830]. Илк ислом даврида *маvlo* атамаси “мижоз”, “меҳмон”, “ёрдамчи”, “иттифоқчи” маъноларида ҳам ишлатилган. Бу ном остида кўпроқ фатҳ этилган ерларда ислом динини қабул қилган аҳоли (*сурёнийлар*, *форслар*, турклар ва ҳ.к.) назарда тутилган, чунки улар араб босқинчиларининг ҳимояси остида бўлганлар. Умавийлар даврида *маволийлар*, яъни араб бўлмаган мусулмонлар жамиятнинг катта қисмини ташкил қилиб, кўп ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жумладан, ‘Аббосийлар ҳаракатида муҳим аҳамиятга эга бўлганлар. ‘Аббосийлар тўнтаришидан сўнг барча мусулмонлар – араблар ва ‘*ажамлар*нинг ҳуқуқлари тенг бўлгандан кейин *маvlo* ижтимоий табақа сифатида аҳамиятини йўқотади [Большаков 1991: 161]. Лекин, кейинги асрларда ҳам бу атама мўътабар унвон сифатида ишлатилган ва унга фақат юқори мартабали амалдорлар, хусусан, Араб халифалигидаги вилоятларнинг волийлари сазовор бўлганлар ва *маvlo амир ал-му‘минин*, яъни “мўъмин мусулмонлар амирининг *маvloси*” деб аталганлар [Хилал ас-Саби: 76, 84 – 85, 94; ас-Сам‘оний VII: 12; Федоров 1966: 140]. Бу атама ҳақида яна қаранг: Crone 1991: 865 – 874; Петрушевский 1966: 36, 190, 242.

72. Йазид ибн Солим – араб лашкарбошиси Шарик ибн ал-А‘варнинг мавлоси.

73. Кайф (كيف) – Ҳарот ва Марв ар-Руд ўртасидаги Канж Рустоқ *ноҳийа* (*рустоқ*) сида жойлашган шаҳарча. У Ҳаротдан 3 *марҳала* ва Бағшурдан 1 кунлик йўл масофада жойлашган. Унинг катталиги Бабна шаҳридан кичик, Бағшур билан баробар бўлган. Унда оқар сувлар, боғлар ва узумзорлар кўп. Унинг бинолари пахсадан қурилган. У ерда шафран, узум ва полиз маҳсулотлари етиштирилади [al-Istakhri: 269, 285; Ibn Naukal: 441, 457; al-Moqaddasi: 50, 298, 308, 349; Худуд ал-‘Алем: 20а; al-Idrisi VIII: 475]. Ҳайоқут ал-Ҳамавийнинг маълумотига кўра, Кайф (كيف) Бодғис ва Марв ар-Руд ўртасида Бағшур яқинида жойлашган шаҳар бўлган, маъмурий жиҳатдан Марв ар-Рудга қарашли бўлган. Уни 31/651-52 йилда ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир даврида Шарик ибн ал-А‘варнинг Шокир исмли мавлоси фатҳ этган [Jacut IV: 333]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 500; Dehkhoda XII: 18832.

74. Бина (بينه) – Ҳарот ва Марв ар-Руд ўртасидаги Канж Рустоқ *ноҳийа* (*рустоқ*) сининг бош шаҳри. Бошқа манбаларда унинг номи Бино (بيننا), Бабан (بين), Бабна (بينه) ва Бавн (بون) шаклларида келтирилган. Бу шаҳар Ҳаротдан 2 *марҳала*, Кайфдан 1 *марҳала* ва Бағшурдан 2 кунлик йўл масофада жойлашган. XII асрда бу шаҳарда бир неча марта бўлган Абу Са‘д ас-Сам‘онийнинг маълумотига кўра, Бабна (بينه) Ҳарот вилоятидаги Бодғис *рустоқ*нинг бош шаҳри (قصبه) Бома‘ин ёнида жойлашган бўлиб, унинг асл номи Бавн (بون) бўлган. У Канж Рустоқдаги энг катта шаҳар бўлиб, унда *рустоқ* ҳокими яшаган. Унда оқар сувлар, боғлар ва узумзорлар кўп. Унинг бинолари пахсадан қурилган. Уни 31/651-52 йилда ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир даврида Шарик ибн ал-А‘варнинг Солим исмли мавлоси куч билан фатҳ этган [al-Istakhri: 269, 285; Ibn Naukal: 441, 457; al-Moqaddasi: 50, 298, 308, 349; Худуд ал-‘Алем: 16б; ас-Сам‘оний II: 25, 71, 336; al-Idrisi VIII: 475; Jacut I: 487]. Ўрта асрларда Шимолий Африкадаги Тунис ёнида ҳам Ўрта денгиз соҳилида жойлашган Буна (بونه) номли шаҳар бўлган [ас-Сам‘оний II: 336 – 337]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 81; Dehkhoda III: 4348.

75. \*...<sup>75</sup> Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган.

76. Тус (طوس) – Хуросоннинг ғарбий қисмида жойлашган *рустоқ* ва унинг бош шаҳри [Bosworth 2000: 740 – 745; Dehkhoda X: 15544 – 15545]. Суғд тилидаги манбаларда унинг номи tws (Tūs) шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 393 (9724)]. Сосонийлар даврида Тусда ўрта форс (пахлавий) ёзувида TU ва TUS деб ёзилган тангалар зарб этилган [Дашков 2008: 276 – 277]. Нишопурдан Тусгача бўлган масофа 3 *марҳала*, агар тоғ орқали пиёда йўлга чиқилса, Тусгача йўл 1 *марҳала*ни ташкил этган. Тус вилояти халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида 29/649-50 ёки 31/651-52 йилда ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз томонидан фатҳ этилган. Кейин бу ерга *ат-то‘ий* қабиласининг араблари кўчириб келинган. Баъзан Тус маъмурий жиҳатдан

Нишопур вилоятига киритилган. Тусда ар-Ройакон (الرايكان), Табарон (طبران) ёки ат-Тобарон (الطابران), Нуқон (نوقان) ва Таравғуд (تروغود) шаҳарлари жойлашган. Бу шаҳарларнинг атрофларида 1000 дан зиёд қишлоқлар бўлган. Нуқон шаҳрининг ёнида ‘Али ибн Мусо ар-Ридонинг қабри жойлашган. Унинг яқинидаги Санобод (سناباد) қишлоғида чиройли машҳад ичида халифа Ҳорун ар-Рашиднинг қабри жойлашган. У ерда мустаҳкам қалъа бўлиб, унинг аҳолиси узлатда яшаган. Нуқондаги тоғда сопол кўзалар ва идишлар яшаш учун ишлатиладиган тош кони бўлиб, у Хуросоннинг бошқа шаҳарларига ҳам олиб кетилган. Бу тоғда мис, темир, кумуш, феруза, малахит ва бошқа тошларнинг конлари ҳам бўлган. Айтишларича, унда олтин кони ҳам бўлган, лекин уни қазиб чиқариш мумкин бўлмаган. Ўша тоғда биллур тоши ҳам бўлган, лекин унинг ранги тоза эмас эди [Ибн Хордабех: 63, 67, 95; Ibn al-Fakih: 307, 320, 321; al-Jakubi: 277 – 278; Ibn Rosteh: 97, 105; at-Tabari I: 2884, 2887; II: 1771, 1991, 2000 – 2002; III: 650; al-Istakhri: 254, 257, 258, 283; Ibn Haukal: 434, 453 – 454; al-Moqaddasi: 50, 60, 131, 271, 295, 300, 313, 319, 323 – 328, 333 – 335; Худуд ал-‘Алем: 4а, 7а, 11а, 196, 296; ас-Сам‘оний VIII: 263; Jacut III: 560 – 562]. Ўрта асрлардаги Тус шаҳрининг харобалари Эроннинг шимоли-шарқидаги Машҳад шаҳридан 25 км шимоли-ғарбда, Каспий денгизидан жанубда жойлашган. У ерда ҳозир ҳам Тус номли кичик шаҳарча бўлиб, унда XI асрда яшаб ижод қилган машҳур шоир Абу-л-Қосим Фирдавсийнинг мақбараси сақланган. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 114 – 116; Колесников 1982: 137, 144, 156, 173; de Meunard 1861: 395 – 398; Пигулевская 1956: 116, 301.

77. Канозтак (کنازتک) – Тус марзбони [al-Beladsori: 405]. Ибн А‘самга кўра, Тус амири Канодик (کنادیک) деб аталган [Ибн А‘сам II: 337, 338]. Нишопур ҳукмдорининг унвони *канор* (کنار) ёки *канобар* (کنابر) бўлган [Ибн Хордабех: 60; Бируни 1957: 112]. Бошқа манбаларда бу ном *кинори* (کناری) ёки *каноро* (کنارا) шаклида келтирилган [at-Tabari I: 2258, 2886; II: 1019]. Сосонийлар даврида Тус вилоятининг ҳукмдори *srahpet* деб ҳам аталган [Markwart 1931: 11]. Суғд ҳукмдори Ғуракнинг ўғли Бонижур исмли ўғли Канодаранк (کنادرانک) деб ҳам аталган [al-Nasafi: 423 (№ 733)]. Бу номларнинг ҳаммаси *каноранг* (کنارانگ) унвонини акс этган бўлиб, бу унвон Абаршаҳр, Нишопур ва Тус ҳукмдорига тегишли бўлган. Ўрта форс (пахлавий) тилида *ханаранг* сўзи “лашкарбоши” маъносини билдирган. Бу унвон шаҳаншоҳ Пероз давридан бошлаб, эфталлийлар билан чегарадош бўлган Апаршаҳр вилояти ҳукмдорларининг сулолавий унвони сифатида авлоддан авлодга ўтиб келган. Эҳтимол, Апаршаҳрнинг маҳаллий ҳукмдорлари бу унвонни Сосонийлардан ҳам олдинги даврлардан бошлаб ишлатиб келганлар [Пигулевская 1956: 301; Колесников 1982: 143]. Бу ҳақида яна қаранг: Dekhoda XII: 18605 – 18606.

78. ат-Табарийга кўра, Ибн ‘Омир Абаршаҳрдан ‘Умайр ибн Аҳмар ал-Йашкурийни юборди ва у Тус, Бивард, Нисо ва Хумрон шаҳарларини фатх

этди [at-Tabari I: 2888]. Халифа ибн Хаййотга кўра, Ибн ‘Омир Абаршахрдан Амин ибн Аҳмар ал-Йашкурийни юборди ва у Тус ва унинг атрофидаги ерларни фатҳ этди. Унинг олдига Сарахс ахлининг вакили келди ва 650 минг дирҳамга сулҳ тузди [Халифа ибн Хаййот: 35].

79. Аус ибн Са‘лаба ибн Руқайй – ат-Табарийнинг маълумотига кўра, унинг исми Аус ибн Са‘лаба ибн Зуфар ибн Вади‘а ат-Таймий бўлган. Ал-Басрадаги Қаср Аус (اوس قصر) қасрининг номи у билан боғлиқ бўлган. 56/675-76 йилда у Хуросон волийси этиб тайинланган Са‘ид ибн ‘Усмон билан бирга Хуросонга келди. 64/683-84 йилда Хуросон волийси Салм ибн Зийод Арабистонга кетишдан олдин уни Ҳарот ҳокими этиб тайинлади. Бу ерда арабларнинг *бакр ибн во‘ил* ва *мудар* қабилалари ўртасида ўзаро тўқнашувлар бўлди. Аус бакрийларга бошчилик қилди, *мударий*ларнинг бошлиғи эса ‘Абдуллоҳ ибн Хозим эди. 1 йил давомида бўлган жанглардан кейин бакрийлар мағлубиятга учрадилар. Аус ибн Са‘лаба жангда ярадор бўлиб, Сижистонга қочди ва у ерда вафот этди [at-Tabari II: 177 – 180, 489 – 496, 593]. У ҳақида яна қаранг: ал-Йа‘қубий II: 174; Ибн А‘сам II: 281; IV: 308; Jacut I: 829; IV: 109].

80. Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафий – араб лашкарбошиси. 32/652-53 йилда халифа ‘Усмон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида Ҳарот ва Бодғисни фатҳ этган. 45/665-66 йилда ал-Басра волийси Зийод ибн Абу Суфйон уни Абаршахр ҳокими этиб тайинлади, лекин кўп ўтмай у вазифасидан четлатилди ва фақат хирож ишлари бўйича *‘омил* бўлиб турди. Кейин Зийод унга Хуросон волийси этиб тайинланиши ҳақида мактуб ёзди, лекин бироздан кейин Хуросонга ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорийни юборди. 51/671 йилда ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий вафотидан кейин Зийод Хулайдни 1 ой муддатга Хуросон волийси этиб тайинлади, кейин унинг ўрнига ар-Раби‘ ибн Зийод ал-Ҳорисийни тайинлади. 53/672-73 йилда ар-Раби‘ вафот этди, унинг ўғли ‘Абдуллоҳ ибн ар-Раби‘ ҳам вафот этди ва унинг ўрнига Хуросон волийси этиб яна Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ тайинланди [al-Ja‘kubi II: 282; at-Tabari I: 2904; II: 79 – 81, 155 – 156, 161 – 163]. Ибн Хаййотга кўра, Ибн ‘Омир Бозғис ва Ҳаротга Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ибн Зуҳайрни юборди. Хулайд уларни фатҳ этди, кейин улар яна исломдан юз ўгирдилар [Халифа ибн Хаййот: 35]. ал-Йа‘қубийга кўра, Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафий Са‘ид ибн ‘Усмон ва Аслам ибн Зур‘адан кейин Хуросон волийси этиб тайинланган ва Му‘овийанинг Хуросондаги энг охирги волийси бўлган. У даврда Хуросон волийларининг қароргоҳи Ҳарот шаҳрида бўлган [ал-Йа‘қубий II: 248].

81. Бодғис (بادغيس) – Афғонистоннинг шимоли-ғарбий қисмида Ҳарот ва Марв ар-Руд орасида жойлашган *ноҳийа* ёки *рустоқ*нинг арабча номи [Barthold, Allchin 1960: 857; Dehkhoda III: 3981]. Манбаларда унинг номи Бозағис (بادغيس), Бозағис (بادغيث) ва Базағиш (بادغيش) шаклларида ҳам келтирилган. Унинг *ал-‘ажам*, яъни форс тилидаги асл номи Бозхиз (بادخيز)

бўлган, чунки унда доимо қаттиқ шамол эсиб турган. Исломдан олдин Ҳарот, Бушанж ва Бозағис ҳукмдори *барозон* унвонига эга бўлган. X асрда унда шаҳарчалар, қишлоқлар ва экинзорлар кўп бўлган. Унда *ал-фустуқ* (الفستق) дарахтлари кўп ўсган. Унинг бош шаҳри (قصبه) – Бома’ин (بامئین) ва Бавн (بون). Айтишларича, қадимда у эфталийлар мамлакатининг пойтахти бўлган. У 32/652-53 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида Холид (Хулайд) ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафий томонидан фатҳ этилган. Бодғисдаги маҳаллий ҳукмдор Низак Тархоннинг қалъаси эса 84/703 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллаб томонидан фатҳ этилган. Кейинроқ Низак Тархон яна ўз қалъасига қайтиб келган ва ўз қўлида бир қанча араб аскарларини асир сифатида ушлаб турган. Қутайба ибн Муслим Хуросон волийси бўлганда, унга хат ёзиб, ундан асирларни озод қилишни ва сулҳ тузишни талаб қилган. Низак Тархон асирларни қўйиб юборган ва 87/705-06 йилда Қутайба ибн Муслимнинг олдига келиб, у билан Бодғис учун сулҳ тузган. X асрда Бодғисда Жабал ал-Фидда (جبل الفضة), Куҳ (كوه), Куғанобод (كوغناباد), Буст (بست), Жодво (جادوا), Кобарун (كبارون), Колавун (كالوون) ва Дихистон (دهستان) номли шаҳарлар бўлган. Ҳукмдор қароргоҳи Куғанободда бўлган. Улар ичидаги энг катта ва аҳолиси зич шаҳар Дихистон бўлиб, у Бусанжнинг ярмига тенг бўлган. Унинг бинолари пахсадан қурилган. У ерда ер ости йўллари кўп бўлган. Бу шаҳар тоғ устида жойлашган. Лекин унда оқар сувлар кўп бўлмаган. Унда боғлар ҳам, токзорлар ҳам бўлмаган, фақат полиз экинлари экилган. Куҳ ва Жабал ал-Фидда шаҳарлари ҳам шундай бўлган. Куҳ Жабал ал-Фиддадан катта-роқ бўлган. Жабал ал-Фидда Сарахсдан Ҳаротга олиб борувчи йўлда тоғ устида жойлашган. У тоғда кумуш кони бўлган, лекин ёқилғи етишмовчилиги туфайли унинг фаолияти тўхтаб қолган. Куҳ шаҳри чўлда жойлашган. Куғанобод, Буст ва Жодво да боғлар ва оқар сувлар бор, полиз экинлари ҳам кўп. Колавун ва Кобарунда боғ ҳам, оқар сув ҳам бўлмаган. Уларнинг ичимлик суви ёмғир ва қудуқлардан бўлган. Улар полиз маҳсулотлари етиштиришган, қўйчилик ривожланган. Бодғис аҳолиси *ал-сунна* мазҳабига риоя қилган. Унинг ҳудудида 300 га яқин қишлоқ бўлган [Халифа ибн Хаййот: 35; Ибн Хордадбех: 61, 67, 69; Ibn al-Fakih: 321; Kodama: 243; al-Jakubi: 280; Ibn Rosteh: 105, 173; at-Tabari I: 2904; II: 79, 1129 – 1132; al-Istakhri: 254, 268, 269, 285; Ibn Naukal: 440 – 441; al-Moqaddasi: 50, 295, 298, 308; Худуд ал-‘Алем: 20а; ас-Сам’оний II: 25; Jacut I: 461 – 462]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 70 – 71, 80, 352; 1965: 348; de Meynard 1861: 75; Колесников 1982: 144, 145, 156.

82. Бушанж (بوشنج), Бусанж (بوسنج) ёки Фушанж (فوشنج) – Хуросонда Ҳарируд (Ҳаротруд) дарёсининг водийсида Ҳаротдан 7 *фарсах* (ёки 10 *фарсах*) ёки 1 *марҳала* масофада Нишопур йўлида жойлашган Пушанг (پوشنگ) шаҳри номининг арабча шакллари [Barthold, Spuler 1960: 1342 – 1343; Dehkhoda IV: 5797]. Унинг асл номи Бушанк (بوشنگ) ёки Пушанг



(پوشنگ) бўлган. Ўрта форс (пахлавий) тилидаги манбаларга кўра, Pušang шаҳрини Šahpuhr i Artasēr, яъни шаҳаншоҳ Арташер ўғли Шопур курдирган. Шаҳар ўртасидан ўтган дарё устига қурилган кўприк ҳам унинг иши бўлган [Markwart 1931: 11]. Исломдан олдин Ҳарот, Бушанж ва Бозағис ҳукмдори *барозон* унвонига эга бўлган. Ривоятга кўра, исломдан олдин Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси *қурайш* қабиласининг бошлиғи Абу-л-Фадл ал-‘Аббос ибн ‘Абд ал-Мутталиб ибн Ҳошим ибн ‘Абд Маноф бу ерга тижорат билан келиб, қарағай дарахтининг тагида дам олган. Бу шаҳар Бодғис ва Ҳарот каби Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Қурайз даврида 32/652-53 йилда Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафий томонидан фатҳ этилган. Бушанждан Нишопургача 4 *марҳала*, Бузжонгача ҳам шунча. Бушанж вилоятида яна Харкирд (خرکرد), Фаркирд (فرکرد), Кавсаро (کوسرى) ва Карх (کره) номли шаҳарлар бор. Бушанж уларнинг энг каттаси бўлган. Унинг майдони Ҳаротнинг ярмига тенг бўлган. Шаҳар текисликда жойлашган. Ундан энг яқин тоғгача бўлган масофа тахминан 2 *фарсах*ни ташкил этган. Ҳарот шаҳри ҳам ўша тоғдан 2 *фарсах* масофада жойлашган. Бушанжнинг бинолари ганчдан қурилган бўлиб Ҳаротдаги бинолардан фарқ қилган. Уларда оқар сувлар ва боғлар кўп бўлган. У ерда қора арча кўп ўсган бўлиб, бундай дарахт Хуросоннинг бошқа бирорта ерида ўсмаган. Шунинг учун бу дарахт Бушанждан бошқа шаҳарларга ҳам олиб кетилган. Унинг ичимлик суви Ҳарот дарёсидан олинган. Ундан кейин бу дарё Сарахсгача оқиб бориб, қишда сув кўп бўлганда, унинг ўртасидаги дарёга қуйилган. Лекин йилнинг кўп қисми давомида бу дарёнинг суви камайиб кетган ва Сарахсгача етиб бормади, қуриб қолган. Бушанж ўртасида бу дарё устидан кўприклар қурилган. Бушанж шаҳри мудофаа девори ва хандақ билан ўралган. Унинг 4 дарвозаси бўлиб, Боб ‘Али, Боб Ҳарот ва Боб Қухистон деб аталган. Бушанждан кейин энг катта шаҳар Кавсаро, ундан кейин Харкирд, Фаркирд ва Карх бўлган [Ибн Хордадбех: 61, 67, 69; Ibn al-Fakih: 320, 321; al-Jakubi: 280; Ibn Rosteh: 105, 172, 173; at-Tabari I: 2904; II: 79; al-Istakhri: 254, 264, 267, 268, 282, 285; Ibn Naukal: 440, 453; al-Moqaddasi: 50, 295, 298, 307, 308, 310, 333; Худуд ал-‘Алем: 66, 196; ас-Сам‘оний II: 332 – 333; IX: 346; al-Idrisi VIII: 473; Jacut I: 758 – 759]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 80; 1965: 394 – 395; Пигулевская 1956: 116, 160; de Meynard 1861: 122; Колесников 1982: 156, 177.

83. ат-Табарийга кўра, Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафий Ҳарот ва Бодғис аҳлини фатҳ этгандан кейин улар ислом динидан қайтдилар ва Карин билан бирга арабларга қарши бош кўтардилар [at-Tabari I: 2904].

84. Тоғун (طاغون) – Ҳарот, Бушанж ва Бодғис атрофларида жойлашган *ноҳийа* ёки *рустоқ*.

85. Боғун (باغون) – Ҳаротга қарашли Бушанж вилоятидаги *ноҳийа* ёки *рустоқ*. Уни мусулмонлар 31/651-52 йилда куч билан фатҳ этганлар [Jacut I: 474]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 78; Dehkhoda III: 4209.

86. *жизйя* (الجزية) – ‘араб., “жон солиғи”, Араб халифалиги даврида ҳар бир инсондан олинган солиқ [Dehkhoda V: 7738 – 7739]. Ўрта асрларда ёзилган айрим манбаларда *жизйя* (жон солиғи) ва хирож (ер солиғи) атамалари фарқланмаган ва бир маънода ишлатилган [Гиргас 1881: 121]. Лекин, ислом қонунчилиги (*фиқҳ*) га кўра, дастлаб *жизйя* ислом мамлакатларида истиқомат қилган ғайридинлардан олинishi керак бўлган ва ҳуқуқий жиҳатдан фатҳ давомида уларнинг жон сақлашининг йўли ҳисобланган. Ундан фарқли равишда хирож атамаси ўрта асрларда ердан олинадиган солиқни англатган. Лекин дастлаб хирож атамаси фатҳ этилган ерлардаги аҳолидан йиғиб олинган ҳар қандай ўлпонни билдирган ва *жизйя* атамасининг синоними сифатида ишлатилган. Шунинг учун Араб халифалиги марказидан расман белгиланувчи солиқлардан фарқли ўларок, жойларда маҳаллий ҳукмдорлар томонидан йиғиб олинган ўлпон ва солиқлар ҳақида сўз юритганда, ҳақиқатан, *жизйя* билан хирожни бир-биридан ажратиш қийин бўлган [Cahen, Inalcik, Hardi 1965: 559 – 567; Петрушевский 1966: 81; Большаков 1991: 65].

87. Раби‘ ибн Наҳшал (ربيع بن نهشل) – Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирнинг котиби.

88. \*...<sup>88</sup> Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган. Манбаларда арабларнинг маҳаллий аҳоли билан тузган сулҳ шартномаларидан яна баъзиларининг тўлиқ матнлари сақланиб қолган. Хусусан, Ибн А‘сам ал-Куфийнинг “Китоб ал-Футуҳ” (“Фатҳ урушлари китоби”) асарида 93/711-12 йилда Қутайба ибн Муслимнинг Самарқанд ҳукмдори Ғурак (Ғузак) билан тузган сулҳ шартномасининг тўлиқ матни сақланган [Ibn A‘tham VII: 244 – 246; Смирнова 1957: 119 – 134].

89. Гардизийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Ҳарот деҳқони билан 50 *бадра* дирамга сулҳ тузди [Гардизи: 24 – 25]. Форс тилида *бадра* (بدره) сўзи “ҳамён”, “қоп” маъносини билдирган ва пул миқдори бирлигини ҳам англатган. Ўрта асрларда 1 *бадра* 10 минг дирҳам ёки 7 минг динорга тенг бўлган [Dehkhoda III: 4456].

90. Марв аш-Шоҳижон (مرو الشاهجان) – Хуросондаги Марв (مرو) шаҳрининг шарафли номи. Унинг таркибидаги аш-Шоҳижон сўзи форс тилида “шоҳларнинг жони” деган маънони англатади. У ҳақида I, 3-изоҳга қаранг.

91. ат-Табарийга кўра, араблар билан сулҳ тузган Марв *марзбони* нинг исми Абраз бўлган [at-Tabari I: 2888]. Халифа ибн Хаййотга кўра, унинг исми Моҳавайҳ ибн Азар бўлган [Халифа ибн Хаййот: 35].

92. Ҳотим ибн ан-Ну‘мон ал-Боҳилий – ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирнинг лашкарбошиларидан бири, арабларнинг Хуросонда олиб борган илк фатҳ урушларида фаол қатнашган. 31/651-52 йилда араблар Сарахсни фатҳ этганларидан кейин Ҳотим ибн ан-Ну‘мон Марвга келиб, Марв *марзбони* Абраз билан унинг арабларга 2 млн. 200 минг дирҳам ўлпон тўлаш шарти билан сулҳ тузди. У халифа ‘Усмон 35/655-56 йилда қатл этилган вақтга

қадар Хуросондаги фатҳ юришларида иштирок этди [al-Jakubi: 296; ал-Йа‘қубий II: 174; al-Ja‘kubi II: 193; at-Tabari I: 2888]. 45/665-66 йилда Хуросон амири ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий даврида Хуросондаги шаҳарлардан бирида ҳоким этиб тайинланди ва аҳолидан хирож йиғиш билан шуғулланди [at-Tabari I: 2683, 2688; 2886, 2888; II: 81, 840]. Халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз (99 – 101/717 – 720 йилларда ҳукм сурган) даврида у туркларга қарши юриш қилди ва улардан 50 кишини халифа ҳузурига асир қилиб олиб келди [ал-Йа‘қубий II: 317]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1993: 187; Гоибов 1989: 75; Dehkhoda VI: 8430.

93. *алфай алф ва ми’атай алф* (الف و مائفي الف) – “икки минг минг ва икки юз минг”, яъни 2 200 000 (2 млн. 200 минг). Халифа ибн Хаййот ҳам шу рақамни кўрсатган [Халифа ибн Хаййот: 35]. ал-Йа‘қубийга кўра, сулҳ 2 млн. 200 минг *уқийа* (اوقية) га тузилди [ал-Йа‘қубий II: 174].

94. *жариб* (جريب) – араб., ер майдони ўлчов бирлиги. ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-‘улум” асарида келтирилган маълумотга кўра, *ал-жариб* (الجريب) – *ашалл* га *ашалл* (اشل في اشل), яъни узунига 60 *зиро* ‘, энига ҳам шунча. Уларни кўпайтирганда, 3 600 кв. *зиро* ‘ бўлади. Бунда 1 кв. *зиро* ‘нинг узунлиги 1 *зиро* ‘, эни ҳам шунча бўлади [al-Khowarezmi: 66]. Илк ўрта асрларда меъёрий *жариб* 100 кв. *қасаба* ёки 1592 кв м га тенг бўлган. Лекин амалда бир *жариб* миқдори ҳар хил шаҳарларда ва турли даврларда турлича қабул қилинган бўлиб, 900 кв. м билан 3000 кв. м орасида бўлган [Хинц 1970: 73; Давидович 1970: 122 – 130]. У ҳақида яна қаранг: Ashtor E., Burton-page 1991: 117 – 122; Dehkhoda V: 7674 – 7675.

95. *уққийа* (اوقية) – араб., унция, оғирлик ўлчов бирлиги – 1 *уққийа* 12 дирҳам ёки 37,44 г га тенг бўлган. Илк ўрта асрларда Маккада меъёрий *уққийа* 40 дирҳам, яъни 125 г га тенг бўлган [Хинц 1970: 40]. ал-Хоразмий келтирган маълумотга кўра, 1 *уққийа* 10 дирҳам ва 5 *асбо* ‘ га, ёғ вазнида эса 10 дирҳамга тенг бўлган [al-Khowarezmi: 14]. Бу ҳақида яна қаранг: Dehkhoda III: 3642.

96. ат-Табарийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Марв *марзбони* Абраз билан 2 млн. 200 минг ёки 6 млн. 200 минг дирҳамга сулҳ тузди [at-Tabari I: 2888].

97. Бу маълумотни ал-Йа‘қубий ҳам келтирган [ал-Йа‘қубий II: 174]. Араблар Яқин ва Ўрта Шарқда олиб борган фатҳ урушлари давомида қўшинлар учун ҳарбий қароргоҳлар қурганлар. Кейинчалик уларнинг ўрнида шаҳарлар вуждудга келган. Хусусан, ал-Басра ва ал-Куфа шаҳарлари шулар жумласидандир. Хуросон ва Мовароуннаҳрда эса араблар асосан мавжуд шаҳарларда маҳаллий аҳолининг турар жойларига кириб жойлашганлар [Бартольд 1971: 363]. Араблар ва улар билан қўшилиб келган форслар Ўрта Осиёда ўрнашиш сиёсатини олиб борганлар. Улар Бухоро, Самарқанд, Кеш, Насаф ва бошқа шаҳарларнинг аҳолисини уйларининг ярмини аскарларга бўшатиб беришга, қолган ярмида эса ҳар бир уйдан аскарлар-

нинг эҳтиёжлари учун жой ажратиб беришга мажбур қилганлар [at-Tabarī II: 1250 – 1252; Наршахий: 51 – 57]. 200 йилдан ортиқ вақт давомида Ғарбий Турк хоқонлигининг бир қисми бўлиб келган Ўрта Осиё энди Хуросоннинг худуди сифатида ҳисобланиб, Мовароуннаҳр (ما وراء النهر), яъни “дарё ортидаги ер” деб атала бошланди [Камолиддин 2002: 61 – 68]. Айрим манбаларда Мовароуннаҳр атамаси ўрнига “юқори Эрон” [Ibn an-Nadīm I: 18] ёки “юқори Хуросон” атамаси ишлатилган [Ибн ал-Факих 1968: 56]. Арабларнинг кўшинларининг бир қисмини *мавло* (مولى) лар, яъни ислом динини қабул қилган форслар ва бошқа араб бўлмаган халқлар ташкил этган бўлиб, улар кўпинча араблар ва маҳаллий аҳоли ўртасида воситачи вазифасини бажарганлар. Шу билан бирга маҳаллий аҳоли ўртасида араб алифбосига асосланган янги форс тили ҳам кенг тарқала бошлади [Бартольд 1963а: 121; 1971: 251]. Бу жараёнлар ўрта аср ёзма манбаларида ҳам акс топган. Наршахийнинг ёзишича, “Қутайба ибн Муслим ҳукмронлиги даврида (86 – 96/705 – 715 йилларда ҳукм сурган) Мовароуннаҳрнинг барча шаҳарларини араблар ва форслар бўлишиб олдилар” [Наршахий: 120]. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, Мовароуннаҳр шаҳарларида форсларнинг сони кўпайгандан кейин, улар худди ‘Ажам шаҳарларига ўхшаб қолди” [Кошғарий III: 164; Bosworth 1963: 207]. Бу маълумотларни топонимик тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Уларга кўра, Ўрта Осиё худудларида ғарбий эроний (форсий) топонимиянинг фаол шаклланиши араб-форс истилосидан кейин бошланган [Хромов 1980: 136].

Араблар ва форслар мустамлакачилик сиёсатини асосан Суғдда ва Тўхористоннинг жанубий қисмида олиб бордилар. Натижада X асрнинг ўрталарига келиб, янги форс тили аста-секин Суғдда суғд тилини, Тўхористонда эса *бохтар* тилини сиқиб чиқарди, турк, суғд ва бошқа маҳаллий тиллар эса ислом динининг душманларининг тилига айланди. Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятларига, масалан Хоразмга, бу жараёнларнинг таъсири бўлмади. Оқибатда бу ерда кўп асрлар давомида давом этиб келган эроний тилли хоразмликларнинг туркий тилли хоразмликлар билан табиий ва ихтиёрий қоришув жараёни XI асрга келиб ўз ниҳоясига етди [Бартольд 1963а: 122, 193]. Туркий тилли хоразмликлар эса XI асрда *кочат* деб аталган [Кошғарий I: 338]. Шунинг учун Хоразмнинг маҳаллий аҳолиси орасида XII – XIII асрнинг бошларида ҳозирги даврагидек эроний тилли қатламлар бўлмаган [Бартольд 1966: 244]. Хоразмнинг маҳаллий эроний тилидаги охирги ёзма ёдгорликлар айнан шу даврга мансуб [Толстов, Лившиц 1964: 50 – 69; Лившиц 1965: 18 – 21; Фрейман 1951]. Лекин бу ёзма ёдгорликлар Хоразм турклари томонидан қолдирилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки бу даврга қадар Хоразм эроний тили барча хоразмликлар учун асосий тил бўлиб келган, XII асрнинг иккинчи ярми – XIII асрнинг бошларига келиб, Хоразм туркий тилининг нуфузи ортиб, у нафақат Хоразмшоҳларга қарашли ерларда, балки ўғузлар ва хоразмликлар забт этган бошқа

ерларда ҳам, масалан Мисрда, расмий тилга айланган [Наджип 1989: 244; Yuse 2002: 794; Sagol 2002: 804 – 813]. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2004: 47 – 58; 2005: 231 – 241.

98. ас-Синж (السنج), Синж (سنج) ёки Шинж (شنج) – Марвдан 7 *фарсах* ёки 1 *марҳала* масофада Сарахс ва Марв ар-Руд йўллари орасида жойлашган қалъа (حصن) ва қишлоқ (قرية), кейинчалик у шаҳарга айланган [Dehkhoda IX: 13778]. Унинг узунлиги 1 *фарсах*га етган, лекин энига катта бўлмаган. X асрда унда катта минорали жоме‘ масжиди ва бозор бўлган. Масжид ёнида ариқ оқиб ўтган. Унинг бўйида боғлар ва токзорлар кўп бўлган. 550/1155-56 йилнинг *ражаб* ойида уни бир ой давомида ғузлар қамал қилиб, Синж аҳолиси билан жанг қилганлар, лекин қалъани қўлга кирита олмаганлар. Кейин ғузлар уни яна бир неча марта 2 – 3 ой давомида қамал қилдилар ва ниҳоят 555/1160 йилнинг *жумоди-л-аввал* ойида уни кўп қийинчиликлар чекиб, сулҳ йўли билан олдилар. Абу Са‘д ас-Сам‘оний улар орасида воситачи бўлган. XII асрда Синж қалъасида 4 та маҳалла бўлган: Зувалқанж (زوالقنج), Монақон (مانقان), Тазин (تزن) ва Бушоҳ (بشاخ) [at-Tabari II: 861 – 862, 1957; al-Istakhri: 263, 284, 333; Ibn Haukal: 436, 456; al-Moqaddasi: 312, 323; al-Sam‘ani: 504V; ас-Сам‘оний VI: 319; VII: 165 – 166; VIII: 286; Jacut III: 161 – 162]. Марв вилоятидаги энг катта аҳоли маскани бўлган Синж қалъасининг аниқ жойлашган ўрни ҳали топилмаган. М.Е.Массон унинг харобалари Каушук-банд тўғонидан 3 км жануби-ғарбда жойлашган Порси-қалъа бўлиши мумкин деб тахмин қилган эди [Массон 1978: 150]. Ўрта асрларда Сижистон вилоятида ҳам Синж (سنج) номли ер бўлган [al-Moqaddasi: 50, 297, 306]. У ҳақида яна қаранг: de Meunard 1861: 323; СГСА 1973: 166, 168, 170 – 171, 268; Камалиддинов 1993: 27 – 28.

99. Абу Са‘д ас-Сам‘онийга кўра ҳам, араблар Марв вилоятида фақат Синж (سنج) қишлоғини куч билан олганлар [ас-Сам‘оний VII: 165 – 166].

100. Бу маълумот (одамларда пулнинг йўқлиги) иқтисодий ва молиявий инқироз, яъни муомалада пулнинг танқислиги ва қолмаганлигини англатади.

101. Ўазид I ибн Му‘овийа ибн Абу Суфйон ал-Умавий (25 – 64/645 – 83) – Умавийлар сулоласига мансуб 2-халифа, 60 – 64/680 – 683 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. У халифалик тахтини ворислик йўли билан эгаллаган биринчи халифа бўлган. Унинг буйруғи билан 61/680-81 йилда ал-‘Ироқдаги Карбало шаҳрида халифа ‘Али ибн Абу Толибнинг ўғли ал-Ҳусайн ўлдирилган. Унинг ҳукмронлиги даврида арабларнинг фатҳ урушлари давом этиб, ғарбда ал-Мағриб, шарқда эса Бухоро ва Хоразм фатҳ этилди [al-Ya‘qubi: 18; ал-Йа‘қубий II 252 – 265; al-Ja‘kubi II: 261, 271, 272, 284 – 302, 307, 323, 371; ал-Балозурий: 442, 473; al-Masudi: 303 – 307; at-Tabari I: 2671, 2810, 3465; II: 70, 86, 94, 156, 163, 173 – 178; al-Osyooti: 205 – 211; История халифов: 70б – 93а; Арабский аноним: 242б; el-Maqdisi VI: 8 – 13,

16]. У ҳақида қаранг: Hawting 2002: 309 – 311; Босворт 1971: 29; аз-Зириклий IX: 244 – 245.

102. Бу маълумот пул ислоҳоти ўтказилганлиги ҳақида далолат беради.

103. Тўхористон (طخارستان) – Амударёнинг ўрта ва юқори оқими ҳавзасида жойлашган тарихий вилоят. Бу топоним қадимги *тўхор* этнонимидан ясалган бўлиб, бу кўчманчи халқ м. а. II асрда Буюк Кушанлар давлатига асос солган *юэчжи* қабилалар иттифоқининг бош бўғинини ташкил қилган [Сверчков 2012: 159]. Манбаларда унинг номи Тўхайристон (طخیرستان) ёки Тўхайристон (تخیرستان) [al-Istakhri: 278; Jacut III: 518], Тўхористон (تخارستان:) [Худуд ал-‘Алем: 6б, 9а, 20б – 21б, 22б; Ibn Rosteh: 93, 105] шаклларида ҳам қайд этилган. Фақат ал-Балозурий бир ерда бу вилоятнинг номини Тўхоро (طخارا) шаклида келтирган [al-Beladsori: 408]. Суғд тилидаги манбаларда бу вилоятнинг номи *tyw'r (tuxār)* – Тухор ёки *twhr (tuxar)* – Тухар шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 72 (1819), 212 (5329)].

Ўрта асрларда Тўхористон топоними кенг ва тор маънода ишлатилган. Кенг маънодаги Тўхористон қадимги Бактриянинг барча ерларини ўз ичига олган. Шимолда унинг ҳудудлари Бойсун тоғлари, жанубда Ҳиндукуш тоғлари, шарқда Помир тоғлари, ғарбда эса Қабакли номли тўқай билан туташган. Тор маънодаги Тўхористон деганда эса Амударёдан жанубда Ҳиндукуш тоғларигача Бадахшон ва Балх орасида жойлашган кичик вилоят тушуниланган. Ўрта аср манбаларида яна Юқори Тўхористон тушунчаси ҳам қайд этилган бўлиб, бу топоним Шуғнон ва Бадахшонни ёки Шимолий Тўхористонни, яъни унинг Балх дарёси (Амударё) ортида жойлашган қисмини англатган [ас-Сам‘оний VIII: 220; Jacut III: 518]. Ибн ал-Фақиҳнинг маълумотига кўра, Юқори Тўхористон (طخارستان الاعلى) Жайхун дарёсидан жанубда жойлашган ат-Толақон шаҳри ва унинг вилоятини ўз ичига олган [Ibn al-Fakih: 197, 321 – 323, 325]. Балх билан Юқори Тўхористон орасидаги масофа 28 *фарсах*ни ташкил этган [Jacut III: 518]. Бу эса тахминан 5 кунлик йўлни ташкил этади ва ат-Толақоннинг жойлашган ўрнига мос келади. Ибн Хордадбех ҳам Юқори Тўхористонни ат-Толақон, Балхдан унча бўлган умумий масофани эса 28 *фарсах* ёки 5 кунлик йўл деб кўрсатган [Ибн Хордадбех: 67].

Тўхористон вилояти, шунингдек, *мамлакат ал-жабғуя* (مملكة الجبغوية) – “жабғуя мамлакати” [at-Tabari II: 1590], унинг турк ҳукмдори эса *ал-жабғуя ат-тухорий* (الجبغوية الطخاري) – “тўхор жабғуси” [at-Tabari II: 1604, 1612] ёки *ал-жабғуя ал-харлухий* (الجبغوية الخارخي) – “қарлуқ жабғуси” деб аталган [at-Tabari II: 1589]. VIII асрнинг биринчи ярмида унинг қароргоҳи Юқори Тўхористонда, яъни ат-Толақон атрофларидаги К.ш.т.м (كشتم) номи ерда бўлган [at-Tabari I: 872; II: 1612]. IX асрда ат-Толақон Тўхористондан алоҳида бир маъмурий бирликни ташкил этган [Та’рих-и Систан: 65].

Тўхористон вилоятининг худудлари асосан тоғлардан иборат бўлган. Лекин у ерда даштлар ҳам бўлиб, X асрда у ерларда қарлуқ турклари яшаганлар. Улар асосан отлар ва қўйлар етиштириш билан шуғулланганлар. Шунингдек, улар кўп миқдорда буғдой ва турли-туман мевалар ҳам етиштирганлар [Худуд ал-‘Алем: 206 – 216]. Тўхористоннинг ҳамма шаҳарлари тахминан бир хил катталиқда бўлган. Уларда оқар сувлар, боғлар ва экинзорлар кўп бўлган. Шаҳарларнинг аҳолиси зич, ерлари жуда унумдор бўлган [al-Istakhri: 279]. Тўхористоннинг ҳамма шаҳарлари маъмурий жиҳатдан Балх вилоятининг таркибига кирган [al-Jakubi: 288]. Лекин солиқ китобларида Балхдан алоҳида қайд этилган [Ibn Naukal: 431]. Тўхористон тарихий вилояти мўғуллар давригача ёзилган манбаларда қайд этилган, лекин бу топоним сўнгги ўрта асрларда ёзилган манбаларда ҳам учрайди XIX асрда Шимолий Тўхористон Бухоро хонлигининг таркибига кирган, Жанубий Тўхористон эса Балх хонлигининг таркибига кирган ва Жанубий Туркистон ёки афғон Туркистони деб ҳам аталган [Камалиддинов 1996: 260 – 298]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 118; 1965: 514 – 515; 1971: 37 – 59; Колесников 1982: 133, 144; Barthold, Bosworth 2000: 600 – 602; de Meunard 1861: 389; Dekhoda X: 15389.

104. ал-Йа‘қубийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Ҳарот ва Марв ар-Рудга ал-Аҳнаф ибн Қайсни юборди. У Ҳаротга келганда, Ҳарот ҳукмдори уни яхши кутиб олди ва унга итоат билдирди [ал-Йа‘қубий II: 174]. Халифа ибн Хаййотга кўра, ал-Аҳнаф ибн Қайс Тўхористонга 4 минг аскар билан кетди [Халифа ибн Хаййот: 35].

105. Қаср ал-Аҳнаф (قصر الاحنف) ёки Қаср Аҳнаф ибн Қайс (قصر احنف بن قيس) – Марв ар-Руддан 1 *марҳала* ёки 5 *фарсах* масофада Балх йўлида жойлашган қалъа. Унинг номи араб лашкарбошиси ал-Аҳнаф ибн Қайс билан боғлиқ бўлиб, форс тилидаги манбаларда Диз-и Аҳнаф (دز احنف) [Худуд ал-‘Алем: 10а, 20а] ва Кушк-и Аҳнаф (كوشك احنف) шаклларида ҳам келтирилган [Истахрий 1368: 213]. 32/652-53 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз Марвни фатҳ этгандан кейин ал-Аҳнаф ибн Қайсни 4 минг аскар билан Тухористонга юборган эди. У Марв ар-Руд томонга юриб, йўлда шу ерда жойлашган Синвон (سنوان) ёки Сиванжирд (سوانجرد) номли қалъани сулҳ йўли билан фатҳ этган. Араблар бу ердан йўлга чиққанда, йўлда Тўхористон, Жузжон, ат-Толақон ва ал-Форйоб аҳлидан иборат 30 минг аскарлик 3 та қўшин уларга қарши чиқди. Араблар орқага чекиниб, ўша қалъада тўхтадилар. Кеч кирганда ғайридинлар келиб уларга ҳужум қилдилар ва ўртада шиддатли жанг бошланди. Кечаси билан давом этган жангда араблар устун келдилар ва ғайридинларни 12 *фарсах* масофагача қувиб бордилар. Шундан кейин одамлар бу қалъани Қаср ал-Аҳнаф деб атай бошладилар. Бу қалъа атрофидаги унга қарашли бўлган *рустоқ* ҳам кейинчалик Рустоқ ал-Аҳнаф (رستاق الاحنف) деб аталган. Бу қалъа чўл ўртасида жойлашган бўлиб, унинг атрофларида

экинзорлар кўп бўлган. Унда оқар сувлар, боғлар, токзорлар ва мевалар кўп бўлган [Ибн Хордадбех: 66; at-Tabari I: 2897 – 2902; Kodama: 209; al-Istakhri: 269, 270; Ibn Haukal: 442; al-Moqaddasi: 50, 299, 314, 247; al-Idrisi VIII: 477 – 478; Jacut III: 170; IV: 108; Mustawfi of Qazwin: 179]. Бу қалъанинг жойлашган ери ҳақида турли фикрлар мавжуд. В.В.Бартольд фикрига кўра, бу қалъа Мурғоб дарёси бўйлаб кетган йўлдан Балхга олиб борувчи йўлнинг айрилиш еридаги Қоровулхона қишлоғи ўрнида Қалъа-Вали сойининг Мурғобга қуйилиш ерида ёки Улуғтепа харобалари ўрнида жойлашган [Бартольд 1965: 254; 1971: 60 – 61, 70; Массон 1966: 75 – 163]. О.Г. Большаков фикрига кўра, бу қалъа ҳозирги Меручак қишлоғи ўрнида жойлашган [СГСА 1973: 167, 168; Большаков 1993: 187]. У ҳақида яна қаранг: de Meunard 1861: 447; Dehkhoda I: 1489 – 1490.

106. Марв ар-Руд (مرورود) ёки Марв Руд (مرورود) – Марвдан 40 ёки 47 *фарсах*, 6 *марҳала* ёки 5 кунлик йўл масофада Мурғоб дарёсининг юқори оқимида Балх йўлида жойлашган шаҳар ва вилоят [Bosworth 1991: 617 – 618; Dehkhoda XIII: 20719]. Ундан Ҳаротгача бўлган масофа 6 *марҳала*, Балхгача эса 12 кунлик йўлни ташкил этган. Одамлар унинг номини қисқартириб Маруд (مرود) ёки Марруд (مررود), шунингдек Марв ал-А‘ло (مروالاعلى) – “Юқори Марв” деб ҳам атаганлар. Ривоятга кўра, Марв сўзи ўт олдириш учун ишлатиладиган “оқ тош” маъносини билдирган. Ўрта форс (пахлавий) тилида ёзилган манбаларга кўра, Marv i Rōt шаҳрини Vahram i Yazdakert, яъни Баҳром V Гўр қурдирган [Markwart 1931: 11]. Исломдан олдинги Марв ар-Руд ҳукмдорлари *килан* унвонига эга бўлган. Суғд тилидаги манбаларда Марв ар-Руд шаҳрининг номи *mrwrwd* (*marw-rūd*) – Марв-Руд шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 216 (5430)].

Марв ар-Руд 32/652-53 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида ал-Аҳнаф ибн Қайс томонидан фатҳ этилган. Шаҳар тоғлар ўртасида жойлашган бўлиб, унинг ҳавоси тоза ва тупроғи унумдор бўлган. Унда боғлар ва токзорлар, мевалар ва турли-туман ноз-неъматлар кўп бўлган. Шаҳардан Марв дарёсигача бўлган масофа бир камон ўқи отилган масофага тенг бўлган. Шаҳардан ғарбда жойлашган тоғгача бўлган масофа 3 *фарсах*, шарқдаги тоғгача бўлган масофа эса 2 *фарсах*ни ташкил этган. Шаҳар бинолари пахсадан қурилган. Марв ар-Руд вилоятида Қаср Аҳнаф (قصر احنف), Дизах (دزه), ат-Толақон (الطالقان) ва Кафшин (كفشين) каби шаҳарлар бўлган [Ибн Хордадбех: 66, 67, 69; Ibn al-Fakih: 319 – 321; Kodama: 210; al-Jakubi: 291 – 292; Ibn Rosteh: 97, 105; at-Tabari I: 2682 – 2685, 2688 – 2690, 2897 – 2902; II: 73, 489 – 492, 596, 1107; al-Istakhri: 254, 261, 269, 270, 282, 283, 286; Ibn Haukal: 441 – 442, 454; al-Moqaddasi: 27, 50, 295, 299, 313, 323, 330, 335, 348; Худуд ал-‘Алем: 7а, 10а, 20а; al-Sam‘ani: 522R; al-Idrisi VIII: 476 – 477; Jacut IV: 505, 506; Mustawfi of Qazwin: 179]. Бу шаҳар ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмидаги Боло Мурғоб шаҳрининг ўрнида жойлашган [Бартольд 1971: 60



– 70; 1965: 252 – 256; 1963: 129, 314, 256, 276, 415, 517; СГСА 1973: 168; de Meunard 1861: 525 – 526; Колесников 1982: 133, 140, 144, 145, 156, 177, 178].

107. Рустоқ ал-Ахнаф (رستاق الاحنف) – Қаср ал-Ахнаф қалъасига қарашли ноҳийа ёки рустоқ. Бу қалъа чўл ўртасида жойлашган бўлиб, атрофида экинзорлар кўп бўлган. Унда оқар сувлар, боғлар, токзорлар ва мевалар кўп бўлган [al-Istakhri: 269, 270; Ibn Naukal: 442; al-Moqaddasi: 314; Худуд ал-‘Алем: 10а, 20а].

108. Шаққ ал-Журад (شق الجرد) – араб., “Каламуш жарлиги”. Ўрта асрларда Нишопур яқинида Шаққон (شقان) номли бир қишлоқ қайд этилган. У ерда 2 тоғ орасида жойлашган бир жарлик (شق) бўлиб, ундан сув оқиб ўтган. Бу ерда жойлашган қишлоқнинг номи ҳам шу жарлик билан боғлиқ бўлган [Jacut III: 306; de Meunard 1861: 352].

109. \*...<sup>109</sup> Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган.

110. Марв ар-Руд ҳукмдорининг исми Бодом (بادام) ёки Бозон (بازان) бўлган. ат-Табарийга кўра, 32/652-53 йилда араб лашкарбошиси ал-Ахнаф ибн Қайс билан Марв ар-Руд номидан Бозон (بازان) исмли марзбон сулҳ тузган. 90/708-09 йилда Марв ар-Руд ҳукмдори (малик) Бозом (بادام) ёки Бозом ал-Марврудий (بادام المروروذي) деб аталган [at-Tabari I: 2898; II: 1206, 1227; al-Ja‘kubi II: 342; al-Masudi: 259, 277]. Бошқа маълумотга кўра, Марв ар-Руд ҳукмдори Килон (كيلان) деб аталган [Ибн Хордадбех: 69]. ал-Йа‘кубийга кўра, Бодом (بادام) ат-Толақон ҳукмдори бўлган [al-Jakubi: 300; ал-Йа‘кубий II: 300]. 90/708-09 йилда Бодом (بادام) Низак ал-Барқашийга Қутайба ибн Муслимга қарши курашда ёрдам берди. Шунинг учун Қутайба унинг ўзини, катта ўғлини ва кичик укасини ўлдирди. Унинг бошини кесиб, онасининг бўйнига осиб қўйди, кейин уни ҳам ўлдиришни буюрди [Ibn A‘tham VII: 231]. ал-Балозурий келтирган маълумотдан аён бўладики, Марв ар-Руд ҳукмдорлари Сосонийларнинг ал-Йамандаги волийларининг қариндошлари бўлганлар. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda III: 4002.

111. ал-Йаман (اليمن) – Арабистон ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган мамлакат. Унинг ҳудудлари асосан тоғлардан иборат. Улар ал-Йаманнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Жабал деб аталади. Шарқда Руб‘ ал-Холи чўли билан туташган. Қизил денгиз ва Ҳинд океанининг ‘Адан кўлтиғининг соҳиллари бўйлаб Тихама чўли чўзилган. М.а. II минг йилликнинг охири – I минг йиллик бошларида ал-Йаман ҳудудида ўзига хос жанубий араб маданияти шаклланган. Бу даврда Хадрамаут, Қатабон, Саба, кейинчалик Мани давлатлари вужудга келган. М.а. I минг йилликнинг ўрталарида Саба давлати кучайиб, қолган давлатларни ўзига бўйсундирди. Милодий IV аср бошларида Ҳимйарийлар сулоласи ал-Йаман мамлакатада ўз ҳокимиятини ўрнатди. IV – VI асрларда ал-Йаманда яҳудийлик ва христианлик динлари тарқалди. VI асрнинг бошларида ал-Йаман ҳабаш (эфиоплар), VI асрнинг охирларида эса Сосонийлар томонидан босиб

олинган. 629– 630 йилларда ал-Йаман Араб халифалиги таркибига қўшиб олиниб, мамлакатда ислом дини қарор топиб, аста-секин ҳукмрон динга айланган. IX асрда ал-Йаманда 2 та сулола: Зийодийлар (пойтахти Забид шаҳри) ва Йафурийлар (пойтахти Сан‘о’ шаҳри) ҳукмронлик қилган.

IX асрда ал-Йаманда Сан‘о’, ал-Хашаб, Рухоба, Мармал, Са‘да, Баун, Ҳайвон, Хадрамаут, Ҳавлон, Нажлон ва бошқа бир қатор вилоятлар (*махолиф*) бўлган. Уларнинг умумий сони 84 та бўлиб, ҳар бири муайян бир қабиланинг ери ҳисобланган. Жанубий араб ва ал-Йаман қабилалари фатҳ урушларида фаол иштирок этганлар. Хусусан, Хуросонда улар араб қўшинининг катта қисмини ташкил этганлар [Ибн Хордадбех: 35, 55, 82, 114 – 117, 119, 121, 123, 125, 135; al-Jakubi: 317; Ibn al-Fakih: 33 – 36; al-Istakhri: 23 – 26; Ibn Naukal: 18 – 41; al-Moqaddasi: 68, 69, 94, 95, 97, 99, 100, 103 – 105; ac-Sam‘oniy I: 54; Jacut IV: 1034 – 1037]. Ҳозирги даврда қадимги ал-Йаман худудида Йаман Араб Республикаси жойлашган. Маъмурий жиҳатдан у 19 та вилоят (муҳофаза) га бўлинган. Унинг пойтахти Сан‘о’ (صنعاء) шаҳридир. У ҳақида яна қаранг: Grohmann, Brice, Smith 2002: 269 – 280.

112. Бозом ёки Бодом (بازام) – Сосонийлар шаҳаншоҳи Хусрав II Парвиз (591 – 628 йилларда ҳукм сурган) нинг ал-Йамандаги волийси. Тўлиқ исми Абу Михрон Бозон (بازان) ибн Сосон ал-Жарун бўлган. Унинг қароргоҳи ас-Сан‘о’ (الصنعاء) шаҳрида бўлган. 10/631-32 йилда Муҳаммад пайғамбар унга ислом динини қабул этишни таклиф этди ва у номига исломга кирган. Лекин тез орада у вафот этди, унинг аёли форслар билан бирга мусулмонларга қарши курашни давом этдирди ва жангда ҳалок бўлди [Hamzae Isprahanensis: 139; Jacut III: 401]. У ҳақида қаранг: Большаков 1989: 179, 183; Dehkhoda III: 4002.

113. ат-Табарий асарида Марв ар-Руд *марзбони* Бозоннинг ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирга ёзган мактуби ва унинг Бозонга ёзган жавоб мактубининг тўлиқ матнлари келтирилган [at-Tabari I: 2898 – 2900]. Бу ҳақида яна қаранг: ал-Йа‘қубий II: 174.

114. Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн Муҳаммад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Мадо’иний (135 – 225/752 – 840) – араб тарихчиси, унинг келиб чиқиши форс бўлиб, Шамс ибн ‘Абд Маноф қабиласининг *мавлоси* бўлган. У дастлаб ал-Басра шаҳрида, кейин маълум вақт ал-Мадо’ин (Ктесифон) шаҳрида яшаган ва унга нисбат қилиб ўзини ал-Мадо’иний деб атаган. Кейин у Бағдодга кўчиб, у ерда умрининг охиригача яшаган. Ал-Мадо’иний жуда кўп китоблар ёзган ва, айтишларича, уларнинг сони 240 тага етган. Улардан камида 5 таси Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига бағишланган. Унинг асарлари арабларнинг фатҳ урушлари, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти, мусулмон аёллар, халифалар тарихи, исломдан олдинги даврлар тарихи, шоирлар ва мамлакатлар каби мавзуларга бағишланган. Унинг асарларидан фақат 3 таси тўлиқ ҳолда бизгача етиб келган. Унинг асарларидан кўплаб парчалар ал-Балозурий, ат-Табарий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида сақланган

[at-Tabari I: 1868 – 1870, 1979, 2010, 2019, 2079, 2107, 2127, 2130 – 2135, 2143 – 2145; al-Ja‘kubi II: 4; Ibn an-Nadim I: 100 – 104; Ибн А‘сам VII: 183; VIII: 318, 319, 336 – 338, 341, 345, 347 – 349, 356; Macoudi I: 10; II: 70; IV: 225, 333, 368, 384, 424, 425; V: 106, 116, 282, 319, 324, 479; Jacut III: 514; IV: 64, 107; Ибн Халликон I: 419, 435, 466; II: 39, 47, 152, 473, 474; III: 63, 148, 152, 459]. У ҳақида яна қаранг: Sezgin 1986: 946 – 948; Brockelmann 1898: 140 – 141; Gibb 1923: 11 – 14; аз-Зириклий V: 140; Dehkhoda XIII: 20517.

115. Бағ (بغ) ёки Бағшур (بغشور) – Ҳаротдан 4 марҳала масофада Марв ар-Руд йўлида жойлашган Канж Рустоқ *ноҳий*асидаги шаҳар [Robson 1960: 893; Dehkhoda IV: 4893]. Унинг атрофи чўлдан иборат бўлиб, унда оқар сув бўлмаган, экинлари эса фақат ёмғир суви билан суғорилган. У ерда экинзорлар, боғлар ва тоқзорлар бўлган. Ичимлик суви қудуқлардан олинган. Унинг хавоси тоза, ерлари унумдор бўлган. 616/1219-20 йилда бу шаҳар хароба ҳолатда бўлган [al-Istakhri: 269, 285; Ibn Naukal: 429, 441, 457; al-Moqaddasi: 50, 298, 308, 348, 349; Худуд ал-‘Алем: 7а, 20а; Байхаки: 604, 870; ал-Сам‘оний II: 254; al-Idrisi VIII: 475; Jacut I: 694, 695]. Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Кушка дарёси бўйидаги Қалъа-и Маур қишлоғининг ёнида жойлашган [Жуковский 1894: 54, 169; Бартольд 1965: 137, 150; 1971: 70 – 71; Массон 1978: 128; СГСА 1973: 168]. Ўрта асрларда Шарқий Туркистонда ҳам Бағшур (بغشور) номли ер бўлган [Худуд ал-‘Алем: 9а, 136]. У ҳақида яна қаранг: de Meunard 1861: 109 – 110.

116. *амир* (امير) – араб., “буйруқ берувчи”, “бошлиқ” – Араб халифалиги даврида ҳукмдорлар унвони. Дастлаб бу унвонга халифалар оиласига мансуб шахслар ва лашкарбошилар эга бўлганлар. Олий ҳукмдор *амир ал-му‘минин* – “муъмин мусулмонлар амири” деб аталган. Ундан ташқари бу унвон *волий* (والي) – араб., “ноиб”, “бошқарувчи”, “волий” маъноларини ҳам билдирган бўлиб, унга вилоятлардаги маҳаллий маъмурият бошқарувчилари ва волийлар эга бўлганлар. Сомонийлар шариат бўйича ‘Аббосий халифаларининг Хуросондаги амирлари ёки волийлари, яъни бошқарувчилари ҳисобланган [al-Istakhri: 306, 311]. Маҳмуд Ғазнавий ҳам амалда қудратли ва мустақил ҳукмдор бўлса ҳам, расман халифаларнинг Хуросондаги ноибни ҳисобланган. 418/1027-28 йилда хитойлар ва уйғурлардан келган элчилар унга “Хуросон амири” деб мурожаат қилганлар [Marvazi: 7 – 8; Bosworth 1966: 88]. Бу ҳақида яна қаранг: Duri 1960: 438 – 439; Dehkhoda III: 3391 – 3392.

117. ал-Мурғоб (المرغاب) ёки Мурғоб (مرغاب) – Марв воҳасидаги энг катта дарё. У ҳақида I, 9-изоҳга қаранг.

118. Мурғоб дарёсининг қумга сингиб кетиши ва Марв ёнида яна ер юзига чиқиши бошқа манбаларда қайд этилмаган.

119. Марв ар-Руд шаҳри Сосонийлар давлатининг Турк хоқонлигига қарашли Тўхористон вилояти билан чегарасида жойлашган.

120. ал-Жузжон (الجوزجان), Жузжон (جوزجان) ёки Жузжонон (جوزجانان) – Жанубий Тўхористонда Марв ар-Руд ва Балх орасида жойлашган Гузгон (گوزگان) ёки Гузгонон (گوزگانان) *ноҳийаси* номининг арабча шакллари. Айрим манбаларда унинг номи Гузгонийон (گوزگانيان) шаклида ҳам келтирилган [Наршахий: 77]. Сўнгги ўрта асрларда унинг номи Жузкон (جوزکان), унинг худудидан оқиб ўтувчи дарё эса Об-и Жузгун (آب جوزگون) шаклларида ҳам қайд этилган [Та’рих-и Бадахшан: 5b, 6a, 35b]. Фирдавсийнинг “Шохнома” сига кўра, Гузгонон туркларнинг афсонавий ҳокони Афросиёб ҳукмронлик қилган даврда ҳам бўлган [Фирдоуси V: 149]. VII асрда арман тилида ёзилган географияда Гозкан Куст-и Хуросоннинг бир вилояти сифатида қайд этилган [Армянская география: 74]. Исломдан олдинги Гузгонон ҳукмдорлари *гузгон-худо* ёки *гузгонон-худот*, шунингдек *шоҳ Гузгонон* унвонларига эга бўлганлар [Ибн Хордадбех: 66, 68, 69; Бируни 1957: 112]. IX – X асрларда Сомонийларга қаршли Гузгонон *ноҳийасининг* маҳаллий ҳукмдорлар сулоласи Фариғунийлар ҳам шу унвонга эга бўлганлар. Улар ўзларининг келиб чиқишини қадимги Эроннинг Фаридун исмли афсонавий шоҳи билан боғлиқ деб билганлар [Худуд ал-‘Алем: 4a, 6b, 10a, 19b, 20b – 21b, 22b].

Гузгонон халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида ал-Акра‘ ибн Ҳобис ат-Тамимий томонидан фатҳ этилган. 125/742-43 йилда бу ерда халифа ‘Али ибн Абу Толибнинг авлоди Йаҳйо ибн Зайд ибн ‘Али ибн ал-Ҳусайн ибн ‘Али ибн Абу Толиб шу ерда ўлдирилган. У ‘Алавийларнинг тарафдорлари билан бирга Хуросон волийси Наср ибн Саййорга қарши исён кўтарган эди [at-Tabari I: 2897 – 2901; II: 489, 1208, 1218, 1226, 1297, 1568; ал-Сам‘оний III: 361 – 362].

X асрда Гузгонон бой ва ривожланган *ноҳийа* бўлиб, унинг худудлари катта майдонни эгаллаган. Унинг чегаралари шарқда Балх, Тўхористон ва Бомийон вилоятлари, жанубда Ғур ва Буст, ғарбда Ғаржистон ва Марв, шимолда эса Амударёё билан туташ бўлган. Гузгонон *ноҳийасининг* бош шаҳри Анбор (انبار) ёки Анбир (انبير) бўлиб, унда Фариғунийлар оиласига мансуб ҳукмдорларнинг қишки қароргоҳи жойлашган. Икки тоғ орасидаги дарада жойлашган бу шаҳар Марв ар-Руддан ҳам катта бўлган, унда оқар сувлар, токзорлар, боғлар ва мевалар кўп бўлган. Унинг бинолари пахсадан қурилган. Ёз вақтларида Гузгонон ҳукмдорлари тоғлар орасида жойлашган Гурзувон (كرزوان) номли шаҳарда ёки Жахузон ёки Йахудон (ал-Йахудий-йа) шаҳридан 1,5 *фарсах* масофада тоғ ёнбағрида жойлашган Дар-и Андро (اندرآ در) номли ерда яшаганлар. Арабларнинг волийси эса Йахудон (يهودان) шаҳрида ўтириб, ал-Форйоб *ноҳийасини* бошқарган. X асрда Гузгон *ноҳийасида* яна бир нечта шаҳарлар бўлган. Уларнинг энг катталари ат-Толақон (الطالقان), ал-Форйоб (الفارياب), Жахузон (جهوزان) ёки ал-Йахудиййа (اليهودية), Шабурқон (شبورقان) ёки Ушбурқон (اشبورقان) эди. Уштурж (اشترج)

шаҳри Андхуд (اندخود) номли *рустоқ*нинг маркази бўлган. Унинг атрофларида 7 та қишлоқ ва курдларнинг ўтовлари жойлашган. Курдлар қўйчилик ва туячилик билан шуғулланганлар. Ал-Форйоб шаҳри ат-Толақондан кичик бўлса ҳам, боғлари ва оқар сувлари уникидан кўпроқ бўлган. Унинг бинолари пахсадан қурилган. Унда жоме‘ масжиди бўлган, лекин унинг минораси бўлмаган. Бу шаҳарда ҳунармандчиликнинг барча турлари бўлган. Жаҳузон (Йахудон, ал-Йахудиййа) шаҳри тоғда жойлашган бўлиб, тижорат ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Ундаги жоме‘ масжидининг 2 та минораси бўлган. Улардан ташқари Кундарам (کندرم), Сон (سان), Нақомиш (نقماش), Жалор (جلار), Нарйон (نریان) каби шаҳарлар ҳам бўлган. Сон ва Кундарам шаҳарлари ҳам тоғда жойлашган. Бу шаҳарлардан ташқари Гузгонда *рустоқ*лар ва қишлоқлар ҳам кўп бўлган. Уларнинг оқар сувлари кўп, ерлари унумдор, мевалари эса тўлиб-тошган. Бозорларда тижорат қилиш учун ўзларининг моллари ҳам, бошқа ерлардан келтирилган моллар ҳам кўп бўлган. Гузгонда юқори сифатли ошланган тери ишлаб чиқарилган, у Хуросон ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларига олиб кетилган [al-Jakubi: 287; Ibn Rosteh: 105; Ибн ал-Факих: 98; Ibn al-Fakih: 319, 320; al-Istakhri: 254, 270, 271; Ibn Haukal: 442 – 443; al-Moqaddasi: 298, 306, 313, 323, 335, 337; Jacut II: 149]. Гузгон *ноҳийаси* ўзининг қадимги номини ҳозиргача сақлаб қолган. Афғонистоннинг шимоли-ғарбида жойлашган шу номли туманда Андхой ва Шибирғон шаҳарлари жойлашган. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 56 – 60, 73; 1973: 505 – 506, 515 – 525; Minorsky 1970: 328 – 337; Hartmann 1965: 608 – 609; Колесников 1982: 144; de Meunard 1861: 177; Dehkhoda XII 19374; Камалиддинов 1996: 328 – 350.

121. ат-Толақон (الطالقان) ёки Толақон (طالقان) – Марв ар-Руддан 3 *марҳала* ва ал-Форйобдан 3 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар [Bosworth 2000: 157; Dehkhoda X: 15268]. Ривоятга кўра, турклар ҳокони Афросийоб ҳукмронлиги даврида Толақонда мудофаа деворлари мустаҳкам қалъа бўлган [Фирдоуси III: 44; V: 149, 362; Махмуд ибн Вали: 61]. Бу шаҳар 32/652-53 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида ал-Аҳнаф ибн Қайс томонидан фатҳ этилган. 90/708-09 йилда Толақоннинг Саҳрак исмли ҳукмдори Тўхористоннинг бошқа ҳукмдорлари билан бирга Низак Тархоннинг даъватига қўшилиб, Қутайба ибн Муслимга қарши исён кўтарган [at-Tabari I: 2897 – 2902; II: 79, 489, 490, 1180, 1206]. X асрда ат-Толақон Гузгонон ҳукмдорларига қарашли ер бўлган. Бу шаҳарнинг катталиги тахминан Марв ар-Руд билан бир хил бўлган. У ал-Жузжон тоғлари билан туташган тоғ устида жойлашган. Бу тоғ устида унга қарашли *рустоқ*лар кўп бўлган. Унда оқар сувлар ва боғлар бўлган. Бинолари пахсадан қурилган. Унинг ҳавоси Марв ар-Рудниқига нисбатан тозароқ бўлган [Ибн Хордадбех: 66, 68; Ибн ал-Факих: 98; Ibn al-Fakih: 321; Kodama: 210; Ibn Rosteh: 105; al-Jakubi: 286 – 287; al-Istakhri: 270, 286; Ibn Haukal: 442, 458; al-Moqaddasi: 26, 50, 299, 313, 346

– 348; Худуд ал-‘Алем: 206; al-Idrisi VIII: 478; Jacut III: 491 – 492]. Ўрта асрларда ат-Толақон қалъаси Мансур-кух (كوه منصور) ёки Нусрат-кух (نصرت كوه) деб аталган. У баланд ерда жойлашган бўлиб, баландлиги ва мустаҳкамлиги бўйича унга тенги йўқ бўлган [Ибн ал-Асир XII: 150; Рашид-ад-Дин I (2): 219]. VIII аср ўрталарида Толақон яқинидаги Жандуйа (جندويه) номли қишлоқда Абу Муслим тарафдорлари билан Умавийларнинг кўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтди [Jacut II: 129]. 346/957-58 йилда ат-Толақонда қаттиқ zilзила бўлиб, аҳолисининг кўп қисми ҳалок бўлди, шаҳар эса вайрон бўлди [Ибн ал-Асир VIII: 172]. Кейин шаҳар яна тикланган ва қайта қурилган [Ибн ал-Асир XII: 150]. 617/1220-21 йилда Чингизхон шаҳарни 7 ой давомида қамал қилиб, уни катта қийинчилик билан қўлга олди ва вайрон қилди [Рашид-ад-Дин I (2): 219; Ибн ал-Асир XI: 170]. Маҳмуд ибн Валининг маълумотига кўра, XVII асрдаги Маймана (ميمنه) шаҳри қадимда Толақон (طالقان) деб аталган [Маҳмуд ибн Вали: 59]. В.В. Бартольд фикрига кўра, ўрта асрлардаги Толақон шаҳри Мурғоб дарёсининг юқори оқимидаги Қалъа-и Вали водийсининг жанубий қисмидаги Каурмах қалъасининг ўрнида ёки Тахт-и Хотун қалъасининг ёнида жойлашган [Бартольд 1965: 255; 1971: 62]. У ҳақида яна қаранг: Колесников 1982: 144, 177, 178; Камалиддинов 1996: 346 – 347. Ўрта асрларда Қазвин ва Рай вилоятларида ҳам ат-Толақон (الطالقان) номли шаҳарлар бўлган [Ibn al-Fakih: 302; al-Istakhri: 198, 200, 206; Ibn Naukal: 442; al-Moqaddasi: 26, 36; Худуд ал-‘Алем: 29a]. Шунинг учун Марв ар-Руд вилоятидаги ат-Толақонни Толақон Хуросон (طالقان خراسان) деб атаганлар [ас-Сам‘оний VIII: 175]. Ундан ташқари Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида ҳам ат-Толақон (الطالقان), ат-Тойақон (الطايقان) ёки ат-Тойақон (الطايكان) номли шаҳар бўлган [al-Istakhri: 275, 278, 279, 286; Ibn Naukal: 448; al-Moqaddasi: 49, 296, 303, 346; Худуд ал-‘Алем: 216]. У ҳақида яна қаранг: de Meunard 1861: 376 – 379.

122. ал-Форйоб (الفارياب) ёки Форйоб (فارياب) – ўрта асрларда Жанубий Тўхористондаги Гузгонон ноҳийасида, Марв ар-Руддан 3 *марҳала* ва ат-Толақондан 3 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар. Ундан Балхгача бўлган масофа 6 *марҳала* ёки 6 кунлик йўл, Гузгононнинг бош шаҳри Анборгача эса 5 *марҳала* ни ташкил этган [al-Jakubi 287]. Манбаларда унинг номи Борйоб (بارياب) ёки Порйоб (پارياب) шаклларида ҳам қайд этилган. Фирйоб (فيرياب) ёки Фирйоб (فرياب) шакллари ҳам учрайди [ас-Сам‘оний IX: 223, 290; Jacut III: 888, 930]. Форйоб номининг келиб чиқиши *фараб* (فرب) сўзи билан боғлиқ бўлиб [Маҳмуд ибн Вали: 63], “суғорилган ер” маъносини билдиради. Бу сўз ўрта форс (пахлавий) тилидаги *pari* – “ўсимлик меваси” ва *ab* – “сув” сўзларидан ясалган [Агаджанов 1965: 100]. Ўрта асрларда *фараб* сўзи Ўрта Осиё топонимиясида кенг тарқалган бўлиб, дарё ва ариқларнинг бўйида жойлашган ерларнинг номлари таркибида географик атама сифатидан кўп учрайди [Массон 1966: 163]. Форйоб шаҳри туркларнинг ҳоқони Афросийоб замонида ҳам бўлган [Фирдоуси V: 149]. Ривоятга

кўра, уни қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Кайқубод [Махмуд ибн Вали: 63] ёки Сосонийлар шаҳаншоҳи Йаздагирд (459 – 484 йилларда ҳукм сурган) нинг ўғли Фируз (Пероз) қурган [Ахмедов 1982: 41].

Илк ўрта асрларда Форйоб шахри Тўхористондаги алоҳида бир *ноҳийа*-нинг маркази бўлиб, унинг ҳукмдори *малик* (ملك) ёки *деҳқон* (دهقان) унвонига эга бўлган. Форойоб 32/652-53 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз даврида ал-Аҳнаф ибн Қайс томонидан фатҳ этилган. 90/708-09 йилда Форйобнинг Турсул исмли ҳукмдори Тўхористондаги бошқа ҳукмдорлар билан бирга Низак Тархоннинг даъватига жавобан Қутайба ибн Муслимга қарши исён кўтарган [at-Tabari I: 2897 – 1904; II: 73, 489, 1198, 1206, 1218, 1566, 1569, 1719]. IX асрда ҳам Форйоб Хуросоннинг алоҳида бир *ноҳийа*си сифатида қайд этилган [Та’рих-и Систан: 65]. X асрда эса Сомонийлар ва Фарифунийлар даврида Форйоб шахри ва унга қарашли ҳамма ерлар Гузгонон ҳукмдорларига бўйсунган [Худуд ал-‘Алем: 21а]. Форйоб шахри ат-Толақондан кичикроқ бўлса ҳам, унда оқар сувлар ва боғлар кўпроқ бўлган. Шаҳар жоме‘ масжидининг минораси XII асрда қурилган. Бинолари пахсадан қурилган. Форйобда ҳунармадчиликнинг деярли барча турлари бўлган [Ibn al-Fakih: 321; Ibn Rosteh: 105; al-Istakhri: 270, 271, 286; Ibn Naukal: 442, 458; al-Moqaddasi: 26, 50, 298, 346, 347; al-Idrisi VIII: 478]. XII асрда Форйоб Балх вилоятидаги шаҳарча (بلية) сифатида қайд этилган [ас-Сам‘оний IX: 223; Jacut III: 849].

Форйоб номи ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Афғонистон шимолидаги Туркистон вилоятининг бир тумани шу ном билан аталади. Унинг маъмурий маркази Маймана шахридан шимолроқда жойлашган Давлатобод шахридир. Ўрта асрлардаги Форйоб шахрининг харобалари Давлатободдан жанубдаги Хайробод қишлоғи ёнида жойлашган [Бартольд 1971: 58]. Яна бир фикрга кўра, бу шаҳар Давлатобод яқинидаги Салуртепа харобалари ўрнида жойлашган [Ахмедов 1982: 41]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 58 – 60; Frye 1965: 817 – 818; Колесников 1982: 144, 177, 178; de Meunard 1861: 414; Dekhoda XI: 16934 – 16935; Камалиддинов 1996: 338 – 340.

123. ас-Сағонийон (الصغانيان) ёки Сағонийон (صغانيان) – ўрта асрларда Чағонруд (Сурхондарё) водийсида жойлашган Чағонийон (چغانيان) вилояти номининг арабча шакли [ас-Сам‘оний VIII: 68; Jacut III: 393]. Шимолда унинг ҳудудлари Бойсун тоғлари, жанубда Амударёгача чўзилган. Ғарбда у ат-Тирмиз вилояти, шарқда эса Хутталон вилояти билан чегарадош бўлган [al-Beladsori: 407, 410, 419, 420; Ibn al-Fakih: 322, 324; al-Istakhri: 288, 295, 298, 340; Ibn Naukal: 455, 460, 477, 518, 519; al-Moqaddasi: 49, 268, 283, 313, 332, 346]. Манбаларда унинг номи Чағонийон (چغانيان) [Hudud al-‘Alam: 114; Низами: 67, 68], Жағонийон (جغانيان) [Jacut II: 88] ва Сако-нийон (صكانيان) шаклларида ҳам қайд этилган [Ибн ал-Факих: 100]. Ўрта асрларда унинг бош шахри ҳам шу ном билан аталган бўлиб, ат-Тирмиздан

4 марҳала [al-Jakubi: 292] ёки 24 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Khordadbeh: 33]. IX асрда бу шаҳар катталиги бўйича Тўхористонда Балхдан кейин иккинчи ўринда турган [al-Jakubi: 292]. X асрда у ат-Тирмиздан катта бўлса ҳам, аҳолиси ундан камроқ бўлган [al-Istakhri: 298; Ibn Naukal: 477]. Шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашган, оқар сувлари кўп, ҳавоси ёқимли бўлган. Унда турли хил ноз-неъматлар кўп бўлган, лекин унинг аҳолиси камбағал яшаган [Hudud al-‘Alam: 114]. Шаҳарнинг жоме‘ масжиди жуда ҳам чиройли бўлиб, унинг пишиқ ғиштан қурилган устунлари бўлган, у бозор ўртасида жойлашган. Шаҳарнинг ҳар бир ҳовлисида ариқ, унинг бўйида эса зич экилган дарахтлар бўлган. Бу ерда гўшт билан нон жуда сероб бўлган [al-Moqaddasi: 283]. Чағонийон шаҳрининг харобалари ҳозирги Денов шаҳридан 6 км жануби-шарқда Қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш ерида жойлашган бўлиб, Будроч деб аталади [Пугаченкова 1963: 59 – 60]. Чағонийон ҳақида қаранг: Бартольд 1965: 559 – 560; Spuler 1965: 1 – 2; Dekhoda VI: 8182; Камалиддинов 1996: 132 – 149.

124. Бу ерда Қаср ал-Ахнаф (قصر الاحنف) қалъаси назарда тутилган. У ҳақида II, 102-изоҳга қаранг.

125. ал-‘Ажам (العجم) – араб., “тил билмас”, “соқов”, яъни “араб тилини билмайдиган одам” деган маънони англатади. Араблар шарқда фатҳ этилган мамлакатлар, асосан Эрон ва Ўрта Осиёнинг аҳолисини шундай деб атаганлар [Dekhoda X: 15761]. Бу атама жой номи сифатида ишлатилган бўлиб, унда Арабистон ярим оролидан шимолда ва шарқда жойлашган аҳолиси эроний ва туркий бўлган мамлакатлар (Эрон ва Турон) назарда тутилган [Gabrieli 1960: 206]. Ўрта асрларда ал-‘Ироқ ҳам иккига бўлинган: ‘Ироқ ал-‘Араб (العراق العرب) – “арабларнинг ‘Ироқи” (унга Бағдод ва Басра шаҳарлари кирган) ва ‘Ироқ ал-‘Ажам (العراق العجم) – “‘ажамларнинг ‘Ироқи” (унга Исфаҳон ва Рей шаҳарлари кирган) [Jasut III: 628 – 631].

126. \*...<sup>126</sup> Бу маълумотни Гардизий ҳам келтирган [Гардизи: 24]. Араблар босиб олган шаҳарларда аҳолидан аскарликка одамлар беришни талаб қилар ва сулҳ тузилганда шуни шарт қилиб қўяр эдилар. Масалан, 93/711-12 йилда Қутайба ибн Муслим Самарқандга юриш қилганда у билан бирга Х<sup>в</sup>оразм ва Бухоро аҳлидан тузилган қўшинлар ҳам бор эди [at-Tabari II: 1242]. Баъзан бир шаҳарнинг аҳолиси иккинчи шаҳар ёки вилоятнинг аҳолисига қарши курашда арабларга ўзининг ёрдамини таклиф қилган. Масалан, 32/652-53 йилда Марв аҳли Саҳр (ал-Ахнаф) ибн Қайсга Тўхористон аҳлига қарши юришда у билан бирга жанг қилишни таклиф этганлар [at-Tabari I: 2901]. Афтидан, бу турли вилоятлардаги аҳолининг диний эътиқодлари бир хил ёки ҳар хил бўлиши билан боғлиқ бўлган. Марв аҳолиси зардуштийлик динига эътиқод қилган, Тўхористон аҳолиси эса буддизмга эътиқод қилган. Ундан ташқари, исломга қадар улар турли давлатлар таркибида бўлганлар: Марв – Сосонийлар империяси, Тўхорис-



тон эса Турк хоқонлиги таркибига кирган. Уларнинг тили ва урф-одатлари ҳам ҳар хил бўлган.

127. *малик ас-Сағонийон* (ملك الصغانيان) – “ас-Сағонийон подшоҳи”, исломдан олдин Чағонийонда ҳукм сурган турк ҳукмдорлари сулоласи *чагон-худом* [Ртвеладзе 1987: 218 – 224] ва туркий *шод* унвонларига эга бўлганлар [at-Tabari II: 1224; Gibb 1923: 9]. VII асрдаги хитойлик сайёҳ Сюан Цзан маълумотига кўра, Чи-го-йен-на (Чағонийон) вилоятининг подшоҳи *хи-су* номли туркий тилли қабиладан келиб чиққан бўлиб, Су-ман (Шуман) шахрининг ҳукмдори ҳам унга бўйсунган [Julien 1857: 20]. Бошқа бир хитой манбасида эса Су-ман шахри Хи-су (Ки-су) вилоятининг бош шахри деб кўрсатилган. Унга қўшни бўлган Хо-ру-мо шахрининг ҳукмдори ҳам *хи-су* қабиласидан бўлган [Watters 1904: 267 – 274]. Бу ҳукмдорларнинг ҳаммаси Тўхористон *йабғусига* бўйсунганлар [Chavannes 1903: 157, 199, 274, 276, 287; Watters 1904: 102]. Самарқанддаги Афросиёб харобаларида VI – VII асрларга мансуб суғд *ихшид*лари саройидаги деворий суратларда Чағон вилоятининг Туронтош подшоҳидан суғд *ихшиди* Вархуман ҳузурига келган элчилар тасвирланган [Альбаум 1975: 55]. VII аср охири – VIII аср бошида арабларга қарши Чағонийоннинг Тиш исмли подшоҳи курашган [at-Tabari II: 1152, 1160, 1180, 1473, 1552, 1767]. IX – X асрларда ҳам Чағонийонда келиб чиқиши туркий бўлган Муҳтожийлар сулоласи ҳукм сурган. ал-Балозурийнинг бу маълумотидан аён бўладики, Чағонийон подшоҳи Тўхористон халқларининг арабларга қарши олиб борган курашига раҳбарлик қилган. Халифа ибн Хаййотга кўра, Тўхористон аҳлининг бирлашган қўшинларига Таукон-шоҳ (طوقان شاه) исмли ҳукмдор бошчилик қилган [Халифа ибн Хаййот: 35]. Муҳтожийлар ҳақида қаранг: Ртвеладзе 1983: 177–181; 1985: 38 – 43.

128. Ат-Табарийга кўра, бу воқеалар 22/642-43 йилда юз берган. Ўша йили шаҳаншоҳ Йаздажирднинг арабларга қарши ёрдам сўраб юборган мактубига биноан турк хоқони турклар, Фарғона ва ас-Суғд аҳлини йиғиб, улар билан бирга Балх дарёсидан Хуросонга кечиб ўтиб, Балхга келдилар. У ердаги араблар Балхдан Марв ар-Рудга ал-Ахнаф ибн Қайснинг ёнига чекиндилар. Турклар ва суғдлар Балхдан Марв ар-Рудга келиб, шаҳар четиди тўхтадилар. Бир куни ал-Ахнаф ҳеч кимга айтмасдан кечаси яширинча қалъадан чиқиб, хоқоннинг қўшини турган ерга келиб турди. Тонг отай деганда, туркларнинг ноғорачиси туғ кўтариб қароргоҳдан чикди ва ноғорасини чалиб, белгиланган масофадаги ерга бориб турди. Ал-Ахнаф унга хужум қилиб, жанг қилди ва найзаси билан уриб ўлдирди. Кейин у туркнинг туғини олиб, унинг ўрнига турди. Бироздан сўнг яна бир турк ноғорачиси чиқиб, ўша амалларни бажарди ва белгиланган ерга бориб турди. Ал-Ахнаф унга ҳам хужум қилиб, уни найзаси билан уриб ўлдирди ва унинг туғини олиб, унинг ўрнига бориб турди. Яна бироздан сўнг қароргоҳдан учинчи турк ноғора ва туғ кўтариб чикди ва у ҳам олдинги икки турк қил-

ган амалларни бажарди ва улардан олдинги ерга бориб турди. Ал-Ахнаф унга ҳам хужум қилиб, уни найзаси билан уриб ўлдирди. Шундан кейин ал-Ахнаф орқасига қайтди ва жангга тайёрлана бошлади. Туркларнинг ода-тига кўра, жангдан олдин 3 ноғорачи бирин-кетин қароргоҳдан чиқиб, юқорида қайд этилган амалларни бажариши керак эди. Шундан кейин қолган кўшинлар жангга отланар эдилар. Ўша куни тонгда турклар жангга отланганда, ўзларининг 3 ноғорачиларининг ўлдирилган жасадларига дуч келдилар. Ҳокон буни ёмон аломат деб қабул қилди ва жангга киришмасдан Балхга қайтиб кетди [Tabari I: 2687 – 2688].

129. Халифа ибн Хаййотга кўра, мусулмонлар 13 *фарсах* масофагача ғайридинларни қувиб ўлдирдилар [Халифа ибн Хаййот: 35].

130. Марв ар-Руд *марзбони* бу жангнинг натижасини кутиб, сулҳда келишилган ўлпонни арабларга беришга шошилмай турган эди. Араблар ғалаба қозонганини билгач, у ўлпонни берди [at-Tabari I: 2902].

131. ал-Ақра‘ ибн Ҳобис ибн ‘Ақол ибн Муҳаммад ал-Мужоши‘ий ад-Доримий ат-Тамимий (31/651-52 йилда вафот этган) – исломдан олдин арабларнинг *тамим* қабиласи таркибидаги *дорим* уруғининг аслзодаларидан бири бўлган. Унинг асл исми Фурос (فراس) бўлган, ал-Ақра‘ (الاقراع) эса унинг лақаби бўлиб, “боши кал” маъносини билдирган. Муҳаммад пайғамбар уни ўз томонига оғдириш учун унга 100 та туя берган. Шундан кейин ал-Ақра‘ уруғи билан Муҳаммад пайғамбарнинг олдига келиб ислом динини қабул қилган ва унинг саҳобаларидан бири бўлган. У ал-Мадина шаҳрида яшаган, Макка ва ат-То‘иф шаҳарларини фатҳ этишда иштирок этган. Халифа Абу Бакр, ‘Умар ибн ал-Хаттоб ва ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида араблар ал-‘Ироқ, Форс ва Хуросонда олиб борган фатҳ урушларида фаол иштирок этган ва 31/651-52 йилда Тўхористондаги ал-Жузжон вилоятида жангда ҳалок бўлган [Ibn Saad VII (I): 24; al-Ja‘kubi II: 65 – 66; at-Tabari I: 1630, 1676, 1677, 1680 – 1683, 1711, 1716, 1762, 1920, 2058, 2066 – 2068, 2902; Ибн А‘сам II: 340; ас-Сам‘оний III: 361; Jacut II: 149; III: 122]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 15; аз-Зириклий I: 343.

132. *бану тамим* (بنو تميم) – “тамим қабиласи”, шимолий араб *мудар* қабилалари иттифоқига кирган. Уларни *тамимий*лар деб ҳам атаганлар. Уларнинг бобокалони Тамим ибн Мурр ибн Ад ибн Тойиха ибн Илйос ибн Мудар бўлган. Бу қабилага мансуб одамлар ат-Тамимий *нисбасига* эга бўлган. Тамимийлар дастлаб Нажд, ал-Басра ва ал-Йамома шаҳарларида ва уларнинг атрофларида яшаганлар. Кейинчалик улар турли ерларга тарқалиб кетганлар. Хусусан, *тамимий*лар Хуросон ва Мовароуннаҳрда олиб борилган фатҳ урушларида фаол иштирок этганлар ва уларнинг кўп қисми бу ерларда ўрнашиб қолган [ал-Балозурий 1959: 35; al-Beladsori: 407, 415, 422, 423, 424, 426; Ibn al-Fakih: 32, 33, 120, 160, 170, 172, 188; Ibn Rosteh: 176, 206, 217; al-Jakubi: 274, 279, 284, 309, 311, 351; al-Masudi: 187, 204, 206, 241, 243, 285, 293; at-Tabari II: 66, 178 493 – 495, 593 – 597, 695 – 698,

833; ac-Сам‘оний III: 78; Jacut I: 116, 121, 130, 143, 146, 148, 170]. Улар ҳақида яна қаранг: Lecker 2000: 172 – 176; аз-Зириклий II: 70, 71; Dehkhoda V: 6994; Большаков 1989: 58, 165, 171, 184, 193 – 196, 221, 237, 270, 271; 1993: 46, 51, 152; 2010: 34, 73, 82, 85, 86, 126, 150, 154, 252, 255, 259.

133. *ал-жиҳод* (الجهاد) – араб., “кураш”, “муқаддас уруш”, яъни Аллоҳ йўлида ислом дини учун ғайридинларга қарши олиб борилган қуролли кураш демакдир. Араб тилидаги *фатҳ* (فتح) ва *ғазв* (غزو) ёки *ғазавот* (غزوات) сўзлари ҳам худди шу маънода ишлатилган. *Жиҳод* уруши ғайридинларни ўлдириш ёки мусулмонларга тобе қилиш, уларнинг мол-мулкларини мусодара қилиш, бутпарастларнинг ибодатхоналарини вайрон қилиш, бутларни йўқ қилиш сингари амалларни ўз ичига олган. VII – VIII асрларда *жиҳод* урушларини олиб бориш мусулмон жамоасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган. Лекин баъзи фикҳ мактаблари бундай кўрсатмага қарши чиқиб, *жиҳод* уруши олиб бориш мажбурий эмас, уни мусулмонларга фақат тавсия этиш мумкин деб уқтирганлар. Фикҳ китобларида келтирилган кўрсатмага кўра, мусулмонлар 6 хил ҳолатда *жиҳод* урушини олиб боришлари керак: 1. Аллоҳ душманлари, яъни ғайридинларга қарши; 2. Араб халифалигининг чегараларига таҳдид қилувчиларга қарши; 3. Ислом динидан қайтганларга қарши; 4. Мусулмонларга тазйиқ ўтказувчиларга қарши; 5. Қароқчиларга қарши; 6. Якка худога эътиқод қилувчи (монотеист) лар *жизйя* (جزية) тўловини инкор қилсалар, уларга қарши *жиҳод* урушини олиб боришлари керак. Аллоҳ душманлари 2 тоифага бўлинган: *кофир* (كافر) лар, яъни ғайридинлар (буддавийлар, зардуштлар, монийлар ва ҳ.к.) ва *аҳл ал-китоб* (اهل الكتاب) – “китоб аҳли”, яъни мусулмонлар сингари якка худога эътиқод қилувчи яҳудийлар ва христианлар. Ғайридинларга қарши *жиҳод* уруши олиб борилганда, улар учун фақат 2 та йўл бўлган: ислом динини қабул қилиш ёки ўлим. Яҳудий ва христианлар (*аҳл ал-китоб*) учун эса танлаш ҳуқуқи берилган: ислом динини қабул қилиш ёки *жизйя* (жон ҳақи) тўловини тўлаш. Агар улар иккала талабни ҳам бажармасалар, улар ҳам ўлимга маҳкум этилганлар. Арабларга *жизйя* тўловини тўловчилар *аҳл аз-зимма* (اهل الذمة) деб аталган. Ислом динини қабул қилиб, кейин ундан қайтганларга ҳеч қандай шафқат қилинмаган: улар сўзсиз қатл этилганлар. Лекин кейинчалик арабларнинг *фатҳ* урушлари тугагандан сўнг бу қоидадан истиснолар ҳам бўлган. Араб халифалигида яҳудийлар ва христианлар билан бир қаторда зардуштлар ва монийлар ҳам яшаганлар. Хусусан, X асрда Самарқандда *зиндиқ* (زندق), яъни монийларнинг *хонақоҳи* очик фаолият кўрсатган [Hudud al-‘Alam: 113; Ibn al-Nadim II: 803 – 805]. Самарқанддаги Жуйи Арзиз (جوي ارزيز) осма кўпригини кўриқлаш мажбурияти эса *мажусий* (مجوسي) лар, яъни оташпарастларга юклатилган, бунинг эвазига улар *жизйя* тўловидан озод этилганлар [al-Istakhri: 316]. XII асрда Самарқандда Сиккат ал-Маджус (*مجوس سكة*), яъни “Оташпарастлар кўчаси”

қайд этилган [ас-Сам‘оний X: 366]. Араблар фақат бутпарастларга нисбатан шафқатсиз бўлганлар ва уларга кун бермаганлар.

Араблар ғайридинларга қарши *жиход* урушларини олиб бориб, кўп мамлакатларни босиб олдилар ва ислом динини тарқатдилар. Лекин аслида арабларнинг ғайридинларга қарши олиб борган *жиход* урушларидан кўзланган асосий мақсад бойлик орттириш ва қулларни кўлга киритиш бўлган. IX – X асрларда Сомонийлар ҳар йили Бағдодга катта миқдорда қуллар етказиб бериш мажбуриятини олганлар [Frye 1975: 203 – 204]. Бу ҳақида яна қаранг: Тауфик, Сагадеев 1991: 66 – 67; Туан 1965: 538 – 540; Dehkhoda V: 7920 – 7921.

134. Ибн ал-Ғурайза – исломдан олдин ва илк ислом даврида яшаб ижод қилган араб шоири. Унинг исми Касир ибн ‘Абдуллоҳ ибн Молик ат-Тамимий ан-Наҳшалий, Ибн ал-Ғурайза эса унинг лақаби бўлган, ал-Ғурайза (الغريزة) онасининг исми эди, у арабларнинг *тағлиб* қабиласининг асираси эди. Ибн ал-Ғурайза халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврида арабларнинг Хуросонда олиб борган фатҳ урушларида иштирок этган ва ал-Жузжон вилоятидаги ат-Толақон шаҳри учун бўлган жангларда қатнашган. Абу-л-Фараж ал-Исфажоний унинг бу жангларда ҳалок бўлганлар ҳақидаги шеърларидан парча келтирган. У тахминан 70/689-90 йилда вафот этган [аз-Зириклий VI: 72; Dehkhoda XII: 18188].

135. Хуф (حوف) – Гузгонон *ноҳий*асида бу номдаги *рустоқ* қайд этилмаган. Афтидан бу ерда унинг номи хато ёзилган бўлса керак. Ҳар ҳолда, биринчи ҳарф бундай ёзилиши мумкин эмас, чунки, агар бу ном маҳаллий бўлса, маҳаллий тилларда эмфатик *х* (ح) товуши бўлмаган. Бу ҳарфни каттиқ *х* (خ) ёки юмшоқ *ҳ* (ح) тарзида ёзилиши ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди. XIII аср бошларида яшаган араб географ олими Йоқут ал-Ҳамавийнинг маълумотига кўра, Балх вилоятида Хут (خوط) ёки Қут (قوط) номли қишлоқ бўлган. Унинг номи араб тилида “дарахтнинг пастки шохи” маъносини билдирган [Jacut II: 498; IV: 201]. XVI асрда Балхоб дарёсидан бошланувчи 18 та ариқлардан бири Наҳр-и Қут (نهر قوط) деб аталган [Салахетдинова 1970: 225]. IX асрда Марвдан Балхга олиб борувчи йўлда ал-Форйоб шаҳридан 5 *фарсах* масофада Қаср Хут (قصر خوط) номли қишлоқ жойлашган [Ибн Хордадбех: 66; Mustawfi of Qazwin: 179]. Бу йўлда у ал-Форйоб ноҳийасига қарашли биринчи қишлоқ бўлган. У чўлда жойлашган бўлса ҳам, аҳолиси зич ва обод ер бўлган [Kodama: 210]. X асрда Марв ар-Руд ва ат-Толақон ўртасида уларнинг ҳар биридан 1 кунлик йўл масофада Жиср Хур (جسر خور) ёки Қаср Хут (قصر خوط) номли ер қайд этилган [al-Moqaddasi: 348b]. Гузгонондаги ал-Йаҳудийа ва ал-Форйоб шаҳарлари ўртасида ҳам, уларнинг ҳар биридан 1 кунлик йўл масофада Қаср ал-Амир (الامير قصر) номли ер қайд этилган [al-Moqaddasi: 347]. Эҳтимол, ўша амирнинг исми Қут ёки Хут бўлгандир. Ибн ал-Асир келтирган маълумотга кўра, 337/948-49 йилда амир Нух ибн Наср (331 – 343/943 – 954 йилларда хукм

сурган) ўзининг турк амалдорларидан бири Буст ва ар-Руххаж ҳокими Хут (Қут)-тегиннинг қизига уйланган [Ибн ал-Асир VIII: 188]. 336/947-48 йилда у Хазинадор сифатида қайд этилган ва Нуҳ ибн Насрининг бошқа сарҳанглари билан бирга Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги Харжанг номли ерда Абу Али Чағонийга қарши кураш олиб борган. 345/956-57 йилда ҳам у Хазинадор қайд этилган [Гардизи: 72, 76]. Демак, Қут-тегин 336 – 345/ 947 – 956 йилларда Бухорода хазинадор лавозимини эгаллаган. Унинг ўзи Бухорода яшаган бўлса ҳам, унга амир томонидан қилган хизматлари учун *ал-иқто* (الاقطاع) мулки сифатида бир қанча ерлар инъом этилган. Юқорида келтирилган маълумотга кўра, у Хуросондаги Буст ва ар-Руххаж шаҳарларининг ҳокими бўлган. Ундан ташқари, у 335/946-47 ва 339 – 348/950 – 959 йилларда Балхда, 346/957-58 йилда ат-Тирмизда ўзининг исми билан мис тангалар зарб этдирган [Кочнев 2002: 59 – 66; 2004: 62 – 69]. Қут-тегин исми қадимги турк тилида *qut* – “омад”, “қут-барака”, “давлат”, “бахт” маъноларини билдирган [ДТС: 471]. Эҳтимол Қут/Хут қишлоғидаги Қут қасри эгасининг исми ҳам шу сўз билан боғлиқдир. Исломдан олдин Тўхористонда 100 йилдан ортиқ вақт давомида турк *йабғу*лари сулоласи ҳукмронлик қилган бўлиб, уларга қарашли шаҳарлар ва вилоятларда ҳам асосан турклар ҳукм сурганлар. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 219, 464; Dehkhoda VII: 10135; XII: 17812.

136. ал-Қасрайн (القصرين) – X асрда Марв ар-Руд ва ат-Толақон ўртасида уларнинг ҳар биридан 1 кунлик йўл масофада Жиср Хур (جسر خور) ёки Қаср Хут (قصر خوط) номли ер қайд этилган [al-Moqaddasi: 348b]. Мазкур асарнинг бошқа бир қўлёзма нусхасида Жиср Хур (جسر خور) ёки Қаср Хут (قصر خوط) номлари ўрнига Қасрай (قصري) – “икки қаср” номи ёзилган [al-Moqaddasi: 348]. Демак, Марв ар-Руддан Гузгононга олиб борувчи йўлда битта эмас, иккита қаср бўлган. X асрда ал-Йаҳудийя ва ал-Форйоб шаҳарлари ўртасида, уларнинг ҳар биридан 1 кунлик йўл масофада жойлашган Қаср ал-Амир (قصر الامير) номли ер қайд этилган [al-Moqaddasi: 347]. Эҳтимол, бу ўша иккинчи қасрдир. Ундан ташқари ал-Қасрайн номи бир ерга нисбатан ишлатилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ўрта асрларда Рай вилоятидаги бир қишлоқ Қасрон (قصران) – “икки қаср” деб аталган бўлиб, икки қисмдан иборат бўлган – Ички Қасрон (قصران الداخلي) ва Ташқи Қасрон (قصران الخارجي) [Ibn al-Fakih: 273; al-Istakhri: 206; Ibn Haukal: 270; al-Moqaddasi: 384, 386; Jacut IV: 105 – 106]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 446; Dehkhoda XI: 17608.

137. \*...<sup>137</sup> Бошқа манбаларда бу маълумотлар келтирилмаган.

138. Балх (بلخ) – Тўхористон вилоятининг бош шаҳри [al-Jakubi: 287 – 291; Ibn al-Fakih: 116, 209, 211, 227, 236, 262, 313, 316, 321 – 325; Ibn Rosteh: 97, 105; al-Istakhri: 254, 265, 270; Ibn Haukal: 447 – 448; al-Moqaddasi: 27, 33, 35]. Бу шаҳар Амударёдан жанубда Термиздан 12 *фарсах* ёки 2 *марҳала* масофада жойлашган [al-Masudi: 64]. Балх қадимги Бактрия-

Тўхористоннинг энг йирик шаҳри бўлиб, Аҳамонийлар даврида Бактрия, унга қарашли ерлар эса Бохтар-замин деб аталган. Бохтар (باختر) сўзи ўрта форс (пахлавий) тилида “шимол” маъносини билдирган [Ibn Rosteh: 103]. Бу шаҳар илк бор Доро I даври (м.а. VI аср) да ёзилган Беҳистун битигида қайд этилган. Ўрта форс (пахлавий) манбаларида унинг номи Вахл ва Вахг [Markwart 1931: 10; ПРС: 76], суғд тилидаги манбаларда Вhl (Vahl, Вахl) [Gharib 1995: 103 (2616)] шаклларида қайд этилган. Арман манбаларида бу шаҳар кушанлар мамлакатининг пойтахти Бахл Аравотин (“Кунчиқар томондаги Бахл”) ёки Бахл Шахастан (“Пойтахт шаҳар Бахл”) деб аталган [Тер-Мкртичян 1979: 38, 40, 44, 58, 61; Патканьян 1869: 59]. Парфия давлатига асос солган Аршакийлар сулоласининг илк қароргоҳи шу шаҳарда бўлган. Сосонийлар даврида Балхда ўрта форс (пахлавий) ёзувида ВН ва ВНЛ деб ёзилган тангалар зарб этилган [Дашков 2008: 268 – 269]. Баъзи маълумотларга кўра, қадимда Балх Боми (بامي), Бомин (بامین) ёки Бомийон (بامیان) деб ҳам аталган [at-Tabari I: 467; al-Tha‘alibi 1968: 87, 89]. Сўнгги ўрта асрларда Балх хонлигидаги Мазор-и Шариф шаҳри Балх-и Бохтар (بلخ باختر) деб ҳам аталган [Та’рих-и Бадахшан: 956, 976, 98аб, 99а, 108б, 116а].

Ривоятга кўра, Балх шаҳрини қадимги Эроннинг афсонавий подшоҳи Луҳросб туркларга қарши олиб борган урушлари жараёнида қурдирган ва мудофаа деворлари билан ўраган [at-Tabari I: 324, 645]. Зардуштийлик динининг асосчиси Заратуштра (Зороастр) ўзининг диний таълимотини илк бор Балх ҳукмдори Буштосб (Виштосб) ибн Луҳросбнинг саройида тарғиб қилган [at-Tabari I: 645]. Ривоятга кўра, Виштосп ўғли Спандийот унда Навозак (Navazak) номли гўзал пойтахт қурган ва муқаддас Вахрам (Vahram) оловини ўрнатган [Markwart 1931: 10]. Берунийга кўра, Исфандийор (Спандийот) шарқда ҳам, ғарбда ҳам муқаддас оловга бағишланган ибодатхоналар қурдирган [Бируни 1963: 66 – 67]. Яна бир ривоятга кўра, Балх шаҳрини Искандар Зу-л-Қарнайн (Македониялик Александр) қурган [Ibn al-Fakih: 322] ва қадимда у Искандарийа (Александрия) деб аталган [Jasut I: 713].

Исломдан олдин Балх бутун Хуросоннинг пойтахти бўлиб, унинг ҳукмдори *тархон* (طرخان) унвонига эга бўлган [al-Jakubi: 287]. Унинг Низак Тархон исмли ҳукмдори Дара-и Газ водийсидаги баланд тоғ устида жойлашган Борбар (باربر) ёки Фароздиз (فرازدر) номли тош қалъада яшаган [Махмуд ибн Вали: 46]. Турк хоқонлиги даврида Балх Тўхористон *йабгуларининг* пойтахти бўлган. Бу ерда Тўхористонда энг катта бўлган Навбахор (نوبهار) буддавий ибодатхонаси жойлашган. Араблар Балхни *дор мамлакат ал-атрок* (دار مملكة الاتراك) – “турклар мамлакатининг пойтахти” деб атаганлар [al-Idrisi VIII: 483].

Балх илк бор 32/652-53 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон (23 – 35/644 – 656 йилларда ҳукм сурган) ва Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир

ибн Курайз даврида ал-Аҳнаф ибн Қайс ат-Тамимий томонидан сулҳ йўли билан фатҳ этилган [at-Tabari I: 2903; ac-Сам‘оний II: 283]. Бошқа маълумотга кўра, Балх халифа Му‘овийа ибн Абу Суфйон (41 – 60/661 – 680 йилларда хукм сурган) даврида ‘Абд ар-Раҳмон ибн Самура томонидан фатҳ этилди [al-Jakubi: 287]. 90/708-09 йилда араб амири Асад ибн ‘Абдуллоҳ Балхни харобага айлантирди [at-Tabari II: 1206]. 107/725-26 йилда унинг ўзи Хуросон волийси этиб тайинланганда шаҳарни қайта тиклашни буюрган ва бу ишни бошқаришни Навбахор ибодатхонасининг бош қоҳини Бармакга топширган. Шаҳарнинг *қуҳандиз* ва *мадина* қисмлари қайта тиклангандан кейин унга Балх яқинидаги Баруқон номли қишлоқда турган араб аскарлари кўчириб келинди [at-Tabari II: 1490]. Хуросон вилоятининг ҳамма девонлари, яъни бошқарув органлари ҳам бу ерга кўчирилди [al-Beladsori: 428]. 118/736-37 йилда Асад ибн ‘Абдуллоҳ иккинчи марта Хуросон волийси этиб тайинланганда, у шахсан халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Маликдан рухсат сўраб, Балх шаҳрини тиклаш ишлари давом этдирди [Ахмедов 1982: 17]. Балх шаҳрининг араблар томонидан қайта тикланиши тарихда босқинчилар ўзлари вайрон қилган шаҳарни ўзлари тиклаганининг ягона мисолидир [Бартольд 1963а: 119].

IX – X асрларда Балх 3 қисмдан иборат бўлиб, пахсадан қурилган 2 қатор мудофаа деворлари билан ўралган. *Мадина* деворининг ташқи томонида хандақ бўлмаган. Қадимда шаҳар атрофларини ўраб турган яна бир ташқи девор ҳам бўлиб, унинг 4 та дарвозаси бўлган, улар орасидаги масофа эса 12 *фарсах*ни ташкил этган [al-Jakubi: 288]. Шаҳар текисликда жойлашган бўлиб, ундан энг яқин тоғларгача бўлган масофа тахминан 4 *фарсах*ни ташкил этган. Бу тоғ Жабал Куҳ (جبل كوه) деб аталган. Ички шаҳар (*мадина*) деворида эса 7 та дарвозаси бўлган. Шаҳарнинг *рабад* (ريض) қисми *мадинани* ҳамма томондан ўраб турган бўлиб, унинг катталиги бўйига ҳам, энига ҳам 1 *фарсах*га тенг бўлган [al-Istakhri: 278]. 550/1155-56 йилда ғузлар шаҳарни вайрон қилдилар. Кейин Балх аҳолиси яна қайтиб келиб, эски шаҳар харобалари ёнидаги текисликда янги шаҳар қурдилар. Унинг бинолари пахсадан қурилган. Жоме‘ масжиди мадинанинг ўртасида жойлашган. Уни ҳамма томондан бозор расталари ўраб турган. Бу масжид ҳар доим одамлар билан гавжум бўлган. Балх шаҳри ва чеккасидан Даҳос (دهاس) номли ариқ оқиб ўтган бўлиб, унинг номи “ўн тегирмон” деган маънони англатган. Бу ариқ Балхоб дарёсидан сув олиб, *рабад*даги ан-Навбахор дарвозаси ёнидан оқиб ўтган ва Жайхун дарёсининг чап томонида жойлашган Сийоҳжирд шаҳригача оқиб бориб, йўлидаги ҳамма *рустоқ*ларни суғорган. Шаҳарнинг ҳамма дарвозаларини боғлар ва тоқзорлар ўраб турган [Ibn Naukal: 447 – 448].

Қадимги Балх шаҳрининг харобалари Афғонистон шимолидаги Мозори Шариф шаҳри яқинида жойлашган бўлиб, 450 га майдонни эгаллаган. Унинг ёнида жойлашган қишлоқ ҳозир ҳам Балх деб аталади [Пугаченкова

1976: 137 – 140]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 37 – 59; Колесников 1982: 133, 134, 140, 145, 177, 181; Камалиддинов 1996: 298 – 316; de Meunard 1861: 112 – 114; Dehkhoda IV: 4952 – 4953.

139. Тўхоро (طخارا) – ўрта асрлардаги Тўхористон (طخارستان) топонимининг бир кўриниши (Ш, 103-изоҳга қаранг). Бу топоним қадимги *тўхор* этнонимидан ясалган бўлиб, “тўхорлар мамлакати” маъноси англатади. М.а. III – II асрларда *тўхор*лар ҳозирги Шарқий Туркистоннинг шимолий қисмида чорвадорлик билан шуғулланганлар ва кўчманчи ҳаёт тарзи олиб борганлар. Хитой манбаларида улар *юэчжи* деб аталганлар. Улар хунн қабилалар иттифоқи билан тўқнашиб, мағлубиятга учраганлар ва ерларини ташлаб, жанубга ва жануби-ғарбга Ўрта Осиё ҳудудларига кўчишга мажбур бўлганлар. Дастлаб улар Фарғона водийси, Сирдарё бўйлари ва Зарафшон водийсида тўхтаганлар. Кейин улар яна ҳам жанубга силжиб Сурхондарё водийсига келиб ўрнашганлар ва ўша даврда Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида жойлашган Юнон-Бактрия давлатини босиб олганлар. Мил. I – II асрларда улар бутун Бактрия ҳудудларини ўз ичига олган юксак маданиятли Буюк Кушонлар давлатига асос солганлар. Кушон подшоҳларига Ҳиндистондаги Кашмир вилояти ва Ҳиндикуш тоғларидан жанубда жойлашган айрим ерлар ҳам қарашли бўлган. IV асрда Кушонлар давлати қулагандан кейин унинг ерлари (Бактрия-Тўхористон) маълум вақт давомида Сосонийлар давлатига қарашли бўлган. V аср бошларидан VI аср ярмигача Бактрия-Тўхористонда эфталийлар давлати ташкил топди. 563 ёки 567 йилда эфталийлар турклар томонидан тор-мор этилгандан кейин уларнинг ерлари яна Сосонийларга ўтди. VII нинг бошидан эса Бактрия-Тўхористон Турк хоқонлигининг таркибига киритилиб, араблар истилосига қадар бу ерда олий турк хоқонлари хонадонига мансуб бўлган *йабғу* (*жабғу*) лар сулоласи ҳукм сурди. Хитой манбаларида илк ўрта асрлардаги Бактрия-Тўхористон давлати Ту-хо-ло деб аталган [Chavannes 1903: 155, 196, 200, 275; Бичурин II: 321 – 325]. Бу ном маҳаллий Тўхоро (طخارا) номининг хитойча шаклидир. Демак, бу мамлакатнинг асл номи Тўхоро бўлган, Тўхористон (طخارستان) атамаси эса илк ислом даврида янги форс тилининг таъсири остида вужудга келган. Марв шаҳрида ўрта асрларда Тўхорон (طخاران), Тўхоронийа (طخارانية) ёки Тухорон-беҳ (تخاران به) номли маҳалла ҳам бўлган. Бу маҳалладан чиққан олимлар ат-Тухорий (التخاري) *нисбаси* билан аталган [ас-Сам‘оний III: 28, 242; Jacut I: 827; III: 518; de Meunard 1861: 134, 389]. Эҳтимол бу топоним ҳам *тўхор* этноними билан боғлиқдир. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 261 – 263.

140. Ибн Хаййот ҳам шу рақамни кўрсатган [Халифа ибн Хаййот: 35].

141. Усайд (ёки Асид) ибн ал-Муташаммис – ал-Аҳнаф ибн Қайс амалкисининг ўғли. 32/652-53 йилда у Балх аҳли билан тузилган сулҳда келишилган ўлпонни йиғиш билан шуғулланган [at-Tabari I: 2903]. Усайд ибн



ал-Муташаммис манбаларда тарихчи ровий сифатида ҳам қайд этилган [at-Tabari I: 2640, 2713, 2903].

142. Хоразм (خارزم) – Амударёнинг куйи оқими ҳавзасида Орол денгизи ёнида жойлашган вилоят. Қадимда Хоразм ҳудудида катта ва кучли давлат бўлиб, илм-фанда у Катта Хоразм номи билан юритилади. Унинг чегаралари жанубда Мурғоб ва Тажан дарёларининг юқори оқимларигача чўзилган. Хоразм (Xorasm) номи илк бор “Авеста” да, Бехистундаги Доро I нинг катибаларида, шунингдек, қадимги юнон манбаларида учрайди. Ўрта форс (пахлавий) тилидаги манбаларда унинг номи X<sup>a</sup>arjām шаклида қайд этилган [ПРС: 19].

Ўрта аср араб ва форс манбаларида унинг номи X<sup>b</sup>оразм (خوارزم) шаклида келтирилган. Фақат ал-Балазурий унинг номини Хоразм (خارزم) шаклида қайд этган. Бу номнинг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар айтилган. Унинг иккинчи қисми қадимги хоразмий *zm* (*zum*) – “ер” сўзидан иборат. Унинг биринчи қисми эса қад. эрон. *xwz* – “қуёш” сўзидан ясалган [Толстов 1948: 80 – 81]. Бошқа фикрга кўра, X<sup>b</sup>оразм номининг келиб чиқиши Шарқий Урал ерларида тарқалган самодий тиллар билан боғлиқ бўлиб, “тошлоқ ер” маъносини англатади [Яйленко 1988: 133]. Яна бир фикрга кўра, бу ном *хуар* ва *ас*, ёки *хорзум* (*херзем*) этнонимлари билан боғлиқ бўлиши мумкин [Еремеев 1970: 139; Zekiyeu 2002: 425 – 432]. X<sup>b</sup>оразмликларнинг келиб чиқиши ҳақида турли ривоятлар мавжуд [Толстов 1948: 74 – 75]. Абу Райҳон Берунийга кўра, X<sup>b</sup>оразм ерига Искандар Зулқарнайн давридан 980 йил аввал одамлар кўчиб келиб, бу ерда туркларнинг мамлакати вужудга келган эди. Ундан 92 йил кейин бу ерга Кайковус ўғли Сиёвуш келиб ўзининг ҳокимиятини ўрнатган эди [Бируни 1957: 47]. Араб географ олими ал-Муқаддасийга кўра, бир подшоҳ ўзининг давлатидаги 400 та одамдан ғазабланиб, уларни одам яшайдиган ерлардан 100 *фарсах* масофадаги ерга ташлашни буюради. Шунда уларни X<sup>b</sup>оразмга олиб келиб, уларга 400 та туркий қизларини беришган эди. Шунинг учун уларда шу вақт (яъни X аср) га қадар туркларга хос хусусиятлар кучли. Кейинчалик бу ерда Кот шаҳри вужудга келиб, X<sup>b</sup>оразм пойтахти бўлган эди [al-Moqaddasi: 285 – 286]. Бу икки ривоятдан аён бўладики, X<sup>b</sup>оразм воҳасига дастлаб м.а. XIV асрнинг охирида турклар келиб ўрнашган, м.а. XIII асрда эса бу ерга эронликлар келиб ўрнашган. Иккала ривоят ҳам хоразмликларнинг келиб чиқиши маҳаллий турклар ва келгинди эронийлар билан боғлиқ бўлганига ишора қилади. X<sup>b</sup>оразм воҳасининг илк аҳолиси ҳақидаги ривоятлар м.а. II минг йилликда Ўрта Осиёга ҳинд-орий қабилаларининг кириб келиши ҳақидаги маълумотлар билан мос келади [Мэллори 1997: 61 – 82]. X<sup>b</sup>оразмликларнинг икки хил халқнинг қоришуvidан келиб чиққанлиги ҳақидаги ривоят археологик материалларда ҳам ўз исботини топган. Қадимда шунга ўхшаш жараёнлар Ўрта Осиёнинг бошқа минтақаларида ҳам юз берган деб тахмин қилиш мумкин [Камолитдин 2004: 47 – 58].

X<sup>B</sup>оразм ўлкаси Хуросондан ҳам, Мовароуннахрдан ҳам алоҳида жойлашган. Уни ҳар томондан чўллар ўраб турган. Унинг чегараси шимол ва ғарб томонда ғузлар мамлакатининг чегараси билан туташ бўлган, жануб ва шарқ томонида эса Хуросон ва Мовароуннахр жойлашган. Унинг ҳудудларида кенг вилоятлар ва бир қанча шаҳарлар бўлган. X<sup>B</sup>оразм Жайхун дарёсининг қуйи қисмида жойлашган. Ундан кейин дарё X<sup>B</sup>оразм кўлига қуйилган ергача ҳеч қандай аҳоли маскани бўлмаган. У Жайхун дарёсининг икки томонида жойлашган. Унинг Кот (کاث) номли энг катта шаҳри Жайхуннинг шимол томонида жойлашган, унинг жануб томонида эса ал-Журжонийа (الجرجانية) номли катта бир шаҳар бўлган. У пойтахтдан кейин X<sup>B</sup>оразмдаги энг катта шаҳар бўлган. Хоразм ғузларнинг савдо қиладиган ери бўлиб, бу ердан уларнинг карвонлари Журжонга йўл олган. X<sup>B</sup>оразмда пойтахтдан бошқа Дарғон (درغان), Ҳазорасб (هزاراسب), Хива (خيوه), Ардахушмитан (اردخشميثن), Софардиз (سافردز), Нузвор (نوزوار), Кардарон-X<sup>B</sup>ош (کردران خواش), Кардар (کردر), Қарийа Қаротакин (قرية قراتكين), Мадминийа (مذمينيه) ва Миздоҳқон (مزداخقان) номли шаҳарлар бўлган.

X<sup>B</sup>оразм пойтахти Кот Дархош (درخاش کاث) деб аталган. X асрда у хароба ҳолатда бўлган, кейин одамлар унинг ёнида ал-Журжонийага ўхшаш бошқа бир шаҳарга асос солдилар. Кот шаҳрида қўҳандиз ва мадина бор эди, уларни дарёнинг суви ювиб кетган. Улардан ҳеч қандай из ёки хароба ҳам қолмаган. Шаҳарнинг ўртасида шаҳарни ва бозорни кесиб ўтувчи Харкрур (خرکورو) номли ариқ оқиб ўтган. Шаҳар бу ариқнинг икки томонида жойлашган эди. Шаҳарнинг узунлиги тахминан учдан бир фарсахни, энига ҳам шунчани ташкил этган. Унинг бозорлари қулай жойлашган, савдоси эса чаққон ва даромадли бўлган.

Омул тарафдан юрганда, X<sup>B</sup>оразм чегарасидаги биринчи маскан ат-Тоҳирийа (الطاهرية) деб аталган. Бу ерда ҳамма иморатлар Жайхун дарёсидан жанубда жойлашган. Дарёнинг шимолида эса Ғоромхаша (غارامخشه) қишлоғига етгунча ҳеч қандай иморатлар бўлмаган. Кейин Ғоромхашадан X<sup>B</sup>оразмнинг бош шаҳрига қадар Жайхуннинг иккала тарафида иморатлар бўлган. Ғоромхашага 6 фарсах етмасдан дарёдан бир ариқ бошланиб, унинг ёқасида то шаҳарга қадар рустоқларнинг иморатлари жойлашган. Бу ариқ Ғовх<sup>B</sup>ора (غاوخواره) номи билан машҳур бўлиб, маъноси “мол емиши” бўлган. Бу ариқнинг кенглиги 5 бо‘, чуқурлиги эса икки қоматга тенг бўлган, унда қайиқлар қатнаган. Ғовх<sup>B</sup>ора ариғи 5 фарсах оқиб ўтганидан кейин ундан Казна (کزنه) номли ариқ оқиб чиққан, айрим рустоқлар унинг сувидан ҳаёт кечирган. ат-Тоҳирийадан Ҳазорасбгача Жайхун бўйидаги иморатли ерларнинг кенглиги катта бўлмаган. Ҳазорасбда сув ёйилиб оқа бошлаган ва шаҳар қаршисида дарёнинг кенглиги тахминан 2 фарсахга тенг бўлган. Кейин дарё 2 фарсах давомида ал-Журжонийага етгунча торайиб борган. Кейин дарё Курконждан 5 фарсах масофадаги Кит номли қишлоққа етиб борган. Бу тоғ яқинидаги бир қишлоқ бўлиб, бу тарафларда

ундан бошқа [аҳоли маскани] бўлмаган. Бу тоғнинг орқасида чўл жойлашган.

Ҳазорасбдан Жайхуннинг ғарбий соҳилидаги ерларгача кўп ариқлар бўлган. Улардан бири Омул яқинида Жайхундан бошланиб, Ҳазорасб (هزاراسب) деб аталган. У Ғовх<sup>в</sup>ора ариғининг тахминан ярмига тенг бўлиб, унда қайиқлар юрган. Кейин Ҳазорасбдан 2 *фарсах*га яқин масофада Кардарон-Х<sup>в</sup>ош (کردران خواش) номли ариқ бўлган. У Ҳазорасб ариғидан каттароқ бўлган. Ундан кейин Хива (خیوه) ариғи келган. Бу ариқ Кардарон-Х<sup>в</sup>ошдан каттароқ бўлиб, унда қайиқлар Хивага қатнаган. Ундан кейин Мадро (مذرى) ариғи келган. У Ғовх<sup>в</sup>орадан икки баробар каттароқ бўлиб, унда қайиқлар Мадрога қатнаган, Хива ариғи Мадро ариғидан бир *мил*га яқин масофада жойлашган. Мадро ариғидан Вадок (وذاك) ариғига ўтилган. Унда ҳам қайиқлар ал-Журжонийага қатнаган. Вадок ариғи билан Мадро ариғи орасидаги масофа 1 *мил* атрофида бўлган. Вадок ариғидан Х<sup>в</sup>оразм шаҳригача масофа 2 *фарсах* атрофида. Шаҳардан пастрокда ал-Журжонийа *ноҳийаси*да Бух (بوه) номли ариқ бўлган. Бух ариғининг суви Вадок ариғининг суви билан Андаристон (اندرستان) номли қишлоқнинг охирида, ундан пастрокда, ал-Журжонийа ва Вадок томонга юраверишда қўшилган. Вадок ариғи Бухдан каттароқ бўлган, унда қайиқлар бир *галва* масофада ал-Журжонийага қатнаган. Кейин у ерда қайиқлар юришини таъқиқлайдиган тўсиқ ўрнатилган. Бу икки ариқнинг қўшилиш еридан ал-Журжонийагача масофа 1 *марҳала* атрофида бўлган. Ғовх<sup>в</sup>ора ариғи билан шаҳар орасидаги масофа 12 *фарсах*ни ташкил этган. Шаҳар ёнида Х<sup>в</sup>оразм дарёсининг кенглиги 2 *фарсах* га тенг бўлган. Кардар шаҳрининг Х<sup>в</sup>оразм шаҳридан 4 *фарсах* пастрокда бошланувчи дарёси бўлиб, у бир-бирига яқин жойлашган 4 манзилдан келиб, бир ўзанга бирлашган, кейин Бух ва Вадок ариқларини қўшилганига тенг бир дарёга айланган. Айтишларича, қадимги вақтларда Жайхуннинг ўзани шу ерда бўлган. Агар Жайхуннинг суви камайса, бу дарёдаги сувнинг сатҳи ҳам пасайган. Кит (کيث) шаҳрининг қаршисида, дарёнинг шимол тарафида Мадминийа (مذمينيه) номли шаҳар жойлашган. У Жайхундан 4 *фарсах* масофада жойлашган. Лекин у ал-Журжонийага қарашли бўлган. Бундай бўлишининг сабаби шуки, дарё Кардардан бурилиб, Кит ва Мадминийа орасидан ўтувчи янги ўзандан оқа бошлаган. Дарёнинг бу қирғоғида Мадминийадан кейин бошқа ҳеч қандай аҳоли маскани бўлмаган. Кардар ва Жайхун орасида Миздохқон (مزداخقان) номли *рустоқ* бўлган. Миздохқон ва Жайхун орасидаги масофа 2 *фарсах*ни ташкил этган. У ал-Журжонийанинг қаршисида жойлашган. Кардар атрофидаги шаҳарга кетаверишдаги ҳар бир қишлоқнинг Жайхундан чиқарилган ўз ариғи бўлган. Бу ариқларнинг ҳаммаси Жайхундан бошланган. Сўнгра Жайхун дарёси овчилар яшайдиган бир ерда Х<sup>в</sup>оразм кўлигача етиб борган. У ерда ҳеч қандай қишлоқ ва бинолар бўлмаган. Бу ер Халанжон (خلنجان) деб аталган. Бу денгизнинг қирғоғида Халанжон қаршисида *гузлар* ери жойлашган.

Сулҳ ва тинчлик бўлганида, *ғузлар* бу томондан Қарийа Қаротакин (قراتكين) га, бошқа томондан эса ал-Журжонийага келганлар. Бу *ноҳийанинг* ҳаммаси чегара ерлар бўлган.

Жайхун дарёсидан Ғовх<sup>в</sup>ора (غاوخوارة) га тахминан 1 *марҳала* масофа қолганда, унинг олдида сув йўлини тўсиб турувчи тоғлар бўлган. У ерда сув шунчалик торайиб кетганки, Жайхуннинг кенглиги унинг 1/3 ига тенг бўлиб қолган. Бу ер Абуқша (ابوقشه) деб аталган. Бу ер кемалар юришига жуда ҳам хавфли бўлиб, унда сув оқими жуда ҳам тез ва сувнинг чиқиши ери жуда ҳам хатарли бўлган. Жайхун дарёси қўлга қуйиладиган ер билан аш-Шош дарёси (Сирдарё) нинг қуйиладиган ери орасидаги масофа тахминан 10 кунлик йўлни ташкил этган. Қишда Жайхун дарёси баъзан музлаб турган, ҳатто унинг устидан оғир нарсалар, эшаклар, юклар ва туялар олиб ўтилган. Дарёнинг муз билан қопланиши Х<sup>в</sup>оразмдан бошланиб, музланиш юқорига қараб қалинлашиб борган. Совуқ қанчалик қаттиқ бўлса, муз шунчалик қалин ва қаттиқ бўлган. Жайхун дарёси бўйидаги энг совуқ ерлар Х<sup>в</sup>оразм ерлари бўлган. Х<sup>в</sup>оразм кўлининг соҳилида Жағир Уғур (جغراغر) номли бир тоғ бўлиб, унинг ёнида музлаган сув ёзда ҳам эримаган. У ерда тўқайзорлар бўлган. Менга айтишларича, Х<sup>в</sup>оразм кўлининг айланаси тахминан 100 *фарсах*га тенг бўлган. Унинг суви шўр бўлган. Унга Жайхун дарёси, аш-Шош дарёси ва яна бир қанча кичик дарёлар қуйилган. Кўлдан сув ҳеч қаерга чиқиб кетмаган. У кичик бўлса ҳам, унинг суви чучукланмаган, сатҳи эса кўтарилмаган. X асрда тарқалган фикрга кўра, бу кўл билан ал-Хазар денгизи орасида ер ости сув йўли бўлиб, унинг суви ал-Хазар денгизининг суви билан қўшилган. Бу икки кўл орасидаги масофа тахминан 20 *марҳалани* ташкил этган.

Х<sup>в</sup>оразм ери ғоят ҳосилдор бўлиб, унда озиқ-овқатлар, дон-дунлар ва мевалар кўп бўлган, лекин у ерда ёнғоқ ўсмаган. У ердан пахта ва жундан тикилган кийимлар, турли матолар олинган ва бошқа мамлакатларга олиб кетилгане. Х<sup>в</sup>оразм аҳли ўз бойликлари ва саҳийликларини намойиш қилишни яхши кўрганлар. Хуросон аҳли ичида турли ерларга энг кўп тарқалиб кетган ва энг кўп саёҳат қилувчилар х<sup>в</sup>оразмликлардир. Хуросонда бирорта ҳам катта шаҳар йўқки, унда х<sup>в</sup>оразмликларнинг кўп сонли жамоаси бўлмаса. Х<sup>в</sup>оразм аҳолисининг тили алоҳида, ўзига хос. Хуросонда уларнинг тилига ўхшаш бошқа тил йўқ. Уларнинг кийимлари калта *қуртуқлар* ва чўгирма бош кийимлардан иборат бўлган, уларнинг тикилишида ўзига хос анъана ва шакл мавжуд бўлган. Улар *ғузларга* қарши курашда матонат ва жасорат кўрсатганлар. Х<sup>в</sup>оразмда на олтин, на кумуш ёки бошқа бирор ер ости бойликларининг конлари мавжуд бўлмаган. Уларнинг ҳамма бойликлари турклар билан савдо қилиш ва чорва боқишдан келган. Қулларнинг кўп қисми Х<sup>в</sup>оразмга *славян, хазар* ва улар билан қўшни бўлган ерлардан келтирилган, шунингдек, уларга турк қуллари, *ал-фанақ*, сувсар, тулкилар, *ад-далақ* мўйналари ва бошқа ҳайвонларнинг мўйналари

келтирилган. Уларнинг савдогарлари куён ва мўйналарни олиб келиш учун Йожуж ва Можуж мамлакатларига борганлар [Ibn al-Fakih: 7, 8, 210, 229, 237, 246, 297, 302, 320, 321, 324; al-Istakhri: 253, 254, 281, 282, 287, 295, 297, 299, 305, 338 – 342; Ibn Naukal: 478 – 482, 517. 520; al-Moqaddasi: 34, 36, 258, 260, 274 – 289, 313, 322 – 326, 335 – 337, 340; ac-Сам‘оний V: 193; II: 363; Jacut II: 480 – 486]. Баъзан X<sup>в</sup>оразм пойтахти Кот (كاث) шаҳри ҳам X<sup>в</sup>оразм деб аталган [al-Tha‘alibi: 89]. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 1978: 1060 – 1065; Dehkhoda VII: 10022 – 10023.

143. *ан-наҳр* (النهر) – араб., “дарё”. Бу ерда Жайхун дарёси, яъни Аму-дарё назарда тутилган.

144. *мадина* (المدينة) – араб., бу сўз ўрта асрларда икки хил маънода ишлатилган: “шаҳар” ёки “ички шаҳар” ва “бош шаҳар”, яъни “пойтахт”. Бу сўзнинг “бош шаҳар”, “пойтахт” маъносини англатувчи арабча синоними *қасаба* (قصبه) дир. Бу ерда X<sup>в</sup>оразмнинг бош шаҳри Кот (كاث) назарда тутилган [ac-Сам‘оний V: 193; II: 156, 353, 363]. Ўрта аср араб географиясида вилоятларнинг бош шаҳарлари вилоят номи билан *мадина* – “бош шаҳар” деб ҳам аталган. Масалан, IX асрда Фарғонанинг исломдан олдинги бош шаҳри Косон *мадинат Фарғона* (مدينة فرغانة), X асрда Сижистон вилоятининг бош шаҳри Заранж (زرنج) *мадинат Сижистон* (مدينة سجستان) ёки Шаҳр-и Систон (شهر سيستان) деб аталган [Suhrah: 29; Байхаки: 582; Та’рих-и Систон: 64], Нишопур вилоятининг бош шаҳри Абаршаҳр (ابرشهر) *мадинат Нишопур* (مدينة نساپور) [Suhrah: 35; al-Tha‘alibi 1968: 87], ac-Суғд вилоятининг бош шаҳри Самарқанд (سمرقند) *мадинат ac-Суғд* (مدينة الصغد) деб аталган [Suhrah: 41], Бухоро вилоятининг бош шаҳри Бумижкат (بومجكث) *мадинат Бухоро* (مدينة بخارا), аш-Шош вилоятининг бош шаҳри Бинкат (بنكث) *мадинат аш-Шош* (مدينة الشاش) деб аталган [Suhrah: 35]. Бу ҳақида яна III, 16, XI, 8 ва XXV, 30, XXXVI, 4-изоҳларга қаранг.

Ўрта асрларда Шарқнинг деярли барча йирик шаҳарлари 3 қисмдан иборат бўлган: ички қалъа (қўрғон, *куҳандиз*, *арк*, *ҳисор*), ички шаҳар (шаҳристон ёки *ал-мадина ал-дохила*) ва ташқи шаҳар (*рабад* ёки *ал-мадина ал-хорижа*). Кўпчилик шаҳарларнинг фақат ички қисмлари, айрим йирик шаҳарларнинг эса учала қисми ҳам мустақкам қалъа деворлари билан ўралган. Ички қалъада одатда ҳукмдорнинг саройи ва маъмурий бинолар, ички шаҳарда – аҳоли яшайдиган маҳаллалар ва жоме‘ масжидлари, ташқи шаҳарда эса савдо ва ҳунармандчилик расталари, бозорлар ва карвонсаройлар жойлашган. Бу ҳақида қаранг: Huici-Miranda 1978: 467; Dehkhoda VI: 9094 – 9099; XI: 17679 – 17680; XII: 17826, 18625, 18792. Ўрта Осиёдаги шаҳарларнинг таркибий қисмлари ҳақида қаранг: СГСА 1973: 14 – 47; Воронина 1959: 84 – 104; Куренной 1970: 61 – 64.

145. Матнда: *лам йақдир* ‘алайҳо (لم يقدر عليها) – “уни енга олмади” [al-Beladsori: 408], Ибн Хаййот матнида: *лам йатуқҳо* (لم يطقها) – “уни қўлга ола олмади” [Халифа ибн Хаййот: 35].

146. Сулҳ шартига кўра, Балх аҳли Асидга 400 минг *дирҳам* тўлаши керак эди. Асид пул йиғиш учун келганда, одамлар унга пул ўрнига олтин ва кумушдан ясалган идишлар, олтин ва кумуш тангалар, кийимлар ва бошқа қимматбаҳо молларни тақдим этдилар. Асид улардан: “Бу нима, сулҳда келишилган ўлпонми”, деб сўради. Улар эса: “Йўқ, бу шу муборак кунда бизга ҳоким бўлиб келган амирнинг хайрихоҳлигини қозониш учун берилган совғалар”, деб жавоб бердилар. У “бу қандай кун экан?”, деб сўраганда, улар “Меҳрижон”, деб жавоб бердилар. Асид совғаларни қабул қилди ва ал-Ахнафга топширди, у эса уларни ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирга етказди [at-Tabari I: 2903 – 2904].

147. Мо дуна-н-наҳр (ما دون النهر) – араб., “дарё пастидаги [ер]”. Бу ерда Жайхун дарёси, яъни Амударёнинг чап соҳилида, ундан жанубда ва жануби-ғарбда жойлашган ерлар, яъни Хуросон ва Жанубий Тўхористон назарда тутилган. Бу атама ўзининг маъносига кўра, Мовароуннаҳр атамасига ўхшаш бўлган.

148. Мовароуннаҳр (ما وراء النهر) – араб., “дарё ортидаги [ер]” маъносини билдиради. IX – X асрларда Амударёдан шимолда, яъни Араб халифалиги таркибига кирувчи Ўрта Осиёда жойлашган ерлар шундай ном билан машҳур бўлган [Jacut IV: 400 – 403]. Ўрта асрларда бу номнинг форсча Вароруд (وراء رود) шакли ҳам ишлатилган бўлиб [Баевский 1980: 85], Тоҳирийлар даврида (IX аср) бу ном ҳудудий жиҳатдан Хуросон вилоятининг давоми ва ал-Машриқ номли *руб’ маскун* (ربع مسكون) – “ўзлаштирилган ерлар”нинг бир қисми сифатида тушунилган [Ибн Хордадбех: 67–68; Ибн ал-Факих: 97–101]. Сомонийлар ҳукмронлиги бошланганда (IX аср охири) эса Мовароуннаҳр алоҳида маъмурий бирлик бўлиб, X асрдан бошлаб унга Хуросон ҳам қарашли бўлган [Ибн ал-Асир VII: 182; IX: 65]. Ҳокимият Қорахонийлар қўлига ўтгандан кейин Мовароуннаҳр Туркистон номи билан ҳам аталган бўлиб, бу ном остида Араб халифалиги таркибига кирган Туркистон ерлари назарда тутилган [Кошғарий III: 164].

Мовароуннаҳр сўзининг лотинча шакли Transoxiana (Трансоксиана) бўлиб, бу ном Европа тарихий ва илмий адабиётида қабул қилинган. Птолемей харитасига кўра, Окс (Oxus) дарёсининг шимолий тарафида Ўксарт (Oxartia) дарёсининг қуйи оқимида унинг чап соҳилида *ариак* (Ariaca) номли халқ яшаган [Tabulae Geographicae VII: Asiae]. Бу этноним туркий *ариёқ* (*нариёқ*) сўзидан ясалган бўлиб, “дарёнинг нариги тарафидаги” деган маънони билдиради. Тахмин қилинишича, Лотинча Трансоксиана (Transoxiana) ва арабча Мовароуннаҳр (ما وراء النهر) атамалари айнан шу туркий сўздан таржима қилинган [Попов 1973: 142; Сатыбалов, Попов 1956: 109–112].

Мовароуннаҳр номи илк бор энг биринчи (*саҳиҳ*) ҳадисларда қайд этилган [ан-Насафий 1991: 131, 488, 505]. Афтидан бу ном араблар орасида исломга қадар ҳам ишлатилган бўлиб [Ибн Хордадбех: 61, 69], Сосонийлар

империясидан шимоли-шарқдаги ерларни англаган. Араблар Ўрта Осиёга илк юришлар қилган вақтларда бу ерларга нисбатан икки хил атама ишлатганлар: *Мо дуна-н-наҳр* (ما دون النهر), яъни “дарёнинг пастидаги ерлар”, ва *Мо варо’ ан-наҳр* (ما وراء النهر) ёки *Мо халфа-н-наҳр* (ما خلف النهر) – “дарёнинг ортидаги ерлар” [ас-Сахмий: 10]. Унда “дарё” деганда Амударё назарда тутилган. IX асрда *Мо дуна-н-наҳр* атамаси Хуросондан шарқда, Ҳиндикуш тоғларидан шимолда ва Амударёдан жанубда жойлашган Жанубий Тўхористон ҳудудларини, *Мо варо’ ан-наҳр* атамаси эса Шимолий Тўхористон ва Суғд ерларини англаган [al-Beladsori: 408]. X асрда ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқал “*Мо варо’ ан-наҳр*” тушунчасига фақат Суғд ва Шимолий Тўхористоннинг бир қисмини киритганлар, лекин тақсимлашда қулай бўлиши учун Жайхун (Амударё) ва Вахшоб (Вахш) дарёларидан жанубда жойлашган Х<sup>в</sup>оразм ва Хутталонни ҳам унинг таркибига қўшганлар [al-Istakhri: 295]. X асрда ал-Муқаддасий Мовароуннаҳр ўрнига ал-Ҳайтал атамасини ишлатиб, унга Жайхун (Амударё) дан шимолдаги ерларни киритган, Х<sup>в</sup>оразм ва Хутталонни эса алоҳида қайд этган [al-Moqaddasi: 261]. У ҳақида яна қаранг: Barthold, Bosworth 1986: 852–859; Dehkhoda XIII: 20032 – 20033; Асилова, Агзамова 1988: 36; Камолиддин 2002: 61 – 68.

149. *аҳрама* (الحرم) – араб., “*ихром* киймок”, “муқаддас ерларга бормок”. *Иҳром* (احرام) – “муқаддаслаштириш”, “муқаддас ҳолатга ўтиш”, мусулмонларнинг катта ва кичик ҳаж қилиш (*ҳаж* ва *ўмра*) вақтидаги алоҳида ҳолати. Ҳаж сафарига борган мусулмонлар танасига ўрайдиган тоза оқ рангли икки бўлак махсус мато ҳам *ихром* деб аталган. Бу матоларнинг бири билан тананинг белдан паст қисми ўралган, иккинчиси эса елкага ташланган. Макка ва ал-Мадинадаги муқаддас ерларга борган мусулмонлар *ҳаж* ёки *ўмра* амалларини бажаришдан олдин сочларини ва тирноқларини олиб, таҳорат қилганлар. Ундан кейин *ихром* матоларини ўраганлар. Эркакларнинг боши очик қолган, аёллар эса бошига рўмол ўраган. Оёққа махсус шиппак кийилган. Шундан кейин махсус калималар келтирилган ва муқаддас ерларни зиёрат этишга рухсат берилган. *Иҳром* ҳолатида тирик мавжудотларни ўлдириш, гулларни узиш, дарахтларни синдириш, соч-соқол, тирноқларни олиш, хушбўй атирлар суриш, тижорат билан шуғулланиш ва жинсий алоқа қилиш тақиқланган. Агар бу шартлар бузилса, ҳаж сафари қонуний кучга эга бўлмаган. Ҳаж сафари тугагандан кейин ҳам ҳожилар *ихром* матоларини муқаддас ёдгорлик сифатида сақлаганлар [Wensinck, Jomier 1971: 1052 – 1053; Ермаков 1991: 118; Dehkhoda I: 1098].

150. Ҳақиқатан, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирнинг Жайхун дарёсидан Мовароуннаҳрга кечиб ўтгани ҳақида ал-Йа‘кубий ҳам, ат-Табарий ҳам, Ибн А‘сам ҳам, Гардизий ҳам ҳеч қандай маълумот келтирмаганлар. ал-Йа‘кубийга кўра, ал-Аҳнаф ибн Қайс ат-Толақон, ал-Форйоб ва Тўхористонни фатҳ этгандан кейин Балх дарёсидан сув ичиб, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирнинг олдига қайтди [ал-Йа‘кубий II: 174; al-Ja‘kubi II: 167]. Хитой манбаларига

кўра, Юн-Вэй даврида (650 – 655 йиллар) *да-ши* (яъни араблар) Ми, Мимо ёки Мимохэ номли шахарни талон-тарож қилдилар [Бичурин II: 315]. О.И. Смирнованинг фикрига кўра, бу ерда Са‘ид ибн ‘Усмоннинг Самарканд вилоятидаги Моймурғ шахрига қилган юриши назарда тутилган [Смирнова 1970: 199]. Лекин ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, бу юриш 56/675-76 йилда амалга оширилган [at-Tabari II: 177 – 180]. Хитой манбаларида қайд этилган арабларнинг юриши эса ундан 20 – 25 йил олдин бўлган. Эҳтимол хитой манбаларида Ми (Мимо, Мимохэ) номи остида Моймурғ эмас, Жайхун дарёсининг бўйида жойлашган Омул шахри назарда тутилгандир. У ҳолда таҳмин қилиш мумкинки, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Жайхун дарёсигача бориб, Омул шахридан Мовароуннаҳрдаги Фарабр шахрига кечиб ўтган ва ўша ерда маҳаллий ҳукмдорлар ёки уларнинг вакиллари билан сулҳ тузган.

151. *‘умра* (عمرة) – ислом анъанасида кичик ҳаж сафари. Макка ва Мадинадаги муқаддас ерларни зиёрат қилиш учун белгиланган муайян кунлар, яъни *зу-л-ҳижжа* ойининг 8-, 9- ва 10-кунларидан бошқа вақтда у ерларга сафар қилиб, ҳаж амалларини бажариш “кичик ҳаж” деб аталган. *‘Умра* сафарини амалга ошириш учун энг афзал ойлар *рамазон* ва *ражаб*, шунингдек, *зу-л-ҳижжа* ойининг ҳаждан олдинги кунлари (5-, 6- ва 7-) ҳисобланган. Исломдан олдинги динларда *‘умра* зиёрати *ражаб* ойида амалга оширилган бўлиб, мавсумий маросим бўлган. Ислом даврида бу маросим янги динга мослаштирилган. Мусулмонларнинг *‘умра* зиёратини бажариши уларнинг диёнати ва тақводорлиги ҳақида далолат берган. Лекин уни бажариш ҳаждан фарқли равишда фарз ҳисобланмаган [Paret, Chaumont 2002: 864 – 866; Ермаков 1991: 242; Dehkhoda XI: 16367].

152. Бу маълумотни ал-Йа‘қубий ҳам келтирган [ал-Йа‘қубий II: 175; al-Ja‘kubi II 168]. Ундан олдин Қайс ибн ал-Ҳайсам Бодғис ва Ҳаротга юриш қилди. У ерда Қорин (قارن) исмли бир одам атрофига кўп одамларни йиғиб, 40 минг аскарлик кўшин билан арабларга қарши бош кўтарган эди. Қайс ибн ал-Ҳайсам мамлакатни тарк этди, унинг ўрнига ‘Абдуллоҳ ибн Хозим келди [Халифа ибн Хаййот: 36].

153. Симинжон (سمنجان) – Тўхористондаги Симингон ёки Самангон (سمنگان) шахри номининг арабча шакли. X асрда Сомонийлар томонидан зарб этилган тангаларда унинг номи Саманкон (سمنكان) ва Самалкон (شملكان) шаклларида қайд этилган [Zambaur 1968: 150]. Бу шахар Балхдан 4 *марҳала*, Бағлондан 2 *марҳала*, Хулмдан эса 2 кунлик йўл масофада тоғлар орасида Хулм дарёсининг водийсида жойлашган. Унда тоғ даралари, дарахтлар ва мевалар кўп бўлган. Ривоятга кўра, қадимда Симингонда бир қудратли малика ҳукм сурган ва ўзининг қудрати бўйича хатто Эрон ва Турон подшоҳлари билан рақобат қилган [Фирдоуси II: 563]. X асрда Симинжон шахрининг чеккасида мармарга ўхшаш оқ рангли қоя тошлардан иборат тоғ бўлган. Бу тоғнинг ичида катта хоналар, уйлар ва қасрлар ўйиб



ишланган. Исломдан олдин бу ерда бутпарастларнинг ибодатхонаси жойлашган [Худуд ал-‘Алем: 216].

91/709-10 йилда Симинжон кўшни Ру’б (رؤب) шахрининг Ру’бхон (رؤبخان) исмли турк ҳукмдорига тобе бўлган. Ўша йили Ру’бхон Қутайба ибн Муслимнинг олдига ўзи келиб, жонини сақлаш эвазига Бағлон қалъасини кўлга киритишда ўзининг ёрдамини таклиф этган. Бу қалъада эса Низак Тархон бошчилигида арабларга қарши исён кўтарган маҳаллий ҳукмдорлар беркинган эди [at-Tabari II: 1219]. Афғонистондаги Рабатак номли ердан топилган VII – VIII асрларга мансуб *бохтар* тилидаги ҳужжатларда бу ҳукмдор “хар Роб” деб аталган. Унинг ҳукми остидаги вилоятга Роб, Саминган, Мадр ва Ках номли қишлоқлар кирган [Симс-Вильямс 1997: 7 – 8].

IX асрда Симинжонда жоме‘ масжиди бўлган. X асрда Симинжон Хулмдан каттароқ бўлиб, унда бир нечта ариқлар, боғлар ва яйловлар бўлган. Бу ерда мевалар жуда кўп бўлган, улардан *набиз* (نبيذ) ичимлиги тайёрланган. Симинжонда бу ерга келиб ўрнашган арабларнинг *тамим* қабиласининг одамлари яшаган [Ибн Хордадбех: 68; Ibn al-Fakih: 322; al-Jakubi: 288; Худуд ал-‘Алем: 66, 216; al-Istakhri: 275, 276; Ibn Haukal: 447, 458; al-Moqaddasi: 49, 292, 303, 346; ac-Сам‘оний VII: 150; al-Idrisi VIII: 483; Jacut III: 142]. XIV асрда шаҳар хароба ҳолатда эди. XV асрда у қайта тикланиб, унда яна тангалар зарб этилган. XVI асрдан бошлаб бу шаҳар Ҳайбақ (هيبق) ёки Айбақ (اييق) деб аталган. XIX асрда Ҳайбақ аҳолиси ўзининг келиб чиқишини турк деб ҳисоблаган. Уларнинг кўриниши чиройли, юзлари ёқимли, ранги тоза бўлган. Ҳайбақ шаҳри Хулм дарёси водийсининг энг кенг ерида жойлашган бўлиб, унда қадимги қалъа сақланиб қолган. Бу қалъа атрофдаги ҳамма ерлардан баланд ерда жойлашган бўлиб, стратегик жиҳатдан жуда ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Ҳайбақ атрофларидаги ерлар жуда ҳам унумдор, боғлар ва дарахтлар кўп [Le Strange 1905: 427; Бартольд 1963: 117; 1971: 49, 50; Борнс II: 297; Ахмедов 1982: 50]. Исломга қадар Симингонда бўлган бутпарастларнинг тоғ ибодатхонасининг қолдиқлари Ҳайбақнинг жануби-шарқий чеккасида жойлашган бўлиб, Тахт-и Рустам деб аталади. Бу ибодатхона оҳақтошлардан иборат тоғ ичида ўйиб ишланган 6 та катта хонадан иборат бўлиб, алоҳида бир хонада унинг асосий буддавий ступаси жойлашган [Mizuno 1962: 85, 94]. Симинжон ҳақида яна қаранг: Камалиддинов 1996: 286 – 288; de Meunard 1861: 317; Dehkhoda IX: 13764.

154. XII асрда Симинжонда *тамим* қабиласига мансуб араблар яшаганлар [ac-Сам‘оний VII: 150].

155. Ибн Хаййот келтирган бир маълумотга кўра, Ибн ‘Омир Хуросонда ўзининг ўрнига 4 кишини қолдирди: Қайс ибн ал-Ҳайсам ac-Суламий, Нофи‘ ибн Холид ат-Тоҳий, Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафий ва Ҳотим ибн ан-Ну‘мон ал-Боҳилий. Бошқа бир маълумотга кўра, у фақат Қайс ибн

ал-Ҳайсам ас-Суламийни қолдирди [Халифа ибн Хаййот: 36]. ал-Йа‘кубийга кўра, у Хуросонни 4 қисмга бўлиб, уларга Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламий, Рошид ибн ‘Амр ал-Жадидий, ‘Имрон ибн ал-Фусайл ал-Баржамий ва ‘Амр ибн ал-Хузо‘ийни волий этиб тайинлади [ал-Йа‘кубий II: 174; al-Ja‘-kubi II: 167].

156. Бошқа манбаларда ҳам ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ҳажга кетишдан олдин ўзининг ўрнига Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламийни Хуросонда волий қилиб қолдирганлиги кўрсатилган [Халифа ибн Хаййот: 36; Гардизи: 25]. ат-Табарий бу ҳақида маълумот келтирмаган. 41/661-62 йилда халифа Му‘овийа ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирни ал-Басра волийси этиб тайинлади, 42/662-63 йилда эса у Қайс ибн ал-Ҳайсамни Хуросон волийси этиб тайинлади [at-Tabari II: 15, 17].

157. ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ҳам 4 минг аскарлик қўшин билан Қоринга қарши юриш қилиб, Қоринни ўлдирди, унинг тарафдорларини эса мағлубиятга учратди ва жуда кўп асирларни қўлга киритди. Ибн Хозим бу ғалаба ҳақида ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирга ёзди, кейин Ибн ‘Омир уни Хуросонга волий этиб тайинлади ва у бу лавозимда халифа ‘Усмоннинг ўлдирилишига қадар эгаллади [Халифа ибн Хаййот: 36].

158. Халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон 35/655-56 йилда ўлдирилган. Бу ҳақида III, 1-изоҳга қаранг.

159. Албатта, бу сулҳни халифа ‘Усмон ибн ‘Аффоннинг ўзи эмас, балки унинг номидан Хуросон волийси вазифасини бажарган амалдор, яъни ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ёки унинг қўл остидаги лашкарбошилардан бири тузган бўлиши керак. Бу ҳақида II, 150-изоҳга қаранг.

#### IV

#### Жа‘да ибн Ҳубайра ал-Махзумий

1. Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн Абу Толиб ибн ‘Абд ал-Мутталиб ал-Ҳошимий ал-Қураший (40/660-61 йилда шаҳид бўлган) – Муҳаммад пайғамбардан кейин мусулмонлар жамоаси (*уммат ал-ислом*) устидан ҳукм сурган дастлабки 4 араб халифалари (*ал-хулафо‘ ар-рошидун*) нинг тўртинчиси, 35 – 40/656 – 661 йилларда аввал ал-Мадинада, кейин ал-Куфада ҳукм сурган. У *қурайш* қабиласининг Ҳошимийлар хонадонига мансуб бўлган, Маккада туғилган, Муҳаммад пайғамбар амакисининг ўғли бўлган ва унинг Фотима исмли қизига уйланган. У жуда шижоатли ва мард инсон, машҳур хатиб, олим ва қози эди. Муҳаммад пайғамбарнинг хотини Хадичадан кейин саҳобалардан биринчи бўлиб ислом динини қабул қилган. 35/655-56 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ўлдирилгандан кейин халифа деб эълон қилинган. Лекин Умавийлар хонадонига мансуб Му‘овийа ибн Абу Суфйон унга бўйсунушдан бош тортган ва аш-Шом (Сурия) даги Дамашқ шаҳрида ўзини халифа деб эълон қилган. Му‘овийанинг Византияга қарши олиб борган

фатҳ урушларида чиниққан ва яхши қуролланган қўшини бор эди. ‘Али ҳам ўзининг тарафдорларини кўпайтириш мақсадида қароргоҳини ал-Мадинадан ал-Куфага кўчиради. Улар ўртасида 35/655-56 (“ал-Жамал”), 36/656-57 (“Сиффин”) ва 38/658-59 (ан-Нахравон) йилларда бўлиб ўтган қонли жангларда Му‘овийа қўшинлари ғалаба қозонган ва ‘Али уни халифа сифатида тан олган. Лекин хорижийлар ҳаракатининг тарафдорлари бундан норози бўлганлар ва 40/660-61 йилда ал-Куфа шаҳрида ‘Алининг ҳаётига суиқасд уюштирганлар. Бу ҳаракат тарафдорлари кейинчалик *аш-ши‘а* (الشيععة) деб аталганлар ва исломда алоҳида диний оқимни ташкил этганлар. Улар ‘Али шахсиятини илоҳийлаштириб, имом ва халифа сифатида фақат унинг авлодларини тан оладилар. ‘Али ибн Абу Толиб Муҳаммад пайғамбарнинг сўзидан 586 та ҳадис ривоят қилган [Ibn Saad III: 11 – 14; Халифа ибн Хаййот: 40 – 47; ал-Йа‘қубий II: 185 – 224; al-Ja‘kubi I: 271; II: 2, 13, 22, 39, 42, 44, 48, 50, 200, 206 – 254; al-Ya‘qubi: 15; ал-Балозурий: 53, 143 – 145, 160, 168, 172, 175, 179, 182; at-Tabari I: 65, 74, 75, 88, 120, 145, 277, 307, 322, 1126, 1159 – 1168, 1171 – 1173, 1228; al-Masudi: 295 – 301; al-Osyooti: 165 – 186; История халифов: 106 – 506; Арабский аноним: 2376 – 2436, 246а – 249а, 2586, 290а, 293а]. У ҳақида яна қаранг: Vessia Vaglieri 1960: 381 – 386; Колесников 1982; аз-Зириклий V: 107 – 108; Большаков 1991: 18 – 19; Dehkhoda X: 16076 – 16078.

2. Бу маълумот бошқа манбаларда ҳам келтирилган. Унга кўра, Моҳавайх ибн Азар 36/656-57 йилда ал-Жамал жангидан кейин халифа ‘Али ибн Абу Толибнинг ҳузурига ал-Куфа шаҳрига келган. ‘Али ибн Абу Толиб унга сулҳ шартномасини ёзиб берган [Халифа ибн Хаййот: 41; al-Ja‘kubi II: 184; al-Jakubi: 296]. Лекин Моҳавайх 31/651-52 йилдан кейин сиёсий майдондан кетган. Баъзи маълумотларга кўра, Моҳавайх араблардан Туркистонга қочиб қочиб, умрининг охиригача турк хоқонининг ҳузурида қолди. Бошқа маълумотга кўра, Моҳавайх шаҳаншоҳни ўлдиргани учун форслар уни қатл этганлар. Яна бир маълумотга кўра, Моҳавайх 651 йилда турк хоқони билан бўлган жангда қатл этилган [Фирдоуси IX: 446; Гумилев 1967: 240 – 241; Колесников 1982: 135 – 140]. Гардизийга кўра ‘Али ибн Абу Толиб Марв деҳқони Бароз ибн Моҳавайхга мактуб ёзиб, ундан хирож тўлашни талаб қилган [Гардизи: 26]. Эҳтимол 36/656-657 йилда ал-Куфага халифа ‘Али ибн Абу Толиб ҳузурига Моҳавайх эмас, унинг ўғли Бароз (Абраз) келган бўлиши мумкин.

3. ал-Куфа (الكوفة) – ал-‘Ироқ вилоятидаги Фрот дарёсининг ҳавзасида жойлашган шаҳар [Djait 1986: 345 – 351; Dehkhoda XII: 18731 – 18732]. Бу шаҳар ҳам ал-Басра сингари халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврида қурилган. Унинг ўрнидаги Шуристон номли ерда қадимги Акола шаҳрининг ёнидаги тепаликда 17/638-39 йилда араб лашкарбошиси Са‘д ибн ал-Ваққос ҳарбий қароргоҳ қурган, кейинчалик у ерда шаҳар вужудга келган ва ал-Куфа деб аталган. Умавийлар ҳукмронлиги даврида бу шаҳар ал-‘Ироқ

вилоятининг бош шаҳри, ал-‘Ироқ ва бутун ал-Машрик волийларининг қароргоҳи бўлган. Хуросон ва Мовароуннаҳр волийлари ҳам шу ерда тайинланган [al-Ya‘qubi: 13, 17; al-Huwarizmi: 21; Suhrah: 28; Ибн Хордадбех: 54, 94, 110 – 112, 124, 129, 136; Ибн ал-Факих: 23 – 28, 55, 75, 77 78; Ibn al-Fakih: 162 – 187; at-Tabari I: 2690, 2840; II: 66, 67, 81, 156, 163; Беруни 1973: 474; ас-Сам‘оний X: 497; Jacut IV: 322 – 327]. IX – X асрларда ҳам ал-Куфа Араб халифалигининг энг йирик ва муҳим шаҳарларидан бири бўлган [al-Istakhri: 27, 46, 79, 82, 85; Ibn Naukal: 231 – 248; al-Moqaddasi: 25, 33, 34, 53, 60, 114, 116, 125, 416]. Бу шаҳар ҳозирги ‘Ироқдаги Нажаф шаҳри ёнида жойлашган бўлиб, ҳозир ҳам ал-Куфа деб аталади. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1984: 16, 56, 175, 202, 294; 1989: 228, 231, 235, 271, 278; 1993: 16, 22, 23, 97, 100, 131, 140, 148, 151, 260; 2010: 6, 11, 14 – 22, 43 – 49, 208 – 211, 242 – 245, 277 – 284, 338; Колесников 1982: 24, 26, 28, 38, 55, 101 – 108, 184 – 195.

4. *ад-деҳқон* (الدھقان), кўплиги *ад-даҳқин* (الدھاقين) – форс., қад. эрон. *dēhok* – “қишлоқ жамоасининг бошлиғи”. Бу атама исломдан олдинги *деҳхудо* (ده خدا) – “қишлоқ бошлиғи” унвони билан деярли бир маънога эга бўлган. Ўрта форс тилидан олинган бу атама суғд тилидаги *γwt’w* атамасига тўғри келади [Смирнова 1970: 38]. Араблар Ўрта Осиёдаги исломдан олдинги йирик ер эгалари ва аслзода оилаларнинг вакиллари “деҳқон” деб атаганлар. Илк ислом даврида араблар Ўрта Осиёдаги катта-кичик шаҳар ва вилоятларнинг маҳаллий ҳукмдорларини ҳам “деҳқон” деб атаганлар. Уларнинг баъзилари жуда кудратли бўлиб, ҳатто подшоҳни ҳам меҳмонга чақиришга қодир бўлганлар. Сомонийлар даврида деҳқонларнинг аҳамияти биров пасайган бўлса ҳам, хали улар Ўрта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлар. Сомонийлар ҳокимияти инқирозга учрай бошлаганда маҳаллий деҳқонлар Мовароуннаҳрга Буғрохонни таклиф этиб, унинг хизматига ўтганлар ва кейинги ҳарбий юришларида иштирок этганлар [Бартольд 1971: 465]. Кейинчалик деҳқонларнинг асосий қисми аста секин Қорахонийлар даврида вужудга келган мулк ва *икто* ‘ерларига эгалик қилган турк аслзодалари билан қўшилиб кетганлар [Федоров 1975: 109, 116; Кочнев 2006: 23, 31, 82, 87, 99, 125, 253, 258, 261]. Қорахонийлар даврида Илоқ деҳқонлари деярли мустақил бўлиб, ўзларининг тангаларини зарб этганлар [Кочнев 1986: 125 – 132]. Деҳқонларнинг иқтисодий жихатдан кучайиб кетиши ва сиёсий ҳокимиятни қўлга олишга интилиши уларнинг Қорахонийлар ва Салжуқийлар томонидан таъқиб қилинишига олиб келди [Бартольд 1971: 465; Мухтаров 1967: 80 – 81]. XII асрда *деҳқон* сўзи “қишлоқ бошлиғи”, “ер эгаси” ёки “узумзор соҳиби” деган маъноларни билдирган [ас-Сам‘оний V: 379], ва шаҳар ташқарисида ери бўлган ҳар қандай одам *деҳқон* деб аталган [Большаков 1961: 9 – 11]. Шу билан бирга аслзода деҳқонлар XVI асргача жамиятда муҳим ўрин эгаллаб

келганлар [Мухтаров 1967: 87]. Бу ҳақида яна қаранг: Смирнова 1970: 38 – 49; Lambton 1965: 253 – 254; Dehkhoda VIII: 11316 – 11318.

5. *ал-асовира* (الاساوره) – форс. *усвор* (اسوار) ёки *суворэ* (سواره), яъни *суворий* (سواري) – “отлик” сўзининг арабча кўплик шакли. ‘Ажамлар бу сўзни фақат мард ва шижоатли одамларга нисбатан ишлатганлар [al-Khowarezmi: 115]. Бу ҳақида яна қаранг: Dehkhoda IX:13820 – 13821.

6. *ад-диҳшалор* (الدهشالار) – ўрта форс (пахлавий) тилидаги *деҳ* (ده) – “қишлоқ” ва *солор* (سالار) – “бошлиқ” сўзларидан иборат унвоннинг арабча шакли, “қишлоқ оқсоқоли” маъносини билдиради [Dehkhoda IX: 13335 – 13337].

7. Жа‘да ибн Хубайра ибн Абу Ваҳб ибн ‘Амр ибн ‘О’из ибн ‘Имрон ибн Махзум ал-Қураший ал-Махзумий – халифа ‘Али ибн Абу Толиб (35 – 40/656 – 661 йилларда ҳукм сурган) холасининг ўғли ва куёви. Унинг она - си Абу Толибнинг қизи ва ‘Алининг опаси бўлган. Унинг бобоси Абу Ваҳб эса Муҳаммад пайғамбарнинг отасининг амакиси бўлган. ‘Алининг Умм ал-Ҳасан исмли қизи Жа‘данинг хотини эди. ‘Али халифа бўлганда, Жа‘дани Хуросон волийси этиб тайинлади ва Марв деҳқони Бароз ибн Моҳавайхга хат ёзиб, сулҳ бўйича келишилган хирож пулини Жа‘дага топширишни буюрди. Жа‘да Марвга келганда, Бароз ҳамма деҳқонларга хирож пулини тўлашни ва Жа‘дага бўйсунитишни буюрди. Жа‘да ўзининг ‘Абдуллоҳ исмли ўғли билан Хуросонда кўп ғалабаларга эришди. Лекин улар кўзғолон кўтарган Хуросон аҳлига бас кела олмадилар ва орқаларига қайтдилар [Гардизи: 18, 26]. ал-Йа‘кубий келтирган маълумотга кўра, Моҳавайх ал-Басрага ‘Али ибн Абу Толибнинг ҳузурига келиб, у билан сулҳ тузди [al-Jakubi: 296]. У 36/656-57 йилда ал-Басра яқинида бўлиб ўтган “туя жанги” (يوم الجمل) ва 37/657-58 йилда ал-Жазирадаги Сиффин шахрида ‘Али билан Му‘овийа тарафдорлари ўртасида бўлиб ўтган жангда ҳам иштирок этди [ал-Йа‘кубий II: 191 – 192; al-Ja‘kubi II: 213, 270; at-Tabari I: 1136, 3349, 3350, 3389, 3459; II: 703, 705; Ибн А‘сам II: 447, 492; III: 107 – 109; IV: 278; Масуди I: IV: 292]. У ҳақида яна қаранг: Беляев 1966: 157 – 158; Dehkhoda V: 7766.

8. Абу Толиб ‘Абд Маноф ибн ‘Абд ал-Мутталиб ибн Ҳошим ибн ‘Абд Маноф ал-Ҳошимий ал-Қурайший (3/624-25 йилда вафот этган) – халифа ‘Али ибн Абу Толибнинг отаси ва Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси. У *қурайш* қабиласига мансуб *бану ҳошим* уруғининг бошлиқларидан бири бўлган. Муҳаммад пайғамбар унинг уйида ўсиб, вояга етган. У кўпроқ ўзининг *кунйаси*, яъни Абу Толиб номи билан машҳур бўлган. Абу Толиб *кунйаси* отликни билдирган, чунки унга нишонлар ва мақсадларни талаб этилган [Ibn al-Atir: 141]. Муҳаммад пайғамбар ислом динини тарғиб қила бошлаганда, *қурайш* қабиласининг бошлиқлари уни ўлдирмоқчи бўлдилар. Шунда Абу Толиб унинг ҳаётини сақлаб қолиб, ўз ҳимояси остига олган [at-Tabari I: 981, 1073, 1123 – 1126, 1149, 1163, 1171 – 1180, 1185,

1190, 1199, 1318, 3470; al-Ja'kubi I: 290, 291; II: 9, 10, 12 – 15, 18, 19, 23 – 35, 39, 96; Macoudi V: 38, 39, 146, 147; III: 269; IV: 132, 146, 152, 290; V: 34, 39; VII: 50; Jacut I: 100, 236, 938; II: 885; III: 295, 495, 499]. У ҳақида яна қаранг: Montgomery Watt 1960: 152 – 153; аз-Зириклий IV: 315; Dehkhoda I: 730.

9. Умм Ҳони' (ام هانيء) – унинг асл исми Фохита (فاختة), 'Отика (عاتكة) ёки Фотима (فاطمة) эди. У Муҳаммад пайғамбарнинг хотини, унинг амакиси Абу Толиб ибн 'Абд ал-Мутталибнинг қизи, халифа 'Али ибн Абу Толибнинг опаси эди. Мусулмонлар Маккани фатҳ этганда, ислом динини қабул қилган. Унинг эри Ҳубайра ибн Абу Ваҳб ал-Махзумий эса Маккадан қочиб, мусулмонларга қарши чиққан. Умм Ҳони' Муҳаммад пайғамбарга эргашган ва у ҳақида кўп ҳадислар ривоят қилган. 40/660-61 йилда вафот этган [Ibn Saad VIII: 32, 108; al-Ja'kubi I: 277; II: 25, 26, 60; at-Tabari I: 329, 330, 1647, 1777, 1793, 1833, 3389; II: 705; Ибн А'сам II: 447]. Илк ислом даврида Ҳони' атоқли от сифатида ишлатилган [Jacut I: 129, 606; III: 12, 219, 774; IV: 10, 574]. Араб тилида ҳони' (هانيء) сўзи “хизматкор” маъноси-ни билдиради, Умм Ҳони' (ام هانيء) деганда эса “Ҳони'нинг онаси”, шунингдек, лупа ёки линза (العدسية) тушунилган [Ibn al-Atir: 231]. 'Али ибн Абу Толибнинг ҳам Умм Ҳони' исмли қизи бўлган. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий V: 322 – 323; Dehkhoda III: 3384.

10. Ибн Хаййотга кўра, 'Али ибн Абу Толиб Хуросонга 'Авн ибн Жа'да ибн Ҳубайра ибн Абу Ваҳб ал-Махзумийни юборди, лекин у ҳеч нарса қила олмади. Ундан кейин 'Али Хуросонга Хулайд ибн Қурра ат-Тамимийни юборди [Халифа ибн Хаййот: 41, 47]. Жа'да Хуросонга келганда, Бароз Марвнинг ҳамма деҳқонларига мактублар ёзиб, унга бўйсуннишни буюрди. Гардизийга кўра, Жа'да ўғли 'Абдуллоҳ билан бирга Хуросонда кўп ғалабаларга эришди [Гардизи: 26].

11. Ҳижрий 35 – 40 йилларда Араб халифалигида халифа 'Али ибн Абу Толиб ва Му'овийа ибн Абу Суфйон ўртасида ҳокимият учун кураш давом этган эди. Халифа 'Али тарафдорлари ал-Куфа шаҳрида, Му'овийа тарафдорлари эса аш-Шомда тўпланган эди. Уларнинг ўртасида бир нечта жанглар бўлиб ўтди. 36/656-57 йилда машҳур “туя жанги” (يوم الجمل), 37/657-58 йилда Сиффин жанги (يوم صفين), 38/658-59 йилда ан-Нахравон (النهر وان) жанги бўлиб, уларда жуда кўп одамлар ҳалок бўлган эди. Бегуноҳ мусулмонларнинг қони тўкилишини тўхтатиш мақсадида халифа 'Али ибн Абу Толиб тахтдан воз кечди. Бундан норози бўлган хорижийлар 40/660-61 йилда ал-Куфа шаҳрида унинг ҳаётига суиқасд уюштирдилар. Бундай ички зиддиятларга тўла нотинч даврда араблар фатҳ урушларини тўхтатган эдилар. Хуросон аҳли бу вазиятдан фойдаланиб, араблар билан тузилган сулҳ шартномаларини бузиши табиий ҳол эди. Бу ҳақида яна III, 2-изоҳга қаранг.

## ‘Абд ар-Раҳмон ибн Абзо

1. ‘омил (عامل) – араб., “хизматчи”, “ишчи”, яъни Араб халифалигининг маъмуриятида хизмат қилувчи амалдор, иқтисодий ва молиявий масалалар ва аҳолидан солиқ тўловларини йиғиш билан шуғулланувчи давлат арбоби. ‘Омил вазифаси диний ташкилотлардаги *мутаваллий* (متولي) вазифаси билан ўхшаш бўлган [Ибн Маммати: 93]. Баъзан *амир ёки волий*, яъни ҳарбий ва сиёсий ишларга масъул амалдор ‘омил вазифасини ҳам бажарган [at-Tabari II: 1448]. ‘Омил вазифасига тегишли ҳудудлар ‘амал деб аталган, ‘амаллар эса ўз навбатида *ноҳийаларга* бўлинган. Салжуқийлар даврида ‘омил мансаби молия девонининг маъмурий тизимида энг пастки ўринни эгаллаган [Курпалидис 1992: 10, 24, 64, 66]. Хоразмшоҳлар маъмуриятида ‘омил атамаси *волий* маъносида ишлатилган [ан-Насави: 76, 80]. У ҳақида яна қаранг: Duri 1960: 435 – 436; Dehkhoda X: 15676.

2. *хузо‘а* (خزاعة) – араб, *хузо‘а* қабиласи. Уларни *хузо‘ийлар* деб ҳам атаганлар. Уларнинг исломдан олдинги даврда яшаган бобокалони *Хузо‘а қаҳтон* қабилалар иттифоқининг *ал-азд* қабиласининг *бану ‘амр ибн ал-ҳайй* уруғига мансуб бўлган. Илк ислом даврида *хузо‘а* қабиласининг уруғлари жуда кўп бўлиб, улар дастлаб Макка ва ал-Мадина ўртасида жойлашган ал-Абво’ (الابواء) яқинида ва ал-Ҳижознинг Тихома (تهامة) вилоятидаги Водий Ғаззол (وادي غزال), Водий Даврон (وادي دوران) ва ‘Усфон (عسفان) номли ерларда яшаганлар. Кейинчалик уларнинг бир қисми аш-Шом ва ‘Уммонга кўчган. Маккадаги Байт ал-Ҳаром (بيت الحرام) – “Муқаддас уй”, яъни ал-Ка‘банинг ҳамма ишларини 300 йил давомида *хузо‘а* қабиласининг вакиллари бошқарганлар [ал-Балозурий 1959: 7, 34, 38, 40, 52, 71, 75 – 78, 91, 101, 320, 353, 355, 359, 391, 530, 535; Ibn al-Fakih: 18; Ibn Rosteh: 63; al-Jakubi: 274, 314, 316; al-Ja‘kubi I: 230, 274 – 278; II: 58; al-Masudi: 205, 249, 299; at-Tabari II: 395, 1023, 1026, 1031, 1080, 1149, 1158, 1358, 1601, 1952, 1962; ac-Сам‘оний V: 106; Jacut I: 917; II: 256, 471, 508, 614, 746, 825]. Улар ҳақида яна қаранг: Kister 1986: 76 – 80; Большаков 1989: 51, 4, 125, 144, 146, 157, 158, 161, 171, 191, 231, 233, 258 – 260, 263; 1993: 179; 2010: 33, 35, 38; аз-Зириклий II: 348 – 349; Dehkhoda VII: 9753.

3. ‘Абд ар-Раҳмон ибн Абзо (Абизо) ал-Хузо‘ий – арабларнинг *хузо‘а* қабиласининг *мавлоси*, Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири. ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврида Макка ҳокими бўлган, халифа ‘Али ибн Абу Толиб даврида Хуросон волийси этиб тайинланган [Ibn Saad V: 341]. У манбаларда тарихчи ровий сифатида ҳам қайд этилган [at-Tabari I: 61, 1531, 3001, 2443]. У ақлли ва диёнатли одам бўлган, одамларга яхши муносабатда бўлган, кўп яхшиликлар қилган. ‘Али қатл этилганда (40/660-61 й.), у хали Хуросонда эди. Гардизийга кўра, у 31/651-52 йилда Хуросон волийси этиб тайинланган [Гардизи: 18, 26]. Лекин ‘Али ибн Абу Толиб

35/655-56 йилда халифа бўлган. Демак, унинг Хуросонда аниқ ҳукм сурган йили маълум эмас.

4. Гардизий келтирган маълумотга кўра, олдин Жа‘да ибн Хубайра, ундан кейин ‘Абд ар-Раҳмон ибн Абиҳи Хуросон волийси бўлган [Гардизи: 18, 26].

## VI

### Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламий

1. Му‘овийа I ибн Абу Суфйон Сахр ибн Ҳарб ибн Умаййа ал-Қураший ал-Умавий (60/679-80 йилда вафот этган) – Умавийлар (Марвонийлар) сулоласига мансуб биринчи араб халифаси, 41 – 60/661 – 680 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. У арабларнинг *қурайш* қабиласи бошлиқларидан бири Абу Суфйон Сахр ибн Ҳарбнинг ўғли бўлган. 630 йилда Муҳаммад пайғамбар Маккани фатҳ этгандан кейин ислом динини қабул қилган ва Муҳаммад пайғамбарнинг котиби бўлган. Халифа Абу Бакр даврида акаси Йазид билан бирга Фаластин ва аш-Шом (Сурия) ни фатҳ этишда фаол иштирок этган ва акаси вафотидан кейин у ерларнинг волийси этиб тайинланган. Кипр оролини фатҳ этган. 35/655-56 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон ўлдирилгандан кейин ‘Али ибн Абу Толибни халифа сифатида тан олмаган. Бу вақтгача Му‘овийа 20 йилга яқин Фаластин ва аш-Шомда ҳукмронлик қилган ва ар-Румга қарши олиб борилган фатҳ урушларида чиникқан кучли кўшинга эга эди. ‘Али ва Му‘овийа тарафдорлари ўртасида бир нечта қонли тўқнашувлар бўлиб ўтган. Му‘овийа аш-Шомда ўзини халифа деб эълон қилган. ‘Али унга қарши уруш олиб боришни истамасдан, уни халифа сифатида тан олишга мажбур бўлган. Лекин хорижийлар унинг бу қилган ишидан норози бўлиб, 60/679-80 йилда уни ўлдирганлар. Кейинроқ Йазид ибн Му‘овийа буйруғи билан ‘Алининг ўғли ал-Ҳасан ҳам ўлдирилган. Натижада Му‘овийа Умавийлар сулоласига асос солган биринчи халифа бўлиб тарихга кирди. Унинг ҳукмронлиги даврида араблар шарқда Ҳиндистон ва Кобулистонга, шунингдек, Бухоро ва Самарқандга кетма-кет юришлар қилдилар, ғарбда эса ал-Мағриб ва ар-Рум (Византия) га қарши фатҳ урушлари олиб бордилар. Умавийлар *ши‘а* мазҳабидагиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бордилар. Му‘овийа ҳукмронлиги даврида халифаликда почта (*барид*) хизмати жорий қилинган. 132/749-50 йилда ҳокимиятга ‘Аббосийлар келганда, Му‘овийа ва унинг уруғини халифаликни Муҳаммад пайғамбар авлодларидан тортиб олганлик ва ал-Ҳасан ибн ‘Алини ўлдирганликда айбладилар. Лекин халқ орасида, айниқса Фаластин ва аш-Шомда, Му‘овийа сиймоси адолатли халифа ва сунна аҳлининг ши‘аларга қарши кураши раҳнамоси сифатида сақланиб қолган [Ibn Saad VII (2): 128; ал-Йа‘қубий 225 – 252; al-Ja‘kubi II: 65, 87, 172, 175, 214 – 222, 226 – 230, 254 – 286, 366, 466; al-Ya‘qubi: 16, 17; ал-Балозурий: 11, 18, 44, 53, 152,



170, 241 – 243, 249, 251; al-Masudi: 301 – 303; al-Osyooti: 193 – 205; at-Tabari I: 291, 1130, 1553, 1554, 1679, 1778; II: 15, 66, 67, 163, 168, 171, 172, 178, 179, 188 – 190; el-Maqqdisi VI: 1 – 8; Ibn A‘tham III: 249 – 265; История халифов: 546 – 706; Арабский аноним: 140a – 141a, 242a, 246a; Наршахий 17, 39; Гардизи: 26 – 29; Сиасет-намэ: 132, 259, 330]. У ҳақида яна қаранг: Hinds 1993: 265 – 270; аз-Зириклий VIII: 172 – 173; Dehkhoda XIII: 21107; Большаков 1991: 166 – 167; 1993: 73, 78, 104, 159, 163 – 170, 205, 208, 210, 219, 227, 251, 260; 2010: 147, 233, 290; Босворт 1971: 29 – 31; Беляев 1966: 153, 156 – 158, 161, 167 – 170, 174 – 178, 180.

2. Бошқа манбаларда Му‘овийа ибн Абу Суфйоннинг Қайс ибн ал-Ҳайсамни Хуросонга волий этиб тайинлагани ҳақида маълумот келтирилмаган.

3. Холид ибн ал-Му‘аммар ибн Сулаймон ибн ал-Ҳорис ибн Шужо‘ ибн ал-Ҳорис ибн Садус ас-Садусий (тахминан 50/670-71 йилда вафот этган) – араб лашкарбошиси. Халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб (13 – 23/634 – 644 йилларда ҳукм сурган) даврида *бакр ибн во‘ил* қабиласининг бошлиғи бўлган. 36/656-57 йилда “Туя жанги” (يوم الجمل) ва 37/657-58 йилда Сиффин (صفين) жангида ‘Али ибн Абу Толибнинг тарафдорлари қаторида Му‘овийага қарши жанг қилган. Лекин ‘Али тарафдорлари уни Му‘овийа билан махфий битим тузганликда айбладилар. Халифа Му‘овийа I (41 – 60/661 – 680 йилларда ҳукм сурган) даврида, у Арминияга волий этиб тайинланди. Холид йўлга чиқиб, Нисибин шахрига етиб келганда, тўсатдан вафот этди [al-Jakubi: 297; at-Tabari I: 3272, 3311 – 3314; Ibn A‘tham III: 54 – 56, 82 – 85, 184, 189, 190; IV: 305, 306]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 340; Dehkhoda VI: 9362.

4. Қаср Муқотил (قصر مقاتل) ёки Қаср ал-Муқотил (قصر المقاتل) – ал-Куфа вилоятидаги ‘Айн ат-Тамр ва аш-Шом чўли орасида жойлашган қаср. У *тамим* қабиласига мансуб Муқотил ибн ал-Ҳассон (مقاتل بن حسان) исмли одамга қарашли бўлган [al-Beladsori: 282]. Кейинчалик ‘Исо ибн ‘Али ибн ‘Абдуллоҳ уни вайрон қилган ва яна қайта қурган [al-Beladsori: 189, 292, 299; Ibn al-Fakih: 182; at-Tabari I: 2350; II: 305, 306, 916, 1813; Jacut IV: 121 – 122]. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda XI: 17612.

5. ‘Айн ат-Тамр (عين التمر) – ал-Куфа вилоятидаги аш-Шом (Сурия) чўлининг ёқасида жойлашган катта воҳа, унинг маркази ҳам шу ном билан аталган [El-Ali 1960: 788 – 789; Dehkhoda XI: 16489]. Унинг номи араб тилида “хурмолар манбаи” маъносини билдирган. Илк ислом даврида бу ер стратегик жихатдан катта аҳамиятга эга бўлган. Уни 13/634-35 йилда Холид ибн ал-Валид фатҳ этган. Бошқа маълумотга кўра, бу шаҳар ал-Ҳижоз вилоятида, ал-Мадина йўлида жойлашган [Ибн Хордадбех: 56, 57, 94; Ибн ал-Факих: 24, 65; Ibn al-Fakih: 130, 165; Kodama: 236; at-Tabari I: 750, 829, 2056, 2058, 2062 – 2065; II: 183, 773, , 801, 1287; al-Istakhri: 23; Ibn Haukal: 29; al-Moqaddasi: 53, 114, 117; ас-Сам‘оний IX: 109 – 110; Jacut III: 759]. У

ҳақида яна қаранг: Le Strange 1905: 65, 81; Большаков 1989: 221, 222, 278; 1993: 22, 23, 209; 2010: 248, 279, 293; Колесников 1982: 64, 65, 67, 77, 149, 150, 209.

## VII

### ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ибн Курайз

1. Му‘овийа I ибн Абу Суфйон 41/661-62 йилда ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омирни ал-Басра волийси этиб тайинлади ва Сижистон ва Хуросонда уруш олиб боришни буюрди. 42/662-63 йилда ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Қайс ибн ал-Ҳайсамни Хуросонга волий этиб тайинлади. [at-Tabari II: 15, 17]. Гардизийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир 32/652-53 йилда ҳаж сафарига кетишдан олдин Хуросонга Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламийни волий этиб тайинлаган эди [Гардизи: 25].

2. Навбаҳор (نوبهار) ёки ан-Навбаҳор (النوبهار) – исломга қадар Балх шаҳрида фаолият кўрсатган катта ибодатхона ва унинг қошидаги *хонақоҳ* (монастир) [Jacut IV: 817]. Илк ўрта асрларда Балх шаҳри йирик диний марказ бўлиб, ислом давригача Тўхористоннинг барча ерларидан ва ҳатто унга кўшни бўлган мамлакатлардан одамлар бу ердаги муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун келганлар. Мил. 630 йилда Балхни зиёрат қилган хитой зиёратчиси Сюан Цзаннинг маълумотига кўра, По-хо-ло, яъни Балх мамлакатада 100 га яқин буддавий ибодатхоналари бўлиб, уларда 3000 га яқин буддавий қоҳинлар хизмат қилган. Бу ибодатхоналар ичида энг каттаси *Nava sangharama*, яъни «Янги ибодатхона» деб аталган [Julien I: 30]. Бу маълумотда, шубҳасиз, Балхдаги Навбаҳор ибодатхонаси назарда тутилган, Навбаҳор номи эса санскрит тилидаги *Nava vihara* – “Янги ибодатхона” сўзининг ўрта форс (пахлавий) тилидаги шакли бўлган. Дақиқийнинг «Шоҳнома» асарида ёзилишича, Навбаҳор Гуштасб исмли подшоҳнинг зардуштийликни қабул қилишидан олдинги даврларда ҳам одамлар сиғинадиган ва зиёрат қиладиган жой бўлган [Бартольд 1971: 469]. Низом ал-Мулкнинг ёзишича, Навбаҳор қадимда “олов ибодатхонаси” бўлган [Сиясет-намэ: 174]. Бу ибодатхонанинг қурилишида Бомийондаги Сабзбаҳор номли ибодатхонанинг биноси намуна бўлиб хизмат қилган [Махмуд ибн Вали 1977: 21]. Навбаҳор ибодатхонасида турклар ҳам, форслар ҳам ибодат қилганлар [Ҳофиз-и Таниш II: 137]. Навбаҳор ибодатхонасининг катталиги 100 га 100 *газ*, яъни чўзим (*зирӯ*) ни, унинг баландлиги ҳам 100 *газ*ни ташкил этган. Ибодатхона деворларининг ички тарафлари қимматбаҳо тошлар билан безатилган *ҳарир* (حرير) ва *диба* (ديبا) номли ноёб ипак матолар билан қопланган [Ахмедов 1982: 17].

Манбаларда Навбаҳор ибодатхонасида одамлар қайси динга сиғинганлари ҳақида турлича маълумотлар келтирилган. Баъзи маълумотларга кўра, у буддавий ибодатхона бўлган [Julien I: 30; Ibn al-Fakih: 157, 322 – 324].

Бошқа маълумотларга кўра, бу ибодатхонада одамлар оловга сиғинганлар [Бируни 1963: 66 – 67; ал-Балхи: 20, 37]. Шундай қилиб, Навбахор ибодатхонаси турли даврлар давомида турли диний жамоаларнинг саждагоҳи бўлган. Кушанлар даврида (м.а. II – I асрларда) бу ерда буддавий ибодатхона (*vihara*) га асос солинган. Сосонийлар даврида (IV – V асрларда) Навбахор ибодатхонаси зардуштийлик динига мослаштирилган. VI – VII асрларда турклар томонидан Навбахорда буддавий ибодатхона қайта тикланган. Ундан ташқари, илк ўрта асрларда Балхда монийлик таълимотига эътиқод қилувчиларнинг катта жамоаси бўлган. Шу ўринда айрим манбаларда келтирилган маълумотлар эътиборга моликдир. Уларга кўра, исломдан олдинги Балх ҳукмдорлари *сабий*лар динига эътиқод қилиб, қуёш, ой, олов ва 7 сайёрага сиғинганлар [al-Ja'kubi I: 179], Навбахор ибодатхонасида эса одамлар ойга ибодат қилганлар [Macoudi V: 6 – 7]. Навбахор ибодатхонасининг ичида Ҳиндистон, Синд ва Тўхористон ерларидан келтирилган бут (*санам*) лар ўрнатилган. Ҳар йили Навруз байрамининг 6-кунида бу ерга бутун Тўхористондан, шунингдек Туркистон, Ҳиндистон, Эрон ва Шомдан кўп сонли зиёратчилар келганлар. Навбахор ибодатхонасининг атрофларида ўтказилган байрам маросимлари 7 кун давом этган [Ахмедов 1982: 17]. Бу маълумотдан аён бўладики, Навбахор ибодатхонаси буддавийлик дини билан боғлиқ бўлган, чунки унда Тўхористон, Туркистон ва Ҳиндистондан келтирилган бутлар ўрнатилган. Лекин бу ибодатхонада фақат буддавийлик динининг ақидалари ҳукмрон бўлмаган. Чунки, биринчидан, бу ерга Эрон ва Шомдан ҳам зиёратчилар келган, у ерларда эса буддавийлик дини тарқалмаган. Иккинчидан, ҳамма зиёратчилар бу ерга зардуштийларнинг диний байрами наврўз вақтида келганлар. Бизнингча, Навбахор ибодатхонасида VI – VII асрларда монийлик таълимоти ҳукмрон бўлган. Чунки монийлик диний-фалсафий таълимоти 3 та жаҳон дини – зардуштийлик, буддавийлик ва христианликнинг қоришуви натижасида вужудга келган ва унда мазкур динларнинг диний ва маънавий қадриятлари баробар эъзозланган. Қуёш, ой, ва сайёраларга сиғиниш ҳам монийлик таълимотига хос бўлган.

Навбахор ибодатхонаси халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон замонида (13 – 35/644 – 656 йилларда ҳукм сурган) араб лашкарбошиси ал-Аҳнаф ибн Қайс томонидан вайрон қилинган. Кейинчалик ибодатхона яна тикланиб, ўз фаолиятини давом этдирган. 42/662-63 йилда уни Қайс ибн ал-Ҳайсам ас-Суламий яна вайрон қилди. 90/709 йилда араблар Низак Тархон бошчилигидаги маҳаллий аҳолининг кўзғолонини бостиргандан кейин Навбахор ибодатхонасини яна вайрон қилганлар. Бу сафар улар 400 га яқин брахманлар ва коҳинларни қатл этганлар. 118/736 йилда Навбахор ибодатхонаси яна тикланиб, унинг барча темир дарвозалари қайта ўрнатилган. Биринчи ‘Аббосий халифалар даврида, яъни VIII асрнинг учинчи чорагида Навбахор яна араблар томонидан вайрон қилиниб, шундан кейин қайта тикланмаган

[al-Beladsori: 409; at-Tabari II: 1181, 1205, 1490, 1509; Le Strange 1905: 428; Ахмедов 1982: 17 – 18].

Балх шахрининг харобалари ва унинг атрофларида кушанлар даврига мансуб бир қанча буддавий ступаларнинг қолдиқлари сақланиб қолган [Пугаченкова 1976: 148 – 149]. Ҳозирги кунда Балх харобаларидан жанубда Навбахор номли қишлоқ мавжуд [Салахетдинова 1970: 224]. Унинг ёнида Тепа-и Қўрғон ва Тахт-и Рустам номли икки улкан тепалик бор. Улар қадимда хом ғиштдан кўтарилган Навбахор ибодатхонасининг баҳайбат биноларининг қолдиқларидир. Тепа-и Қўрғон тепалиги ўрнида жойлашган ибодатхонанинг асосий биноси айлана шаклида қурилган. Бинонинг ички қисмида усти гумбаз билан ёпилган доира шаклидаги 4 та хужра бўлган. Тахт-и Рустам тепалиги ўрнида ибодатхонанинг трапеция шаклидаги асосий ступаси жойлашган [Бартольд 1971: 43 – 44, 54 – 55]. У ҳақида яна қаранг: EI VII: 1039; de Meynard 1861: 569 – 571; Камалиддинов 1996: 303 – 308; Камолиддин 2008: 38 – 46.

3. *бану-л-лайс* (بنو الليث) – араб., *ал-лайс* қабиласи. Уларнинг исломдан олдинги бобокалони Лайс ибн Бакр ибн ‘Абд Манот арабларнинг *кинона* (كنانة) қабиласига мансуб бўлган. Унинг авлодларидан бири ас-Са‘б ибн Жассома (тахм. 25/645-46 йилда вафот этган) Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири бўлган ва ҳадис ривоят қилган [ал-Балозурий 1959: 385; al-Jakubi: 316; at-Tabari II: 832, 1286, 1544, 1724, 1725, 1767, 1996, 2017; Jасut II: 262, 746; III: 270; IV: 830, 1039]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1989: 233; 2010: 269; аз-Зириклий VI: 115; Dehkhoda XIII: 19862.

4. Абу Зайд ‘Ато’ ибн ас-Со’иб ибн Аҳмад ал-‘Аммоний ал-Махзумий ал-‘Алавий – ал-Куфалик муҳаддис ва ровий, *бану-л-лайс* қабиласининг *мавлоси* [Jасut II: 446; III: 250, 720]. Бошқа манбаларда келтирилган маълумотга кўра, у ал-Лайсий деб ҳам аталган. 77/696-97 йилда у Хуросон волийси Умаййа ибн ‘Абдуллоҳнинг соқчилари бошлиғи (*соҳиб ал-ҳарас*), 83/702-03 йилда эса Хуросон волийси Йазид ибн ал-Муҳаллабнинг кўшинида хизмат қилган [Ibn Saad VI: 235; at-Tabari I: 21, 30, 31, 49, 120, 136, 282; II: 1028 – 1030, 1109; Ибн Халликон VI: 379]. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda I: 680; X: 15941.

5. ‘Ато’ ал-Хашал (عطاء الخشل) – араб тилида ал-Хашал (الخشل) сўзи йўқ. Бошқа манбаларда келтирилган маълумотга кўра, унинг лақаби ал-Ҳашал (الخشل) эмас, ал-Хушк (الخشك) бўлган. Унинг бундай аталишининг сабаби шуки, у Ҳаротни фатҳ этган биринчи мусулмон бўлиб, шаҳарга Хушк (خشك) дарвозасидан кирган. Бу сўзнинг форс тилидаги маъноси “қурук”, “қурукшоқ”, “қурғоқ” бўлган. Афтидан бундай ҳол қадимда бўлган. Ўрта асрларда эса бу дарвозанинг ёнидан бир нечта ариқлар оқиб ўтган [Jасut II: 446; Ибн ал-Асир 1987 III: 280]. Боб Хушк (باب خشك) ёки Дар Хушк (در خشك) дарвозаси Ҳаротнинг шарқ томонида жойлашган бўлиб, у орқали карвон-

лар ал-Гур вилоятига йўл олганлар. Бу дарвоза ёғочдан ясалган [al-Istakhri: 264; Ibn Naukal: 437; al-Moqaddasi: 307; Jacut II: 446].

6. *фарсах* (فرسخ) – форс., *фарсанг* (فرسنك), қад. эрон. *fraθaha*, пахлавий *frasang* – ўрта асрларда ислом мамлакатларида кенг ишлатилган масофа ўлчов бирлиги. Суғд тилидаги манбаларда бу сўз *fns'x* (*fansāx*?) шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 152 (3858)]. Унинг катталиги ҳар хил вақтларда ва турли жойларда бир хил бўлмаган. Хусусан, Ўрта Осиё ҳудудларида X асрда ишлатилган *фарсах*нинг катталиги тахминан 6 – 7 км ни ташкил этган. Сўнги ўрта асрларда *фарсах* ўрнига кўпроқ *санг*, *тош* ва *ийғоч* ўлчов бирликлари ишлатилган. XIX асрда 2 хил *фарсах* бўлган: узун *фарсах* 12 минг қадам (8,5 км), қисқа *фарсах* (3/4) эса 9 минг қадам (5,6 км) га тенг бўлган. 1 *фарсах* 3 мил ёки 12 минг кулоч (*зиро* ') га тенг бўлган. Бир кулоч 49 875 см дан 54, 04 см гача тенг бўлган. Шунингдек, 1 *фарсах* 7 минг қадам (*хутва*) га ҳам тенг бўлган [Jacut I: 38, 39]. У ҳақида яна қаранг: Давидович, Хинц 1970: 62, 64, 69, 72, 120; Hinz 1965: 812 – 813; Dekhoda XI: 17074, 17075.

7. X асрда Балхоб дарёси ўзининг қуйи оқимида 12 та ариққа бўлинган бўлиб, улар Балх шаҳри ва унинг атрофларидаги ерларни суғорган [Hudud al-‘Alam: 108; al-Istakhri: 278]. Балх шаҳрининг *рабад* қисмида ан-Навбахор дарвозаси (باب النوبهار) ёнидан Даҳос (دهاس) номли дарё оқиб ўтган. Бу дарёнинг суви оқим кучи билан 10 та чархпалакни айлантирган. Улардан чиқарилган сув Балх вилоятидаги Сийоҳжирд шаҳригача бўлган барча *рустоқ*ларни суғорган [al-Istakhri: 278; Ibn Naukal: 448]. Даҳос номи форс тилида “ўнта чархпалак” маъносини билдиради. XVII асрда бу дарё Аҳмад Муштоқ деб аталган [Ахмедов 1982: 316]. Ривоятга кўра, бу дарё сунъий бўлиб, уни халифа Ҳорун ар-Рашид даврида 178/794-95 йилда Балх ҳокими ал-Фадл ибн Йаҳйо ал-Бармакий қаздирган [ал-Балхий: 37].

XVI асрда Балх вилоятида 18 та ариқ бўлиб, улардан 220 та қишлоқ сув олган. Бу ариқларнинг ҳаммаси Балхоб дарёсидан, унинг тоғ дарасидан оқиб чиққан ерда жойлашган Банд-и Амир номли ердан бошланган [Салахетдинова 1970: 222 – 228]. XVII асрда баҳор фаслида Балхобнинг суви кўпайганда, бу ариқларнинг ортиб қолган сувлари Амударёга бориб қуйилган [Махмуд ибн Вали: 94]. Ёзда эса бу ариқларнинг кўпчилиги қуриб қолган [Борнс 1849: 340]. Ўрта асрларда Балх вилоятидаги барча шаҳар ва қишлоқлар шу ариқлардан сув ичган. Ҳозирги даврда ҳам Балхоб дарёсининг тоғлардан чиқиш ерида ундан 18 та ариқ олинган бўлиб, улар Мазор-и Шариф, Балх ва Ақча вилоятларидаги ерларни суғоради. Бу ариқларнинг суғориш майдони ҳудудларида 50 га яқин шаҳар харобалари жойлашган бўлиб, уларнинг бир қисмида ҳаёт юнон-бактрия ва кушон даврларида, қолганлари эса ўрта асрларда давом этган [Ставиский 1977: 77]. Демак, Балх воҳасидаги ҳозирги мавжуд бўлган суғориш тизими қадимдан деярли ўзгаришсиз сақланиб қолган.

8. Қанотир ‘Ато’ (قنطرة عطاء) ёки Қантарат ‘Ато’ (قنطرة عطاء) – араб., “ ‘Ато’ кўприклари” ёки “ ‘Ато’ кўприги”. Балхдан 2 *фарсах* масофада Балхоб дарёсининг устида қурилган кўприк [at-Tabari II: 1567, 1605, 1606]. Наршахийнинг маълумотига кўра, Пул-и ‘Ато (پل عطا) кўприги Балхнинг шаҳар дарвозаси билан байрам (‘ийд) намозгоҳи ўртасида, ‘Алиобод шаҳри томонда, яъни шаҳардан ғарбда жойлашган [Наршахий: 79]. Ўрта асрларда Исфахонда Қанотир (قناطر) номли қишлоқ [de Meynard 1861: 461], Хуросонда эса ‘Атообод (عطا اباد) номли бир нечта қишлоқлар бўлган. У ҳақида яна қаранг: Dekhoda X: 15940 – 15941.

9. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, 43/663-64 йилда ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Қайс ибн ал-Ҳайсамни заифликда ва хирож пулларини вақтида бермаганликда айблаб, лавозимидан четлатди ва унга 100 дарра уришни буюриб, ҳибсга олди. Кейин Қайснинг онаси Ибн ‘Омирнинг олдига келиб, ўғлига раҳм қилишни илтимос қилди. Шундан кейин Қайс қамоқдан озод этилди [at-Tabari II: 66].

10. ат-Табарийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир 43/663-64 йилда Хуросонга ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни, бошқа маълумотга кўра, Аслам ибн Зур‘а ал-Килобийни волий қилиб юборди [at-Tabari II: 65 – 66]. Гардизийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир Хуросонга аввал ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни волий қилиб юборди, сўнгра Хуросонга ‘Абдуллоҳ ибн Сумра келиб, Кобул ва Балхга юриш қилди, ундан кейин эса 43/663-64 йилда Систонга Мужоши‘ ибн Мас‘уд келиб, Буст ва Заминдаварни фатҳ этди [Гардизи: 27]. ал-Йа‘кубийга кўра, Ибн Омир Хуросонга ‘Абд ар-Раҳмон ибн Сумрани юборди. У Балх ва Кобулга юриш қилди. У билан бирга ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ҳам бор эди. Улар Балх аҳли билан қаттиқ жанг қилиб, Балхни фатҳ этдилар. Кейин ‘Абд ар-Раҳмон ибн Сумра Кобулга борди ва унинг аҳли билан ҳам жанг қилиб, сулҳ тузди. Кейин у ўрнига ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни қолдириб, Хуросонни тарк этди [ал-Йа‘кубий II: 227 – 228; al-Ja‘kubi: II 217 – 218].

11. \*...<sup>11</sup> Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган.

## VIII

### Зийод ибн Абу Суфйон

1. 45 ҳижрий йил милодий 665 йилнинг 24 март кунидан 666 йилнинг 12 март кунигача давом этган.

2. ат-Табарийга кўра, Му‘овийа Зийод ибн Абу Суфйонни ал-Басра, Хуросон ва Сижистон волийси этиб тайинлади [at-Tabari II: 73]. ал-Йа‘кубийга кўра, Му‘овийа Зийод ибн Абу Суфйонни ал-Басрага 44/664-65 йилда волий этиб тайинлади [ал-Йакубий II: 233; al-Ja‘kubi II: 222].

3. *ал-азд* (الازد) – араб., *ал-азд* қабиласи. Бу қабиланинг бобокалони Азд ибн ал-Ғаус ибн Набат ибн Молик ибн Зайд ибн Каҳлон ибн Саба’

исмли одам бўлган. У ал-Йаманда яшаган. Уни ал-Асд (الاسد), унинг авлодларини эса ал-Асдий (الاسدي) деб ҳам атаганлар. Унинг авлодлари 3 қисмга бўлинган бўлиб, *азд шану'а* (ازد شنوءة), *азд ас-сурот* (ازد السراة) ва *азд уммон* (ازد عمان) деб аталганлар [Ibn al-Fakih: 122; al-Jakubi: 279,, 311, 316, 330; al-Masudi: 87, 188, 202, 249; at-Tabari II: 493, 1201, 1288, 1289, 1299, 1320, 1473 – 1478, 1485; Ibn Rosteh: 206]. Улардан *гассон*, *хузо'а*, *аслам*, *бориқ*, *алма'*, *жафна*, *ал-ансор* қабилалари тарқалган. Уларнинг ҳаммаси *ал-авс ва-л-хазраж* (الافوس و الخزرج) деб ҳам аталади [ас-Сам'оний I: 197; Jacut I: 358, 578, 639, 887, 925]. У ҳақида яна қаранг: Пигулевская 1964: 40, 129; Strenziok 1960: 811 – 813; аз-Зириклий I: 280; Dekhoda II: 1976 – 1977.

4. Нофи' ибн Холид ат-Тохий – арабларнинг *ал-азд* қабиласининг таркибига кирувчи *тоҳийа* уруғига мансуб амалдор. У дастлаб ал-Басра шаҳрида яшаган ва ҳадис ривоят қилган [ас-Сам'оний VIII: 170]. 45/665-66 йилда Хуросон волийси Зийод ибн Абу Суфйон Хуросонни маъмурий жиҳатдан 4 қисм (ربع) га бўлиб, уни Ҳарот, Бодғис, Қодис ва Бушанж шаҳарларини ўз ичига олган бир қисмига ҳоким этиб тайинлади. Лекин кўп ўтмай, Зийод уни вазифасидан четлатди ва ал-Ҳакам ибн 'Амр ал-Ғифорийни Хуросон волийси этиб тайинлади. Нофи' ибн Холид эса Хуросондаги вилоятлардан бирида хирож ишлари бўйича *'омил* этиб тайинланди. Кейин Зийод уни хирож пулларини ўзлаштирганда айблади ва унга 100 минг ёки 800 минг дирҳам жарима солиб, ҳибсга олди. Шунда ўртага *ал-азд* қабиласининг бошлиқлари тушиб, уни қамоқдан ва жарима тўлашдан озод қилдилар [at-Tabari II: 79 – 81].

5. Анворон (انواران) – ўрта асрларда Хуросонда бундай номли шаҳар ёки вилоят қайд этилмаган. Эҳтимол, бу – Гузгонондаги Анбор (انبار) шаҳри бўлиши мумкин. Чунки Дизақ (Дизах) қишлоғи Марв ар-Руддан 4 *фарсах* масофада Анбор йўлида жойлашган [Ibn Naukal: 442]. Анворон (Анбор) шаҳрига қарашли Қодис қишлоғи эса унинг ёнида бўлган.

6. Қодис (قادس) – Хуросонда Ҳарот, Бодғис ва Бушанж яқинида жойлашган шаҳар [at-Tabari I: 2286; II: 79]. XII асрда Марв ар-Руд вилоятидаги Панж-Дех (بنج ده) *рустоқида* жойлашган ад-Дарақ ал-'Улйо (الدرق العليا) – Юқори Дарақ ёки ад-Дизақ ал-'Улйо (الذرق العليا) – Юқори Дизақ (Дарақ) қишлоғининг ёнида Қодис (قادس) номли қишлоқ бўлган [ас-Сам'оний X: 11; Jacut IV: 7]. У ҳақида яна қаранг: Камалиддинов 1993: 46; Dekhoda XI: 17298.

7. Араблар фатҳ урушлари олиб бориш билан бир вақтда, босиб олинган мамлакатларда ўрнашиш ва жамоалар ташкил қилиш сиёсатини фаол олиб борганлар. 45/665-66 г. халиф Му'овийа томонидан ал-Басра, Сижистон ва Хуросон волийси этиб тайинланган Зийод ибн Абу Суфйон Марвга 'Умайр ибн Аҳмар ал-Йашкурийни ҳоким этиб тайинлади, у эса биринчи бўлиб Марв шаҳрига арабларни кўчириб келди [at-Tabari I: 73, 79; al-Beladsori: 409]. Гардизийга кўра 'Умайр ибн Аҳмар Марвга халифа 'Усмон

ибн ‘Аффон даврида волий бўлиб келган. Дастлаб у Марв ёнида чодир куриб турди. Қиш келиб, қаттиқ совуқ бошланганда, Марв деҳқонлари арабларга раҳми келиб, уларни ўзларининг уйларига киритдилар. Лекин бир неча кундан кейин шаҳар аҳли фикрларини ўзгартириб, арабларни шаҳар ан чиқариб юборишга қарор қилдилар. Марв деҳқони Бароз ибн Моҳавайх бу ҳақида хабар топиб, ‘Умайр ибн Аҳмарни огоҳлантирди. Араблар қиличларни ишга солиб, кўп одамларни ўлдирдилар ва уйларини талон-тарож қилдилар. Шаҳар аҳли ‘Умайр ибн Аҳмарга одам юбориб, ундан узр сўрадилар ва ўлпон тўлашга рози бўлдилар. Шундан кейин араблар шаҳарликларнинг уйларида жойлашдилар. ‘Умайр ибн Аҳмар Барозни берган ёрдами учун мукофотлади ва унга яхши муносабатда бўлди [Гардизи: 25]. Ас-Сам‘онийга кўра, дастлаб араблар Синж (سنج) дарвозаси яқинида жойлашган Дарсанқон (درسنقان) номли қишлоқда, кейин шаҳардан 1 *фарсах* масофада жойлашган Дарвозақ (دروازق) ёки Дарвоза-и Мосаржистон (دروازه ماسرجستان) номли қишлоқда турганлар. Мусулмонларнинг илк қабристони Марвдаги Тувик (تويك) номли кўчада жойлашган эди [ас-Сам‘оний VII: 161; V: 302]. 51/671-72 йилда Зийод ибн Абу Суфйон ар-Раби‘ ибн Зийодни 50 минг аскарлик кўшин билан Хуросонга юборди. Уларнинг ярми ал-Басра, ярми ал-Куфа аҳлидан бўлган араблар эди. Бу сафар араблар Хуросонга оилалари билан келдилар ва Амударёдан жанубдаги ерларда жойлашдилар [at-Tabari I: 81; al-Beladsori: 410]. Агар ҳар бир араб оиласи ўрта ҳисобда 4 – 5 кишидан иборат бўлган деб ҳисобланса, ар-Раби‘ билан Хуросонга кўчиб келган арабларнинг умумий сони тахминан 200 минг кишини ташкил этган. Унгача Хуросонда 20 мингга яқин араб аскарлари келиб жойлашган эди. Араблар Хуросонда ўрнашишидан асосий мақсад янги босиб олинган ерларда ўзларининг мавқеини мустаҳкамлаш ва у ердан туриб шарқ томонга юришни давом эттириш бўлган [Gibb 1923: 17]. Хусусан, араблар Марв вилоятидаги қишлоқларда ҳам кўплаб ўрнашдилар. Хусусан, араблар Фаннин, Бурсонжирд, Дарижақ, Бузаншоҳ, Шаввал, Михрижон, Жулашжирд, Зарийон, Жунужирд, Фурсобод ва бошқа қишлоқларда яшаганлар. Араблар ўрнашган ерларда ўша ернинг номини ўзларига *нисба* қилиб олганлар ва манбаларда маҳаллий аҳолининг вакиллари сифатида қайд этилганлар [Камалиддинов 1993: 161]. Фақат манбада уларнинг араблиги ҳақида махсус айтилган ёки улар исломдан олдинги асл араб исмларига эга бўлган бўлсагина, уларнинг араб эканлигини билиш мумкин бўлган. 61/680-81 г. Хуросон волийси этиб тайинланган Салм ибн Зийод катта кўшин билан Марвга келди ва Хуросонда ўрнашган арабларни ҳам кўшинга жалб қилиб, Мовароуннаҳрга юриш бошлади [at-Tabari II: 392 – 393; al-Jakubi: 298; al-Beladsori: 413]. Бухоро ва Самарқандга Салм билан бирга унинг Умм Муҳаммад исмли хотини ҳам борди. Ривоятга кўра, у Жайхун дарёсидан кечиб ўтган биринчи араб аёли бўлган [at-Tabari II: 395]. Ўша юришда араблар илк бор кузда Марвга қайтиб келмасдан, кишни Мовароуннаҳрда ўтказдилар.



Салмнинг хотини Суғдда ўғил туғди ва уни ас-Суғдий (السغدي), яъни Суғдлик деб атадилар [al-Beladsori: 413]. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2003: 73 – 76; 2006: 38 – 43.

## IX

### ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий

1. ал-Ҳакам ибн ‘Амр ибн Мужадди‘ ал-Ғифорий (50/670-71 йилда вафот этган) – Муҳаммад пайғамбарнинг яқин саҳобаларидан бири, кўп ҳадислар ривоят қилган. Дастлаб ал-Мадинада яшаган, халифа Му‘овийа ибн Абу Суфйон даврида ал-Басрага кўчган. 45/665-66 йилда халифа Му‘овийа Зийод ибн Абиҳини ал-Басра, Хуросон ва Сижистон волийси этиб тайинлади, Зийод эса Хуросонга ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорийни волий қилиб юборди. Марвга келгач у 47/667-68 йилда ал-Ғур тоғлари ва Фаровандга юриш қилди ва у ерларни фатҳ этиб, кўп олтин, кумуш ва бошқа бойликлар ва асирларни қўлга киритди. Бу жангларда ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра жасорат кўрсатган эди. Кейин у ал-Ашалл тоғларидаги туркларга қарши юриш қилди, лекин уларни енга олмасдан Марвга қайтиб келди. Зийод ибн Абу Суфйон унга мактуб ёзиб, қўлга киритилган олтин ва кумушларнинг ҳаммасини халифа Му‘овийага юборишни буюрди. Лекин ал-Ҳакам унинг гапига қулоқ солмай, “Мен Аллоҳнинг китобини *амир ал-му‘мининнинг* китобидан олдинроқ ўқиганман”, деб жавоб берди ва бойликларнинг фақат 1/5 қисмини халифага юборди, қолганларини эса ўзининг қўл остидаги одамларга бўлиб берди. Кейин халифанинг одамлари уни Хуросонда қўлга киритган олтин, кумуш ва бошқа бойликларини халифа билан бўлишмаганликда айблади. Му‘овийа ал-Ҳакамни ҳибсга олишни ва қўл-оёғини кишанлаб, қамоққа ташлашни буюрди. У 50/670-71 йилда қамоқда кишанланган ҳолда вафот этди. Вафот этишдан олдин ал-Ҳакам ўзини кишанланган ҳолда дафн этилишини васият қилган эди ва унинг васияти адо этилди. У Марв шаҳрининг Жассин маҳалласидаги Таннургарон қабристонида Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан яна бири Бурайда ибн ал-Ҳусайб ал-Асламий (61/680-81 йилда вафот этган) нинг ёнида дафн этилди. Унинг мақбараси XII асрда ҳам машҳур бўлиб, одамлар уни зиёрат қилар эдилар. У Хуросонда вафот этган биринчи араб амири бўлган. Мусулмонлардан биринчи бўлиб Балх дарёси (Амударё) дан сув ичган ва унинг ортида 2 *рак‘ат* намоз ўқиган ҳам у эди [Ibn Saad VII (1): 18; VII (2): 100; Ибн Ҳажар III: 711 – 712 (№ 1776); Халифа ибн Хаййот: 50; ал-Балозурий: 503; al-Jakubi: 296 – 297; ал-Йа‘кубий II: 233; al-Ja‘kubi II: 264; at-Tabari II: 79 – 81, 84 – 85, 109 – 111, 155 – 156, 1034; III: 2393, 2394; Ибн А‘сам IV: 314 – 316; Гардизи: 27; el-Maqdisi VI: 3 – 4; ас-Сам‘оний III: 261; IX: 165 – 166; Ибн ал-Асир III: 237]. Саҳобалардан бири Ибн ‘Уйайна “Жайхун дарёси ортида наमत устида бир кеча тунаш 1000 та тақводорлик баҳонасидан афзал”,

деган экан [al-Nasafi: 250 (№ 404)], саҳобалардан яна бири Анас ибн Молик “Ким Самарқандни зиёрат этса, Аллоҳ олдида юзи ёруғ бўлур, ким Самарқандда шаҳид бўлса, унинг жони тўғри жаннатга йўл олур” деб айтган [al-Nasafi: 634 (№ 1117)]. Самарқандда 2 *рак‘ат* намоз ўқиш эса 70 *рак‘ат* ҳисобига ўтади [al-Nasafi: 652 – 653 (№ 1141)]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий: II; 296; Gibb 1923: 16; Dehkhoda VI: 9160.

2. *суҳба* (صحبة) – араб., “биргалик”, “яқин мулоқот”, “йўлдошлик”, “дўстлик”. Илк ислом даврида Муҳаммад пайғамбарнинг даъватини қабул қилиб, унга эргашганларни *ал-асҳоб* (الاصحاب) ёки *ас-саҳоба* (الصحابه) деб атаганлар [Dehkhoda II: 2705; X: 14865]. Кейинчалик Муҳаммад пайғамбарни ўз кўзи билан болалигида бир марта бўлса ҳам кўрган барча одамларни *асҳоб* (*саҳоба*) деб атаганлар. Саҳобалар илк ислом курулли кучларининг асосини ташкил этганлар ва мусулмонларнинг фатҳ урушларини бошлаб берганлар [Munanyū 1995: 856 – 857; Большаков 1991: 23 – 24.]

3. Фил (فيل) – араб., фил; лотинча номи Elephantidae – хартумлилар (Proboscidea) оиласига кирувчи 4 оёқли умуртқали улкан ҳайвон. Унинг икки тури маълум: Осиё фили (*Elephas asiaticus*) ва Африка фили (*Elephas africanus*). Осиё фили Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда, Африка фили эса Африка қитъасининг марказий қисмидаги Чад кўли билан жанубдаги Нгами кўли орасидаги ўрмонларда тарқалган [Брэм I: 394 – 398]. Лекин бу ерда бу сўз атоқли от сифатида берилган. Арабларда бундай исм қайд этилмаган. Демак, бу араб бўлмаган, эхтимол форс бир одамнинг лақаби бўлган. Манбаларда ал-Фил ал-Йашкурий исмли шахс қайд этилган [at-Tabarī II: 1480, 1485]. Бу ерда қайд этилган Фил Зийод ибн Абу Суфйоннинг *мавлоси* бўлган [at-Tabarī II: 158, 464; Jacut I: 646; II: 329; IV: 834].

4. *ҳожиб* (حاجب) – араб., “хизматчи”, “соқчи”, “иш юритувчи”, Араб халифалиги даврида бу атама сарой аъёнларининг унвони сифатида ишлатилган. Бу унвонга эга бўлганларнинг исмига ал-Ҳожиб (الحاجب) *нисба* си қўшиб айтилган [ас-Сам‘оний IV: 9 – 11]. Ғазнавийларнинг сарой маъмуриятида бу унвон 3 хил маънода ишлатилган: *ҳожиб ал-боб* (حاجب الباب) – “эшик ёки дарвоза ҳожиб”, *ҳожиб-и даргоҳ* (حاجب درگاه) – “даргоҳ ёки сарой ҳожиб” ва *ҳожиб-и бузург* (حاجب بزرگ) – “буюк ҳожиб”. Дарвоза ҳожиб сарой дарвозаси соқчиларининг бошлиғи вазифасини бажарган. Сомонийлар ва Ғазнавийлар маъмуриятида бу унвон одатда ғуломларга берилган. Даргоҳ ҳожиб саройдаги маъмурий ишларни юритиш билан шуғулланган. Буюк ҳожиб *амир ал-ҳожиб* (امير الحاجب) ёки *ҳожиб ал-ҳужжжоб* (حاجب الحجاب) – “ҳожиблар ҳожиб” деб ҳам аталган ва барча ҳожибларнинг устидан бошлиқ бўлган. Ҳарбий ташкилот тизимида *ҳожиб* унвони ёки *ҳожиб-и солор* (حاجب سالار) ёки *ҳожиб-и субоши* (حاجب سباشي) деб ҳам аталган ва *хайлбоши* (خيل باشي) – “суворийлар бошлиғи” унвонидан кейинги поғонада турган. Буюк ҳожиб унвонига эга бўлган сарой амалдорлари баъзан вилоятларнинг волийси этиб тайинланган [Сиасет-намэ: 37, 39, 40, 41, 58,

59, 86, 111, 158, 168, 169, 175, 212, 219; Байхаки: 963]. Бу ҳақида яна қаранг: Sourdel, Bosworth, Lambton 1971: 45 – 49; Dehkhoda VI: 8434, 8437.

5. ал-Ҳакам ибн Абу-л-‘Осий ибн Бишр ибн ‘Убайд ибн Духмон ибн ‘Абдуллоҳ ас-Сақафий ат-То’ифий – арабларнинг *сақиф* (ثقيف) қабиласига мансуб лашкарбоши [Ibn Saad V: 373; VII (1): 27; Jacut I: 890; II: 302, 887; III: 837]. Бу қабиланинг келиб чиқиши Маккадан 12 *фарсах* масофада жойлашган ат-То’иф (الطائف) шаҳридан бўлган [ас-Сам‘оний III: 133 – 134; VIII: 184]. Уни Умавийларнинг аждоди ал-Ҳакам ибн Абу-л-‘Ос ибн Умайя ибн ‘Абд Шамс ибн ‘Абд Маноф ал-Умавий (32/652-53 йилда вафот этган) билан адаштирмаслик керак [Ибн Ҳажар III: 709 – 711 (№ 1773); al-Ja‘kubi II: 23, 189, 195, 202; at-Tabari I: 2698, 2700; II: 80; Macoudi IV: 257; V: 199, 236, 413; Ибн Халликон II: 226]. Унинг акаси ‘Усмон ибн Абу-л-‘Осий ас-Сақафий 9/630-31 йилда ислом динини қабул қилди ва 11/632-33 йилда ат-То’иф шаҳрининг ҳокими этиб тайинланди, ал-Ҳакам ҳам унинг қўл остида бўлган. 15/636-37 йилда унинг акаси ‘Уммон ва Баҳрайн ҳокими этиб тайинланганда, ал-Ҳакам ат-То’иф ҳокими бўлиб қолди. Кейин у акаси билан бирга Форс вилоятини фатҳ этишда иштирок этди. 45/665-66 йилда ал-Басра волийси Зийод ибн Абу Суфйон уни Хуросон волийси этиб тайинламоқчи бўлиб, хожибига: “ал-Ҳакамни чақир”, деган, хожиб эса унинг ўрнига янглишиб ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорийни чақирган ва бу лавозимга у тайинланган [at-Tabari II: 80; Ибн А‘сам II: 317, 371, 404, 405, 563; V: 17]. VIII асрда унинг авлодлари ал-Басрада яшаганлар ва ҳадис ривоят қилганлар [ас-Сам‘оний III: 134]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 295; Dehkhoda VI: 9159.

6. ‘Усмон ибн Абу-л-‘Осий ибн Бишр ибн ‘Убайд ибн Духмон ибн ‘Абдуллоҳ ас-Сақафий ат-То’ифий (51/671-72 йилда вафот этган) – арабларнинг *сақиф* (ثقيف) қабиласидан чиққан саҳобалардан бири бўлган. Муҳаммад пайғамбар саҳобалар билан Маккани фатҳ этганларидан кейин ат-То’иф шаҳрини қамал қилдилар. 9/630-31 йилда *сақиф* қабиласи билан бирга ‘Усмон ҳам ислом динини қабул қилди ва Муҳаммад пайғамбар уни ат-То’иф шаҳрига ҳоким этиб тайинлади. Бу лавозимни у халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб (13 – 23/634 – 644 йилларда ҳукм сурган) даврига қадар эгаллади. 15/636-37 йилда ‘Умар уни ‘Уммон ва ал-Баҳрайн ҳокими этиб тайинлади ва ат-То’ифда ўзи истаган одамни ҳоким қилиб қолдиришни буюрди. ‘Усмон ат-То’ифда укаси ал-Ҳакамни қолдирди ва халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон (23 – 35/644 – 656 йилларда ҳукм сурган) даврига қадар ал-Баҳрайнда ҳоким бўлди. Халифа ‘Умар даврида у Озарбайжонга юриш қилди, ал-Ҳинд ва ал-Форс мамлакатларини фатҳ этишда иштирок этди, ал-Форс ҳокими этиб тайинланди. 26/646-47 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон уни Шопур-и Соний ва Казирун шаҳарларини, 27/647-48 йилда эса Арражон ва Дарабжирд шаҳарларини фатҳ этишга юборди. 29/649-50 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон уни ҳоким лавозимидан четлатди, шундан

кейин ‘Усмон ибн Абу-л-‘Осий умрининг охиригача ал-Басрада яшади. Ўрта асрларда ал-Басрада у билан боғлиқ Шатт ‘Усмон (شط عثمان) – “ ‘Усмон қирғоғи” номли ер бўлган. У *сақиф* қабиласини исломдан юз ўгиришдан қайтарган ва уларга мурожаат қилиб, шундай деган: “Сиз араблардан охирги бўлиб ислом динини қабул қилдингиз, энди улардан биринчи бўлиб, исломдан юз ўгирманг” [Ibn Saad V: 372; VII (1): 26; al-Ja‘kubi II: 82, 136, 151, 156, 190; at-Tabari I: 968, 1689, 1691, 1983, 1984, 1985, 1988, 2135, 2212, 2389, 2426, 2481, 2505; Ибн А‘сам II: 316; ас-Сам‘оний III: 133 – 134; VIII: 184; Та‘рих-и Систан: 101, 103; Jacut I: 509, 645, 890; II: 79, 387, 489, 887; III: 236, 290, 837; IV: 265, 342]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий IV: 368; Dehkhoda X: 15751.

7. 50 ҳижрий йил милодий 670 йилнинг 29 январ кунидан 671 йилнинг 17 январ кунигача давом этган.

8. ал-Йа‘қубийга кўра, 44/664-65 йилда Му‘овийа ибн Абу Суфйон Зиёод ибн Абу Суфйонни ал-Басрага волий этиб тайинлади ва саҳобалардан бири ал-Ҳакам ибн Амр ал-Ғифорийни Хуросонга волий этиб тайинлашни буюрди [ал-Йақубий II: 233; al-Ja‘kubi II: 222].

9. ал-Ҳакам ибн ‘Амр Марв шаҳрида вафот этди ва Хулайднинг акаси Холид ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафийнинг ҳовлисида дафн этилди. Унинг қабри XII асрда ҳам Марвда машхур эди [at-Tabari II: 81, 85, 111; Гардизи: 27; ас-Сам‘оний IX: 165 – 166]. Туркменистондаги Мари шаҳри яқинида жойлашган қадимги Марв шаҳрининг харобалари ҳозир Султонқалъа деб аталади. Унинг жанубий қисмида ҳозир ҳам ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорийнинг мақбараси сақланган. Ундан 15 м масофада Бурайда ибн ал-Хусайб ал-Асламийнинг мақбараси жойлашган. XV асрда бу икки мақбара устида иккита катта мавзолей қурилган, улар ҳозиргача маҳаллий аҳоли томонидан эъзозланади ва зиёрат қилинади [Пугаченкова 1958: 400 – 402]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 296; Dehkhoda VI: 9160; Камалиддинов 1993: 129 – 130.

10. ат-Табарийга кўра, ал-Ҳакам ибн ‘Амр бир *мавлоси* билан Балх дарёсининг нариги бетига ўтди ва ўша ерда туриб дарёнинг сувидан ичди. Кейин у таҳорат қилиб, 2 *рак‘ат* намоз ўқиди ва орқасига қайтди [at-Tabari II: 156]. Гардизийга кўра, Хуросонда биринчи бўлиб вафот этган ва Балх дарёсидан сув ичган амир ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий бўлган [Гардизи: 27]. Муҳаммад пайғамбар Жайхун дарёсининг ортидаги ерлар, айниқса Самарқанд шаҳрининг фатҳ этилишига катта эътибор берган ва саҳобаларни бу ишни амалга оширишга даъват этган [al-Nasafi: 291 – 292 (№ 467), 634 – 635 (№ 1117), 652 – 653 (№ 1141)]. Саҳобалардан бири Ибн ‘Уйайна “Жайхун дарёси ортида наमत устида бир кеча тунаш 1000 та такводорлик баҳонасидан афзал” деб айтган [al-Nasafi: 250 (№ 404)]. Саҳобалардан яна бири Анас ибн Молик “Ким Самарқандни зиёрат этса, Аллоҳ олдида юзи ёруғ бўлур, ким Самарқандда шаҳид бўлса, унинг жони тўғри жаннатга

йўл олур” деб айтган [al-Nasafi: 634 (№ 1117)]. Шунинг учун илк ўрта асрларда Мовароуннахрга келиб, бу ерда ғайридинларга қарши жиҳод ёки ғазавот урушларини олиб бориш ва бу ерда шаҳид бўлиш ҳар бир мўъмин мусулмон учун хайрли ва савоб иш ҳисобланган. Ривоятга кўра, Фарғонадаги Сафид Булон номли ерда 2700 та саҳобанинг қабрлари бўлган. Улар бу ерда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида Муҳаммад ибн Жарир бошчилигида келганлар ва ғайридинларга қарши жангларда шаҳид бўлганлар [ал-Карши: 149]. Яна бир ривоятга кўра, халифа Абу Бакр ас-Сиддиқ даврида ал-Мадина шаҳридан Фарғонадаги Ўзганд шаҳрига ‘Абд ар-Раҳмон ибн Холид ибн ал-Валид бошчилигида 12 минг саҳобадан иборат қўшин келган ва уларнинг ҳаммаси ғайридинларга қарши жангларда шаҳид бўлганлар. Халифа ‘Али ибн Абу Толиб даврида эса Ўзгандда 30 минг саҳоба ва уларга эргашганлар (*ат-тоби‘ун*) шаҳид бўлганлар [Койлакы 1992: 24 – 28]. Самарқанд шаҳрида Муҳаммад пайғамбарнинг амакисининг ўғли Қусам ибн ал-‘Аббоснинг мақбараси бўлиб, ҳозирги кунда Шоҳ-и Зинда деб аталади. Ривоятга кўра, у халифа ‘Усмон ибн ‘Аффоннинг Са‘ид исмли ўғли билан Самарқандга келиб, бу ерда 54/673-74 ёки 56/675-76 йилда шаҳид бўлган. Унинг ёнида жойлашган қабристонда яна бир нечта саҳобаларнинг мақбаралари бор [Абу Тоҳир хожа: 28 – 33]. Бухоро шаҳрида ҳам бир нечта саҳобаларнинг мақбаралари жойлашган [Гафурова 1992: 56 – 62]. Бу ривоятлар ва мавжуд қабрлар шундан далолат берадики, Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан баъзилари ҳақиқатда ҳам Мовароуннахрга келганлар ва арабларнинг бу ерда олиб борган фатҳ урушларида иштирок этганлар. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 1998: 32 – 34.

11. Абу ‘Абд ар-Раҳмон ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Ҳанзалий ал-Марвазий (181/797-98 йилда вафот этган) – илк ‘Аббосийлар даврида яшаган машҳур саркарда, кўзга кўринган давлат арбоби ва қомусий олим. Унинг келиб чиқиши Марвга кўчиб келган хоразмлик ўғуз туркларидан бўлиб [Ибн Халликон I: 248], арабларнинг *бану ҳанзала* (بنو حنظلة) қабиласининг *мавлоси* бўлган ва арабларнинг Византияда олиб борган фатҳ урушларида иштирок этган [ас-Сам‘оний IV: 251]. Халифа Ҳорун ар-Рашид (170 – 193/786 – 809 йилларда ҳукм сурган) даврида Хуросондаги шаҳарларнинг бирида ҳарбий саркарда ва волий бўлган [Сиасет-намэ: 224]. Маъмурий ишларни юритиш билан бирга ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборак йирик ермулк эгаси бўлган ва илм-фан билан ҳам шуғулланган. У ўзининг Марвдаги уйида катта кутубхона ташкил қилиб, унда, айрим маълумотларга кўра, Сосонийларнинг сарой кутубхонасига мансуб китоблар ҳам сақланган. ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборак *ҳадис*, *фиқҳ*, *тафсири*, *адаб* ва тарих соҳаларида даврининг энг йирик олимларидан бири, шунингдек машҳур *суфий* ва шоир бўлиб, бутун ислом дунёсида шуҳрат қозонган ва турли мамлакатларда унинг кўплаб шогирдлари бор эди. Унинг мазкур илмлар соҳасида ёзилган 14 та илмий асари маълум бўлиб, улар кейинги асрларда ҳам кенг тарқал-

ган. ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ўзининг ер-мулкларидан келиб тушган катта даромадлар туфайли тижорат мақсадлари билан кўп саёҳат қилган ва сафарлари давомида илм-фан билан ҳам шуғулланиш имкониятига эга бўлган. ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборак аш-Шом (Сурия) даги Тарсус шаҳридан ватанига қайтатган вақтда йўлда вафот этган ва ал-‘Ироқдаги ал-Фурот (الفرات), яъни Фрот дарёсининг бўйидаги Хит (هيت) шаҳрида дафн этилган [ас-Сам‘оний IV: 251]. ‘Абдуллоҳ ибн ал-Муборак VIII аср ислом дунёсининг энг йирик қомусий олимларидан бири ва ўз даври учун юксак маданият ва билим соҳиби бўлган. У туркий халқлар вакилларидан биринчи бўлиб ўз кучи билан ислом жамиятида бу қадар юқори мавқега эришган. “Ғайридин” турклар билан “жиҳод” урушлари олиб борилган бир вақтда у ўз мисолида оддий туркларнинг фақат уруш олиб боришга қодир эмас, балки илм-фан соҳасида ҳам чуқур билимларга эга бўлиши ва жамиятда юксак мавқега эга бўлиши мумкинлигини исботлаб берди [Ibn Saad VII (2): 104; ал-Балозурий: 159, 286; Macoudi VI: 294, 295, 503; Yaqut I: 17, 25; Jacut I: 66, 204, 243, 374, 477, 488, 741, 871, 873; Ибн Халликон III: 32 – 34 (№ 322)]. У ҳақида яна қаранг: Sezgin 1967 I: 95; аз-Зириклий IV: 256; Dehkhoda X: 15721; Камолиддин 2005: 93 – 104.

12. *ҳадис* (حديث) – араб., “янгилик”, “маълумот”, “ривоят” – ислом жамоаси ҳаётининг турли ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатлари бўйича Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаётлигида ўзининг саҳобаларига берган кўрсатмалари ва ўзи қилган амаллари ҳақидаги ривоятлар тўплами. Ҳадис икки қисмдан иборат бўлади: *иснод* (الاسناد) – у ёки бу ҳадисни саҳобалардан бошлаб авлоддан авлодга ривоят қилиб келган ровийларнинг занжири ва *матн* (المتن) – ҳадиснинг маълумот берувчи асосий қисми, яъни ривоятнинг ўзи. Ислом ҳуқуқшунослигида *ҳадислар* Қуръон-и Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган муқаддас манба ҳисобланади. Ҳадислардан *сунна* (السنة) ташкил топган бўлиб, у ислом динининг асосий ғоялари ва тамойилларини ўз ичига олади. Ўрта асрларда минглаб ҳадислар маълум бўлган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий ва ишончли бўлмаган, ўйлаб топилган сохта ҳадислар ҳам кўп бўлган. Энг ишончли ҳадислар *сахих* (صحيح) – “тўғри” деб аталган. Ҳадиснинг ишончли ёки сохталиги кўпинча ундаги *иснод*нинг тўғри ёки нотўғрилиги орқали аниқланган. Иснодни ташкил қилувчи ровийлар *ар-рижол* (الرجال) – “одамлар” деб аталган. Ҳадисларни ўрганиш билан шуғулланган фан ‘*илм ал-ҳадис* (علم الحديث) – “ҳадис илми”, ҳадисларни йиғиб, шарҳлаган ва ривоят қилган шахслар эса *муҳаддис* (محدث) деб аталган. IX – X аср бошларида ҳадисшунос олимлар ҳадисларни тартибга солиб, улар ичидан энг ишончли ҳадисларни танлаб олиб, улардан махсус ҳадислар тўпламлари “ал-Жоми‘ ас-Саҳих” (الجامع الصحيح) – “сахих ҳадислар тўпламлари” га киритганлар. Бундай ҳадислар тўпламларидан 6 таси мавжуд. Уларнинг ичида имом Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмо‘ил ал-Бухорий (194 – 256/810 – 870) ва имом Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн ал-Ҳаж-

жож ал-Қушайрий ан-Найсобурий (204 – 261/820 – 875) тузган ҳадислар тўпламлари энг обрўли ҳисобланади. Имом Муслим ҳаммаси бўлиб 300 мингта ҳадисни ўрганиб чиққан ва улардан фақат 12 мингтасини *сахих* деб топган. Имом ал-Бухорийнинг тўпламига эса 9087 та *сахих* ҳадис киритилган. Ҳадис ҳақида яна қаранг: Robson 1971: 23 – 28; Бойко 1991: 95 – 96; 262 – 263; Dehkhoda VI: 8803 – 8806.

13. Бошқа манбаларда ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорийнинг ас-Сағониённи фатҳ этгани ҳақида маълумот келтирилмаган. ал-Йа‘қубий келтирган маълумотга кўра, ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий Хуросонга 44/664-65 йилда келиб, аввал Ҳаротга, кейин ал-Жузжонга юриш қилди. У ерда араблар турли қийинчиликлар ва очарчиликни бошдан кечирдилар ва ҳатто ўзларининг отларини ейишга мажбур бўлдилар. Бу юришларда у билан бирга ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра ҳам бор эди [ал-Йа‘қубий II: 233; al-Jakubi: 296; al-Ja‘kubi II: 264]. ат-Табарийга кўра, ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий Хуросонга 45/665-66 йилда келиб, Тўхористонга юриш қилди ва 47/667-68 йилда ал-Ғур билан Фарованд аҳлини фатҳ этиб, у ерда катта ўлжа ва асирларни қўлга киритди. 50/670-71 йилда ал-Ҳакам Ҳарируд дарёсининг юқори оқимидаги ал-Ашалл тоғларига юриш қилди [ат-Табарий II: 80 – 85, 109 – 110]. Гардизийга кўра, ал-Ҳакам Ҳаротга келиб, Хуросон тоғларига чиқди. У билан бирга ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра ҳам бор эди ва жангларда катта жасорат кўрсатди [Гардизи: 27]. Бу ҳақида яна қаранг: Гоибов 1989: 87 – 88.

## Х

### ар-Раби‘ ибн Зийод ал-Ҳорисий

1. 51 ҳижрий йил милодий 671 йилнинг 18 январ кунидан 672 йилнинг 9 январ кунигача давом этган.

2. ар-Раби‘ ибн Зийод ибн Анас (Асад) ибн ад-Даййон (ад-Дайол, ар-Раййон) ал-ибн Қутн ибн Зийод Ҳорисий (53/672-73 йилда вафот этган) – арабларнинг *ад-даййон* қабиласига мансуб лашкарбоши. Дастлаб у ал-Баҳрайн амири бўлган. Халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб (13 – 23/634 – 644 йилларда ҳукм сурган) даврида ал-Мадинага келган. 29/649-50 ёки 30/650-51 йилда ал-‘Ироқ волийси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир уни Сижистонни фатҳ қилиш учун юборди. У Сижистонни фатҳ этди ва у ерда 40 минг одамни асирга олиб, уларни қул қилди. 45/665-66 йилда ал-‘Ироқ, Сижистон ва Хуросон волийси Зийод ибн Абу Суфйон уни Хуросонга 50 минг аскарлик қўшин билан Хуросонга юборди, 50/670-71 ёки 51/671-72 йилда эса уни Хуросон волийси этиб тайинлади. Хуросонда ар-Раби‘ ибн Зийод эфталийларга қарши юришлар қилди ва 53/672-73 йилда улар билан бўлган жангда ҳалок бўлди [Ibn Saad VI: 110; Халифа ибн Хаййот: 50; al-Jakubi: 297; ал-Йа‘қубий II: 233; al-Ja‘kubi II: 264, 462; at-Tabari II: 81, 155 – 156, 161 – 163,

1409; el-Maḡdisi VI: 4 – 5; Ибн А‘сам II: 272, 339; IV: 316; Гардизи: 25, 27; Та‘рих-и Систан: 104 – 106; Jacut II: 131, 909; III: 282; IV: 171, 265, 728]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий III: 38 – 39; Dehkhoda VIII: 11910; Большаков 1993: 181, 184; Колесников 1982: 128, 130, 163, 196; Gibb 1923: 16; Гоибов 1989: 88 – 89.

3. ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий 50/670-71 йилда ўлимидан олдин ўзининг ўрнига Анас ибн Абу Унасни волий этиб тайинлаган эди. Лекин Зийод ибн Абу Суфйон уни бу лавозимдан четлатиб, ўрнига Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафийни 1 ойга тайинлади. 51/671-72 йилнинг бошида Зийод Хуросонга ар-Раби‘ ибн Зийодни юборди [at-Tabari II: 155 – 156]. Гардизийга кўра, ал-Ҳакам ибн ‘Амрдан кейин Зийод Хуросонга ‘Абдуллоҳ ал-Лайсийни волий этиб тайинлади. У эса саҳобалардан бири эди. Ундан кейин Зийод Хуросонга ар-Раби‘ ибн Зийодни юборди [Гардизи: 27]. Ибн Хаййотга кўра, ар-Раби‘ ибн Зийод Хуросонга 50/670-71 йилда волий бўлиб келди [Халифа ибн Хаййот: 50].

4. Матнда: *ал-мисрайн* (المصريين) – араб., “иккала шаҳар”, яъни IX асрда ал-‘Ироқ вилоятида энг катта бўлган ал-Басра ва ал-Куфа шаҳарлари. Бу икки шаҳар ал-‘Ироқон (العراقان) ёки ал-‘Ироқайн (العراقين) – “икки ал-‘Ироқ” деб ҳам аталган [Ibn A‘tham VIII: 107; el-Maḡdisi VI: 2].

5. ал-Йа‘қубийга кўра, Х<sup>в</sup>оразм ар-Раби‘ ибн Зийод ал-Ҳорисий ҳукмронлиги даврида фатҳ этилди. Уни ‘Абдуллоҳ ибн ‘Уқайл ас-Сақафий фатҳ этди [ал-Йа‘қубий II: 233]. ал-Мақдисийга кўра, ар-Раби‘ ибн Зийод Балх ва унинг атрофларидаги ерларни фатҳ этди [el-Maḡdisi VI: 4]. Ибн Хаййотга кўра, Балх аҳли ал-Аҳнаф ибн Қайс билан тузилган сулҳдан воз кечиб, шаҳар дарвозаларини беркитган эдилар. Улар ар-Раби‘ ибн Зийод билан қайта сулҳ туздилар. Шундан кейин ар-Раби‘ Қуҳистонга юриш қилди ва уни куч билан қўлга олди [Халифа ибн Хаййот: 50]. Ўрта асрларда Тўхористондаги Хулм шаҳри ва унинг атрофларида *ал-азд*, *бакр*, *тамим* ва *қайс* [al-Moḡaddasi: 303; ас-Сам‘оний V: 164], Симинжон шаҳри ва унинг атрофларида *тамим* [ас-Сам‘оний VII: 150], Хост шаҳри ва унинг атрофларида *ашраф* [ас-Сам‘оний V: 208], ал-Қуводийон вилоятида *тамим* [ас-Сам‘оний X: 42] қабилаларига мансуб араблар яшаганлар. IX асрда Тўхористондаги Валволиж шаҳри Музоҳим ибн Бистом исмли арабга қарашли мулк бўлган [Ибн ал-Факих: 322], унинг атрофидаги қишлоқлар эса Бистом ибн Сура ибн ‘Омир ибн Мусовирга қарашли мулк бўлган [Ibn Khordadhbeh: 34]. X асрда ал-Жузжон даштларида 20 мингга яқин араблар яшаган бўлиб, улар қўй ва туя етиштириш билан шуғулланганлар ва Хуросондаги энг бой араблардан ҳисобланганлар [Hudud al-‘Alam: 108]. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2006: 38 – 43.

6. Абу ‘Абдуллоҳ Бурайда ибн ал-Ҳусайб ибн ‘Абдуллоҳ ибн ал-Ҳарас ал-Асламий (63/682-83 йилда вафот этган) – Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири, Хайбарга қилинган юриш ва Макканинг фатҳ этили-



шида у билан бирга бўлган. Муҳаммад пайғамбар уни ўз қавмидан тушувчи садақаларни йиғишга масъул қилиб тайинлади. Бурайда дастлаб ал-Мадинада яшади, кейин ал-Басрага кўчди. 45/665-66 йилда у амир ар-Раби‘ ибн Зийод ал-Ҳорисий билан бирга Хуросонга келди ва кўп ўтмай Марвда вафот этди. Бурайда кўп ҳадислар ривоят қилган. Имом ал-Бухорий ва имом Муслимнинг “ал-Жоме‘ ас-Саҳиҳ” ҳадислар тўпламларига унинг сўзидан ривоят қилинган 167 та ҳадис киритилган [Ibn Saad IV: 178; VII (1): 3; VII (2): 99; Ибн Ҳажар I: 296 (№ 628); ал-Балозурий: 262 531; al-Ja‘kubi II: 86; at-Tabari I: 13, 1579; II: 155; III: 2348, 2371, 2539; Ибн А‘сам II: 320; Гардизи: 27; ас-Сам‘оний IV: 157; Jacut II: 84, 777; IV: 507, 511]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 22; Dehkhoda III: 4687; Большаков 1989: 263; Камалиддинов 1993: 161.

7. Йазид I ибн Му‘овийа – Умавийлар сулоласига мансуб 2-халифа, 60 – 64/680 – 683 йилларда Дамашқда ҳукм сурган.

8. Бурайда ибн ал-Ҳусайб ал-Асламийнинг мақбараси ҳозирги Мари шаҳри яқинидаги Султонқалъа харобаларининг жанубий қисмида ҳозир ҳам сақланган. Ундан 15 м масофада яна бир саҳоба Хуросон амири ал-Ҳаккам ибн ‘Амр ал-Ғифорийнинг мақбараси жойлашган. XV асрда бу икки мақбара устида иккита катта мавзолей қурилган, улар ҳозиргача маҳаллий аҳоли томонидан эъзозланади ва зиёрат қилинади [Пугаченкова 1958: 400 – 402].

9. Абу Барза ‘Абдуллоҳ ибн Надла ал-Асламий (65/684-85 йилда вафот этган) – арабларнинг *аслам* (اسلم) қабиласига мансуб саҳоба ва ҳадис ровийси [ас-Сам‘оний I: 249]. Унинг тўлиқ исми Абу Барза ‘Абдуллоҳ ёки Надла (نضلة) ёки Фадла ибн ‘Убайдуллоҳ (‘Уйайна ёки ‘О‘из) ибн ал-Ҳорис ал-Асламий бўлган, лекин у кўпроқ Абу Барза номи билан машҳур бўлган. У дастлаб ал-Мадина шаҳрида яшаган, кейин ал-Басрага кўчган. ‘Али ибн Абу Толиб билан бирга ан-Наҳравон жангида иштирок этган, кейин ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра билан бирга *ал-азрақий*ларга қарши жанг қилган. Хуросонга қўшин билан келган ва ўша ерда 65/684-85 йилда вафот этган. У 46 та ҳадис ривоят қилган [Ibn Saad VII (2): 100; Ибн Ҳажар II: 905 (№ 9357); ал-Балозурий: 36; Ибн А‘сам V: 129; Ибн Халликон VI: 366]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий VIII: 358; Dehkhoda I: 594.

10. Абу Барза ‘Абдуллоҳ ибн Надла ал-Асламий ҳам саҳоба бўлган [ас-Сам‘оний I: 249]. Лекин унинг қабри Марвда жойлашганлиги ҳақида манбаларда маълумот келтирилмаган. Марв харобаларидаги зиёратгоҳлар ичида ҳам унинг қабри қайд этилмаган.

11. Мо дуна-н-наҳр (ما دون النهر) – араб., “дарё пастидаги [ер]”. Бу ерда Жайхун дарёси, яъни Амударёнинг чап соҳилида, ундан жанубда ва жануби-ғарбда жойлашган ерлар, яъни Хуросон ва Жанубий Тўхористон назарда тутилган. Бу атама ўзининг маъносига кўра, Мовароуннаҳр атамасига ўхшаш бўлган. Бу ҳақида II, 123-изоҳга ҳам қаранг.

12. Илк ўрта асрларда араблар асосан қабила ва уруғ бўлиб яшаганлиги туфайли, уларда жамоа бўлиб ҳаёт кечириш одат тусига кирган. Шунинг учун улар шаҳарда ҳам зарурат туғилганда ўзларининг анъанавий ҳаёт тарзи ва тартибларига риоя қилганлар.

13. Хужр ибн ‘Адийй ибн Му‘овийа ибн Жабала ибн ‘Адийй ибн Раби‘а ибн Му‘овийа ал-Киндий (51/671-72 йилда вафот этган) – ал-Йамандаги *кинда* (كندة) қабиласига мансуб саҳоба ва ҳадис ровийси [ас-Сам‘оний X: 487]. Уни Хужр ал-Хайр деб ҳам атаганлар. У ал-‘Ироқни фатҳ этишда ва ал-Қодисийа жангида иштирок этган. Кейин у ‘Али ибн Абу Толибнинг тарафдорлари билан бирга 36/656-57 йилда “туя жанги” (يوم الجمل) ва 37/657-58 йилда Сиффин жангида иштирок этди. ‘Али вафот этгандан сўнг у ал-Куфада Зийод ибн Абу Суфйон волий бўлиб келгунча яшади ва Умавийларга қарши даъватни давом этдирди. Зийод уни чақиртириб, даъватни тўхтатишни талаб қилди, лекин Хужр унга қулоқ солмади. Шунда Зийод уни шериклари билан Дамашқга халифа Му‘овийа I нинг хузурига юборди. Му‘овийа уларни 51/671-72 йилда Дамашқ вилоятидаги Марж ‘Азро’ (مرج عذراء) номли қишлоқда қатл этишни буюрди [Ibn Saad VI: 151; al-Ja‘kubi II: 229, 230, 273 – 275; at-Tabari I: 2462, 3151, 3155, 3174, 3272, 3280, 3337, 3371, 3380, 3447; II: 111 – 129, 131, 133, 135 – 149, 155, 161; Ибн А‘сам I: 210, 211, 214, 390, 468, 543; III: 91, 92, 146; IV: 219, 220, 295, 316, 344, 345; V: 149; VI: 243, 255, 318; Jacut II: 528; III: 277; IV: 625, 746]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 176; Dehkhoda VI: 8738.

14. ат-Табарийга кўра, ар-Раби‘ ибн Зийод жума куни одамлар олдига чиқиб, “Эй одамлар! Мен ҳаётдан тўйдим. Мен бу намозни ўқигандан кейин сизлар “Омин” деб айтингизлар!”, – деди. Кейин у намоз ўқиб, қўлини кўтариб “Эй худо! Менга яхшилик қилмоқчи бўлсанг, тезроқ мени ўз ёнингга олиб кет”, – деб хитоб қилди. Одамлар эса “Омин”, – дедилар. У ташқарига чиқиб, бироз юргандан кейин йиқилди ва уни уйига олиб бордилар. У ўзининг ўрнига ўғли ‘Абдуллоҳни Хуросон волийси этиб тайинлади ва ўша куни ўлди [at-Tabari II: 162].

15. 53 ҳижрий йил милодий 672 йилнинг 27 декабр кунидан 673 йилнинг 15 декабр кунигача давом этган.

16. ‘Абдуллоҳ ибн ар-Раби‘ ибн Зийод ал-Ҳорисий – қисқа вақт давомида Хуросон волийси вазифасини бажарган [al-Jakubi: 297; al-Ja‘kubi II: 448, 468, 476, 506; at-Tabari II: 161, 162]. Шунинг учун унинг исми Хуросон волийларининг расмий рўйхатларида қайд этилмаган. ُУ ҳақида қаранг: Ibn Saad III (2): 89.

17. Омул (أمل) – Марвдан Бухорога олиб борувчи катта карвон йўлида Амударёнинг чап қирғоғида кечув ёнида жойлашган шаҳар [Ibn al-Fakih: 321, 325]. Бу шаҳарнинг асл номи Ому (أمو), Омуй (أموي) ёки Омуйа (أمويه) бўлган [al-Masudi: 65; Низами: 110; Сиасет-намэ: 21; Баевский 1980: 85], унинг Омул (أمل) шакли эса араб тилининг таъсирида вужудга келган [al-

Beladsoro: 410]. Ундан ташқари бу шаҳар Омул Жайхун (أمل جيحون), Омул аш-Шатт (أمل الشط), Омул ал-Муфоза (أمل المفازة) ва Омул Замм (أمل الزم) деб ҳам аталган [ас-Сам‘оний I: 106 – 107; Jacut I: 69 – 70, 365; Ибн ал-Асир IX: 164]. Чунки ўрта асрларда Омул номли яна 2 та шаҳар бўлган, улардан бири Табаристонда, иккинчиси эса хазарлар мамлакатада жойлашган [Ibn al-Fakih: 302 – 304, 310; Masoudi II: 7 – 8, 20]. Омул шахрининг ёнида Хуросондан Мовароуннахрга йўл олган карвонлар Жайхун дарёсидан кечиб ўтганлар. Бу кечувнинг нариги томонида, яъни Жайхун дарёсининг ўнг қирғоғида Фарабр шаҳри жойлашган. Бу шаҳарнинг номи аслида Амударё номидан олинган. Демак, Амударёнинг ҳозирги номи (Аму/Ому) илк ўрта асрларда ҳам ишлатилган. Омул номининг келиб чиқиши енисей-кет тилларидаги *am* – “она” ва *ul* – “дарё” сўзларидан ясалган бўлиб, “она дарё” маъносини билдиради [Яйленко 1990: 37 – 40]. Тахмин қилинишича, бу дарёнинг “Авесто” да қайд этилган Vahvi Daitya, шунингдек бошқа эроний тиллардаги Vaxshu ва Vehrot номлари айнан шу қадимги кет номидан таржимаси қилинган [Дульзон 1971: 198 – 208]. Омул шаҳри кейинги асрларда Чоржўй (چهارجوى) деб аталган. Унинг харобалари ҳозирги Туркманистон ҳудудидаги Чоржов шаҳридан 9 км шимоли-ғарбда, Амударё қирғоғидан 7 – 8 км масофада жойлашган. Шаҳар харобалари 150 га майдонни эгаллаган, ундаги маданий қатламларларнинг қалинлиги эса 7 м га этади. Шаҳар мил. I – II асрларда вужудга келган бўлиб, XX аср бошларигача ўзининг ўрнини ўзгартирмаган [Трапезников 1959: 268; Массон 1966: 144 – 145]. У ҳақида яна қаранг: Bennigsen 1960: 459 – 460; de Meunard 1861: 5 – 6; Dehkhoda I: 211, 215; Камалиддинов 1996: 73 – 78.

18. Зам ёки Замм (زم) – Амударёнинг ўрта оқими ҳавзасида, унинг чап қирғоғида жойлашган шаҳар [Ibn al-Fakih: 321, 322; Jacut II: 946]. Унинг ёнида Амударёдан ўтувчи кечув бўлган [at-Tabari II: 1078]. Карвонлар Марв ар-Руд ва Гузганондан келиб Замм орқали Мовароуннахрга сув кечиб ўтганлар [al-Jakubi: 291]. Бу сув кечуви қулайроқ бўлгани учун Қутайба ибн Муслим икки марта Омулдан ўтган бўлса ҳам, Мовароуннахрга у ердан эмас, балки Замм кечувидан ўтган [at-Tabari II: 1184, 1186, 1198]. Бу кечув ери Каркуҳ ан-наҳр (كركوه النهر) деб ҳам аталган [al-Moqaddasi: 292]. Бу кечувнинг қарши томонида X асрда Ахсисак (اخشيساك) номли шаҳар жойлашган бўлиб, у Замм билан бирга Мовароуннахрга мансуб ягона маъмурий бирликни ташкил этган [Ibn Haukal: 477]. Уларнинг умумий жоме‘ масжиди эса Заммда жойлашган [al-Istakhri: 298; Jacut I: 162]. Дарёнинг ўнг қирғоғида катта бинолар йўқ бўлиб, асосан чўлдан иборат бўлган [al-Masudi: 64 – 65]. Бу шаҳар Курдан (کردن) номли *ноҳий*анинг маъмурий маркази бўлиб, унинг номи Хасосак (خساساك) шаклида ҳам келтирилган [Ibn Khordadbeh: 173]. Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган бу *ноҳий*анинг номи Кардар (کردر) шаклида ҳам келтирилган [at-Tabari II: 1513]. Каркуҳ кечуви Боткар (باتكر) ёки Бойкар (بايكر) деб ҳам аталган [al-Moqaddasi: 292]. Замм

қалъаси ҳам Боткар (باتكر) ёки Бодкар (باذكر) деб аталган [at-Tabari II: 1585; ac-Сам‘оний II: 192; Jacut I: 452]. Шундай қилиб, Замм шахрининг қалъаси Боткар ёки Бодкар, унинг ёнидаги кечув ери эса Каркуҳ ан-наҳр, унинг қаршисидаги шаҳар эса Ахсисак деб аталган. Заммда жойлашган жоме‘ масжиди иккала шаҳар учун умумий бўлган, чунки бу икки шаҳар бир маъмурий бирликни ташкил этган. Шунга кўра, Замм ҳам Мовароуннаҳрда деб ҳисобланган, чунки бу иккала шаҳар ҳам Сомонийларга қарашли бўлган. Мўғуллар давридан кейин Замм ва Боткар (Бодкар) номлари муомаладан чиқиб, фақат Карки ёки Каркуҳ номи сақланиб қолган [Бартольд 1963: 131; 1965: 160]. Замм ва Ахсисак атрофларида фақат чўллар бўлиб, у ерда ҳеч қандай оқар сувлар йўқ, лекин қудуқлар ва яйловлар кўп бўлган [al-Istakhri: 281; Ibn Naukal: 451]. Замм шахрининг харобалари Амударёнинг чап қирғоғида ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган [Пилипко 1987: 187]. Бу ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 91 – 94; de Meynard 1861: 286 – 287; Dehkhoda I: 1525.

19. ар-Раби‘ ибн Зийод Хуросонга келиб, Балхга юриш қилди, чунки улар ал-Ахнаф ибн Қайс билан тузилган сулҳни бузган эдилар. ар-Раби‘ улар билан қайта сулҳ тузгандан кейин Куҳистонга юриш қилди ва уни куч билан фатҳ этди. У ерда унга қарши жанг қилган туркларнинг бир қисмини ўлдирди, қолганларини мағлубиятга учратди. У ердаги турклардан фақат Низак Тархон омон қолди [at-Tabari II: 156]. Гардизийга кўра, ар-Раби‘ эф-талиийларга қарши юриш қилиб, уларни мағлубиятга учратди. 51/671-72 йилда Бодғис ва Ганж Русто аҳли исломдан қайтдилар. Шаддод ибн Холид ал-Асадий уларга қарши юриш қилиб, уларнинг бир қисмини ўлдирди, қолганларини мағлубиятга учратди. Му‘овийа уларнинг қул қилинган асирларини ўз ерларига қайтаришни буюрди. Улар Хуросонга қайтиб келган биринчи қуллар эди [Гардизи: 27]. Баъзи маълумотларга кўра, ар-Раби‘ ибн Зийод ҳукмронлиги даврида унинг ‘Абдуллоҳ ибн [Абу] ‘Уқайл ас-Сақафий исмли лашкарбошиси Х<sup>в</sup>оразмга юриш қилди [al-Ja‘kubi II: 364]. Бу лашкарбоши ал-Куфадан келган 25 минг аскарлик қўшинга бошчилик қилган эди [at-Tabari II: 81]. Ундан олдин 22/642-43 йилда ‘Абдуллоҳ ас-Сақафий ал-Ахнаф ибн Қайс қўшини таркибида арабларнинг Хуросондаги юришларида иштирок этган эди [at-Tabari I: 2683]. Бу ҳақида яна қаранг: Гоибов 1989: 88 – 89.

20. ‘Абдуллоҳ ибн ар-Раби‘ ўлимидан олдин ўзининг ўрнига Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафийни Хуросон волийси этиб тайинлади [at-Tabari II: 161, 162 – 163].

## XI

### ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод

1. Зийод ибн Абу Суфйон 53/672-73 йилда вафот этган.

2. ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод ибн Абу Суфйон ал-Фосиқ (67/686-87 йилда вафот этган) – ал-‘Ироқ волийси Зийод ибн Абу Суфйоннинг ўғли, халифа Му‘овийа ибн Абу Суфйоннинг жияни, ал-Басра шаҳрида туғилиб ўсган. Унинг отаси Зийод ибн Абиҳи (яъни отасининг ўғли) деб аталган, чунки унинг отасининг аниқ исми номаълум бўлган. У ат-Тойиф шаҳрида туғилган. Му‘овийа ибн Абу Суфйон ўзининг сиёсий манфаатларини кўзлаб, уни ўзининг ўғай акаси деб тан олди. 53/672-73 ёки 54/673-74 йилда Му‘овийа ‘Убайдуллоҳни Хуросон волийси этиб тайинлади ва ‘Убайдуллоҳ Мовароуннахрга юриш қилиб, Ромитан, Насаф и Байканднинг ярмини, яъни унинг ташқи шаҳрини фатҳ этди. 55/674-75 йилда ‘Убайдуллоҳ ал-Басра волийси этиб тайинланди ва у ерда хорижийлар ҳаракатининг тарафдорларини таъқиб қилди. 60/679-80 йилда халифа бўлган Йазид ибн Му‘овийа уни ўз лавозимида қолдирди ‘Али ибн Абу Толибнинг ўғли ал-Хусайннинг ал-‘Ироқга йўл олгани ҳақида хабар бериб, хушъёр бўлиб туришни буюрди. ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод раҳбарлигида ал-Хусайн ал-Куфада қатл этилди. 61/680-81 йилда Йазид ибн Му‘овийа унга ал-Куфа шаҳрини ҳам қўшиб берди. Йазиднинг вафоти (65/684-85 й.) дан кейин ал-Басра аҳли унга қарши исён кўтардилар. ‘Убайдуллоҳ аш-Шомга кетди ва кўп ўтмай яна ал-‘Ироқга қайтмоқчи бўлди. Басраликлар ал-Хусайннинг тўкилган қони учун ўч олиш мақсадида унга қарши Иброҳим ибн ал-Аштар бошчилигида қўшин юборган эди. Улар Мосул яқинидаги Хозим номли ерда жанг қилдилар ва ‘Убайдуллоҳнинг қўшини мағлуб бўлди. ‘Убайдуллоҳни Ибн ал-Аштар ўлдирди [Халифа ибн Хаййот: 53; al-Jakubi: 297, 298; ал-Йа‘кубий II: 247 – 248; al-Ja‘kubi II: 281, 288 – 291, 306 – 309, 317, 322; at-Tabari II: 13, 166 – 172, 177, 179, 180, 185 – 196, 216, 228 – 231, 235; Ибн А‘сам IV: 305 – 307, 317 – 318; V: 36 – 62, 65, 70, 74 – 94, 97, 100, 168; VI: 178, 336; VII: 88; VIII: 337; Macoudi V: 22, 23, 130, 134 – 144, 156, 159, 194 – 198, 216, 222, 252, 253; VI: 70; VII: 218; Наршахий: 39, 40; Гардизи: 28; Та‘рих-и Систан: 116, 118, 119, 121; el-Maqqdisi VI: 4; Jacut I: 62, 520, 522, 643, 792; II: 68, 388, 744, 896, 903; Ибн Халликон II: 502 – 504; III: 165; VI: 344 – 347, 350, 353, 362; Ибн Халдун III: 18 – 19]. ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод Балхда биринчи бўлиб Сосонийларнинг тангаларига паҳлавий ва араб ёзувлари зарб этилган “арабий-сосоний” тангаларини чиқара бошлади. Улардаги паҳлавий ёзувларда “‘Убайдуллоҳ ибн Зийод”, араб ёзувларида эса *басмала*, яъни мусулмонларнинг асосий калимаси “бисмиллоҳ ар-рахмон ар-рахим” (بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ) деб ёзилган. Бу тангалар Балхда 62/681-82 йилда, яъни ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод Хуросондан кетгандан кейин ҳам зарб этилган [Walker 1941: 54]. У ҳақида яна қаранг: Robinson 2000: 763 – 764; Gibb 1923: 17 – 19; аз-Зириклий IV: 347 – 348; Dehkhoda X: 15742; Смирнова 1970: 199 – 200; Джалилов 1961: 113; Гоибов 1989: 89 – 90.

3. Му‘овийа ‘Убайдуллоҳ ибн Зийодни 53/672-73 йилнинг охирида Хуросон волийси этиб тайинлади [Халифа ибн Хаййот: 53; at-Tabari II: 166

– 170]. ал-Мақдисий келтирган маълумотга кўра, ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод Марвга келиб, Тўхористонга юриш қилди. У вақтда Тўхористонда малика Фатҳ-хотун хукмронлик қилар эди. ‘Убайдуллоҳ маликага қарши жанг қилиб, уни мағлубиятга учратди ва унинг ерларини талон-тарож қилиб, 7 марта айланиб чиқди. Шундан кейин малика у билан сулҳ тузишни сўради. ‘Убайдуллоҳ у билан маълум миқдордаги ўлпон тўловига сулҳ тузгандан кейин унинг ерларини холи қўйди. Кейин у Мовароуннаҳрга юриш қилди [el-Maḡḡḡḡḡḡ VI: 4]. Бу маълумотни ал-Йа‘қубий ҳам тасдиқлаб ёзадики, ‘Убайдуллоҳ аввал Тўхористонга юриш қилиб, унинг қўшинига ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра бошчилик қилган [al-Jakubī: 297]. Бу ҳақида яна қаранг: Гоибов 1989: 89 – 90.

4. Гардизийга кўра, ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод 16 минг отлик билан дарёни кечиб ўтди [Гардизи: 28]. Ёқут ал-Ҳамавий маълумотига кўра, унинг аскарларининг сони 40 минг бўлган [Jacut I: 520].

5. ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод Балх дарёсидан қўшин билан кечиб ўтиб, туяларда Бухоро тоғларигача борди ва улардан ҳам ошиб ўтиб, Ромитанни ва Байканднинг ярмини фатҳ этди [Халифа ибн Хаййот: 55; at-Tabarī II: 169].

6. Байканд (بيکند) ёки Пайканд (بيکند) – Бухородан 1 *фарсах* масофада Хуросон йўлида жойлашган шаҳар [Ibn al-Fakih: 325; Jacut I: 797]. Наршахийнинг маълумотига кўра, Байканд Бухородан қадимийроқ бўлиб, исломдан олдин унда подшоҳ қароргоҳи жойлашган. X асрда Байканд ички қалъа ва ташқи шаҳардан иборат бўлган [at-Tabarī I: 169]. Фирдавсийга кўра, Байканд қалъаси Овоза (اوزه) деб аталган [Фирдоуси 1952: 68]. Байканд жоме‘ масжидининг меҳроби Мовароуннаҳрда энг чиройли ҳисобланган [al-Istakhri: 313, 315]. Байканд катта савдо маркази бўлиб, Мадина ат-Тужжор (مدينة التجار) – “савдогарлар шаҳри” деб ҳам аталган [IK: 187, 203; at-Tabarī II: 1186]. Шаҳар атрофида қишлоқлар бўлмаган, лекин мингдан ортиқ работлар бўлган [al-Istakhri: 313 – 315; Ibn Naukal: 460, 515, 520]. Бу ерда Бухоро вилоятидаги ҳар бир қишлоқ аҳлининг ўз работи бўлган [Наршахий: 24 – 25]. Баъзи маълумотларга кўра, бу работлар ғозийлар учун қурилган бўлиб, уларнинг сони 3 минг бўлган [ас-Сам‘оний II: 373 – 374]. X аср охирларига келиб, бу работларнинг кўпчилиги хароба ҳолда эди [al-Moḡḡḡḡḡḡḡ: 281]. Ундан ташқари Байкандда катта гумбазли бир мақбара (*gunbadh-i gūrkhāna*) бўлган [Hudud al-‘Alam: 113]. Мўғуллар истилосидан кейинги манбаларда Байканд шаҳри қайд этилмаган.

Байканд номи қад. эрон. *pāti-kanta* – “хукмдорнинг уйи” [Frye 1954: 118, n. 91], ёки *ptknd* (қад. эрон. *pat*) – “мудофаа қилувчи шаҳар” ёки “бош шаҳар” [Lurje 2003: 189; Tremblay 2004: 130; Лурье 2004: 91 – 92] сўзларидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Бу жой номининг асосида қад. турк. *бай/най/май* сўзи ҳам бўлиши мумкин. Бу сўзнинг келиб чиқиши эса қадимги туркларнинг тангричилик динидаги аёл худоси Умай исми билан

боғлиқ. Умай исми эса ўз навбатида санскрит. *ита* – “она” сўзидан ясалган. [Кудачина 1980: 83 – 86; Стеблева 1972: 215; Нафасов 1988: 116]. Байканд топонимининг иккинчи қисми *-канд* (*-кент*) эса суғдча *-kath/-kaθ* (араб. كاث) топоформантининг туркча шаклидир [Хромов 1974: 9; Lurje 2003: 199]. Шарқий Туркистонда ҳам XI – XII асрларда Байканд номли шаҳар бўлган [Джапаридзе 1984: 28].

XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Хайробод туманида Пайканд номли ер қайд этилган [НПБЭ: 104]. Ўрта асрлардаги Байканд шаҳрининг харобалари Бухородан 60 км жануби-ғарбда, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Яккатут темир йўл бекати яқинида жойлашган бўлиб, Кўҳна Пайканд деб аталади [Зимин 1913: 62; Бартольд 1963: 169 – 170; ГП 1988]. У ҳақида яна қаранг: *Dehkhoda IV*: 5253, 6018.

7. Хотун (خاتون) – қад. турк. *qatun* – “хоним”, “аслзода хоним”, “хукмдорнинг аёли” ёки “малика” маъносини билдирган [ДТС: 436]. Турк хоқонлигининг маъмурий тизимида кенг ишлатилган аёлларнинг бу унвони худди шу маънода бактар ва суғд тилларида ҳам *γ'twnh*, *γwt'ynh* и *x'twn* шаклларида [Gharib 1995: 161 (#4070); 178 (#4470); 431 (#10605); 440 (#10825)], шунингдек, хўтан-сак тилида *hattuna* шаклида ишлатилган [Bailey 1944: 290]. Тахмин қилинишича, бу сўзнинг келиб чиқиши суғд тили билан боғлиқ бўлиб, *γwt'w* – “подшоҳ” унвонининг муаннас шаклидир, янги форс тилида *γwt'w* унвони *худо* (خدا) ёки *хузо* (خذا) – “худо” шаклида сақланиб қолган [Frye 1954: 110, n. 38].

Туркистонда “хотун” унвони фақат подшоҳ оиласига мансуб бўлган олий табақали хонзода аёлларга берилган. Одатда бу ном подшоҳнинг онаси ёки унинг биринчи ва иккинчи рафиқасининг исмига қўшиб айтилган. Подшоҳнинг онаси деганда, унинг туққан онаси эмас, балки “катта онаси”, яъни отасининг биринчи рафиқаси назарда тугилади. Қадимий урф-одатларга кўра, давлат тахтининг меросхўри ўз отасининг вафотидан кейин унинг биринчи рафиқаси, яъни ўзининг «катта онаси» га, расмий равишда уйланишга ҳақли бўлган. Лекин бу “уйланиш” фақат рамзий маънога эга бўлган. Бу одат заминида, албатта, сиёсий сабаблар ётган бўлса керак. Чунки подшоҳнинг катта онаси саройдаги аёллар ичида энг мартабаси улуғ ҳисобланиб, “Биринчи Хотун” деб аталган ва давлат ишларида фаол иштирок этган. Подшоҳнинг вафотидан кейин саройда муносиб эркак меросхўр йўқ бўлса, қонун бўйича давлат тахтини «Биринчи Хотун» эгаллашга ҳақли бўлган [Смирнова 1974: 64 – 65]. Бухоро маликаси Хотун ҳақида қаранг: ал-Йа‘кубий II: 247 – 248, 264; ат-Табарӣ I: 866, 1001; II: 169; Наршахий: 17 – 20. Бу унвон ҳақида яна қаранг: Boyle 1960: 1133; Gibb 1923: 19 – 22; *Dehkhoda VI*: 9268; Камолитдин 2004: 12 – 15; 2005: 16 – 24.

8. *мадинат* Бухоро (مدينة بخارا) – араб. *мадина* (مدينة) сўзи ўрта асрларда икки хил маънода ишлатилган: “шаҳар” ва “бош шаҳар”, яъни “пойтахт”. Бу ерда Бухоро вилоятининг бош шаҳри Бумижкат (بومجکت) ёки Нумижкат

(نمچکت) [Ibn Naukal: 482, 489, 520; al-Idrisi VIII: 493 – 495] назарда тугилган. Бу сўзнинг “бош шаҳар”, “пойтахт” маъносини англатувчи арабча синоними *қасаба* (قصبه) дир. Ўрта аср араб географиясида вилоятларнинг бош шаҳарлари вилоят номи билан ҳам аталган. Масалан, IX асрда Фарғонанинг исломдан олдинги бош шаҳри Косон *мадинат Фарғона* (مدینة فرغانة), Сижистон вилоятининг бош шаҳри Заранж (زرنج) *мадинат Сижистон* (مدینة سجستان) ёки Шаҳр-и Систон (شهر سیستان) деб аталган [Suhrab: 29; Бай-хаки: 582; Та’рих-и Систан: 64], Нишопур вилоятининг бош шаҳри Абаршаҳр (ابرشهر) *мадинат Нишопур* (مدینة نساپور) [Suhrab: 35; al-Tha’alibi 1968: 87], X<sup>в</sup>оразм пойтахти Кот (کاث) *мадинат X<sup>в</sup>оразм* (مدینة خوارزم) [Suhrab: 41; ас-Сам’оний V: 193; II: 156, 353, 363], ас-Суғд вилоятининг бош шаҳри Самарқанд (سمرقند) *мадинат ас-Суғд* (مدینة الصغد) деб аталган [Suhrab: 41], аш-Шошнинг бош шаҳри Бинкат (بنکت) *мадинат аш-Шош* (مدینة الشاش) деб аталган [Suhrab: 35]. Бу ҳақида яна III, 16, 144 ва XXV, 30, XXXVI, 4-изоҳларга қаранг.

X аср араб географи ал-Истахрий маълумотида кўра, Бумижкат (بومچکت) Бухоронинг эски номи [al-Istakhri: 315], Нумижкат (نمچکت) эса Бухородан 4 *фарсах* масофада жойлашган қишлоқ бўлган [al-Istakhri: 313]. Бошқа манбаларда Бухоро шаҳрининг эски номи Нумужкат (نومچکت) [al-Moqaddasi: 267], Бумискат (بومسکت) [Наршахий: 26], Нумушкат (نومشکت) [at-Tabari II: 1189, 1194], Тумушкат (تومشکت) [al-Beladsori: 420], Бумкат (بومکت) [Hudud al-‘Alam: 112], Нушкат (نوشکت) [Ibn al-Fakih: 327], Бунжикат (بنچکت) [Juwayni I: 76], Нумижкент (نمچکنت) [Гафурова 1992: 50], Бухоро вилоятидаги қишлоқнинг номи эса Бамижкат (بمچکت) [Ibn Khordadhbeh: 25; Ибн Хордадбех: 64; al-Moqaddasi: 267], Бамижкат (بمچکت) ёки Намижкат (نمچکت) [ас-Сам’оний II: 304; V: 69; VII: 94; Jacut I: 737; III: 352], шаклларида келтирилган. Бу маълумотлардан келиб чиқадики, ўрта асрларда Бумижкат (Нумижкат) ва Бамижкат (Намижкат) номли иккита топоним маълум бўлиб, уларнинг бири Бухоронинг эски номи, иккинчиси эса Бухоро вилоятидаги қишлоқнинг номи бўлган. 1820 йилнинг охири – 1821 йилнинг бошларида рус элчилари билан бирга Бухорога саёҳат қилган Е.К.Мейендорф – Бухоронинг энг қадимги қисми *арк* ни Нумишкенд деб атаган [Мейендорф 1975: 92]. Бухоро (بخارا) номи манбаларда VI асрдан бошлаб қайд этилган. Бухоро вилоятидаги Бамижкат қишлоғи Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғидан 3 – 4 масофада, Шоҳруд ариғининг бошланиш ерида, Вобкент шаҳридан 5 км жануби-шарқда жойлашган [СГСА 1973: 185]. Бу топонимлар ҳақида яна қаранг: Le Strange 1905: 460; Бартольд 1963: 151; СГСА 1973: 232 – 233; Barthold, Frye 1960: 1293 – 1296; Dehkhoda IV: 5086; XIV: 22738.

Нумижкат/Намижкат топоними суғдча *нок-тёван* – “янги қароргоҳ” [Marquart 1938: 161, n. 2] ёки суғдча *nwt’u* – “тўққиз”, яъни тўққизинчи шаҳар” сўзларидан ясалган деган фикрлар мавжуд [Frye 1954: 120, n. 103]. Нумижкат/Намижкат топонимининг биринчи қисми асосида Суғддаги энг



катта дарё (ҳозирги номи Зарафшон) Nām-ik ёки Nām-iснинг номи бўлиши мумкин. Бу ном қад. эрон. *nam* – “эъзозламоқ”, “ибодат қилмоқ” феъли билан боғлиқ бўлиб, “эъзозланувчи [дарё]” ёки “азиз [дарё]” деган маънони англатади [Лурье 2004: 61, 99, 199]. Хитой манбаларида бу ном На-ми (*namit*) шаклида қайд этилган [Chavannes 1903: 348], қадимги юнон манбаларида эса унинг таржимаси Политимет (*Ρολυτιμητος*) – “жуда ҳам эъзозланувчи [дарё]” шаклида келтирилган. Бу номлар билан Наршахий асарида қайд этилган Руд-и Мосаф ёки Руд-и Мосиф (رود ماسف) [Наршахий: 22] ва ал-Йа‘кубий асарида қайд этилган Наҳр Носаф (نهر ناسف) ёки Наҳр Носақ (نهر ناسق) [al-Jakubi: 293] гидронимларини таққослаганда, бу номларнинг ҳаммасини Номиқ (نامق) деб ўқиш мумкин [Tremblay 2004: 121]. Бамижкат топоними суғдча *pnc* – “беш” сўзидан ясалган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 96].

9. ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод Бухорога уни талон-тарож қилиш учун ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфрани 4 минг аскарлик қўшин билан юборди [Гардизи: 28]. Араблар Бухорода турклар билан жанг қилдилар. Уларнинг подшоҳи билан бирга унинг хотини Кабаж Хотун ҳам бор эди. Араблар турклар билан жанг қилиб, уларни мағлубиятга учратдилар. Жанг тугагандан кейин араблар турк маликасининг бир пой этигини пайпоғи билан топиб олдилар. Улар тилла ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Араблар уни баҳолатганда, уни 200 минг дирхамга баҳоладилар [at-Tabari II: 169; Наршахий: 39].

10. Наршахий келтирган маълумотга кўра, ‘Убайдуллоҳ ибн Зийоднинг фармони билан дарахтларни кесдилар, қишлоқларни вайрон қилдилар, шаҳар ҳам хатар остида эди [Наршахий: 39].

11. *алф алф* (الف الف) – араб., “минг минг”, яъни 1 млн. Наршахий асарининг бир нусхасида 1 млн. 400 минг деб кўрсатилган [Наршахий: 39, 2-изох].

12. Ромдин (رامدين) – Бухоро вилоятида жойлашган қишлоқ. Бошқа манбаларда унинг номи Ромтин (رامتين) [Наршахий: 17, 23, 39, 45], Ромитан (راميثن), Армитана (راميثنة) [ас-Сам‘оний VI: 53; Jacut II: 739] ва Арйомитан (ارياميثن) шаклларида келтирилган [al-Moqaddasi: 282]. Ибн Хаййот унинг номини хато Зомир (زامير) шаклида келтирган [Халифа ибн Хаййот: 55]. Бу қишлоқ Ромитана (راميثنة) номли ариқнинг қуйи оқимида жойлашган [al-Istakhri: 311; Ibn Naukal: 487]. Бу қишлоқ Бухородан ҳам қадимийроқ бўлиб, ривоятга кўра, уни Афросиёб қурдирган. Исломдан олдин бу ерда шаҳар бўлган ва унда подшоҳлар яшаган. Бухоро шаҳри қурилгандан кейин улар бу ерда фақат қиш фаслида яшаганлар [Наршахий: 23; al-Moqaddasi: 282]. Хитой манбаларида бу қишлоқнинг номи А-лань-ми шаклида қайд этилган [Chavannes 1903: 316]. XIII аср вақф хужжатларида Ромитан-и Калон (راميتين كلان) номли қишлоқ қайд этилган [Бухарский вақф: 70]. Демак, Бухоро вилоятида шу номли яна бир қишлоқ бўлган.

Ромитан топонимининг иккинчи қисми суғдча *-mēθan* – “қишлоқ”, “маскан” сўзидан иборат. Унинг биринчи қисми эса қад. эрон. *aryā* – “орийлар” этноними [Marqwart 1938: 139 – 141] ёки форсча *rām* (“бахтли”) – “тинчлик ери” сўзидан ясалган [Frye 1954: 116, n. 80]. П.Лурье фикрига кўра, бу топонимнинг биринчи қисми суғд. *rām* (қад. эрон. *rāman*) сўзидан ясалган бўлиб, бу ном 3 хил маънони янглантиши мумкин: 1) “тинч қишлоқ”; 2) «Тинчлик худоси Ромга бағишланган қишлоқ»; 3) “*r'm-rwc* – оининг 21-кунида бозор ўтказиладиган қишлоқ” месеца» [Лурье 2004: 44, 57, 115 – 116, 210 – 211]. М.Исҳоқов фикрига кўра, Ромитан топоними қад. эрон. *rāh* – “йўл” ва *-mēθan* – “қишлоқ”, “ибодатхона” сўзларидан ясалган ва “йўлдаги ибодатхона” маъносини билдиради [оғзаки маълумот].

XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги Сомжан туманида жойлашган Ромитан (رامتن) номли қишлоқ қайд этилган [НПБЭ: 109]. Ромитан ҳозир ҳам ўзининг қадимий номини сақлаб қолган. Бухоро вилоятидаги Ромитан туманининг маъмурий маркази Ромитан деб аталади. Ўрта асрлардаги Ромитан қишлоғининг харобалари Бухородан 25 км шимоли-ғарбда, ҳозирги Ромитандан 10 км ғарбда, Бухоро-Газли йўлидан чапда жойлашган [Шишкин 1940: 38; СГСА 1973: 182 – 184, 186]. Археологик маълумотларга кўра, унинг энг пастки қатламлари мил. III – IV асрларга мансуб, унинг ҳудудида ҳаёт XX аср бошларигача давом этган [Сулейманов 1984: 125]. Харобалар эгаллаган майдоннинг катталиги шундан далолат берадики, исломдан олдинги Бухоро воҳасининг маъмурий маркази бўлган Ромитан, ҳақиқатан ҳам бу ерлардаги энг катта шаҳар бўлган ва ҳудуди жиҳатдан Термиз, Ахсикат ва Чағонийон сингари шаҳарлардан қолишмаган [СГСА 1973: 184]. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda VIII: 11763.

13. ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод Балх дарёсидан кечиб ўтган биринчи араб лашкарбошиси эди [ал-Йа‘қубий II: 247 – 248; al-Ja‘kubi II: 281; at-Tabari II: 169; Гардизи: 28]. Бу арабларнинг Амударё ортидаги ерларга қилган биринчи катта юриши эди [Смирнова 1970: 199].

14. Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган.

15. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод 54/673-74 йилда Ромитан ва Байканддан ал-Басрага 2 минг “Бухоро камончиларини” олиб келди [at-Tabari II: 169 – 170]. Бошқа маълумотларга кўра, у Байканд ва Ромтинда шахсан ўзи учун 4 минг бухоролик асирларни олди ва уларни кул қилиб олиб кетди [Наршахий: 39; Гардизий: 28]. У Бухорода қурол, кийим-кечак, тилла ва кумушдан ишланган нарсалар ва асирлардан иборат кўп ўлжа қўлга киритди [Наршахий: 39] ва уларнинг ҳаммасини ал-Басрага олиб келди [el-Maʿqdisi VI: 4].

## ХII

### Са‘ид ибн ‘Усмон ибн ‘Аффон

1. Са‘ид ибн ‘Усмон ибн ‘Аффон ал-Умавий ал-Қураший (тахм. 62/681-82 йилда вафот этган) – халифа ‘Усмон ибн ‘Аффоннинг ўғли, ал-Мадина шаҳрида туғилиб ўсган. Отаси ва бошқа саҳобаларнинг сўзидан ҳадис ривоят қилган. Отаси шаҳид бўлгандан кейин Са‘ид аш-Шомга Му‘овийа ибн Абу Суфйон олдига кетган. Му‘овийа 56 – 57/675 – 677 йилларда уни Хуросон волийси этиб тайинлади. Са‘ид Мовароуннахрга бир неча марта юриш қилиб, Самарқандда бир кўзидан айрилди. У Бухоро, Самарқанд, ат-Тирмиз ва ал-Хуттал шаҳарларини фатҳ этиб, у ерлардан кўп бойликлар йиғиб олди. У Суғдда гаров сифатида олган аслзодаларнинг фарзандларини қайтиб бермасдан тузилган сулҳ шартларига хилоф равишда ўзи билан ал-Мадинага олиб кетди. У ал-Мадинага етиб келганда, уларнинг устидан қимматбаҳо кийимларни ечиб олди ва уларга қоплардан тикилган кўпол кийимларни бериб, экин экиш ишларида ишлашга мажбур қилди. Суғдлар бундан жуда ранжидилар ва Са‘иднинг уйига кириб, уни ўлдирдилар, кейин ўзларини ҳам ўлдирдилар [Ibn Saad V: 113; Халифа ибн Хаййот: 55; al-Jakubi: 297 – 298; ал-Йа‘кубий II: 248; al-Ja‘kubi II: 205, 282; at-Tabari I: 3056; II: 177 – 180; III: 2352; Macoudi IV: 252; Наршахий: 39 – 42; el-Maqdisi VI: 4; Ибн А‘сам IV: 306, 307; Гардизи: 28; ас-Саолибий: 15; al-Nasafi: 185 – 186, № 286; Jacut I: 80, 520; II: 333; III: 133, 135; V: 353; Ибн Халликон VI: 343 – 346, 348]. XIV аср охири – XV аср бошларида яшаган Муллозода Бухорода Абу Ҳафс Кабир мазорининг бош томонида Са‘ид Аббон ибн ‘Усмон ибн ‘Аффон мазори жойлашганлиги ҳақида маълумот келтирган [Гафурова 1992: 60]. Лекин бу мазор бошқа кўп мазорлар сингари аслида фақат қадамжой бўлганлиги шубҳасиздир. Чунки Са‘ид ибн ‘Усмон Бухорода эмас, балки ал-Мадинада вафот этган ва ўша ерда дафн этилган. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий III: 151; Смирнова 1970: 200; Gibb 1923: 19 – 20; Джалилов 1961: 113; Гоибов 1989: 90 – 93.

2. ал-Йа‘кубийга кўра, Му‘овийа 56/675-76 ёки 57/676-77 йилнинг бошларида ‘Убайдуллоҳ ибн Зийодни ал-Басра волийси этиб тайинлади, Хуросонга эса ‘Абдуллоҳ ибн Зийодни волий этиб тайинлади. Кейин уни заиф деб топди ва вазифасидан четлатиб, ўрнига ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийодни тайинлади. Кейин уни ҳам маъкул топмади ва вазифасидан четлатди. ‘Абд ар-Раҳмон Хуросонда катта бойликлар тўплади. Айтишларича, у: “Мен тўплаган бойликлардан ҳар куни 1000 дирҳам ишлатсам ҳам, менга 100 йилга етади”, – деган эди. Лекин бу бойликларнинг ҳаммаси тез орада тугади ва у Хуросондан юпун ҳолда битта эшак миниб келди, у ҳам ўзиники эмас эди. Шундан кейин Му‘овийа Хуросонга Са‘ид ибн ‘Усмонни волий этиб тайинлади [al-Jakubi: 297; ал-Йа‘кубий II: 248]. Гардизийга кўра, Му‘овийа Са‘ид ибн ‘Усмонни 55/674-75 йилда [Гардизи: 28], бошқа

маълумотга кўра, 56/675-76 йилда Хуросон волийси этиб тайинлади [Халифа ибн Хаййот: 55; at-Tabari II: 177]. Гардизийга кўра, хирож ишлари бўйича ‘омил этиб Исҳоқ ибн Талха тайинланди, лекин улар Рейга етиб борганда, Исҳоқ вафот этди. Шундан кейин унинг вазифаси ҳам Са‘идга қўшиб берилди [at-Tabari II: 178]. Гардизийга кўра, хирож ишлари бўйича ‘омил этиб Аслам ибн Зур‘а ал-Килобий тайинланди. У Марвга келиб, унинг хирожини 100 минг дирҳамга кўпайтирди [Гардизи: 28].

3. Гардизийга кўра, Са‘ид ибн ‘Усмоннинг улкан чодери (سرا پرده) бўлиб, унинг ичида бутун кўшин жойлашар эди. Унинг даврида араблар Марвда уйлар, ерлар ва хўжаликларга эга бўлдилар ва у ерда ўрнашдилар. Улар туркларнинг дарёдан кечиб ўтишига тўсқинлик қилиши учун халифа Му‘овийа шундай буйруқ берган эди [Гардизи: 28].

4. Юқорида ал-Балозурий “[халифа] ‘Усмон ибн ‘Аффон [Жайхун] дарёси ортидаги [подшоҳ] лар билан шартнома тузди” деб қайд этган эди [al-Beladsori: 408]. Албатта, бу сулҳни халифа ‘Усмон ибн ‘Аффоннинг ўзи эмас, балки унинг номидан Хуросон волийси вазифасини бажарган амалдор, яъни ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир ёки унинг қўл остидаги лашкарбошилардан бири тузган бўлиши керак. Бошқа ерда ал-Балозурий Хуросон волийси ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий [Жайхун] дарёсининг ортида намоз ўқиган биринчи [мусулмон] эди”, “Ундан кейин Хуросон волийси бўлган ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод 24 минг [аскар] билан [Жайхун] дарёсини кечиб ўтди ва Байкандга келди” деб таъкидлаган [al-Beladsori: 410]. Демак, Са‘ид ибн ‘Усмонгача 3 та араб лашкарбошиси Жайхун дарёсидан кечиб ўтган. Бу ерда ал-Балозурийнинг келтирган маълумотларида тафовут борлиги аён. Бу эса унинг ўз маълумотларига танқидий ёндошмаганлигидан далолат беради.

5. Абу-л-‘Олийа Руфай‘ ибн Йазид ибн Михрон (ёки Файруз) ар-Рийоҳий (93/711-12 йилда вафот этган) – келиб чиқиши форс, ал-Басра шаҳрида туғилиб ўсган. Унинг бобокалони халифа Абу Бакр ас-Сиддиқ (11 – 13/632 – 634 йилларда ҳукм сурган) даврида ислом динини қабул қилган, арабларнинг *рийоҳ ибн йарбу‘* қабиласига мансуб бир аёлнинг *мавлоси* бўлган. У Абу Бакр ас-Сиддиқ, ‘Умар ибн ал-Хаттоб, ‘Али ибн Абу Толиб, Ибн Мас‘уд, Абу Аййуб, Ибн ‘Аббос каби саҳобалар сўзидан ҳадис ривоят қилган [Ibn Saad VII (1): 81 – 85; ас-Сам‘оний VI: 199], “Китоб ат-Тафсир” номли асар ёзган. У ҳақида яна қаранг: Blachère 1960: 104 – 105; Dehkhoda I: 459; VIII: 12183.

6. *рийоҳ ибн йарбу‘* (بنو رياح بن يربوع) – арабларнинг *тамим* қабилалар иттифоқига кирувчи *ҳилол ибн ‘омир ибн са‘са‘а* қабиласига мансуб уруғ [at-Tabari II: 1069]. Уларнинг аждодлари асосан Шимолий Африкада ал-Мағриб мамлакатадаги Қусантинийа, ал-Масила ва аз-Зоб шаҳарларининг атрофларида яшаганлар. Бу қабиллага мансуб одамлар ар-Рийоҳий *нисбасига* эга бўлганлар [ас-Сам‘оний VI: 199; Jacut I: 180; II: 881; IV: 156]. У

ҳақида яна қаранг: Marçais 1995: 562 – 563; аз-Зириклий III: 66; Dehkhoda VIII: 12452.

7. “Руфай‘ ёки Рафи‘ (رفيع) – араб тилида бу сўз “баланд”, “юксак”, “олий”, “нафис”, Абу-л-‘Олийа (ابوالعالية) эса “баландлик соҳиби”, “юксаклик соҳиби” маъноларини англатади. Са‘ид ибн ‘Усмон унинг исмини яхши хабар даракчиси деб билган ва бўлажак жангларда ғалаба қозонишига ишонган. Ибн Хаййотга кўра, бу юришда Са‘ид ибн ‘Усмон билан бирга ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра, Талха ибн ‘Абдуллоҳ ибн Халаф Талха ат-Талхот, *тим ал-лот* қабиласидан Аус ибн Са‘лаба ва Раби‘а ибн ‘Асал ал-Йарбу‘ий иштирок этганлар [Халифа ибн Хаййот: 55].

8. ас-Суғд (السغد) ёки Суғд (سغد) – исломга қадар илк ўрта асрларда асосан Зарафшон ва Қашқадарё водийларида жойлашган ерларни ва уларга шарқий томондан туташган тоғли ўлкани ўз ичига олган тарихий маданий вилоят [Ибн Хордадбех: 60, 68, 69; Ибн ал-Факих: 101; Ibn al-Fakih: 6, 288, 322, 327]. Айрим манбаларда унинг номи ас-Суғд (الصغد) ёки Суғд (صغد) шаклларида ҳам келтирилган [Suhrah: 41; al-Moqaddasi: 33, 35, 160, 259, 261, 262, 266, 269, 270, 278, 279, 335, 340; Jacut I: 190: 248, 252, 255, 277, 490, 517, 604, 751, 828, 908]. Қадимги юнон тилидаги манбаларда бу вилоятнинг номи Согдиана (Sogdiana), яъни Суғдиёна шаклида қайд этилган. Суғд тилидаги манбаларда – Суғд (Swyd) ёки Суғуд (Sγwd) [Gharib 1995: 365 (9038)], ўрта форс (пахлавий) ва қадимги туркий манбаларда Соғд (Sogd) [ДТС: 507; West 1987: 79], хитой манбаларида эса Su-te ва Su-yi шаклларида келтирилган [Хўжаев 2004: 52]. Илмий адабиётда Суғд вилоятини 4 га бўлиб ўрганиш қабул қилинган: Шимолий Суғд (Самарқанд вилояти), Фарбий Суғд (Бухоро вилояти), Жанубий Суғд (Қашқадарё вилояти) ва Шарқий Суғд (Панжикент вилояти). Суғд тарихий вилояти Туркистон табиий-географик ўлкасининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, шимолда Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзаси, шарқда Уструшана вилояти, жанубда Бактрия-Тўхористон, ғарбда эса Хоразм воҳаси билан чегарадош бўлган [Камолиддин 2006: 91 – 112].

Суғд ёки Суғуд (*suγud*) номи Авеста тилидаги *suγda* (*suχda*) ёки қад эроний *sugūd* (*sugūda*) сўзидан келиб чиққан бўлиб, “куйдирилган”, яъни муқаддас олов билан куйдирилган ер маъносини билдиради [Хромов 1989: 88 – 89; Грантовский 1975: 85]. Осетин тилида ҳам шунга ўхшаш *сугдак* сўзи бўлиб, “муқаддас” маъносини билдиради [Менгес 1979: 132]. Бошқа фикрга кўра, бу номнинг келиб чиқиши ўрта форс (пахлавий) тилидаги *swlyk* – “савдогар”, “олиб-сотар” сўзи билан боғлиқ бўлиб, ундан Sula топоними ясалган [Tremblay 2004: 133]. Тахмин қилинишича, Суғд топоними ундан ҳам қадимийроқ бўлган Турон топонимининг таржимаси бўлиб, унинг келиб чиқиши енисей-кет тилларидаги *тур*-(*тул*-) – “тоза” сўзи ва *-ен* суффикси билан боғлиқ [Яйленко 1988: 132; 1990: 41 – 42]. Ҳозирги топонимияда *суғуд* сўзи “оқар сувлари сероб бўлган экинли ер” маъноси-

да ишлатилади [Словарь 1975: 88]. Эҳтимол, Суғуд номи ҳам “унумдор водий мамлакати” маъносини билдиргандир [Смирнова 1963: 25].

X – XII асрларда Суғд деганда асосан Самарқанд ва Бухоро ўртасида жойлашган кичик бир туман тушуниланган. Бу туман Самарқанд вилоятига қарашли бўлиб, Хуросондан аш-Шош ва Фарғонага олиб борувчи катта карвон йўлида жойлашган. Унда оқар сувлар, дарахтлар ва боғлар кўп, ҳамма ерлари ям-яшил бўлган. Унинг гўзаллиги ҳақида мақоллар айтилган [ас-Сам‘оний VII: 86; Jacut III: 94]. Суғд вилояти Бухорога шарқ томондан туташган бўлиб, унинг ерлари Карминийа ва ад-Дабусийа шаҳарларидан ўтганда бошланган. Ундан кейин бу карвон йўлида Арбинжан, ал-Кушонийа, Иштихан ва Самарқанд шаҳарлари жойлашган [al-Istakhri: 286, 288, 289, 293 – 295, 316 – 323, 328, 342; Ibn Naukal: 491 – 492; al-Moqaddasi: 421, 424; Беруни 1973: 471]. Шу билан бирга ўрта асрларда кенг маънодаги Суғд вилояти ҳақида ҳам тушунча бўлган [Ibn Naukal: 475, 492; Худуд ал-‘Алем: 4а, 6б, 9б, 22б, 23а, 24б]. Сўнгги ўрта асрларда Бухоро ва Самарқанд ўртасидаги Оқдарё ва Қорадарё оралиғида орол каби жойлашган ерлар Мийонкол (ميانکال) деб аталган [Бабур-наме: 86а]. Узунлиги тахминан 100 км ни ташкил этган ўзига хос бу катта оролда Иштихан, Рабинжан, Кушонийа ва Дабусийа каби шаҳарлар бўлган. Бу оролнинг катта қисми Ним-Суғуд (яъни Ярим Суғуд) деб аталган [СД: 29, 32, 72]. Мийонкол топонимининг биринчи қисми форсча *мийон* (ميان) – “ўрта” сўзидан иборат. Унинг иккинчи қисми *кол* (کال) ҳақида эса аниқ бир фикр айтилмаган. Ўрта Осиё тарихий топонимиясида қайд этилган қадимги ва ўрта эроний тиллар билан боғлиқ бўлган жой номлари таркибида бу сўз учрамайди [Словарь 1975; Нафасов 1987: 8 – 10; Савина 1964: 149 – 174; Лурье 2004: 88 – 151, 176 – 190]. Шу билан бирга *кал/қал/гал* топоформанти келиб чиқиши туркий тиллар билан боғлиқ бўлган жой номлари таркибида учрайди. Масалан, Чатқал/Чатғал топоними ва Бешкал этноними таркибидаги бу сўз “дарё”, “ирмоқ”, “сой” маъносини билдиради [Караев 1987: 115; Қиямов 1989: 103; Конкобаев 1980: 141]. X асрда Байканд ва Фарабр орасида ҳам иккаласидан 1 *марҳала* масофада жойлашган Мийонкол (ميانکال) ёки Мийон Кол (ميان کال) номли ер бўлган [al-Istakhri: 337; Ibn Naukal: 517; al-Moqaddasi: 343]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 132 – 147; 1965: 185 – 209; Смирнова 1970: 10 – 15; 1970а: 121 – 150; Barthold, Bosworth 1997: 772 – 773; Dehkhoda IX: 13663.

9. Кишш (کش) ёки Кисс (كس) – Қашқадарё водийсининг шарқий қисмида жойлашган Кеш шаҳри (ҳозирги Шаҳрисабз) номининг арабча шакли [Ibn al-Fakih: 322, 325; Ibn Rosteh: 105; al-Idrisi VIII: 500 – 501; Jacut IV: 273]. IX асрда Кеш шаҳри Самарқанд вилоятига қараган [Ibn Khordadbeh: 26; Jakubi: 264], лекин хирож тўлаганда алоҳида бирлик сифати белгиланган. Кешдаги туз конидан ҳам алоҳида хирож олинган [Ibn Khordadbeh: 39; Ибн ал-Факих: 101]. Илк ўрта асрларда Кеш шаҳри ҳозирги Китоб

шаҳри ўрнида жойлашган. Шаҳарнинг энг қадимги марказий қисми харобалари ҳозир Қаландартепа деб аталади. Унинг энг пастки қатламлари м. а. III – II асрларга мансуб [Крашенинникова 1978: 527]. Ундан олдин воҳарнинг бош шаҳри Китобдан шимолда Зарафшон тоғ тизмаси ёнбағирларида жойлашган Узунқир шаҳар харобалари ўрнида бўлган. Археологик маълумотларга кўра, бу ерда шаҳар м. а. VIII – VII асрларда вужудга келган ва тахминан 70 га майдонни эгаллаган [Сагдуллаев, Лушпенко 1989: 41]. Тахмин қилинишича, қадимги юнон манбаларида қайд этилган Наутака вилоятининг маъмурий маркази шу ерда бўлган [Сагдуллаев 1988: 226]. Кейинчалик бу шаҳар аҳолиси ҳозирги Китоб ўрнига кўчиб ўтиб, бу ерда м. а. III – II асрлардан бошлаб қадимги Кеш шаҳри жойлашган [Ртвеладзе 1987: 50]. Хитой манбаларида бу шаҳар аввал Сусе, илк ўрта асрларда эса Ши деб номланган [Бичурин II: 286]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 12 – 23; Bosworth 1986: 181 – 182; Dehkhoda XII: 18330 – 18331.

10. Насаф (نسف) – ўрта асрларда (IX – XII асрлар) Қашқадарё водийсининг ғарбий қисмида жойлашган йирик шаҳар. Исломга қадар бу ерда жойлашган шаҳар Нахшаб (نخشاب) деб аталган. Насаф номи Нахшаб номининг арабчалаштирилган шаклидир [Ibn al-Fakih: 322, 325, 327; Ibn Rosteh: 105; al-Idrisi VIII: 492; Jacut IV: 767, 781]. IX асрда Насаф шаҳри Самарқанд вилоятига қараган [Ibn Khordadbeh: 26; al-Jakubi: 264], лекин хирож тўлаганда алоҳида бирлик сифати белгиланган [Ibn Khordadbeh: 39; Ибн ал-Факих: 101]. Нахшаб шаҳрининг харобалари ҳозирги Қарши ёнида жойлашган бўлиб, Қалъаи Заҳоки Марон деб аталади [Массон 1973: 21]. Насаф шаҳрининг харобалари Қаршидан 8 км шимоли-ғарбда Қашқадарёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, Шулуқтепа деб аталади. Шаҳар мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган [Лунина 1984: 22]. Кебекхон ҳукмронлиги даврида (1309, 1318 – 1326 йиллар) ҳозирги Қарши шаҳри ўрнида ҳукумат саройи қурилгандан кейин шаҳар шу ерда ривожлана бошлаган. Шаҳарнинг номи энди Насаф эмас, Кебекхон қасрининг номи билан Қарши деб атала бошлаган. Қадимги туркий тилда *qarši* сўзи “сарой” маъносини билдирган [ДТС: 429]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 47 – 56; Minorsky 1993: 925; Dehkhoda XIV: 22384, 22463.

11. Наршахий ҳам арабларга қарши чиққан кўшиннинг сонини 120 минг деб кўрсатган [Наршахий: 40]. Лекин бу сон орттириб кўрсатилган бўлса керак. Бошқа манбаларда уларнинг сони кўрсатилмаган.

12. Бошқа манбаларда арабларнинг турклар ва суғдлар билан Бухорода тўқнашгани ҳақида маълумот келтирилмаган. Наршахийга кўра, улар Бухоро ёнида саф тортиб турдилар, лекин кофирлар урушсиз орқага қайтдилар [Наршахий: 40].

13. Наршахий келтирган маълумотга кўра, Са‘ид ҳам тузилган сулҳдан воз кечиб, Хотундан олган молни қайтариб юборди [Наршахий: 40]. Бу ҳақида яна қаранг: ал-Йа‘қубий II: 248.

14. ат-Табарийга кўра, бу воқеалар 56/675-76 йилда юз берди [at-Tabari II: 177 – 180]. Наршахийга кўра, араблар ва ғайридинларнинг қўшинлари бир-бирига қарама-қарши саф тортиб турдилар. Кейин худо-йи таоло кофирларнинг дилига ваҳима солиб, уларнинг ҳамма лашкарлари урушсиз орқага қайтдилар [Наршахий: 40]. ал-Балозурий келтирган бу маълумот арабларга қарши турган қўшинлар иттифоқида келишмовчилик бўлгани ва шунинг учун улар жангга киришмасдан тарқалиб кетгани ҳақида далолат беради. Лекин бу келишмовчиликнинг сабаблари қандай бўлганлиги ҳақида манбада аниқлик киритилмаган.

15. Бошқа манбаларда Са‘ид ибн ‘Усмоннинг Бухорога киргани ҳақида маълумот келтирилмаган.

16. Самарқанд (سمرقند) – Зарафшон водийсида жойлашган қадимий шаҳар, Суғд тарихий вилоятининг пойтахти. Қадимги юнон манбаларида бу шаҳар Мараканда (*Maracanda*), хитой манбаларида эса Кан шаклида қайд этилган. Суғд тилидаги манбаларда унинг номи *smarkanu* шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 356 (8820)]. Араблар уни Самрон (سمران) деб атаганлар [Наршахий: 28; Jacut III: 133 – 138; Dehkhoda IX: 13755]. Ривоятга кўра, Самарқанд шаҳрига Кават ўғли Кайос даврида асос солинган, Кайос ўғли Сийовахш эса унинг қурилишини охирига етказган [Markwart 1931: 8]. Аҳамонийлар (м. а. V – IV асрлар) ва юнонлар ҳукмронлиги (м. а. IV – III асрлар) даврида Самарқанд Суғдиёна (*Sogdiana*) вилоятининг бош шаҳри бўлган. Кушанлар даврида (м. а. II – мил. III асрлар) шаҳар Қанғ (Кангюй) давлатининг таркибига кирган. Илк ўрта асрларда Самарқанд Суғуд (*сууд*) вилоятининг энг катта шаҳри бўлиб, Хиёнийлар ва Эфталийлар давлати (IV – V асрлар) ва Турк хоқонлиги (VI – VIII асрлар) таркибига кирган. Хитой тилидаги манбаларга кўра, Кан давлатида катта ибодатхона бўлиб, унда турк қонунлари китоби сақланган. Гуноҳ иш қилганларга жазо белгилашда шу қонунлар асосида ҳукм чиқарилган [Бичурин II: 281]. Суғд тилидаги манбаларда бу ибодатхона “қонунчилик жойи” деб аталган [СДГМ 1962: 38]. Хитойларнинг “Суй-шу” йилномасида келтирилган маълумотга кўра, Суғдда никоҳ ва дафн маросимлари *ту-кюэ*, яъни туркларники билан бир хил бўлган [Бичурин II: 281]. Бу маълумотлардан аён бўладики, биринчидан, VII – VIII асрларда Суғднинг ҳамма маҳкамаларида Турк хоқонлигининг қонунчилик тизимига амал қилинган, иккинчидан, суғдлар билан туркларнинг дини ва урф-одатлари бир хил бўлган. Кан (Самарқанд) ҳукмдорининг саройидаги бир бинода баланд супа бўлиб, ҳар йили биринчи ойнинг 6-куни унга ҳукмдор ота-онасининг куйдирилган суяклари солинган олтин қути қўйилган. Кейин ҳамма хушбўй ҳидли гуллар ва мевалар сочиб, супа атрофида айланиб юрганлар. Ундан ташқари шаҳарда аждодлар руҳига бағишланган маросимлар ўтказиладиган умумий ибодатхона ҳам бўлиб, ўша куни ҳамма унда қурбонликлар келтирганлар [Би-



чуриин II: 98]. Маълумки, илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда ўликларнинг суякларини куйдириш одати асосан турклар орасида кенг тарқалган эди.

Илк ўрта асрларда Суғдда қадимги *чжаоу* (*жамук*) уруғига мансуб ҳукмдорлар сулоласи ҳукм сурган [Chavannes 1903: 18, 133 – 134; Бичурин II: 27, 281, 310; Watters 1904 I: 94]. VII асрнинг биринчи яримида бу сулола турклар томонидан тугатилиб, тахтга Фухуман, яъни Вархуман (тахм. 650 – 696 йилларда ҳукм сурган) исмли туркий ҳукмдор ўтқизилган. Дастлаб у *ду-ду* (*тутук*) унвонига эга бўлган ва сочини туркларга хос ўриб юрган. Вархуман *ихшид* унвонли ҳукмдорлар сулоласига асос солган ва Суғд *аф-шини* деб ҳам аталган. Унинг *ихшид* (‘*ʁʃud*) унвонининг келиб чиқиши қадимги эроний тиллар билан боғлиқ бўлган [EI 1971: 1060; Смирнова 1970: 50]. Лекин айрим манбаларда бу унвон *ахшид* (اخشيد) ёки *ихшод* (اخشاد) шаклларида келтирилган [at-Tabari III: 2184, 2186, 2190, 2193; Ibn Naukal: 468]. Шунинг учун уни туркча *шид* ёки *шод* унвонининг бир кўриниши деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Унинг биринчи қисми эса қадимги туркча *ак* – “оқ” сўзи бўлиши мумкин. Бошқирдларнинг ривоятларида Булғор давлатининг Карашид исмли ҳукмдори қайд этилган булиб, унинг исми *ихшид* (*акшид*) унвонига ўхшаш унвон бўлган [Туган 1994: 10]. Бошқа маълумотларга кўра, Самарқанд ҳукмдорлари *файруз* (فيروز) [Ибн Хордадбех: 69] ва *тархун* (طرخون) унвонларига ҳам эга бўлганлар [Бируни 1957: 112].

Самарқанддаги Афросиёб харобаларида очилган VII – VIII асрларга мансуб саройнинг деворий суратларида *ихшид* Вархуман ҳузурига келган элчилардан бирининг тўнига туширган суғдча ёзувда унинг Унаш (‘*wnš’w*) уруғига мансуб бўлганлиги ҳақида ёзилган. Охириги маълумотларга кўра, бу уруғнинг номи ‘*wnš’w* эмас ‘*wnu’w* деб ўқилиши керак, бу эса унинг *оп оқ* – “ўн ўк” қабилалар иттифоқига мансуб бўлганидан далолат беради [Бобоёров 2007: 22 – 25]. Бу маълумотлардан аён бўладики, Вархуман Ашина уруғига мансуб ҳукмдорларнинг ўрнига келган Ғарбий Турк хоқонлигининг олий ҳукмдорлари сингари *дулу* ёки *нушиби* уруғига мансуб бўлган [Гумилев 1967: 210 – 220]. Самарқанднинг *ихшид* унвонли биринчи туркий ҳукмдори Вархуман Ғарбий Турк хоқонлигининг олий ҳукмдори Туншеху, яъни Тун-йабғу (618 – 630 йилларда ҳукм сурган) нинг қизига уйлانган [Бичурин II: 271; Watters 1904 I: 94]. Афросиёб харобаларидаги мазкур саройнинг қабул маросимлари ўтказиладиган энг катта хонасидаги деворий суратларда канизаклар ўртасида ўтириб қайиқда сайр қилаётган маликанинг сурати бор. Тахмин қилинишича, бу манзарада Суғд *ихшиди* Вархуманга турмушга чиққан турк хоқонининг қизи тасвирланган [Майтдинова 1984: 20 – 27].

710 йилда Самарқандда яна бир ҳокимият ўзгариши бўлиб, *туркаш* қабиласига мансуб У-ле-га (Ғурак, Уғрак) исмли ҳукмдор Суғд *ихшиди* бўлган [Togan 1981: 174; Смирнова 1945: 27]. IX асрда Мовароуннаҳрдаги туркий ҳукмдорларнинг исмлари ва унвонлари ичида *Ғузак* (غوزك) ва *Ғурак*

(فورك) исмли ҳукмдор қайд этилган бўлиб, унинг исми Ғурак (غورك) исмининг бошқача ёзилиши бўлиши мумкин [Ибн Хордадбех: 69]. Эҳтимол, бу исмининг келиб чиқиши *гуз* (غوز) этноними билан боғлиқдир. У ҳолда Ғурак (*\*wark*, *\*wr'kk*) ёки Ғузак (غورك) исми туркий бўлган. Ғурак (Ғузак) дан кейин тахтга унинг Турғар (*twr2'r*) ёки Турхор (طورخار) исмли ўғли ўтирган ва 750 йилгача ҳукм сурган. Ундан кейин *ихшид* унвонли ҳукмдорлар сулоласи тугатилган ва ҳокимият тўла арабларнинг қўлига ўтган.

Самарқанд 93/712 йилда Қутайба ибн Муслим томонидан фатҳ этилган [at-Tabari II: 1247; Ibn A'tham VII: 243 – 246; Смирнова 1957: 119 – 134]. IX – X асрларда Самарқанд шаҳри *қуҳандиз* (қалъа), *мадина* (ички шаҳар) ва *рабад* (ташқи шаҳар) дан иборат бўлган ва мудофаа девори билан ўралган. Унинг *мадина* қисмида 4 дарвоза бўлиб, шарқий дарвоза Боб ас-Син (باب الصين), ғарбий дарвоза Боб ан-Навбахор (باب النوبهار), шимолий дарвоза Боб Бухоро (باب بخارا), жанубий дарвоза эса Боб Кеш (باب كئش) деб аталган. Самарқанд шаҳрида бозорлар маҳаллалар, ҳаммомлар ва карвонсаройлар кўп бўлган. Шаҳар баланд ерда жойлашгани туфайли унга сатҳи кўрғошин билан қопланган осма ариқ орқали оқар сув чиқарилган ва Боб Кеш дарвозаси орқали *мадина*га кириб борган ва ариқлардан ҳамма ҳовлиларга ўтказилган. Ҳукумат саройи ва жоме' масжиди шаҳарнинг *мадина* қисмида жойлашган. *Қуҳандиз* ичида ҳам яна бир ҳукумат саройи бўлган. Шаҳарнинг *рабад* қисми ҳам мудофаа девори билан ўралган бўлиб, унда 8 та дарвоза бўлган. Улар Боб Ғадовад, Боб Исбаск, Боб Сухашин, Боб Афшина, Боб Варсанин, Боб Куҳак, Боб Ривдад ва Боб Фаррухшид деб аталган. Шаҳарнинг *рабад* қисмида бозорлар, карвонсаройлар ва савдо расталари жойлашган. Бинолар пахса ва ёғочдан қурилган. Деярли ҳамма йўллар, кўчалар ва бозорларга тошлар ётқизилган [al-Istakhri: 316 – 323; Ibn Haukal: 492 – 495; al-Moqaddasi: 33, 49, 61, 159, 257, 266, 270, 292, 323, 345; Ibn al-Fakih: 105, 211, 236, 245, 251, 273, 313, 320, 322, 325 – 328; al-Jakubi: 293 – 294; Ibn Rosteh: 97, 105; al-Idrisi VIII: 497 – 498]. XII аср муаллифлари Абу Са'д ас-Сам'оний ва Абу Ҳафс ан-Насафий Самарқанд шаҳрининг мудофаа деворлари, дарвозалари, маҳаллалари, кўчалари, бозорлари, карвонсаройлари, работ ва хонақоҳлари, масжид ва мадрасалари ҳақида батафсил маълумотлар келтирганлар [Камалиддинов 1993: 77 – 98; Камолиддин 2003: 23 – 34; 2006: 256 – 259; 2007: 20 – 26].

Самарқанд шаҳри номининг келиб чиқиши хусусида бир нечта фикрлар айтилган. Бу ном санскрит тилидаги *smarya* – “йиғилиш”, “тўпланиш”, “тўпланиш ери” [Массон 1950: 157], Авеста тилида *Zmar-kanta* – “ер остига яширинган” ёки суғд тилида *Smara-kanta* – “тош шаҳри” деган маъноларни билдириши мумкин [Tremblay 2004: 130 – 131]. Абу Райҳон ал-Беруний ва Маҳмуд Кошғарий маълумотида кўра, бу шаҳарнинг номи қадимги туркий тиллардаги *semiz* (سمز) ва *kand* (كند) сўзларидан иборат бўлиб, “семиз шаҳар”, яъни “катта шаҳар” маъносини билдиради [Беруни

1973: 471; ДТС: 495; Кошғарий I: 330, 346]. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг ёзишича, Самарқанд (Samarqant) шаҳрида ҳамма нарса мўл-кўл бўлган. Шунинг учун уни Симесканти (Simeskant) – “бой қишлоқ” деб атаганлар. Уларнинг тилида *simes* сўзи “катта”, *kant* эса “қишлоқ” маъносини билдирган [де Клавихо: 138]. Ривоятга кўра, Самарқанд номи бу шаҳарга асос солган қадимги Йаман подшоҳи Самар ибн Африқиш (سمر بن افریقش) ёки Шамар ибн ал-Ҳорис (شمر بن الحارث) [Кандия: 240 – 241; Махмуд ибн Вали: 53] ёки Самар исмли турк хонининг исми билан боғлиқ бўлган [Абу Тахир Ходжа: 16]. XIII асрда чизилган Европа хариталарида Хазар мамлакатада *Samarcha* ёки *Samarcan* номли шаҳар қайд этилган [Chekiu 1989: 8 – 10]. Ўрта асрларда Ғарбий Ўрол тоғ ёнбағирларида оқиб ўтган дарё ҳам Самар ёки Самур (سمر) деб аталган [Ибн Фадлан: 66; Шомий: 161], Туркистонда Самур (صمور) номли шаҳар [Худуд ал-‘Алем: 6а, 146], Эльбурс тоғларида Самур (سمور) номли дарё қайд этилган [Яздий: 1666] Сибирдаги Селенга дарёсининг ўнг irmoғи ҳам Самар ёки Самур (سمر) деб аталган [Рашид-ад-Дин I (1): 176; ал-Бакуви: 107]. Бу irmoқнинг номи ўша минтақадаги бошқа бир қатор дарёларнинг номлари (Масалан, Йаик (Ёйик), Ийик, Идил, Эртиш ва бошқалар) сингари туркий тиллар билан боғлиқ. Бу гидронимнинг келиб чиқиши туркий *субар* этноними ва унинг фонетик турлари *суар, сумер, самар, савир, сабир, сибир* ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлиши мумкин [Zekiyeu 2002: 425 – 432]. Марказий Осиё, Ўрол ва Сибирда яшовчи Ўрол-Олтой тилларида сўзлашувчи халқларда *саман/шаман/самай/самар* этноними ҳам учрайди. Унинг келиб чиқиши жанубий минтақалар билан боғлиқ бўлиб, Ўрол-Олтой тилларида сўзлашувчи халқлар орасига жуда қадим вақтларда бориб қолган [Василевич 1965: 139 – 145]. Ўрта асрларда Самарқанд Йорийон (ياريان) деб ҳам аталган [Баевский 1980: 86]. Қадимги туркий тилларда *jar* (يار) сўзи “жарлик”, “чуқурлик” маъноларини англатган [ДТС: 238; Кошғарий III: 156, 309, 366]. Ўрта асрларда Иссиқкўлнинг жанубий соҳилида Йор (يار) номли шаҳар бўлиб, унда *жикил* қабиласининг бошлиғи яшаган [Караев 1987: 127].

Қадимги ва илк ўрта асрлардаги Самарқанд шаҳрининг харобалари ҳозирги Самарқанднинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, Афросиёб деб аталади [Вяткин 1927; СГСА 1973: 219 – 232; Шишкин 1969: 3 – 121]. У ҳақида яна қаранг: Jacut III: 133 – 138; Бартольд 1963: 132 – 148; Dehkhoda IX: 13755 – 13756; Schaeder, Bosworth, Crowe 1995: 1031 – 1038.

17. Гардизийга кўра, Самарқанд ёнида Са‘иднинг кўзига камон ўқи келиб санчилди [Гардизи: 28].

18. Абу Са‘ид ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра Золим ибн Сарроқ ал-Аздий ал-‘Атакий (7 – 82/628 – 702) – *ал-азд* қабиласидан келиб чиққан машҳур араб лашкарбошиси, у ал-‘Ироқдаги Даббо қишлоғида туғилиб, ал-Басра шаҳрида вояга етган. Унинг шажараси куйидагича бўлган – Золим ибн

Сарроқ ибн Субх ибн Кундий ибн ‘Амр ибн ‘Адий ибн Во’ил ибн ал-Ҳорис ибн ал-‘Атик ибн Асад ибн ‘Имрон ибн ‘Амр ибн ‘Омир ибн Ҳориса ибн Имру’-л-Қайс ибн Са‘лаба ибн Мозин ибн ал-Азд [ас-Саҳмий: 11 – 12]. Халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврида у отаси билан ал-Мадинага келган. Арабларнинг Хуросонда ва Мовароуннаҳрда олиб борган фатҳ урушларида фаол қатнашган, жангларда кўп жасорат ва қаҳрамонликлар кўрсатган. У биринчи бўлиб отнинг эгарини темирдан ясашни бошлаган. Унгача эгарлар фақат ёғочдан ясалар эди. 29/649-50 йилда у ‘Абдуллоҳ ибн ‘Омир билан бирга Нишопур, Абаршаҳр, Тус ва Сарахс шаҳарларини фатҳ этди. 32/652-53 йилда араблар Сижистондан Кобулга қарши юриш қилганда, ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра Кобулшоҳни найза билан уриб мағлуб этди. Шундан сўнг, Кобулшоҳ таслим бўлиб, араблар билан сулҳ тузди. 45/665-66 йилда ал-Ҳакам ибн ‘Амр ал-Ғифорий билан бирга ал-Ғур тоғли ўлкасига юриш қилди. 53/672-73 ёки 54/673-74 йилда ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод уни Бухорога суғдлар ва туркларга қарши уруш қилиш учун юборди. 60/679-80 йилда у Салм ибн Зийод билан бирга яна Мовароуннаҳрга юриш қилди. Самарқандда у бир кўздан айрилди. Шундан кейин у 20 йилга яқин вақт давомида ал-‘Ироқда хорижийлар (азрақийлар) га қарши кураш олиб борди ва 78/697-98 йилда Сижистонда улар устидан ғалабага эришди. 79/698-99 йилда ал-Мухаллаб 70 ёшида Хуросон амири этиб та-йинланди. 80/699-700 йилда у Мовароуннаҳрга келиб, ас-Суғд подшоҳи Тархон (طرخان) билан сулҳ тузиб, ундан ўлпон олди [el-Maʿqdisi VI: 34]. Кейин у Кеш шаҳрига келиб, 2 йил давомида унинг қалъасини қамал қилди. Орада унинг олдига ал-Хуттал ҳукмдори ас-Сабалнинг амакисининг ўғли келиб, уни ал-Хутталга юриш қилишга таклиф этди. У билан ал-Хутталга Йазид ибн ал-Мухаллаб бориб, ас-Сабални қамал қилди ва у билан сулҳ тузди. Бу орада ал-Мухаллаб Охарун ва Хужанд шаҳарларига ҳам юришлар қилди. Ўша вақтда ат-Тирмиз шаҳри халифага қарши бош кўтарган Мусо ибн ‘Абдуллоҳнинг қўлида эди. Лекин ал-Мухаллаб унга қарши юриш қилмади ва ўғилларига ҳам унга тегмасликни буюрди [at-Tabari II: 1151 – 1152]. Баъзи маълумотларга кўра, ал-Мухаллаб Кеш қалъасини қамал қилиб турганда, Мусо ибн ‘Абдуллоҳ унинг олдига келган, ал-Мухаллаб уни яна ат-Тирмизга қайтишни ва у ерларни қўлга олиб туришни буюрган [el-Maʿqdisi VI: 34]. ал-Мухаллаб Кеш шаҳрини куч билан ололмади ва 82/701-02 йилда Кеш ҳукмдори билан сулҳ тузишга мажбур бўлди ва Балхга қайтди. 82 йилнинг *зу-л-ҳижжа* (702 йилнинг январ) ойида у Балхдан Марвга кетаётганда йўлда вафот этди ва Марв ар-Руд яқинида Панждеҳ *рустоқи*даги Зоғул (زاغول) қишлоғида дафн этилди. Баъзи маълумотларга кўра, у Харун (Охарун) да вафот этди [Jasut II: 429]. У Хуросонда ҳаммаси бўлиб 5 йил ҳукм сурган [ад-Динаварий: 280]. Унинг 4 ўғли бўлиб, улар ҳам фатҳ урушларида фаол иштирок этганлар. Улардан иккитаси – Йазид ва ал-Муфаддал Хуросон волийси этиб тайинланган [Ibn Saad VII (1): 94; Халифа

ибн Хаййот: 79, 89; al-Jakubi: 297 – 299; ал-Йа‘кубий II: 276 – 277, 283, 284, 288; al-Ja‘kubi II: 263, 300, 316, 317, 324, 329, 330; al-Beladsori: 378; ал-Балозурий: 503, 504; ад-Динаварий: 271 – 280; at-Tabari I: 3035, 3418; II: 109, 178, 393, 394, 489, 583 – 588, 590, 591, 719, 720, 722, 725 – 727, 750, 807, 1033 – 1085; ас-Саҳмий: 11 – 12; 15; el-Maqdisi VI: 30 – 34; Ибн А‘сам IV: 308; V: 138, 169; VI 179 – 203, 255; VII: 11 – 54, 80 – 82, 135, 159, 172, 188, 212; Macoudi V: 210, 229, 230, 291, 297 – 302, 314, 315, 350, 351, 388, 389; Наршахий: 42 – 43; Гардизи: 24, 30; Та‘рих-и Систан: 61, 107 – 112, 131, 133, 134; ас-Сам‘оний VI: 221; I: 198; Jacut I: 645, 747; II: 66, , 297, 429, 496, 527, 576, 907; Ибн ал-Асир IV: 228; Ибн Халликон V: 350 – 359 (№ 754); Ибн Халдун III: 52, 59 – 61]. У ҳақида яна қаранг: Колесников 1982: 131, 180, 182; Crone 1993: 357 – 360; аз-Зириклий VIII: 260 – 261; Gibb 1923: 21, 25 – 26; Dehkhoda XIV: 21910.

19. Бу ҳақида яна қаранг: Халифа ибн Хаййот: 55; at-Tabari II: 179.

20. Бошқа манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, Са‘ид ибн ‘Усмон гаровга олган шахзодаларнинг сони 20 нафар [Ибн А‘сам IV: 306 – 314], 50 нафар [at-Tabari II: 179] ёки 80 нафар бўлган [Наршахий: 40]. Бошқа манбаларда гаровга олинган шахзодаларнинг сони кўрсатилмаган [Халифа ибн Хаййот: 55; ал-Йа‘кубий II: 248; el-Maqdisi VI: 4].

21. Матнда: رمى القهندز و ثبت الحجر في كوته – араб., “У қуҳандизни [ўққа] тутди ва тош унинг дарчасига тикилди”. Русча таржимада: “Он разрушил цитадель, закрыл камнями ее бойницы” – “У қалъани вайрон қилиб, унинг дарчаларини тошлар билан ёпди” [ал-Балазури 1987: 20]. Инглизча таржимада: “He threw a rock at the citadel which became lodged in the window aperture” – “У қалъага тош отди ва у бориб дарчага тикилди” [al-Baladhuri: 173]. ал-Йа‘кубий матнида: رمى القهندز بحجر – “у ал-қуҳандизни тош билан ўққа тутди” [ал-Йа‘кубий II: 248].

22. ат-Тирмиз (الترمذ) ёки Тирмиз (ترمذ) – Амударёнинг юқори оқими ҳавзасида, унинг ўнг қирғоғида жойлашган Термиз шаҳрининг арабча номи [ас-Сам‘оний III: 44 – 45; Jacut I: 843]. Бу шаҳар Жайхун дарёсининг бўйида, унинг ўнг қирғоғида жойлашган [at-Tabari II: 1162; al-Beladsori: 411, 415 – 419; al-Jakubi: 291; Ibn Khordadbeh: 33; Ibn al-Fakih: 322, 324; al-Masudi: 64]. Исломдан олдин Термиз алоҳида вилоят бўлиб, унинг подшоҳлари “термизшоҳ” деб аталган [at-Tabari II: 1147; Ibn Khordadbeh: 39; Бирруни 1957: 112]. Хитой манбаларида унинг номи Та-ми шаклида келтирилган. Сюан Цзан маълумотида кўра, VII асрда бу шаҳар туркларга қарашли бўлган. Бу ерда 10 та буддавий ибодатхона ва 1000 га яқин роҳиблар, шунингдек ступалар ва Будда ҳайкаллари бўлган [Julien 1857: 25]. V аср охирларидан VIII аср бошларигача Термизда туркий ҳукмдорлар томонидан мис ва кумуш тангалар зарб этилган бўлиб, уларда туркий қиёфадаги ҳукмдор сурати ва унинг лангар шаклидаги тамғаси тасвирланган [Ртвеладзе 1987: 125 – 126]. 70/689 йилда Мусо ибн ‘Абдуллоҳ исмли араб сар-

кардаси ат-Тирмизни ҳийла орқали эгаллаб, маҳаллий ҳукмдорни шаҳардан ҳайдаб чиқарган ва халифаликга бўйсунмасдан бу ерда 15 йил ҳукм сурган. Фақат 85/704 йилда Бағдоддан юборилган ‘Усмон ибн Мас‘уд уни ат-Тирмиздан сиқиб чиқарган [at-Tabari II: 1162]. IX – X асрларда ат-Тирмиз шаҳри Жайхун дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги энг катта ва аҳолиси кўп шаҳар бўлган [al-Jakubi: 291; al-Moqaddasi: 291]. У Чағонийон ва Хутталон вилоятларининг савдо маркази бўлган [Hudud al-‘Alam: 114]. Бу ерда энг катта даромад келтирувчи работлар бўлиб, уларга саёҳатчилар тўхтовсиз келиб турган. Ундан ташқари Термизда машхур шифохона бўлиб, унинг харажатлари унга вақф қилиб берилган бу ерлардаги энг бой қишлоқлардан келиб турувчи даромадлар ҳисобига қопланган [Ibn Naukal: 454 – 455]. Термиз ёнида Жайхун дарёсидаги энг тор сув кечуви жойлашган бўлиб, унинг кенглиги 2 *мили* ташкил этган [al-Masudi: 64]. Термиз шаҳри 3 қисмдан иборат бўлган, уларнинг ҳар бири VII асрда мудофаа деворлари билан ўралган [at-Tabari II: 1154, 1156; al-Beladsori: 411]. *Қухандиз* нинг 1 та дарвозаси, *мадинанинг* эса 3 та дарвозаси бўлган. Шаҳар *рабадининг* ташқарисида Суродиқот (سراديقات) деб аталувчи яна бир қисми бўлган [al-Moqaddasi: 291]. Ўрта асрлардаги Термиз шаҳрининг харобалари ҳозирги Термиз шаҳридан 8 км ғарбда Амударёнинг баланд қирғоғида жойлашган бўлиб, Эски Термиз деб аталади [Массон 1940: 88 – 95]. Шаҳарнинг деворлар ичидаги қисми 500 га, шаҳар чеккасидаги маҳаллалар ва боғлар билан эса тахминан 1000 га майдонни эгаллаган [Пидаев 1987: 93]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 99 – 114; Barthold 2000: 542 – 544; Dehkhoda V: 6668 – 6669.

23. ат-Табарийга кўра, Са‘ид ибн ‘Усмон дарёдан ўтиб, ат-Тирмизда қолди [at-Tabari II: 179].

24. Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий 72/691-92 йилда Марв вилоятидаги бир қишлоқда ўлдирилган. Бу ҳақида III, 12-изоҳга қаранг.

25. Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий (85/704 йилда вафот этган) – Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий (64 – 72/683 – 692 йилларда ҳукм сурган) нинг ўғли. Отаси волий бўлган вақтда Мусо кўпинча унинг ўрнига Марвда қолиб, ноиб бўлган. Унинг отаси халифаликга даъво қилган ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрнинг тарафдори эди ва халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвонга қарши чиққан эди. 70/689-90 ёки 71/690-91 йилда у хавф яқинлашганини сезганда, Марвдаги ҳамма мол-мулкни Мусога топшириб, унга Жайхун дарёсидан Мовароуннаҳрга кечиб ўтишни ва у ердаги бирор подшоҳ ҳузурида жойлашишни буюрди. Мусо бир гуруҳ одамлари билан ат-Тирмизга келиб, алдов йўли билан шаҳарни қўлга олди. У Умавийлар ва уларнинг Хуросондаги волийларига бўйсунмаган ҳолда 15 йил давомида ат-Тирмиз шаҳрини ўз қўли остида ушлаб, мустақил равишда ҳукм сурди. Унинг қўл остида араблар ва форслардан таркиб топган кат-

та қўшин бор эди. Мовароуннахрнинг маҳаллий подшоҳлари ҳам унга хайрихоҳ бўлиб, Умавийларга қарши курашда ёрдам берганлар. 85/704 йилда ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб Хуросонга волий этиб тайинланганда, ‘Усмон ибн Мас‘уд бошчилигидаги қўшинни Мусога қарши ат-Тирмизга юборди. Мас‘уд ат-Тирмиз қалъасини қамал қилиб, уни қўлга олди. Мусо эса жангда ҳалок бўлди [ал-Йа‘қубий II: 283; al-Ja‘kubi II: 324; at-Tabari I: 2887; II: 491, 697 – 699, 1023, 1025, 1031, 1082, 1109, 1145 – 1164; Ибн А‘сам VII: 142 – 151; Ибн Халдун II: 69 – 72]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий VIII: 274 – 275; Dehkhoda XIV: 21788; Gibb 1923: 23 – 24, 26 – 27, 78; Джалилов 1961: 115 – 116; Гоибов 1989: 195 – 110. У ҳақида яна XXIII фаслга қаранг.

26. Абу Ҳафс Қутайба ибн Муслим ибн ‘Амр ал-Боҳилий (96/714-15 йилда вафот этган) – *боҳила* қабиласидан етишиб чиққан машҳур араб лашкарбошиси, халифа ал-Валид ибн ‘Абд ал-Малик даврида аввал ар-Райй (Рей) волийси, 86 – 96/705 – 715 йилларда эса Хуросон ва Сижистон волийси бўлиб, Марвда ҳукм сурган. Унинг хукмронлиги даврида арабларнинг Ўрта Осиёда олиб борган фатҳ урушлари жадаллашди [Смирнова 1957: 119 – 134]. У Хуросон волийларидан биринчи бўлиб Мовароуннахрда арабларнинг ҳокимиятини ўрнатди. Шимолда унинг қўшинлари аш-Шошга, шарқда эса Кошғаргача етиб борди. Унинг Хуросон ва Мовароуннахрнинг аслзодалари ва шахзодаларидан иборат 10 минг аскарлик қўшини бўлиб, унда суғд ва турк подшоҳлари, тархонлар, *ал-барқаш* (البرقش) ларнинг ўғиллари, Бухористон подшоҳларининг ўғиллари ва Хуросондаги бошқа подшоҳларнинг ўғиллари тўпланган эди [Ibn A‘tham VII: 265]. Бағдодда ҳокимият ўзгариб тахтга Сулаймон ибн ал-Валид (96 – 99/715 – 717 йилларда ҳукм сурган) келганда, Қутайба ибн Муслим унга қарши фитна уюштиришга ҳаракат қилди ва 96/714-15 ёки 97/715-16 йилнинг *зул-ҳижжа* ойида Фарғонада ўзининг аскарлари томонидан ўлдирилди [Халифа ибн Хаййот: 79, 81 – 84; al-Jakubi: 300; ал-Йа‘қубий II: 288, 299; al-Ja‘kubi II: 330, 342 – 344, 346, 354, 355; ад-Динаварий: 280, 327 – 328; at-Tabari I: 2839, 2873; II: 156, 962 – 964, 966, 1089, 1111, 1112, 1119, 1141 – 1144, 1178 – 1304, 1311, 1322, 1330, 1365, 1440; el-Maqqdisi VI: 37 – 38; Ибн А‘сам VII: 132 – 189, 197; Macoudi V: 277, 278; VIII: 320 – 323; Гардизи: 31 – 32; Та‘рих-и Систан: 136 – 138; Jacut I: 441, 520, 604, 645, 730, 843; II: 547; III: 135, 933; Ибн Халликон IV: 86 – 91 (№ 542); Ибн Халдун III: 74 – 81, 85 – 88]. Уни Жаҳм ибн Заҳр ал-Жу‘фий [at-Tabari II: 1297] ёки *тамим* қабиласининг бошлиғи Абу Мутарриф Ваки‘ ибн Абу Суд ал-Ғудоний ат-Тамимий ўлдирди [al-Nasafi: 681 – 684 (№ 1189)] ва унинг ўрнига Хуросон амири этиб тайинланди [at-Tabari II: 1305; Гардизи: 32]. Қутайба ибн Муслим ўзининг ўлдирилган ери (*маиҳад*) да Фарғонадаги Калиж (كليج) ёки Кулунж (كلنج) қишлоғида дафн этилган [ал-Балхий: 42; ал-Карши: 115, 149]. Қутайба ибн Муслим ҳадис ривоят қилган ва ўрта асрда тузилган тарихий

биографик асарларда *муҳаддис* сифатида унинг батафсил таржимаи ҳоли келтирилган [al-Nasafi: 681 – 684 (№ 1189); ac-Сам‘оний II: 67]. Қутайба ибн Муслимнинг хоразмлик чўриси бўлган [at-Tabari II: 1298]. Унинг мақбараси ўрта асрларда Мазор-и Хотун, яъни Қутайба ибн Муслимнинг хотини сифатида қайд этилган [Frye 1954: 140, n. 215]. Қутайба ибн Муслимнинг мақбараси Андижон вилоятининг Жалолкудуқ туманидаги Гурунчмозор қишлоғида машҳур бўлиб, ҳозир ҳам маҳаллий аҳоли томонидан авлиёнинг мозори сифатида эъзозланади [Азимов 1982: 12]. XX аср бошларида Бухоро шаҳрининг шимоли-ғарбий қисмидаги қадимги қабристонда [Гафурова 1992: 87] Қутайба ибн Муслим қадамгоҳи бўлган [Айни 1960: 494, 496]. Қутайба ибн Муслим ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 243 – 244; Bosworth 1986: 541 – 542; аз-Зириклий VI: 28; Gibb 1923: 29 – 57; Dehkhoda XI: 17450 – 17451.

27. Қутайба ибн Муслим 86/705 йилда укаси Солих ибн Муслимни ат-Тирмизга ҳоким этиб тайинлади [at-Tabari II: 1180].

28. Молик ибн ар-Райб ибн Хут ибн Қут ал-Мозиний ат-Тамимий (60/679-80 йилда вафот этган) – *тамим* қабиласидан чиққан араб шоири. Унинг шеърлари ўз вақтида араблар орасида кенг тарқалган ва машҳур эди. У шеърларида ал-‘Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуфни масхара қилган, кейин эса ундан қочиб, маълум вақт йўлтўсарлик билан шуғулланиб юрган. У ашаддий қароқчи ва қотил бўлган. 56/675-76 йилда Са‘ид ибн ‘Усмон халифа Му‘овийа I томонидан Хуросон волийси этиб тайинланди. Са‘ид ал-Мадинадан ал-Басрага кетаётганда, йўлдаги чўлда Моликни қароқчилик қилиб юрганида учратиб қолди. Са‘ид уни ўзининг хизматига чақириб, қароқчи шериклари билан Хуросонга олиб келди. Ўша йилда Молик Самарқандни фатҳ этишда иштирок этди. Са‘иднинг таъсирида у қароқчиликни ташлаб, хайрли ишлар билан шуғуллана бошлади. Са‘ид Хуросондан кетгандан кейин ҳам у Марвда қолиб, умрининг охиригача ўша ерда яшади. Хуросонда у оғир касалга чалиниб, ўлими яқинлашганини сезганда, 60/679-80 йилда Марвда ўзининг 58 байтдан иборат машҳур қасидасини ёзди. Бу қасиданинг тўлиқ матни Абу Бакр ал-Бағдодийнинг “Та’рих Бағдод” асарида келтирилган [al-Jakubi: 298; at-Tabari II: 178 – 179, 1084, 1198, 1226, 1251, 1301, 1313, 1436, 1544, 1545, 1638; Ибн А‘сам IV: 308 – 313; Jacut I: 80, 762, 844’ II: 117, 133, 360, 413, 717, 761, 801]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий VI: 134 – 135.

29. Наҳор ибн Тавси‘а ибн ‘Атбон ат-Тамимий – арабларнинг *бакр ибн во‘ил* қабиласидан чиққан машҳур араб шоири. Унинг отаси Тавси‘а ҳам шоир бўлган. Наҳор Хуросондаги фатҳ урушларида фаол иштирок этган ва 82 – 120/701 – 738 йиллар давомида юз берган воқеаларда қайд этилган. Манбаларда унинг шеърларидан кўплаб намуналар сақланиб қолган [at-Tabari II: 1084, 1198, 1126, 1251, 1301, 1313, 1437, 1545, 1638]. 83/702-03 йилда Наҳор ал-Мухаллаб ибн Абу Суфранинг вафотига бағишлаб, марсия ёз-



ди. Кейин у Қутайба ибн Муслим ҳақида ҳажвий шеър ёзгани учун таъқибга учради. Наҳор Қутайбадан қочиб, унинг онасининг олдига борди ва уни ўғлидан химоя қилишини сўради. Қутайбанинг онаси ўғлини шоирга раҳм қилишга даъват этди. Қутайба уни кечирди ва яна унинг мартабасини кўтарди. 112/730-31 йилда Хуросон волийси Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон ал-Муррий уни махсус топшириқ билан Самарқанддан халифа Ҳишом хузурига юборган [at-Tabari II: 1544]. Илк ўрта асрларда Наҳор ибн Тавси‘анинг “Девон” номли шеърий тўплами машҳур бўлган [Ибн А‘сам VI: 348; VII: 81, 130, 136, 145, 152, 153, 159, 165, 172; Yaqut IV: 97; Jacut I: 843; IV: 506; Ибн Халликон IV: 87; V: 354; VI: 291]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий IX: 24.

30. Абу Холид Йазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра ал-Аздий (53 – 102/673 – 720) – арабларнинг *ал-азд* қабиласига мансуб лашкарбоши, ал-Мухаллаб ибн Абу Суфранинг ўғли. Арабларнинг Ўрта Осиёда олиб борган фатҳ урушларида фаол қатнашган. Ўзининг қонхўрлиги ва шафқатсизлиги билан ажралиб турган. 30/650-51 йилда у Журжонга юриш қилди ва Сул билан сулҳ тузиб, ал-Бухайра ва Деҳистонни фатҳ этди. 80/699-700 йилда ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра Кеш шаҳрини қамал қилганда, ўғли Йазидни ал-Хутталга юборди. Йазид ал-Хуттал подшоҳи ас-Сабл қалъасида қамал қилди ва у билан сулҳ тузди. Отасининг вафотидан кейин 82 – 85/701 – 704 йилларда Хуросон волийси бўлган. 84/703 йилда Йазид Бодғисдаги Низак Тархоннинг қалъасини фатҳ этди. 85/704 йилда ал-‘Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф унга қарши фитна уюштириб, уни вазифасидан четлатди ва ҳибсга олди. Лекин Йазид қамокдан қочишга муваффақ бўлди. Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик (96 – 99/715 – 717 йилларда ҳукм сурган) халифа бўлганда, Йазид унинг олдига аш-Шомга борди ва аввал ал-‘Ироқ волийси, 97/715-16 йилда эса яна Хуросон волийси этиб тайинланди. Ўша йили у Хуросонга келиб Қутайба ибн Муслимнинг амалдорларини ҳибсга олиб, уларнинг барча мол-мулкларини мусодара қилди. Натижада у кўп бойликларни қўлга киритди. 98/716-17 йилда у Журжонга юриш қилиб, у ердаги аҳолидан 12 минг, баъзи маълумотларга кўра, 40 минг кишини қириб ташлади, 6 минг кишини эса асирга олиб, уларни қул қилиб сотиб юборди. Ундан кейин Йазид Табаристонга юриш қилди ва уни ҳам фатҳ этди. Йазид Журжонда фақат бир йил ҳукмронлик қилди. Бу вақт ичида у кўчманчиларга қарши улкан мудофаа девори қурдирди. Шунингдек у Журжонда 40 га яқин масжид бунёд этди. У ҳадис ҳам ривоят қилган. Кейин 99/717-18 йилда у Хуросонни ўғли Мухалладга топшириб ўзи ал-‘Ироқга қайтди. ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз (99 – 101/717 – 720 йилларда ҳукм сурган) халифа бўлганда, уни ҳибсга олиб, Ҳалаб шаҳрида қамокқа ташлади. ‘Умар вафот этгандан сўнг 101/719-20 йилда Йазид қамокдан қочиб, ал-Басрага келди ва шаҳарни ўз қўлига олди. Кейин у ал-‘Ироқ волийси Маслама ибн ‘Абд ал-Малик билан бир қанча жанглар олиб борди ва

102/720-21 йилда Бағдод билан Восит ўртасидаги ал-‘Ақр (العقر) номли ерда бўлган жангда ҳалок бўлди. Унинг авлодлари Журжонда қўним топганлар ва XI асрда ҳам машҳур бўлганлар [Халифа ибн Хаййот: 79, 87 – 89; al-Jakubi: 300; ал-Йа‘кубий II: 288, 309 – 311, 316, 323 – 327; al-Ja‘kubi II: 330, 341, 344, 345, 353 – 355, 362, 370, 372; ад-Динаварий: 280; at-Tabari I: 2839, II: 838, 856, 1040 – 1041, 1077, 1085, 1105 – 1109, 1129 – 1132, 1138, 1152, 1154, 1161, 1182, 1282, 1285, 1297, 1306 – 1337, 1346; Ibn A‘tham VII: 208 – 214, 280 – 298, 306 – 307, 311 – 322; Macoudi V: 411, 453 – 458, 506; ; VI: 264; VIII: 229; el-Maqdisi VI: 37, 41 – 43, 46 – 48; Гардизи: 19, 25, 30 – 34; ас-Сахмий: 9 – 13, 15; Та’рих-и Систан: 134, 138, 139, 141; Jacut I: 843; II: 49; III: 505, 695; IV: 504; Ибн Халликон VI: 278 – 309 (№ 816); Ибн Халдун III: 68 – 69, 81 – 82, 88, 91 – 100]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 30, 37, 50, 71 – 74, 82, 118, 123 – 131, 142, 147 – 154, 315 – 319; Crone 1993: 358 – 360; Gibb 1923: 25 – 27, 67; аз-Зириклий IX: 246.

31. Абу Жа‘фар Қусам ибн ал-‘Аббос ибн ‘Абд ал-Мутталиб – Муҳаммад пайғамбарнинг амакисининг ўғли (ابن عم) [Bosworth 1986: 551]. Қусам ибн ал-‘Аббос Мовароуннаҳрга Са‘ид ибн ‘Усмон ибн ‘Аффон билан бирга ислом динини тарғиб қилиш учун келиб, 54/673-74 ёки 56/675-76 йилда шаҳид бўлган ва Самарқандда дафн этилган [al-Nasafi: 677 – 681 (№ 1188); ас-Сам‘оний X: 433; Кандия: 260 – 261; Абу Тахир: 175; Абу Тохир хожа: 133]. Бу маълумот бошқа айрим манбаларда ҳам келтирилган [Ibn Saad IV (1): 2; VII (2): 101; Ибн Ҳажар III: 450 – 451 (№ 1197); ал-Йа‘кубий II: 248; al-Ja‘kubi II: 130, 208, 252, 254, 282; ал-Бухари I: 169; Халифа ибн Хаййот: 404; Ибн А‘сам IV: 221, 222, 233, 279; Macoudi IV: 150, 312; VI: 161; VIII: 334; IX: 56, 57; Наршахий: 41]. Лекин унинг айнан Самарқандда дафн этилганини тасдиқловчи ривоятлардан бошқа ҳеч қандай моддий далил йўқ.

XI асрда Афросиёб харобаларининг жанубий қисмида жойлашган унинг рамзий қабри устида мақбара қурилган бўлиб, ҳозирги кунда у Шоҳ-и Зинда (Тирик шоҳ) номи билан машҳур [Немцева 1972]. Қусам ибн ал-‘Аббоснинг гўрхонасидаги мақбарада ёзилган битикга кўра, у 57/676-77 йилда дафн этилган [Шишкин 1970: 51, 71; Немцева, Шваб 1979: 30]. Ўрта асрларда бу мақбара барча мусулмонлар томонидан авлиё зиёратгоҳи сифатида эъзозланиб келинган ва унинг яқин-атрофида Самарқанднинг энг ҳурматли ва мўътабар инсонлари – олимлар, имомлар ва давлат арбоблари дафн этилган. Шунинг учун бу ер катта қабристонга айланган.

XV аср ҳужжатларида Қусам ибн ал-‘Аббос мақбараси Мазор-и Шоҳ (مزار شاه) – “Шоҳ мазори” [Бабур-наме: 44б], Мазор-и Шоҳ-и Зинда (مزار شاه) – “Тирик шоҳ мазори” [СД: 184] ёки Мазор-и Ҳазрат-и Шоҳ (مزار حضرت شاه) – “Ҳазрати шоҳ мазори” сифатида қайд этилган [Абу Тохирхожа: 132 – 138]. Археологик тадқиқотларга кўра, унинг биноси XI аср ўрталарида қурилган [Немцева 1969: 205; Немцева, Шваб 1979: 27, 29 – 30]. Қусам ибн ал-‘Аббос ҳақида яна қаранг: ал-Балозурий: 447, 539, 578; Арабский ано-

ним: 239а, 240а; Ибн Халликон III: 64; VI: 351. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 1986: 551; аз-Зириклий VI: 29; Dehkhoda XI: 17452; Смирнова 1965: 178; Камалиддинов 1998: 32 – 39.

32. Бошқа маълумотга кўра, Қусам ибн ал-‘Аббос Са‘ид ибн ‘Усмон олдига Марвга келган ва ўша ерда вафот этиб, Абу Ҳамра ас-Суккарий номли кўчада дафн этилган [al-Jakubi: 298; Наршахий: 41; al-Nasafi: 677 (№ 1188); Ibn Qutaiba: 59]. Лекин ўрта асрларда Марвда Қусам ибн ал-‘Аббос номи билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам мазор ёки қадамжой бўлмаган. Шу билан бирга Марвда саҳобалардан ал-Ҳакам ибн ‘Амр ил-Ғифорий (50/670 йилда вафот этган) ва Бурайда ибн ал-Ҳусайб ал-ал-Асламий (61/680-81 йилда вафот этган) нинг вафот этганлиги маълум. Улар Марвдаги Таннургарон қабристонига дафн этилган [ас-Сам‘оний III: 261]. Ўрта асрларда уларнинг мазорлари жуда машҳур бўлиб, уларни барча мусулмонлар зиёрат қилганлар, XV асрда эса уларнинг устида 2 та сағана қурилган [Пугаченкова 1958: 400 – 402]. Агар Қусам ибн ал-‘Аббос Марвда дафн этилганда, ўрта асрларда у ерда албатта унинг ҳақиқий ёки рамзий қабри бўлиши керак эди.

33. Абу-л-‘Аббос ‘Абдуллоҳ ибн ал-‘Аббос ибн ‘Абд ал-Мутталиб ал-Кураший ал-Ҳошимий (68/687-88 йилда вафот этган), уни Ибн ал-‘Аббос деб ҳам атаганлар. Мил. 619 йилда Маккада туғилиб ўсган. Муҳаммад пайгамбарнинг энг яқин саҳобаларидан бири бўлган ва ҳадис ривоят қилган. У ривоят қилган ҳадислар *саҳиҳ* (صحیح), яъни ишончли ҳисобланган ва улардан 1660 таси 2 та энг ишончли “ал-Жоме‘ ас-Саҳиҳ” ҳадислар тўпламларига киритилган. Ибн ал-‘Аббос фатҳ урушларида ҳам иштирок этган. Хусусан, 30/650-51 йилда халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида у ал-Куфадан араб лашкарбошиси Са‘ид ибн ал-‘Ос билан бирга Табаристон ва Хуросонга [at-Tabari I: 2836], ар-Раби‘ ибн Зийод билан бирга Сижистонга юриш қилган [Гардизи: 25; Та’рих-и Систан: 483]. 35/655-56 йилда халифа ‘Али ибн Абу Толиб уни ал-Басрага волий этиб тайинлаган. У ‘Али ибн Абу Толибнинг тарафдорлари билан бирга 36/656-57 “туя жанги” (يوم الجمل) ва 37/657-58 йилда Сиффин жангида иштирок этган. Умрининг охирида унинг кўзи кўрмай қолган, у ат-То’иф шаҳрида яшаган ва ўша ерда 68/687-88 йилда вафот этган [ал-Балозурий: 57, 368, 446, 448, 517, 540; al-Ja‘kubi II: 33, 44, 45, 181 – 185, 205, 206, 213, 220 – 224, 242; at-Tabari I: 1345, 1830, 1833, 1834, 3092, 3106, 3162, 3390, 3443, 3448, 3474; Macoudi I: 46, 267, 268; II: 249; III: 142, 225; IV: 15, 18 – 23, 138, 145, 148, 158, 228 – 230, 299 – 303, 311; История халифов: 239б – 243а; Арабский аноним: 236б – 237б, 239а – 240б, 241б – 242б, 243б, 245а, 246а, 248б, 286а; Ибн Халликон III: 62 – 64 (№ 338)]. Ибн ал-‘Аббос ал-Қур’он сураларининг маъносини яхши билган, шунингдек, фикҳ, араб тили, арабларнинг тарихи, насл-насаблари ва шеъриятининг билимдони бўлган. Одамлар унинг олдига турли масалалар бўйича доим маслаҳат сўраб келганлар. Шунинг учун у ҳар бир кунини

маълум масалаларни ечишга белгилаб қўйган эди: бир кун фикҳ, бир кун ал-Қур’он сураларининг шарҳи, бир кун фатҳ урушлари, бир кун шеърят, бир кун арабларнинг тарихи ва ҳ.к. ‘Умар ибн ал-Хаттоб ечими қийин бўлган масалага дуч келганда, маслаҳатга фақат Ибн ал-‘Аббосни чақирар эди. Ибн ал-‘Аббоснинг хотираси жуда кучли бўлган. Шоир Ибн Абу Раби‘а ўзининг 80 байтдан иборат қасидасини унга бир марта ўқиб берганда, Ибн ал-‘Аббос уни ёд олган [аз-Зириклий IV: 228 – 229; Veccia Vaglieri 1960: 40 – 41; Dehkhoda I: 374; X: 15719].

34. Чунки, унинг туғилган ери Маккада, қабри эса Самарқандда [ал-Йа‘қубий II: 248].

35. ал-Қур’он ал-Карим китобининг ал-Бақара (البقرة) сурасидаги 42-оят: *و استعينوا بالصبر و الصلوة و انها الكبيرة الا على الخاشعين* – “Сабр ва намоз [ўқиш] да нажот изланг. Албатта, бу катта [синов] дир, [фақат] итоат этувчилар [бундан] истиснодир” [Қоран II: 42 (45); Қуръони Карим: 11].

36. Ҳар бир ҳадис 2 қисмдан иборат бўлиб, улар *матн* (متن) ва *иснод* (اسناد) деб аталган. *Матн* деб ҳадис, яъни ривоятнинг ўзи, *иснод* деб эса ушбу ҳадисни ривоят қилган ровийлар силсиласи назарда тутилган. Ал-Балозурий келтирган ушбу ҳадиснинг *исноди*, яъни ровийлар силсиласи 5 бўғиндан иборат бўлган: ‘Абдуллоҳ ибн Солиҳ – Шарик – Жобир – аш-Ша‘бий. Мазкур исноднинг энг охириги поғонасида турган ровий ‘Абдуллоҳ ибн Солиҳ ал-Балозурийнинг катта замондоши, унинг энг юқори поғонасида турган ровий аш-Ша‘бий эса Са‘ид ибн ‘Усмоннинг ва Қусам ибн ал-‘Аббоснинг кичик замондоши бўлган. Унинг тўлиқ исми Абу ‘Амр ‘Омир ибн Шуҳоҳил (‘Абдуллоҳ) ибн ‘Абд Зу-Кибор аш-Ша‘бий ал-Хумайрий бўлиб, у *ҳамдон* қабиласининг *ша‘б* уруғига мансуб бўлган ва саҳобаларга эргашган *ат-тоби‘ун* (التابعون) лардан бири бўлган. У ал-Куфада 19/640 йилда туғилиб, ўша ерда 103/721-22, 105/723-24 ёки 109/727-28 йилда вафот этган. У халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвоннинг *надими* ва маслаҳатчиси бўлган, ар-Рум подшоҳининг олдига унинг элчиси бўлиб борган. У ҳадис илмининг билимдони бўлиб, 150 та саҳобадан ҳадис ривоят қилган ва барча эшитган ҳадисларини ёддан билган. У фикҳ илмини ҳам яхши билган ва шеър ҳам ёзган. Халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз уни қози этиб тайинлаган [ас-Сам‘оний VII: 341 – 342]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий IV: 18 – 19.

37. *сахм* (سهم) – “улуш”, “ҳисса”, яъни ҳарбий ўлжани тақсимлашдаги улуш. Арабларнинг фатҳ урушлари давомида ҳарбий юриш натижасида қўлга киритилган ўлжа вужудга келган анъанага биноан муайян бир тартибда тақсимланган. Бу анъанага кўра, ҳар бир пиёда аскарга ҳарбий ўлжанинг умумий миқдоридан 1 улуш (*сахм*), отлик аскарга 2 улуш ва 5 улуш халифалик ғазнасига берилган. Ўлжанинг қолган қисми тенг бўлақларга бўлиниб, жангда иштирок этган аскарларга берилган. Фақат Хуросон волийси ёки лашкарбоши ўлжанинг тақсимланишидан олдин ундан ўзига

ёққан нарсани танлаб олиши мумкин эди. Бу ҳақида яна қаранг: Izzi Dien 1995: 841 – 842; Dekhoda IX: 13859.

38. Наршахий келтирган маълумотга кўра, Са‘ид Қусам ибн ал-‘Аббосни ҳурмат қилиб, “Бу ўлжалардан ҳар бир кишига 1 ҳисса, сенга эса 1000 ҳисса бераман”, – деганда, Қусам “шариат буюрган 1 ҳиссадан бошқа ҳеч нарса олмайман”, – деб жавоб берган [Наршахий: 41].

39. *жубба* (جبة), кўплиги *жибаб* (جيب) ёки *жибоб* (جباب) – араб., жунли матодан тикилган энглари кенг устки кийим. Бу кийим ипакдан тикилган, шунингдек энгли ёки энгсиз бўлиши ҳам мумкин. Уни *қабба* ‘ (قبع) деб ҳам атаганлар [at-Tabari II: 1156]. Бу сўзнинг келиб чиқиши Андалусия (ал-Андалус) билан боғлиқ бўлиб, у ерда *жубба* сотувчилар *жибобий* (جبابي) деб аталган [ас-Сам‘оний III: 170]. Бу ҳақида яна қаранг: Stillman, Stillman, Majda 1986: 741, 745; Dekhoda V: 7517.

40. Са‘ид ибн ‘Усмон гаровга олган ва ал-Мадинага олиб кетган одамларнинг ҳаммаси Бухоро ва Самарқанд деҳқонларининг аслзода ўғиллари бўлган. Бу аслзода ва шахзодаларнинг кўпчилик қисмини этник турклар ташкил этган [Pipes 1978: 86]. ал-Йа‘қубийга кўра, ас-Суғд шахзодалари Са‘ид ибн ‘Усмон билан ал-Мадинага етиб келгандан кейин, унга ташланиб, ўлдирдилар, кейин улар бир-бирларини ўлдирдилар ва улардан бирортаси ҳам тирик қолмади [ал-Йа‘қубий II: 248]. Наршахий келтирган маълумотга кўра, Са‘ид ибн ‘Усмон ал-Мадинага етгандан кейин ғуломларига буюриб, гаровга берилган шахзодаларнинг қилич ва камарларини ечтирди ва уларнинг устларидаги кимхоб кийимлар, тилла ва кумушларнинг ҳаммасини олдирди. Кийимлар эвазига уларга дағал матодан тикилган кийимлар бериб, экин экиш ишларига банд қилиб қўйди. Шахзодалар бундан жуда хафа бўлиб: “Бу киши бизга бермаган яна қандай хорлик қолди? У бизни қул қилиб, оғир ишларни буюрмоқда, биз хорлик билан ўлгандан кўра, бир йўла фойдали иш қилиб ўлайлик”, – дедилар ва Са‘иднинг саройига кириб, эшикларни маҳкам беркитдилар, Са‘идни ўлдирдилар ва ўзларини ҳам ўлимга топширдилар [Наршахий: 41 – 42]. Ибн А‘сам ал-Куфийнинг “Китоб ал-Футух” асарининг форсча таржимасида ҳам шунга ўхшаш маълумот келтирилган [Frye 1954: 131, n. 165]. Бошқа маълумотларга кўра, шахзодалар Са‘ид ибн ‘Усмонни ўлдириб, ўзлари ал-Мадина яқинидаги тоғларга қочдилар ва у ерда ҳаммаси очликдан ва сувсизликдан ҳалок бўлдилар [Ibn A‘tham VI: 237; al-Nasafi: 186 – 187 (№ 286)]. ал-Мақдисий келтирган маълумотга кўра, Са‘ид келишувга хилоф равишда гаровга олинган одамларни ўзи билан ал-Мадинага олиб кетиб, уларни ҳурмо териш ва лой ишларида ишлатди. Улар эса деҳқонлар ва бой одамларнинг болалари эди. Улар бу ишга тоқат қилолмасдан, жонларидан тўйиб кетдилар. Улар унинг деворидан ошиб ўтиб, уни ўлдирдилар, кейин ўзларини ҳам арқон билан бўғиб ўлдирдилар [el-Maqdisi: 4]. ат-Табарий Са‘иднинг гаровга олинган шахзодаларни ал-Мадинага олиб кетгани ҳақида маълумот берган, лекин улар-

нинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирмаган [at-Tabari II: 179].

41. Холид ибн ‘Уқба ибн Абу Му‘айт – унинг отаси Абу-л-Валид ‘Уқба ибн Аббон ибн Заквон ибн Умаййа ибн ‘Абд Шамс исломдан олдин *куррайи* қабиласининг бошлиқларидан бири бўлган. Отасининг *кунйаси* Абу Му‘айт бўлган, шунинг учун уни Ибн Абу Му‘айт деб ҳам атаганлар. Муҳаммад пайғамбар исломга даъват қилганларида ‘Уқба унга қарши чиққан ва мусулмонларнинг ашаддий душманига айланган. Мусулмонлар 3/624-25 йилда “Бадр жанги” (يوم بدر) да ғалаба қозонганда, уни асирга олганлар ва қатл этганлар, кейин унинг жасадини салб этганлар. Исломда салб этилган биринчи одам у бўлган. Манбаларда унинг ўғли ҳақида маълумот йўқ. У ҳақида ал-Балозурий келтирган маълумотдан аён бўладики, у шоир бўлган, бу шеърий парчанинг мазмуни эса унинг мусулмон бўлганлигидан далолат беради [at-Tabari III: 2466]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий V: 36; Dehkhoda VI: 9360.

42. Хулвон (حلوان) – Ўрта асрларда Мисрда, ал-‘Ироқда, Кухистонда, Хуросонда, Нишопур ва Тус вилоятларида шу номли бир нечта ерлар бўлган [at-Tabari II: 2002; al-Moqaddasi: 25, 55, 194, 200, 211]. Эроннинг ғарбий қисмидаги Ҳамадон шаҳри яқинида жойлашган тоғ довони (ҳозирги Загрос), ундан оқиб тушувчи дарё ва ал-‘Ироқнинг ас-Савод вилоятида ал-Жибол йўлидаги шаҳар ҳам Хулвон деб аталган [Ibn Rosteh: 97]. Ривоятга кўра бу шаҳарга шаҳаншоҳ Қубод I (488 – 496 йилларда ҳукм сурган) асос солган. Лекин аслида бу шаҳар ундан ҳам қадимийроқ бўлиб, унинг номи қад. юнон манбаларида Хала (Hala), сурёний манбаларда эса Халману шаклида қайд этилган. Сосонийлар даврида бу шаҳар Шаз Файруз деб аталган ва унинг тасарруфига Файруз Қубоз, ал-Жабал, Тамарра, Ирбил ва Хонақин номли 5 *тассуж* кирган. Суғд тилидаги манбаларда Хулвон шаҳрининг номи *xurwnh* (*xurwan*) – Хурван шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 432 (10635)].

Араблар Хулвонни 19/640 йилда фатҳ этганлар. VII аср охирларида ал-Ҳажжож ибн Йусуф томонидан ўтказилган маъмурий ислохот натижасида Хулвон ал-Жибол вилояти тасарруфига ўтказилган. Хулвон шаҳри Хулвон-чай номли дарёнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, ҳавоси тоза ва ёқимли бўлган. Унинг атрофларида боғлар кўп бўлган. Айниқса унинг анжири машхур бўлган ва “шоҳ анжир” деб аталган Ҳозир бу дарё Алванд деб аталади. 438/1046-47 йилда Салжуқийлар шаҳарга ўт қўйганлар. 544/1149-50 йилда юз берган қаттиқ зилзила натижасида шаҳар бутунлай вайрон бўлган ва XIII аср бошларида хароба ҳолатда ётган [Ибн Хордадбех: 54, 55, 59, 62, 69, 70, 135, 138; Kodama: 235, 236, 243; Ибн ал-Факих: 55, 60, 62, 70, 73 – 76; Ibn al-Fakih: 165, 199, 210, 211, 258; al-Jakubi: 270 – 271; at-Tabari II: 1286; al-Istakhri: 79, 80, 86, 87, 190, 196, 200; al-Moqaddasi: 25, 53, 60, 114, 115, 123, 125, 128; ас-Сам‘оний IV: 191; Jacut II: 317, 321, 322]. У ҳақида

яна қаранг: Lockhart 1971: 571 – 572; Dehkhoda VI: 9185 – 9186; Бартольд 1973: 191 – 194; Большаков 2010: 22, 23, 125, 276, 277, 293, 334; Колесников 1982: 99, 100, 105, 107 – 109, 132, 141, 156, 190; Пигулевская 1956: 38.

43. Аслам ибн Зур‘а ибн ‘Амр ибн ас-Са‘иқ ал-Килобий – 43/663-64 йилда у вақтинча Хуросон волийси этиб тайинланди. 45/665-66 йилда Хуросондаги вилоятларнинг бирида хирож ишлари бўйича масъул этиб тайинланган, 53/672-73 йилнинг охирида ал-Басра ва Хуросон волийси этиб тайинланган ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод уни Хуросонга юборди, 55/674-75 йилда эса уни Хуросон волийси этиб тайинлади. 56/675-76 йилда Хуросон волийси этиб Са‘ид ибн ‘Усмон тайинланди. Хуросонга ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод келиб, Аслам ибн Зур‘ани хибсга олди ва унга 300 минг дирҳам жарима солди [at-Tabari II: 65, 81, 168, 172, 179 – 180, 189, 390, 391; Ибн А‘сам IV: 318; Гардизи: 28; Jacut I 265, 645; Ибн Халликон V: 69]. ал-Йа‘қубийга кўра, Са‘ид ибн ‘Усмон Аслам ибн Зур‘ани ал-Басрага Зийод ибн Абу Суфйоннинг олдига юбормоқчи эди. Аслам ибн Зур‘а Хуросондан қочиб, халифа Му‘овийага мактуб ёзди ва Са‘ид ибн ‘Усмон Хуросонда йиғилган бойликларни ўзлаштирмоқчи экани ҳақида унга хабар берди. Му‘овийа Са‘ид ибн ‘Усмонни вазифасидан четлатиб, унинг ўрнига Аслам ибн Зур‘ани волий этиб тайинлади [al-Jakubi: 298; al-Ja‘kubi II: 282; ал-Йа‘қубий II: 248]. 57/676-77 йилда Са‘ид ибн ‘Усмон лавозимидан четлатилгандан кейин Аслам яна Хуросон волийси этиб тайинланди. У жуда ҳам қаттиқ қўл ва золим одам эди. У Марв аҳлига қурбақаларнинг қуриллашига чек қўйишни буюрди. Улар бунинг иложи йўқ дедилар. Шунда у уларга қўйилган хирож миқдорини кўпайтириб, 100 минг дирҳам деб белгилади [el-Maqqdisi VI: 4]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 19, 20; Dehkhoda II: 2464.

44. Исҳоқ ибн Талҳа ибн ‘Абдуллоҳ (‘Убайдуллоҳ) ал-Қураший ат-Таймий – халифа Му‘овийа I нинг қариндоши. 51/671 йилда у Умавийларга қарши бош кўтарган Ҳужр ибн ‘Адийга қарши айбловчи сифатида чиқди. 56/675-76 йилда ал-Басра волийси ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод уни Са‘ид ибн ‘Усмон билан бирга Хуросонга юбориб, хирож ишлари бўйича масъул этиб тайинланди. Лекин у Рейга етиб борганда йўлда вафот этди [Ibn Saad V: 123; at-Tabari I: 2133; II: 132, 178; Ибн А‘сам IV: 307]. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda II: 2231.

45. Араб халифалигида Муҳаммад пайғамбардан кейин унинг яқин саҳобалари Абу Абу Бакр ас-Сиддиқ, ‘Умар ибн ал-Хаттоб, ‘Усмон ибн ‘Аффон ва ‘Али ибн Абу Толиб халифа бўлганлар. Уларнинг барчаси Муҳаммад пайғамбарга қариндош ёки қариндош тутинган бўлганлар ва ислом тарихида *ал-хулафо’ ар-рошидун* (الخلفاء الراشدون) – “тўғри йўлдан борган халифалар” деб аталганлар. ‘Усмон ибн ‘Аффон Муҳаммад пайғамбарнинг 2 та қизига уйланган эди. Муҳаммад пайғамбар ҳам унинг қизига уйланган эди. 35/655-56 йилда Миср, аш-Шом ва ал-‘Ироқдаги араблар ‘Усмонга қарши фитна уюштириб, уни ўлдиришга муваффақ бўлдилар. Кейин ‘Ус-

монинг ўрнига Муҳаммад пайғамбарнинг иккинчи куёви ‘Али ибн Абу Толиб халифа деб эълон қилинди. Лекин аш-Шом волийси Му‘овийа ибн Абу Суфйон унга бўйсунидан бош тортиб, ўзини ‘Усмон ибн ‘Аффоннинг тўкилган қони учун қасоскор деб эълон қилди, чунки ‘Усмон ҳам у сингари *умаййа* қабиласига мансуб бўлган эди. 35 – 40/656 – 661 йилларда ‘Али ва Му‘овийа тарафдорлари ўртасида бир нечта қонли жанглар бўлиб ўтди. Бу жангларда жуда кўп саҳобалар шаҳид бўлдилар. ‘Али ибн Абу Толиб мўъмин мусулмонларнинг қони беҳуда тўкилишини тўхтатиш мақсадида халифаликдан воз кечди. Му‘овийа эса халифа сифатида тан олиниб, Умавийлар сулоласига асос солди. Са‘ид ибн ‘Усмон халифа ‘Усмон ибн ‘Аффоннинг ўғли эди. Бир томондан у Муҳаммад пайғамбарнинг авлоди (набираси), бошқа томондан эса унинг келиб чиқиши ҳокимиятга янги келган *умаййа* қабиласи билан боғлиқ бўлган. Демак, у ҳар томонлама халифа бўлишга лойиқ бўлган ва унинг халифалик тахтига даъво қилиш эҳтимоли кучли бўлган.

### ХIII

#### ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод

1. ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод – ал-‘Ироқ волийси Зийод ибн Абу Суфйоннинг ўғли. 55/674-75 йилда у Бухоро ҳокими этиб тайинланди. 58/677-78 йилда халифа Му‘овийа уни Хуросон волийси этиб тайинлади. ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод Хуросонда 61/680-81 йилгача бўлиб, бирорта ҳам ҳарбий юриш амалга оширмади. ‘Абд ар-Раҳмон Хуросонда катта бойликлар тўплади. Айтишларича, у: “Мен тўплаган бойликлардан ҳар куни 1000 *дирҳам* ишлатсам ҳам, менга 100 йилга етади”, – деган эди. Лекин бу бойликларнинг ҳаммаси тез орада тугади ва у Хуросондан юпун ҳолда битта эшак миниб келди, у ҳам ўзиники эмас эди [al-Jakubi: 297, 298; al-Ja‘kubi II: 281; ал-Йа‘кубий II: 248; ал-Балозурий: 492; at-Tabari II: 13, 188 – 190, 196, 392; Ибн А‘сам IV: 314; Гардизи: 19, 28; Ибн Халдун III: 22]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 20, 21.

2. ат-Табарийга кўра, Му‘овийа ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийодни 59/678-79 йилда Хуросон волийси этиб тайинлади [at-Tabari II: 188]. Ибн Хаййотга кўра, Му‘овийа Са‘ид ибн ‘Усмонни 57/676-77 йилда лавозимидан озод қилди ва ўрнига яна ‘Убайдуллоҳ ибн Зийодни Хуросон волийси этиб тайинлади [Халифа ибн Хаййот: 55]. ал-Йа‘кубийга кўра, ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод Хуросон волийси этиб ‘Убайдуллоҳ ибн Зийоддан кейин ва Са‘ид ибн ‘Усмондан олдин тайинланган [ал-Йа‘кубий II: 248].

3. *шариф* (شريف) – араб., “аслзода”, “оқсуяк”, мусулмонлар Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларини шу ном билан атаганлар. Бу унвон *сайид* (سيد) сўзининг синонимидир. Баъзан бу икки ном ҳам бир-биридан фарқланган: *шариф* номи Муҳаммад пайғамбарнинг набираси халифа ‘Али ибн



Абу Толибнинг ўғли ал-Хасаннинг авлодларига, *саййид* номи эса унинг укаси ал-Хусайннинг авлодларига нисбатан қўлланилган. Дастлаб *шариф* атамаси араб аслзодалари ва қабила бошлиқларига нисбатан ишлатилган. Ши‘а таълимотининг таъсири остида аста-секин бу сўз фақат *аҳл ал-байт* (اهل البيت), яъни Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларига нисбатан қўлланила бошлаган. Барча мусулмонлар *шариф*ларни хурмат қилиши керак бўлиб, бу ҳол шариат томонидан белгиланган. Кимда-ким *шариф*ни ранжитса ёки хафа қилса, унинг бу иши катта гуноҳ ҳисобланган. Агар *шариф* кимнидир ранжитса, у одам бундан хафа бўлмаслиги ва буни сабр-тоқат билан қабул қилиши керак бўлган. Хуллас *шариф* номига эга бўлган одамлар ислом жамиятида юксак мавқега эга бўлиб, бошқа мусулмонлар олдида уларнинг ҳақ-хуқуқлари ва имтиёзлари кўпроқ бўлган [Резван 1991: 294]. Бу ҳақида яна қаранг: de Blois 1997: 329 – 338; Dehkhoda IX: 14254 – 14255.

4. Умавийлар сулоласининг асосчиси халифа Му‘овийа I ибн Абу Суфйон 60/679-80 йилда Дамашқда вафот этган.

5. ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод Хуросондан халифа Йазид ибн Му‘овийанинг олдига 20 млн. дирҳам билан келди. Йазид унга: “Хоҳласанг, биз бу пулни сендан олиб, ўзингни Хуросонга қайтарамиз, ёки бу пулни сенга ҳадя қилиб, ўрнингга бошқа одамни волий этиб тайинлаймиз, сен эса ‘Абдуллоҳ ибн Жа‘фарга 500 минг дирҳам берасан”, – деди. ‘Абд ар-Раҳмон иккинчисини танлади ва ‘Абдуллоҳ ибн Жа‘фарга 1 млн. дирҳам юбориб, “500 минг дирҳам *амир ал-му‘минин* дан, 500 минг эса мендан”, – деди [ал-Балозурий: 492; at-Tabari II: 188 – 190, 196, 392]. Бошқа маълумотга кўра, ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод Хуросонда ғазнага 80 млн. дирҳам тўплади. У ал-‘Ироқга қайтганда ал-Ҳажжож ибн Йусуф бу пулларнинг ҳаммасини ундан тортиб олди ва уни қашшоқга айлантирди [Гардизи: 28]. Лекин 55 – 60/674 – 680 йилларда ал-Басра волийси ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод эди, ал-Ҳажжож ибн Йусуф эса 77 – 95/694 – 714 йилларда ал-Басра ва ал-Машриқ волийси бўлган. ал-Йа‘қубийга кўра, ‘Абд ар-Раҳмон ибн Зийод Хуросонда катта бойликлар тўплади. Айтишларича, у: “Мен тўплаган бойликлардан ҳар куни 1000 дирҳам ишлатсам ҳам, менга 100 йилга етади”, - деган эди. Лекин бу бойликларнинг ҳаммаси тез орада тугади ва у Хуросондан юпун ҳолда битта эшак миниб келди, у ҳам ўзиники эмас эди [ал-Йа‘қубий II: 248]. ал-Йа‘қубийга кўра, Са‘ид ибн ‘Усмон ва Аслам ибн Зур‘адан кейин Хуросон волийси этиб Хулайд ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафий тайинланган ва Му‘овийанинг Хуросондаги энг охирги волийси бўлган [ал-Йа‘қубий II: 248].

## XIV Салм ибн Зийод

1. Абу Ҳарб Салм ибн Зийод ибн Абу Суфйон (73/692-93 йилда вафот этган) – ал-‘Ироқ волийси Зийод ибн Абу Суфйоннинг ўғли, ал-Басра шаҳрида яшаган. Йазид ибн Му‘овийа (60 – 64/679 – 684 йилларда хукм сурган) нинг халифалиги даврида 61 – 64/680 – 684 йилларда Хуросон ва Сижистон волийси бўлган. Салм ибн Зийодга қадар Ўрта Осиёнинг маҳаллий хукмдорлари Х<sup>в</sup>оразм томондаги бир шаҳарда бир неча марта йиғилиб, бир-бирларига хужум қилмаслик ва арабларга қарши биргаликда уруш олиб бориш ҳақида ўзаро битимлар тузган эдилар. Салм ибн Зийод биринчи бўлиб бу шаҳарга юриш қилди ва уни қамал қилиб, аҳолисидан 50 млн. *дирҳам* ўлпон олди. ал-Йақубийга кўра, бу шаҳарнинг номи Кандокин (کنداکين) эди [al-Jakubi: 299]. Салм ибн Зийод араб лашкарбошиларида биринчи бўлиб 61/680-81 йилда Амударёдан хотини билан кечиб ўтди ва Самарқандга юриш қилди. Салм Хужандага ҳам юриш қилди, лекин уни фатҳ эта олмади. Салм бошчилигида араблар илк бор қишни Мовароуннаҳрда ўтказдилар. Унгача улар қиш келганда доим Марвга қайтар эдилар. Арабларнинг қишда Мовароуннаҳрда қолиши маҳаллий хукмдорлар учун қутилмаган ҳол эди.

64/683-84 йилда халифа Йазиднинг вафотидан кейин халифаликда ички низолар авж олди. Хуросонда ҳам араблар ўртасида ғалаёнлар бошланди. Шунда Салм Хуросонни ал-Мухаллаб ибн Абу Суфрага топшириб ўзи Сарахсга, ундан Собурга кетди. Кейин ал-Мухаллабнинг ўрнига Хуросонга волий қилиб ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни юборди. Салмнинг ўзи эса халифаликга даъво қилаётган ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрнинг олдига Маккага кетди. ‘Абдуллоҳ Салмни ғазна пулларини ўзлаштиришда айблади ва ундан 4 млн. *дирҳам* беришни талаб қилиб, уни хибсга олди. Салм қамокдан қочиб, халифа ‘Абд ал-Маликнинг олдига келди, кейин эса ал-Басрага қайтди ва у ерда 73/692-93 йилда вафот этди [Халифа ибн Хаййот: 59; al-Jakubi: 298, 299; al-Ja‘kubi II: 300, 301, 323; ал-Йа‘қубий II: 264; ал-Балозурий: 492, 503; at-Tabari I: 2706; II: 391 – 395, 488 – 490; Ибн А‘сам V: 136 – 138, 168, 169; VIII: 220; Наршахий: 42 – 44; Гардизи: 28 – 29; Та’рих-и Систан: 121; Jacut II: 404; IV: 838]. 67/686-87 ёки 68/687-88 йилда Балхда Салм ибн Зийод номидан паҳлавий ва араб ёзувлар туширилган кумуш тангалар зарб этилган [Walker 1941: 14]. Бу тангалардан бирида унинг исми ёнида паҳлавий ҳарфлар билан AFZUT/GDH деб ёзилган [Довутов 1982: 186]. Исломдан олдин Балхда зарб этилган тангалардаги паҳлавий ёзувларда ҳам *GDH* ‘*pzw*’ деб ёзилган бўлиб, бу сўзлар “Ғалаба, ҳудудлар кенгайди” деган маънони англатади [Никитин 1986: 82 – 88; Göbl 1967 I: 25, 26, 140 – 143, 164, 167 – 173]. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 1995: 1997; аз-Зириклий III: 167 – 168; Бартольд 1963: 241; Gibb 1923: 21 – 22; Джалилов 1961: 115.

2. ат-Табарийга кўра, Йазид ибн Му‘овийа Салм ибн Зийодни 61/680-81 йилда Хуросон ва Сижистон волийси этиб тайинлади [at-Tabari II: 391]. ал-Йа‘кубийга кўра, Йазид ибн Му‘овийа Салм ибн Зийодни Хуросон волийси этиб 63/682-83 йилда тайинлади. У билан бирга бир қанча *шариф*лар келдилар. Улардан бири Талха ат-Талхот, яъни Талха ибн ‘Абдуллоҳ ибн Халаф ал-Хузо‘ий, бошқалари ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра, ‘Умар ибн ‘Убайдуллоҳ ибн Му‘аммар ат-Тимий ва ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий эдилар. У Хуросонга келиб, Найсобур шаҳрида тўхтади, кейин Х<sup>В</sup>оразмга юриш қилди ва уни фатҳ этди [ал-Йа‘кубий II: 264].

3. ат-Табарийга кўра, араблар ҳар йили юриш қилиб, қишда Марвга қайтиб келар эдилар. Араблар кетганда, Хуросон подшоҳлари Х<sup>В</sup>оразм томондаги бир шаҳарда тўпланиб, бир-бирлари билан битимлар тузар ва ўзаро муносабатларни муҳокама қилар эдилар. Салм ибн Зийод Хуросонга келганда, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфрага 4 ёки 6 минг аскар бериб, ўша шаҳарга юришга юборди. ал-Муҳаллаб у шаҳарга бориб, унинг аҳлини қамал қилди. Улар сулҳ тузишни сўрадилар ва унга 20 млн. дан ортиқ дирҳам бериш мажбуриятини олдилар. Сулҳ шартларига кўра, араблар пул ўрнига мол-мулк олиши ҳам мумкин эди. Араблар қўй ва молларни, отларни ва бошқа нарсаларни ярим нархга олар эдилар. Шунда улар олган нарсаларнинг умумий қиймати 50 млн. дирҳамни ташкил этди. Салм бу нарсалардан ўзига ёққанини қолдириб, қолганини Марв *марзбони* ва махсус элчилар билан Йазид ибн Муовийага юборди [at-Tabari II: 394]. Бу ҳақида яна қаранг: ал-Йа‘кубий II: 264; Халифа ибн Хаййот: 59.

4. Салм ибн Зийод Балх дарёсидан кечиб ўтиб, Бухорога келди. Бухоро маликаси Хотун Самарқанд ҳукмдори Тархунга мактуб ёзиб, “Мен сенга турмушга чиқишга розиман. Энди Бухоро сенинг шахринг. Уни араблардан ҳимоя қил”, – деди. Тархун 120 минг аскарлик қўшин билан Бухорога келди. Туркистондан турк подшоҳи Бидун ҳам катта қўшин билан келди. Бўлиб ўтган жангда Тархун ҳалок бўлди, унинг қўшини эса мағлубиятга учради. Араблар уларнинг кўп қисмини қириб ташладилар. Араблардан ҳар бир отликнинг ёйдан отган ўқлар сони 2400, пиёдаларнинг ўқлари эса 2200 тани ташкил этди [ал-Йа‘кубий II: 264; Наршахий: 42 – 44].

5. Умм Муҳаммад – ‘Абдуллоҳ ибн ‘Усмон ибн Абу-л-‘Осий ас-Сақафийнинг қизи, ва юқорида қайд этилган ‘Усмон ибн Абу-л-‘Осий ас-Сақафий (у ҳақида IX, 6-изоҳга қаранг) нинг набираси бўлган. Унинг отаси ‘Абдуллоҳ ибн ‘Усмон Хуросон волийси Салм ибн Зийоднинг қайин отаси бўлган [at-Tabari II: 394]. Умм Муҳаммад Амударёдан кечиб ўтган биринчи араб аёли бўлган. 61/680-81 йилда Салм ибн Зийод Самарқандга юриш қилганда, унинг хотини Умм Муҳаммад ўғил туғди ва уни ас-Суғдий, яъни Суғдлик деб атадилар [at-Tabari II: 393 – 395].

6. Ибн Хаййотга кўра, Салм ибн Зийод 62/681-82 йилда Х<sup>v</sup>оразмга юриш қилгандан сўнг дарёдан кечиб ўтди ва Самарқандга келди. Самарқанд аҳли у билан сулҳ туздилар [Халифа ибн Хаййот: 59].

7. ат-Табарийга кўра, Умм Муҳаммад ас-Суғд ҳукмдорининг хотинига одам юбориб, ундан қарзга қимматбаҳо тақинчоқ бериб туришни сўради. Суғд маликаси унга ўзининг тожини юборди. Умм Муҳаммад уни олди, лекин қайтариб бермади ва Салм ибн Зийод бу юришдан қайтганда, ўзи билан Марвга олиб кетди [at-Tabari II: 395].

8. Хужанд (خجند) ёки Хужанда (خجندة) – Сайхун дарёси бўйида жойлашган катта шаҳар [Ibn al-Fakih: 322, 325, 328; al-Istakhri: 295, 333, 335, 344; ал-Карши: 147; al-Idrisi VIII: 505 – 506; Jacut II: 404]. Араблар уни 103/721-22 йилда халифа Йазид ибн ‘Абд ал-Малик даврида фатҳ этганлар [ас-Сам‘оний V: 52]. Муғ тоғидан топилган ҳужжатда (А-9) унинг номи *kwc'nth* шаклида қайд этилган. Бу ном суғдча *хи-с* – “ёқимли”, “яхши” ва қадимги эроний *anta* – “чекка”, “чегара” сўзларидан ясалган [Смирнова 1970: 16; Лурье 2004: 57, 151, 232]. Бу шаҳар Усрушанадаги Сobot шаҳридан 10 *фарсах* масофада Фарғона йўлида жойлашган [Ibn Khordadbeh: 29]. Унинг номи Хажанда (خجندة) шаклида ҳам қайд этилган [Калинина 1988: 39, 130]. Хитой манбаларида унинг номи Гюй-чжан-ти шаклида қайд этилган [Бичурин II: 312 – 319]. X асрда Хужанда жуда чиройли шаҳар бўлиб, унинг ўртасидан дарё оқиб ўтган, унинг ёнида бир тоғ бўлган. Бу шаҳар чегара ерлардаги бош макон бўлган. Мутафаккирлар ва шоирлар бу шаҳарни кўп мадҳ этганлар [al-Moqaddasi: 272, 341, 342]. Шаҳар атрофларида экинли ерлар кўп эди, у ерда анор кўп етиштирилган. Унинг аҳолиси жасоратли ва урушга мойил эдилар [Hudud al-‘Alam: 115]. XVII асрда ҳам Хўжанднинг асосий маҳсулоти ўрик, шафтоли, ёнғоқ, анор, олхўри ва сабзидан иборат бўлган [Махмуд ибн Вали: 40]. Бу шаҳар ҳозирги Хўжанд шаҳри ўрнида бўлган [Бартольд 1963: 221]. Тахмин қилинишича, Македониялик Искандар (Александр) скифларга қарши қурдирган Александрия Эсхата номли мудрофаа қалъаси Хужанд ўрнида бўлган [Пьянков 1986: 78 – 79; Беляева 1986: 91 – 95; Негматов 1980: 269; Негматов 1986: 6]. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 1986: 45 – 46; Dehkhoda VI: 9545, 9546.

9. \*...<sup>9</sup> Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган.

10. А‘шо Ҳамдон – ‘Абд ар-Раҳмон ибн ‘Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис ибн Низом ибн Жушам ал-Ҳамдоний (82/701-02 йилда вафот этган), ал-Йаман аҳлининг шоири ва ал-Куфадаги аскар. У ўзининг шеърларида Умавийлар сулоласига мансуб халифаларни мадҳ этган. У фикҳ ва кироат илмларини ҳам эгаллади. Ал-‘Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф даврида у фатҳ урушларида иштирок этди. Хусусан, у ад-Дайлам вилоятини фатҳ этишда қатнашган ва бу ерларни тасвирлаб бир қанча шеърлар ёзган. Салм ибн Зийод Хужандага юборган кўшинда А‘шо ҳам бор эди. Араблар у ерда мағлубиятга учраганда, А‘шо бу ҳақида ҳам шеър ёзган. ‘Абд ар-Раҳмон

ибн ал-Аш‘ас халифага қарши чиққанда, А‘шо унга қўшилиб, Сижистонни фатҳ этди. ‘Абд ар-Раҳмон мағлуб бўлгандан кейин А‘шо асирга олинди ва ал-Ҳажжожнинг буйруғига биноан 82/701-02 йилда қатл этилди [at-Tabari II: 571, 669, 684, 704, 706, 723, 729, 1055, 1057, 1113, 1137; Jacut I: 140; II: 404; IV: 613]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий IV: 84; Gibb 1923: 21; Dehkhoda II: 2948.

11. Б.н.дун ас-Суғдий (بندون السغدي) – Наршахийга кўра Бидун (بيدون) ёки Б.н.дун (بندون) *бухор-худот* унвонли Бухоро ҳукмдори бўлган [Наршахий: 16, 17, 19, 24, 28, 29, 35, 37, 40, 47, 60]. Бу исм билан исломдан олдинги Кеш ҳукмдорларининг унвони *найдун* (نيدون) ёки *нидун* (نيدون) ва унинг шакли С.дун (سدون), шунингдек исломдан олдинги Чоч ҳукмдорларининг унвони *тудун* (تون), тангаларда: *tdwn* [Ибн Хордадбех: 69; Бируни 1957: 111] ларни солиштириш мумкин. Мўғуллар даврида туркча *бидун* (بيدون) сўзи вазир масъулияти ва назорати остидаги махсус олтин захирасини билдирган [Dehkhoda IV: 5177]. Б.н.дун ас-Суғдийни 61/680-81 йилда араб лашкарбошиси Салм ибн Зийод ўлдирган. Ўша йили у Амударёдан 2 марта кечиб ўтиб, турклар ва суғдларнинг бирлашган қўшинлари билан жанг қилган эди [al-Beladsori: 413; el-Maqdisi VI: 15; Гоибов 1989: 94]. Тахмин қилинишича, VII асрнинг иккинчи ярмида Бухорода ҳукм сурган *бухор-худот* Бидун (Б.н.дун) Бухоронинг туркий подшоҳи Эл Арслон (Шер-и Кешвар) нинг авлоди бўлган. Наршахий матнининг бир ерида Бидун (Б.н.дун) *малик-и турк* (ملك ترك) – “Турк подшоҳи” деб аталган [Наршахий: 43]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 151; Смирнова 1981: 426 – 427; Gibb 1923: 18, 21, 22; Гоибов 1989: 94.

12. Бу жангларда ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра мислсиз жасорат кўрсатди [Гардизи: 29].

13. Умавийлар сулоласига мансуб 2-халифа Йазид ибн Му‘овийа 64/683-84 йилда вафот этган.

14. Сумаййа (سمية) – Салм ибн Зийоднинг бувиси, яъни отаси Зийод ибн Абу Суфйон (53/673 йилда вафот этган) нинг онаси. Зийод ибн Абу Суфйонни одамлар Зийод ибн Абиҳи, яъни отасининг ўғли деб атаганлар, чунки унинг отасининг аниқ исми номаълум бўлган. У ал-Ҳижоздаги ат-То‘иф шаҳрида туғилиб ўсган. Онасининг исми эса Сумаййа бўлган, шунинг учун уни Зийод ибн Сумаййа деб ҳам атаганлар. Шунга кўра Салмни ҳам Ибн Сумаййа, яъни Сумаййанинг авлоди деб атаганлар. Илк ўрта асрларда араблар бирор одамни камситмоқчи бўлсалар, унинг отасининг исми билан эмас, онасининг исми билан атаганлар. Сумаййа чўри бўлиб, ‘Убайд исмли қул билан жинсий алоқада бўлган. Араб адабиётида у ахлоқи бузуқ фоҳиша аёл сифатида таърифланади [Ibn Saad VIII: 193, 256; al-Ja‘kubi II: 262; at-Tabari II: 133, 193; III: 2314, 2315, 2388; Та‘рих-и Систан: 117; Ibn al-Atir: 123; Jacut II: 952]. Бу ҳақида яна III, 10 изоҳга қаранг.

15. ат-Табарийга кўра, Салм ибн Зийод Хуросонда ўзининг ўрнига аввал ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфрани қолдирди, кейин эса ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни волий этиб тайинлади. Шундан кейин Хуросонда араблар ўртасида низо бошланди [at-Tabari II: 489 – 496]. Гардизийга кўра, Салм ибн Зийод Хуросонда ўзининг ўрнига ‘Арфаж ибн ‘Омир ас-Са‘дийни қолдирди [Гардизи: 29].

16. Абу Бакр ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ибн ал-‘Аввом ал-Қураший ал-Асадий (73/692-93 йилда вафот этган) – Муҳаммад пайғамбарнинг хотини ‘О’ишанинг жияни, У Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобалар билан Маккадан ал-Мадинага *ҳижрат* қилгандан кейин, яъни 1/622-23 йилнинг бошида ал-Мадина шаҳрида туғилган биринчи бола бўлган. У *қурайиш* қабиласининг нуфузли одамларидан бири бўлган ва халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида Шимолий Африкани фатҳ этишда иштирок этган. 62 – 72/681 – 692 йилларда Араб халифалигида бўлган ички низода халифалик тахтига даъвогар бўлган ва 64/683-84 йилда халифа Йазид I ибн Му‘овийа ва унинг ўғли Му‘овийа II нинг вафотидан кейин у ўзини халифа деб эълон қилди ва одамлар унга содиқликга қасамёд қилдилар. Тез орада Ибн аз-Зубайр Миср, ал-Ҳижоз, ал-Йаман, ал-Ироқ, Хуросон ва аш-Шомнинг кўп қисми устидан ўзининг ҳукмини ўрнатди. Умавийлар фақат аш-Шомнинг бир қисмида ҳукмронлик қилдилар. Араб халифалигининг пойтахти эса ал-Мадинага кўчди. Умавийлар ҳокимиятни ўз қўлларига қайтариш учун кўп ҳаракатлар қилдилар ва ниҳоят 73/692-93 йилда унга қарши ал-Ҳажжож ибн Йусуф бошчилигидаги кўшинни юбордилар. Ибн аз-Зубайр ал-Мадина тарк этиб, Маккага кетди, ал-Ҳажжож эса ат-Тойиф шаҳрида тўхтади. Макка яқинида улар ўртасида бир қанча жанглар бўлиб ўтди. Кейин Ибн аз-Зубайрнинг тарафдорлари ундан юз ўгирдилар ва у бир ўзи Маккада жанг майдонига чиқиб, жангда ҳалок бўлди. Унинг халифалик даври 9 йил давом этди. Унинг даврида ал-Мадинада илк бор айлана шаклидаги *дирҳамлар* зарб этила бошланган. Бу дирҳамларнинг бир томонига “Муҳаммад Расул Аллоҳ” (محمد رسول الله), орқа томонига эса “Аллоҳ вафоли ва адолатли бўлишни амр этди” (امر الله بالوفاء و العدل), деб ёзилган эди. Ибн аз-Зубайр ишончли (صحیح) ҳадислар ривоят қилган ва иккита энг ишончли “ал-Жоме‘ ас-Саҳих” ҳадислар тўпламига у ривоят қилган 33 та ҳадис кiritилган [ал-Балозурий: 58, 244, 272, 421, 422, 503; al-Ja‘kubi II: 191, 211, 261, 271, 287, 293 – 320, 325, 336; at-Tabari I: 287, 1149, 1252, 1263, 1411, 2348, 2480, 2645, 2836, 2838; II: 717 – 753, 783, 796 – 797, 818, 832 – 835, 1144, 1144; Macoudi III: 134; IV: 280, 281, 307, 318, 326 – 328, 331; V: 130, 150, 165 – 268; История халифов: 97a – 1406; al-Osyooti: 211 – 215; el-Maqdisi VI: 13 – 14, 18, 20 – 26; Ибн А‘сам II: 359, 361, 362, 407, 454, 458, 459, 466, 467, 470, 482 – 485; Та’рих-и Систан: 124 – 127, 129; Ибн Халликон II: 71 – 76 (№ 340)]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1960: 54 – 55; аз-Зириклий IV: 218; Dehkhoda I: 362.

17. *арба* ‘*алф алф* (اربع الف الف) – араб., “тўрт минг минг”, яъни 4 млн.

18. аш-Шом (الشام) – илк ўрта асрларда ал-Жазира (الجزيرة) ва ал-Ғаур (الغور), яъни ал-‘Ироқдаги Диёрбакр ва Византия ўртасида Ўрта денгизнинг шарқий соҳилида жойлашган тарихий вилоят [Bosworth, Perthes, Lentin 1997: 261 – 281; Dehkhoda IX: 14036 – 14037]. Ривоятга кўра, унинг номи Сом ибн Нухнинг исми билан боғлиқ бўлиб, унинг исми сурёний тилда Шом (شام) деб аталган. ‘Иброний тилда эса бу вилоятнинг номи Ашм (اشم) ёки Шим (شيم) деб аталган, чунки илк ислом даврида у халифаликнинг энг шимол томонида жойлашган. Бошқа маълумотга кўра, бу ном сурёний тилдан келиб чиққан. Қадимда *бану исро’ил* қабиласи 12 уруғдан иборат бўлиб, уларнинг 9,5 таси Фаластиндаги Шомин ёки Шомайн (شامين) номли шаҳарда яшаганлар. Араблар у ерга тижорат қилиш учун борар эдилар ва унинг номини қисқартириб, аш-Шом (الشام) деб атаганлар [ас-Сам’оний VII: 265 – 266]. 21 – 40/641 – 661 йилларда аш-Шом вилоятида Му’овийа ибн Абу Суфйон волий бўлган ва бу ердан туриб, ар-Рум (الروم), яъни Византияга қарши фатҳ урушлари олиб борган. 41/661-62 йилда Му’овийа ‘Али ибн Абу Толибдан кейин халифаликни ўз қўлига олди ва Умавийлар сулоласига асос солди. Умавийлар сулоласининг ҳукмронлиги даврида 41 – 132 /661 – 750 йилларда 90 йил давомида *дор ал-ислом* (دار الاسلام), яъни Араб халифалигининг пойтахти Димашқ шаҳри бўлган. Илк ўрта асрларда аш-Шом вилояти Химс (حمص), Димашқ (دمشق), Ҳалаб (حلب), Трабулус (طرابلس), Байрут (بيروت), Сайда (الصيدا), Сур (صور), Қайсарийа (القيصرية), ‘Асқалон (عسقلان), ар-Раққа (الرقّة), ар-Русофа (رصافة), Киннасрин (قنسرين), Антакийя (انطاكية), Адана (أدنة), Тарсус (طرسوس) каби шаҳарларни ўз ичига олган [Ибн Хордадбех: 94 – 95; Ibn al-Fakih: 91 – 93; Jacut III: 239 – 244]. Илк ўрта асрлардаги аш-Шом вилояти ҳозирги Сурия, Ливан, Иордания ва Фаластин ҳудудларини ўз ичига олган. У ҳақида яна қаранг: Беляев 1966: 163 – 204; Босворт 1971: 29 – 31; Большаков 1984: 46 – 61, 78 – 84, 109 – 122; 1993: 65 – 69, 161 – 166; 2010: 10 – 15.

19. ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод 55/674-75 йилда ал-Басра волийси, 61/680-81 йилда эса ал-Басра ва ал-Куфа волийси этиб тайинланган эди. У ҳақида Х, 2-изоҳга қаранг.

20. Макка (مكة) – Саудия Арабистонидаги шаҳар. Ҳижоз вилоятининг маъмурий маркази [Montgomery Watt 1991: 144 – 187; Dehkhoda XIV: 21411]. Ривоятга кўра, Маккада маълум вақт Одам ато ва Момо ҳаво, шунингдек, Шис, Иброҳим, Исмо‘ил пайғамбарлар ҳамда Биби Ҳажар яшаганлар. Қадимда Маккада асосан *жухрум* ва *хузо‘а* қабилалари яшаганлар. Мил. IV аср охирларидан бошлаб шаҳар *қурайш* қабиласининг қўлига ўтган. Исломга қадар Макка бутпараст араб қабилаларининг диний ва савдо маркази бўлган. Маккада қадимдан ал-Ка‘ба номли ибодатхона жойлашган бўлиб, унда араб қабилаларининг муқаддас санамлари сақланган. Шунинг учун араблар уни қадимдан зиёрат қилиб, санамларга ибодат қилганлар.

Муҳаммад пайғамбар 630 йилда Маккани фатх этгандан кейин мусулмонлар ал-Ка‘бадан санамларни чиқариб ташладилар, унинг атрофига катта масжид курдилар. Бу масжид ал-Масжид ал-Ҳаром (المسجد الحرام) – “Муқаддас масжид” деб аталган ва мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган. Ҳар йили *‘ид ал-фитр* (عيد الفطر) ва *‘ид ал-адҳо* (عيد الاضحى), яъни рамазон ҳайит ва қурбон ҳайит байрамларида ислом дунёсининг турли мамлакатларидан мусулмонлар Маккага ҳаж сафарига кела бошлаганлар. Мусулмонлар бу шаҳарни Маккатуллоҳ (مكة الله) – “Аллоҳнинг Маккаси” ва Макка ал-Мукаррама (مكة المكرمة) – “Кароматли Макка” деб атаганлар. VI – VII асрларда Макка шаҳрининг аҳолиси 6 – 7 минг кишини ташкил этган. Ҳажга келган мусулмонлар Макка шаҳрининг аҳолисига катта даромадлар келтирганлар. Ундан ташқари бутун халифаликдан оқиб келган солиқлар Маккада катта ҳажмдаги қурилишлар ва ободонлаштириш ишларини олиб боришга имкон берди. Умавийлар даврида Макка катта шаҳарга айланиб, унда кўп қаватли бинолар ва ҳашаматли саройлар қурилди, кўп сувсиз жойларга сув ўтказилди, боғлар барпо этилди. ‘Аббосийлар даврида Макка аҳолисининг сони 50 мингга етган [al-Jakubi: 314 – 317; Ibn al-Fakih: 16 – 22; Ibn Rosteh: 174 – 180; al-Istakhri: 15 – 18, 19, 27, 28; Ibn Hawqal: 28 – 31; al-Moqaddasi: 7, 30, 33 – 35, 53, 59, 69, 71, 95 – 103, 182, 183, 294; Jacut IV: 616 – 622]. XIX асрга қадар Маккада *шариф*лар, яъни саййидлар сулоласи ҳукмронлик қилган. 1802 йилда шаҳарда ҳокимият ваҳҳобийлар қўлига ўтди. 1926 йилдан бошлаб Маккада Ибн Са‘уд ва унинг авлодлари ҳукм суриб келмоқдалар. Ҳозир ҳам ҳар йили Маккага ҳаж сафарини адо этиш учун 1,5 млн. га яқин мусулмонлар келадилар. Маккада жойлашган муқаддас қадамжойларга ғайридинларнинг кириши ҳар доим қатъиян ман этилган. Ҳозирги кунда Макка шаҳрининг аҳолиси 400 минг кишини ташкил этади [Большаков 1991: 152 – 153]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1989: 44 – 59; Беляев 1966: 25 – 84, 85 – 127; Ирвинг 1990: 20 – 24; Мюллер 1895 I: 32 – 35.

21. Абу Муҳаммад ал-Ҳажжож ибн Йусуф ибн ал-Ҳакам ас-Сақафий (40 – 95/660 – 714) – ал-‘Ироқ ва ал-Машрик, яъни халифаликнинг бутун шарқий қисми волийси, 77– 95/696 – 714 йилларда ҳукм сурган. У ал-Ҳижоздаги ат-То‘иф (ат-Тойиф) шаҳрида туғилиб ўсган. Кейин аш-Шомга кўчган ва халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвон (65 – 86/685 – 705 йилларда ҳукм сурган) га яқин бўлган бир одамнинг хизматига кириб, дастлаб халифанинг кўп сонли соқчиларидан бири бўлган. Аста-секин у хизмат доирасида кўтарилиб, халифа қўшинининг бош қўмондони этиб тайинланди. У ‘Абд ал-Маликнинг буйруғига биноан катта қўшин билан ал-Ҳижозга бориб, тахтга даъво қилаётган ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрни ўлдирди. ‘Абд ал-Малик уни Макка, ал-Мадина ва ат-Тойиф шаҳарларига волий этиб тайинлади. Кейин халифа унга ал-‘Ироқни ҳам қўшиб берди. 77/696-97 йилда ал-Ҳажжож Бағдодга кўчиб борди ва у ердаги Умавийларга қарши исён



кўтармоқчи бўлган унсурларни шафқатсиз бостирди. У ал-‘Ироқда қолиб, бу ерда 20 йилга яқин вақт давомида ҳукмронлик қилган. Унинг ҳукмронлиги даврида ғазнада мисли кўрилмаган даражада беҳисоб бойликлар йиғилган. У вафот этганда ғазнада 219 млн. дирҳам бўлган. Тарихда у жуда ҳам золим, қонхўр ва очкўз ҳукмдор сифатида танилган. У 1 млн. кишини ўлдирган 4 одамдан бири ҳисобланган [ас-Саолибий: 72]. Унинг буйруғи билан 130 мингга яқин одам қатл этилган. У вафот этган вақтда 50 минг киши ва 30 минг аёл қамоқларда жазо муддатини ўтаётган эди. У ал-Басра ва ал-Куфа шаҳарлари ўртасида Восит (واسط) номли шаҳарни қурди. Восит билан Қазвин орасидаги йўл бўйлаб эса кетма-кет кузатув минораларини қурдирди. Қазвин чегара ер эди. Шунинг учун унда доим душманнинг ҳужум қилиш хавфи бор эди. Қазвинда хавф туғилганда кундузи тутун чиқарилар, кечаси эса олов ёқилар эди. Ундан кейин ҳар бир минорада ҳам кетма-кет тутун чиқарилар ёки олов ёқилар эди. Шундай қилиб хавф ҳақидаги хабар Воситга етиб келар ва Қазвинга қўшин юборилар эди. Унинг даврида араб алифбоси ислоҳ қилинган ва ҳарфларнинг устига уларни тўғри ўқиш учун ҳаракатлар, яъни диакритик белгилар қўйила бошланган. У 95/713-14 йилда Воситда вафот этган. У ҳақида кўп ривоятлар айтилган, “ал-Ҳажжож ибн Йусуф” ва “Сайф Бани Марвон ал-Ҳажжож” (Марвонийларнинг қиличи ал-Ҳажжож) номли китоблар ёзилган [al-Ya‘qubi: 18, 19; ал-Балозурий: 25, 249, 499; ад-Динаварий: 277 – 280, 328 – 329; al-Ja‘kubi II: 305, 318, 325 – 336, 339 – 348, 355, 365; at-Tabari I: 155, 2234, 2873, 3035, 3036; II: 16, 147, 290, 480, 525, 564, 742, 757, 872, 873, 1032 – 1039, 1047, 1077, 1083, 1085, 1131, 1138 – 1145; Macoudi I: 226; V: 193, 209, 210, 242, 254, 259, 265 – 268, 276, 288 – 394; el-Maqqdisi VI: 25 – 35; История халифов: 586, 65а, 1136, 1156 – 117а, 123а – 1376, 140аб, 146а, 149а – 1616, 1676, 1836; Арабский аноним: 2456; Гардизи: 19, 26, 28, 30 – 32; Ибн Халликон II: 29 – 54 (№ 149); Ибн Халдун III: 54, 59 – 61]. Француз шарқшуноси Жан Перриер (Jean Perrier) “ал-Ҳажжож ибн Йусуфнинг ҳаёти” номли илмий тадқиқотини нашр қилган. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 11 – 18, 20 – 27, 29 – 31, 35, 38 – 51, 53 – 55, 65, 68, 70 – 72; Беляев 1966: 184 – 187, 191, 192, 194, 233; Колесников 1982: 141, 175, 179, 182; Dietrich 1971: 39 – 43; аз-Зириклий II: 175; Dehkhoda VI: 8709 – 8713.

22. ал-Ҳажжож ибн Йусуф 73/692-93 йилда ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрни Маккада қамал қилди ва ўлдирди.

23. Абу-л-Валид ‘Абд ал-Малик ибн Марвон ибн ал-Ҳакам ал-Умавий ал-Кураший (26 – 86/646 – 705) – Умавийлар (Марвонийлар) сулоласига мансуб 5-араб халифаси, 65 – 86/685 – 705 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. У ал-Мадина шаҳрида туғилиб ўсган. 16 ёшга тўлганда халифа Му‘овийа ибн Абу Суфйон (41 – 60/661 – 680 йилларда ҳукм сурган) уни ал-Мадинага ҳоким этиб тайинлади. 65/684-85 йилда унинг отаси халифа Марвон ибн ал-Ҳакам (64 – 65/684 – 685 йилларда ҳукм сурган) вафот этгандан ке-

йин, ‘Абд ал-Малик халифа деб эълон қилинди. Ҳокимиятга келгач, у ислохотлар ўтказиб, давлат ишларини тартибга солди. Унинг ҳукмронлиги даврида форс ва юнон тилларида иш юритиб келган девонлар араб тилига ўтказилди. Араб алифбосидаги ҳарфлар қўшимча нукталар ва ҳаракатлар билан тўлдирилди. Исломда илк марта олтин динар тангалари зарб этила бошланди. Унгача халифаликда ‘Умар ибн ал-Хаттоб (13 – 23/634 – 644 йилларда ҳукм сурган) давридан бошлаб фақат кумуш дирҳамлар зарб этилар эди [Ibn Saad V: 165; al-Ya‘qubi: 18; al-Ja‘kubi II: 304, 306, 307, 311, 317 – 338, 358, 364, 366; ал-Йа‘қубий II: 281 – 296; ал-Балозурий: 338, 420, 499, 500, 505; at-Tabari I: 967, 1104, 1180, 1284, 1565, 1634, 1770, 1779, 2671, 3003; al-Masudi: 312 – 317; al-Osyooti: 215 – 223; el-Maqdisi VI: 26 – 27; История халифов: 97а – 140б; Арабский аноним: 243а – 244а, 245б, 250а, 251б]. У ҳақида қаранг: Большаков 2010: 10, 12, 15, 20, 32, 41, 56, 63 – 71, 75, 90, 135, 154, 164, 236, 249, 301 – 304, 317; Беляев 1966: 166, 180, 181, 187 – 191, 194, 195, 198, 199, 201, 242; Gibb 1960: 76 – 77; аз-Зириклий IV: 312; Dehkhoda X: 15729.

24. Салм ибн Зийод 73/692-93 йилда вафот этган.

## XV

### ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий

1. Гардизийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн Хозим Салм билан бирга ҳаж сафарига чиқди ва йўлда унинг хизматида бўлиб, унга кўп мулозаматлар қилди. Салмни ўзига мойил қилгандан кейин ‘Абдуллоҳ ундан ўзини Хуросонга волий этиб тайинлашини сўради [Гардизи: 29].

2. ‘*аҳд* (عهد) – араб., “аҳднома”, яъни ваколат берувчи ҳужжат; “шартнома”; “вазифа”, “мажбурият”. Бундай ҳужжат волийлик вазифасини бажариб турган амалдор зарурат тақозоси билан ўз вазифасини тарк этишга мажбур бўлса, ўз ваколатларини бошқа шахсга вақтинча бажариш учун берган ҳолларда ёзилган. Вилоятларга волийларни халифа тайинлаган ва тайинланган амалдорга бу ҳақида *маншур* (منشور) – араб., “буйруқ” ёки *фармон* (فرمان) – форс, “фармон” ёзиб берилган. Араб халифалигида волийларнинг ваколоти фақат шундай ҳужжат берилган бўлсагина қонуний ҳисобланган [Bosworth 1966: 87]. Бу ҳақида яна қаранг: Schacht 1960: 255; Dehkhoda XI: 17097 – 17098; XIV: 21644 – 21646.

3. ат-Табарийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн Хозим Салм ибн Зийоддан ёрдам сифатида 100 минг дирҳам беришни сўради ва Салм унга сўраган пулни беришни буюрди [at-Tabari II: 489].

4. Гардизийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн Хозим Марвга келиб, ‘Арфажа ибн ‘Омир ас-Са‘дийга қарши жанг қилиб, Хуросонни ўз кўлига олди [Гардизи 29]. Бу воқеа Хуросонда араблар ўртасида қабилалараро низо ва қуролли тўқнашувлар бошланишига сабаб бўлди. Бу қонли тўқнашувлар 64/683-84

йилдан 72/691-92 йилгача давом этди. Уларда бир тарафда *мудар* қабиласи, иккинчи тарафда *тамим*, *бакр ибн во'ил* қабиласи ва Яман араблари бир-бирларига қарши уруш олиб борган эдилар [at-Tabari II: 489 – 496 593 – 598, 695 – 700, 750 – 753, 796 – 797, 807, 817 – 818, 831 – 835].

5. *ал-маросид ибн раби'а* (المراثد بن ربيعة) – исломдан олдин ал-Йаманда Марсад ибн 'Убайд исмли ҳукмдор бўлган [Hamzae Israhanensis: 131 – 132]. Илк ислом тарихида ал-Марсад исмли яна бир нечта шахслар бўлган [at-Tabari I: 1359, 1431, 1758, 3133, 3281, 3296].

6. *са'д ибн молик ибн дубай'а ибн қайс ибн са'лаба ибн 'уккоба* – бу араб қабиласининг бобокалони Са'д ибн Молик ибн Дубай'а ибн Қайс ибн Са'лаба ал-Бакрий ал-Во'илий *ал-жоҳилийя* даврида *бакр* қабиласининг бошлиқларидан бири бўлган ва шоир сифатида ҳам шухрат қозонган [Jasut II: 946; III: 628, 663, 667, 670]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий III: 137.

7. Сулаймон ибн Марсад – арабларнинг *қайс ибн са'лаба* қабиласига мансуб лашкарбоши. 64/683-84 йилда Хуросон волийси Салм ибн Зийод Хуросондан кетаётиб, Сарахсада уни Марв ар-Руд, ал-Форйоб, ат-Толақон ва ал-Жузжон ҳокими этиб тайинлади. Салм кетгандан кейин Хуросонда ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра билан 'Абдуллоҳ ибн Хозим ўртасида тахт учун кураш ва ички низо бошланди. Ўша йили 'Абдуллоҳ ибн Хозим Марв ар-Рудга келиб, Сулаймон ибн Марсад билан бир неча кун жанг қилди ва уни ўлдирди. Кейин Ибн Хозим ат-Толақонга бориб, Сулаймоннинг укаси 'Амр ибн Марсад билан жанг қилди ва уни ҳам ўлдирди [ал-Йа'қубий II: 264; at-Tabari II: 489 – 491, 496].

8. Машра'а Сулаймон (مشرعة سليمان) – араб., “Сулаймон сувлоғи”, Марв ва Марв ар-Руд ўртасида йўлда жойлашган ер. Унда Марв ар-Руд ҳокими Сулаймон ибн Марсад тўхтаган, шунинг учун бу ер унинг исми билан аталган.

9. 'Абдуллоҳ ибн Хозим Марвга етиб келгандан кейин 'Абдуллоҳ ибн 'Омирга мактублар ёзиб, унга содиқликга қасамёд қилди ва одамларни ҳам шундай қилишга даъват этди [Гардизи: 29].

10. 'Урва ибн Қутба – бошқа манбаларда бу шахс ҳақида маълумот йўқ.

11. Қайс ибн 'Осим ас-Суламий – ислом тарихида Абу 'Али Қайс ибн 'Осим ибн Синон ибн Холид ибн Мунқар ибн 'Убайд ал-Мунқарий исмли шахс қайд этилган. У *тамим* қабиласининг бошлиқларидан бири бўлиб, Муҳаммад пайғамбарнинг сафдошларидан бири бўлган ва 'Умар ибн ал-Хаттоб даврига қадар ҳаёт бўлган [Ibn Saad VII (1): 23; al-Ja'kubi II: 81, 87, 136; Ибн А'сам I: 41, 42, 44, 81; Jasut I: 238, 942; II: 40; III: 38; IV: 295; Ибн Халлиқон I: 183, 184; II: 501; III: 12; VI: 89; Dehkhoda XII: 17839]. Лекин бу ерда қайд этилган шахс арабларнинг Хуросондаги юришларида иштирок этган. Юқорида Хуросон волийси бўлган Қайс ибн ал-Ҳайсам ибн Қайс ибн ас-Салт ас-Суламий қайд этилган [al-Beladsori: 404, 408, 409]. Эҳтимол Қайс ибн 'Осим ас-Суламий у билан боғлиқ бўлган шахсдир. Манбаларда

Қайс ибн ‘Осим исмли араб шоирининг байтлари келтирилган [Masoudi IV: 188].

12. ‘Умар ибн Марсад – ат-Толақон ҳокими, у Марв ар-Руд ҳокими Сулаймон ибн Марсаднинг укаси бўлган. Унинг исми ‘Амр (عمرو) шаклида ҳам келтирилган. 64/683-84 йилда ‘Абдуллоҳ ибн Хозим Марв ар-Рудга келиб, Сулаймон ибн Марсадни ўлдирди, кейин ат-Толақонга бориб, ‘Амр ибн Марсад билан жанг қилди ва уни ҳам ўлдирди [at-Tabari II: 489 – 490, 496].

13. ал-Йа‘кубийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн Хозим туркларга қарши жанглар олиб бориб, улар устидан ғалабага эришди ва ажойиб ишларни амалга оширди [ал-Йа‘кубий II: 264].

14. Муҳаммад ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий – унинг онаси *тамим* қабиласига мансуб Сафийя исмли аёл бўлган [at-Tabari II: 536]. ас-Саҳмийга кўра, у 1 йил давомида Журжон волийси ҳам бўлган [ас-Саҳмий: 14 – 15].е

15. Букайр ибн Вишоҳ (ёки Висож) ас-Са‘дий ас-Сақафий ат-Тамимий – арабларнинг *‘ауф ибн са‘д* қабиласига мансуб лашкарбоши. Бошқа манбаларда унинг отасининг исми Вишоҳ (وشاخ) эмас, Висож ёки Вассож (وساج) шаклида келтирилган [аз-Зириклий II: 48]. 64/683-84 йилда ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий Ҳаротни қўлга олганда, ўғли Муҳаммадни унга ҳоким этиб тайинлади, Букайр ибн Вишоҳ эса унинг кўриқчиларининг бошлиғи бўлди. 72/691-92 йилда Ибн Хозимнинг Марвдаги ноиби (*халифа*) эди. Ибн Хозим *қурайш* қабиласига мансуб халифа ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрнинг та-рафдори эди. Ўша йили Умавийлар сулоласига мансуб халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвон унга хат ёзиб, ‘Абдуллоҳ ибн Хозимга қарши чиқишга даъват этди. Бунинг эвазига уни Хуросон волийси этиб тайинлашга ваъда берди. Букайр Ибн Хозимга қарши чиқди ва уни ўлдириб, бошини ‘Абд ал-Маликга юборди. Шундан кейин халифа ‘Абд ал-Малик Букайр ибн Вишоҳни Хуросон волийси этиб тайинлади. 74/693-94 йилда Букайр ибн Вишоҳ вазифасидан четлатилди ва Хуросон волийси этиб тайинланган Умайя ибн ‘Абдуллоҳ қўл остида бўлди. Умайя уни Тўхористон ҳокими этиб тайинлади. 77/696-97 йилда Умайя Бухорога юриш қилган вақтда Букайр Марвда унга қарши фитна уюштириб, ҳокимиятни ўз қўлига олди. Умайя орқасига қайтиб, Марв ёнида тўхтади. Улар ўртасида бир нечта жанглар бўлиб ўтди. Натижада Букайр таслим бўлиб, шаҳарни Умайяга топширди. Аввал Умайя уни кечирди, кейин эса уни исён кўтаришга даъват этганликда айблаб, қатл этди [Халифа ибн Хаййот: 79; al-Ja‘kubi II: 324; ал-Йа‘кубий II: 283; at-Tabari II: 495 – 496, 593 – 595, 832 – 834, 854, 859 – 862, 1022 – 1031, 1047 – 1051, 1149; el-Maqdisi VI: 27; Ибн А‘сам V: 169, 173; VI: 348 – 351; VII: 23; Ибн Халдун III: 47 – 51, 58 – 59]. Гардизийга кўра, ‘Абдуллоҳ ибн Хозимдан кейин 71/690-91 йилда Хуросон волийси этиб Бахир ибн Варқо’ ас-Сураймий (81/700-01 йилда вафот этган) тайинланган

ва унинг қароргоҳи Тус шаҳрида бўлган [Гардизи: 19, 30]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 48.

16. *шурта* (شرطة) – араб., “миршаб”, “полиция”. Илк ислом даврида (VIII – IX асрлар) ҳукмдор саройида сараланган энг яхши аскарлардан иборат соқчилар гуруҳи. Уларнинг бошлиғи *соҳиб аш-шурта* (صاحب الشرطة) ёки *соҳиб аш-шурат* (صاحب الشرط) – “соқчилар бошлиғи” деб аталган [al-Khowarezmi 118; Гиргас 1881: 404]. X асрда *аш-шурта* шаҳарда тартиб сақлаш ва миршаблик вазифасини бажариб, шаҳар маъмуриятининг фаолиятини таъминлаган ва қўллаб-қувватлаган. Миршабларнинг бошлиғи *соҳиб аш-шурта* (صاحب الشرطة), *назир аш-шурта* (نظير الشرطة) ёки *соҳиб ал-балад* (صاحب البلد) деб аталган ва саройда ҳожиб унвонига эга бўлган. Керак бўлганда у аҳолига нисбатан куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган. Бағдод шуртаси кўп сонли бўлиб, пиёда ва отлиқ аскарлар бўлинмаларидан ташкил топган [Qudama ibn Ja'far: 42 – 52]. Бу ҳақида яна қаранг: Михайлова 1990: 24; Nielsen, Marin 1997; 510 – 512; Dekhoda IX: 14218.

17. 65/684-85 йилда ‘Абдуллоҳ ибн Хозим тамимийларни таъқиб қила бошлаганда, улар унинг ўғли Муҳаммад олдига Ҳаротга келдилар. Муҳаммад отасининг буйруғига биноан уларни шаҳарга киритмади. Лекин улар куч билан шаҳарга кириб, Муҳаммадни ўлдирдилар. Бошқа маълумотга кўра, Муҳаммад шаҳардан ов қилишга чиққанда, тамимийлар уни тутиб, аввал қийнадилар, кейин ўлдирдилар [at-Tabari II: 536, 593 – 595, 698].

18. ‘Усмон ибн Бишр ибн ал-Мухтафиз ал-Музаний – Хуросонда бош кўтарган *тамим* қабиласининг қўшинларидан бири бошлиғи, 65/684-85 йилда тамимийлар ‘Абдуллоҳ ибн Хозимнинг ўғлини Ҳаротда ўлдиргандан кейин, Хуросоннинг турли ерларига тарқалиб кетдилар. ‘Усмон ибн Бишр 70 та ёки 80 та отлиқ билан Ҳарот вилоятидаги Фартона (فرتانة) қишлоғига кетди ва у ердаги бир қасрда жойлашди. 66/685-86 йилда Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн Хозим Фартонага келди ва ўша қаср атрофига чуқур хандақ қаздириб, уларни қамал қилди. Улар ўртасида бир неча кун жанглар бўлди, охири қасрдаги тамимийлар таслим бўлдилар. Ибн Хозим уларни асирга олди ва деярли ҳаммасини қатл этди. Улар орасида ‘Усмон ибн Бишр ва унинг амакиси Сулаймон ибн ал-Мухтафиз ҳам бор эди [at-Tabari II: 596, 695 – 700].

19. Бу воқеалар ат-Табарийнинг асарида 66/685-86 йил воқеалари баёнида батафсил ёритилган [at-Tabari II: 695 – 700]. Бу ҳақида яна қаранг: ал-Йа‘қубий II: 264, 283.

## XVI

### Бужайр ибн Виқо’ ас-Сураймий

1. Бужайр ибн Виқо’ ас-Сураймий (بجير بن وقاء الصريمي) – арабларнинг *тамим* қабиласининг *сулайм ибн ал-ҳорис* уруғига мансуб лашкарбоши,

Букайр ибн Вишохнинг рақиби. Бошқа манбаларда унинг исми Бахир ибн Варқо' (بحير بن ورقاء) шаклида келтирилган. У 72/691-92 йилда Ибн Хозимни ўлдиришга бошчилик қилди ва халифа 'Абд ал-Маликга ўзи чопар юбориб, бу ҳақида унга хабар берди. Хуросон волийси этиб тайинланган Букайр ибн Вишох ундан Ибн Хозимнинг бошини тортиб олиб, уни халифага юборди, Бужайрни эса ҳибсга олди. 74/693-94 йилда Букайр Хуросонга Умайя ибн 'Абдуллоҳ волий бўлиб келишини билганда, Бужайрни қамоқдан озод қилди ва у билан ярашишга ҳаракат қилди. Бужайр Умайя ибн 'Абдуллоҳни Абаршаҳрда кутиб олиб, унга Хуросондаги аҳволни тушунтириб берди ва Букайрдан эҳтиёт бўлишни маслаҳат берди. Умайя Бужайрни миршаблар бошлиғи (صاحب الشرطة) этиб тайинлади. Бужайр уни Букайрга қарши қаратишга кўп ҳаракат қилиб, охири бунга эришди ва 77/696-97 йилда ўз қўли билан Букайрни ўлдирди. Кейин Умайя Бужайрни миршабликдан озод қилди. 78/697-98 йилда Хуросонга ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра волий бўлиб келганда, у билан ҳарбий юришларда иштирок этди. 81/700-01 йилда *ал-абно* уруғига мансуб Са'са'а ибн Ҳарб ал-'Ауфий исмли бир одам Букайрнинг қони учун қасос олиш мақсадида Марвга келди. Бужайр у вақтда ал-Муҳаллаб билан Охарунга кетган эди. Са'са'а унинг кетидан Охарунга борди ва ўша ерда Бужайрни пичоқлаб ўлдирди.

Бужайр жуда ҳам иродаси заиф одам эди ва унинг тақдири ҳарбийларнинг қўлида эди. Унинг даврида Хуросонда арабларнинг *тамим* ва *мудар* қабилалари ўртасидаги ўзаро низо яна ҳам кучайиб кетди. Одамлар унинг устидан шикоят қилиб халифа 'Абд ал-Маликга хат ёздилар ва Хуросондаги араблар ўртасидаги низони фақат *қурайш* қабиласига мансуб одам тўхтатиши мумкин дедилар. Шундан кейин Хуросонга Умайя ибн 'Абдуллоҳ волий этиб тайинланди [at-Tabari II: 595, 832 – 834, 860 – 862, 1022 – 1023, 1028 – 1031, 1047 – 1051; Гардизи: 19, 30]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 11.

2. Бу воқеалар 72/691-92 йилда содир бўлган [at-Tabari II: 831].

## XVII

### 'Абдуллоҳ ибн Хозим

1. ат-Табарийга кўра, 'Абд ал-Малик ибн Марвон Ибн Хозимга мактуб ёзиб, унга содиқликга қасамёд ичишга даъват этди ва унга Хуросонни 7 йилга беришга ваъда берди [at-Tabari II: 831 – 832]. Бошқа маълумотга кўра, 'Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр қатл этилганда, 'Абд ал-Малик ибн Марвон унинг бошини 'Абдуллоҳ ибн Хозимга юбориб, унга "Агар менга содиқликка қасамёд қилсанг, мен Хуросонни сенга 10 йилга бераман", – деди [at-Tabari II: 834 – 835; el-Maqdisi VI: 23, 27].

2. Бу ерда Ибн аз-Зубайр назарда тутилган.

3. Бу ерда Умавийлар назарда тутилган.

4. Бу маълумот бошқа манбаларда ҳам келтирилган [ал-Йа‘кубий II: 283; Халифа ибн Хаййот: 79]. ат-Табарийга кўра, ‘Абд ал-Малик ибн Марвон ‘Абдуллоҳ ибн Хозимга ‘Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрнинг бошини юборганда, Ибн Хозим уни олиб келган одамга: “Агар сен элчи бўлмаганингда, мен сенинг бошингни олар эдим”, – деди. Бошқа маълумотга кўра, Ибн Хозим аввал унинг оёқ-қўлларини кесиб ташлади, кейин бошини танасидан жудо қилди. Ибн Хозим ҳеч қачон ‘Абд ал-Маликга бўйсинмасликга қасам ичди. У Ибн аз-Зубайрнинг бошини тоғорага солиб, уни тозалаб ювди. Кейин унга хушбўй атирлар сепиб, кафанга ўради ва унинг устида намоз ўқиб бўлгандан кейин уни Ибн аз-Зубайрнинг қариндошларига ал-Мадинага юборди [at-Tabari II: 834 – 835]. Бошқа манбаларга кўра, ‘Абд ал-Малик ибн Марвон ‘Абдуллоҳ ибн Хозимга ал-‘Ироқ волийси Мус‘аб ибн аз-Зубайрнинг бошини юборди [ал-Йа‘кубий II: 283; Гардизи: 29; Та‘рих-и Систан: 127].

## XVIII

### Букайр ибн Вишоҳ

1. ат-Табарийга кўра, ‘Абд ал-Малик ибн Марвон Букайр ибн Вишоҳга мактуб ёзиб, уни Хуросон волийси этиб тайинлагани ҳақида хабар берди [at-Tabari II: 832]. ал-Мақдисийга кўра, ‘Абд ал-Малик ибн Марвон Букайр ибн Вишоҳга мактуб ёзиб, унга ‘Абдуллоҳ ибн Хозимга қарши чиқишни буюрди [el-Maqdisi VI: 27].

2. ‘Абдуллоҳ ибн Хозим бу вақтда Абаршаҳрда Бахир ибн Варқо’ ас-Суламийга қарши жанг олиб бораётган эди [at-Tabari II: 831 – 832].

3. Бахир ‘Абдуллоҳ ибн Хозимнинг кетидан бориб, Марвдан 9 *фарсах* масофада жойлашган Шахмиғад номли қишлоқда унга етди ва у билан жанг қилди [at-Tabari II: 832].

4. Ваки’ ибн ‘Умайра (ёки Ибн ад-Даврақиййа) ал-Қурай‘ий – 72/691-92 йилда ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни ўлдирган аскар [al-Jakubi: 299; at-Tabari II: 833].

5. Даврақ (دورق) ёки ад-Даврақ (الدورق) – Хузистоннинг жанубий қисмидаги ал-Аҳвоз вилоятида жойлашган ариқ ва туман, бу туманнинг маркази ҳам шу ном билан аталган [Dehkhoda VIII: 11223]. У Суррақ (سرق) ёки (السرق) деб ҳам аталган. Унинг яқинида олтингугурт қазиб чиқарилган. У Форс ва Кирмондан ҳаж сафарига борувчиларнинг йўлида Ҳисн Маҳди ва Арражон ўртасида жойлашган. Ўрта асрларда *ад-даврақиййа* (الدورقية) номли бош кийим ҳам машҳур бўлган [Ибн Хордадбех: 70; Ибн ал-Факих: 78, 80; Ibn al-Fakih: 202, 210; Абу Дулаф: 63, 64; al-Istakhri: 89, 95; Ibn Naukal: 249 – 259; al-Moqaddasi: 27, 404, 406, 412, 419; Ibn Rosteh: 188; Худуд ал-‘Алем: 106, 286; at-Tabari I: 2543; III: 1914; ас-Сам‘оний V: 352 – 353; Jacut

II: 618 – 620; III: 80]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 187; Le Strange 1905: 242.

6. *қурай* (قرية) ёки *қурай* ‘а (قرية) – араб., *қурай* ‘ (қурай ‘а) уруғи. Арабларнинг турли қабилалари таркибида шу номли уруғлар бўлган. Масалан, *қайс* қабиласининг таркибида *қурай* ‘ ибн ал-ҳорис ибн нумайр ибн ‘омир уруғи, *тамим* қабиласининг таркибида *қурай* ‘ ибн ‘авф ибн ка‘б ибн са‘д ибн зайд манот ибн тамим уруғи бўлган [ас-Сам‘оний X: 123 – 124; Jacut II: 556]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий VI: 38.

7. *мудар* (مضر) – араб., *мудар* қабиласи. Бу қабиланинг бобокалони Мудар ибн Низор ибн Ма‘д ибн ‘Аднон ал-жоҳилийя даврида ал-Ҳижозда яшаган. Унинг авлодлари ал-Ҳижозда ва Маккада ҳукмронлик қилганлар [al-Ja‘kubi I: 255, 259; II: 131, 133; at-Tabari II: 489 – 493, 833, 1042, 1185, 1289, 1472, 1498; al-Masudi: 79, 89, 187, 202, 285, 308, 313; Ibn Rosteh: 39, 171, 185; ас-Сам‘оний I: 52 – 54; Jacut II: 433; III: 115, 357, 776]. У ҳақида яна қаранг: Kindermann 1995: 352 – 254; аз-Зириклий VIII: 152 – 153; Dehkhoda XIII: 21039.

8. ‘Абдуллоҳ ибн Хозим Хуросонда *мудар* қабиласининг бошлиғи эди [at-Tabari II: 833].

9. *қунйа* (كنية) – одамнинг лақаби ёки кейин қўйилган иккинчи номи. Илк ўрта асрларда араблар катта ёшдаги одамга ҳурмат юзасидан унинг ўзининг исми билан эмас, фалончининг ўғли (ابن) ёки қизи (بنت), фалончининг отаси (ابو) ёки онаси (ام) деб мурожаат қилганлар [Гиргас 1881: 711]. Одатда катта ўғилнинг исми билан атаганлар. Масалан, бир одамнинг Муҳаммад исмли ўғли бўлса, унга Абу Муҳаммад, яъни Муҳаммаднинг отаси, унинг хотинига Умм Муҳаммад – Муҳаммаднинг онаси деб мурожаат қилинган. Баъзан одамни қизининг исми билан ҳам атаганлар. Бундай ном ёки лақаб *қунйа* деб аталган. *Қунйалар* қаторига зу (ذو) – “соҳиб” ёки зот (ذات) – “соҳиба” сўзлари ёрдамида ясалган отлар ҳам киритилган. Масалан, Зу-Ри’осатайн (ذو الرئاستين) – “Икки амал соҳиб” ёки Зот Ражулин (ذات رجل) – “Эр соҳибаси” [Ibn al-Atir 1896]. Бу ҳақида яна қаранг: Wensinck 1986: 395 – 396; Dehkhoda XII: 18655 – 18656.

10. ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламийнинг ‘Анбаса ва Йаҳйо исмли ўғиллари ҳақида бошқа манбаларда маълумот келтирилмаган. Унинг Муҳаммад исмли ўғли Ҳарот шаҳрининг ҳокими бўлган ва 65/684-85 йилда ўлдирилган. Мусо исмли ўғли эса 70/689-90 йилда халифаликга қарши исён кўтарган ва ат-Тирмиз шаҳрини эгаллаб, уни 15 йил давомида ўз қўлида ушлаб турган ва 85/704-05 йилда ўлдирилган. ‘Абдуллоҳ ибн Хозимнинг Хозим исмли яна бир ўғли Мусо билан бирга ат-Тирмизда бўлган ва 85/704-05 йилда жангда ҳалок бўлган [at-Tabari II: 1154 – 1155].

11. Абу ‘Убайдуллоҳ Му‘овийя ибн ‘Убайдуллоҳ (‘Абдуллоҳ) ибн Йасир (Йасор) ал-Аш‘арий (100 – 170/818 – 786) – халифа ал-Маҳдий (158 – 169/775 – 785 йилларда ҳукм сурган) нинг вазири ва котиблар девони (ديوان)



الرسائل) нинг бошлиғи. Уни Ибн Йасор деб ҳам атаганлар. Унинг асли Йорданиядаги Табарийа (طبرية) номли ердан бўлган, арабларнинг *ал-аш‘ар* (الاشعر) кабиласининг *мавлоси* бўлган. У ҳадис ва адаб илмлари билан шуғулланган ва биринчи бўлиб “Китоб ал-Харож” (“Хирож китоби”) номли китоб ёзган. Унинг ўғли зиндиқлар таълимотга эътиқод қилгани учун қатл этилди. Шундан кейин ал-Маҳдий уни вазир лавозимидан чеплатди ва ҳамма ундан юз ўгирди. У вафот этганда, Бағдод кўчалари унинг *мавлolari* ва шогирдларига тўлиб кетди. Унинг жанозасини халифа ал-Маҳдийнинг ўғли ‘Али ўқиди [at-Tabari II: 355, 520, 840, 841; III: 351, 355, 403, 439, 461 – 464, 481, 486 – 490, 520, 532; Ибн Халликон VII: 21, 26]. У ҳақида яна қаранг: Moscati 1960: 157 – 158; аз-Зириклий VIII: 174.

12. *амир ал-му‘минин* (امير المؤمنين) – араб., “мўмин мусулмонларнинг амири” ёки “мўъмин мусулмонларнинг ҳукмдори” – Араб халифалигининг олий ҳукмдори, яъни *халифанин*г фахрий унвони [Dehkhoda III: 3405]. Илк бор бу унвон иккинчи халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб (13 – 23/634 – 644 йилларда ҳукм сурган) га нисбатан ишлатилган [al-Tha‘alibi: 44]. Араб халифалигининг волийлари *мауло амир ал-му‘минин*, яъни “мўминлар ҳукмдорининг *мавлоси*” ёки *волий амир ал-му‘минин* – “мўъмин мусулмонлар ҳукмдорининг волийси” деб аталган [Хилал ас-Саби: 76, 84 – 85, 94; ас-Сам‘оний VII: 12; Федоров 1966: 140]. Бу ҳақида яна қаранг: Gibb 1960: 445.

13. ал-Маҳдий би-ллоҳ (المهدي بالله) – *амир ал-му‘минин* Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ‘Абдуллоҳ ал-‘Аббосий (127 – 169/744 – 785) нинг фахрий унвони, ‘Аббосийлар сулоласига мансуб 3-халифа, 158 – 169/775 – 785 йилларда Бағдодда ҳукм сурган. Халифа Абу Жа‘фар ‘Абдуллоҳ ал-Мансурнинг ўғли ва халифа Муҳаммад ибн ‘Али ас-Саффоҳнинг набираси. У ал-Аҳвоз вилоятидаги Изаж номли ерда туғилган. 158/774-75 йилда отасининг вафотидан тахтга ўтирган ва 10 йилдан ортиқ вақт ҳукмронлик қилган. 169/785-86 йилда овда отидан йиқилиб ўлган. У ар-Русофа жоме‘ масжидини қурдирган ва ўша ерда дафн қилинган. Унинг ҳукмронлиги даврида халифаликда ғайридин (*зиндиқ*) лар қаттиқ таъқиб қилинганлар [al-Ya‘qubi: 23; ал-Балозурий: 10, 484; Арабский аноним: 240а, 245б, 246а]. У ҳақида яна қаранг: Kennedy 1986: 1238 – 1239; аз-Зириклий VII: 91; Dehkhoda XIV: 21878 – 21879.

14. Абу ‘Абдуллоҳ Йа‘қуб ибн Довуд ибн ‘Умар ас-Суламий – халифа ал-Маҳдийнинг котиби ва вазири. Унинг отаси Довуд ибн Таҳмон Хуросон волийси Наср ибн Саййорнинг котиби бўлган. Йа‘қуб аввал Иброҳим ибн ‘Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ал-Мусаннонинг котиби бўлган. 145/762-63 йилда Иброҳим ал-Басрада халифа ал-Мансурга қарши бош кўтарди. Халифа ал-Мансур уни қатл этди, Йа‘қубни эса хибсга олди. Халифа ал-Мансурнинг вафотидан кейин Йа‘қуб қамокдан озод этилди ва халифа ал-Маҳдий билан яқинлашди. 163/779-80 йилда ал-Маҳдий уни вазир этиб тайинлади. Аста-

секин Йа‘кубнинг нуфузи ва обрў-эътибори кучайиб, усиз бирорта ҳам масала ҳал этилмайдиган бўлди. Шоирлар унинг фазилатларини мадҳ этар эдилар. Бу ҳол сарой аҳлининг ғашига тегар ва уларнинг ҳасадини уйғотар эди. 166/782-83 йилда Йа‘куб Йаҳйо ибн Зайд ва зайдийлар ҳаракатининг тарафдори бўлган. Сарой амалдорлари халифага Йа‘кубнинг ‘Алавийлар билан алоқаси бор деб хабар бердилар. Шундан кейин ал-Махдий 167/783-84 йилда уни вазир лавозимидан четлатди, мол-мулкини мусодара қилди ва зиндонга ташлади. Йа‘куб 5 йилдан ортиқ қамоқда ётди ва кўзи кўрмай қолди. Кейин уни 175/791-92 йилда Ҳорун ар-Рашид қамоқдан озод қилди. Унинг мол-мулки қайтариб берилди, у Маккага кўчиб кетди ва умрининг охиригача ўша ерда яшади [al-Ja‘kubi II: 483; at-Tabari II: 841, 1918; III: 262, 461 – 464, 482, 486, 490, 505 – 517, 538, 688; Macoudi VI: 232; Jacut II: 767; Ибн Халликон I: 273, 274, 427, 428; III: 231; VII: 19 – 26]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий IX: 258 – 259.

15. ат-Табарийга кўра, Бахир ибн Варқо ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни ўлдиргандан кейин ‘Абд ал-Малик ибн Марвонга бу ҳақида мактуб ёзди, лекин унинг бошини юбормади. Букайр ибн Вишоҳ Марвдан етиб келиб, ундан Ибн Хозимнинг бошини беришни талаб қилди. Бахир унга рад жавобини берди. Шунда Букайр уни тўқмоқ билан уриб, ҳибсга олди ва кишанлаб, қамоққа ташлади. Кейин у Ибн Хозимнинг бошини топиб, уни ‘Абд ал-Малик ибн Марвонга юборди ва мактубда “Уни мен ўлдирдим”, – деб ёзди [at-Tabari II: 833 – 834]. Гардизийга кўра, Бахир ‘Абдуллоҳ ибн Хозимнинг бошини Холид ибн ‘Абдуллоҳ ат-Тустарийга, у эса ‘Абд ал-Малик ибн Марвонга юборди [Гардизи: 29].

16. ‘Абдуллоҳ ибн Хозим 65/684-85 йилда *тамим* қабиласига мансуб арабларни таъқиб қилганда, унинг отаси ‘Усмон ибн Бишр ибн ал-Мухтафиз ал-Музанийни шафқатсиз равишда ўлдирган эди [al-Beladsori: 415]. У ҳақида XIV, 13-изоҳни қаранг.

17. Бу ерда қандайдир бошқа бир дин, эҳтимол зардуштийлик ёки монийликнинг таъсири бўлиши мумкин, чунки бу иккала амал, яъни намоз вақтида кўкат ейиш ва шароб ичиш ислом динининг ақидаларига бутунлай зиддир.

18. Гардизийга кўра, ‘Абд ал-Малик ибн Марвон 71/690-91 йилда Хуросон волийси этиб Бахир ибн Варқо’ни тайинлади [Гардизи: 30].

19. *қурайш* (قریش) – V – VI асрларда Маккада ҳукмронлик қилган араб қабиласи. Бу қабилла 25 та уруғ (*батн*) ни ўз ичига олган. Қурайш қабиласининг Хошимийлар хонадонидан Муҳаммад пайғамбар туғилган. Исломдан олдин Маккада ҳамма тижорат ишлари *қурайш* қабиласи аслзодаларининг қўлида бўлган. Ка‘ба ибодатхонасидан тушган даромадлар ҳам уларнинг қўлига тушган. Улар судхўрлик ва кул савдоси билан ҳам шуғулланган. Ислом динининг ғалабасидан сўнг янги ташкил топган Араб халифалигида *қурайш* қабиласи муҳим ўрин эгаллаган ва юксак мавқега эга бўл-

ган [Ibn al-Fakih: 135, 179, 196, 322; Ibn Rosteh: 25, 29, 30, 41, 42, 58, 191, 206, 217; al-Jakubi: 313, 314, 326, 327, 348; al-Masudi: 208, 210, 230, 233 – 238, 244, 250, 300; at-Tabari II: 178, 860, 1023, 1027, 1107, 1309, 1768, 1921; ac-Sam‘oniy I: 45 – 50; Jacut I: 659, 711, 791; III: 321, 498, 579; IV: 62, 79, 812, 913, 949]. У ҳақида яна қаранг: Мюллер 1895: 48 – 65; Беляев 1966: 25 – 84; Большаков 1989: 44 – 52; Montgomery Watt 1986: 434 – 435; Dehkhoda XI: 17526 – 17527.

## XIX

### Умаййа ибн ‘Абдуллоҳ

1. Умаййа ибн ‘Абдуллоҳ ибн Холид ибн Асид ибн Абу-л-‘Ис ибн Умаййа ал-Қураший (87/706 йилда вафот этган) – халифа ‘Абд ал-Малик (65 – 86/685 – 705 йилларда ҳукм сурган) даврида 74 – 78/693 – 698 йилларда Хуросон ва Сижистон волийси бўлган. 77/696-97 йилда Умаййа Мовароуннаҳрга юришга чиқиб, Бухорога йўл олди. Шу вақт собиқ Хуросон волийси Букайр ибн Вишоҳ унга қарши чиқиб, Марвда ҳокимиятни ўз қўлига олди. Умаййа бу ҳақида эшитиб, Марвга қайтиб келди ва Букайрга қарши жанг қилди. Улар аввал шаҳардан ташқарида, кейин шаҳар ичида жанг қилдилар. Букайр чекиниб қуҳандизга кирди ва унда истехком курди. Умаййа қуҳандизни қамал қилиб турган вақтда халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвондан мактуб келди ва унинг кўрсатмасига биноан Букайр авф этилди. Лекин кўп ўтмай, Букайр яна Умаййага қарши бош кўтарди ва қатл этилди. Ўша йили Умаййа ат-Тирмизда ўрнашиб олган Мусо ибн ‘Абдуллоҳга қарши кўшин юборди. Лекин бу кўшин ат-Тирмизга етиб бормасдан, йўлда тарқалиб кетди. Кейин Умаййа ўзи кўшин билан Мовароуннаҳрга юриш қилиш учун йўлга чикди. У Амударёни кечиб ўтганда, уни турклар ва суғдлар қуршаб олдилар. Араблар уларга бас кела олмасдан, жуда оғир аҳволда қолдилар ва улардан зўрға қочиб қутулдилар. 78/697-98 йилда ал-‘Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф Хуросон ва Сижистонга ал-Мухаллаб ибн Абу Суффрани волий этиб тайинлади ва 79/698-99 йилда у Умаййа ибн ‘Абдуллоҳнинг ўрнига Хуросонга келди [Ibn Saad V: 352; Халифа ибн Хаййот: 79; al-Jakubi: 299; al-Ja‘kubi II: 324, 326; ал-Йа‘қубий II: 283 – 285; at-Tabari II: 192, 829, 853, 859 – 863, 872, 940, 1022 – 1032, 1035, 1039, 1047, 1149, 1151, 1287; Ибн А‘сам VI: 348 – 351; VII: 13, 14, 54, 74, 75, 172; Гардизи: 19, 30; Та‘рих-и Систан: 127; Jacut II: 907; IV: 493; Ибн Халдун II: 58 – 59]. Умаййа ибн ‘Абдуллоҳ 77/696-97 йилда Балхда Сосонийларнинг тангаларига ўхшаш тангалар ҳам зарб этган. Уларда паҳлавий ёзувлар билан бирга араб ёзувлари туширилган [Walker 1941: 88]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 32, 33, 35; Gibb 1923: 23 – 24; аз-Зириклий I: 364.

2. ‘Абд ал-Малик ибн Марвон Умаййа ибн ‘Абдуллоҳни 74/693-94 йилда Хуросон волийси этиб тайинлади [at-Tabari II: 859]. ат-Табарийга кў-

ра, Букайр ибн Вишоҳ Умайя ибн ‘Абдуллоҳнинг Хуросонга волий этиб тайинланганини эшитиб, Бахир ибн Варқо’ни қамоқдан озод қилди. Умайя ибн ‘Абдуллоҳ Абаршаҳрга етиб келганда, Бахир унинг олдига келди, унга Хуросондаги аҳвол ҳақида ахборот берди ва Букайр ибн Вишоҳдан эҳтиёт бўлишни маслаҳат берди [at-Tabari II: 860 – 862]. Гардизийга кўра, Умайя ибн ‘Абдуллоҳ Марвга келганда, Бахир ибн Варқо унга қарши чиқиб, Марв қўхандизига беркинди. Умайя уни қамал қилиб, қалъадан чиқаришга муваффақ бўлди ва ўлдирди. У билан бирга унинг Бадал ва Шамардал исмли укаларини ҳам ўлдирди [Гардизи: 30]. Лекин ат-Табарийга кўра, Бадал ва Шамардал Букайр ибн Вишоҳнинг акасининг ўғиллари бўлган [at-Tabari II: 1029].

3. Умайя ибн ‘Абдуллоҳ Марвга келиб, Букайр ибн Вишоҳ ва унинг ‘омилларига тегмади ва унга миршаблар бошлиғи лавозимини таклиф этди. Букайр буни рад этди ва бу лавозимга Бахир ибн Варқо тайинланди. Кейин Умайя Букайрга: “Ўзингга хоҳлаган вилоятни танла”, – деди. Букайр Тўхористонни танлади. Кейин у отлар ва қурол-яроқларга катта сарф-харажатлар қилиб, йўлга чиқишга ҳозирланди. Лекин Бахир Умайяга: “Букайр қўшин билан Тўхористонга кетса, у ерда сенга қарши бош кўтаради”, – деди. Шундан кейин Умайя Букайрга Марвда қолишни буюрди [at-Tabari II: 862].

4. ат-Табарийга кўра, 77/696-97 йилда Умайя Букайрга Мовароуннаҳрга юриш қилишни топширганда, Бахир яна Умайяга: “Букайр қўшин билан дарёдан кечиб ўтиб, ас-Суғд подшоҳлари билан учрашса, улар билан бирга халифага ва сенга қарши бош кўтаради”, – деди. Шунда Умайя Букайрга: “Балки мен ўзим бу юришга чиқарман, сен эса мен билан бўласан”, – деди [at-Tabari II: 1022].

5. ат-Табарийга кўра, Умайя ўзининг ўрнига Марвда ўғли Зийодни ҳоким қилиб қолдирди ва Бухорога юриш қилиш учун йўлга чиқди. Букайр ҳам у билан эди. Улар Балх дарёсидан кечиб ўтганда, Умайя Букайрга: “Ўғлим ҳали ёш, у Марвдаги бошқарув ишларини тартибда сақлашига кўзим етмаяпти. Яхшиси сен Марвга қайтиб бориб, унга ёрдам бер. Мен уни сенга ишониб топширдим”, – деди [at-Tabari II: 1023]. ал-Йа‘қубийга кўра, Умайя ибн ‘Абдуллоҳ Самарқанд ҳукмдори Тархунга одам юборди ва Тархун Мусога қарши унга ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди [ал-Йа‘қубий II: 283].

6. ат-Табарийга кўра, Букайр қайтиб дарёдан Хуросонга кечиб ўтди, Умайя эса Бухорога йўл олди. Букайр дарёдан кечиб ўтгандан кейин, қайиқларни ёқиб юборди, кейин у Марвга келиб Зийодни ҳибсга олди ва одамларни Умайяга қарши бош кўтаришга даъват этди. Марвдаги араблар ва мусулмонлар унга қўшилдилар [at-Tabari II: 1023 – 1024].

7. ат-Табарийга кўра, Умайя Букайрнинг хиёнати ҳақида эшитганда, Бухоро аҳли билан арзимаган пулга сулҳ тузди ва Балх дарёсининг бўйига

қайтиб, янги қайиқлар ясашни буюрди. Кейин у дарёдан кечиб ўтиб, Марвга келди ва Букайрни қамал қилди. Улар ўртасида бир қанча жанглар бўлиб ўтди. Умайя ва у билан бирга юришга кетган арабларнинг оилалари Марвда эди. Букайр уларни гаровга олиб, ўзини ҳимоя қилиш учун фойдаланди. Шунинг учун Умайя у билан сулҳ тузишга ва унга омонлик кафолатини беришга мажбур бўлди. Сулҳга кўра, Умайя Букайрга 400 минг дирҳам, унинг одамларига эса совға-саломлар бериши, унга ўзи истаган вилоятни бошқарув учун бериши, Бахирнинг сўзларига қулоқ солмаслиги ва 40 кун давомида Марвдан чиқиб кетиши учун омонлик кафолатини бериши лозим эди. Умайя халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвондан Букайр учун омонлик кафолатини олди ва Синжон дарвозаси ёнида Букайрга тилхат ёзиб берди. Шундан кейин Букайр Умайя ва у билан бирга бўлган арабларни Марвга киритди [at-Tabari II: 1024 – 1028].

8. Букайрнинг ўлдирилиши ва бу билан боғлиқ бўлган воқеалар ат-Табарийнинг асарида батафсил баён этилган. Шундан кейин Умайя ат-Тирмизга Мусо ибн ‘Абдуллоҳга қарши қўшин юборди. Лекин у мағлубиятга учраб, ундаги аскарларнинг бир қисми Мусо ибн ‘Абдуллоҳга қўшилдилар, қолганлари Марвга қайтиб келдилар [at-Tabari II: 1028 – 1031]. Бу ҳақида яна қаранг: ал-Йа‘қубий II: 283.

9. ал-Хуттал (الختل) – Амударёдан шимолда унинг юқори оқими ҳавзасида Помир-Олой тоғлари этакларида жойлашган тарихий вилоят [Ibn al-Fakih: 321, 324]. Ўрта аср манбаларида унинг номи Хутталон (ختلان) ва Хатлон (ختلان) шаклларида ҳам келтирилган [Низами: 44; ас-Сам‘оний V: 44; Jacut II: 402]. Муғ тоғидан топилган суғдча ҳужжатларнинг бирида бу вилоятнинг номи Хуттулстан ёки Хуттурстан шаклида қайд этилган [Смирнова 1969: 214]. VI асрда Хутталон эфталийларнинг мамлакати бўлиб, бу ерда шаҳаншоҳ Хусрав I Ануширвон уларнинг Ахшунвар исмли подшоҳи ва унинг Феруз исмли бобосини қатл этган [ал-Мас‘удий I: 142]. VIII асрнинг биринчи чорагида саёҳат қилган хитойлик Хуэй Чао маълумотига кўра, Ку-ту ёки Ку-ту-ло (Хутталон) аҳолисининг ярми турклардан иборат бўлган. Маҳаллий ҳукмдор ҳам турк бўлган. Ҳукмдор, аслзодалар ва оддий халқ буддавий динининг Хинайана мазҳабига эътиқод қилганлар. У ерда буддавий ибодатхоналар ва роҳиблар кўп бўлган. Аҳоли асосан пахта ва узум етиштирган, пахта ва жундан матолар ишлаб чиқарган [Бернштам 1952: 187 – 195; Литвинский, Соловьев 1985: 120]. Хитой манбаларига кўра, VII асрда Ку-ту-ло (Хутталон) вилоятининг бош шаҳри Се-чу-кян деб аталган [Бичурин II: 326]. 119/737 йилда Хутталон вилоятининг бош шаҳри икки қатор мудофаа деворлари билан ўралган мустаҳкам қалъадан иборат бўлган [at-Tabari II: 1629]. IX асрда Хутталон шаҳри Абу Довудийлар сулоласига мансуб ал-Ҳорис ибн Асад исмли туркий ҳукмдорга қарашли бўлиб, унда 1000 та булоқ бўлган [Ibn Khordadbeh: 180]. XVII асрдан кейин “Хутталон” номи муомаладан чиқиб, унинг ўрнига “Кўлоб” (كولاب) номи

ишлатила бошлаган [Махмуд ибн Вали: 38; Та'рих-и Бадахшан: 466 – 476, 686, 102а, 926, 956, 96а, 1006 – 1026, 1056 – 1076, 124а, 1096, 125аб, 126а]. Ривоятга кўра, ҳозирги Кулоб шаҳрининг атрофларида қадимда ботқоқлар ва харобалар кўп бўлган. Кўлоб яқинида Қизилсув дарёсининг чап қирғоғида Манзаратепа (Маразтепа) номли шаҳар харобалари жойлашган. Бу шаҳар 120 га яқин майдонни эгаллаган бўлиб, 3 қисмдан иборат бўлган. Шаҳарда кенг кўчалар, майдонлар ва ҳашаматли бинолар бўлган [Гулямова 1973: 218; 1988: 403]. Кулоб номининг ўзи ҳам туркий “кўл” ва форсий *об* – “сув” сўзларидан ясалган [Слоним 1959: 344]. Эҳтимол илк ўрта асрлардаги Хутталон шаҳри айнан шу Кўлоб шаҳрининг ўрнида жойлашган, унинг атрофларидаги 1000 та булоқ эса кейинчалик ботқоқликларга айланган. Хутталон номи *хутталах* номли туркий халқ номидан келиб чиққан бўлиб, уларнинг асосий ейдиган овқати тойчоқларнинг гўшти бўлган [ал-Бакуви: 104]. Маълумки, ўрта асрларда Ўрта Осиё худудларида яшаган ҳамма халқлар ичида фақат туркий халқлар от гўштини истеъмол қилганлар. Ундан ташқари қадимги турклар отни илоҳийлаштириб, унга сиғинганлар [Нестеров 1990: 39, 103]. Масалан, ўрта асрларда бошқирлар бошқа худодлар билан бир қаторда от худосига ҳам ибодат қилганлар [Ибн Фадлан: 66]. Хутталон тарихий вилояти ҳозирги Тожикистон худудидаги Кўлоб вилояти таркибига кирувчи Хатлон тумани ўрнида жойлашган [Беленицкий 1950: 109 – 127]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 169 – 191; Bosworth 1986: 75 – 76; Dehkhoda VI: 9526 – 9527.

10. Са'ид ибн 'Усмон 56/675-76 ал-Хутталга юриш қилиб, сулҳ тузгани ва Умайя ибн 'Абдуллоҳ (74 – 78/693 – 698 йилларда ҳукм сурган) нинг ал-Хуттални қайта фатҳ этгани ҳақидаги маълумотни фақат ал-Балозурий келтирган. Бошқа манбаларда бу ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Қуйида ал-Балозурий Умайя ибн 'Абдуллоҳнинг Х<sup>в</sup>оразмдаги Фил шаҳрини фатҳ этгани ҳақида маълумот келтирган [al-Beladsori: 426]. ат-Табарийга кўра, Умайя ибн 'Абдуллоҳ 77/696-97 йилда Букайр ибн Вишоҳни ўлдиргандан кейин ўша йилда юриш қилиш учун қўшин билан Балх дарёсидан кечиб ўтди. Лекин ғайридинлар уларни ҳар томондан қуршаб олдилар. Араблар қамалда жуда мушкул аҳволда қолиб, ҳалокат ёқасида эдилар. Кейин улар ғайридинлардан зўрға қочиб қутилдилар ва Марвга қайтиб келдилар [at-Tabari II: 1031]. Бу ҳақида яна қаранг: Беленицкий 1950: 112; Гоибов 1989: 92. Умайя ўзининг ўғли 'Абдуллоҳ ибн Умайяни қўшин билан Ҳарот ва Сижистонга юборди. Лекин Рутбил у билан жанг қилиб, уни ўлдирди [ал-Йа'кубий II: 283].

## XX

### ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра

1. ал-‘Ироқ (العراق) – Месопотамиянинг арабча номи. Ўрта асрларда бу ном билан 2 та вилоят бўлган: ‘Ироқ ал-‘Араб (عراق العرب) – “арабларнинг ал-‘Ироқи” ва ‘Ироқ ал-‘Ажам (عراق العجم) – “ажамларнинг ал-‘Ироқи” [Jасcut III: 628 – 631]. ‘Ироқ ал-‘Араб қадимги Бобил ерларини ўз ичига олган бўлиб, унинг ҳудудлари шарқда Ҳулвон довонига қадар чўзилган. Ислом даврида унда Бағдод ва ал-Басра шаҳарлари жойлашган. ‘Ироқ ал-‘Ажам тушунчаси XII асрда вужудга келган бўлиб, у Ҳулвон довонидан шарқ ва шимолда жойлашган қадимги Мидия ерларини ўз ичига олган. Ислом даврида бу вилоят ал-Жибол деб ҳам аталган, унда Исфаҳон ва Рей шаҳарлари жойлашган. Ўрта асрларда бу икки вилоят бирга ал-‘Ироқайн (العراقين) – “икки ал-‘Ироқ” деб ҳам аталган. Лекин III/IX асрда ал-‘Ироқайн деганда, ал-‘Ироқ ҳудудида вужудга келган икки янги шаҳар – ал-Басра ва ал-Куфа назарда тутилган [Ibn al-Fakih: 161 – 195; Ibn A‘tham VIII: 107; el-Maqdisi VI: 2; Sourdel-Thomine 1965: 534 – 535]. Бу ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 192 – 193, 264 – 265, 436; Колесников 1982: 56 – 101; Miquel, Brice, Sourdel 1971: 1250 – 1268; Dehkhoda X: 15785 – 15787.

2. ал-Ҳажжож ибн Йусуф 78/697-98 йилда ал-‘Ироқ волийси этиб тайинланди ва ўша йили ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфрани Хуросон волийси этиб тайинлади [ал-Йа‘кубий II: 288; at-Tabari II: 1032].

3. Матнда: سنة ٩٩ – араб., “99 йил”. 99 ҳижрий йил милодий 717 йилнинг 14 августидан 718 йилнинг 2 августигача давом этган. Лекин бошқа манбалардан маълумки, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра 78/697-98 йилда 70 ёшида Хуросон волийси этиб тайинланган ва Хуросонга ўғли Ҳабибни юборган, ўзи эса Хуросонга 79/698-99 йилда келган ва 82/701-02 йилда вафот этган [at-Tabari II: 1033 – 1035, 1039]. У Хуросонда ҳаммаси бўлиб 5 йил ҳукм сурган [ад-Динаварий: 280]. Афтидан бу ерда “99 йил” ўрнига “79 йил” бўлиши керак [Халифа ибн Хаййот: 79; Гардизи: 30]. 79 ҳижрий йил милодий 698 йилнинг 20 мартидан 699 йилнинг 8 март кунигача давом этган. Бу ҳақида XI, 11-изоҳга қаранг.

4. ал-Ҳажжож ибн Йусуф ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг Ҳинд исмли қизига уйланган эди [Гардизи: 31].

5. Бунга қадар ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра Кобул ва Зобулда фатх урушлари олиб борди ва ал-Аҳвоз волийси бўлган эди. Унинг ўғли ал-Муғира эса Истахр волийси этиб тайинланган эди. ал-Ҳажжож ибн Йусуф ал-Муҳаллабни аввал Сижистон волийси, ‘Убайдуллоҳ ибн Абу Бакрани эса Хуросон волийси этиб тайинлади. Лекин ал-Муҳаллабга Сижистон ёқмади. У ўртага одамларни қўйгандан кейин, ал-Ҳажжож ал-Муҳаллабни Хуросонга, ‘Убайдуллоҳни эса Сижистонга волий этиб тайинлади. ал-Муҳаллаб Хуросонга волий бўлиб келганда, унинг ўғли ал-Муғира ҳам у билан бирга

келиб, Хуросонда хирож ишларини бошқарди [at-Tabari II: 1033 – 1034, 1039].

6. Абу Са‘ид Золим ибн Сарроқ ибн Субҳ ибн ал-‘Атик – ас-Саҳмийга кўра, унинг тўлиқ шажараси куйидагича бўлган – Золим ибн Сарроқ ибн Субҳ ибн Кундий ибн ‘Амр ибн ‘Адий ибн Во‘ил ибн ал-Ҳорис ибн ал-‘Атик ибн Асад ибн ‘Имрон ибн ‘Амр ибн ‘Омир ибн Ҳориса ибн Имру’-л-Қайс ибн Са‘лаба ибн Мозин ибн ал-Азд [ас-Саҳмий: 11 – 12]. Афтидан, Золим (ظالم) – “Золим” ал-Муҳаллабнинг лақаби, Сарроқ (سراق) – “Ўғри ” эса отасининг лақаби бўлган.

7. ал-Мақдисий келтирган маълумотга кўра, ал-Муҳаллаб аввал ас-Суғдга юриш қилиб, унинг Тархон (طرخان) исмли ҳукмдори билан сулҳ тузди ва ундан ўлпон олди [el-Maḡdisī VI: 34]. Гардизийга кўра, ал-Муҳаллаб Самарқанд подшоҳи Тархун билан сулҳ тузди ва ундан гаровга одамлар олди [Гардизи: 30]. Ибн А‘самга кўра, Самарқанд, Бухоро, Балх, Тўхористон ва Буст шаҳарларида унинг отлиқ аскарлари турган эди. У ҳар бир юришдан кейин қўлга тушган ўлжанинг 1/5 қисми (хумс) ни ал-Ҳажжожга юборар, қолганини эса аскарларига бўлиб берар эди [Ibn A‘tham VII: 78]. ал-Йа‘қубийга кўра, ал-Муҳаллаб ас-Суғдга юриш қилиб, Кешда тўхтади ва ас-Суғд подшоҳи у билан сулҳ тузди. ал-Муҳаллаб ундан гаровга одамларни олиб, уларни Ҳурайс ибн Қутбага топширди, ўзи эса Балхга кетди [ал-Йа‘қубий II: 288].

8. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суффра 80/699-700 йилда 5 минг аскарлик қўшин билан Балх дарёсидан кечиб ўтиб Кеш шаҳрини қамал қилди. У Кеш ёнида турганда унинг олдига ал-Хуттал ҳукмдорининг амакисининг ўғли келиб, уни ал-Хутталга қарши юриш қилишга таклиф этди. Шунда ал-Муҳаллаб у билан ўғли Йазид ибн ал-Муҳаллабни юборди. Улар 2 та қўшин бўлиб ал-Хутталга келдилар. У вақтда ал-Хуттал ҳукмдори ас-Сабал исмли подшоҳ эди. Кеч кирганда ас-Сабал қалъасидан чиқиб, амакисининг ўғли билан турган қўшинга ҳужум қилди ва уни асирга олиб, қалъасига олиб келди ва ўлдирди. Йазид ибн ал-Муҳаллаб ас-Сабалнинг қалъасини куршаб олди. Кейин улар Йазид билан сулҳ туздилар. Шундан кейин Йазид отаси ал-Муҳаллабнинг олдига қайтиб келди [at-Tabari II: 1040 – 1041]. Бу ҳақида яна қаранг: Беленицкий 1950: 112.

9. Бошқа манбаларда ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг Хужандага қилган юриши ҳақида маълумот келтирилмаган.

10. ал-Муҳаллаб Кеш қалъасини 2 йил давомида қамал қилди, лекин уни куч билан ололмади. 82/701-02 йилда у Кеш ҳукмдори билан сулҳ тузишга мажбур бўлди ва Балхга қайтди. Бу орада у бошқа ерларга, шу жумладан Охарунга ҳам юриш қилди [at-Tabari II: 1049], ўғли Йазидни ал-Хуттал ҳукмдори ас-Сабалга қарши юборди [at-Tabari II: 1040 – 1041]. Ўша вақтда ат-Тирмиз шаҳри халифага қарши бош кўтарган Мусо ибн ‘Абдул-



лоҳнинг қўлида эди. Лекин ал-Муҳаллаб унга қарши юриш қилмади ва ўғилларига ҳам унга тегмасликни буюрди [at-Tabari II: 1151 – 1152]. Баъзи маълумотларга кўра, ал-Муҳаллаб Кеш қалъасини қамал қилиб турганда, Мусо ибн ‘Абдуллоҳ унинг олдига келган, ал-Муҳаллаб уни яна ат-Тирмизга қайтишни ва у ерларни қўлга олиб туришни буюрган [el-Maqdisi VI: 34].

11. Ибн Хаййотга кўра, 81/700-01 йилда ‘Абд ар-Раҳмон ибн ал-Аш‘ас унга мактуб ёзиб, уни ал-Ҳажжож ибн Йусуфга қарши бош кўтаришга даъват этди [Халифа ибн Хаййот: 73].

12. Зоғул (زاغول) – Марв ар-Руд вилоятидаги Панждеҳ (ده بنج) номли рустоқда жойлашган қишлоқ. XII асрда унда Хуросон волийси ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра ал-Аздий ал-‘Атакийнинг мақбараси бўлган. У шу қишлоқда 82/701-02 йилнинг зу-л-ҳижжа ойида вафот этган [at-Tabari II: 1082; Гардизи: 30; ас-Сам‘оний VI: 221; Jacut II: 907]. У ҳақида яна қаранг: de Meynard 1861: 281; Dehkhoda VIII: 12543.

13. Матнда: *аш-шавса* (الشوصة) – кўзлар тагидаги терининг осилиши; қовурғанинг ишиши [Ягелло 1910: 939]. Бу ерда танадаги жароҳат билан боғлиқ қандайдир касаллик назарда тутилган [al-Khowarezmi: 262]. ал-Йа‘кубийга кўра, унинг касали оёғидаги гангрена (إكلّة) дан кучайган эди [al-Jakubi: 299; ал-Йа‘кубий II: 288]. Бу ҳақида яна қаранг: Dehkhoda X: 14571.

14. Абу Фаррос ал-Муғира ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра ал-Аздий (82/701-02 йилда вафот этган) – Хуросон волийси ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра (78 – 82/697 – 702 йилларда ҳукм сурган) нинг ўғли, 78/697-98 йилда Истахр ҳокими этиб тайинланди, 79/697-98 Хуросонда хирож ишлари бўйича масъул, 82/701-02 йилда эса Марвда отасининг ноиб бўлди. У отасининг ҳарбий юришларида иштирок этмаган ва фақат маъмурий ишлар билан шуғулланган [al-Ja‘kubi II: 33; ал-Йа‘кубий II: 288; at-Tabari II: 591, 799, 822, 853, 1004, 1034, 1035, 1039, 1063, 1077 – 1079; Macoudi V: 454 – 458; VI: 264; Ибн А‘сам VI: 185, 192, 193, 196; VII: 19 – 24, 28, 38, 39, 82; Jacut II: 560; Ибн Халликон V: 354 – 355 (№ 280)]. У ҳақида яна қаранг: Crone 1993: 358 – 360; Большаков 2010: 35, 37; аз-Зириклий VIII: 201; Dehkhoda XIV: 21244.

15. Манбаларда ал-Муғира ўлимининг сабаби кўрсатилмаган. У 82/701-02 йилда Марвда вафот этганда, унинг отаси ал-Муҳаллаб ва акаси Йазид Кеш қалъасини қамал қилаётган эдилар. Афтидан ал-Муғира касал бўлган, шунинг учун у ҳарбий юришларда иштирок этмаган ва фақат маъмурий ишлар билан шуғулланган [at-Tabari II: 1077 – 1079]. Ўлимидан олдин ал-Муҳаллаб ўғилларини йиғиб, уларга кўп насиҳатлар қилди [at-Tabari II: 1082 – 1083; Ibn A‘tham VII: 119 – 121].

16. Муҳаллад (ёки Махлад) ибн Йазид ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра (100/718-19 йилда вафот этган) – Хуросон волийси Йазид ибн ал-Муҳаллаб

(82 – 85/701 – 704 ва 97 – 99/715 – 717 йилларда ҳукм сурган) нинг ўғли. У 97 – 99/715 – 717 йилларда Хуросонда отасининг ноибни бўлган. 99/717-18 йилда халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз Йазид ибн ал-Муҳаллабни лавозимидан четлатиб, хибсга олганда, Муҳаллад унинг ўрнига Хуросонда волий бўлиб қолди ва ўша йили ал-Буттамни фатҳ этди. Йазид ибн ал-Муҳаллаб Журжонни тарк этиб, Нишопурга келганда, унинг ўғли Мудрик кўп совғасаломлар билан Балхдан келди, Муҳаллад эса унинг олдига Тўхористондан 100 та зотли отлар билан келди. Кейинги йилда у аш-Шомга бориб, халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз билан учрашди ва отасини озод этишни илтимос қилди. Шундан кейин кўп ўтмай у аш-Шомда ўлат (чума) касаллигидан 27 ёшида вафот этган. Унинг Хидош исми ўғли ва Муҳаллад ибн Хидош исмли набираси бўлган. Улар ўз вақтида Журжон ва Хуросонда нуфузли одамлар бўлганлар [Халифа ибн Хаййот: 86; al-Ja‘kubi II: 356, 362; al-Jakubi: 300, 301; at-Tabari II: 1310 – 1314, 1318, 1324, 1329, 1330, 1350, 1351, 1364; ac-Saxmий: 10, 12; Ibn A‘tham VII: 280 – 281, 307, 319 – 320; Гардизи: 33, 34; Jacut I: 456; Ибн Халликон VI: 284 – 287 (№ 331)]. У ҳақида яна қаранг: Crone 1993: 358 – 360; Большаков 2010: 127, 142; аз-Зириклий VIII: 74 – 75.

17. ал-Буттам (البنتم) – Амударё ва Сирдарёнинг юқори оқимлари орасида, Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмаларида Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасида жойлашган тоғли ўлка номининг арабча шакли [Ibn Rosteh: 93; al-Idrisi VIII: 498, 506; Jacut I: 490; II: 171; III: 394]. Муғ тоғидан топилган суғд тилидаги бир ҳужжатда (А-5) бу тоғли ўлка *pyttm 'n* шаклида қайд этилган [Смирнова 1961: 223; Лурье 2004: 42, 78]. VII – VIII асрларда бу тоғли ўлка Панч ҳукмдорига бўйсунган [Якубов 1979: 21 – 24]. IX асрда ал-Буттам ас-Суғд таркибига кириб, унинг ҳукмдори Зу-н-на‘на‘а (ذو النعنة) деб аталган, у арабларга йилига 5 минг дирҳам солиқ тўлаган [Ibn Khordadbeh: 38, 40; Ибн ал-Факих: 100, 101]. Тахмин қилинишича, Зу-н-на‘на‘а VIII аср бошида Панч шаҳрида ҳукм сурган Дивоштиж (ديواشتج) исмли подшоҳнинг хато шаклидир [Ғоибов 1984: 107]. “Худуд ал-‘Олам” да Буттамон (بتمان) деб аталган, матн ҳошиясида эса Фарғал (فرغل) деб ёзилган [Худуд ал-‘Алем: 236]. Ҳозирги даврда Зарафшон водийсининг юқори оқими ҳавзаси Фалғар деб аталади [Якубов 1979: 169 – 170]. Бу ном Фархор (فرخار) номининг ўзгарган бир шаклидир. У эса ўз навбатида санскрит тилидаги *vihara* – “буддавий ибодатхона” номининг маҳаллий тилда қабул қилинган шаклидир. Демак, ҳозирги Фалғар номи X асрда ҳам ишлатилган ва буддизм билан боғлиқ бўлган. Буттам (بنتم) номининг таркибида ҳам *бут* (بت) – “бут” сўзи мавжуд. Этнографик маълумотларга кўра, Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасининг Фандарё водийсида Сардавон номли ерда илгари бутпарастларнинг ибодатхонаси (*бутхона*) бўлган, Такфон қишлоғининг тепасидаги баланд қояларда эса бутпарастлар ибодат қилган гор бўлган [Негматов 1957: 74].

Х асрда бу тоғли ўлка Сурушана вилояти таркибига кирган. У ерда экинзорлар кўп бўлса ҳам, аҳолиси камбағалдир [Худуд ал-‘Алем: 236; Hudud al-‘Alam: 115]. ал-Буттам ўлкаси улкан, баланд ва ўтиб бўлмайдиган тоғлардан иборат бўлган. Уларнинг ҳавоси тоза ва кўкаламзор бўлган, уларда *ат-табархун* номли ўсимлик кўп ўсган. У ерда аҳолиси кўп қишлоқлар бўлган. ал-Буттам тоғларида жуда ҳам мустаҳкам қалъалар бўлган. У ерда олтин, кумуш, тўтиё (*аз-зож*) конлари бўлган, шунингдек у ердан новшадил кўп ўлкаларга ва мамлакатларга олиб кетилган. Бу тоғлар Биринчи ал-Буттам (*البتم الاول*) ёки Ички ал-Буттам (*البتم الداخلي*), Ўрта ал-Буттам (*البتم المتوسط*) ва Ташки ал-Буттам (*البتم الخارجي*) номлари билан машҳур бўлган. Самарқанд, ас-Суғд ва Бухорони суғорган дарё (Зарафшон) Ўрта ал-Буттамдан, Самарқанд дан тахминан 30 *фарсах* масофада жойлашган Жан (*جن*) номли кўлдан оқиб келган. Бу дарёнинг сувлари Бурғар (*برغر*) номли ерга, кейин Бунжикат (*بنجيكث*) орқали Самарқандга оқиб борган. Масхо (*مسخا*) номли тоғдан оқиб чиқувчи сувлар Бурғар дарёсига қуйилган ва Самарқанд дарёси (Зарафшон) га кўшилган. ас-Сағонийон дарёси (Сурхондарё) ва Фарғона дарёси (Сирдарё) Масхо тоғининг орқасида Жан кўли (Искандаркўл) ва Минк яқинидан оқиб ўтган. Минкда Қутайба ибн Муслим “қора кийимлилар” билан жанг қилган. У ерда халифа ал-Му‘тасимнинг энг яқин одами бўлган Буюк ал-Афшин (*الافشين الاكبر*) нинг қалъаси бўлган. ал-Афшин шаҳарда яшаган, бу ерни эса унинг тоза ҳавоси туфайли ўзи учун танлаган [al-Istakhri: 294, 296, 312, 313, 319, 321, 327, 328; Ibn Naukal: 505 – 506; al-Moqaddasi: 296, 340]. Бурғар (*برغر*) ёки Парғар (*پرغر*) ноҳийасидаги Жан кўли араб тилидаги манбаларда *мажма*‘ (*مجمع*) – “тўплам”, *айн* (*عين*) – “булок” ёки *батиха* (*بطيحة*) – “дарёнинг кенг ўзани”, “водий” деб ҳам аталган. “Худуд ал-‘Олам” да бу кўл Дарийожа (*درياجہ*) деб аталган бўлиб, унга Буттамон-и Мийона (*بنمان ميانہ*), яъни Ўрта Буттамон тоғларидан оқиб келувчи 4 та дарё қуйилган. Бу кўлнинг узунлиги 4 *фарсанг*, эни ҳам 4 *фарсанг* [Худуд ал-‘Алем: 4а, 9б, 23б]. Ҳозир бу кўл Искандаркўл деб аталади. Унинг араб манбаларидаги номи Жай (*جي*) деб ўқилиши керак. Чунки қадимги эроний тилларда *жай* (*ژی*) сўзи “сув омбори”, “сув тўпланган ер” маъносини билдирган. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасида шу маънони билдирувчи *жай* сўзи ҳозир ҳам сақланган [Воронина 1950: 57]. Айрим манбалардаги маълумотга кўра, Буттам (*بتم*) Фарғона вилоятидаги мустаҳкам қалъа бўлган [Jасut I: 490; ал-Бақуви: 88]. Биринчи ёки Ички ал-Буттам Туркистон тоғ тизмаси, Ўрта ал-Буттам Зарафшон тоғлари, Ташки ал-Буттам эса Ҳисор тоғларига тўғри келади. XII асрда бу тоғли ўлка Фарғистон Самарқанд (*غرجستان سمرقند*) – Самарқанд Фарғистони деб аталган [ас-Сам‘оний VII: 70]. Фарғистон атамаси суғд тилида “тоғли ўлка” маъносини билдиради. Кейинчалик бу номнинг ўрнига худди шу маънони билдирувчи форсча Куҳистон атамаси ишлатила бошлаган [Воро-

нина 1950: 56]. У ҳақида яна қаранг: Якубов 1979; Негматов 1957: 57; Dehkhoda III: 4363.

## XXI

### Йазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра

1. 82/701-02 йилда ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра вафотидан олдин ўғли Йазиднинг ўзидан кейин волий бўлишини васият қилган эди. Ўша йилда ал-Ҳажжож уни Хуросонга волий этиб тайинлади [at-Tabari II: 1083 – 1085]. ал-Мухаллаб ибн Абу Суфранинг ўғиллари ичида Йазид энг чирой ли, ақли, билимли ва гапга устаси эди [ад-Динаварий: 280]. Лекин ал-Мухаллаб унинг мақтанчоқлиги ва манманлиги учун уни тайинлашдан воз кечган эди. Лекин ал-Ҳажжож унга Йазидни тайинлаш ҳақида мактуб ёзганидан кейин уни тайинлади [ал-Йа‘қубий II: 288]. Йазид Хуросонда 2 йилдан кўпроқ вақт ёки 4 йил давомида волий бўлди [Халифа ибн Хаййот: 79; Гардизи: 30].

2. ‘Абд ар-Раҳмон ибн ал-‘Аббос ибн Раби‘а ибн ал-Ҳорис ибн ‘Абд ал-Мутталиб – Ҳошимийлар оиласига мансуб лашкарбоши. Ал-Ҳажжож ибн Йусуфга қарши бош кўтарган ал-Басра аҳлига бошчилик қилди. Кейин Сижистон волийси ‘Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ибн ал-Аш‘ас (80 – 85/699 – 704 йилларда ҳукм сурган) ал-Басрани тарк этиб, ал-Куфага кетганда, унинг кетидан борди. Кейин улар ал-Куфадан ҳам кетишга мажбур бўлиб, Сижистонда ал-Ҳажжож ибн Йусуфга қарши исён кўтардилар. 83/702-03 йилда у Хуросонга кетиб, у ерда одамларни ўз тарафига оғдиришга ва ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилди. Хуросон волийси Йазид ибн ал-Мухаллаб уни таъқиб қилиб, Ҳаротда мағлубиятга учратди. Шундан кейин ‘Абд ар-Раҳмон ибн ал-‘Аббоснинг тарафдорлари ат-Тирмизга Мусо ибн ‘Абдуллоҳнинг олдига кетди, унинг ўзи ас-Синдга қочди [al-Ja‘kubi II: 332, 333; at-Tabari II: 1066, 1071, 1076, 1104 – 1110, 1115, 1145, 1152; Ибн А‘сам VII: 90, 101; История халифов: 156б; Арабский аноним: 239а; Та‘рих-и Систан: 134]. Ҳошимийлар ҳақида қаранг: Dawn 1971: 263 – 265.

3. ‘Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ибн ал-Аш‘ас ибн Қайс ал-Киндий (85/704 йилда вафот этган) – ал-Йамандаги *кинда* қабиласидан етишиб чиққан машҳур араб лашкарбошиси [ас-Сам‘оний X: 487]. Уни Ибн ал-Аш‘ас деб ҳам атаганлар. 80/699-700 йилда ал-Басра волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф уни Сижистон волийси этиб тайинлади ва Сижистондан шарқда жойлашган Буст *ноҳийасининг* ҳукмдори Рутбилга қарашли ерларни фатҳ этишни буюрди. Ибн ал-Аш‘ас Рутбил билан сулҳ тузди ва Кобулга юриш қилиб, у ердаги бир қанча қалъаларни фатҳ этди, асирлар ва ўлжаларни қўлга киритди. Кейин ал-Ҳажжож унга мактуб ёзиб, мамлакат ичкарасига юришни буюрди. Бу билан ал-Ҳажжож унинг ўша ерда ҳалок бўлишини истаган эди. Ибн ал-Аш‘ас “Рутбил мамлакатига юришни давом эттириш-

дан олдин, унинг ичидаги ва ташқарисидаги йўлларни яхшироқ ўрганиб чиқиш керак”, – деб жавоб берди. Ал-Ҳажжож уни кўрқоклик ва заифликда айблаб, юришни давом эттиришни буюрди, акс ҳолда унинг ўрнига укаси Исҳоқ ибн Муҳаммадни волий этиб тайинлашини айтди. Ибн ал-Аш‘ас ал-Ҳажжожнинг мактубини одамлари билан муҳокама қилди ва улар ал-Ҳажжожнинг буйруғига бўйсунмасликга ва унга қарши чиқиб, уни ал-‘Ироқдан ҳайдашга қарор қилдилар. Шундай қилиб, 81/700-01 йилда Сижистонда ал-Ҳажжож ибн Йусуфга қарши исён кўтарилди. Исёнкорлар халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвонни ҳам рад этдилар. Хуросондаги ал-Йаман араблари уларни қўллаб-қувватладилар. Ўша йили исёнкорлар ал-Ҳажжожга қарши ал-‘Ироқ томонга йўл олдилар. Улар ўртасида бир нечта жанглар бўлиб ўтди, уларда Ибн ал-Аш‘ас ғалаба қозониб, Сижистондан ташқари Кирмон, ал-Басра ва Форс вилоятлари унинг қўл остига ўтди. Хуросонда эса ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра Умавийларнинг волийси эди. Кейин ал-Басра исёнкорларнинг қўлидан чиқди ва улар ал-Куфани қўлга олдилар. Ал-Ҳажжож уларга қарши қўшин юбориб, Дайр ал-Жаможим номли ерда 103 кун давомида жанглар олиб борди. Исёнкорларнинг сони 60 мингга яқин бўлса ҳам, улар ал-Куфадан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Кетма-кет жангларда мағлубиятга учраган исёнкорлар Сижистонга қочдилар. 83/702-03 йилда Хуросон волийси Йазид ибн ал-Муҳаллаб уларга қарши қўшин юборди. Исёнкорлар мағлубиятга учраб, аста-секин тарқалиб кетдилар, уларнинг бир қисми ‘Абд ар-Раҳмон ибн ал-‘Аббосга қўшилди, қолганлари ат-Тирмизга Мусо ибн ‘Абдуллоҳнинг олдига кетди. Ибн ал-Аш‘ас эса бир гуруҳ тарафдорлари билан қолди ва Рутбил олдига қочди. Ал-Ҳажжож Рутбил олдига 30 та отлик билан 1 млн. 400 минг дирҳам пул юборди. Унга ёзган мактубда ал-Ҳажжож ундан Ибн ал-Аш‘асни ҳибсга олишни ва ўлдиришни талаб қилди, акс ҳолда унга қарши қўшин юбориш билан кўрқитди. Рутбил унинг таҳдидларидан кўрқиб, 85/704 йилда Ибн ал-Аш‘асни ҳибсга олди ва уни отлиқларга топширди. Уни темир билан кишанлаб, ал-Ҳажжож олдига олиб кетдилар. Элчилар йўлда бир ерда тунув учун тўхтаганларида, Ибн ал-Аш‘ас баланд бир иморатнинг устига чиқиб, ўзини ерга ташлади ва ўлди. Унинг бошини ал-Ҳажжожга, у эса халифа ‘Абд ал-Маликга, у эса Мисрга укаси ‘Абд ал-‘Азизга юбордилар [Ibn Saad VI: 273; al-Ja‘kubi II: 331 – 334, 372; ал-Йа‘кубий II: 290 – 293; at-Tabari II: 59, 231, 261, 733, 739, 740, 748, 826, 930 – 933, 937 – 939, 941, 961, 1042, 1104 – 1109, 1152, 1158, 1988; Macoudi V: 302 – 305, 339, 340, 355, 356; VI: 217; el-Maqdisi VI: 35 – 37; Ibn A‘tham VII: 107 – 119; История халифов: 756, 1166, 123а, 1306 – 137а, 1576, 158а; Гардизи: 30 – 31; Та’рихи Систан: 131, 133, 134; Jacut II: 652, 685, 911; IV: 175; Ибн Халликон I: 251, 252; II: 38, 39, 44, 45, 372, 373; III: 14, 126; IV: 310; Ибн Халдун III: 61 – 68]. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 1968: 55 – 56; аз-Зириклий IV: 98 – 99; Dehkhoda X: 15705.

4. ар-Руқод ибн ‘Убайд (Зийод) ибн Ҳумом ал-‘Атакий ал-Аздий (83/702-03 йилда вафот этган) – арабларнинг *ал-азд* қабиласининг *атик* (عتيك) уруғига мансуб лашкарбоши [ас-Сам‘оний VIII: 387]. У Хуросон волийси ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг миршаблар бошлиғи (صاحب الشرطة) ва энг яқин одамларидан бири бўлган. У 83/702-03 йилда Ҳаротда Умавийларга қарши бош кўтарган ‘Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ибн ал-Аш‘аснинг та-рафдорлари томонидан ўлдирилган [at-Tabari II: 1004, 1106, 1501; Jacut II: 560].

5. ал-Ҳажжож ибн Йусуф билан ‘Абд ар-Раҳмон ибн Муҳаммад ибн ал-Аш‘ас ўртасида ҳаммаси бўлиб 80 та жанг бўлиб ўтди [Гардизи: 30].

6. ат-Табарийга кўра, бу юришни Йазид 83/702-03 йилда укаси ал-Муфаддал билан амалга оширди. Улар жангда ғалаба қозониб, катта ўлжа ва асирларни қўлга киритдилар. Кейин Йазид Марвга қайтди, асирларни эса ал-Ҳажжожга юборди [at-Tabari II: 1104 – 1109].

7. ас-Синд (السند) ёки (سند) – Ҳиндистон ярим оролининг ғарбий қисмида жойлашган вилоят [Haig, Bosworth, Ansari 1997: 632 – 638; Dehkhoda IX: 13786]. Унинг худудлари шарқда Меҳрон (ёки Ҳинд) дарёси ва Форс денгизи, жанубда Буюк денгиз, ғарбда Кирмон ва Сижистон, шимолда эса Хуросон чўли билан туташ бўлган. Унинг иқлими иссиқ, унда чўллар кўп, тоғлар кам бўлган. Исломдан олдин ас-Синд вилоятида Мукроншоҳ ва Гиганшоҳ унвонли подшоҳлар ҳукм сурганлар. Халифа Му‘овийа ибн Абу Суфйон (41 – 60/661 – 680 йилларда ҳукм сурган) ва Хуросон волийси Зийод ибн Абу Суфйон ҳукмронлиги даврида Синон ибн Салама ибн ал-Муҳаббик ал-Ҳазалий томонидан ас-Синдга қарашли Мукрон шаҳри фатҳ этилган. Шундан кейин ас-Синд мамлакатининг бошқа шаҳарлари ҳам бирин-кетин араблар томонидан фатҳ этилган [al-Beladsori: 431 – 446].

X асрда ас-Синд еридан карвон йўли ат-Туббат ва ас-Син томонга кетган. У ерда Мукрон, Турон, ал-Будҳа, ал-Қандаҳор (Гандхара), ал-Мултон, ал-Қикон, ад-Дайбул, Армабил, Кандабил, ал-Мандал, Садусон сингари шаҳарлар ва *ноҳий*алар бўлган. Бу вилоятнинг бош шаҳри ал-Мансура (المنصورة) бўлган. Унинг маҳаллий номи Браҳманобод бўлган. Бу шаҳарнинг катталиги бўйига ҳам, энига ҳам 1 *милга* тенг бўлган. Унинг аҳолисини мусулмонлар ташкил этган. Уларнинг кийимлари ал-‘Ироқ аҳлининг кийимларига ўхшаш бўлган. Фақат ҳукмдорнинг кийиниши ал-Ҳинд подшоҳларининг кийимларига ўхшаш бўлган. Шаҳарнинг жоме‘ масжидида *хутба* халифа номига ўқилган. У ерда ҳурмо меваси кўп ўсган. Узум, олма, нок ва банан эса бўлмаган. У ерда шакар қамич етиштирилган. Олмадан каттароқ бўлган *лимун* (ليمون) номли мева ҳам ўсган. Унинг мазаси жуда ўткир ва нордон бўлган. Шафтолига ўхшаш мева ҳам бўлган. Маҳаллий тилда у *ал-анбаж* (الانبعج) деб аталган, таъми олхўрига ўхшаган. У ерда тупроқ унумдор бўлгани туфайли, мевалар кўп, нархлари эса жуда арзон бўлган. Уларнинг пуллари *дирҳам* ва *динор* бўлган.

Ас-Синд вилоятининг иккинчи катта шаҳри ал-Мултон (الملتان) бўлиб, у Фурж байт аз-заҳаб (فرج بيت الذهب) – “Олтин уйининг тешиги” деб ҳам аталган. У ал-Мансурадан икки баробар кичик бўлган, лекин унда ҳиндларнинг муқаддас санами жойлашган ибодатхона бўлган. Ҳиндлар ҳамма ерлардан бу ерга келиб, бу санамни зиёрат қилар, унга ибодат қилар ва ибодатхона ходимларига хайр-эҳсонлар эдилар. Бу ибодатхона шаҳар бозорининг ўртасидаги энг обод ерда жойлашган. Санам ибодатхонанинг катта гумбази тагида турган. Унинг атрофларида эса ибодатхона ходимлари ва ўзини ибодатга бағишлаган одамлар яшаганлар. Ал-Мултондаги бутпарастлар ал-Ҳинд бутпарастларидан фарқли бўлганлар. Улар ибодат қиладиган санам ганч ва пишиқ ғиштдан ёки ёғочдан ясалган. У инсон кўринишида бўлиб, курсида чордона қуриб ўтирган. Унинг 4 та қўли бўлиб, иккитаси икки тиззасида, яна иккитаси букилган ҳолатда бўлган. Унинг бада ни қизил чармга ўхшаш мато билан қопланган, икки кўзи эса катта жавҳар тошларидан иборат бўлган. Бошида олтин тож бўлган. Баъзан ал-Ҳинд аҳолиси ал-Мултонга қарши уруш қилган вақтларда, улар бу санамни ибодатхонадан чиқариб, уни синдираб ёки ёқиб юборар эдилар. Бу санамга келтирилган хайр-эҳсонларнинг ҳаммасини ал-Мултон амири олган, ибодатхона ходимларига эса нафақа тўлаб турган. Ал-Мултон амири қурайш қабиласига мансуб бўлиб, шаҳардан ярим *фарсах* масофада жойлашган ҳарбий қароргоҳда яшаган. У шаҳарга фақат жум‘а кунлари жамоа билан намоз ўқиш учун филга миниб келган. У ал-Мансура амиридан мустақил бўлган, шунинг учун ал-Мултон жоме‘ масжидида *хутба* фақат халифа номига ўқилган [Ибн Хордадбех: 61, 74, 75, 76, 79 – 82, 123 – 125, 133, 138, 139; Ibn al-Fakih: 6, 7, 9, 11, 15, 16, 35, 59, 161, 251, 257, 258; at-Tabari II: 1200, 1721, 1726; al-Istakhri: 4, 11, 29, 35, 170 – 180; Ibn Naukal: 317 – 330; al-Moqaddasi: 33, 53, 60, 64, 474, 476, 479 – 486; Худуд ал-‘Алем: 26, 66, 13а, 26а; ас-Сам‘оний VII: 694 Jacut IV: 612 – 614]. Ҳозирги Покистон таркибида Синд номли туман бор, лекин унинг ҳудудлари илк ўрта асрлардаги Синд вилоятининг ҳудудларига мос келмайди. IX – X асрлардаги ас-Синд вилояти ҳозирги Эрондаги Белужистон вилоятидан Ҳиндистондаги Ҳинд дарёсигача бўлган ерларни ўз ичига олган. У ҳақида яна қаранг: Le Strange 1905: 329 – 333; Бартольд 1963: 243; 1971: 96, 111, 142, 150 – 151, 157, 230, 484; de Meynard 1861: 324; Колесников 1982: 129.

8. Бошқа маълумотга кўра, Ибн Аш‘ас Сижистон ва Забулистон подшоҳи Рутбилнинг олдига Кобулга кетди [at-Tabari II: 1106; Гардизи: 30; Та’рих-и Систан: 134].

9. Ундан олдин 84/703-04 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллаб Хуросондаги Бодғис вилоятига келди ва Низак Тархоннинг у ерда йўқлигидан фойдаланиб, унинг қалъасини қўлга олмоқчи бўлди. Низак бу ҳақида хабар топиб, орқасига шошилди ва Йазид билан сулҳ тузди. Низак қалъадаги ҳамма мол-мулкларни Йазидга топшириш ва оиласи билан қалъани тарк этишга

рози бўлди. Низак ўзининг қалъасини жуда ҳам яхши кўрар ва унга таъзим қилар эди [at-Tabarī II: 1129 – 1131].

10. 85/704-05 йилда ал-‘Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф Йазид ибн ал-Муҳаллабга мактуб ёзиб, Х<sup>в</sup>оразмга юриш қилишни буюрди. У эса “Эй, амир! Х<sup>в</sup>оразмда ўлжа кам, у ерга қишда юриш қилиш қийин” деб жавоб берди. Шунда ал-Ҳажжож унга: “ўрнингга одам қолдириб, ўзинг бу ёққа кел” деб буюрди. Кейин Йазид “Майли мен Х<sup>в</sup>оразмга юриш қиламан” деди. Лекин ал-Ҳажжож унга рад жавобини берди. Йазид унга қулоқ солмасдан Х<sup>в</sup>оразмга йўл олди. Х<sup>в</sup>оразм аҳли у билан сулҳ туздилар. Йазид у ердан сулҳ шартларида кўрсатилган асирларни олиб, қиш бўлса ҳам орқага қайтди. Йўлда қаттиқ совуқ бошланди. Араблар асирлардан уларнинг кийимларини тортиб олдилар, асирлар эса совуқдан ҳалок бўлдилар [at-Tabarī II: 1142 – 1143].

## XXII

### ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра

1. Абу Ғассон ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра ал-Аздий ал-‘Атакий (102/720-21 йилда вафот этган) – Хуросон волийси ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра (78 – 82/697 – 702 йилларда ҳукм сурган) нинг ўғли. 82/701-02 йилда у Ҳарот ҳокими бўлиб, Сижистон волийси ‘Абд ар-Раҳмон ибн ал-Аш‘асга қарши жанг олиб борди ва унинг кўп тарафдорларини асирга олди. 83/702-03 йилда у акаси Йазид ибн ал-Муҳаллабнинг лашкарбашиларида бири бўлган, 85/704-05 йилда ал-Ҳажжож ибн Йусуф уни Хуросон волийси этиб тайинлади. Бу лавозимида у 7 ой бўлиб, ўша йилда Бодғисга юриш қилди ва ат-Тирмиз қалъасида Мусо ибн ‘Абдуллоҳни қамал қилди. Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик (96 – 99/715 – 717 йилларда ҳукм сурган) халифа бўлганда, уни Фаластинга волий этиб тайинлади. Кейин акаси Йазид ибн ал-Муҳаллаб ал-‘Ироқда Умавийларга қарши кўтарган исёнда иштирок этди. Йазид ўлдирилгандан кейин ал-Муфаддал аввал Воситга, кейин ас-Синд вилоятига кетди. У жангларда бир кўздан айрилган эди. Маслама ибн ‘Абд ал-Малик унга қарши урушга Ҳилол ибн Аҳваз ат-Тамимийни юборди. Улар орасида ас-Синд пойтахти Қандобил шаҳри ёнида 102/720-21 йилда бўлган жангда Умавийларнинг қўшини ғолиб келди ва бу жангда ал-Муфаддал ҳалок бўлди [Халифа ибн Хаййот: 75, 89; al-Jakubi: 300; al-Ja‘kubi II: 330, 342; ал-Йа‘қубий II: 288, 299; at-Tabarī II: 1083, 1107 – 1108, 1138 – 1145, 1161, 1164; Masoudī V: 454 – 458; VI: 264; Ibn A‘tham VII: 204 – 205; Гардизи: 31; Та’рих-и Систан: 134; ас-Сам‘оний I: 198; Jacut II: 907; Ибн Халликон VI: 288, 290, 291, 292, 307]. У ҳақида яна қаранг: Crone 1993: 358 – 360; Gibb 1923: 27 – 28; Большаков 2010: 51, 73, 74, 79, 153, 178, 292, 294, 296, 297, 315; аз-Зириклий VIII: 205; Dehkhoda XIV: 21272.



2. Йазиднинг укаси ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб 85/704-05 йилда Хуросон волийси этиб тайинланди [at-Tabari II: 1138 – 1144].

3. Бодғисни фатҳ этгандан кейин ал-Муфаддал катта ўлжа қўлга киритди ва аскарларга бўлиб берди. Унинг ҳар бир аскарига 800 дирҳамдан тегди [at-Tabari II: 1144].

4. Шумон (شومان) – ас-Сағонийон ва ал-Хуттал орасида Вошжирддан 4 *фарсах* [Ibn Khordadbeh: 34; Kodama: 211] ёки 2 *марҳала* [al-Istakhri: 340; Ibn Naukal: 519], ас-Сағонийондан эса 12 [Гардизи: 73] ёки 16 *фарсах* масофада жойлашган шаҳар [Ibn al-Athir VIII: 153]. Унинг номи Сумон шаклида ҳам қайд этилган [Фирдоуси VIII: 158, 186]. Исломдан олдин Шумон Тўхористон *йабғу*ларига қарашли алоҳида вилоят бўлиб, унинг маҳаллий подшоҳига қўшни Охарун (أخرون) шаҳри ҳам тобе бўлган [al-Beladsori: 417, 419; at-Tabari II 1144, 1145, 1179 – 1181, 1184, 1228, 1447]. Шумон қалъасининг ичида чуқур кудук бўлган [at-Tabari II: 1228; История халифов: 151a]. Хитой манбаларига кўра, VII асрда Су-ман *хи-су* номли туркий қабиладан келиб чиққан Чи-го-йен-на (Чағонийон) подшоҳига қарашли бўлган. Бу вилоят ғарбдан шарққа 4 кунлик йўл, жанубдан шимолга эса 1 кунлик йўл масофага чўзилган. Унинг ҳукмдори *хи-су* номли туркий қабиладан бўлган. Суман шаҳри унча катта бўлмаса ҳам, унда 2 та буддавий ибодатхонаси бўлган [Julien 1857: 20]. Бошқа хитой манбасида эса Су-ман Хи-су (Ки-су) вилоятининг бош шаҳри деб кўрсатилган. Уларга қўшни бўлган Хо-ру-мо (Охарун) шаҳрининг ҳукмдори ҳам *хи-су* қабиласидан бўлиб [Watters 1904: 267 – 274], у ҳам Су-ман ҳукмдорига бўйсунган. 718 йилда Су-ман подшоҳи Тўхористон *йабғусига* бўйсунган, унинг қўл остида эса 50 минг аскар бўлган [Chavannes 1903: 199, 276]. 91/709-10 йилда Қутайба ибн Муслим Шумон қалъасини қамал қилиб, унинг деворларини *манжаниқ* (катапульта) билан отиб бузган, Шумоннинг подшоҳи Ғуштасбонни эса ўлдирган [at-Tabari II 1228]. IX асрнинг биринчи ярмида Шумон Ҳошим ибн Боничурга қарашли вилоятнинг чегарасидаги шаҳар бўлган [al-Jakubi: 291]. IX асрнинг иккинчи ярмида Тўхористон вилоятлари қаторида Шумон ўрнига Охарун қайд этилган [Ibn Khordadbeh: 34 – 37; Та’рих-и Систан: 65]. X асрда Шумон маъмурий жиҳатдан ас-Сағонийон таркибига кирган [al-Moqaddasi: 49, 284, 268, 346; Беруни 1973: 468]. Шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашган ва мудофаа деворлари билан ўралган, унинг қалъаси эса тоғ тепасида эди [Hudud al-‘Alam: 115]. Шумон ислом мамлакатининг чегарасида жойлашган, унинг аҳли кучли бўлиб, султонга итоат этмаганлар [ас-Сам’оний VII: 412; Jacut III: 337]. XV – XVII асрларда Шумон шаҳри Ҳисор-и Шодмон деб аталган бўлиб, у Ҳисор беклигининг маъмурий маркази бўлган. Унинг номидаги Шодмон сўзи Шумон номининг бузилган шаклидир. Демак илк ўрта асрларидаги Шумон шаҳри ҳам шу ерда бўлган [Бартольд 1965: 320]. Бошқа фикрга кўра, ўрта асрларда Шумон шаҳри Варзоб дарёси бўйида, ҳозирги Душанба шаҳрида жойлашган Шишихона

харобалари ўрнида бўлган [Гоибов 1989: 32]. У ҳақида қаранг: Камалиддинов 1996: 149 – 156; Bosworth 1997: 500 – 501; Dehkhoda X: 14580.

5. Охарун (أخرون) ёки Харун (خرون) – илк ўрта асрларда Шумон ёнида жойлашган ва унга қарашли бўлган шаҳар [Jacut II: 429]. Бу шаҳар атрофларидаги *рустоқ*лари билан Сурхондарё ва Кофирниҳон дарёлари водийларининг орасида жойлашган. Хитой тилидаги манбаларда бу шаҳарнинг номи Хо-ру-мо ёки Ху-лу-йен шаклларида келтирилган. Тахминан 630 йилда бу ерларни зиёрат қилган Сюан Цзаннинг маълумотида кўра, Хорумо шаҳри Чи-го-йен-на, яъни Чағонийондан шимолда жойлашган, унинг ҳукмдори эса туркларнинг *хи-су* номли уруғига мансуб бўлган. У келган вақтда бу ерда иккита буддавий монастири ва 100 га яқин коҳинлар бўлган. Унга қарашли бўлган ерлар бўйига узун, энига эса тор, яъни чўзиқ шаклда бўлган [Julien 1857: 20]. Бу маълумотдан аён бўладики, VII асрнинг биринчи ярмида Охарун/Харун алоҳида маъмурий бирликни ташкил этган бўлиб, унинг *хи-су* уруғига мансуб туркий ҳукмдори Шумондан мустақил бўлган. Хитойнинг Тан сулоласи (VI – X асрлар) нинг йилномаси (“Тан-шу”) да келтирилган маълумотга кўра, 658 – 659 йилларда Фарбий Турк хоқонлигига қарашли бўлган ерларда хитой раҳбарияти томонидан ўтказилган маъмурий ислохотдан кейин Ху-лу-йен (Харун) ерлари Су-ман (Шумон) ерлари билан бирлаштирилиб, улардан Тьен-ма номли вилоят ташкил этилган, Ху-лу-йен шаҳри эса ундаги икки тумандан бирининг маъмурий маркази бўлган [Chavannes 1903: 276]. Шундай қилиб, Охарун билан Шумон шаҳарларининг бирлашуви арабларнинг келишидан бироз олдин, яъни VII асрнинг 3-чорагида юз берган. Шунинг учун илк ислом даврининг манбаларида Охарун/Харун доим Шумон билан бирга қайд этилган. 85/704 йилда Охарун ва Шумоннинг Ғуштасбон (غشتاسبان) исмли подшоҳи араблар билан сулҳ тузган Чағонийон подшоҳи Тишга қарши ҳужум қилган. Уни 91/709-10 йилда Қутайба ибн Муслим ўлдирган. Шундан кейин Шумон ерлари ҳам араблар билан сулҳ тузган Охарун ҳукмдорининг ихтиёрига ўтган бўлса керак. Чунки 104/722-23 йилда Охарун ва Шумоннинг Ғурам (غورم) исмли подшоҳи суғдларнинг Панч ҳукмдори Деваштич бошчилигидаги кўзғолонини бостиришда араблар томонида иштирок этган [at-Tabari II: 1049, 1144, 1179 – 1181, 1144, 1228, 1447]. IX асрда Охарун Шумондан алоҳида маъмурий бирликни ташкил қилган, Шумон эса Чағонийон таркибига кирган [Та’рих-и Систан: 65]. 211 – 212/826 – 827 йилларда Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн Тохир ғазнашига Хуросон вилоятларидан йиғилган солиқ рўйхатларида ҳам Охарун алоҳида маъмурий бирлик сифатида қайд этилган [Ибн Хордабех: 68; Ибн ал-Факих: 99]. Худди шу маълумот баъзи бошқа манбаларда ҳам келтирилган [Kodama: 243; Та’рих-и Систан: 65]. Лекин X – XII асрлар ва ундан кейинги даврда ёзилган манбаларда Охарун ёки Харун топоними тилга олинмаган. Эҳтимол, Сомонийлар даврида Охарун шаҳри таназзулга учраган ва маъмурий жихатдан Чағонийон таркибига

киритилган. Охаруннинг ўрнига аста-секин яна Шумон шаҳри юксала бошлаган. IX – X асрларда Чағонийонда маҳаллий аслзодалардан чиққан қудратли Муҳтожийлар сулоласи ҳукм сурган [Ртвеладзе 1980: 231 – 236].

Илк ўрта асрлардаги Охарун шаҳрининг жойлашган ўрни ҳақида турлича фикрлар айтилган. Баъзи олимларнинг фикрича, Охарун шаҳрининг харобалари Қоратоғ дарёси водийсидаги Қоратоғ шаҳри ёнида жойлашган бўлиб, Шаҳр-и Нав деб аталади [Дьяконов 1950: 185; Пугаченкова 1966: 26]. Лекин Шаҳр-и Нав харобаларида ҳаёт фақат антик даврда давом этган бўлиб, илк ўрта ўрта асрларда эса бу шаҳар хароба ҳолатда ётган [Давидович 1956: 76 – 77]. Бошқа фикрга кўра, Охарун шаҳрининг харобалари Пахтаобод шаҳридан 4 км жануби-шарқдаги Ширкент қишлоғининг чеккасида Ширкент дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, Ўзбеконтёпа деб аталади [Зеймаль 1961: 128, 135 – 136]. Бизнингча, X асрда Охарун шаҳри Ҳомаварон (هاموران) деб ҳам аталган, XI асрдан бошлаб эса Қоратоғ деб аталган. Қорахонийлар даврида (X – XII асрлар) Қоратоғ ва Ширкент дарёларининг водийлари йирик тоғ-кон саноатининг марказига айланиб, у ерлардаги тоғлардан кўп миқдорда темир ва рангли маъданлар қазиб чиқарилган. Кончилик ишлари билан шуғулланган аҳолининг асосий қисмини турклар ташкил этган. Шунинг учун эски нотаниш номлар ўрнига туркча Қоратоғ номи муомалага киритилган [Камалиддинов 1996: 152 – 156]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 125; 1965: 320; Minorsky 1970: 337.

6. ал-Муфаддалнинг ғазнаси йўқ эди. У нимани кўлга киритса, ҳаммасини одамларга бўлиб берар эди. Шунинг учун ҳамма одамлар, камбағаллар ҳам, бойлар ҳам, унинг қўл остига ўтишга интилар эдилар [at-Tabari II: 1144 – 1145].

### XXIII

#### Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий қўзғолони

1. Хуросон волийси ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий (64 – 72/683 – 692 йилларда ҳукм сурган) 70/689-90 йилда Фарғонада *тамим* қабиласига мансуб арабларни қирғин қилгандан кейин бундан халифанинг ғзаби келишига ақли етди ва ўзининг тақдирига хавф туғилганини сизди. Марвга келгандан кейин у ўғли Мусога ўзининг мол-мулкани топшириб, “Балх дарёсидан кечиб ўт ва Мовароуннаҳрдаги бирор подшоҳнинг саройидан паноҳ топ ёки у ерда бирор мустаҳкам қалъа топиб, ўша ерда қол”, – деди, ўзи эса Нишопурга кетди. Мусо 220 та аскар билан Марвдан йўлга чиқди ва Омулга келди. Бу ерда унга безори ва дайдилар қўшилиб, унинг аскарларининг сони 400 га етди. Мусо Омулдан Заммга йўл олди, йўлда унга яна араблар келиб қўшилди. Улар Замм аҳли билан жанг қилиб, шаҳарни эгалладилар ва у ерда кўп бойликлар қўлга киритдилар. Шундан кейин Мусо қўшин билан дарёдан кечиб ўтди [at-Tabari II: 1145 – 1146].

2. Аввал Мусо Бухорога келди ва унинг ҳукмдоридан паноҳ сўради. Лекин Бухоро ҳукмдори ундан хавфсираб, уни шаҳарга киритмади, лекин унга пул, отлар ва кийим-кечаклар юборди. Кейин Мусо Бухоро вилоятидаги Нуқон қишлоғида бир дехқоннинг уйида тўхтади ва у ерда бир неча ой турди. Кейин у ўзига мустаҳкам қалъа қидириб, яна йўлга чиқди ва Самарқандга етиб келди [at-Tabari II: 1146].

3. Тархун (طرخون) – суғд. *trywn*, VIII аср бошларида Самарқандда ҳукм сурган подшоҳнинг исмига айланган унвонларидан бири. У яна Самарқанд *ихшиди* ва Суғд *афшини* унвонларига ҳам эга бўлган, тахминан 81 – 91/700 – 710 йилларда ҳукм сурган. У арабларга бўйсунгани учун суғд аслзодалари уни тахтдан ағдардилар, кейин уни ўлдирдилар. Қутайба ибн Муслим фурсатдан фойдаланиб, ўзини унинг тўкилган қони учун қасоскор деб эълон қилди [al-Ja‘kubi II: 342, 344; al-Ja‘kubi II: 342 – 244; at-Tabari II: 1146, 1249, 1152, 1160, 1204, 1127 – 1234]. Тархун (*Trywn*) Муғ тоғидан топилган суғдча ҳужжатларда [СДГМ II: 17, 23, 25], хусусан, 101/719-20 йилда амир ал-Жарроҳнинг Панч ҳукмдори Деваштичга ёзган мактубда ҳам қайд этилган [Крачковская, Крачковский 1934: 59 – 73]. Баъзи маълумотларга кўра, Тархун ўзидан олдин ҳукм сурган ва турк ҳамда суғд аслзодалари томонидан тахтга ўтқизилган *ихшид* Ғуракнинг қариндоши бўлган. Ғуракнинг набираси ҳам Тархун деб аталган [al-Nasafi: 456 (№ 786)]. Суғд тангаларида Тархун исми суғд ҳужжатларидаги билан бир хил *Trywn* шаклида ёзилган [Смирнова 1981: 423 – 424]. Хитой манбаларида бу исм Тухунь (*t‘uət-xuən*) шаклида келтирилган [Chavannes 1903: 136; Бичурин II: 311]. Баъзи фикрларга кўра, Самарқанд *ихшиди* Тархун ва Панч *афшини* Деваштич аслида бир шахс бўлган [СДГМ I: 42 – 45]. Лекин бу фикрни инкор этувчи бир қатор далиллар мавжуд [СДГМ II: 63 – 69; Frye 1951: 123 – 124].

Тахмин қилинишича, Тархун исми туркча *тархон* (طرخان) исмидан келиб чиққан [СДГМ I: 44], чунки ал-Беруний *тархун* сўзини исм сифатида эмас, балки Самарқанд подшоҳларининг унвони деб қайд қилган [Бируни 1957: 112]. Ҳақиқатан, айрим манбаларда Самарқанднинг подшоҳи Тархон [Ибн Халликон: 69], Самарқанд туркларининг подшоҳи ҳам Тархон деб аталган [al-Beladsori: 413; el-Maqdisi VI: 15; Ибн А‘сам VII: 147]. Абу Са‘д ас-Сам‘онийнинг асарида ат-Тархуний (الطرخوني) *нисбаси* қайд этилган бўлиб, бу *нисба* Тархун (طرخون) исмли оила аждодининг исмидан ясалган. Унинг авлодлари эса Бухоро шаҳрида яшаганлар [ас-Сам‘оний VIII: 229 – 230]. Шундай қилиб, Тархун исми, афтидан, туркий *тархон* унвонининг суғд тилида қабул қилинган шакли бўлиши мумкин [Frye 1951: 117, 121]. Тархун исмининг келиб чиқиши ҳақида қаранг: Frye 1951: 105 – 129. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 41 – 42; Dehkhoda X: 15412 – 15414.

4. Самарқанд хукмдори Тархун Мусо ва унинг одамларига омонлик кафолати ва паноҳ бериб, шаҳарда қолишга рухсат берди. Араблар Самарқандда қолиб, у ерда маълум вақт яшадилар [at-Tabari II: 1146].

5. ас-Суғд аҳлининг бир одати бор эди. Ҳар йилнинг маълум кунда майдонда дастурхон ёзилиб, унга ёғли гўшт, нон ва шароб қўйилар эди. Бу дастурхон энг кучли саркарда учун махсус ёзилар эди ва ундан бошқа ҳеч ким ўша кун бу таомларга қўл теккиза олмас эди. Кимда-ким бу дастурхонга қўл узатса, ўша саркардани жангга чақирган бўлар эди. Улар яккама-якка жанг қилганда, ким ғолиб бўлса, дастурхон ўшаники бўлар эди. Мусонинг шерикларидан бири ўша саркарда билан жанг қилмоқчи бўлди ва унга атаб ёзилган дастурхондаги таомларни еб қўйди. Суғд саркардаси ғазабланиб, уни жангга чақирди. Мусонинг шериги у билан яккама-якка жанг қилиб, уни ўлдирди [at-Tabari II: 1146].

6. ас-Суғд хукмдори арабларга “Мен сизларга паноҳ бердим, ҳурмат-иззат қилдим, сизлар эса ас-Суғд саркардасини ўлдирдинглар. Агар мен сенга ва одамларингга омонлик кафолатини бермаганимда, ҳаммангизни қириб ташлаган бўлар эдим. Менинг еримни тарк этинг”, – деди. Шундан кейин Тархун Мусога совға-саломлар бериб, уни кузатиб юборди [at-Tabari II: 1146 – 1147].

7. Мусо Самарқандни тарк этиб, Кешга йўл олди. Кеш эса Тархунга тобе бўлган шаҳар эди. Кеш хукмдори Тархунга мактуб ёзиб, ундан ёрдам сўради. Тархун Кешга етиб келди. Мусо 700 аскар билан унга қарши чиқди ва кечгача жанг қилиб, кўп одамларини йўқотди. Тонг отгандан кейин, у Тархунга одам юбориб, у билан музокара олиб борди. Шундан кейин Тархун Мусони таъқиб қилмади ва Кешни тарк этишига йўл очиб берди. Мусо Кешни тарк этиб, ат-Тирмизга йўл олди [at-Tabari II: 1147].

8. Мусо ат-Тирмизга келиб, аввал шаҳар ташқарисида яшовчи бир деҳқоннинг уйида тўхтади. У деҳқон эса ат-Тирмиз хукмдори тирмизшоҳнинг душмани эди. Деҳқон Мусога “Тирмизшоҳ жуда ҳам мағрур одам ва ўзининг шаънини юксак қадрлайди. Агар сен унга совға-саломлар бериб, унга илтифот қилсанг, у сени ўзининг қалъасига киритади”, – деди. Мусо унинг айтганини қилиб, тирмизшоҳга совға-саломлар юборди ва унга кўп илтифотлар кўрсата бошлади. Улар орасида яхши муносабатлар ўрнатилди. Тирмизшоҳ қалъадан чиқиб, Мусо билан бирга ов қилди. Кейин тирмизшоҳ Мусони 100 нафар шериклари билан қалъа ичида нонушта қилишга меҳмонга таклиф қилди. Мусо аскарларидан 100 кишини танлаб, улар билан отларда қалъа ичига кириб борди [at-Tabari II: 1147 – 1148].

9. Араблар ат-Тирмиз аҳлидан кўп одамларни ўлдирдилар, қолганлар эса шаҳардан қочдилар. Араблар уларнинг уйларига кириб, уларни эгалладилар. Мусо шаҳарни қўлга олиб, тирмизшоҳга “Сен шаҳарни тарк этсанг, мен сенга ва одамларингга қаршилик қилмайман”, – деди [at-Tabari II: 1148].

10. Турклар “Биз улар билан Кешда жанг қилганмиз, бошқа улар билан жанг қилмаймиз”, – дедилар. Шундай қилиб, Мусо одамлари билан ат-Тирмизда қолди, Уларга қолганлар ҳам келиб қўшилди, уларнинг сони 700 киши эди [at-Tabari II: 1148].

11. 72/691-92 йилда Мусонинг отаси ‘Абдуллоҳ ибн Хозим Хуросонда ҳалок бўлгандан кейин унинг тарафдорларидан 400 киши ҳам ат-Тирмизга Мусонинг олдига келиб, қўшилдилар. Шундай қилиб, Мусонинг кучлари кўпайиб, араблар шаҳардан чиқиб, атрофдаги ерларга юришлар қила бошладилар [at-Tabari II: 1148].

12. Турклар ат-Тирмизга Мусонинг олдига элчилар юбордилар, лекин улар билан жанг қилишга ботинмадилар. Хуросонга Умайя ибн ‘Абдуллоҳ (74 – 78/693 – 698 йилларда ҳукм сурган ) волий бўлганда, 77/696-97 йилда *ал-хузо ‘а* қабиласидан бўлган бир лашкарбоши бошчилигида ат-Тирмизга Мусо ибн ‘Абдуллоҳга қарши катта қўшин юборди. ат-Тирмиз аҳли турклар билан келиб, арабларга Мусога қарши курашда ёрдам бердилар. Улар Мусо билан жанг қилиб, уни 2 ёки 3 ой давомида қамал қилдилар [at-Tabari II: 1148 – 1150].

13. Бир куни кечаси Мусо 400 нафар аскар билан қалъадан чиқиб, туркларга тўсатдан ҳужум қилди ва уларни мағлубиятга учратиб, уларнинг қурол-яроқлари ва мол-мулкларига эга бўлди. Араблардан фақат 16 киши ҳалок бўлди [at-Tabari II: 1150]. Шундан кейин Мусонинг шерикларидан бири ‘Амр ибн Холид ибн Ҳусайн ал-Килобий ҳийла ишлатиб, арабларга ўзини Мусодан қочган қочоқ деб кўрсатди ва пайт пойлаб уларнинг лашкарбошисини ўлдирди. Шундан кейин унинг қўшини тарқалиб кетди. Аскарларнинг бир қисми Мусодан паноҳ сўраб, унга қўшилдилар, қолганлари эса дарёдан кечиб ўтиб, Умайя олдига Марвга қайтиб келишди [at-Tabari II: 1031, 1151].

14. Собит ибн Қутба ал-Хузо‘ий (85/704 йилда вафот этган) – арабларнинг *хузо ‘а* (خزاعة) қабиласининг *мавлоси* [Ibn Saad VI: 137]. Хуросон волийси Умайя ибн ‘Абдуллоҳ (74 – 78/693 – 698 йилларда ҳукм сурган) нинг, кейин ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (78 – 82/698 – 702 йилларда ҳукм сурган) нинг қўшинида аскар бўлган. 82/701-02 йилда Собит укаси Ҳурайс билан бирга ал-Мухаллабни тарк этиб, ат-Тирмизга кетдилар ва исёнкор Мусо ибн ‘Абдуллоҳга бориб қўшилдилар. Йазид ибн ал-Мухаллаб (82 – 85/702 – 704 йилларда ҳукм сурган) Хуросон волийси бўлганда Собит ва Ҳурайснинг мол-мулкларини мусодара қилди, уларнинг укасини ва куёвини ўлдирди. 85/704 йилда Собит Самарқанд ҳукмдори Тархунга Йазиднинг қилган ишларини гапириб берди ва уни ёрдамга чақирди. Ўрта Осиёнинг маҳаллий подшоҳлари эса Собитни жуда ҳурмат қилар ва у билан дўст тутишган эдилар. Тархун Низак Тархон (Бодғис), ас-Сабл (Хутталон), Бухоро ва ас-Сағонийон подшоҳларини чақириб, улар билан ат-Тирмизга Мусо ибн ‘Абдуллоҳнинг олдига келди. Собит ва Ҳурайс туфайли Мусонинг та-

рафдорлари кўпайиб, мавқеи кучайди. Улар аста-секин Мовароуннахрдаги бошқа ерларни ҳам ўзларининг қўл остиларига ола бошладилар. Бошқарув ишларини Собит ва Ҳурайс олиб борар эдилар, Мусонинг нуфузи иккинчи даражага тушиб қолган эди. Мусонинг одамлари Собит ва Ҳурайсга ҳасад қилиб, Мусони уларга қарши қаратишга ҳаракат қилдилар. Шу вақт ат-Тирмизга эфталийлар, тибетликлар ва турклардан иборат ғайридинларнинг 70 минг аскарлик қўшини ҳужум қилди. Мусулмонлар ва ғайридинлар ўртасида бир неча кун жанглар бўлди. Жангларнинг бирида Ҳурайс ибн Қутба ярадор бўлиб, 2 кундан кейин вафот этди. Кейин ғайридинлар мағлубиятга учрадилар ва уларнинг омон қолганлари мусулмонлардан қочиб, ўз юртларига қайтиб кетдилар. Мусо ҳалок бўлган ғайридинларнинг бошларидан 2 та минора ясади. Ҳурайс ҳалок бўлгандан кейин Мусонинг одамлари энди унинг акаси Собитдан ҳам қутулиш йўлларини қидира бошладилар. Собит бу ҳақида хабар топиб, тунда ўз одамлари билан ат-Тирмизни тарк этди ва ат-Тирмиз вилоятидаги Хушвароғ шаҳрига кетди. Унинг атрофида кўп одамлар йиғила бошлади. Мусо кўшин билан унинг кетидан борди, Собит ҳам катта қўшин билан Мусога қарши чиқди ва Самарқанд ҳукмдори Тархундан ёрдам сўраб чопар юборди. Улар ўртасида жанг бошланди. Мусо Собитни шаҳарнинг ички қалъасида қамал қилиб турганда, Тархун Кеш, Насаф ва Бухоро аскарларидан иборат катта қўшин билан яқинлашиб келаётгани ҳақида хабар келди. Мусо буни эшитгандан кейин жангни тўхтатиб, ат-Тирмизга қайтди. Тархун ва Собитнинг қўшинлари бирлашганда, уларнинг сони 80 мингга етди. Улар ат-Тирмизга келиб, Мусони қамал қилдилар. Мусо ва унинг одамлари сувсиз ва озиқ-овқатсиз оғир аҳволда қолдилар. Шунда унинг одамларидан бири шаҳардан чиқиб, Собитга таслим бўлди, лекин унинг нияти ёвуз эди. У Мусонинг ишончига кириб, уни ўлдириш учун қулай фурсат пойлаб юрди. Бир куни Собит ёлғиз ўзи кўрикчиларсиз қолганда, у қиличи билан Собитнинг бошига уриб, ярадор қилди, 7 кундан кейин Собит вафот этди [at-Tabari II: 1026, 1027, 1033, 1081 – 1082, 1152 – 1159, 1161].

15. Ҳурайс ибн Қутба ал-Хузо‘ий – Собит ибн Қутба ал-Хузо‘ийнинг укаси. Арабларнинг хузо‘а (خزاعة) қабиласининг мавлоси. Хуросон волийси Умаййа ибн ‘Абдуллоҳ (74 – 78/693 – 698 йилларда ҳукм сурган) нинг, кейин ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра (78 – 82/697 – 702 йилларда ҳукм сурган) нинг қўшинида аскар бўлган. 82/701-02 йилда ал-Муҳаллаб Кешни қамал қилиб, шаҳар аҳолисидан ўлпон олишни унга топширди, ўзи эса Балхга кетди. Ҳурайс ўлпонни олиб, Балхга қайтаётганда, унинг йўлини турклар тўсдилар ва ундан пул талаб қилиб, “Йазид ибн ал-Муҳаллаб ҳам пул бериб, ҳаётини сақлаб қолди”, дедилар. Ҳурайс эса “Унда мени ҳам Йазиднинг онаси туғсин”, деб турклар билан жангга киришди ва уларни мағлубиятга учратди. Ҳурайснинг туркларга айтган сўзлари ал-Муҳаллабнинг қулоғига етиб борганда, у ғазабланди. Ҳурайс Кешдан қайтиб келганда, ал-

Муҳаллаб уни ечинтириб 30 дарра уришни буюрди. Шундан кейин Ҳурайс ал-Муҳаллабдан юз ўгириб, акаси Собит билан ат-Тирмизга Мусо ибн ‘Абдуллохнинг олдига кетди. 85/704-05 йилда у ғайридинлар билан бўлган жанглarning бирида ярадор бўлиб, 2 кундан кейин вафот этди [al-Ja‘kubī II: 330; at-Tabarī II: 1027, 1080 – 1082, 1152 – 1155].

16. Хуросонга ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра (78 – 82/697 – 702 йилларда ҳукм сурган) волий бўлганда ва ундан кейин ҳукм сурган унинг ўғли Йазид ибн ал-Муҳаллаб (82 – 85/701 – 704 йилларда ҳукм сурган) даврида Мусо ибн ‘Абдуллохга қарши ҳеч қандай қўшин юборилмади. Чунки ал-Муҳаллаб ўғилларига “Мусодан эҳтиёт бўлинг. Агар у ўлдирилса, сизларнинг ўрнингизга *қайс* қабиласига мансуб одам волий бўлиб келади”, – деб уқтирган эди. Бир вақтлар ал-Муҳаллаб ўз қўли остидаги Ҳурайс ибн Қутба ал-Хузо‘ий исмли лашкарбошини уриб жазолаган эди. Шунинг учун у Собит исмли укаси билан уни тарк этиб, Мусонинг олдига қочган эди. Йазид ибн ал-Муҳаллаб волий бўлганда, ака-укаларнинг мол-мулклари ва ҳарамларини мусодара қилиб, уларнинг укасини ва Собитнинг куёвини ўлдирди [at-Tabarī II: 1152].

17. Собитнинг маҳаллий ҳукмдорлар орасида ҳурмати баланд эди. Собит Самарқандга бориб, Тархундан Йазидга қарши ёрдам беришни сўради. Тархун унга қўшилиб, Бодғис ҳукмдори Низак, ал-Хуттал ҳукмдори ас-Сабал, Бухоро ва Сағонийон аҳлини ҳам ёрдамга чақирди. Уларнинг ҳаммаси йиғилиб, Мусонинг олдига ат-Тирмизга келдилар [at-Tabarī II: 1152].

18. Ундан олдин халифага қарши Ҳаротда бош кўтарган ‘Абд ар-Раҳмон ибн ал-‘Аббос, ал-‘Ироқ ва Сижистонда бош кўтарган Ибн ал-Аш‘аснинг тарафдорлари ат-Тирмизга келиб, Мусога қўшилган эдилар. Шундай қилиб, Мусо атрофидаги араб аскарларининг сони 8 мингга етди. Улар кучайиб кетдилар ва Мовароуннаҳрдан Йазиднинг ‘омилларини ҳайдаб чиқариб, ўрнига ўзларининг ‘омилларини қўйдилар. Натижада вилоятлардан йиғиладиган солиқлар Мусонинг қўлига келиб тушадиган бўлди. Шундан кейин Тархун, Низак ва ас-Сабал ўз ерларига қайтдилар. Бу ишларнинг ҳаммасида Ҳурайс ва Собитнинг ўрни ва аҳамияти катта эди. шунинг учун ҳамма бошқарув ишлари уларнинг қўлида эди, Мусо эса фақат номига *амир*, яъни бошлиқ эди. Мусонинг одамлари уни Ҳурайс ва Собитга қарши қўйишга ҳаракат қила бошладилар [at-Tabarī II: 1152 – 1153].

19. 85/704-05 йилда ат-Тирмизда ўрнашиб олган Мусо ибн ‘Абдуллох ва унинг тарафдорларига қарши эфталийлар, тибетликлар ва турклардан иборат ғайридинларнинг катта қўшини ҳужум қилди. Уларнинг фақат со-вутлик ва қалқонлик аскарларининг сони 70 минг эди, ундан ташқари со-вутсиз ва қалқонсиз аскарлар ҳам бор эди [at-Tabarī II: 1153]. Ушбу маълумотни ал-Балозурий келтирган маълумот билан солиштирганда, шу нарса аён бўладики, ат-Тирмиз шахрининг маҳаллий аҳолиси эфталийлар ва



турклардан иборат бўлган. 85/704-05 йилда эса улар арабларга қарши тибетликларни ёрдамга чақирганлар.

20. Хабар берилишича, Мусо 300 та пиёда ва 30 та отлик билан шаҳардан чиқиб курсига ўтирди ва мусулмонлар олиб борган жангни бошқариб ўтирди. Мусулмонлар билан ғайридинлар ўртасида бир неча кун жанглар бўлди. Ғайридинлар Куфтон номли ерга силжиб, Мусонинг у ерда ўтлаб юрган подасига ҳужум қилдилар ва уни олиб кетдилар. Мусо бундан қаттиқ ранжиди. У кечаси қалъадан чиқиб, ғайридинлар турган ерга келди ва саҳарда ўтлашга олиб чиқилган ўзининг подасини олиб қочди. Эрталаб ғайридинлар яна ҳужум бошладилар. Уларнинг подшоҳи 4 минг аскар билан бир тепалик устида турган эди. Ҳурайс ибн Қутба уларга ҳужум қилиб, қаттиқ жанг қилди ва ярадор бўлди. Араблар ғайридинларга тўхтовсиз ҳужумлар қилдилар. Охири ғайридинлар мағлубиятга учрадилар ва араблар уларнинг кўпларини ўлдирдилар, омон қолганлари эса қочиб қутилдилар [at-Tabari II: 1154].

21. Мусулмонлар ҳалок бўлган ғайридинларнинг бошларини жанг майдонидан ат-Тирмизга келтирдилар ва уларнинг юзларини бир-бирига қаратиб тахладилар ва 2 та минора қурдилар [at-Tabari II: 1155].

22. Ҳашуро (حشورا) ёки Ҳушвароғ (حشوراغ) – VII – VIII асрларда ат-Тирмиз яқинида жойлашган шаҳар. Бу шаҳар ат-Тирмиз яқинидан оқиб ўтган дарё (Шеробод дарёси) нинг ўнг, яъни ғарбий томонида жойлашган. У ички шаҳар (*мадина*) ва ташқи шаҳар (*рабад*) дан иборат бўлиб, мудофаа деворлари билан ўралган [at-Tabari II: 1150, 1156, 1594]. Шубҳасиз, бу шаҳар Шеробод дарёсининг ҳавзасида жойлашган алоҳида бир *рустоқ*нинг маркази бўлган. V – VIII асрларда бу ерда ўзига хос кумуш ва мис тангалар зарб этилган бўлиб, улар фақат Шеробод дарёсининг ҳавзасида муомалада бўлган [Ртвеладзе 1987: 125 – 126]. Лекин IX – X асрларда ёзилган манбаларда бундай номли шаҳар ва *рустоқ* қайд этилмаган. Афтидан, бу шаҳар VIII асрнинг биринчи ярмида араблар томонидан вайрон этилган. Бу шаҳарнинг харобалари Эски Термиз харобаларидан 50 км масофада, ҳозирги Шерободдан 7 км жануби-ғарбда жойлашган бўлиб, Каттатепа деб аталади [Ртвеладзе 1992: 42 – 44; Аннаев 1979: 48]. У ҳақида яна қаранг: Камалидинов 1996: 126 – 128.

23. *рабад* (ربض) – араб., “шаҳарнинг чеккаси”, “маҳалла”, “маскан” [Гиргас 1881: 283]. IX – XIII аср бошларида Ўрта Осиёнинг деярли барча йирик шаҳарлари 3 қисмдан иборат бўлиб, бундай бўлиниш исломдан олдинги даврда шаклланган. Шаҳарнинг бу қисмлари манбаларда турлича номлар билан аталган. Шаҳарнинг энг қадимги марказий қисми *ал-қуҳандиз* (القهندز) ёки *ал-қалъа* (القلعة) деб аталган. Унда ҳукмдор саройи (قصر), бошқарув органлари (الإمارة دار) ва қамокхона (السجن) жойлашган. Унинг атрофида *ал-мадина* (المدينة) ёки *ал-мадина ад-дохила* (المدينة الداخلة) – “ички шаҳар” жойлашган бўлиб, *ал-ҳисн* (الحصن) – “истеҳком” деб ҳам аталган.

Унда маҳаллалар (المحلة), жоме‘ масжиди (مسجد الجامع) ва бозор (سوق) жойлашган. Шаҳарнинг кейинроқ вужудга келган 3-қисми *рабад* (ربض) – “шаҳар чеккаси” ёки *ал-мадина ал-хорижа* (المدينة الخارجة) – “ташқи шаҳар” деб аталган. Ташқи шаҳарда асосан савдо ва ҳунармандчилик марказлари, бозорлар ва карвонсаройлар, шунингдек ер эгаларининг қасрлари жойлашган. Ташқи шаҳарни ўраб турган мудофаа девори ҳам *рабад* деб аталган. Форс тилидаги манбаларда шаҳарнинг мазкур 3 қисми *куҳандиз* (كهندز), ёки *арк* (آرك), *шаҳристон* (شهرستان) ёки *ҳисор* (حصار) ва *русто* (روستا) деб аталган [Бартольд 1971: 413 – 416; СГСА 1973: 14 – 47; Воронина 1959: 84 – 104; Куренной 1970: 61 – 64]. Ўрта Осиё шаҳарларининг таркибий қисмлари ҳақида қаранг: Dehkhoda VIII: 11896; Levi-Provençal 1995: 361 – 362.

24. Мусонинг Хушвароғ шаҳрининг *рабад* қисмини эгаллагани ҳақидаги маълумот бошқа манбаларда келтирилмаган.

25. Қамал узоқ вақт давом этди, шаҳар ичидагилар очликдан азоб чекдилар. Собитнинг аскарлари кундузи дарёдан кечиб ўтиб, Мусога қарши жанг қилар, кечаси эса ўз ерларига қайтар эдилар [at-Tabari II: 1156 – 1157].

26. Ўазид ибн Хузайл – Мусо ибн ‘Абдуллоҳнинг яқин одамларидан бири, илгари у Ибн Қавона оролининг ҳоқими бўлган [at-Tabari II: 1158].

27. Ўазид ибн Хузайл “Очликдан ўлгандан кўра, улар билан жанг қилиб ўлган яхши”, – деди ва қалъадан чиқиб, Собитдан унга шафқат қилишни сўради. Собит унинг нияти холислигидан шубҳаланиб, ундан 2 та ўғлини гаровга беришини талаб қилди ва Ўазид унга 2 ўғлини берди. Ўазид Собитни ўлдириш учун қулай фурсат пойлаб юрди. Шу вақт Марвдан Зийод ал-Қасир ал-Хузо‘ийнинг ўғли ўлиб қолгани ҳақида хабар келди. Кеч кирганда Собит бир гуруҳ одамлари билан унга таъзия билдириш учун йўлга чиқди. Улар орасида Ўазид ҳам бор эди. Собит ас-Сағонийон дарёсига етганда, Ўазид унга яқинлашиб, қилич билан унинг бошига урди ва ўзини дарёга ташлаб, қочиб муваффақ бўлди [at-Tabari II: 1157 – 1158].

28. Наҳр ас-Сағонийон (نهر الصغانيان) – араб., ас-Сағонийон дарёси, Чағонруд (چغان رود) дарёси номининг арабча шакли [Худуд ал-‘Алем: 9а; at-Tabari II: 1158, 1160]. Амударёга ўнг томондан қуйилувчи бу дарё ҳозир Сурхондарё деб аталади. Илк ўрта асрларда бу дарёнинг водийсида Чағонийон (چغانيان) ёки ас-Сағонийон (الصغانيان) номли вилоят жойлашган. Ибн Русте (X аср) маълумотида кўра, ат-Тирмиз вилоятининг шимол томонида Саном (سنام), Ниҳом (نهام) ва Ховар (خاور) тоғлари жойлашган. Бу тоғлардан Камруд (كمرود), Ниҳомруд (نهامرود) ва Ховарруд (خاوررود) дарёлари оқиб тушиб, ас-Сағонийон худудидан оқиб ўтувчи Зомил (زاميل) номли дарёга қуйилган [Ibn Rosteh: 93]. Бу дарёлардан бири – Ниҳомруд Сурхондарёнинг бошланишидаги ҳозирги Тўполанг дарёсидир [Бартольд 1963: 122]. Лекин Зомил (زاميل) ёки (راميل) дарёси ўрта асрларда ал-Қубодийон (القباديان) вилоятдан оқиб ўтган бўлиб [ас-Сам‘оний X: 42], ҳозирги Кофирнихон дарёси-

га тўғри келади. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 558 – 560; Камалидинов 1996: 144 – 145, 205.

29. Эртаси куни эрталаб Тархун Йазиднинг иккала ўғлини келтиришни буюрди ва улардан бирининг бошини танасидан жудо қилиб, дарёга улоқтирди. Йазиднинг иккинчи ўғли бошини буриб қолгани учун қилич унинг кўкрагига тегди ва у тирик қолди. Тархун уни дарёга тириклайин улоқтирди ва у чўкиб ўлди. Кейин Тархун “Уларни ўзларининг отаси ўлдирди, унинг қилган хиёнати ўлдирди”, – деди [at-Tabari II: 1158].

30. Собит ўлгандан кейин ‘ажамларнинг қўшинига Тархун, Собитнинг қўшинига эса Зуҳайр ибн Муқотил ат-Тувафий бошчилик қилди. Лекин уларнинг бошқаруви заиф эди ва улар орасида тартибсизликлар бошланди [at-Tabari II: 1159].

31. Мусо кечаси қалъадан чиқиб, уларга ҳужум қилишга қарор қилди. У 800 нафар аскарни 4 га бўлиб, кечаси қалъадан чиқди ва улар Тархун аскарларига 4 томондан ҳужум қилдилар. Тархун Мусога одам юбориб, “Одамларингни қайтар, биз эрталаб бу ердан кетамиз”, – деди. Мусо одамлари билан орқага қайтди. Тонг отгандан кейин Тархун қўшинлари билан ат-Тирмизни тарк этди ва улар ўзларининг шаҳарларига тарқалдилар [at-Tabari II: 1159 – 1160].

32. Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ат-Тирмиз шаҳрида 15 йил яшади ва деярли бутун Мовароуннаҳр унинг қўлида эди. У билан кучда ҳеч ким рақобатлаша олмас эди [at-Tabari II: 1160].

## XXIV

### ат-Тирмиз қамали

1. ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб 85/704-05 йилда Хуросон волийси этиб тайинланди [at-Tabari II: 1138, 1161]. ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра ўғилларига “Мусодан эҳтиёт бўлинглар! У Хуросонда экан, сизлар ҳам волий бўлиб қоласизлар, у кетиши билан ўрнингизга Хуросонга бошқа одам волий бўлиб келади”, – деб уқтирган эди. Шунинг учун ал-Муҳаллаб ҳам, ундан кейин волий бўлган Йазид ибн ал-Муҳаллаб ҳам Мусога қарши юриш қилмаганлар [at-Tabari II: 1152]. Шу билан бирга улар Охарунга ва ал-Хутталга юришлар қилганлар [at-Tabari II: 1049; al-Beladsori: 417], лекин ат-Тирмизга бормаганлар. ал-Мақдисий келтирган маълумотга кўра, ал-Муҳаллаб Мусо ибн ‘Абдуллоҳни ат-Тирмизга юборди ва Мусо ат-Тирмизга бориб, унинг атрофидаги ерларга юришлар қилди [el-Maqdisi VI: 34]. Афтидан ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра Кеш қалъасини қамал қилиб турган вақтда Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ат-Тирмиздан унинг олдига келган ва ундан кўрсатмалар олиб қайтган. ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб ўзининг лавозимидан четлатилишини сезиб, отасининг уқтирган кўрсатмасига қарамасдан ўзини халифага яхши кўрсатиш учун Мусога қарши юриш қилди.

2. ‘Усмон ибн Мас‘уд ат-Тамимий ан-Ножий – Собит ибн Қутбанинг амакисининг ўғли. 82/701-02 йилда Собит укаси Ҳурайс билан ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра (78 – 82/697 – 702 йилларда ҳукм сурган) дан қочиб, ат-Тирмизга Мусо ибн ‘Абдуллоҳнинг олдига кетгандан кейин Йазид ибн ал-Муҳаллаб (82 – 85/702 – 704) уни ҳибсга олиб, қамоққа ташлаган эди. 85/704 йилда ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб Хуросон волийси бўлганда ал-‘Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуфга ёқиш мақсадида уни қамоқдан чиқариб, унга 3 минг аскарлик қўшин берди ва Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламий бошчилигида ат-Тирмизда қўним топган исёнкорларга қарши урушга юборди. ‘Усмон эса улардан амакисининг ўғли Собит ибн Қутбанинг тўкилган қони учун қасос олиш ниятида эди. У бозорга чиқиб, “Бизга қўшилган ҳамма одамлар, аскарликга қабул этилади”, деб эълон қилди. Шунда унинг қўшинига яна кўп одамлар кела бошлади. Мудрик ибн ал-Муҳаллаб ҳам қўшини билан Балхдан келиб, унга қўшилди. Натижада ‘Усмон қўл остидаги қўшиннинг сони 15 мингга етди. ‘Усмон Самарқанд ҳукмдори Тархунга ва Хутталон ҳукмдори ас-Саблга чопар юбориб, уларни ҳам ёрдамга чақирди. Улар ҳам суғдлар ва турклардан иборат қўшин билан келдилар. ‘Усмон қўшини билан ат-Тирмиз ёнида Жайхун дарёсидаги бир оролга келиб жойлашди. Кейинчалик бу орол Жазират ‘Усмон (جزيرة عثمان) – “‘Усмон ороли” деб аталган. Улар ат-Тирмиз қалъасида Мусо ибн ‘Абдуллоҳни 2 ой давомида қамал қилдилар. Шундан кейин Мусо тарафдорлари билан қалъадан чиқиб, жангга киришдилар. Бу жангда Мусо ҳалок бўлди, унинг тарафдорлари эса асирга олинди ва қатл этилди [at-Tabari II: 1161 – 1164, 1860]. ‘Усмон ибн Мас‘уд Бодғис деҳқони Низак ал-Барқаший оиласига мансуб турк қизига уйланган эди. Қутайба ибн Муслим Хуросонга волий бўлиб келганда, ‘Усмон унинг олдига боришни истамади. Қутайба унга мактублар ёзиб, ҳадялар юбориб ва ваъдалар бериб, уни Марвга олиб келишга муваффақ бўлди. Қутайба уни ўзига яқин тутиб, иззат-икром билан кутиб олди. Кейин Қутайба унга “Сени амир ал-Ҳажжож кўриш истагида эди”, – деди. ‘Усмон унга: “Майли, мен бориб, кетишга тайёрланаман”, – деди ва чиқиб кетди. Қутайбанинг одамларидан бири унга: “У ҳозир жуда ҳам бой ва нуфузи катта одам. У ҳозир кетса, бошқа олдингга қайтиб келмайди”, – деди. Қутайба дарҳол ‘Усмонни орқасига қайтариб, қўлларига кишан солдирди ва ал-Ҳажжож олдига юборди. ал-Ҳажжож унга яна ҳам оғир кишан солиб, қамоққа ташлади ва ундан аста-секин жуда катта маблағларни ундириб олди. Кейин ‘Усмон ибн Мас‘уд қамоқда қаттиқ азоблардан ўлди [Ibn A‘tham VII: 215 – 217, 229, 230]. 104/722-23 йилда ‘Усмон ибн Мас‘уднинг Собит исмли ўғли отасининг қиличи билан суғдларнинг бошлиғи Корзанжни ўлдирди [at-Tabari II: 1445]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 27 – 28.

3. Жазират ‘Усмон (جزيرة عثمان) – араб., “‘Усмон ороли”, Амударёда ат-Тирмиз шаҳри ёнида жойлашган орол. 85/704 йилда бу оролда арабларнинг

Мусо ибн ‘Абдуллоҳга қарши ‘Усмон ибн Мас‘уд бошчилигида ат-Тирмиз қалъасини қамал қилиш учун юборилган қўшини тўхтаган [at-Tabari II: 1162]. XVII асрда бу орол Орол Пайғамбар деб аталган, чунки унда пайғамбар Зу-л-Қифлнинг сохта мозори жойлашган эди [Махмуд ибн Вали: 34]. Қур‘он-и Каримда зикр этилган бу пайғамбар Библиядаги Илья, Осия ёхуд Захарий пайғамбарларига ўхшаб кетади [Бартольд 1963: 125; 1965: 160]. Араблар билан кириб келган Зу-л-Қифлга сиғиниш дастлаб Калиф шаҳрида тарқалган. Ўрта асрларда бу ерда Амударёнинг ўнг соҳилидаги Зу-л-Қарнайн работининг қаршисида дарёнинг сўл соҳилида Зу-л-Қифл работи ва мозори бўлган. Кейинроқ бу зиёратгоҳ Амударёдаги Пайғамбар оролига кўчирилган. XIX асрда бу орол Ўрта орол деб ҳам аталган [Бартольд 1963а: 204]. Бу ердаги Зу-л-Қифл мозори ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, оролнинг жанубий қисмида жойлашган. Бу зиёратгоҳ масжид ва Зу-л-Қифлнинг сохта қабри устида қурилган мақбарадан иборат. Бу икки бино XI – XII асрларда қурилган [Массон 1940: 64; Ртвеладзе, Аршавская 1978: 39]. Демак, Зу-л-Қифл мозорининг Калифдан Термиз ёнига кўчирилиши ҳам, афтидан, ўша даврда амалга оширилган. Бу эса Термизда Ҳаким Термизий мозорининг атрофларида катта зиёратгоҳнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган бўлиши мумкин. Зу-л-Қифл мозори “ҳазира” шаклида қурилган мақбара бўлиб, унда қабрнинг усти очик ҳолда қолдирилган, иншоотлар эса ундан четда қурилган [Маньковская 1981: 103]. У ҳақида яна қаранг: Камалиддинов 1996: 120 – 121.

4. Мусони қамал қилиш учун ал-Хуттал ҳукмдори ас-Сабли ҳам келди [at-Tabari II: 1162]. Эҳтимол бу ерда Тархун билан бирга Бодғис ҳукмдори Низак Тархон ҳам бор эди. Чунки у бундан олдин ҳам Тархун билан бирга Мусога қарши жанг қилган эди. Ундан ташқари Низак ‘Усмон ибн Мас‘удга қиз бериб, қариндош тутинган эди [Ibn A‘tham VII: 229].

5. Мусо қамалда қолиб, оч қолганда, бир куни кечаси қалъадан чиқиб, Куфтанга борди ва у ердан озиқ-овқат олиб яна қалъага қайтди. Мусо 2 ой давомида оғир ҳолатда қамалда қолди. ‘Усмон кечаю-кундуз ҳушёрликни йўқотмасдан, Мусонинг кечаси ҳужум қилишига имкон бермади. Шундан кейин Мусо қалъадан чиқиб, жанг қилишга қарор қилди [at-Tabari II: 1162].

6. Мудрик ибн ал-Муҳаллаб – Хуросон волийси Йазид ибн ал-Муҳаллаб (82 – 85/701 – 704 ва 97 – 99/715 – 717 йилларда ҳукм сурган) нинг укаси, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра (78 – 82/697 – 702 йилларда ҳукм сурган) нинг ўғли. 85/704 йилда унинг акаси ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб Хуросон волийси бўлганда Мудрик Балх ҳокими эди. Ўша йили у ‘Усмон ибн Мас‘уд билан бирга ат-Тирмизда Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим ас-Суламийга қарши жангда иштирок этган. 97/715-16 йилда Хуросонга волий этиб тайинланган Йазид ибн ал-Муҳаллаб ўзининг ўрнига ўғли Муҳалладни юборганда, укаси Мудрикни Сижистонга юборган. 101/719-20 йилда акаси Йазид Дамашқдаги қамокдан қочиб, ал-Басрани эгаллаб, Умавийлар-

га қарши исён кўтарганда, Хуросонни қўлга олиш учун Мудрикни Марвга юборди. Унга қарши Марвдан Хуросон қўшини йўлга чиқди. Лекин Мудрик улар билан тўқнашмасдан орқасига қайтди [at-Tabari II: 1161 – 1164, 1390; Masoudi V: 454 – 458; VI: 264; Ибн А‘сам VII: 19 – 25, 29 – 31, 187, 191, 203; VIII: 228, 229; Та‘рих-и Систан: 138, 139]. У ҳақида яна қаранг: Crone 1993: 358 – 360; Большаков 2010: 73, 127, 151.

7. Мусо ўзининг ўрнига ан-Надр ибн Сулаймон ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозимни шаҳарнинг *мадина* қисмига бошлиқ қилиб тайинлади [at-Tabari II: 1162].

8. Мусо қалъадан чиқиб, аскарларининг бир қисмини ‘Усмонга қарши саф тортиб қўйди, ўзи эса Тархун бошчилигидаги туркларнинг қўшинига ҳужум қилди. Суғдлар ва турклар у билан жанг қилиб, мағлубиятга учрадилар. Мусонинг аскарлари улардан қолган нарсаларни қўлга киритиб, қалъага таший бошладилар. Кейин суғдлар ва турклар орқага қайтдилар ва Мусо билан қалъанинг ўртасига туриб, унинг орқага қайтиш йўлини тўсдилар [at-Tabari II: 1162].

9. Мусо ўлдирилгандан кейин ‘Усмоннинг жарчиси “Ҳеч кимни ўлдирманглар, фақат асирга олинглар”, – деб қичқирди. Мусонинг тарафдорлари ҳар томонга тарқалиб қочдилар, уларнинг кўплари асир олинди. Уларни бирма-бир ‘Усмоннинг олдига олиб келдилар ва қатл этдилар [at-Tabari II: 1163].

10. Рақийа ибн ал-Хурр (رقية بن الحر) – ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, унинг тўлиқ исми Рақаба ибн ал-Хурр ал-‘Анбарий бўлиб, 66/685-86 йилда у ‘Абдуллоҳ ибн Хозимга қарши бош кўтарган *тамим* қабиласига мансуб арабларнинг лашкарбошиси бўлган. Кейин у Умавийларга қарши бош кўтариб, ат-Тирмизда қарор топган Мусо ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозимнинг яқин одамларидан бири бўлган. 85/704-05 йилда ‘Усмон ибн Мас‘уд ат-Тирмизни қамал қилиб, Мусо ибн ‘Абдуллоҳни ўлдирганда, у билан бирга бўлганлардан фақат Рақаба ибн ал-Хурр ал-‘Анбарийни омон қолдирди, чунки у Мусога қарши кураш олиб борган Собит ибн Қутба ал-Хузо‘ийнинг дўсти эди. Шунинг учун Мас‘уд Рақабага от ва қурол беришни буюриб, уни Холид ибн Абу Бурза ал-Асламий бошчилигидаги қўшинга бириктирди [at-Tabari II: 696 – 698, 1156 – 1159, 1163, 1481]. У арабларнинг *тамим* қабиласи таркибидаги ‘*анбар* уруғига мансуб бўлган [ас-Сам‘оний IX: 67].

11. Асирга тушганлар ичида ‘Усмоннинг *мавлоси* ‘Абдуллоҳ ибн Будаил ибн ‘Абдуллоҳ ибн Будаил ибн Варқо ҳам бор эди. Уни ‘Усмоннинг олдига келтирганларида, ‘Усмон унга бир қаради ва юзини ўгириб, уни қўйиб юборишларига ишора қилди [at-Tabari II: 1163].

12. Холид ибн Абу Бурза ал-Асламий – унинг отаси Абу Барза ‘Абдуллоҳ ибн Надла ал-Асламий (65/684-85 йилда вафот этган) арабларнинг *аслам* (اسلم) қабиласига мансуб саҳоба ва ҳадис ровийси бўлган (X, 9 изоҳга

қаранг). 85/704 йилда Холид ‘Усмон ибн Мас‘уднинг лашкарбошиси бўлган ва ўғли Му‘овийа билан бирга ат-Тирмизда Мусо ибн ‘Абдуллоҳни қамал қилишда иштирок этган [at-Tabari II: 1162 – 1163].

13. Восил ибн Тайсала ал-‘Анбарий – Мусо ибн ‘Абдуллоҳни ўлдирган жангчи [at-Tabari II: 1163]. У арабларнинг *тамим* қабиласи таркибидаги ‘*анбар* уруғига мансуб бўлган [ас-Сам‘оний IX: 67].

14. ан-Надр ибн Сулаймон ибн ‘Абдуллоҳ ибн Хозим шаҳарнинг *мадина* қисмини Мусо тайинлаганидек, Мудрик ибн ал-Мухаллабга топширди ва унга шафқат қилинди. Кейин Мудрик шаҳарни ‘Усмон ибн Мас‘удга топширди [at-Tabari II: 1164].

15. 85 хижрий йил милодий 704 йилнинг 14 январ кунидан 705 йилнинг 1 январ кунигача давом этган.

16. Бир одам қиличи билан ҳалок бўлган Мусонинг тиззасига урган эди. Қутайба ибн Муслим Хуросонга волий бўлиб келганда, одамлар унга бу ҳақида айтиб бердилар. Қутайба ўша одамни чақиртириб, ундан “Нима учун сен араб саркардасини ўлимидан кейин бундай қилдинг?” – деб сўради. У одам “У менинг акамни ўлдирган эди”, – деб жавоб берди. Шунда Қутайба уни ўлдиришни буюрди [at-Tabari II: 1164].

## XXV

### Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий

1. ал-‘Ироқ ва ал-Машриқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф 86/705 йилда Қутайба ибн Муслимни Хуросон волийси этиб тайинлади [at-Tabari II: 1178]. Қутайба Марвга келиб, ал-Мухаллабнинг ҳамма ўғилларини ҳибсга олди ва ал-Ҳажжож ҳузурига юборди. ал-Ҳажжож улардан 6 минг минг, яъни 6 млн. дирҳам беришни талаб қилди [ал-Йа‘қубий II: 299]. Гардизийга кўра, Қутайба ибн Муслим Хуросонга 87/705-06 йилда келди. У Хуросонга Кумиш орқали келди, ундан олдингилар эса Парс ва Кермон орқали келар эдилар. Хуросонда Йазид ибн ал-Мухаллабнинг мевали дарахтлардан иборат катта боғи бор эди. Қутайба бу боғни пайҳон қилиб, уни отхонага айлантирди. Йазид ундан: “Нега бундай қилдинг?”, – деб сўраганида, у “Менинг отам отбоқар бўлган, сенинг отанг эса боғбон бўлган”, – деб жавоб берди [Гардизи: 31].

2. Қутайба ибн Муслим Хуросонга келганда, ал-Муфаддал ибн ал-Мухаллаб Охарун ва Шумонга юриш қилишга тайёргарлик қилиб, кўшинларни кўрикдан ўтказаетган эди. Қутайба кўшин олдида нутқ сўзлаб, аскарларни ислом дини учун жиҳод уруши олиб боришга даъват этди [at-Tabari II: 1179].

3. ас-Сағонийон подшоҳининг исми Тиш ал-А‘вар (تیش الاعور) – “Бир кўзли Тиш” эди [at-Tabari II: 1180].

4. Куфйон (كفيان) ёки Куфтон (كفتان) – ат-Тирмиз вилоятида жойлашган *ноҳийа* ёки *рустоқ* [at-Tabarī II: 1150, 1154, 1162]. 86/705 йилда Қутайба ибн Муслим Жайхун дарёсидан Мовароуннахрга кечиб ўтганда, у ерда уни ас-Сағонийон подшоҳи кутиб олиб, ўзининг мамлакатига таклиф этди. Кейин унинг олдига Куфтон подшоҳи келиб, унга совға-саломлар ва пуллар тақдим этди [at-Tabarī II: 1180]. IX – XII асрларда ёзилган манбаларда ат-Тирмиз вилоятида бундай номли *рустоқ* қайд этилмаган. Лекин XV асрда ёзилган “Бобур-нома” да Термиз ва Сағонийондан шимолда жойлашган Кухтон (كهتان) ёки Кух-и Тон (كوه تان) номли тоғлар қайд этилган [Бабурнаме: 52]. Бизнингча, манбаларда қайд этилган Куфтон, Куфйон ва Кухтон номлари ҳозирги Шерободдан ғарбда ва шимоли-ғарбда жойлашган Кух-и Танг тоғларига тааллуқлидир. Мустамлака даври (1865 – 1917 йиллар)-нинг эски рус хариталарида бу тоғлар Куйтынтау деб аталган. Бу тоғларнинг шимолий ёнбағрида Куйтан ёки Куги-Танг водийсида жойлашган шу номли қишлоқ қайд этилган. У катта бир тоғли ўлканинг маркази бўлиб, унда Ғузор шаҳри ва Амударё орасидаги катта худуд учун ягона мунтазам бозор бўлган. Бу қишлоқ Шеробод, Ғузор, Танга-Хорам ва Калиф шаҳарларига олиб борувчи йўлларнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган. Куйтан, аниқроғи Кух-и Танг қишлоғидан Шерободгача бўлган масофа 65 *верста* [Костенко II: 138], яъни ўрта асрлардаги карвонлар учун тахминан 2 *марҳала* ёки 2 кунлик йўлни ташкил этган.

Шундай қилиб, араблар истилосига қадар Кух-и Танг тоғли ўлкаси алоҳида бир вилоят бўлиб, унинг ҳукмдори Кухитанг водийсидаги Кух-и Танг қишлоғи ёки унинг атрофларида яшаган. Кух-и Танг топоними суғдча *кух* ва *танг* сўзларидан ясалган бўлиб, “тоғли ўлка” маъносини билдиради [Нафасов 1988: 220]. Кух-и Танг тоғли вилояти Қашқадарё ва Сурхондарё водийлари орасида жойлашган Кухистон номли катта тоғли ўлканинг бир қисми бўлган [Ртвеладзе 1986: 34]. Ҳозирги вақтда Кух-и Танг тоғлари Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод тумани ва Туркманистон таркибидаги Чоржов вилоятининг Чоршанга тумани худудларида жойлашган. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 320; Камалиддинов 1996: 127 – 128.

5. Бу маълумотни Ибн Хаййот ҳам келтирган [Халифа ибн Хаййот: 78]. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, кейин Қутайба Тўхористонга қарашли Охарун ва Шумонга қарши юриш қилди. Унинг олдига Шумон ва Охарун подшоҳи Ғуштасбон (غشتاسبان) келиб, у билан сулҳ тузди. Қутайба унга берилган ўлпон билан қаноатланди [at-Tabarī II: 1180 – 1181]. Ибн А‘самга кўра, Қутайба ибн Муслим Марвдан Бухористон (بخارستان) га юриш қилди. У ат-Толақонга етганда, уни Балх деҳқонлари кутиб олдилар ва у билан бирга дарёдан кечиб ўтдилар. Кейин Қутайба катта кўшин билан Бухористонга келиб тўхтади. Унинг подшоҳи Қутайбанинг олдига келиб, у билан сулҳ тузди ва у истаган нарсаларни берди. Қутайба яна ундан гаров-



га одамлар олди [Ibn A'tham VII: 217 – 218]. Бу ҳақида яна қаранг: Камалиддинов 1993: 153.

6. Қутайба Шумонга юриш қилмоқчи бўлиб турганида, унинг олдига Охарун ва Шумон подшоҳи Ғуштасбон келди ва у билан сулҳ тузиб, унга ўлпон тўлади. Қутайба келишилган ўлпон билан кифояланиб, уни қабул қилди ва Марвга қайтди [at-Tabari II: 1180].

7. Солиҳ ибн Муслим ал-Боҳилий – Хуросон волийси Қутайба ибн Муслимнинг укаси ва унинг лашкарбошиси. 86/705 йилда Қутайба Охарун ва Шумонга қарши юриш қилгандан кейин Мовароуннаҳрда ўз ўрнига лашкарбоши қилиб Солиҳни қолдирди, ўзи эса Марвга қайтди. Кейин Солиҳ ас-Сағонийон ва Вошжирд ўртасида жойлашган Босоро (باسارا) ёки Босорон (باساران) номли ерни фатҳ этди. Шундан кейин Қутайба уни ат-Тирмиз ҳокими этиб тайинлади. Шумон ҳукмдори унинг дўсти эди. Солиҳ 96/714-15 йилда Қутайба ибн Муслим билан бирга Фарғонада қатл этилди [at-Tabari II: 1180, 1228, 1243, 1248, 1295, 1296]. Солиҳ ибн Муслимнинг Фарғонага юриш қилгани ва у ердаги шаҳарларни фатҳ этгани ҳақида фақат ал-Балозурий маълумот келтирган.

8. Қутайба укаси Солиҳни қўшин билан Мовароуннаҳрда қолдириб, ўзи Балх дарёсидаги қайиқларда оқим билан Омул шаҳригача тушди. Кейин Қутайба қўшинини Омулда қолдириб, ўзи Балх йўли билан Марвга қайтиб келди. Бу хабар ал-Ҳажжожга етиб борганда, у ғазабланиб: “Сен юришга чиққанингда доим қўшиннинг олдида, юришдан қайтганда эса қўшиннинг орқасида бўлишинг керак”, – деб ёзди [at-Tabari II: 1180 – 1181].

9. Косон (كاسان) – Фарғонадаги шаҳар. Айрим манбаларда унинг номи Кошон (كاشان) шаклида ҳам келтирилган [at-Tabari II: 1256; Jacut IV: 227]. Хасрада унинг вилоятида қишлоқлар, экинзорлар ва чорва моллари кўп бўлган [Ibn Naukal: 514]. Бу шаҳар Ахсикатдан 5 *фарсах* масофада жойлашган [Ibn Naukal: 524]. Исломга қадар Косон Фарғонанинг пойтахти бўлган. ал-Мас‘удийнинг маълумотига кўра, Фарғонанинг бош шаҳри (*мадина*), яъни Косон шаҳрида Ковус исмли подшоҳ қурдирган Ковусон (كوسان) номли ибодатхона бўлиб, унинг биноси ғаройиб шаклда қурилган. Унда одамлар қуёш худоси ва самовий жисмларга ибодат қилганлар. Унда махсус ўчоқда муқаддас олов ёниб турган. Бу ибодатхона халифа ал-Му‘тасим (218 – 227/833 – 842 йилларда ҳукм сурган) даврида вайрон этилган [Macoudi IV: 51 – 52; al-Shahrastani: 431; Бернштам 1951: 19].

Ислом даврида Косон илк бор 86/705 йилда Солиҳ ибн Муслим ва Наср ибн Саййор томонидан фатҳ этилган [al-Beladsori: 420], 94/712-13 йилда эса Қутайба ибн Муслим уни қайта ишғол қилган [at-Tabari II: 1256]. 197/812-13 йилда ал-Ма‘муннинг вазири ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн арабларга қарши кўзғолон кўтарган Косон шаҳрини яна қўлга олди ва арабларга Фарғона қалъаларининг калитларини юборди [Михайлова 1951: 17]. Халифа ал-Маҳдий даврида (158 – 169/775 – 785) Фарғона пойтахти

Косонга Аҳмад ибн Асад бошчилигидаги қўшин юборилди [al-Ja'kubi II: 478]. Бу маълумотда халифа ал-Маҳдий эмас, балки Иброҳим ибн ал-Маҳдий (201 – 203/817 – 819) назарда тутилган бўлса керак, чунки Аҳмад ибн Асад 205/820-21 йилда вафот этган [ас-Сам'оний VII: 12 – 13]. Косон аҳли халифа ал-Мунтасир даврида Нух ибн Асадга қарши исён кўтарди [al-Beladsori: 420]. Лекин Нух ибн Асад 227/842 йилда вафот этган [ас-Сам'оний VII: 14]. Демак, бу ерда халифа ал-Мунтасир эмас, балки ал-Му'тасим (218 – 227/833 – 842) назарда тутилган бўлса керак. IX асрда Косон катта ва муҳим шаҳар бўлиб, унда подшоҳ қароргоҳи жойлашган [al-Jakubi: 287]. X асрда Косон алоҳида шаҳар ва *ноҳийа* сифатида қайд этилган. Унинг қишлоқлари, экинзорлари ва чорва моллари кўп бўлган [Ibn Naukal: 512, 514]. XII асрда унда мустаҳкам қалъа бўлган [ас-Сам'оний X: 320]. Шаҳар дарвозаси ёнидан Ахсикат дарёси оқиб ўтган [Jacut IV: 227]. Сўнгги ўрта асрларда Косон кичик шаҳарча ёки қишлоқ сифатида қайд этилган [Бабурнаме: 29; Махмуд ибн Вали: 70]. Бу шаҳар номининг негизида *кушон* этноними ётади, у эса хитой манбаларидаги *усун* этнонимининг тухорча номидир [Бернштам 1952: 233]. Унинг номи суғдча *k's* – “чўчка” ёки хоразмий *k's* – “оғир”, “қийин” сўзларидан бири билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин [Лурье 2004: 69, 235]. Қадимги Косон шахрининг харобалари ҳозирги Фарғона вилоятидаги Косонсой шаҳри ёнида жойлашган бўлиб, унинг марказий қисми Муғқўрғон деб аталади. M. a. II асрда бу шаҳар қадимги Даван давлатининг пойтахти, илк ўрта асрларда эса Фарғона *ихшид*ларининг пойтахти бўлган [Бартольд 1963: 219; Заднепровский 1985: 530 – 531]. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda XII: 18003.

10. Урашт (اورشت) ёки Ураст (اورست) – Фарғонадаги шаҳар. Урашт илк бор 86/705 йилда Солих ибн Муслим ва Наср ибн Саййор томонидан фатҳ қилинган. Унинг аҳолиси халифа ал-Мунтасир даврида (247–248/861–862 йилларда ҳукм сурган) Нух ибн Асадга қарши исён кўтарган [al-Beladsori: 420]. Лекин Нух ибн Асад 227/842 йилда вафот этган [ас-Сам'оний VII: 14]. Бу ерда халифа ал-Му'тасим (218 – 227/833 – 842 йилларда ҳукм сурган) назарда тутилган бўлса керак. “Худуд ал-‘Олам” га кўра, Урашт шаҳри ёнидан Уш дарёси оқиб ўтган [Hudud al-‘Alam: 72, 116]. Бу дарё Нахр Ураст ёки Ураст деб ҳам аталган [Ibn Naukal: 512; Ворожейкина 2002: 36]. Ҳозир бу дарё Окбўра деб аталади [Бартольд 1963: 216; Бартольд 1965: 212]. Ураст номи қадимги юнон манбаларида қайд этилган *аристей* қабиласининг номи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Бартольд 1965: 528]. Матнининг масофалар ҳақидаги бўлимида Ахсикатдан 7 *фарсах* масофада Илоқ чегарасида жойлашган ар-Рошт (الراشت) шаҳри қайд этилган [Ibn Naukal: 524]. ал-Истахрий матнида унинг ўрнига Вонкат (وانكت) қайд этилган [al-Istakhri: 346], форс тилидаги матнида эса Рошт (راشت) Ахсикатдан 9 *фарсах* масофада деб кўрсатилган [Ворожейкина 2002: 39]. Лекин бу Урастдан бошқа маскан эканлиги аниқдир, чунки Ураст Фарғона водийсининг шар-

кий қисмида жойлашган. Ураст (Урашт) ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 216.

11. Бошқа манбаларда Солиҳ ибн Муслимнинг Фарғонага қилган юриши ҳақида маълумот келтирилмаган. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, Солиҳ ас-Сағонийон ва Вошжирд ўртасида жойлашган Босоро (باسارا) ёки Босорон (باساران) номли ерни фатҳ этди [at-Tabari II: 1180].

12. Наср ибн Саййор ибн Рофи' ибн Ҳаррий ибн Раби'а ал-Киноний ал-Лайсий (131/748-49 йилда вафот этган) – машҳур араб ҳарбий қўмондони ва йирик давлат арбоби, Хуросондаги арабларнинг *мудар* қабиласининг бошлиғи; Қутайба ибн Муслимнинг Мовароуннаҳрдаги ҳарбий юришларида иштирок этди ва бу ерда кўп бойликлар қўлга киритди. Ҳишом ибн 'Абд ал-Малик (105 – 125/724 – 743 йилларда ҳукм сурган) даврида хирож девонининг бошлиғи, 110/728-29 йилда эса Самарқанд ҳокими этиб тайинланди. 121 – 131/738 – 748 йилларда аввал Балх ҳокими, кейин бутун Хуросон волийси бўлди, Марв шаҳрида яшаган. Унинг ҳукмронлиги даврида Хуросонда Абу Муслим бошчилигидаги 'Аббосийлар ҳаракати авж олди ва ғалаба қозонди. 130/747-48 йилда Наср ибн Саййор Марвни тарк этиб, аввал Нишопурга, кейин Қумисга йўл олди. Абу Муслим унинг кетидан Қахтаба ибн Шабиб бошчилигида кўшин юборди. Наср ибн Саййор у ердан ҳам қочиб, Рей ва Ҳамадон ўртасидаги чўлда касалга чалинди ва Сова қишлоғида 85 ёшда вафот этди [Халифа ибн Хаййот: 99, 102, 104, 112, 113, 115, 119; al-Jakubi: 302; al-Ja'kubi II: 374, 392, 397 – 399, 407 – 410; ал-Йа'қубий II: 341 – 342, 347 – 349, 357 – 358; at-Tabari II: 838, 1180, 1419, 1448, 1473 – 1477, 1481, 1493, 1498 – 1500, 1507 – 1526, 1530, 1688 – 1994; Masoudi VI: 2, 60 – 65, 68, 69; el-Maqqdisi VI: 55; Ibn A'tham VIII: 107; Ибн А'сам VIII: 296 – 326; Наршахий: 10, 17, 57, 58; Гардизи: 36 – 38; Jacut I: 630; IV: 700; Ибн Халликон III: 149, 150, 151; IV: 187; VII: 20, 108]. Унинг набираси Рофи' ибн ал-Лайс 190/805-06 йилда Ўрта Осиёда Ҳорун ар-Рашидга қарши исён кўтарди [at-Tabari III: 707 – 713; Арабский аноним: 255б, 257б – 259а, 263а – 274б, 278а, 279а; Ибн Халдун III: 121 – 129, 156]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 250 – 251; Большаков 2010: 79, 170, 173, 190, 197 – 200, 223 – 226, 250 – 255, 258 – 263; Bosworth 1993: 1015 – 1016; аз-Зириклий VIII: 341; Gibb 1923: 65, 68, 73, 75, 76, 89 – 94; Dehkhoda XIV: 22521.

13. Наср ибн Саййор 86/705 йилда Босоронда ва бошқа жангларда шижоат ва мардлик кўрсатгани учун Солиҳ ибн Муслим унга Шимолий Тўхористонда жойлашган Танжона (تنجانة) номли қишлоқни мулк сифатида ҳадя этди [at-Tabari II: 1180].

14. ...хар (بيعخر) - 1-, 2- ва 3-ҳарфларнинг нуқтаси йўқ.

15. Хишкат (خشكت) – Фарғона вилоятининг бош шаҳри. Бошқа манбаларда унинг номи Ахсикат (اخسيكت) ёки Ахшикат (اخشيكت) шаклида келтирилган [al-Istakhri: 333, 335, 336, 346, 347; Ibn Naukal 1967: 512 – 513, 524;

al-Moqaddasi: 48, 262, 271, 341]. Суғд тилидаги манбаларда бу шаҳарнинг номи *'ḡsykndh* (Axsēkand) ва *'xsyk'θ* (Axsēkath) [Gharib 1995: 27 (709), 28 (710)], хитой манбаларида Сичень шаклида қайд этилган [Chavannes 1903: 357]. Сўнгги ўрта асрларда унинг номи Ахси (اخي) [Бабур-наме: 4б, 5а, 7б ... 234аб], тангаларда эса Ахши (اخي) ва Ахсикат (اخيكت) шаклларида қайд этилган [von Zambaur 1968: 38]. VIII асрга оид суғд хужжатларида Зарафшон дарёси юқори оқими ҳавзасида жойлашган *'xsykndh* (*xsykndh*, *'xsyktc*) номли қишлоқ қайд этилган [СДГМ 1962: 145; 1963: 30, 90, 101 – 102]. Ҳозир бу қишлоқ Хушикат деб аталади. Бу ном суғдча *xšun* (*xsyn*) – “яшил” ёки ( )*xns* – “мустаҳкам” сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 90, 95]. Бошқа фикрга кўра, бу ном туркча *ak* – “оқ” ва суғдча *kaθ* – “шаҳар” сўзларидан ясалган бўлиши ҳам мумкин [СДГМ 1963: 101]. Эҳтимол бу шаҳарнинг номининг келиб чиқиши Норин дарёсининг эски номи Оқсув гидроними билан боғлиқдир [Аскарлов 2004: 26].

X асрда Ахсикат Фарғонанинг пойтахти бўлиб, унинг ички мадинасида бир нечта ариқлар, шунингдек пишиқ ғишт ва ганчдан қурилган сув тўп-ланадиган чиройли ҳовузлар бўлган. Бу шаҳар Фаластиндаги Рамла шаҳридан 1,5 баробар каттароқ бўлган [al-Moqaddasi: 271]. Ахсикатда амир ва унинг амалдорларининг қароргоҳи бўлган. У Хашарт дарёсининг бўйида тоғ ёнбағрида жойлашган. Унинг ёнидаги тоғларда олтин ва қумуш конлари кўп бўлган. Унинг аҳолиси ичиш учун шароб тайёрлаган [Hudud al-'Alam: 116]. Ахсикат аш-Шош дарёсининг бўйида, унинг шимол томонида жойлашган. Шаҳар билан тоғлар орасидаги масофа тахминан ярим *фарсах*ни ташкил этган. X асрда шаҳар *куҳандиз*, *мадина* ва *рабад* қисмларидан иборат бўлган. Ҳукумат саройи ва қамокхона *куҳандиз*да, жоме‘ масжиди эса *куҳандиз* ташқарисида жойлашган. Намозгоҳ – аш-Шош дарёсининг бўйида жойлашган. Бозорларнинг кўп қисми *мадина*да, бир қисми *рабад*да жойлашган. Шаҳар бинолари пахсадан қурилган. Унинг *рабад* қисми мудофаа девори билан ўралган. Ички шаҳар (*мадина*) нинг 5 та дарвозаси бўлган. Улар Боб Бужайр, Боб ал-Маркаша, Боб Косон, Боб ал-Жоме‘ ва Боб Рахоба деб аталган. Шаҳарнинг *мадина* ва *рабад* қисмларида оқар сувлар ва кўплаб ҳовузлар бўлган. Шаҳар ташқарисидаги боғлар ва оқар сувли ариқлар 2 *фарсах* масофага қадар давом этган. аш-Шош дарёсидан кечиб ўтилса, шаҳарнинг қаршисида ўтлоқ ерлар ва кўплаб яйловлар, шунингдек, бир кунлик йўл давомида қумлоқ ерлар бўлган [Ibn Haukal: 512 – 513]. XII асрда Ахсикат Фарғонанинг энг чиройли, тоза ва обод шаҳри бўлган [ас-Сам‘оний I: 153; Jacut I: 192].

Ахсикат шаҳрининг харобалари Намангандан 20 км жануби-ғарбдаги Гулқишлоқ (Эски Ахси) ва Шаханд қишлоқлари ёнида Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Косонсойнинг унга қуйилиш ерида жойлашган бўлиб, эски Ахси деб аталади [Ахраров 1960: 53 – 58; Чуланов 1963: 197 – 206; Анарбаев 1988: 171 – 187]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 342; Spuler 1960: 330.

16. Аслида Фарғонанинг қадимги пойтахти Хишкат (Ахсикат) эмас, Косон шаҳри бўлган. Бу ҳақида XXV, 9-изоҳга қаранг.

17. ал-Мунтасир биллоҳ (المنتصر بالله), бошқа нусхада: ал-Мансур биллоҳ (المنصور بالله) – Нух ибн Асад ўзининг Фарғонага қилган ҳарбий юришини халифа ал-Мансур (136 – 158/754 – 775 йилларда ҳукм сурган) даврида амалга ошириши мумкин эмас, чунки Нух ибн Асад 204/218-20 йилда халифа ал-Ма’мун (198 – 202/813 – 818 йилларда Марвда, 202 – 218/818 – 833 йилларда Бағдодда ҳукм сурган) даврида Самарқанд ҳокими этиб тайинланган. Бу юриш халифа ал-Мунтасир (247 – 248/861 – 862 йилларда ҳукм сурган) даврида ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин эмас, чунки Нух ибн Асад 227/841-842 да вафот этган. Нух ибн Асад бу юришни халифа ал-Му’тасим (218 – 227/833 – 842 йилларда ҳукм сурган) даврида амалга оширган бўлиши керак, чунки матннинг бошқа ерида (422 бет) у халифа ал-Му’тасим ҳукмронлиги даври билан боғлиқ равишда тилга олган. Нух ибн Асад 225/839-40 йилда аш-Шош вилоятига қаршли Исфижоб шаҳрига юриш қилиб, уни фатҳ этган [ас-Сам’оний VII: 13] ва бу шаҳар атрофларидаги тоқзорлар ва экинзорларни ўз ичига олган мудофаа девори қурдирган [al-Beladsori: 422]. Исфижоб 211/826-27 г. ‘Абдуллоҳ ибн Тохирга хирож тўлаган туркларнинг бошқа вилоятлари, шу жумладан Фарғона вилояти [Ибн Хордадбех: 68; Ибн ал-Факих: 101; Kodama: 38] билан бир қаторда қайд этилган бўлса ҳам [Та’рих-и Систан: 65], у ерларда мусулмонларнинг ҳокимияти ҳали кучсиз эди. Шунинг учун Нух ибн Асад итоат этмаган туркларга қарши уруш олиб боришга мажбур бўлган [Ибн ал-Факих 1993: 51]. Айнан шу даврда Нух ибн Асад Фарғонадаги Косон ва Урашт шаҳарларидаги арабларга қарши кўтарилган кўзғолонларни ҳам бостирган [al-Beladsori: 420]. X асрда Сомонийлар Фарғонадаги туркларга қаршли Йеттикент (Хафтдех) туманида жойлашган Астийоканд (Бисканд) ва Шалот (Салот) шаҳарларини ҳам қайта фатҳ этганлар [al-Ya‘qubi: 31, 32; al-Masudi: 352 – 361; al-Istakhri: 347; Ibn Naukal: 514, 524]. Халифа ал-Му’тасим ҳақида яна қаранг: Bosworth 1993: 776; Беляев 1966: 216, 217, 245, 254, 255; аз-Зириклий VII: 351; Dekhoda XIII: 21116.

18. Абу Муҳаммад Нух ибн Асад ибн Сомон ас-Сомоний (227/841-842 да вафот этган) – Сомонийлар сулоласининг бобокалони Сомон-худотнинг набираси, Асад ибн Сомоннинг катта ўғли, 204 – 227/819 – 842 Самарқандда ҳукм сурган. Ўрта Осиёда Рофи’ ибн ал-Лайс бошчилигида арабларга қарши кўтарилган кўзғолон (190 – 195/806 – 810 йй.) ни бостиришда фаол иштирок этди. У кўзғолончилар билан музокара олиб борди ва уларни таслим бўлишга кўндирди. Унинг бу хизмати учун халифа ал-Ма’мун Марвдан Бағдодга кетишдан олдин унинг ва унинг укаларини ҳоким этиб тайинлашга буйруқ берди ва 204/819-20 йилда Хуросон амири Ғассон ибн ‘Аббод уни кўрсатмага биноан Самарқандга, укаси Аҳмадни Фарғонага, Йахйони аш-Шош ва Уструшанага, Илёсни эса Ҳаротга ҳоким этиб тайинлади.

Ака-укаларнинг ҳар бири расман бир-биридан мустақил ҳукмдор бўлган, лекин амалда улар Нух ибн Асадга бўйсунганлар. 211 – 212/826 – 827 йилларда ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир томонидан йиғиб олинган хирож тўловлари ичида унга қарашли ас-Сугд ва бошқа вилоятлардан 826 400 дирҳам олинган, шу жумладан 280 минг дирҳам олинган. Нух ибн Асад ғайридин туркларга қарши жиҳод урушлари олиб борган [Ибн ал-Факих 1993: 51]. 225/839-40 йилда у Исбижоб шахрини фатҳ этди ва унинг атрофидаги тоқзорлар ва экинзорларни ўз ичига олган мудофаа девори курди [al-Beladsori: 422; ал-Балазури: 38; Наршахий: 69; Гардизи: 62; Ибн ал-Факих: 101; Ибн Хордадбех: 68; at-Tabari III: 1307, 1308; ас-Сам‘оний VII: 12 – 14; Ибн ал-Асир VII: 110; Ибн Халликон I: 173]. Нух ибн Асад ҳукмронлиги даврида Самарқанд, аш-Шош ва Фарғона шаҳарларида зарб этилган тангалардаги ёзувларда халифа исмидан кейин фақат унинг исми келтирилган. Бу эса унинг Хуросон ҳукмдорлари Тоҳирийлардан мустақил бўлганлиги ва фақат халифага бўйсинганини англатади [Давидович 1954: 38 – 39]. Сомонийлар ҳақида яна қаранг: Frye 1993: 136 – 161; Bosworth 1995: 1025 – 1029; Босворт 1971: 145 – 147; Негматов 1977; Камолиддин 2008.

19. Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган. ат-Табарийга кўра, 86/705 йилда Қутайба дарёдан кечиб ўтишдан олдин маълум вақт Балх ёнида қолди, чунки унинг аҳолисининг бир қисми арабларга қарши бош кўтарган эди. Қутайба Балх аҳли билан жанг қилиб, Навбахор ибодатхонасининг бош коҳини Бармакнинг хотинини асирга олди ва уни укаси ‘Абдуллоҳ ал-Фақирга берди. Кейин Балх аҳли Қутайба билан қайта сулҳ тузди [at-Tabari II: 1181]. Эҳтимол бу ерда 90/708-09 йилда Қутайба ибн Муслимнинг Низак Тархон Тўхористонда кўтарган кўзғолонини бостириш учун қилган юриши назарда тутилган бўлса керак. Бу ҳақида XXIV, 33-изоҳни қаранг.

20. 87 ҳижрий йил милодий 705 йилнинг 23 декабр кунидан 706 йилнинг 11 декабр кунига қадар давом этган.

21. Қутайба ибн Муслим Шумонга юриш қилган вақтда, Бодғис деҳқони Низак Тархонга кўпол оҳангда мактуб ёзиб, унинг кўлига асир тушган арабларни озод қилишни талаб қилди. Акс ҳолда унга қарши юриш қилишини айтди ва ва дўқ-пўписа қилди. Низак унинг мактубидан ваҳимага тушди ва асирларни кўйиб юборди. 87/705-06 йилнинг бошида Қутайба Низакнинг олдига Сулайм исмли одамни юбориб, мактубида унга яна ҳам кўпол муомала қилди ва унинг олдига келиб, сулҳ тузишни талаб қилди. Акс ҳолда унга қарши юриш қилишини ва уни тутиб ўлдирмагунча ҳар ерда таъқиб қилишини айтди. Низак Сулаймнинг маслаҳатига кулоқ солиб, Қутайбанинг олдига Марвга келиб, у билан Бодғис аҳли номидан сулҳ тузди [at-Tabari II: 1184 – 1185; Халифа ибн Хаййот: 81].

22. Низак (نيزك) ёки Низак Тархон (نيزك طرخان) – Хуросондаги Бодғис вилоятининг ҳукмдори. Бу маълумотдан аён бўладики, Қутайба ибн Муслим

лимнинг Мовароуннахрга қилган юришида Низак Тархон ҳам иштирок этган. У ҳақида I, 7-изоҳга қаранг.

23. ал-Балозурийнинг бу маълумотидан аён бўладики, Низак Тархон Қутайбанинг 87/705-06 йилда Байкандга қилган юришида у билан бирга бўлган ва жанглarda иштирок этган.

24. ад-Динаварийга кўра, Қутайба Марв билан Омуйа (أموية) шахрининг ўртасида жойлашган чўлдан юриб, Омуйага келди. Бу чўлда қумлар ҳам, дарахтлар ҳам бор эди. Кейин у дарёдан кечиб ўтиб, Бухорога йўл олди [ад-Динаварий: 327]. ат-Табарийга кўра, Қутайба Марвдан йўлга чиқиб, Марв ар-Рудга, кейин эса Омулга келди, лекин у ерда дарёдан Фарабрга кечиб ўтмасдан, дарёнинг юқорироқ оқимида жойлашган Замм шахрига борди ва ўша ерда дарёдан кечиб ўтди [at-Tabari II: 1186].

25. Байканд шахри Бухородан Фарабрга олиб борувчи Хуросон йўлида Бухородан 1 *марҳала* масофада жойлашган. X асрда Жайхун дарёсининг ўнг қирғоғида Хуросон кечуви (معبّر خراسان) ёнида жойлашган Фарабр (فربر) шахри маъмурий жиҳатдан Бухоро вилоятига кирган. У Бухородан 3 *марҳала*, Байканддан эса 2 *марҳала* масофада жойлашган. IX асрда Байканд билан Фарабр ўртасида Умм Жа‘фар (ام جعفر) номли қалъа бўлган [Ibn Naukal: 489, 520]. Дарёнинг чап соҳилида жойлашган Омул (أمل) шахри ва унинг атрофидаги ерлар эса Марв вилоятига кирган. Байканд ҳақида XI, 6-изоҳга қаранг. Бу ҳақида яна қаранг: Камалиддинов 1996: 85 – 87.

26. X асрда Бухоро аҳлининг тили *ас-суғд* тили бўлган, лекин уларда айрим сўзлар ўзгарган ҳолда талаффуз қилинган [al-Istakhri: 314; Ibn Naukal: 490]. Демак, Бухоро воҳасида суғд тилининг маҳаллий шеvasи бўлиб, Самарқанд, Нахшаб ва Кеш шеваларидан биров фарқ қилган [Исхаков 2008: 102 – 107; Лурье 2004: 181 – 188]. Наршахий бухороликларнинг тилини *зобон-и бухори* (زبان بخاری) – “бухоро тили” деб атаган ва ундан 2 та намуна ҳам келтирган [Наршахий: 41, 48]. Лекин ал-Балозурийнинг маълумотида кўра, бухороликлар суғдлардан фарқланган. Суғд тилидаги манбаларда ҳам бухороликлар суғд деб аталмаган. Масалан, Шарқий Туркистондан топилган суғд тилидаги ҳужжатларда турли халқлар каторида суғдлар (*swt'uk*) ва бухороликлар (*pwg'r*) алоҳида қайд этилган [Henning 1940: 9 – 10]. X асрда *ас-Суғд* (السغد) Самарқанд вилоятининг бир қисмини ўз ичига олган кичик бир вилоят бўлиб, унда Карминийа, ад-Дабусийа, Арбинжан ва ал-Кушонийа шаҳарлари бўлган, Бухоро эса алоҳида вилоят ҳисобланган [al-Istakhri: 286, 316 – 323; Ibn Naukal: 491 – 492]. XII асрда ҳам *ас-Суғд* Самарқанд вилоятидаги бир *ноҳийа* (ناحية) сифатида қайд этилган [ас-Сам‘оний VII: 86]. Демак, бухороликларнинг тили суғд тилига яқин бўлса ҳам, улар ўзларини суғдлар, яъни самарқандликлардан фарқлаганлар.

27. ат-Табарийга кўра, бухороликлар билан суғдлар арабларни куршаб олдилар ва 2 ой давомида уларни қамалда ушлаб турдилар. Кейин улар ўртасида шиддатли жанг бўлиб ўтди, унда араблар устун келиб, кўп одам-

ларни қирдилар. Омон қолганлар қалъага ичига қочиб кириб сақландилар. Қутайба қалъа деворини ўққа тутмоқчи бўлганда, байкандликлар сулҳ тузишни сўрадилар. Қутайба улар билан сулҳ тузиб, уларга ўзининг ўғлини ҳоким этиб тайинлади. Кейин Қутайба орқага қайтиб 5 *фарсах* юрганда, улар тузилган сулҳни бузиб, араб ҳокими ва унинг одамларини ўлдирдилар. Қутайба яна Байкандга қайтиб, уларни 1 ой давомида қамал қилди. Кейин у деворни бузиш учун тайёргарлик кўра бошлади. Буни кўрган байкандликлар яна сулҳ тузишни сўрадилар. Лекин Қутайба бунга кўнмади ва шаҳарни куч билан олди. У шаҳарга кириб, ундаги ҳамма жангчиларни ўлдирди. Араблар Байкандда беҳисоб олтин ва кумуш идишлар ва санамларни қўлга киритдилар. Улар идишлар ва санамларни эритиб, Қутайбага келтирдилар. Соф олтин ва кумуш билан бирга уни эритгандан кейин қолган қотишмаларни ҳам келтирдилар. Қутайба қотишмаларни яна бир бор эритишни буюрди. Қотишмалар ҳам эритилганда, улардан яна 150 минг ёки 50 минг *мисқол* олинди. Араблар Хуросонда бундай катта ўлжани ҳали қўлга киритмаган эдилар. Бу ўлжа туфайли улар жуда ҳам бойиб кетдилар ва Марвга қайтиб, кўплаб қурол-яроғлар ва отлар сотиб ола бошладилар ва бунда бир-бирлари билан рақобатлашдилар [at-Tabari II: 1186 – 1187]. Ибн Хаййот ҳам бу ҳақида қисқача маълумот келтирган [Халифа ибн Хаййот: 81]. Наршахийга кўра, бу воқеалар 88/706-07 йилда содир бўлган. Қутайба қаттиқ жанглар олиб боргандан кейин Байканд қалъасини 50 кун давомида қамал қилди, кейин унинг девори тагидан лаҳм қазиб, ичига йўл очди. Байканд аҳли сулҳ тузишни сўрадилар. Қутайба улар билан сулҳ тузиб, шаҳарга Варқо' ибн Насрни амир этиб тайинлади. Ўзи эса Бухорога йўл олди. У Хунбунга етганда, Байканд аҳли кўзғолон кўтаргани ҳақида хабар келди. Қутайба Байкандга қайтиб келиб, шаҳардаги урушга яроқли ҳамма одамларни ўлдирди, қолганларни эса асирга олди. Байкандда ҳеч ким қолмади ва шаҳар харобага айланди. Байканд аҳли савдогарлар бўлиб, ўша вақтда уларнинг кўплари мол олиб келгани Хитойга кетган эдилар. Улар сафардан қайтиб келгандан кейин ўзларининг болалари, хотинлари ва яқинларини араблардан сотиб олдилар ва шаҳарни қайта тикладилар. Байканддаги бир бутхонада Қутайба оғирлиги 400 *дирам* келадиган кумуш бут ва кўп кумуш жомлар топди. Уларнинг ҳаммасини жамлаб тарозида торганда 150 минг *мисқол* чиқди. Ундан ташқари у кабутар тухумидек келадиган 2 та марварид ҳам топди. Шундан кейин Байканд кўп йиллар хароб бўлиб қолди [Наршахий: 44 – 45]. Ибн А'сам маълумотига кўра, Байкандда арабларга қарши турк хоқони бошчилигидаги турклар (الترك), суғдлар (السغد) ва барқаслар (البرقس) чиқдилар. Уларнинг сони 87 минг эди. Шиддатли жангда араблар ғайридинлардан устун келиб, уларнинг кўп қисмини кириб ташладилар. Омон қолганлар эса тоғларга ва тўқайзорларга қочиб беркиндилар. Қутайба Байканд қалъасини куч билан олди, уни ҳимоя қилганларни ўлдирди ва шаҳар деворларини бузди. У Байкандда катта ўлжа қўлга



киритди ва унинг 1/5 қисми (*хумс*) ни ал-Ҳажжожга юборди, қолганини аскарларга бўлиб берди. У шаҳар хазинасида кўп қуролларни қўлга киритди ва одамларга тарқатди. Хазинанинг бир хонасида у ҳисобсиз олтин ва кумуш идишлар топди. Араблар у ерда яна олтиндан ясалган катта санам топдилар. Қутайба уни эритишни буюрди ва ундан 250 минг динар олтин чикди. У ерда яна 2 та катта ва ғоят чиройли марварид тош топдилар. Байканд аҳли тижорат учун ас-Синга кетган эдилар. Улар сафардан қайтиб, болалари ва хотинларини араблардан сотиб олдилар. Кейин улар Қутайбадан рухсат олиб, шаҳарни қайта курдилар. Қутайба улар билан сулҳ тузди ва Байканддан кетди [Ibn A‘tham VII: 218 – 222].

28. 88 ҳижрий йил милодий 706 йилнинг 12 декабр кунидан 707 йилнинг 30 ноябр кунигача давом этган.

29. Башшор ибн Муслим ал-Боҳилий – Хуросон волийси Қутайба ибн Муслимнинг укаси, унинг Марвдаги ноиб. У акаси Қутайба ибн Муслим билан бирга 96/714-15 йилда Фарғонада қатл этилган [at-Tabari II: 1195, 1296].

30. Тумушкат (*تومشكت*) – Ёқут ал-Ҳамавийнинг маълумотига кўра, Тумушкат (*تمشكت*) Бухоро вилоятида жойлашган қишлоқ [Jacut I: 874]. ат-Табарийнинг маълумотига кўра, Қутайба ибн Муслим 88/706-07 йилда Бухоро вилоятидаги Нумушкат (*نومشكت*) ва Ромитана (*راميثنة*) шаҳарларига юриш қилган [at-Tabari II: 1194 – 1195]. Наршахийнинг маълумотига кўра, ўша йили у Байканд (*بيکند*) ва Бухоро шаҳарларига юриш қилган [Наршахий: 44 – 46].

X аср араб географларига кўра, Бухоро шаҳрининг эски номи Бумижкат (*بومجکت*) бўлган [al-Istakhri: 315; Ibn Naukal: 482; Jacut I: 737]. Бошқа манбаларда Бухоро шаҳрининг эски номи Нумужкат (*نومجکت*) [al-Moqaddasi: 267], Бумискат (*بومسکت*) [Наршахий: 33], Нумушкат (*نومشکت*) [at-Tabari II: 1189, 1194], Нушкат (*نوشکت*) [Ibn al-Fakih: 327], Бумкат (*بومکت*) [Hudud al-‘Alam: 112] шаклларида келтирилган. 1820 йилнинг охири 1821 – йилнинг бошларида рус элчилари билан бирга Бухорога саёҳат қилган Е.К.Мейендорф – Бухоронинг энг қадимги қисми *аркни* Нумишкенд деб атаган [Мейендорф 1975: 92]. Бухоро (*بخارا*) номи манбаларда VI асрдан бошлаб қайд этилган. Шу билан бирга унинг эски номи ҳам ишлатилган [Barthold, Frye 1960: 1293 – 1296]. Юқорида бу шаҳар *мадинат* Бухоро (*بخارا مدينة*) – “Бухоронинг бош шаҳри” сифатида қайд этилган [Beladsori: 410]. Илк ўрта асрларда *мадинат* Бухоро (*مدينة بخارا*) – араб. *мадина* (*مدينة*) сўзи икки хил маънода ишлатилган: “шаҳар” ва “бош шаҳар”, яъни “пойтахт”. Ўрта аср араб географиясида вилоятларнинг бош шаҳарлари вилоят номи билан ҳам аталган. Масалан, IX асрда Фарғонанинг исломдан олдинги бош шаҳри Косон (*کاسان*) *мадинат Фарғона* (*مدينة فرغانة*), X асрда Х<sup>в</sup>оразм пойтахти Кот (*کات*) *мадинат Х<sup>в</sup>оразм* (*مدينة خوارزم*), аш-Шошнинг бош шаҳри Бинкат (*بنکت*) *мадинат аш-Шош* (*مدينة الشاش*), Бухоро вилоятининг бош шаҳри Бумижкат

(بومجکت) мадинат Бухоро (مدینة بخارا), Сижистон вилоятининг бош шаҳри Заранж (زرنج) мадинат Сижистон (مدینة سجستان) ёки Шаҳр-и Систон (شهر), Нишопур вилоятининг бош шаҳри Абаршаҳр (ابرشهر) мадинат Нишопур (مدینة نساپور) деб аталган. Мадина сўзининг “бош шаҳар”, “пойтахт” маъносини англатувчи арабча синоними қасаба (قصبه) бўлган. Бу ҳақида яна III, 16, 144 ва XI, 8, XXXVI, 4-изоҳларга қаранг.

31. Карминийа (کرمینیه) ёки Кармина (کرمینه) – Бухородан 18 фарсах масофада Самарқанд йўлида жойлашган шаҳар [Ibn Khordadbeh: 25, 26; Kodama: 203; Ibn al-Fakih: 325, 327]. 112/730-31 йилда Кармина ёнида араблар ва турк хоқонининг кўшинлари ўртасида шиддатли жанг бўлган [at-Tabari II: 1550]. “Худуд ал-‘Олам” га кўра, Кармина (کرمینه) – Суғддаги ноз-неъматларга бой ва хушманзара шаҳарча бўлиб, унда оқар сувлар ва дарахтлар кўп бўлган [Hudud al-‘Alam: 113]. X асрда у аҳолиси ва худудлари бўйича Тавовис қишлоғидан каттароқ бўлиб, унинг атрофларида қишлоқлар кўп бўлган [al-Istakhri: 310, 313, 334; Ibn Haukal: 486, 489, 491; al-Moqaddasi: 265, 324, 342]. Исломдан олдин у Бодийа-и Хурдак деб аталган бўлиб, X асрда унда жоме‘ масжиди бўлган [Наршахий: 20]. XII асрда шаҳар хароба ҳолатда эди [ас-Сам‘оний X: 405]. Эҳтимол, уни 562/1166-67 йилда хоразмшоҳ Эл Арслон (551 – 567/1156 – 1172 йилларда ҳукм сурган) вайрон қилган [Бартольд 1963: 149]. У ҳақида яна қаранг: Беруни 1973: 471; ас-Сам‘оний X: 403; Jacut IV: 268; Dekhoda XII: 18292.

М.Исҳоқовнинг фикрига кўра, Кармина топонимининг биринчи қисми қад. эрон. *kar(a)* – “катта йўл”, иккинчи қисми эса қад. эрон. *maena* – “ўрта” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “катта йўл ўртасидаги [жой]” маъносини англатади [оғзаки маълумот]. Ҳақиқатан, Кармина Бухородан Самарқандга олиб борувчи йўлнинг ярмида жойлашган. Бошқа фикрга кўра, бу топонимнинг биринчи қисми ўрта форс *kar-/kar* – “катта”, иккинчи қисми эса суғдча *tēn-ē* (яғноб. *tain*) – “қишлоқ” сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 58, 125, 237]. XII асрда маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган ривоятга кўра, бу шаҳарни фатҳ қилиш учун келган араблар уни биринчи кўрганда, унинг гўзаллиги, сувлари мўл ва дарахтлари кўплигидан ҳайратга келиб: *хийа ка Арминийа* (هي كرمینیه) – яъни “у худди Арминийага ўхшайди”, – деганлар. Шундан кейин бу айtilган сўзлар шаҳар номига айланган [ас-Сам‘оний X: 403]. Бу халқ ривоятининг асосида ҳақиқат ётган бўлиши мумкин. Наршахийга кўра, Кармина шаҳри қадимда (яъни арабларгача) Бодийа-и хурдак (بادیه خردك) деб аталган [Наршахий: 20]. Худди шу сингари Бухоро вилоятидаги Арқуд (ارقود) қишлоғини араблар унда товуслар кўп бўлгани туфайли Тавовис (طواويس) – “Товуслар” деб номлаганлар [Наршахий: 20].

XX аср бошларида Бухоро амирлигида Кармина вилояти ва шу номли ер ҳам бўлган [НПБЭ: 76, 134]. Бу топоним ҳозирги вақтгача сақланган. Кармина (Кармана) Навоий вилоятидаги Навоий шаҳридан 8 км масофада

жойлашган шу номли туманнинг маъмурий маркази. Ўрта асрлардаги Кармина (Карминийа) шаҳри ҳозирги Кармина (Кармана) ўрнида жойлашган [Бартольд 1963: 149; СГСА 1973: 187]. Бу ерда XI асрнинг бошларида қурилган Мир Саййид Баҳром мақбараси сақланган [Нильсен 1956: 37 – 44; Ртвеладзе 2001: 131 – 134]. XX асрнинг 70-йилларида шу мақбара ёнидаги эски қабристонни текислаш жараёнида XII асрда зарб этилган тангалар хазинаси топилган [Кочнев, Некрасова 2004: 193 – 196]. XVI асрда Кармина Шайбонийларнинг Мийонкол туманининг маркази бўлган. Бу даврдан шаҳарнинг жанубий чеккасида жойлашган суфийликнинг *йассавиййа* тариқати бошлиғи Қосим-шайх ‘Азизон Карминагий (1578-79 йилда вафот этган) хонақоси сақланиб қолган [Некрасова, Тураев 2003: 41 – 44].

32. ат-Табарийга кўра, 88/706-07 йилда Қутайба Нумушкат (نومشكث) ва Ромитана (راميثنة) шаҳарларига юриш қилди. Нумушкат аҳолиси унинг олдига чиқиб, у билан сулҳ туздилар. Кейин у Ромитанага йўл олди ва улар билан ҳам сулҳ тузиб, орқага қайтди. Йўлда унга турклар, суғдлар ва фарғоналиклар ҳужум қилдилар. Уларнинг лашкарбошиси ас-Син подшоҳи опасининг ўғли Курмағонун (كورمغانون) ат-Туркий эди, унинг қўл остида 200 минг аскар бор эди. Улар орасида шиддатли жанг бошланди. Қутайба билан Низак Тархон ҳам бор эди. У жангда жасорат кўрсатди ва туркларни мағлубиятга учратди. Кейин араблар ат-Тирмизга келиб, дарёдан кечиб ўтдилар ва Балхга йўл олдилар, у ердан эса Марвга келдилар [at-Tabari II 1194 – 1195]. Бу маълумотни Ибн Хаййот ҳам қисқача келтирган [Халифа ибн Хаййот: 81]. Бошқа маълумотга кўра, Қутайба ал-Форйобга келганда, ал-Ҳажжождан мактуб келди. У Қутайбага орқага қайтишни ва Вардонхудотга қарши юриш қилишни буюрди. Шунинг учун Қутайба 89/707-08 йилда Заммга келиб, яна дарёдан кечиб ўтди. У чўл орқали кетаётганда унга суғдлар, Кеш ва Насаф аҳли ҳужум қилдилар. Қутайба уларни мағлубиятга учратиб, Бухорога йўл олди. Қуйи Ҳарқона номли ерда уни Вардонхудотнинг катта қўшини қарши олди. Улар 2 кун ва 2 кеча тўхтовсиз жанг қилдилар ва ниҳоят араблар ғалаба қозондилар. Шундай бўлса ҳам араблар Бухорога бормасдан орқага қайтдилар [at-Tabari II: 1198 – 1199]. Ибн А‘сам келтирган маълумотга кўра, Қутайба ибн Муслим Байканддан кейин Нумушкат (نومشكث) шаҳрига келди. Шаҳар аҳли унинг олдига келиб, у билан сулҳ тузиб, ҳар йили унга ўлпон тўлаш ва унга тобеъ бўлиш мажбуриятини олдилар. Қутайба улардан келишилган ўлпонни қабул қилди. Қутайба орқага йўл олганда, унга ас-Суғд подшоҳи Тархон ва турк подшоҳи Кур Бағонун (كوربغانون) 200 минг қўшин билан ҳужум қилдилар. Улар 2 кун шиддатли жанг қилгандан кейин араблар ғалаба қилдилар ва ғайридинлардан сон-саноксиз қирдилар. Араблар катта ўлжа қўлга киритиб, Марвга қайтдилар. Қутайба ўлжанинг 1/5 қисми (*хумс*) ни ал-Ҳажжожга юборди [Ibn A‘tham VII: 223]. ал-Йа‘қубийга кўра, ас-Суғд подшоҳи Тархун, бухор-худот Абу Шаукар, турк подшоҳи Курма‘онун (كرمغانون) Қутайбага қарши

чикдилар. Қутайба улар билан жанг қилмади ва Ҳаййон ан-Набатийни юбориб, улар билан сулҳ тузди [ал-Йа‘қубий II: 300].

33. Ибн Хаййотга кўра, 89/707-08 йилда Қутайба ибн Муслим Бухоро подшоҳи Вардон-худотга қарши юриш қилди, лекин уни енга олмасдан қайтиб кетди [Халифа ибн Хаййот: 81]. ал-Мақдисий келтирган маълумотга кўра, Қутайба ибн Муслим Бухоронинг бош шаҳрига юриш қилганда, турклар (الترك), суғдлар (السغد), шошликлар (الشاش) ва фарғоналиклар (فرغانة) уни 4 ой давомида қуршаб турдилар. Кейин Қутайба уларни мағлубиятга учратди ва улардан 50 минг отликни ўлдирди [el-Maqdisi VI: 38]. Ат-Табарийга кўра, бу юриш 90/708-09 йилда амалга оширилди. Бу жангларда турк хокони ва унинг ўғли ярадор бўлди, лекин араблар ғалаба қозона олмасдан Марвга қайтиб келдилар [at-Tabari II: 1201 – 1204]. Наршахийга кўра, бу жанглар Тороб, Хунбун ва Ромтин оралиғида бўлиб ўтди. Унда вардон-худот, хунук-худот, Хитой подшоҳининг жияни Курмағонун 40 минг аскар билан ас-Суғд подшоҳига ёрдамга келган эдилар. Араблар жуда қийин аҳволда қолган эдилар. Улар ҳийла ишлатиб, душманларни тарқатиб юборишга муваффақ бўлдилар. Бу юриш 4 ой давом этди ва арабларга ғалаба келтирмади [Наршахий: 44 – 46].

34. *рак‘ат* (ركعة) – араб. исломда *ас-салот* (الصلاة) ёки намоз (نماز) ибодатининг таркибий қисми бўлиб, намоз вақтида аниқ кетма-кетликда бажариладиган муайян ҳаракатлар ва улар билан қўшиб ўқиладиган тиловатлар ва дуолар мажмуасидан иборат. Ҳар бир *рак‘ат* бир неча ибодат ҳаракатларини ўз ичига олади, ҳар бир ҳаракат эса алоҳида номланади: *иқома* (اقامة) – қўл қовуштириб тик туриш, *руку‘* (ركوع) – белигача эгилиш, *сажда* (سجدة) – бошини ерга қўйиш, *қа‘да* (قعدة) – тиз чўкиш ва яна *иқома* (اقامة) – тик туриш. *Рак‘ат* сўзи *руку‘* (ركوع) – араб., “белигача эгилиш” сўзидан ясалган бўлиб, унда ибодат қилувчи тик турган ҳолда қўлини тиззасига қўйиб, белигача эгилади. Бир *рак‘ат* тугагандан кейин иккинчи *рак‘ат* бошланади. Шариатда мусулмонларнинг бир кунда 5 маҳал намоз ўқиши белгиланган. Ҳар бир намоз ибодати бажариладиган вақтига қараб, маълум миқдордаги ракатлардан иборат бўлади. Улар *фарз* (فرض), яъни бажарилиши шарт бўлган намоз ибодати деб аталади. Ундан ташқари ихтиёрий равишда бажариладиган қўшимча намоз ибодати *суннат* (سنة) деб аталади [EI VIII: 420; Monnot 1995: 956 – 965; Большаков 1991: 204]. Бу ҳақида яна қаранг: Гиргас 1881: 316 – 317; Dehkhoda VIII: 12214, 12221; XIV: 22731 – 22734.

35. Абу ‘Убайдага мансуб бу маълумот бошқа манбаларда келтирилмаган. Фақат ал-Мақдисий Қутайба Бухорони фатҳ этди деб қайд этган [el-Maqdisi VI: 38], ат-Табарий Қутайбанинг турклар ва бухороликлар билан қилган жанги ҳақида маълумот берган, лекин унинг Бухорони фатҳ этгани ҳақида ҳеч нарса демаган [at-Tabari II: 1201 – 1204]. Ибн Хаййотга кўра, 90/708-09 йилда Қутайба ибн Муслим Бухоро подшоҳи Вардон-худотга қар-

ши иккинчи марта юриш қилди. Вардон-худот турклар, суғдларга ва уларнинг атрофдагиларга ёрдам сўраб чопар юборди. Қутайба улар билан жанг қилиб, мағлубиятга учратди [Халифа ибн Хаййот: 82]. Наршахийга кўра, Қутайба Бухорога 4 марта юриш қилиб, у ердан кўп мол олди, айрим вилоятларни талади, одамларни ўлдирди, асирлар ва қуллар олди [Наршахий: 46]. ад-Динаварийга кўра, у ерларнинг подшоҳи Сул (صول) деб аталган бўлиб, у бутун Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлик қилар эди. У Қутайбага қарши чиқди ва улар жанг қилдилар. Қутайба уни мағлубиятга учратди ва Сул ас-Сағонийонга қочди. Қутайба Бухорони ўраб олди ва унга бир одамни ҳоким қилиб тайинлади [ад-Динаварий: 327]. Ибн А‘самга кўра, Қутайба ибн Муслим Бухорога юриш қилганда, унинг подшоҳи Ма‘онун ибн Ро‘ (معانون بن راع) исмли кучли ҳукмдор эди. Унинг 40 мингдан ортиқ аскарлари бор эди. Улар орасида бир неча кун шиддатли жанг бўлди. Кейин ғайридинлар Қутайба олдига сулҳ тузишни сўраб, одам юбордилар ва 200 минг дирҳам ўлпон тўлаш ва унга урушларда ёрдам бериш мажбуриятини олдилар. Бухоро аҳли шаҳардан чиқиб, Қутайбанинг аскарига кўшилиб у билан кетдилар [Ibn A‘tham VII: 224]. ал-Йа‘қубийга кўра, Қутайба ибн Муслим Бухорога бориб, унинг бир неча шаҳарларини фатҳ этди. Кейин у Варқо‘ ибн Наср ал-Боҳилийни қолдириб, сулҳда келишилган маблағни олишни буюрди ва у ердан кетди [ал-Йа‘қубий II: 299 – 230].

36. ал-Мақдисийга кўра, Қутайба ибн Муслим Бухорони фатҳ этгандан сўнг Самарқандга йўл олди ва ёзни ўша ерда ўтказиб, уни сулҳ йўли билан фатҳ этди [el-Maqdisi VI: 38]. Наршахийга кўра, турклар ва суғдлар Бухоро яқинида Қутайба ибн Муслимни қуршаб олганларида, улар орасида Суғд подшоҳи Тархун ҳам бор эди. У кечаси Қутайба олдига одам юбориб, у билан сулҳ тузди ва унга моллар билан 2 минг *дирам* берди. Шундан сўнг у жанг қилмасдан Самарқандга қайтиб кетди [Наршахий: 46]. ат-Табарийга кўра, 90/708-09 йилда сулҳ тузилгандан кейин Тархун сулҳ шартини бажаргунча ўзининг бир қанча яқин одамларини Қутайбага гаровга берди. 91/709-10 йилда Тархун сулҳда келишилган пулни Қутайбага бергандан кейин гаровга берган одамларини қайтиб олди [at-Tabari II: 1204, 1229 – 1230]. ал-Йа‘қубийга кўра, Қутайба ибн Муслим Бухорони фатҳ этгандан кейин ат-Толақонга йўл олди. Унинг ҳукмдори Бодом (بذام) арабларга қарши исён кўтариб, қалъасига беркинган эди. Бодомнинг ўғли эса Қутайбанинг қўлида эди. Қутайба унинг ўғли ва у билан бирга бўлганларни ўлдирди ва салб қилди. Кейин у Бодомга қарши бир неча кун жанг қилди ва унинг устидан ғалаба қозониб, уни ўлдирди. Унинг яна бир ўғли ва хотинини ҳам ўлдирди. Кейин у ат-Толақонга укаси ‘Амр ибн Муслимни волий этиб тайинлади. Кейин у Низакни ўлдирди ва ас-Суғдга юриш қилди. ас-Суғд ҳукмдори уни кутиб олди ва бир неча кун у билан бирга бўлди. Кейин ундан қочиб кетди [al-Jakubi: 300; ал-Йа‘қубий II: 300].

37. ат-Табарийга кўра, 90/708-09 йилда Низак Тархон Қутайба ибн Муслим билан тузилган сулҳни бузиб, аввал Навбахор ибодатхонасида ибодат қилди, кейин Бодғисдаги ўзининг қалъасига беркинди. У Тўхористоннинг бошқа ҳукмдорларига мактублар ёзиб, уларни арабларга қарши бош кўтаришга даъват этди. У Кобулшоҳга ҳам мактуб ёзиб, ундан ёрдам сўради ва ўзининг барча мол-мулки ва ғазнасини унга юборди. Кобулшоҳ уни қабул қилиб, ўз ҳимояси остига олишга розилик берди. Низак Тўхористон *жабғуси* аш-Шаззни олтин кишанларга солиб, ҳибсга олди, чунки у заиф одам эди ва арабларга бош эгиб, унга қарши чиқиши мумкин эди. Қутайба укаси ‘Абд ар-Раҳмонни 12 минг аскар билан Балх яқинидаги Барукон шахрига юборди. Қиш ўтиши билан 91/709-10 йилда Қутайба ибн Муслим Тўхористонга юриш бошлади. Низакнинг одамлари Тўхористонда Хулм тоғларидаги тор даранинг ичига, ўзи эса Бағлон шахридаги қалъага беркинди. Қутайба уни 2 ой камал қилди. Охири унинг олдига ўз одамини юбориб, уни таслим бўлишга кўндирди. Низак таслим бўлгандан кейин Қутайба уни Искимишт яқинидаги Вахш Хашон номли булоқ ёнида салб қилди, кейин у билан бўлган 700 кишини қатл этди. Кейин араблар дарада қолганларни ҳам ушлаб қатл этдилар. Араблар ҳаммаси бўлиб, 12 минг кишини қатл этдилар [at-Tabari II: 1205 – 1208, 1218 – 1227]. Қутайба Низак Тархоннинг боши ва унинг камарини ал-Ҳажжожга юборди. Бу камар Со-сонийларнинг охириги шаханшоҳи Йаздажирднинг камари эди [el-Maqdisi VI: 38]. Ибн А‘самга кўра, Низак ал-Барқаший Бодон (بادان) исмли турк билан кечаси Қутайбанинг кўшинини тарк этиб, ўзининг Бодғисдаги қалъасига йўл олди. Унинг қалъасининг номи Бароскин (براسكين) эди. Қутайба унга қарши юриш бошлаганда Хуросон ҳукмдорлари унга таслим бўлдилар ва Низакга қарши курашда ёрдам бердилар. У Марв ар-Рудга келиб, унинг ҳукмдори Бодомни, унинг катта ўғлини ва кичик укасини ўлдирди, чунки у Низак ал-Барқашийга ёрдам берган эди. У Бодомнинг бошини онасининг бўйнига осиб қўйди, кейин онасини ҳам ўлдирди. Кейин у ат-Толақонга борди. У ерда безори ва дайди турклар ўрнашган эди. Қутайба уларга қарши жанг қилиб, уларнинг бир қисмини ўлдирди ва салб қилди. У ерда укаси Амрни амир қилиб қолдириб, ал-Форйобга йўл олди. Унинг ҳукмдори Қутайбанинг олдига келиб, унга итоат қилди ва ўзининг ерига қайтди. Кейин Қутайба ал-Жузжонга йўл олди. У ернинг аҳли унга итоат қилдилар, ҳукмдор эса тоғга қочди. Кейин у ҳам Қутайбанинг олдига келди ва у билан сулҳ тузди. ал-Жузжон ҳукмдори ўз ерига қайтганда, бир одам унга қарши чиқиб, уни ўлдирди. Қутайба ўша одамни тутиб, уни салб этди ва устига нефть қуйиб ёқиб юборди. Низак қалъанинг пастига беркинди, у билан Бухоро, Марв, ат-Толақон, ал-Форйоб, Балх ва Сарахс аҳли ҳам бор эди. Қутайба Низакнинг олдига одам юбориб, уни таслим бўлишга кўндирди. Низак қалъадан чиқиб, таслим бўлди. Қутайба уни ва унинг ўғлини қатл этиб, улар билан бирга яна 700 кишини ҳам қатл этди. Кейин у

қалъага кириб, ундаги бор мол-мулк ва қурол-яроғларни мусодара қилди, Низакнинг хотини, ўғли ва хизматкорларини асирга олди. Қутайба Тўхористонда туркларни таҳқирлаб ва талон-тарож қилиб, мисли кўрилмаган қотилликлар ва ваҳшийликлар қилди. Қутайбанинг қўл остида аслзода ва ҳукмдор турклардан иборат 80 дан ортиқ асирлар бор эди. Қутайба уларни темир билан кишанлаб ва занжирлар билан боғлаб, қўлга киритган бойликларнинг 1/5 қисми (*хумс*) билан бирга ал-Ҳажжожга юборди. Кейин Қутайба Марвга қайтиб, Низакнинг хотинига совчи юборди, лекин у рад жавобини берди. Кейин у Сижистон ҳукмдори Рутбилга қарши юриш қилиб, у ерда катта ўлжа қўлга киритди. Кейин Рутбил у билан 500 минг дирҳамга сулҳ тузди. Кейин Қутайба яна Балхга юриш қилди. Балхда аш-Шоҳ ибн Низак исмли ҳукмдор унга қарши чиқиб, у билан жанг қилди. Араблардан 700 дан ортиқ одам ҳалок бўлди, ғайридинлардан эса беҳисоб одамлар ўлди. Қутайба улардан 1000 кишини асирга олди ва уларнинг ҳаммасини ўлдирди. Кейин у ўликлар олдига ўтириб, ўша ерга таом келтиришни буюрди ва овқат ея бошлади. Бу ваҳшийликларни кўрган Балх аҳли жуда ҳам кўрқиб кетдилар ва сулҳ тузишни сўрадилар. Қутайба улар билан 300 минг дирҳам ва 300 бош қулга сулҳ тузди. Қутайба уларнинг ҳаммасини олиб, унинг 1/5 қисми (*хумс*) ни ал-Ҳажжожга юборди, қолганларини эса аскарларга бўлиб берди [Ibn A'tham VII: 225 – 235]. ал-Йа'қубийга кўра, Қутайба Бухоро ва ат-Толақонни фатҳ этгандан кейин Низак Тархон ундан ўзининг ерига кетишга рухсат сўраб, Тўхористонга кетди. У Қутайбага қарши исён кўтарди ва Тўхористон ҳукмдорларини ўзининг атрофига бирлаштирди. Қутайба унга қарши юриш қилиб, унинг олдига Сулайм ан-Носихни юборди, у эса Низакнинг дўсти эди. У Низакни таслим бўлишга кўндирди. Бир неча кундан кейин Қутайба уни ва опасининг ўғлини қатл этди ва бошларини ал-Ҳажжожга юборди. Қутайба унинг хотинини ўзига олмоқчи бўлди, лекин у Қутайбага рад жавобини берди [ал-Йа'қубий II: 300].

38. ат-Табарийга кўра, 91/709-10 йилда Шумон ҳукмдори Қутайбанинг амалдорларини ҳайдаб, сулҳда келишилган жазийани тўлашдан бош тортди. Қутайба қўшин билан Шумонга келди ва унинг қалъасини ўққа тутиб, деворини тешди. Шумон ҳукмдори ҳамма бойликлари ва пулларини йиғиб, қалъа ичидаги чуқур қудуққа ташлади. Кейин у арабларга қарши чиқиб, ҳалок бўлгунча жанг қилди. Қутайба қалъани қўлга олиб, ундаги барча аскарларни қириб ташлади, болаларни эса асирга олди. Кейин у Боб ал-Ҳадид (Темир дарвозага) келиб, у ердан Кеш ва Насафга юриш қилди ва уларни фатҳ этди. Кейин у Самарқандга бориб, Тархундан сулҳда келишилган маблағни олди ва гаровга олган одамларини унга қайтарди [at-Tabari II: 1227 – 1230]. ад-Динаварийга кўра, Қутайба ибн Муслим Бухоро ва Самарқанддан кейин ас-Сағонийонга юриш қилди. Унинг ҳукмдори турклар мамлакатига қочди. Қутайба ас-Сағонийонни эгаллаб, Кеш ва Насафга *'омил*ларини юборди [ад-Динаварий: 328].

39. Хоразм (خارزم) – Амударёнинг қуйи оқими ҳавзасида Орол денгизи ёнида жойлашган вилоят. Бошқа манбаларда унинг номи Х<sup>В</sup>оразм (خوارزم) шаклида келтирилган. У ҳақида II, 120 изоҳга қаранг. Ибн А‘сам келтирган маълумотга кўра, Х<sup>В</sup>оразм подшоҳининг исми Жанғон (جنغان) бўлиб, унинг қўл остида 400 минг отлиқ аскар бор эди [Ibn A‘tham VII: 235].

40. Хурразод (خرزاد) – Х<sup>В</sup>оразм ҳукмдори х<sup>В</sup>оразмшоҳнинг укаси. Унинг исми қадимги эроний *xwř* ва *zad* сўзларидан ясалган бўлиб, “қуёшдан яралган” маъносини билдиради. Х<sup>В</sup>оразмликлар м.а. II минг йилликда Эрондан кўчиб келган қадимги эроний келгиндилар ва маҳаллий туркий қабилаларнинг қоришувидан келиб чиққан. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2004: 47 – 58.

41. Х<sup>В</sup>оразмшоҳ табиатан заиф одам эди, шунинг учун унинг укаси Х<sup>В</sup>оразмда хоҳлаган ишини қилар эди. У қўл остидагилардан кимда чиройли чўри, яхши от ёки қимматбаҳо нарса борлигини билиб қолса, одам юбориб, уни тортиб олар эди. Кимнинг чиройли қизи, синглиси ёки хотини борлигини билса ҳам ўзига тортиб олар эди. Шундай қилиб, у истаган нарсани ўзиники қилар ва хоҳлаган одамни хибсга оларди. Ҳеч қим унга қаршилик кўрсата олмас эди. Х<sup>В</sup>оразмшоҳ ҳам унга эътироз билдира олмас эди. Х<sup>В</sup>оразмшоҳ узоқ вақт бунга чидаб юрди, охири сабр косаси тўлиб, Қутайба ибн Муслимга хат ёзди ва уни Х<sup>В</sup>оразмга таклиф этди. У Марвга Қутайбага Х<sup>В</sup>оразм шаҳарларининг 3 та олтин калитини юборди ва укаси Хурразодни ҳам унга топширишини айтди, лекин бу ҳақида атрофидагилардан ҳеч кимга оғиз очмади. Шундан кейин 93/711-12 йилда Қутайба ас-Суғдга юришга чиққани ҳақида овоза тарқатди, лекин аслида у қўшини билан Х<sup>В</sup>оразмга йўл олди. Х<sup>В</sup>оразмшоҳ ҳам ўзининг одамларини тинчлантириб, уларга Қутайба Х<sup>В</sup>оразмга келмаслиги ва ас-Суғдга кетганини таъкидлади. Улар бундан тинчланиб, ўзларини хавфсизликда эканлигига ишондилар ва сергакликни йўқотиб, айш-ишратга берилдилар. Шу вақт Қутайба қўшини билан Ҳазорасбга келиб, Балх дарёсининг ёқасида тўхтади. Х<sup>В</sup>оразмшоҳ ҳам дарёнинг нариги қирғоғига келиб, ал-Фил шаҳрида тўхтади. Улар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар натижасида сулҳ тузилди. Унга кўра, х<sup>В</sup>оразмшоҳ Қутайбага 10 минг бош қул, пул ва мол-мулк бериш, Қутайба эса х<sup>В</sup>оразмшоҳга унинг душмани бўлган Ҳамжирд ҳукмдорига қарши ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олди. Қутайба шу заҳоти Ҳамжирдга укаси ‘Абд ар-Раҳмонни қўшин билан юборди. ‘Абд ар-Раҳмон Ҳамжирдга бориб, унинг ҳукмдори билан жанг қилди ва уни ўлдириб, ерларини босиб олди. Кейин у ердан Қутайбанинг олдига 4 минг асир билан қайтди. Қутайба уларнинг ҳаммасини қатл этишни буюрди. Кейин Қутайба х<sup>В</sup>оразмшоҳнинг укаси Хурразод ва у билан бирга бўлган одамларнинг ҳаммасини ушлаб, х<sup>В</sup>оразмшоҳга топширди. Х<sup>В</sup>оразмшоҳ уларни қатл этди, уларнинг мол-мулкларини эса мусодара қилиб, Қутайбага топширди. Қутайба ал-Фил шаҳрига кириб, х<sup>В</sup>оразмшоҳдан сулҳда келишилган ҳамма нарсаларни қабул қилиб олди.



Шундан сўнг Қутайба Ҳазорасбга қайтди. Айтишларича, Қутайба Х<sup>в</sup>оразмдан ҳаммаси бўлиб 100 минг бош қул олиб кетди ва Самарқандга юриш қилди [at-Tabari II: 1236 – 2141]. Ибн А‘самга кўра, Х<sup>в</sup>оразм подшоҳи Жангон (جنغان) Қутайба ибн Муслимга 100 минг бош қул берди [Ibn A‘tham VII: 235].

42. Бу ерда Х<sup>в</sup>оразм пойтахти Котнинг чеккасида жойлашган қадимги ал-Фил шаҳри назарда тутилган. Бу шаҳар бир-бирининг ичида жойлашган 3 та қалъадан иборат бўлиб, улар баландлиги бўйича фарқ қилган ва бир-бирининг устида жойлашган. Энг баланд ердаги ички қалъада подшоҳларнинг қасрлари қурилган [at-Tabari II: 1238 – 1240; Ibn A‘tham VII: 236; Бируни 1957: 48]. Бу ҳақида XXV, 44-изоҳга қаранг.

43. *форқин* (فارقين) – X асрда Бухоро қуҳандизининг ортиқча сувлари тўпланадиган сув ҳавзаси *форқин қуҳандиз* (فارقين قهندز) – “қуҳандиз сув омбори” деб аталган [al-Istakhri: 309; Ibn Naukal: 485; BGA IV: 315 – 316]. Истахрий асарининг ўрта асрларда таржима қилинган форсча матнида бу сўз Поргини-и Қуҳандиз (پارگين قهندز) шаклида келтирилган [Истахрий: 241]. Наршахийнинг маълумотига кўра, Бухоро вилоятидаги Байканд шаҳри яқинида Ҳаромком дарёси (Зарафшон) нинг ортиб қолган сувлари Қарокўл (قرا كول) – “Қора кўл” ёки Боргин-и Фарох (بارگين فراخ) – “кенг сув ҳавзаси” номли катта сув омборига қуйилган [Наршахий: 25]. Демак, форсча *боргин* / *поргин* (بارگين/پارگين) сўзи араб тилидаги манбаларда *форқин* (فارقين) шаклида ишлатилган бўлиб, “сув омбори”, “сув тўпланадиган ҳавза” маъносини англатади. Форс тилида бу сўз “хандақ”, “чуқурлик”, “сув ҳавзаси” маъноларига эга [Dehkhoda IV: 5344]. Суғд тилида бу сўз *prk'un* (*parkin*) – “хандақ”, “арик” шаклида ишлатилган [Gharib 1995: 287 (7146)]. Бу ерда *форқин* (فارقين) сўзи “сув тўлдирилган хандақ” маъносида ишлатилган. Ибн ал-А‘сам келтирган маълумотга кўра, Х<sup>в</sup>оразм учта шаҳардан иборат бўлиб, уларни *миёҳ ал-форқин* (مياه الفارقين) – “хандақ сувлари” ўраб турган [Ibn A‘tham VII: 236]. Шимолий Месопотамия (Ироқ) даги ал-Жазира вилоятида ўрта асрларда Мийофорқин (ميا فارقين) номли шаҳар бўлган [ас-Сам‘оний III: 248].

44. ал-Фил (الفيل) ёки ал-Фир (الفير) – қадимги Х<sup>в</sup>оразм пойтахти Кот шаҳрининг чеккасида жойлашган қалъанинг номи. Беруний келтирган маълумотга кўра, Искандар Зу-л-Қарнайн йил ҳисоби бўйича 616 йилда, яъни мил. IV асрнинг бошларида қадимги Х<sup>в</sup>оразм подшоҳи Африғнинг ўғли тахтга ўтирганда, ал-Фир (الفير) қалъасининг энг баланд ерида ўзига қаср қурдирган. Бу қалъа Х<sup>в</sup>оразмнинг бош шаҳри (*мадина*), яъни Кот (كاث) шаҳрининг чеккасида жойлашган бўлиб, пахса ва хом ғиштдан қурилган. У бир-бирининг ичида жойлашган 3 та қалъадан иборат бўлиб, улар баландлиги бўйича фарқ қилган ва бир-бирининг устида жойлашган. Энг баланд ерда подшоҳларнинг қасрлари қурилган. Қадимги ал-Йаманда Сан‘о’ шаҳридаги Ғумдон қалъасида ҳам *ат-тубба* ‘ подшоҳларининг қасрлари худди

шундай жойлашган. Кот шахридаги ал-Фир қалъаси 10 мил дан ҳам кўпроқ масофадан кўриниб турган. Уни Жайхун дарёсининг суви ҳар йили оз-оздан ювиб, аста-секин йўқ қилган ва Искандар йил ҳисоби бўйича 1305 йилда, яъни мил. 993 йилда ундан ҳеч нарса қолмаган [Бируни 1957: 48]. Бу маълумотлардан аён бўладики, ал-Фил (ал-Фир) қалъаси энг баланд ерда жойлашган ички қалъа бўлган. Лекин бошқа манбаларда ҳам ал-Балозурий сингари бу 3 та қалъага нисбатан *мадина* (مدينة) ёки *мадо'ин* (مدائن) атамаси қўлланилган. 93/711-12 йилда х<sup>в</sup>оразмшоҳ ал-Фил шаҳарларининг 3 та олтин калитларини Марвга Қутайба ибн Муслимга юборди [at-Tabari II: 1237 – 1240; Ibn A'tham VII: 236]. Шунингдек, ал-Фил билан бирга Вабил (وبيل) номли ер ҳам қайд этилган [at-Tabari II: 1281]. Эҳтимол бу ал-Фил қалъасидан пастроқда жойлашган иккинчи қалъанинг номи бўлиши мумкин. Ибн Хордадбехнинг маълумотига кўра, ал-Фил (الفيل) Х<sup>в</sup>оразмнинг пойтахти бўлиб, Балх дарёси, яъни Амударёнинг иккала қирғоғида жойлашган [Ибн Хордадбех: 66]. Ибн ал-Факих Х<sup>в</sup>оразм пойтахтининг номини Бил (بيل) шаклида келтирган ва дарёнинг ўнг томонида жойлашган деб қўрсатган. Кейинчалик эса бу шаҳар ал-Мансура деб аталган [Ibn al-Fakih: 324]. Йоқут ал-Ҳамавий янглишиб, бу маълумотни Х<sup>в</sup>оразмнинг ўрта асрлардаги пойтахти ал-Журжонийа, яъни Гурганж (ҳозирги Урганч) шаҳрига тааллуқли деб билган [Jacut II: 54; III: 933]. Ибн Ҳавқалнинг маълумотига кўра, Х<sup>в</sup>оразмнинг қадимги пойтахти Кос Дархош (کاث درخاش) деб аталган. Бу шаҳар *қуҳандиз* ва *мадинадан* иборат бўлган. Унинг жоме' масжиди ва бозорлари шаҳарнинг *мадина* қисмида жойлашган. Унинг бозорлари катта ва қулай, савдоси эса чакқон бўлган. Шаҳарнинг ўртасидан Харкрур (خرکرو) номли дарё оқиб ўтган, шаҳар шу дарёнинг икки томонида жойлашган, бўйига 1/3 *фарсах*, энига ҳам 1/3 *фарсах* майдонни эгаллаган. Бу шаҳарни дарёнинг суви ювиб кетган. Кейин одамлар унинг ёнида янги шаҳар қурганлар [Ibn NaukaI: 478]. Шундай қилиб, манбалардаги маълумотлардан аён бўладики, Х<sup>в</sup>оразмнинг қадимги пойтахти бўлган шаҳар Фил (Фир, Бил) деб аталган. Уни сув ювиб кетгандан кейин, унинг ёнига янги шаҳар қурилган ва Кот деб аталган. Шунинг учун айрим манбаларда Кот шахри Фил (Фир, Бил) деб ҳам аталган. Бу номнинг асосида суғдча *fur* ёки *f'ur* – “кенгайтирмоқ”, “чўзмоқ” феъли ётган бўлиши мумкин [Лурье 2004: 200]. Лекин бизнингча, бу ном Аму, Хива, Кот, Чоч, Чағон ва бошқа кўп номлар сингари жуда ҳам қадимий лингвистик қатламга мансуб бўлиб, эроний ёки туркий тилларга алоқаси йўқ.

Ривоятга кўра, шарқнинг бир кудратли хукмдори ўзининг мамлакатадаги 400 кишидан ғазабланиб, уларни ернинг энг чеккасига, яъни одамлар яшайдиган ердан 100 *фарсах* узоқликда жойлашган ерга олиб бориб ташлашни буюрди. Шунда уларни Х<sup>в</sup>оразмга олиб келдилар ва бу ердаги 400 та турк қизларини уларга хотин қилиб бердилар. Шунинг учун уларнинг табиатида туркларга хос жиҳатлар кўп. Кейинчалик бу ерда Кот шахри ву-

жудга келган ва Х<sup>в</sup>оразмнинг пойтахти бўлган [al-Moqaddasi: 285 – 286]. Ўрта форс (пахлавий) манбаларида келтирилган ривоятга кўра, Х<sup>в</sup>оразм (Хvārazm) пойтахтини Йахудий ўғли Нарсе (Narsēh Yāhūtakān) қурдирган [Markwart 1931: 11]. Илк ўрта асрлардаги Кот шаҳрининг харобалари ҳозирги Беруний шаҳрининг ёнида жойлашган бўлиб Шоббоз (тўлиқ номи Шох ‘Аббос Вали) деб аталади [Бартольд 1963: 199 – 200; 1965: 544]. У ҳақида яна қаранг: Толстов 1948а: 235 – 236; 1948б: 127, 351; СГСА 1973: 171; Dehkhoda XI: 17265.

45. ал-Фил шаҳри Самарқанд эканлиги ҳақида ‘Али ибн Мужоҳид исмли ровийга мансуб бу маълумотни ат-Табарий ҳам келтирган ва унинг тўғри эканлигини алоҳида таъкидлаган [at-Tabari II: 1240]. Демак, ал-Фил (ал-Фир) номи қадимда Ўрта Осиёда ишлатилган географик атама бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

46. Х<sup>в</sup>оразм хукмдорининг қасри ал-Фил шаҳрининг энг баланд ерида жойлашган ички қалъасида қурилган эди.

47. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, х<sup>в</sup>оразмшоҳ Қутайбага 3 та олтин қалитни мактуб билан Марвга олдин юборган эди. Бу қалитлар Х<sup>в</sup>оразм пойтахти ал-Фил шаҳридаги 3 та қалъанинг қалитлари эди. Қутайба Х<sup>в</sup>оразмга келиб, Балх дарёси бўйида жойлашган Ҳазорасб шаҳрига келиб тўхтади. Х<sup>в</sup>оразмшоҳ эса дарёнинг нариги бетида жойлашган ал-Фил шаҳрида эди. Х<sup>в</sup>оразмшоҳ Қутайбага одам юбориб, у билан сулҳ тузди. Сулҳ шартларига кўра, х<sup>в</sup>оразмшоҳ унга 10 минг бош қул, пул ва мол-мулк бериши ва Ҳамжирд подшоҳига қарши ёрдам бериши лозим эди [at-Tabari II: 1237 – 1238]. Ибн Хаййотга кўра, Х<sup>в</sup>оразм аҳли Қутайба ибн Муслим билан юз минг минг (مائة الف الف), яъни 100 млн. бош қул бериш шарти билан сулҳ туздилар [Халифа ибн Хаййот: 82].

48. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, Қутайба х<sup>в</sup>оразмшоҳнинг укасини ва х<sup>в</sup>оразмшоҳга қарши бўлганларнинг ҳаммасини унга топширди. Х<sup>в</sup>оразмшоҳ уларнинг ҳаммасини қатл этди, уларнинг мол-мулкларини мусодара этиб, Қутайбага юборди [at-Tabari II: 1239]. Ибн А‘самга кўра, Хурразод акасининг Қутайба билан битим тузгани ҳақида хабар топиб, уни ўлдиришга аҳд қилди. У шаҳардан чиқиб, Фанак (فناك) номли ерда тўхтади. Қутайба ҳам кўшини билан унга яқин ерга келди. Улар ўртасида жанг бошланганда, Жанғон Қутайбага Х<sup>в</sup>оразм пойтахтининг 2 та шаҳрини топширди ва унинг кўшинига келиб кўшилди. Хурразод 3-шаҳарда қолди ва ўзи Қутайба олдига одам юбориб, ўзи учун омонлик сўради. Қутайба унга: “Аканг сенга омонлик берса, мен ҳам бераман”, – деди. Хурразод “Акамдан омонлик сўрагунча жангда ҳалок бўлганим яхши”, деди ва жангга киришди. Хурразод асирга олиниб, Қутайба олдига олиб келинди ва Қутайба уни ўлдирди. Кейин Жанғон унга “Хурразод билан бирга менга қарши бўлганларнинг ҳаммасини ҳам ўлдиришингни иштайман”, – деди. Қутайба уларнинг ҳаммасини тўплаб, Жанғонга топширди ва Жанғон уларни ўл-

дирди. Кейин уларнинг мол-мулкини олиб, Қутайбага берди. Қутайба уларнинг 1/5 қисми (*хумс*) ни ал-Ҳажжожга юборди, қолганларини эса аскарларга бўлиб берди [Ibn A‘tham VII: 235 – 237].

49. ат-Табарийга кўра, Қутайба укаси ‘Абд ар-Раҳмонга ўзининг тахтини олиб чиқишни буюрди ва одамларни йиғиб, улар олдида тахтига ўтирди. Кейин асирларни 4 га бўлиб, олдига 1000 та, орқасига 1000 та, ўнг томонига 1000 та ва чап томонига 1000 та саф торттирди ва ҳамманинг кўз ўнгида уларнинг бошлари бирма-бир қиличлар билан кесилди [at-Tabari II 1238 – 1239].

50. ат-Табарийга кўра, Қутайба Фил шаҳрига кириб, х<sup>в</sup>оразмшоҳдан сулҳда келишилганларни қабул қилиб олди. Кейин у Ҳазорасбга қайтди. Баъзи маълумотларга кўра, Қутайба Х<sup>в</sup>оразмдан 100 минг бош қул олиб кетди [at-Tabari II: 1237]. Ибн А‘самга кўра, Х<sup>в</sup>оразм подшоҳи Жанғон (جنغان) Қутайба ибн Муслимга мактуб ёзиб, унга 100 минг бош қул ва келишилган мол-мулкларни тайёрлаб қўйгани ҳақида хабар берди [Ibn A‘tham VII: 235].

51. Бошқа манбаларда бу иккала маълумот келтирилмаган. ат-Табарийга кўра, Қутайба Х<sup>в</sup>оразмга волий этиб Ийос ибн ‘Абдуллоҳ ибн ‘Амрни, хирож ишлари бўйича омил этиб ‘Убайдуллоҳ ибн Абу ‘Убайдуллоҳни тайинлади. Қутайба кетгандан кейин Х<sup>в</sup>оразм аҳли қишда уларга қарши бош кўтарди. Қутайба Х<sup>в</sup>оразмга волий қилиб укаси ‘Абдуллоҳ ибн Муслимни юборди. Ундан кейин Қутайба Х<sup>в</sup>оразмга қўшин билан ал-Муғира ибн ‘Абдуллоҳни юборди. Х<sup>в</sup>оразмликларнинг бир қисми турклар олдига қочди. ал-Муғира Х<sup>в</sup>оразмга келиб, баъзи одамларни қатл этди, қолганлар эса у билан сулҳ туздилар. У х<sup>в</sup>оразмликлардан *жизийани* олиб Марвга қайтди [at-Tabari II: 1253]. ал-Йа‘қубийга кўра, Қутайба ибн Муслим Х<sup>в</sup>оразмга борганда, у ер Са‘ид ибн Науфорнинг қўлида эди. Х<sup>в</sup>оразмликлар Қутайбанинг *‘омилини* ўлдириб, ҳокимиятни ўз қўлларига олган эдилар. Қутайба 100 минг одамни қул қилди ва Са‘ид ибн Науфорни қамал қилди ва ўлдирди. У мамлакатни қўлга олиб, у ерда мисли кўрилмаган бойликларни қўлга киритди. Ҳатто унинг аскарлари қўлга тушган бойликлар билан ўз ватанларига қайтиб кетишни истаб қолдилар. Лекин Қутайба уларнинг олдида сўзга чиқиб, уларнинг бу ерга нима учун келганларини эслатди ва ниятларидан қайтарди. У Х<sup>в</sup>оразмда ‘Абдуллоҳ ибн Абу ‘Абдуллоҳ ал-Кирмонийни ҳоким қилиб қолдирди ва Самарқандга йўл олди [ал-Йа‘қубий II: 301].

52. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, Қутайба Х<sup>в</sup>оразмдан кейин Марвга қайтмасдан Самарқандга юриш қилди, чунки суғдлар сулҳни бузиб, арабларга *жизийа* тўламай қўйган эдилар. У билан бирга Самарқандга бухороликлар ва х<sup>в</sup>оразмликлар ҳам бориб, Самарқанд аҳлига қарши жанг қилдилар [at-Tabari II: 1241 – 1244]. Ибн А‘самга кўра, ал-Ҳажжож Қутайбага мактуб ёзиб, унда “Биз Х<sup>в</sup>оразмни фатҳ этиб, унинг бойликлари, хазиналари ва ўлжаларини қўлга киритдик. Энди Самарқандга бориб, уларнинг

ери, уйлари ва бойликларига меросхўр бўлайлик”, – деди. Қутайба ал-Ҳажжонинг мактубини аскарларга ўқиб берди. Шундан кейин у йўлга чиқиб, Самарқанд ёнига келиб тўхтади [Ibn A‘tham VII: 239].

53. Самарқанддаги Афросиёб харобаларида VII – VIII асрлардаги Суғд *ихшид* ларининг хашаматли саройининг қолдиқлари қовлаб топилган. Ундаги энг катта хоналарнинг деворлари рангли суратлар билан безатилган. Саройнинг меҳмонхонасидаги деворий суратларда Самарқанд *ихшиди* Вархуманнинг Чағониён подшоҳи Туронтошнинг қизини келиб сифатида кутиб олиш ва чет эллардан келган элчиларни қабул қилиш маросимлари тасвирланган [Альбаум 1975: 54 – 55].

54. Иштихан (اشتبخان) – Самарқанддан 7 *фарсах* масофада ас-Суғд вилоятида жойлашган шаҳар [Ибн Хордадбех: 64; ас-Сам‘оний I: 268; V: 227; al-Idrisi VIII: 502 – 503; Jacut I: 277]. Унинг номи Иштиханж (اشتبخنج) ёки Иштоханж (اشتبخنج) шаклида ҳам қайд этилган [al-Jakubi: 294]. Ас-Сам‘оний асарининг Оксфордда сақланувчи қўлёзмасида бу шаҳар номидан ясалган *нисба* ал-Иштихоний (الاشتبخاني) шаклида берилган [al-Sam‘ani: 38V]. Демак, бу шаҳарнинг номи Иштихон (اشتبخان) шаклида ҳам ишлатилган. Суғд тилидаги манбаларда бу шаҳарнинг номи *’štux’nc* шаклида қайд этилган бўлиб, “саккиз булок” маъносини англатади [Лурье 2004: 60, 72, 145]. Лекин бу номнинг иккинчи қисми *хон* (خان) шаклида бўлса, уни туркча *хон* (خان) унвони билан ҳам солиштириш мумкин. 118/736-37 йилда турк хоконининг қўшинида ал-Иштихан (الاشتبخان) исмли лашкарбоши бўлган [at-Tabari II: 1440, 1598]. Эҳтимол, унинг исми аслида Иштихон (اشتبخان) бўлган ва шу номли шаҳарнинг ҳукмдори бўлган.

X асрда Иштихан шаҳри *қуҳандиз* (қалъа), *мадина* (ички шаҳар) ва *рабад* (ташқи шаҳар) дан иборат бўлган. Унинг атрофларида кўплаб ариқлар ва қишлоқлар бўлган. Унинг қишлоқларидан бирида Бағдоддаги халифалар саройида шуҳрат топган ‘Ужайф ибн ‘Анбаса туғилган. Иштиханда унга қарашли бўлган қишлоқлар, экинзорлар ва бозорларни халифа ал-Му‘тасим (218 – 227/833 – 842 йилларда ҳукм сурган) ундан тортиб олган. Кейинчалик халифа ал-Му‘тамид (256 – 279/870 – 892 йилларда ҳукм сурган) уларни Муҳаммад ибн Тоҳир ибн ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳирга *икто*‘ мулки сифатида берган. Иштихан шаҳри ва унинг *рустоқ*ларини Ғубор (غوبار) дарёсидан сув олувчи Наҳр Иштихан (نهر اشتبخان) ариғи суғорган. Иштихан ариғининг бошидан тахминан 4 *фарсах* масофагача унинг сувидан фойдаланилмаган, кейин у кичик ариқчаларга бўлинган. Иштихан шаҳрига етиб боргунча тўққиз *фарсах* майдонни суғорган. Кейин у Иштихан шаҳрини ва унинг *рустоқ*ларини суғорган. Иштихан шаҳрининг ҳавоси жуда ҳам соғлом, атрофларида боғлар, қишлоқлар, ўтлоқлар, сайргоҳлар ва камишзорлар кўп бўлган. VIII асрда араблар Самарқандни эгаллагандан кейин ас-Суғд *ихшид*лари маълум вақт Иштиханда яшаганлар [al-Istakhri: 316, 323, 342; Ibn Naukal: 495, 496, 500; al-Moqaddasi: 49, 266, 269, 279, 280]. XV

асрга мансуб вақф хужжатларида Самарқанд вилоятидаги Мийонкол (كالميان) номли ерда Иштихан номли қишлоқ ва туман қайд этилган [СД: 58]. Бу шаҳар ўзининг қадимий номини ҳозиргача сақлаб қолган. Ҳозирги кунда Иштихан шаҳри Самарқанд вилоятидаги шу номли туманнинг маъмурий марказидир. Илк ўрта асрлардаги Иштихан шаҳрининг харобалари Самарқанддан тахминан 100 км шимоли-ғарбда Оқдарёнинг жанубий қирғоғида жойлашган [Смирнова 1970: 52, 277 – 278]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 146 – 147; 1965: 192, 194; Le Strange 1905: 466; СГСА 1973: 154, 187, 222, 315; Вяткин 1902: 49; Dehkhoda II: 2621.

55. Араблар Самарқанд шаҳрини қўлга олгандан кейин суғд *ихшид*ларини ва аҳолисини шаҳардан чиқариб юбордилар. Шундан кейин *ихшид*лар Моймурғ шаҳрига кўчдилар [al-Moqaddasi: 279]. Ғуракнинг ўғли тахт вориси Турғар эса Иштиханда ҳоким эди, унинг саройи ҳам шу ерда эди. Хитой манбаларига кўра, Ду-хэ, яъни Турғар 731 йилда Иштихан ҳукмдори этиб тайинланган [Бичурин II: 275, 287, 311].

56. Қутайба Самарқанд аҳлини 1 ой давомида қамал қилди. Самарқандликлар шаҳардан чиқиб, улар билан кўп жанглар олиб бордилар [at-Tabari II: 1242]. Самарқанд ҳукмдори Ғузак ибн Ихшид ас-Суғдийнинг 130 минг аскарлари бор эди. Қутайба шаҳарнинг ҳамма дарвозаларини қуршаб олди. Самарқандликлар қурол-яроғлар ва тўплар билан шаҳардан чиқиб, араблар билан бир неча марта жанг қилдилар [Ibn A‘tham VII: 239 – 240].

57. Исломдан олдинги Чоч ҳукмдорлари зарб этган мис тангалардаги тамгалар, шунингдек, улардаги суғдча ёзувларда келтирилган турли унвонлар шундан далолат берадики, VII – VIII асрларда Чоч воҳасида 3 та ҳукмдорлар сулоласи ҳукм сурган. Улардан бири олий ҳукмдорлар, бошқаси иккинчи даражали, учинчиси эса уларнинг иккаласига тобе бўлган. Чочнинг олий ҳукмдорлари туркча *тегин* унвонига эга бўлиб, тангаларда улар *tk’yn c’synk ywvw*, яъни “*тегин*, Чоч ҳукмдори”, хитой тилидаги манбаларда эса *Shi-guo Wang T’ele*, яъни “Чоч давлатининг ҳукмдори *тегин*” деб аталган [Chavannes 1903: 54, 67, 70, 72, 74, 76, 88, 142 (n. 1), 196; Бичурин II: 273, 282, 285]. Бу ҳукмдорлар сулоласининг баъзилари *шод* унвонига ҳам эга бўлган [Бичурин II: 272, 282]. Чочда ҳукм сурган иккинчи ҳукмдорлар сулоласининг вакиллари тангаларда *tdwn*, яъни *тудун*, хитой тилидаги манбаларда эса *Shi-guo Fu-Wang*, яъни “Чоч давлати ҳукмдорининг ноиб” [Chavannes 1903: 142 (n. 1)] ёки *t’utun* (*ту-дун*) деб аталган [Chavannes 1903: 57, 140; Бичурин I: 287; II: 313 – 314; Малявкин 1989: 270] ва *тегин* унвонли олий ҳукмдорга бўйсунган. Чочда маҳаллий ҳукмдорлар сулоласи ҳам сақланган бўлиб, суғд тилидаги хужжатларда ва тангаларда улар *c’synk ywvw*, яъни “Чоч ҳукмдори” деб аталган [СДГМ 1962 (2): 82 – 83]. Бу маълумотлардан аён бўладики, исломдан олдин Чоч воҳасида туркий ҳукмдорларнинг ягона маъмурияти амал қилиб, у Турк хоқонлигининг

бошқарув тизимига кирган. Бу ҳақида қаранг: Исхаков, Камолиддин, Баба-яров: 2009.

58. ат-Торбанд (الطاربند) – Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасидаги Фороб (فاراب) ёки Бороб (باراب) вилоятида жойлашган шаҳар ва вилоят [Suhrah: 36]. Бошқа манбаларда бу шаҳарнинг номи Торбанд (طاربند), Турорбанд (طراربند), ат-Тарбанд (التربند), Турор (طرار) ва Турор (ترار) ёки Ўтрор (اطرار), ва Ўтрор (اترار), шунингдек Турор Зарох (ترار زراخ) шаклларида ҳам қайд этилган [al-Huwarizmi: 28; Suhrah: 48; al-Moqaddasi: 48, 263, 274; Калинина 1988: 39, 130; Jacut III: 524; Ахмедов 1987: 59]. Сўнгги ўрта асрларда у Ударор (ادرار) ва Ўанги (ينگی) деб аталган [Рашид-ад-Дин I (1): 33, 148; II (2): 67, 187, 191, 198, 201, 203, 204, 207, 256; Бабур-наме: 29, 36]. Унинг аҳолисини асосан турклар ташкил этган. Унинг ҳукмдори олий турк хоқонига тобе бўлган ва унинг қўшини таркибида арабларга қарши кураш олиб борган [at-Tabari II: 1517, 1521]. Бу шаҳар ал-Фороб (الفاراب) деб ҳам аталган ва аш-Шош ҳукмдорига тобе бўлган [at-Tabari III: 815 – 816; Михайлова 1951: 17]. Демак, ал-Балозурийнинг маълумотидан аён бўладики, 110/728-29 йилда аш-Шош ҳукмдори ўзига қарашли ал-Фороб вилоятидаги ат-Торбанд шаҳрида яшаган ва у ердан туриб арабларга қарши кураш олиб борган. 197/812-13 йилда ‘Аббосий халифаларининг вазири ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн Ўтрорга ва Испижобга юриш қилиб, унинг ҳокимини ўлдирган ва қарлуқларнинг *жабғу* унвонли ҳукмдорининг ўғиллари ва хотинини асирга олган, *жабғунинг* ўзи эса кимақлар мамлакатига қочиб кетган [Михайлова 1951: 17 – 19]. VII – VIII асрларга оид қадимги турк руник ёзувли ёдгорликларида бу шаҳар Kāñü Tarban номи остида қайд этилган [Кляшторный 1964: 157 – 161]. Илк ўрта асрларда Утрор воҳасида зарб этилган тангаларда ўнг томонга юраётган оғзи очик ва думи тик турган жаҳлдор йиртқич хайвон (барс?) нинг сурати туширилган. Илк ўрта асрларда бу сурат Чоч мамлакатининг рамзи бўлган [Смирнова 1981: 51, 53].

IX – X асрларда ҳам бу шаҳар аш-Шош мамлакатига (مملكة) қарашли бўлган [Jacut III: 524; Mocoudi III: 61]. XII аср охири – XIII аср бошларида бу шаҳар х<sup>о</sup>размшоҳлар давлатининг шарқ томондаги чегараси ҳисобланган [Ибн ал-Асир XII: 166; ан-Насави: 66, 78, 81, 87, 313, 314, 319, 320, 323]. Уни 617/220-21 йилда Мовароуннаҳрга бостириб келган мўғулларнинг Чингизхон қўшинлари вайрон қилганлар [Бабур-наме: 29, 36; Махмуд ибн Вали: 15]. Бу шаҳарнинг харобалари Жанубий Қозоғистонда Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасидаги Тимур темир йўл бекатидан 7 км шимоли-шарқда жойлашган [Бернштам 1951: 81 – 97; Агеева, Пацевич 1958: 72, 78]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 42, 54, 59, 62, 68, 223 – 227, 355, 499, 525; СГСА 1973: 193 – 195; Камолиддин 2009: 59 – 65.

59. ат-Табарийга кўра, суғдлар узоқ вақт давом этган камалдан қўрқиб, аш-Шош ҳукмдори ва Фарғона *ихшидига* мактуб ёзиб: “Агар араблар бизни мағлубиятга учратсалар, сизларни ҳам худди шундай қиладилар. Шу-

нинг учун ўзингизга ўзингиз ёрдам қилинлар”, – дедилар. Улар подшоҳлар, *марзбон*лар ва деҳқонларнинг аслзода ўғилларидан, машхур ва баҳодир жангчилардан кўшин тузиб, Самарқандга юбордилар [at-Tabari II: 1243, 1247]. Ибн А‘самга кўра, Ғузак аш-Шош ҳукмдорига мактуб ёзиб, арабларга қарши ёрдам сўради. аш-Шош ҳукмдори ўзининг энг яхши жангчиларидан тузилган кўшинни Самарқандга юборди [Ibn A‘tham VII: 240].

60. ат-Табарийга кўра, араблар кечаси суғдларга ёрдамга келаётган кўшинга пистирма қўйиб, уларга тўсатдан икки томондан ҳужум қилдилар. Шошликлар ва фарғоналиклар шиддат ва жасорат билан арабларга қарши жанг олиб бордилар. Лекин араблар улардан устун келиб, уларнинг кўпларини қириб ташладилар, қолганларини эса асирга олдилар. Бу жангдан кейин араблар жуда кўп яхши қуроллар, қимматбаҳо нарсалар, олтин камарлар ва зотли отларни қўлга киритдилар. Буларнинг ҳаммасини Қутайба аскарларига бўлиб берди. Шундан кейин араблар Самарқандни ўққа тутиб, унинг деворини тешдилар ва шаҳарга ҳужум қилиб, уни қўлга олдилар [at-Tabari II: 1243 – 1244, 1247 – 1249]. Ибн А‘самга кўра, Қутайба аш-Шошдан ёрдамга кўшин келаётгани ҳақида хабар топиб, унга қарши Солиҳ ибн Муслим бошчилигида 700 аскардан иборат кўшинни юборди. Араблар 3 гуруҳга бўлиниб, кечаси келаётган аш-Шош кўшинига ҳужум қилдилар ва унинг кўп қисмини қириб ташладилар, қолганларини асирга олдилар. Асирларни Қутайба олдига келтирдилар ва уларни ҳам ўлдирдилар. Кейин Қутайба Самарқандни тўплардан ўққа тутди, шаҳар аҳли эса камонлардан ўқ уздилар. Араблар тўп отиб, деворни тешдилар. Ғузак уларга қичқириб, “Орқангга қайт, мен эртага сен билан сулҳ тузаман”, – деди. Шундан кейин араблар уларни тарк этиб, орқага қайтдилар [Ibn A‘tham VII: 240 – 243]. ад-Динаварийга кўра, Қутайба ас-Суғдга келиб, унинг энг катта шаҳри Самарқанд олдида тўхтади ва уни бир неча ой давомида қамал қилди. Самарқанд деҳқони унга одам юбориб, “Сен бир умр бу ерда турсанг ҳам, шаҳарни ололмайсан. Чунки бизнинг ота-боболаримизнинг китобида бу шаҳарни фақат Болон (بالان) исмли одам қўлга олиши мумкин деб ёзилган. Сен эса эмассан. Шунинг учун бу ердан кетганинг яхши”, – деди. Қутайба Самарқанд аҳлининг қайсарлигини кўриб, улардан умидини узганда, одамлар унинг ҳийла ишлатаётганлигини билдилар. У махсус сандиқлар тайёрлаб, уларнинг таг қисмларига эшиклар қилдирди. Улар фақат ичкаридан очилиб ёпилар эди. Ҳар бир сандиқ ичига у қиличлар билан қуролланган аскарларни жойлаштирди ва уларнинг устки эшикларини қулфлади. Кейин у Самарқанд деҳқонига одам юбориб, “Гап шундай экан, унда мен сени тарк этиб, ас-Сағонийонга йўл оламан. Менда ортиқча мол-мулклар ва қурол-яроғлар бор. Менга ёрдам қил, агар соғ қолсам, қайтгунимча шу сандиқларни ўзингда сақлаб тур”, – деди. Самарқанд деҳқони бунга рози бўлди. Қутайба аскарларга кечаси сандиқларнинг эшикларини очиб, ташқарига чиқишни ва шаҳар дарвозаси томон бориб, уни очишни буюрди. Самар-



қанд деҳқонининг буйруғига биноан сандиқлар шаҳарга киритилди. Кеч кириб, одамлар ухлаганда, қилич билан қуролланган аскарлар сандиқлардан чикдилар. Уларга қаршилик қиладиган ҳеч ким йўқ эди. Улар шаҳар дарвозаси томон юрдилар ва йўлда учраган одамларни ўлдирдилар. Кейин улар соқчиларни ҳам ўлдирдилар ва дарвозани очдилар. Қутайба қўшин билан шаҳарга кирди ва уни қўлга олди. Самарқанд деҳқони сув қубури орқали шаҳардан қочди [ад-Динаварий: 327 – 328].

61. Ғузак (غوزك) – Самарқанд ва ас-Суғд ҳукмдори, 91 – 121/709 – 738 йилларда ҳукм сурган ва *ихшид* (اخشيد) унвони билан аталган [al-Jakubi: 300; al-Masudi: 300]. Ибн А‘сам уни Ғузак ибн Ихшид ас-Суғдий деб атаган [Ибн А‘сам VII: 158 – 162]. Ундан ташқари у *афшин* (افشين) унвони билан ҳам аталган [ал-Йа‘қубий II: 301; Ibn A‘tham VII: 244]. Бу эса Уст-рушана ҳукмдорларининг сулолавий унвони бўлган [Ибн Хордадбех: 69; Бируни 1957: 111]. Бошқа манбаларда унинг исми Ғурак (غورك) шаклида [al-Ja‘kubi II 489; al-Nasafi: 423 (№ 733)], тангаларда эса Уғрак (‘*wyrk*, ‘*wr’kk*) шаклида [Смирнова 1963: № 161 – 163; 1981: № 10], хитой манбаларида эса У-ле-га шаклида келтирилган [Chavannes 1903: 59, 136; Бичурин II: 275, 287, 311]. Унинг авлодларидан бирининг исми Туркаш Бақи (تركش بقى) бўлган [al-Nasafi: 423 (№ 733)]. Шунга кўра, Ғуракнинг келиб чиқиши *туркаш* қабиласи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Тоған 1981: 174; Смирнова 1945: 27]. IX асрда Мовароуннаҳрдаги туркий ҳукмдорларнинг исмлари ва унвонлари ичида *Ғузак* (غوزك) ва *Ғурак* (فورك) исмли ҳукмдор қайд этилган бўлиб, унинг исми Ғурак (غورك) исмининг бошқача ёзилиши бўлиши мумкин [Ибн Хордадбех: 69]. Эҳтимол, бу исмнинг келиб чиқиши *ғуз* (غوز) этноними билан боғлиқдир. У ҳолда Ғурак (‘*wyrk*, ‘*wr’kk*) ёки Ғузак (غوزك) исми туркий бўлган. Ғурак исми суғдча *γwr’kh* – “мағрурлик”, “манманлик” сўзидан [Frye 1954: 128 (n. 148)] ёки қад. эроний \**wyraka* – “қудратли” сўзидан ясалган бўлиши ҳам мумкин [Фрейман 1938: 148]. Бу исми туркча *wyrak* этноними [ДТС: 363] ёки туркча *oyraq* – “мақсад”, “мақсадга интилиш” сўзи билан ҳам боғлаш мумкин [ДТС: 363]. Қадимги туркий руник ёзувли битикларда *inaŋ wraç* исми қайд этилган [ДТС: 607]. Бизнингча, бу исмнинг туркча эканлиги ҳақиқатга яқинроқдир. Унинг авлодлари ҳам Турғар, Боничур, Туркаш Бақи, Тархон каби туркча исмлар соҳиби бўлганлар [Камалиддин 2003: 63 – 68].

30/650-51 йилда Сосонийлар сулоласига мансуб охирги шаҳаншоҳ Йаздагирд араблардан қочиб Хуросонга келганда, турк хоқони ва Ғурак (غورك) га элчилар юборди ва уларни арабларга қарши ёрдамга чақирди [at-Tabari I: 2685]. Лекин бу Ғурак Самарқанд ҳукмдори бўлганми ёки йўқми, бу ҳақида манбада аниқлик киритилмаган. 91/709-10 йилда Самарқандда ҳокимият ўзгарди. Самарқанд аслзодалари *ихшид* Тархунни араблар билан сулҳ тузгани учун тахтдан ағдариб, унинг ўрнига Ғурак (Уғрак) ни тахтга ўтқиздилар. 93/711-12 йилда Қутайба Самарқандга юриш қилди ва ўзини *ихшид*

Тархуннинг қони учун қасоскор деб эълон қилди. Ғурак аш-Шош ҳукмдори, Фарғона *ихшиди* ва турк хоқонига мактублар ёзиб, уларни арабларга қарши ёрдамга чақирди. Улар турк хоқонининг ўғли бошчилигида қўшин юбордилар. Лекин араблар уларнинг йўлига пистирма қўйиб, тўсатдан ҳужум қилдилар ва ҳаммаларини кириб ташладилар. Араблар Ғурак бошчилигидаги турклар, шошликлар ва фарғоналиклардан иборат қўшин билан жанг қилдилар ва уни мағлубиятга учратдилар. Қутайба шаҳарга кириб, Ғурак билан сулҳ тузди. Сулҳ шартларига кўра, Ғурак Қутайбага 2 млн. дирҳам ва ҳар йили 200 минг дирҳам, 3 минг бош қул бериши лозим эди, қуллар ичида ёш болалар ва қариялар бўлмаслиги керак эди. Ундан ташқари Ғурак шаҳардаги оташпарастлар ва бутпарастларнинг ибодатхоналарини арабларга топшириши ва шаҳарни бўшатиб, ундан чиқиб кетиши лозим эди. Қутайба шаҳарга бир дарвозадан кириб, унда намоз ўқиши ва Ғурак тайёрлаган таомлардан тановул қилиб, бошқа дарвозадан чиқиб кетишини шарт қилиб қўйди. Ғурак бу шартларнинг ҳаммасига рози бўлди ва сулҳга имзо қўйди. 106/724-25 йилда Ғуракнинг укаси Фарғонада турк хоқонининг қўшини билан арабларга қарши жангда ҳалок бўлди. 110/728-29 йилда Хуросон волийси Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламий Самарқанд аҳлига мактуб ёзиб, ислом динини қабул қилишга даъват этди ва ислом дини қабул қилганларни *жизйа* тўловидан озод қилишга ваъда берди. Шундан кейин Самарқанд аҳли ислом динини қабул қилдилар. Кейин *ихшид* Ғурак Ашрасга мактуб ёзиб, Самарқанд аҳли ислом динини қабул қилгандан кейин хирож тўловларидан тушум тўхтаб қолгани ҳақида хабар берди. Шунда Ашрас уларга яна *жизйа* тўловини мажбурий деб эълон қилди. Бундан норози бўлган суғдлар ва турклар турк хоқони бошчилигида арабларга қарши кўзғолон кўтардилар. Ғурак арабларнинг қўшини билан уларга қарши кураш олиб борган эди. Бухоро яқинида бўлган жанглардан бирида Ғурак турклар томонга ўтиб кетди. Турк хоқонининг қўшинида арабларга қарши Ғуракнинг ал-Мухтор исмли ўғли ҳам жанг олиб борган эди. 112/730-31 йилда Ғурак Самарқанд яқинида турк хоқони билан бирга арабларга қарши жангда иштирок этди. Ғурак арабларга омонлик ваъда қилганда, хоқон унинг берган сўзини бекор қилди. Шунда Ғурак асирга тушган арабларга: “Мен хоқоннинг қулларидан бириман, унинг чокарларидан бириман”, деди [ал-Йа‘қубий II: 301; al-Ja‘kubi II: 344; at-Tabari II: 1229 – 1230, 1241 – 1253, 1478, 1507 – 1525, 1540 – 1543; Ibn A‘tham VII: 239 – 246]. 225/839-40 йилда Бағдодда халифа Му‘тасим саройида Уструшана ҳукмдори ал-Афшин Ҳайдар ибн Ковус устидан давлатга хиёнат қилиш ва исломдан қайтиш айблови билан ўтказилган суд жараёнида Ғуракнинг ал-Марзубон ибн Туркаш Бақи исмли авлодларидан бири асосий гувоҳ сифатида иштирок этди [at-Tabari III: 311]. У Ғуракнинг Бонижур (بانيجور) исмли ўғлининг 4-авлоди бўлган. X асрда Самарқандда унинг авлодлари яшаганлар ва ҳадис ривоят қилганлар [al-Nasafi: 423 (№ 733); 89 (№ 87); 456 (№ 786)].

Насаф вилоятида Ғуракнинг Турхор (طورخار) исмли катта ўғлининг авлодлари яшаганлар [al-Nasafi: 290 (№ 465); ас-Сам‘оний VIII: 261] У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 106 – 109, 111, 144, 156, 173 – 177, 310, 311, 319; Смирнова 1959: 119 – 134; 1969: 70 – 72; 1970: 203 – 213; Gibb 1923: 44 – 55, 59, 65, 70, 79; Dehkhoda XI: 16850.

62. *алфай алф ва ми’атай алф* (الف و مائتي الف) – араб., “икки минг минг ва икки юз минг”, яъни 2 млн. 200 минг. ат-Табарий ҳам шу рақамни кўрсатган. Лекин Ибн А‘сам ал-Куфийга кўра, Ғурак арабларга бирданига 2 минг минг, яъни 2 млн. дирҳам бериши ва бундан кейин эса ҳар йили 200 минг дирҳам бериши лозим эди [Ibn A‘thm VII: 245]. ал-Йа‘қубийга кўра, Ғузак ҳар йилнинг бошида Қутайбага 30 минг дирҳам бериши лозим эди [ал-Йа‘қубий II: 301].

63. Қутайба ибн Муслим ва Самарқанд ҳукмдори Ғузак (Ғурак) ўртасида 93/711-12 йилда араб тилида тузилган сулҳнинг тўлиқ матни Ибн А‘сам ал-Куфийнинг “Китоб ал-Футух” асарида келтирилган [Ibn A‘tham VII: 244 – 246; Смирнова 1959: 119 – 134]. ал-Йа‘қубийга кўра, бу сулҳ 94/712-13 йилда тузилди [ал-Йа‘қубий II: 301]. ат-Табарийга кўра, Ғурак арабларга 30 минг бош қул бериши ва улар орасида болалар, қариялар ва майиблар бўлмаслиги керак эди. Бошқа маълумотга кўра, берилиши лозим бўлган қулларнинг сони 100 минг эди. Ундан ташқари суғдлар шаҳарни арабларга бўшатиб беришлари керак эди [at-Tabari II: 1245 – 1246]. Ибн А‘самга кўра, Ғузак арабларга 3 минг бош қул бериши ва улар орасида болалар ва қариялар бўлмаслиги керак эди. Ундан ташқари ибодатхоналардаги санамларни бериши, мусулмонлар учун масжид қуриши ва шаҳарни арабларга бўшатиб беришлари керак эди. Қутайба одамлари билан шаҳарга кириб намоз ўқиши ва таом тановул қилиб, кейин чиқиб кетиши ҳам шарт қилиб белгиланган эди. Ғузак буларнинг ҳаммасига рози бўлди. Қутайба Кеш ва Насаф дарвозасидан кириб, ас-Син дарвозасидан чиқиб кетишини айтди ва таом тайёрлашни буюрди [Ibn A‘tham VII: 243].

64. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, сулҳда кўрсатилишича, шаҳарда масжид ва минбар қурилиши, Қутайба унга кириб, намоз ва *хутба* ўқиши, кейин таом тановул қилиб, шаҳарни тарк этиши лозим эди [at-Tabari II: 1245]. Араблар мадинада ўзлари қолиб, масжид қурдилар. Қутайба намоз ва *хутба* ўқиди. Кейин у таом тановул қилди ва суғдларга одам юбориб, деди: “Нарсаларингизни олиб кетишингиз мумкин. Мен бу ердан ҳеч қаерга кетмайман”. Бошқа маълумотга кўра, Ғурак (Ғузак) таомлар тайёрлаб, арабларни зиёфатга таклиф қилди. Қутайба таомларни тановул қилиб бўлиб, Ғурак (Ғузак) га деди: “Энди шаҳарни тарк эт”, ва Ғурак (Ғузак) шаҳардан чиқиб кетди [at-Tabari II: 1245 – 1246; 1250]. Ибн А‘самга кўра, Ғузак шаҳарнинг Кеш ва Насаф дарвозасини очишни буюрди. Мусулмонлар шаҳарга кириб, Қутайба ака-укалари билан Ғузакга яқинлашди ва Ғузак қуролсиз эди ва Қутайбага таъзим қилди. Кейин Ғузак Қутайбанинг олдига

тушиб, уни шаҳар ибодатхонасига олиб борди. Қутайба Ғузакнинг ғуломларига синчиклаб қаради, уларнинг камарлари олтиндан қилинган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Қутайба бундан қаттиқ ғазабга келиб, ҳатто унинг кўзлари қизариб кетди. Шунинг учун у Ғузакга берган сўзидан қайтишни истаб қолди ва бу ҳолат унинг юзида яққол акс этди. Лекин у тезда ўзини ўнглаб олди. Кейин таомлар келтирилди ва араблар уларни тановул қилдилар. Қутайба ўрнидан туриб, *2 рақ'ат* намоз ўқиди ва котибини чақириб, сулҳ аҳдномасини ёзишни буюрди [Ibn A'tham VII: 243 – 244].

65. Абу-л-Қосим ад-Даххок (ал-Мужассир) ибн Музоҳим ибн Зайд ибн ал-Аҳтам ибн 'Абдуллоҳ ибн Йа'мур ибн Наҳик ибн 'Абд Манот ибн Ҳиллол ибн 'Омир ибн Са'са'а ал-Ҳилолий ас-Суламий ал-Балхий ал-Хуросоний – унинг асли ал-Куфадан бўлиб, улар 5 та ака-ука бўлган. Унинг акаси Солим ибн Музоҳим Хуросон волийси Қутайба ибн Муслим (86 – 96/705 – 715 йилларда ҳукм сурган) билан Хуросонда фатҳ урушлари олиб борган. Ўша вақтда ад-Даххок аввал Ҳаротга, кейин акасининг олдига Балхга келди. 93/711-12 йилда ад-Даххок Қутайба ибн Муслим билан Самарқандни фатҳ этишда қатнашди. Кейин 'Абд ар-Раҳмон ибн Муслим уни Марвда қамокқа ташлади. 106 724-25 йилда эса у Балх яқинидаги Баруқон номли ерда арабларнинг *мудар, раби'а* ва ал-Йаман қабилалари ўртасида бўлиб ўтган ўзаро жангда иштирок этди. У Балхдан Самарқанд ва Бухорога келиб турган ва бу шаҳарларда маълум вақт яшаган. XII асрда Самарқандда у қурдирган бинолар ва масжид бўлган. У тафсир илмини яхши билган ва мадрасада болаларга таълим берган. Унинг мадрасасида 3 мингта ғулом ва 700 та қиз таҳсил олган. Дарс вақтида у эшакга миниб, ўқувчиларни айланиб юрган. У “ат-Тафсир” китобининг муаллифи бўлган ва ҳадис ривоят қилган. У Балх яқинидаги Баруқон шаҳрида вафот этди ва ўша ерда дафн этилди. Унинг вафот этган йили манбаларда ҳар хил келтирилган (102/720-21 ёки 105/723-24 йил) [Ibn Saad VI: 210; VII (2): 102; at-Tabari I: 35, 39 – 41, 57, 80 – 82, 87, 89, 92, 94, 98, 186, 387, 2417; II: 1474; III: 2554; al-Nasafi: 269 – 271 (№ 436); Ibn A'tham VII: 231, 238; Jacut I: 465; II: 415; Ибн Халликон II: 391; V: 255, 256]. Чунки ат-Табарийга кўра, у 106/724-25 йилда ҳали тирик бўлган ва афтидан ўша йилда Баруқондаги арабларнинг қабилалараро тўқнашувида ҳалок бўлган. У ҳақида яна қаранг: Радтке 2001: 43; аз-Зириклий III: 310; Gibb 1923: 73.

66. Ибн А'самга кўра, сулҳ аҳдномаси ёзилгандан кейин Қутайба ибн Муслим укаси 'Абд ар-Раҳмонни Самарқандга амир этиб тайинлади ва унга сулҳ шартларининг бажарилишини назорат қилиб туришни буюрди. Кейин у Марвга қайтди ва Самарқанддан олган ўлжанинг 1/5 қисми (*хумс*) ни ал-Ҳажжожга юборди [Ibn A'tham VII: 246 – 247].

67. Бошқа манбаларда бу қўшимча маълумот келтирилмаган.

68. ат-Табарийга кўра, сулҳда оташпараствларнинг ибодатхоналарини бузиш ва санамлардан безакларни ечиш ҳам кўрсатилган эди. Қутайбанинг олдига санамларни келтириб, улардаги безакларни ечиб олдилар. Уларнинг ҳаммаси бир ерга тахланганда, улкан бир қасрга ўхшади. Кейин Қутайба уларни ўз қўли билан ёқиб юборди. Санамлар ёниб бўлганда, уларнинг кули ичидан 50 минг *миққол* олтин ва кумуш миҳлар топдилар [at-Tabari II: 1246].

69. Ғуракнинг ўзи Қутайба олдида тиз чўкиб, санамларга тегмасликни илтимос қилди [at-Tabari II: 1246].

70. Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган. Араблар суғдларни ўзларининг уйларидадан ҳайдаб чиқариб, уларни шаҳарга киритмаган бўлсалар, мантиқан уларнинг ислом динини қабул қилиши мумкин эмас эди. Қутайба Марвга кетишдан олдин Самарқандда ҳоким қилиб укаси ‘Абдуллоҳни қолдирди ва унга: “Бирорта ҳам ғайридинни шаҳар дарвозасидан киритма. Агар унинг қўлидаги рухсатномада махсус муҳр бўлмаса, уни ўлдир, агар унинг ёнидан темир ёки пичоққа ўхшаш нарса топсанг ҳам уни ўлдир, агар дарвозани кечасига ёпганинда, эрталаб улардан кимнидир шаҳар ичида топсанг ҳам, уни ўлдир”, – деб уқтирган эди [at-Tabari II 1252].

71. ат-Табарийга кўра, бу шеърнинг муаллифи Ка‘б ал-Ашқарий ёки *жу‘фий* қабиласидан кимдир бўлган [at-Tabari II 1252].

72. ат-Табарий бу шеърни тўлиқроқ келтирган, унда бу шеър 10 мисрадан иборат. Унинг мазмуни куйидагича:

Қутайба ҳар куни ўлжа йиғади,

Бойликларига яна бойлик қўшади.

У боҳилийдир, унинг бошига тож кийдирдилар,

У қўшинлари билан ас-Суғдни харобага айлантирди,

Суғдларни ҳеч нарсасиз яланғоч қолдирди.

Мана гўдак йиғламоқда, у отасиз қолди,

Отаси ярасидан азоб чекмоқда, боласи эса йиғламоқда.

У қайси ерга бормасин, унинг қадами етган ерда

Унинг отликлари ҳар ерда чуқур из қолдирадилар [at-Tabari II 1252].

73. Абу Ҳафс ‘Умар (II) ибн ‘Абд ал-‘Азиз ибн Марвон ибн ал-Ҳакам ал-Умавий ал-Қураший – Умавийлар сулоласига мансуб 8-араб халифаси, 99 – 101/717 – 720 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. У ал-Мадинада туғилиб ўсган. Халифа ал-Валид ибн ‘Абд ал-Малик (86 – 96/705 – 715 йилларда ҳукм сурган) ҳукмронлиги даврида ал-Мадина ҳокими, Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик (96 – 99/715 – 717 йилларда ҳукм сурган) ҳукмронлиги даврида эса аш-Шомга қўчиб, унинг вазири бўлган. 99/717-18 йилда ундан кейинги халифа бўлган. Ислом тарихида у одил ва диёнатли халифа сифатида танилган. Бу жиҳатдан уни Муҳаммад пайғамбардан кейин ҳукм сурган тўрт халифа – *ал-хулафо’ ар-рошидун* (الخلفاء الراشدون) ларга, хусусан, ‘Умар ибн ал-Хаттобга ўхшатганлар. Лекин унинг бу фазилятлари фақат юзаки

бўлиб, унинг асл мақсади халифаликда Умавийлар сулоласининг ҳукмронлигини кучайтириш бўлган [Ibn Saad V: 242 – 302; al-Ya‘qubi: 19. 34; al-Ja‘kubi II: 339, 340, 349, 351, 358, 361 – 372; ал-Йа‘кубий II: 316 – 324; ал-Балозурий: 16, 561, 576; ад-Динаварий: 331; at-Tabari I: 299, 352, 485, 1014, 2214, 2593; al-Masudi: 319 – 320; el-Maqdisi VI: 45 – 47; al-Osyooti: 229 – 246; История халифов: 174а – 188а; Арабский аноним: 259а, 251б]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1966: 504 – 531; Большаков 2010: 75, 78, 117, 133, 138 – 148, 150, 230, 317 – 321; Беляев 1966: 197 – 199, 207; Cobb 2000: 821 – 822; аз-Зириклий V: 209; Dekhoda XI: 16354.

74. Жумай‘ ибн Ҳодир ал-Божий – бу қозининг *нисбаси* унинг Божа (باجة) номли ердан келиб чиққанлигини кўрсатади. Ўрта асрларда бу номли 3 та ер бўлган: бири ал-Андалусдаги шаҳар, иккинчиси Шимолий Африкадаги Тунис шаҳридан 2 ёки 3 *марҳала* масофада жойлашган қишлоқ, учинчиси Исфаҳон вилоятидаги қишлоқ [ас-Сам‘оний II: 18 – 20]. У ҳақида яна қаранг: at-Tabari II: 1365.

75. Қутайба ибн Муслим укаси ‘Абд ар-Раҳмон ибн Муслимни Самарқанд ҳокими этиб тайинлади. Самарқанд аҳли ҳам Қутайба билан бирга шаҳ арни тарк этдилар. Турк ҳокони яна Самарқандга хужум қилиб, уни қамал қилди. ‘Абд ар-Раҳмон Қутайбага мактуб ёзиб, ёрдам сўради. Қутайба қишни ўтказиб, яна Самарқандга юриш қилди ва туркларни мағлубиятга учратди. Шундан кейин Самарқанд арабларнинг қўлида қолди [ал-Йа‘кубий II: 301]. Самарқанд шаҳри араблар ва улар билан кўчиб келган форсларнинг Мовароуннаҳрдаги таянч нуқтасига айланди. Бу ерда араб тили билан бирга янги форс тили тарқала бошлади ва кейинчалик Самарқанд аҳлининг асосий тилига айланди. Самарқандда қолган суғдлар ва турклар ҳам янги форс тилида сўзлаша бошладилар ва аста-секин Самарқандда ўрнашган араблар ва форслар билан қоришиб кетдилар. Натижада бу ерда тожик халқи шакллана бошлади. Ҳозирги *тожик* этнонимининг келиб чиқиши арабларнинг *той* (طاي) қабиласи билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик *тозий* (تازي) шаклига айланган [Hudud al-‘Alam: 112]. Сурёнийлар арабларни *тайайе*, яъни *тайлар* деб атаганлар [Гусейнов 1960: 41 – 42]. Паҳлавий тилидаги манбаларда араблар *tājik* [ПРС: 245], арман тилидаги манбаларда *татчик* ёки *таджик* [Гандзакеци: 90; Тер-Мкртичян 1985: 58; 1991: 117; Патканьян 1869: 53, 87], суғд тилидаги манбаларда *t’zyk (tazik)* [Gharib 1995: 385], қадимги туркий тилидаги манбаларда *tazi* [ДТС: 543] ёки *tājik* [Jusuf Chass-Nadschib: 283], хитой тилидаги манбаларда эса *да-ши* (Ta-che) деб аталган [Chavannes 1903: 142, 144, 203 – 207; Бичурин I: 294, 295, 311, 313, 355; II: 307, 308, 311, 313 – 315, 321, 323, 324, 328, 331 – 333]. Балхдаги Навбахор ибодатхонасининг коҳини Бармакнинг хотини Қутайба ибн Муслимнинг укаси ‘Абдуллоҳга *йо тозий* (يا تازي), яъни “эй, араб” деб мурожаат қилган [at-Tabari II: 1181]. Форс тилидаги манбаларда ҳам *тозий* (تازي) сўзи “араб”, *тозийон* (تازيان) сўзи эса “араблар”, “арабларнинг юрти”

маъноларида ишлатилган [Байхаки: 345, 346, 479, 578, 677, 700, 725, 752, 758; Ҳофиз Таниш I: 153; Dehkhoda: IV 6259 – 6262]. Ҳозирги форс тилида ҳам шундай. Лекин *тозик* (تازك), *тозик* (تازيك) сўзлари ўрта асрларда “араб бўлмаган”, “турк”, “форсий тилли”, “эроний” маъноларини [Dehkhoda IV: 6242, 6263], *тожик* (تاجيك) сўзи эса “араб бўлмаган”, “турк”, “арабларнинг ‘ажамлардан бўлган фарзанди” маъноларини билдирган [Dehkhoda IV: 6166 – 6167]<sup>1</sup>. Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси бу атамани келгинди араб ва форс босқинчиларига ва уларнинг авлодларига нисбатан ишлатган [Бартольд 1963а: 469; Frye 1975: 96]. Туркий тилдаги манбаларда *tājik* сўзи умуман мусулмонлар маъносида ҳам ишлатилган [Jusuf Chass-Hadschib: 283; Кошғарий I 368], форсларга нисбатан эса баъзан *tom* сўзи ҳам ишлатилган [Кошғарий I: 423]. Туркий луғатларда *tazi* сўзи итнинг бир тури маъносида ҳам келтирилган [Tryjarski 1979: 309]. Ҳозирги форс тилида ҳам *тозий* (تازي) сўзининг иккинчи маъноси “тезюар ит”, “чоққир ит” дир. Шундай қилиб, *тожик* этноними маҳаллий асосга эга бўлмаган, балки араб ва форс босқинчилари билан боғлиқ бўлган.

Тожик тили ҳам Ўрта Осиёда келгинди тил бўлиб, жануби-ғарбий Эрон ҳудудларидан кириб келган. Ўрта Осиёда ғарбий эроний (форс) топонимиясининг фаол равишда шаклланиши араблар келганидан кейин бошланган [Хромов 1980: 136]. Айнан шу даврда “қишлоқ” маъносини билдирган янги форс топоформантлари *-дех* и *-обод* Ўрта Осиёда муомалага кирган ва янги форс тили билан бирга кенг тарқала бошлаган [Бартольд 1963а: 210]. Ғарбий эроний топоформантлар *-ан*, *-кирд* (*-гирд*, *-джирд*), *-диза* (*-диз*), *-руд*, и *-стан* (*-истан*) ёрдамида ясалган жой номлари ҳам Ўрта Осиёда шу даврда вужудга келган [Хромов 1974: 10 – 15]. Соф араб элементлари Ўрта Осиё топонимиясида кўп эмас ва асосан Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ва Зарафшон водийсида кўпроқ учрайди [Караев 1991: 130]. Форсларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши 21/642 йилда Сосонийлар араблардан Ниҳованд яқинида мағлубиятга учраб улардан Амударё ортига қочишга мажбур бўлганидан кейин бошланди [Gibb 1923: 15; Frye 1975: 96]. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2006: 7 – 8.

76. аш-Шош (الشاش) ёки Шош (شاش) – Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасидаги Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини ўз ичига олган Чоч (چاچ) тарихий вилояти номининг арабча шакли. Суғд тилидаги манбаларда унинг номи

<sup>1</sup> Жузжонийга кўра, 1221 йилда Чингизхон ўғли Тулуйни Хуросонга юборди. У Нишопур шаҳрининг аҳолисини кириб ташлаб, улардан фақат 400 та хунармандни омон қолдирди. У шаҳарни бутунлай вайрон қилди ва унинг ўрнидаги ерларни хайдатди. Шундан кейин у бир амирни 400 та *тожик* (!) аскарлари билан у ерда қолдирди ва улар маҳаллий аҳолининг қолган-қутганларини ўлдиришда давом этдилар [Бартольд 1963: 514]. Чигатойхоннинг вазири *тожик* (!) Қутб ад-Дин Хабаш Омиднинг келиб чиқиши Отрар шаҳридан бўлиб, у мўғилларга хизмат қилган ва уларнинг Мовароуннаҳрга қилган юришларида уларга маслаҳатчи бўлган [Бартольд 1963: 540].

*c'c* (*чач*) шаклида қайд этилган [Gharib 1995: 122 (3117)]. Бу ном илк бор Жанубий Қозоғистондаги Арис водийсида мил. II – III асрнинг биринчи ярмига мансуб Култепа харобаларидан топилган ғиштларга ўйиб ёзилган суғдча ёзувларда қайд этилган. Бу ёзувлардаги маълумотга кўра, ҳозирги Туркистон шаҳридан 100 км шимолда жойлашган Култобе харобалари ўрнида жойлашган қалъа Чоч вилоятининг энг чеккасида, кўчманчи қабила-лар билан чегарада Чоч ҳукмдори томонидан қурилган [Sims-Williams, Grenet 2006: 95 – 111]. Чоч номи Сосонийлар шаҳаншоҳи Шопур I (241 – 272 йилларда ҳукм сурган) нинг 262 йилда Ка‘ба-и Заратуштра тошида ўйиб ёзилган ўрта форс (пахлавий) ёзувида Кух-и Чачстан (Kuh i Caestan) – “Чоч мамлакатининг тоғи” шаклида [Sprengling 1953: 7; Луконин 1967: 16], шунингдек, III – IV асрларда Қанғ давлатида зарб этилган тангаларда [Rtveladze 1997/98: 308 – 309] ва IV асрда ясалган кумуш лаганга туширилган ёзувда [Луконин 1969: 126], шунингдек, Сосонийларнинг VII аср бошида зарб этилган тангаларида *Ṣācū* шаклида [Дашков 2008: 268 – 269] ва Муғ тоғидан топилган VIII аср бошларга оид суғдча ҳужжатларда *c'c* (*čac*) – Чач шаклида қайд этилган [СДГМ III: 82 – 83]. Чоч (*c'c*) топоними VI – VIII асрларда Чоч воҳасида зарб этилган турк-суғд тангаларида [Смирнова 1963: № 747 – 783], шунингдек, Қанқа шаҳар харобаларидан топилган VI – VIII асрларга мансуб сопол идишга ўйиб ёзилган қадимги туркий руник ёзувда ҳам қайд этилган [Буряков 2002: 11]. М. а. II асрга мансуб хитой манбаларида Чоч вилоятининг номи Ши ёки Чжеши иероглифлари билан берилган [Бичурин II: 272 – 273, 288; Кюнер 1961: 174]. Ислом даврида араб тилида ёзилган манбаларда Чоч вилоятининг номи аш-Шош (الشاش) [Ibn Rosteh: 98, 105; Jacut III: 233 – 235], форс тилидаги манбаларда эса Чоч (چاچ) ёки Чож (چاج) шаклида келтирилган [Худуд ал-‘Алем: 96, 24аб, 26а; Наршахий: 20, 74; Гардизи: 62; Наджиб Бакран: 6а, 116, 166, 17а; Махмуд ибн Вали: 56, 76, 88, 96, 99]. XI асрдан бошлаб Чоч вилоятининг туркча номи Тошканд (تاشکند) ҳам ишлатилган [Бируни 1963: 271; Беруни 1976: 576; Кошғарий I: 41; III: 164].

Манбаларда Чоч (Шош) номининг келиб чиқиши ҳақида туркча *taš* (تاش) – “тош” сўзи билан боғлиқ деб кўрсатилган [Бируни 1963: 271; Беруни 1976: 576; Кошғарий I: 41; III: 164]. Птолемей (I аср охири – II аср боши) нинг харитасида Чоч вилояти Terra Lapidea – “Тош қалъа”, “тошли ер” шаклида қайд этилган [Tabulae Geographicae, VII]. Хитой манбаларидаги Чоч (Шош) номини билдирувчи Ши ёки Чжеши иероглифлари ҳам хитой тилида “тош” маъносини билдиради [Chavannes 1903: 140 – 142]. Чоч (Шош) топонимининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар айтилган. Улар орасида Чоч номи Авестадаги Чаечаста кўлининг номи билан боғлиқ бўлиши мумкин деган фикр диққатга сазовор. Бизнингча бу ном қадимги туркий тиллардаги *taš/čaš/čac* – “тош” сўзидан ясалган [Камолиддин 2007: 45 – 51]. Чоч вилоятининг номи унинг ҳудудидаги тоғлардан казиб чиқа-



рилган қимматбаҳо тош билан боғлиқ бўлган. Хитой манбаларига кўра, Ши (Чоч) вилоятининг бош шаҳридан жануби-шарқда катта тоғ жойлашган бўлиб, ундан *се-се* номли қимматбаҳо тош қазиб чиқарилган [Бичурин II: 313]. Худди шу тоғ Шопур I нинг 262 йилда ёзилган битигида Кух-и Чачстан шаклида қайд этилган. Бу манбаларда *се-се* ва *чач* номли тош деганда, феруза тоши ҳақида сўз юритилган. Илк ўрта асрларда Чоч тоғларида қазиб чиқарилган бу қимматбаҳо тош бутун Шарқга машхур бўлиб, подшоҳлар ва аслзода ҳукмдорларнинг тасавурида юқори мартаба, ғалаба ва қут-бараканинг рамзи бўлган [ал-Бируни 1963: 158]. Чоч вилоятидаги машхур феруза тошининг конлари Илоқ (ҳозирги Оҳангарон) тоғларидаги Унгуриликон номли ерда жойлашган. Бу тоғлар Қанқа шаҳар харобалари, яъни Чочнинг қадимги пойтахтидан жануби-шарқда жойлашган [Пругер 1971: 118 – 126]. Демак, Чоч вилоятининг номи “тош қалъа” эмас, “қимматбаҳо тошли ер”, “феруза тошли ер” маъносини билдиради [Буряков 2007: 8 – 9]. Қадимги туркий тилда феруза тоши *чаш* (*jaš*) деб аталган [Кошғарий II: 83; I: 318]. У ҳақида яна қаранг: Роҷол 2002: 373 – 377; Dehkhoda V: 7959.

IX – X асрларда аш-Шош номи икки хил – тор ва кенг маънода ишлатилган. Тор маънодаги аш-Шош вилоятига Наҳр Турк (نهر ترك) ва Наҳр Илоқ (نهر ايلاق), яъни Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини ўз ичига олган Тошкент воҳаси киритилган. Кенг маънодаги аш-Шош вилояти эса исломдан олдинги Чоч мамлакатининг ҳудудлари, яъни Чоч ҳукмдорларига қарашли бўлган Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзаси ва Еттисувда жойлашган ҳамма ерларни ўз ичига олган [Ibn Naukal: 474, 522]. Суғд ва хитой тилидаги манбаларга кўра, бу ерлар исломдан олдин Чоч ҳукмдорларига қарашли бўлган. Арис водийсидаги Култепа харобаларидан топилган суғд ёзувларидаги маълумотга кўра, бу ерда Чоч вилоятининг кўчманчилар билан чегарасидаги мудофаа қалъаси бўлган [Sims-Williams, Grenet 2006: 95 – 111]. Муғ тоғидан топилган суғд тилидаги А-14 ҳужжатида (718 – 719 йиллар) ёзилишича, Сирдарё водийсидаги Тарбанд (*t'rbnt*), яъни Ўтрор шаҳригача бўлган ҳамма ерлар Чоч тудунига қарашли бўлган [СДГМ 1962: 78 – 79]. Хитой манбаларидаги маълумотларга кўра, VI асрда Чжеше ёки Ши (Чоч) давлати қадимги Кангкия (Кангюй) давлатининг давомчиси бўлиб, IV – V аср бошларидан бошлаб шундай атала бошлаган. VI – VIII асрларда Ши (Чоч) ҳудудларига Та-ло-се (Талас) шаҳри ҳам кирган. Унга қарашли ерларда Чжи-хэ (Норин ёки Арис), Суй-е (Чу), Чженчжу-хэ (Норин ёки Талас), ғарбда эса Йе-хэ (Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзаси) оқиб ўтган [Ходжаев 2005: 3 – 5, 11 – 12]. Демак, исломдан олдинги Чоч давлати қадимги Кангюй давлатининг давомчиси бўлиб, унинг ҳудудлари Арис ва Талас водийлари, ғарбда эса Сирдарёнинг қуйи оқимигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Унинг шимоли-ғарбдаги чегараси Култепа харобалари ўрнидаги қалъа, шимоли-шарқдаги чегараси эса Талас шаҳригача етиб борган [Жамолитдин 2009: 59 – 65; 2010: 28 – 31].

Тор маънодаги аш-Шош вилоятининг кенглиги 2 кунлик йўлни, узунлиги эса 3 кунлик йўлни ташкил этган. Унинг ҳудудлари жанубда аш-Шош дарёси, шимолда Исбижоб йўлидаги яйловларга бой ал-Қалос даштида (القلاس) жойлашган Боб ал-Ҳадид (باب الحديد) номли ер, шарқ томонда аш-Шош вилоятига қарашли тоғлар, ғарб томонда эса Винкард (ونکرد) номли насронийларнинг қишлоғигача борган. аш-Шош вилояти асосан текисликда жойлашган бўлиб, унда бирорта тоғ, тепалик ёки пастлик ерлар бўлмаган. Унинг оқар сувлари сероб, ҳамма ерлари обод, кўкаламзор ва гуллаб яшнаган бўлган. X асрда аш-Шош вилоятида шаҳарлар кўп бўлиб, бири-бирига жуда яқин масофада жойлашган [Ibn Naukal: 507 – 508].

Исломдан олдинги Чоч давлатининг пойтахти Сирдарё ҳавзасида жойлашган Қанқа номли энг катта шаҳар харобалари ўрнида бўлган. Бу шаҳар м. а. V – IV асрларда вужудга келган ва араблар истилосига қадар Чоч ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган [Буряков 2007: 6 – 7]. Араблар даврида аш-Шош пойтахти ҳозирги Тошкент ҳудудида жойлашган Бинкат (بنکث) номли шаҳарга кўчирилган. Қанқа ўрнидаги шаҳарда ҳаёт ислом даврида ҳам қисман давом этган ва Харашкат (خرشکت) деб аталган. Бу шаҳарлардан ташқари аш-Шош вилоятида Данфағонкат, Жинонжкат, Нажокат, Банокат, Харашкат, Устбайғу, Ардлонкат, Худайнкат, Канкрок, Калашжик, Ғарқанда, Ғаннож, Жабузан, Вардук, Кабарна, Ғадронк, Нужокат, Ғазак, Абарзкат, Бағункат, Баркуш, Хотункат, Жабғукат, Фаранкат, Кадок, Таколик каби шаҳарлар бўлган. Илоқнинг бош шаҳри Тункат деб аталган. Унда яна Сакокат, Бонжхош, Нукат, Болойон, Туккат, Арбилах, Намудлиғ, Хумрак, Бискат, Куҳисим, Дахкат, Хош ва Харконкат каби шаҳарлар бўлган. Софлиғ номли тоғдан ал-Қалос дашти бўйлаб аш-Шош дарёсигача кўчманчиларга қарши қурилган мудофаа девори чўзилган. Уни араб амири ‘Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ибн Саур қурдирган. Наҳр Турк дарёси *харлух* мамлакатадаги тоғлардан бошланувчи Биском ва Жидғил дарёларининг кўшилишидан ҳосил бўлган. Бу дарё Нажокат шаҳри яқинида аш-Шош дарёсига қуйилган. Илоқ вилоятида Наҳр Илоқ номли дарё бўлиб, у ҳам турклар мамлакатаи ҳудудидан оқиб келган ва Банокат шаҳрининг қаршисида аш-Шош дарёсига қуйилган. Илоқдаги тоғларда олтин ва кумуш конлари бўлган. Бу тоғларнинг орқа томони Фарғона водийси ҳудудларига туташган. Илоқда мис ва кумуш тангалар зарб этилган. X асрда Мовароуннаҳрда кумуш тангалар фақат Бухоро, Самарқанд ва Илоқда зарб этилган [al-Jakubi: 295; Ibn al-Fakih: 322, 325, 327, 328; Ibn Rosteh: 98; al-Istakhri: 281, 288, 291, 310, 325, 328 – 333, 335, 344; Ibn Naukal: 507 – 510, 522 – 523; al-Moqaddasi: 25, 34, 36, 258, 259, 261, 264, 276, 290, 323, 325, 326, 335, 336, 339; ac-Sam‘oniy VII: 244; Jacut III: 233 – 235].

77. Асбижоб (اسبيجاب) ёки Исбижоб (اسبيجاب) – Бинкатдан 4 *марҳала* масофада жойлашган шаҳар ва вилоятнинг номи [Ibn al-Fakih: 328; Ibn Rosteh: 98; Ibn Naukal: 523]. Бошқа манбаларда унинг номи Исфижоб (اسفيجاب)

[ас-Сам‘оний I: 241; Jacut I: 249 – 250], Испижоб (اسپيجاب) [Байхаки: 644; Кошғарий I: 66, 111; III: 191, 420], Исбишоб (اسبيشاب) [Kodama: 204; al-Jakubi: 295] ва Истижоб (استجاب) шаклида ҳам келтирилган [Наршахий: 74]. X асрда Исбижоб ислом динини қабул қилган *гузлар* ва *харлухларнинг* маркази бўлиб [al-Moqaddasi: 274, 275], бу ер улар орасидаги чегара бўлган [al-Istakhri: 290]. У жуда машхур пойтахт шаҳар бўлиб, обод *мадина* ва *рабад*-дан иборат бўлган. Унда *тимлар*, *карбос* бозори ва жоме‘ масжиди бўлган. Унинг ҳар бир дарвозаси ёнида работлар бўлиб, улар Нахшабликлар работи, Бухороликлар работи, Самарқандликлар работи ва Қаротакин работи деб аталган. Қаротакиннинг қабри ҳам шу ерда бўлган. У ўзига қарашли бозордан ҳар ойда олинадиган 7 минг дирҳам даромадни вақф қилиб берган, ундан бечораларга нон ва егулик овқат тарқатилган. Айтишларича, бу шаҳарда 1700 та работ бўлган. Бу ер чегарадаги вилоят (араб. *ас-суғр*) бўлиб, бу ердан *жиҳод* урушлари олиб борилган. Унинг *рабад* қисми мудофаа девори (*ҳисн*) билан ўралган, унинг *қуҳандизи* вайрон қилинган. Уларда қаҳатчилик бўлмайдди, чунки улар хирождан озод қилинганлар. Уларда меваларнинг миқдори кўп эмас. [al-Moqaddasi: 272 – 273]. Исфижоб номи суғдча *‘sp’yt* – “оқ”, *-с* эгалик суффикси ва *’ph* – “сув” сўзларидан ясалган [Лурье 2004: 55, 147, 240 – 241]. Турклар уни Сайрам (سيرم) ёки Сарйам (سریم) деб атаганлар [Кошғарий I: 111; III: 191; Бабур-наме: 8а, 19б, 102а, 105б; Махмуд ибн Вали: 55]. Қадимги туркий тилда *sajram suv* – “саёз сув” маъносини англатган [ДТС: 481]. Сайрам шаҳрининг иккинчи номи ал-Мадина ал-Байзо (المدينة البيضاء) – араб., “оқ шаҳар” бўлган [Кошғарий I: 66; III: 191]. 197/812-13 йилда Ўтторга юриш қилган ‘Аббосий халифаларнинг вазири ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн Исфижоб қалъасининг ҳокимини ўлдириб, қарлуқ *жабғусининг* ўғиллари ва хотинларини асирга олди, жабғунинг ўзи эса кимақлар мамлакатига қочиб кетади [Михайлова 1951: 17]. 211/826-27 йилда Исфижоб ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳирга бўйсунувчи вилоятлар қаторида тилга олинади [Та’рих-и Систан: 65]. 225/839-40 йилда амир Нух ибн Асад Исфижобни қайта қўлга олиб [ас-Сам‘оний VII: 13], унинг буйруғига кўра, шаҳар атрофида унинг токзорлари ва экинзорлари билан ўраб турувчи мудофаа девори қурилган [al-Beladsori: 422]. Шу вақтдан X аср охирларигача Исфижобда Сомонийлар томонидан тайинланган қарлуқ қабиласига мансуб Муттийлар сулоласи ҳукмронлик қилган [Кочнев 1993: 17 – 20]. Исфижоб Туркистон чегарасида жойлашган катта шаҳар бўлиб, унинг атрофларида кўп мол ва қўйлар етиштирилган. Бутун Туркистон мамлакатада қандай маҳсулот мавжуд бўлса, шу ерга келтирилган. Шунинг учун бу ерга бутун дунёдан савдогарлар келган [Hudud al-‘Alam: 118]. Бу шаҳарни х<sup>б</sup>оразмшоҳ Муҳаммад ибн Текиш ибн Алп Арслон ибн Оқ Сунқур ибн Муҳаммад ибн Ануш-такин вайрон қилган [Jacut I: 249 – 250]. Бу шаҳар харобаси ҳозирги Чимкент вилоятидаги Сайрам қиш-

лоғининг марказида жойлашган [Байпаков 1977: 82; 1986: 23; Байтанаев 2003: 37]. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 2004: 459 – 460.

78. Амир ал-му’минин (أمير المؤمنين) – араб. “мўъмин мусулмонларнинг амири”, ‘Аббосий халифаларининг фахрий унвони. XVIII, 12-изоҳга қаранг.

79. ал-Му’тасим биллоҳ (المعتصم بالله), Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Ҳорун ал-‘Аббосий (179 – 227/795 – 841) – ‘Аббосийлар сулоласига мансуб 9-араб халифаси, 218 – 227/833 – 842 йилларда ҳукм сурган. У халифа Ҳорун ар-Рашид (170 – 193/786 – 809 йилларда ҳукм сурган) нинг Морида исмли самарқандлик турк хотинидан туғилган ўғли. У акаси ал-Ма’мун ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёдан минглаб турк ғуломларини сотиб олган, Бағдодда уларнинг сони бир неча ўн мингдан ошиб кетган. Улардан халифанинг сарой кўриқчилари гвардияси ва махсус “Хуросон кўшини” (خراسان جيش) тузилган. Бағдод яқинида турклар учун махсус Самарра (Сур ман ра’й) шаҳри қурилган ва уларнинг аслзодаларига у ерда ер мулклари ажратилган [Халифа ибн Хаййот: 142; al-Ya‘qubi: 31, 32; ад-Динаварий: 401 – 306; at-Tabari III: 757, 758, 933, 995, 1001, 1076, 1098, 1100, 1104, 1111, 1112, 1133, 1140, 1164 – 1329, 1365, 1372, 1386, 1418, 1454, 1468 – 1470, 1501 – 1503; al-Masudi: 352 – 361; el-Maqqdisi VI: 114 – 120; Ибн ал-‘Имроний: 104 – 111; al-Osyooti: 339 – 346; Ибн Халдун III: 320 – 337]. У ҳақида яна қаранг: Bosworth 1993: 776; аз-Зириклий VII: 351; Dehkhoda XIII: 21116.

80. Амир Нух ибн Асад ас-Сомоний 225/839-40 йилда Исбижобга юриш қилиб, уни фатҳ этди [ас-Сам’оний VII: 13]. Шу вақтдан X аср охириларигача Исфижобда Сомонийлар томонидан тайинланган қарлуқ қабиласига мансуб Муттийлар сулоласи ҳукмронлик қилган [Кочнев 1993: 17 – 20].

81. Ибн Хаййотга кўра, Қутайба ибн Муслим аш-Шошга 2 марта юриш қилган – 94/712-13 йилда ва 95/713-14 йилда [Халифа ибн Хаййот: 82, 83].

82. ат-Табарийга кўра, Қутайба ибн Муслим 94/712-13 йилда Марвдан чиқиб, Жайхун дарёсидан Мовароуннаҳрга кечиб ўтди ва Бухоро, Кеш, Насаф ва Х<sup>в</sup>оразм аҳлидан унга 20 минг аскар беришни талаб қилди. Улар аскарларни бердилар ва Қутайба улар билан ас-Суғддан ўтиб аш-Шошга йўл олди. Қутайба уларни аш-Шошда қолдириб, ўзи Фарғонага кетди ва Хужанда аҳли билан бир неча марта жанг қилди. Уларни мағлубиятга учратиб, кейин Косонга йўл олди. Бу ерга аш-Шошда қолган кўшин ҳам етиб келди. Улар аш-Шошни фатҳ этиб, унинг бош шаҳрига ўт қўйган эдилар. Шундан кейин Қутайба Марвга қайтди [at-Tabari II: 1256 – 1257]. Бу маълумотни Ибн Хаййот ҳам қисқача келтирган [Халифа ибн Хаййот: 83]. Ибн А’самга кўра, ал-Ҳажжож ўрнига ал-‘Ироқ волийси этиб тайинланган Йазид ибн Абу Кабша Қутайба ибн Муслимга мактуб ёзиб, унга Фарғонага юриш қилишни буюрди. Қутайба кўшин билан яна йўлга чиқиб, Фарғонага

етиб келди ва одамларни ўлдира бошлади, болаларини эса асирга олди. Кейин у ас-Син чегарасида жойлашган бир тоғ дарасига етиб борди. Араблар Фарғонада катта ўлжани қўлга киритдилар. Қутайба Бошак (باشك) исмли Фарғона подшоҳи турган қалъа ёнига келди. Қалъа ичида узоқ вақт жанг олиб бориш учун керак бўладиган ҳамма нарса йиғилган эди. Қутайба ўша қалъани 7 ой давомида қамал қилди. Кейин Қутайба уни алдов йўли билан омонлик кафолатисиз қалъадан ташқарига чиқаришга муваффақ бўлди. Қутайба яна сўзига хиёнат қилиб, уни ўлдирди ва унинг ҳамма мол-мулкига эга бўлди. У ўлжанинг 1/5 қисми (*хумс*) ни ажратиб, Йазид ибн Абу Кабшага юборди, қолганини эса аскарларига бўлиб берди [Ibn A‘tham VII: 249 – 250]. Ибн Хаййотга кўра, Қутайба ибн Муслим Фарғонада бир қанча қалъаларни қўлга киритди [Халифа ибн Хаййот: 83]. ал-Мақдисийга кўра, Қутайба Фарғона ва Х<sup>v</sup>оразмдан жами 100 минг бош қул олиб кетди, уларнинг ҳаммаси болалар ва қизлар эди, ичида бирорта ҳам ёши каттаси йўқ эди [el-Maqdisi VI: 38]. Лекин Қутайба Фарғонадан кетмаган ва ўша ерда ўлдирилган.

83. Ушрусана (اشروسنة) – Сайхун дарёси (Сирдарё) ва аш-Шош орасида, Самарқанддан 26 *фарсах* масофада жойлашган тарихий вилоят [Jacut I 278 – 279]. Манбаларда унинг номи Усрушана (اسروشنة) [Ibn Rosteh: 97, 105; ас-Сам‘оний I: 232; Jacut I: 245], Сурушана (سروشنة) [Ibn al-Fakih: 322, 327, 328; Hudud al-‘Alam: 115; Та’рих-и Систан: 65], Сутрушана (ستروشنة) [al-Moqaddasi: 290] ва Шурусана (شروسنة) [Ibn Khordadbeh: 169] шаклларида ҳам қайд этилган. Бу вилоятнинг номи буддавий худолардан бирини англлатувчи санскритча *suturśan* сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин [Грицина 2000: 38]. Уйғур ёзувида ёзилган буддавий мазмундаги бир қўлёзмада *Sutrasan* номли шаҳар қайд этилган бўлиб, унинг номи санскритча *sudarśana* сўзидан ясалган [ДТС: 515]. Шунинг учун илм-фанда унинг номи Уструшана (استروشنة) шаклида тўғри деб қабул қилинган. Қадимги юнон манбаларида Усрушана тоғлари “Қояли тоғлар” ёки Montes Oxii – “Окс тоғлари” деб қайд этилган [Тревер 1947: 115]. Араблар Усрушанага бир неча бор юриш қилганлар, лекин 208/822-23 йилгача уни батамом фатҳ эта олмаганлар [al-Beladsori: 430 – 431; at-Tabari III: 1066].

X асрда Уструшана шарқда Фарғона ва Помир (Фомир) нинг бир қисми, ғарбда Самарқанд вилояти, шимолда аш-Шош ва Фарғонанинг бир қисми, жанубда эса Кеш, ас-Сағонийон, Шумон, Вошжирд ва ар-Роштнинг худудлари билан туташган. Унинг энг катта шаҳри Бунжикат (بنجكت) деб аталган. Унинг худудларида Арсубоникат (ارسبانيكت), Куркат (كركت), Ғазак (غزق), Фағкат (فغكت), Собот (ساباط), Зомин (زامين), Дизак (ديزك), Нужкат (نوجكت) ва Харқона (خرقانة) сингари шаҳарлар бўлган. Уструшана ҳукмдорлари Бунжикат шаҳрида яшаганлар. Бу шаҳардаги эркак аҳолининг сони тахминан 10 минг кишини ташкил этган. Унинг бинолари пахса ва ёғочдан қурилган. Шаҳарнинг ички *мадина* қисми мудофаа девори билан ўралган.

Шаҳарнинг *рабад* қисмининг атрофида ҳам мудофаа девори бўлган. Уларнинг орқасидан ҳам бошқа девор ўтган. Ички *мадинанинг* 2 та дарвозаси бўлган: улардан бири Боб ал-А‘ло, иккинчиси Боб ал-Мадина деб аталган. Ички *мадинада* жоме‘ масжиди ва *қуҳандиз* жойлашган. Ҳукумат саройи шаҳарнинг *рабад* қисмида амирга қарашли ерда жойлашган.

Ички *мадина* да катта ариқ оқиб ўтган, унда тегирмонлар жойлашган. Қамокхона *мадина* ичкарасиги *қуҳандиз* да, жоме‘ масжиди эса *қуҳандиздан* ташқарида жойлашган. Бозорлар шаҳарнинг *мадина* ва *рабад* қисмида жойлашган. *Рабад* девори 1 *фарсахга* яқин майдонни ўз ичига олиб, уйлар, боғлар, экинзорлар, токзорлар ва далаларни ўраб турган. Девор ичида жойлашган ҳамма нарсалар шаҳарга, девор ташқарисидагилар эса *рустоқга* қарашли ҳисобланган. *Рабад*нинг 4 та дарвозаси бўлган, улар Боб Зомин (باب زامين), Боб Марасманда (باب مرسمنده), Боб Нужкат (باب نوجكث) ва Боб Каҳлобод (باب كهلاباد) деб аталган. Бу шаҳардан 6 та ариқ оқиб ўтган бўлиб, улардан бири Сорин (سارين) деб аталган ва *мадинадан* оқиб ўтган. Бошқалари Аббаржан (ابرجن), Ўйаможан (يماجن), Санкжан (سنكجن), Руйжан (روجن) ва Сатинакжан (ستيناكجن) деб аталган. Уларнинг ҳаммаси бир манбадан ва бир булоқдан бошланган. Улар 10 та тегирмонни ҳаракатга келтирган. Шаҳардан сув манбаигача масофа ярим *фарсахдан* камроқ бўлган.

Бунжикатдан кейин катталиги бўйича иккинчи шаҳар Зомин бўлган. У Фарғонадан ас-Суғдга олиб борувчи йўлда жойлашган. Унинг бошқа номи Савсанда (سوسنده) бўлган. X асрда унинг эски шаҳар қисми хароба ҳолатда бўлган. Бозорлар, жоме‘ масжиди ва аҳолисининг ҳаммаси Савсандага кўчирилган. Янги шаҳар атрофида мудофаа девори бўлмаган. У бугун ас-Суғддан Фарғонага кетаётган йўловчиларнинг тўхтов ери бўлган. Унда оқар сувлар, боғлар, токзорлар ва экинзорлар бўлган. Уларнинг ичимлик суви Сорин дарёсидан келган. Бу шаҳарнинг орқа томони Уструшана тоғларига, олди томони эса *ғузлар* мамлакатига қараган. Уструшана текис даштдан иборат бўлиб, унда тоғлар бўлмаган.

Дизак – текисликда жойлашган шаҳар. Унинг ёнида Фанкон номли *рустоқ* бўлган. Жиход вақтида унда Самарқанд аҳолиси тўпланган. Унда кўп сонли одамларни сиғдирадиган работлар бўлган. Унинг худудидаги энг диққатга сазовор бўлган работ Худайсар (خديسر) работи бўлиб, у шаҳардан 2 *фарсах* масофада жойлашган. Бу Мовароуннаҳрдаги энг машхур работлардан бири бўлиб, уни ал-Афшин Ҳайдар қурдирган. Унинг ўртасида булоқ суви уриб турган, унинг ёнида эса вақф ерлари ва у ал-‘Ироққа кетишдан олдин шу работга инъом қилган мулклар жойлашган. Бу работ бошқа работларга нисбатан душманлар мамлакатига энг яқин жойлашган. Дизакда оқар сувлар ва боғлар бўлган, у ҳосилдор шаҳар бўлган.

Юқорида зикр этилган ҳамма шаҳарлар катталиги, тозалиги, боғлари ва сувларининг кўплиги жиҳатдан бир бирига яқин бўлган. Фақат Марасманда бундан истисно бўлган. У катта шаҳар бўлса ҳам, унда боғлар ва ток-

зорлар бўлмаган. Лекин унда суғориш учун оқар сувлар бўлган. У ерда бўладиган қаттиқ совуқ боғлар ва тоқзорларнинг ўсишига тўсқинлик қилган. Унда сув мўл-кўл, тупроғи яхши бўлган. У ерда яхши ўтлоқлар, яйловлар, чиройли гулзорлар ва мафтункор ерлар кўп бўлган. Ушрусанадаги Харқона, Зомин ва Сobot шаҳарлари Фарғонадан аш-Шошга олиб борувчи йўлда жойлашган. Ким Зоминдан Ховас йўли билан Хужандага бормокчи бўлса, унинг йўли Куркатдан ўтган. Самарқанддан Харқонагача масофа 9 *фарсах*-ни ташкил этган. Бутун Ушрусанада кема юрса бўладиган дарё ҳам, кўл ҳам бўлмаган, лекин унинг экинзорлари, яйловлари ва қишлоқлари ишлов берилган, ҳосилдор ва турли-туман маҳсулотларга бой. Бу шаҳарларнинг ҳар бирида катта *рустоқ* бўлган. Башоғар (بشاغر), Масхо (مسخا), Барғар (برغر), Фартонғом (فرتانغام), Минк (مينك), Баскан (بسكن) ва Исбикат (اسبيكت) номли *рустоқ*ларда шаҳарлар бўлмаган [al-Istakhri: 288, 292, 295, 312, 320, 322, 325 – 328, 338, 342; Ibn Haukal: 503 – 505; al-Moqaddasi: 261, 265, 277, 290, 345b; Jacut I: 278 – 279]. Уструшана тарихий вилояти ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, шунингдек Ўратепа вилоятининг ерларини ўз ичига олган. У ҳақида яна қаранг: Kramers 2000: 924 – 925; Dekhoda II: 2271.

84. Бошқа манбаларда бу маълумот қайд этилмаган. ат-Табарийга кўра, Фарғонадан кейин Қутайба ибн Муслим ‘Исом дараси (شعب عمام) га бориб, у ердан ас-Син мамлакатининг энг чекка шахри Кошғарга йўл олди. У 12 та энг чиройли ва ақлли одамларини ас-Син подшоҳининг ҳузурига элчи қилиб юбориб, “Мен уларнинг тупроғини оёқларим билан босмасдан, подшоҳларининг бўйнига муҳр босмасдан ва улардан *жизйа* олмасдан бу ердан кетмасликга қасам ичдим” деди. ас-Син подшоҳи “Биз уни ичган қасамидан халос қиламиз”, – деди. “Биз хўжайинингга бир сиқим тупроқ юборамиз, уни боссин, биз унга аслзода ўғилларимизни юборамиз, уларнинг бўйнига муҳр боссин, биз унга *жизйа* ҳам юборамиз, хўжайининг у билан қаноатланади”. Подшоҳ олтин идишларда тупроқ, шахзодалардан 4 тасини ва совға-саломлар келтиришни буюрди. Элчилар буларнинг ҳаммасини олиб, Қутайбанинг олдига қайтдилар. Қутайба тупроқни оёқлари билан босди ва шахзодаларнинг бўйнига муҳр босди ва *жизйани* қабул қилиб, орқага қайтди [at-Tabari II 1275 – 1281]. Ибн А‘самга кўра, Қутайба Фарғонани фатҳ этгандан сўнг Кошғарга йўл олди ва ас-Син мамлакатининг чеккасига бориб тўхтади. У ердан у Касир ибн Айм ар-Рийокни 7 минг аскарлик кўшин билан Кошғарга юборди. Араблар Кошғарга бориб, унинг аҳли билан қаттиқ жанг қилдилар ва 200 кишини асирга олиб, Қутайбага келтирдилар. Кейин улар орқага қайтдилар [Ibn A‘tham VII: 249 – 250]. Шундай қилиб Қутайба ибн Муслим бутун Мовароуннаҳр ва Тўхористонни фатҳ этди. Унинг оёғи етмаган ер қолмади [ад-Динаварий: 328].

## XXVI

### Қутайба ибн Муслимга қарши фитна

1. Абу Аййуб Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик ибн Марвон (54 – 99/674 – 717) – Умавийлар (Марвонийлар) сулоласига мансуб 7-араб халифаси, 96 – 99/715 – 717 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. У ҳокимиятга келганда, ал-‘Ироқдаги қамоқлардан ал-Ҳажжож ибн Йусуф ҳукмронлиги даврида минглаб ҳибсга олинганларнинг кўпчилигини озод қилди, жиноят содир этганларни авф этди. У фатҳ урушларини олиб боришга кўп аҳамият берган. У 120 минг аскардан иборат катта қўшин тўплаб, укаси Маслама ибн ‘Абд ал-Малик бошчилигида кемаларда Константинополь шахрини камал қилиш учун юборди. Унинг ҳукмронлиги даврида араблар Журжон ва Табаристонни фатҳ этдилар. Унгача бу ерлар туркларнинг қўлида эди [al-Ya‘qubi: 19; ал-Йа‘қубий II: 308 – 315; al-Ja‘kubi II: 335, 336, 345, 351 – 362, 366, 269, 371; ад-Динаварий: 329 – 330; at-Tabari II: 93, 838, 1047, 1063, 1167 – 1171, 1174, 1208, 1211 – 1217, 1273 – 1275, 1281 – 1345, 1350; al-Masudi: 318 – 319; el-Maqdisi VI: 41 – 42; al-Osyooti: 226 – 229; История халифов: 1596 – 1736; Арабский аноним: 259а; Ибн Халликон II: 420 – 427 (№ 279)]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 65, 68 – 70, 115, 121 – 124, 127, 131, 133, 137 – 140, 147, 155, 313, 314, 317; Босворт 1971: 29 – 31; Беляев 1966: 196, 197; Eisener 1997: 821 – 822; аз-Зириклий III: 192 – 193; Dehkhoda IX: 13744.

2. ‘Абд ал-‘Азиз ибн ал-Валид ибн ‘Абд ал-Малик ибн Марвон – халифа ал-Валид I ибн ‘Абд ал-Малик (86 – 96/705 – 715 йилларда ҳукм сурган) нинг ўғли. 96/714-15 йилда ал-Валид ўзининг ҳаётлигида уни *валий ал-‘аҳд* (ولي العهد), яъни ўзидан кейинги тахт меросхўри деб эълон қилмоқчи эди. Иккала ал-‘Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф ва Хуросон волийси Қутайба ибн Муслим унга содиқликга қасамёд қилдилар. Лекин ал-Валид вафот этгандан кейин, кўпчилик одамлар унинг укаси Сулаймон ибн ‘Абд ал-Маликга содиқликга қасамёд қилдилар. Сулаймон халифа деб эълон қилингандан кейин ал-Ҳажжож Воситда вафот этди, Қутайба ибн Муслим эса Фарғонада ўлдирилди. ‘Абд ал-‘Азиз ибн ал-Валид амакиси Маслама ибн ‘Абд ал-Малик бошчилигида арабларнинг Византияда олиб борган фатҳ урушларида иштирок этган, Маслама Арминийага кетганда эса унинг ўрнига бош қўмондон бўлиб қолган. 99/717-18 йилда Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик вафот этганда, ‘Абд ал-‘Азиз ибн ал-Валид Дамашқга юриш қилиб, тахтни эгалламоқчи бўлди, лекин кейин бу ниятидан қайтди [al-Ja‘kubi II: 345, 350, 361; at-Tabari II: 1217, 1255, 1266, 1270, 1273, 1274, 1283 – 1284, 1345; Masoudi VI: 110; IX: 60; Ибн Халликон VI: 295]. У ҳақида қаранг: Zettersteen 1960: 58; Большаков 2010: 92, 115, 139.

3. Абу-л-‘Аббос ал-Валид I ибн ‘Абд ал-Малик ибн Марвон – Умавийлар (Марвонийлар) сулоласига мансуб 6-араб халифаси, 86 – 96/705 –



715 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. У кўп фатҳ урушлари олиб борган. Унинг ҳукмронлиги даврида араб халифалигининг чегаралари анча кенгайган ва араблар шарқда Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва Хитойгача, ғарбда эса Шимолий Африка ва Андалусия (Испания) га етиб борганлар. У қурилиш ва ободонлаштириш ишларига кўп аҳамият берган. Унинг буйруғи билан кўп мамлакатларда йўллар таъмирланган, қудуқлар қазилган, фавворалар қурилган. Халифалардан биринчи бўлиб у шаҳарларда касалхоналар жорий қилган, мусофирлар учун меҳмонхона (карвонсарой) лар қурдирган. У ал-Мадинадаги масжидни ва унинг атрофларидаги уйларни буздириб, ўрнига ал-Масжид ал-Ҳаром (المسجد الحرام) номли катта янги масжид қурдирган. Маккада Каъбани янгидан таъмирлаган. Фаластиндаги ал-Қуддус шаҳрида ал-Масжид ал-Ақсо (المسجد الأقصى) номли масжидни қурдирган. Дамашқда эса ал-Жоме‘ ал-Умавий (الجامع الاموي) номли катта масжид қурдирган [al-Ya‘qubi: 18; al-Ja‘kubi II: 334, 351, 353, 371; ал-Йа‘қубий II: 297 – 307; ад-Динаварий: 326; ал-Балозурий: 17, 40. 458. 576; at-Tabari I: 11, 2873; II: 93, 199, 790, 792, 837, 1032, 1035, 1047, 1138, 1166, 1167, 1170, 1177; al-Masudi: 317 – 318; al-Osyooti: 223 – 226; История халифов: 149а – 159б; Арабский аноним: 244а, 245б, 246б]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 12, 56, 65 – 69, 75 – 78, 89 – 96, 100, 112 – 128, 136, 212, 223, 301, 331; Беляев 1966: 180, 187, 191, 196, 199; Kennedy 2002: 127 – 128; аз-Зириклий IX: 140 – 141.

4. Ҳабаннақа ал-‘О’иший (هبنقة العنشي) – арабларнинг қайс ибн са‘лаба қабиласидан бўлган Абу Сарвон Йазид ибн Сарвон ал-Қайсийнинг лақаби – илк ўрта асрлардаги араб адабиётида у аҳмоқлик рамзи бўлган. Аслида у тарихий шахс бўлиб, *ал-жоҳилийя* даврида, яъни исломдан олдинги вақтларда яшаган. Унинг аҳмоқлиги ҳақида масаллар айтилган. Араблар бирор одамнинг ўта аҳмоқлиги ҳақида сўз юритганда, “у Ҳабаннақадан ҳам аҳмоқроқ” деб айтганлар [at-Tabari II: 1287, 1288]. Ибн А‘сам унинг исмини Ҳабаннақа ал-Қайсий шаклида қайд этган [Ibn A‘tham VII: 261]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий IX: 229 – 230.

5. Йазид ибн Сарвон – қаранг: Ҳабаннақа ал-‘О’иший (XXVI, 4).

6. *бану замим* (بنو ذميم) – араб тилида *замим* (ذميم) сўзи “шармандали”, “қабих”, “бадном” маъноларини билдирган [Гиргас 1881: 274]. Бу ерда *тамим* (تميم) қабиласига мансуб одамларни ёмонлаш учун бу сўз ўхшатиш сифатида қўлланилган.

7. Абу Сумома Мусайлима ибн Сумома ибн Кабир ибн Ҳабиб ал-Ҳанафий ал-Во’илий ал-Каззоб (12/633-34 йилда вафот этган) – исломдан олдин Арабистондаги Нажд вилоятида ал-Йамома шаҳрида туғилиб ўсган ва ўзини пайғамбар деб эълон қилган. У *ал-жоҳилийя* даврида ўзини ар-Раҳмон деб атаган ва Раҳмон ал-Йамома (رحمان اليمامة) – “ал-Йамомалик Раҳмон” деб танилган. Ислом даврида уни Мусайлима ал-Каззоб деб атаганлар. Муҳаммад пайғамбар одамларни ислом динига даъват этиб, Макка-

ни ишғол қилганда, *бану ҳанифа* қабиласининг одамлари билан Мусайлима ҳам Маккага келиб, Муҳаммад пайғамбар билан учрашди. 10/631-32 йилда у Муҳаммад пайғамбарга хат ёзиб, ўзини Расулуллоҳ (رسول الله), яъни Аллоҳнинг элчиси деб атади. Муҳаммад пайғамбар эса унга ёзган жавоб хатида уни Мусайлима ал-Каззоб – “Ёлғончи Мусайлима” деб атади. Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнг 12/633-34 йилда халифа Абу Бакр (11 – 13/632 – 634 йилларда ҳукм сурган) Холид ибн ал-Валидни саҳобалардан иборат катта қўшин билан Мусайлимага қарши ал-Йамомага юборди. Улар Мусайлиманинг тарафдорларини ал-Жила қишлоғида бўлган шиддатли жангда тор-мор қилдилар ва Мусайлимани ўлдирдилар [al-Ja‘kubī II: 87, 144, 146, 147; at-Tabarī I: 1737, 1738, 1748 – 1750, 1759 – 1798, 1824, 1871, 1915 – 1920, 1929 – 1949, 1977, 1978; II: 1287; Jacut I: 72, 158, 930; II: 127, 226, 615; III: 202, 483, 694, 712, 906, 931; Ибн Халликон III: 27, 66, 67; IV: 348]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 1989: 175, 183, 184, 193, 194, 197 – 199, 202, 207, 267, 270 – 273; аз-Зириклий VIII: 125 – 126; Беляев 1966: 65, 134 – 135.

8. *ас-софила* (السافلة) – араб., “пастлик”, “пасттекислик”. Арабистон ярим оролининг марказида жойлашган ясси тепаликдан пастдаги ерлар шундай деб аталган. Илк ўрта асрларда ал-Йаманнинг Нажд вилоятидаги Тихома шаҳридан қуйида жойлашган ерлар ҳам ас-Софила (السافلة) – “пастлик”, “паст текислик” деб аталган [Jacut IV: 462].

9. *ал-‘олийа* (العالية) – араб., “баландлик”. Арабистон ярим оролининг марказида жойлашган ясси тепалик шундай деб аталган. Илк ўрта асрларда ал-Йаманнинг Нажддан Тихома шаҳригача жойлашган ерлар ҳам ал-‘Олийа (العالية) – “баландлик”, “тепалик” деб аталган [Jacut I: 390, 854, 920, 941; II: 251, 288, 401; III: 82, 173, 592, 688, 697, 714, 721; IV: 462, 504, 790, 802].

10. Матнда: *لاضعنكم بحيث وضعكم الله* – араб., “Мен сизларни Аллоҳ қўйган жойда қолдираман” [Коран 15: 74; 11: 82]. Бу ерда ас-Софила (السافلة) – араб., “пасттекислик” сўзи ас-Софил (السافل) – араб., “пасткаш”, “разил”, “қабих” сўзи билан ўхшатишган. Бу жумланинг маъноси шуки, “Сизлар пасткаш одамларсиз, шунинг учун ҳам Аллоҳ сизларни ас-Софила (пастлик) га жойлаштирган”.

11. Абу Сосон (ёки Абу-л-Йақзон) ал-Худайн ибн ал-Мунзир ибн ал-Ҳорис ибн Ва‘ла аз-Зухлий аш-Шайбоний ар-Раққоший (18 – 97/639 – 715) – араб шоири, *раби‘а* қабиласининг бошлиқларидан бири, саҳобаларнинг кичик замондоши. У халифа ‘Али ибн Абу Толибнинг тарафдори бўлиб 37/657-58 йилда Му‘овийа тарафдорлари билан бўлган Сиффин жангида унинг байроқдори бўлган. Кейин халифа ‘Али уни Истахрга волий этиб тайинлаган. Му‘овийа халифа бўлганда, ал-Худайн унинг олдига келди ва халифа уни иззат ва ҳурмат билан кутиб олди. У арабларнинг Хуросонда олиб борган фатҳ урушларида иштирок этган. 85/704 йилда у Марвда Хуросон волийси Йазид ибн ал-Муҳаллабнинг маслаҳатчиси, 96/714-15 йилда

эса Қутайба ибн Муслимнинг маслаҳатчиси бўлган ва *бакр* қабиласига мансуб 7 минг аскардан иборат қўшинга бошчилик қилган [ал-Йа‘қубий II: 310; at-Tabari II: 1141, 1142, 1289, 1290, 1291, 1297]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 290.

12. Абу Мутарриф Ваки‘ (ибн Абу Асвад) ибн Ҳассон ибн Қайс ибн Абу Суд ибн Калб ибн ‘Авф ибн Молик ибн ‘Удона (Ғудона) ибн Йарбу‘ ибн Ҳанзала ат-Тамимий ал-Ғудоний – арабларнинг *тамим* қабиласига мансуб лашкарбоши. У Хуросондаги *тамим* қабиласи вакилларининг бошлиғи бўлган. 90/708-09 йилда у Хуросон волийси Қутайба ибн Муслимнинг қўшинида *тамимий*лар бўлинмасининг лашкарбошиси бўлиб, Бухорода туркларга қарши жанг қилди ва уларни мағлубиятга учратди. 96/714-15 йилда Қутайба ибн Мулим халифа Сулаймонга қарши бош кўтариб, Фарғонага кетди. У Ваки‘ ибн Ҳассонни *тамимий*лар қўшинига бошчилик қилишдан четлатди ва унга бошқа ҳеч қандай лавозим бермади. Ваки‘ Қутайбага нисбатан алам ҳиссида қолиб, унга қарши Ҳаййон Набатий исмли лашкарбоши билан бирлашди ва одамларни Қутайбага қарши фитна уюштиришга даъват этди. Унинг атрофида ‘*ажам*лар ҳам йиғилиб, улардан алоҳида қўшин тузилди. Фитначилар қулай фурсатдан фойдаланиб, Қутайба ибн Муслимни ўлдирдилар ва у билан бирга унинг 11 та яқин қариндошлари ҳам қатл этилди. Ваки‘ уларнинг бошларини халифа Сулаймонга юборди. Шундан кейин 97/715-16 йилда Ваки‘ 9 ёки 10 ой давомида Хуросон волийси лавозимини эгаллаб турди. У ўта қаттиқ қўллик билан сиёсат олиб борди ва қўл остидагиларнинг ҳар бир қилган енгил жинояти учун ҳам ўлим жазосини белгилар эди. Одамлар ундан хавфсирар эдилар. У эса “Мен қамчи билан эмас, фақат қилич билан жазолайман” деб жавоб берар эди. Кўп ўтмай Хуросон волийси этиб Йазид ибн ал-Муҳаллаб тайинланди ва ўзидан олдин Хуросонга ўғли Муҳаллад (Махлад) ни юборди. Муҳаллад Марвга келиб, Ваки‘ ва унинг амалдорларини ҳибсга олди ва қамокқа ташлади. Қамокда уларни қийнаб, ҳамма йиққан пулларини ва мол-мулкларини тортиб олди [Халифа ибн Хаййот: 86; al-Jakubi: 300; al-Ja‘kubi II: 355; ал-Йа‘қубий II: 310 – 311; at-Tabari II: 1202 – 1204, 1252, 1290 – 1302, 1306 – 1313, 1352; Ibn A‘tham VII: 267 – 285; Гардизи: 19, 32, 33; el-Maqdisi VI: 42; Та’рих-и Систан: 124; Ибн Халликон IV: 87, 88; VI: 298, 300].

13. *бану-л-аҳтам* (بنو الـاهتم) – араб., *ал-аҳтам* қабиласи. Бу қабиланинг бобокалони *ал-жоҳилийя* даврида Арабистондаги Нажд вилоятида яшаган. Унинг олдидаги тиши йўқ бўлгани учун унга ал-Аҳтам (الـاهتم) – “кемшик”, “тишсиз” деб лақаб қўйилган. Унинг ўғли Абу Раби‘ий ‘Амр ибн Синон ибн Самий ат-Тамимий ал-Муқри‘ ҳам *ал-жоҳилийя* ва илк ислом даврида машхур шоир ва хатиблардан бири бўлган. У ёшлигида кўриниши чиройли бўлгани учун унга ал-Мукҳал (المكحل) – “кўзларига сурма суртилган” деб лақаб қўйилган. У Муҳаммад пайғамбар олдида келиб ислом динини қабул қилган. Муҳаммад пайғамбар уни иззат-икром билан ва очиқ кўнгил билан

кутиб олган. Унинг шеърлари ҳукмдорларнинг саройларида айтилган ва кенг тарқалган [Ibn Rosteh: 206]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий V: 247.

14. Бу воқеалар бошқа манбаларда ҳам батафсил ёритилган [ал-Йа‘кубий II: 310 – 311; at-Tabari II: 1283 – 1292; Ibn A‘tham VII: 252 – 265; Гардизи: 31 – 32].

## XXVII

### Ваки‘ ибн Ҳассон ат-Тамимий

1. Абу Му‘аммар Ҳаййон ан-Набатий – арабларнинг *шайбон* қабиласидан бўлган Масқала ибн Ҳубайра аш-Шайбонийнинг *мавлоси*, келиб чиқиши хуросонлик ёки дайламлик бўлган ва маҳаллий тилларни яхши билган. У Хуросон *мавлolari*дан тузилган қўшинга бошчилик қилган. Унинг лақаби Абу-л-Ҳаййож (“Шиддатли”, “Жўшқин”) эди. У Умавийлар оиласи билан яхши муносабатда бўлган ва халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз билан яқин бўлган. У Самарқанд ҳокими этиб тайинланган [Радтке 2001: 43]. XII асрда Самарқандда Ҳо‘ит Ҳаййон (حائط حيان) – Ҳаййон девори номли кўча қайд этилган [al-Nasafi: 264; ас-Сам‘оний VII: 10]. Бухорода эса Ҳауд Ҳаййон (حوض حيان) – Ҳаййон ҳовузи унинг номи билан аталган [Наршахий: 55]. Ҳаййон ан-Набатий Қутайба ибн Муслимнинг энг яқин одамларидан бири бўлган ва 7 минг аскардан иборат *мавлolar* қўшинига бошчилик қилган. 90/708-09 йилда у Қутайба ибн Муслим билан Самарқанд ҳукмдори Тархун ўртасида воситачилик қилди. 93/711-12 йилда Х<sup>в</sup>оразм фатҳ этилгандан кейин Ҳаййон Х<sup>в</sup>оразм ҳокими этиб тайинланган ‘Ийос ибн ‘Абдуллоҳ билан у ерда қолиб, бош кўтарган ғайридинларга қарши жанг қилди. Лекин улар маҳаллий аҳолига бас кела олмади. Қутайба ғазабланиб, унга 100 дарра уришни ва соқолини қириб ташлашни буюрди, ‘Ийосни эса жазоламади. Шундан кейин Ҳаййон унга қарши алам ҳиссини сақлаб юрди. 96/714-15 йилда у Қутайба ибн Муслимга қарши фитнага қўшилиб, уни қатл этишда иштирок этди. 98/716-17 йилда у Йазид ибн ал-Мухаллаб билан бирга Журжондаги туркларга қарши юриш қилди. 102/720-21 йилда Ҳаййон Хуросон волийси Са‘ид Хузайна билан бирга тузилган сулҳни бузиб, бош кўтарган суғдларга қарши юришда иштирок этди. Баъзи маълумотларга кўра, ўша йилда араб лашкарбошиси Саура ибн ал-Ҳурр унга захар берган ва 4 кундан кейин Ҳаййон ўлган. Лекин 109/727-28 йилда яна Ҳаййон ан-Набатий тилга олинган бўлиб, Хуросон волийси этиб тайинланган Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламийни Хуросонда кутиб олган [al-Ja‘kubi II: 342, 355; ал-Йа‘кубий II: 311; at-Tabari II: 1204, 1253, 1290, 1291, 1294, 1295, 1300, 1329, 1402, 1430, 1431, 1505, 1582; Наршахий: 45 – 46, 55; Ibn A‘tham VII: 273; Ибн А‘сам VII: 192 – 193]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 40 – 43; Большаков 2010: 110, 126, 127, 130, 156, 315, 316.

2. ат-Табарийга кўра, 96/714-15 йилда Хуросон қўшинида ал-Басра аҳлидан жами 40 минг – ал-‘Олийа аҳлидан 9 минг, *бакр ибн во’ил* қабиласидан 7 минг, *тамим* қабиласидан 10 минг, *‘абд ал-қайс* қабиласидан 4 минг, *ал-азд* қабиласидан 10 минг, ал-Куфа аҳлидан 7 минг, *мавлорлардан* эса 7 минг жангчи бор эди [at-Tabari II: 1291]. Ибн А‘самга кўра, Қутайба ибн Муслимнинг Хуросон ва Мовароуннахрнинг аслзодалари ва шахзодаларидан иборат 10 минг аскарлик қўшини бўлиб, унда суғд ва турк подшоҳлари, тархонлар, ал-барқашлар (البرقش) нинг ўғиллари, Бухористон подшоҳларининг ўғиллари ва Хуросондаги бошқа подшоҳларнинг ўғиллари тўпланган эди [Ibn A‘tham VII: 265].

3. Матнда: *هذا ادريس رسول ابليس* – араб., “Бу Идрис – Иблиснинг элчиси-сидир”. Бу ерда Идрис исми ва Иблис сўзи ўртасида ўхшатиш ишлатилган. Аслида Идрис – Қуръон-и Каримда қайд этилган пайғамбарлардан бирининг исми бўлган [Пиотровский 1991: 92].

4. *бану дабба* (بنو ضبة) – араб., *дабба* қабиласи. Илк ислом даврида арабларда шу номли бир нечта қабила бўлган. *Мудар* қабилалар иттифоқи таркибида *дабба* қабиласи бўлиб, унинг бобокалони Дабба ибн Удд ибн Тобиха ибн Илійос (ал-Йос) ибн Мудар ибн Низор ибн Раби‘а ибн Ма‘адд ибн ‘Аднон бўлиб, *ал-жоҳилийа* даврида яшаган. Унинг авлодлари дастлаб Арабистондаги Нажд вилоятининг шимолий қисмидага ат-Тихома атрофларида яшаганлар. Илк ислом даврида улар ал-‘Ирокга кўчганлар ва ал-Жазирада ўрнашганлар. *Қурайш* қабилалар иттифоқида ҳам дабба қабиласи бўлиб, унинг бобокалони Дабба ибн ал-Ҳорис ибн Қаҳр ибн Молик бўлган. *Ҳузайл* қабилалар иттифоқи таркибида ҳам шу номли қабила бўлиб, унинг бобокалони Дабба ибн ‘Амр ибн ал-Ҳорис ибн Тамим ибн Са‘д ибн Ҳузайл бўлган [al-Jakubi: 274, 326, 351; Ibn al-Fakih: 120, 170; at-Tabari I: 1910, 1913, 1914, 1921, 2183, 2189, 2317, 2488, 3179, 3189, 3195 – 3198, 3204 – 3206, 3213; al-Masudi: 241, 295, 394; Macoudi IV: 326; VI: 142; ac-Sam‘oniy VIII: 144; Jacut I: 317, 365, 583, 588, 705, 851, 854, 916; II: 89, 265, 269, 295, 352, 356, 554]. У ҳақида яна қаранг: Caskel 1965: 71 – 72; аз-Зириклий III: 307.

5. Матнда: *ما‘шар ал-‘ажам* (معشر العجم) – араб., ‘ажамларнинг жамоаси.

6. Ҳаййон ан-Набатий форс *мавлорларидан* эди. У билан бирга Қутайба ибн Муслимни тарк этганлар ҳам асосан форслар бўлса керак.

7. Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиёда маҳаллий ҳукмдорларнинг кўрикчилари *чокар*, яъни *гулом* деб аталган [de la Vaissiere 2005: 139 – 149]. *Чокарлар* ҳарбий жиҳатдан жуда ҳам яхши тайёрланган бўлиб, улар ўз эгаларига жуда ҳам содиқ бўлганлар ва улар учун жонларини ҳам беришга тайёр бўлганлар. Уларнинг эгаси вафот этганда, *чокарлар* ўзларининг жонларига суиқасд қилиб, у билан бирга дафн этилганлар. Ўрта Осиёнинг кичик ҳукмдорлари ҳам олий ҳукмдорнинг *чокарлари* ҳисоблан-

ган. Ўрта Осиёда барча *чокар*ларнинг хўжайини олий турк хоқони бўлган. Масалан, Самарқанд ҳукмдори Ғурак арабларга “Мен турк хоқонининг қули, унинг *чокар*ларидан бириман”, – деган [at-Tabari II: 1542]. Араб босқинчилари *чокар*лар тизимининг афзалликларини тезликда англаб етиб, ундан ўзларининг шахсий манфаатлари учун фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Масалан, 54/674 йилда амир ‘Убайдуллоҳ ибн Зийод Бухородан ал-Басрага 2 мингта моҳир камончиларни олиб кетиб, улар учун махсус ётоқхоналар қурдирган [al-Beladsori: 411; at-Tabari II: 169 – 170]. Яна бир араб амири Са‘ид ибн ‘Усмон Бухоро ва Самарқанд дехқонларининг ўғилларидан иборат 50 та ёки 80 та *ғулом*ни ўзи билан Мадинага олиб кетган ва улар билан қулларга ўхшаб муомала қилган. Шунда *ғулом*лар уни ўлдириб, ўзларининг одатларига кўра, ўз жонларига ҳам суиқасд қилганлар [at-Tabari II: 179]. Қутайба ибн Муслимнинг ҳам турк ва суғд дехқонларининг фарзандларидан иборат шахсий қўриқчилар қўшини бўлиб, улар Қутайба ибн Муслимга унинг умрининг охиригача содиқ қолганлар ва ҳатто унинг қабиладошлари ундан юз ўгирганларида ҳам унга хиёнат қилмаганлар [al-Beladsori: 424, 521].

8. ‘Абдуллоҳ ибн ‘Алвон ал-‘Аузий – 96/714-15 йилда Хуросон волийси Қутайба ибн Муслим даврида *‘абд ал-қайс* қабиласининг 4 минг аскардан иборат қўшинига бошчилик қилган [at-Tabari II: 1291].

9. Абу-л-Мунзир Ҳишом ибн Муҳаммад ибн ас-Со‘иб ибн Бишр ал-Калбий (204/219-20 ёки 206/821-22 йилда вафот этган) – арабларнинг *бану калб* қабиласидан етишиб чиққан машҳур араб тарихчиси, насл-насаблар ва тарих билимдони, ҳадис ровийси. Унинг асли ал-Куфадан бўлган. Унинг отаси Муҳаммад ибн ас-Со‘иб ал-Калбий (146/763-64 йилда вафот этган) ҳам насабшунос олим ва ҳадис ровийси бўлган. Ҳишом ал-Калбий отаси каби сермаҳсул олим бўлиб, 150 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. “Жамҳарат ал-ансоб” (جمهرة العرب) – “Арабларнинг насаблар тўплами”, “ал-Асном” (الاصنام) – “Санамлар”, “Насаб ал-хайл” (نسب الخيل) – “Отларнинг насаблари”, “Буйутот Қурайш” (بيوتات قريش) – “Қурайш қабиласининг хонадонлари”, “ал-Куно” (الكنى) – “Кунйалар”, “Ифтироқ ал-‘араб” (افتراق العرب) – “Арабларнинг бўлиниши”, “Алқоб Қурайш” (القاب قريش) – “Қурайш қабиласининг лақаблари”, “Алқоб ал-Йаман” (القاب اليمن) – “ал-Йаман лақаблари”, “Мулук ат-таво‘иф” (ملوك الطوائف) – “Чекка вилоятларнинг подшоҳлари”, “Буйутот ал-Йаман” (بيوتات اليمن) – “ал-Йаман хонадонлари”, “Сифот ал-хулафо” (صفات الخلفاء) – “Халифаларнинг сифатлари”, “Китоб ал-ақолим” (كتاب الاقاليم) – “Иқлимлар китоби”, “Асвоқ ал-‘араб” (اسواق العرب) – “Арабларнинг бозорлари” шулар жумласидандир. IX – X асрларда ва ундан кейин яшаган тарихчилар унинг асарларига кўп мурожаат қилганлар. Шу жумладан, ат-Табарий ҳам унинг асарларидан кенг фойдаланган [al-Ja‘kubi II: 4, 222; at-Tabari I: 119, 120, 122, 126, 144, 152, 154, 155, 160, 165, 183; II: 752, 1033, 1109, 1143, 1306, 1317, 1333; Ibn an-Nadim I: 95 – 98; Macoudi I: 10, 216; III:

142, 148, 328. 389; IV: 117, 371; V: 117, 348; VII: 51; ас-Сам‘оний X: 454 – 455; Jacut I: 7, 102, 127, 139, 149, 154, 173, 235, 292, 311, 324, 340; Ибн Халликон VI: 82 – 84 (№ 782)]. У ҳақида яна қаранг: Крачковский 1957: 120; Atallah 1978: 494 – 496; аз-Зириклий IX: 87.

10. Жаҳм ибн Заҳр ибн Қайс ал-Жу‘фий – арабларнинг *ал-азд* қабиладан чиққан лашкарбоши. Хуросон волийси Қутайба ибн Муслим (86 – 96/705 – 715 йилларда ҳукм сурган) қўл остида ал-Куфадан келган *ал-азд* қабиласи вакилларида тузилган 7 минг аскардан иборат қўшиннинг бошлиғи бўлган. 96/714-15 йилда у Қутайбага қарши фитнага қўшилди ва уни ўлдиришда иштирок этди. Ўазид ибн ал-Мухаллаб иккинчи марта Хуросон волийси бўлганда (97 – 99/715 – 717 йилларда ҳукм сурган) ҳам унинг қўл остида лашкарбоши бўлган ва укаси Жамол билан унинг саройида катта мавқега эга бўлган. 98/716-17 йилда Ўазид ибн ал-Мухаллаб Журжонни фатҳ этгандан кейин Жаҳмни унга ҳоким этиб тайинлади. Ўша йилда ал-‘Ироқ волийси Ўазидни ҳибсга олди ва Журжонга ўзининг одамани ҳоким этиб тайинлади. У одам Журжонга келганда, Жаҳм уни ҳибсга олиб, қамокқа ташлади, ўзи Марвга Хуросон волийси ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳакамий (99 – 100/717 – 719 йилларда ҳукм сурган) нинг олдига кетди, ал-Жарроҳ эса унинг амакисининг ўғли эди. Ўша йили ал-Жарроҳ халифа олдида ўзини оқлаши учун уни ал-Хутталга юборди. Жаҳм ал-Хуттал ҳукмдорининг олдига бир ўзи кириб, у билан сулҳ тузиб чиқди ва ундан катта ўлпон ундириб олди. 102/720-21 йилда Хуросон волийси бўлган Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз Хузайна уни ва Ўазид ибн ал-Мухаллабга хизмат қилган яна 7 кишини ҳибсга олиб, Марв қуҳандизидаги қамокқа ташлади. Са‘ид уни қуҳандиздан саройига эшакда келтириб, ундан ал-Хутталдан олиб, яширган пулларни беришни талаб қилди ва унга 200 дарра уришни буюрди. Кейин у қамокда қийноқлар билан ўлдирилди [at-Tabari II: 1203, 1257, 1291, 1295, 1297, 1307, 1318, 1324, 1331 – 1334, 1420, 1353; Ибн А‘сам VII: 167, 180, 181]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий II: 138.

11. Са‘д ибн Мажд – ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, чодир Қутайбанинг устига кулаб тушганда, Жаҳм ибн Заҳр ал-Жу‘фий Са‘дга: “Қутайба жароҳатдан ҳолсизланди, отдан тушиб унинг бошини танасидан жудо қил” деди. Са‘д унга: “Унинг отлиқлари ҳужум қилишидан кўрқаман” деб жавоб берди. Жаҳм деди: “Кўрқма, мен сен билан бўламан”. Кейин Са‘д отдан тушиб, чодирнинг устини тешиб, Қутайбанинг бошини танасидан жудо қилди. Бу ҳақида бир шоир деди:

Ибн Са‘д ва Ибн Заҳр бошлиқнинг тожли бошини

Қиличлари билан ирғитиб ўйнадилар [at-Tabari II: 1297].

12. ас-Саммо’ (الصماء) – араб., бу исм “гаранг”, “қаттиқ”, “семиз” маъноларини билдиради. Ундан ташқари ас-Само’ (الصماء) сўзи “ёпинчик”, “қалин жун рўмол”, “елкага ташланадиган енгсиз кенг кийим” (плащ), яъни

баданни ўраш учун хизмат қилувчи мато маъноларида ҳам ишлатилган [Гиргас 1881: 449 – 450]. Dehkhoda X: 15044.

13. *умм валадиҳи* (ام ولدہ) – араб., “ўғлининг онаси”, яъни унинг хотини.

14. Дирор ибн Муслим ал-Боҳилий – ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, уни ўлимдан тоғалари қутқариб қолдилар. Унинг Фарро’ исми онаси Дирор ибн Ка‘ка’ ибн Ма‘бада ибн Зуроранинг қизи эди [at-Tabari II: 1296].

15. Салит ибн ‘Атиййа ал-Ханафий – ат-Табарий бу одамнинг исмини келтирмаган [at-Tabari II: 1299].

16. *боҳила* (باهلة) – араб қабиласи. Бу қабилянинг бобокалони Боҳила ибн А‘сар бўлган. Араблар бу қабилага мансуб бўлишдан жирканганлар. Гўёки бу қабиладан ҳеч бир машҳур шахс етишиб чиқмаган. Қутайба ибн Муслим шу қабилага мансуб эди [Ibn Rosteh: 95; al-Masudi: 171; Masoudi VI: 140; at-Tabari II: 1180, 1198, 1218, 1223, 1230, 1237, 1246, 1250; as-Sam‘oniy II: 67]. Йаманда *ал-жоҳилийя* даврида Боҳила бинт Са‘б ибн Са‘д ал-‘Аширий исми аёл бўлган. Унинг эри Молик ибн А‘сар ибн Са‘д ибн Қайс бўлиб, уларнинг авлодлари *боҳила* деб аталган [Jasut I: 211, 525; II: 191, 260, 297; III: 118, 183, 196, 318, 360, 589, 593, 628, 632, 667, 691, 721, 745; IV: 516, 730]. Улар Арабистондаги ал-Йамома вилоятида яшаганлар. У ҳақида яна қаранг: Caskel 1960: 920 – 921; аз-Зириклий II: 7 – 8; Dehkhoda III: 4328.

17. Абу Мижлаз Лоҳиқ ибн Ҳумайд – Хуросон волийси Қутайба ибн Муслим даврида Хуросонда бўлган. 96/714-15 йилда Ваки’ ибн Ҳассон ибн Абу Суд ат-Тамимий уни Марв ҳокими этиб тайинлади. 100/718-19 йилда у Хуросон волийси ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳакамий кўл остида эди. Халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз уни Хуросондан Дамашқга чақиртириб, ундан Хуросондаги ҳақиқий аҳвол ҳақида сўраб суриштирди ва унинг маслаҳатига биноан, Хуросон волийси этиб ‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘айм ал-Ғомидийни тайинлади [at-Tabari I: 3385; II: 1352 – 1355, 1368]. Ибн А‘сам Лоҳиқ исми бир ғулом ҳақида маълумот келтирган [Ибн А‘сам III: 105, 106; V: 92].

18. Бу воқеалар бошқа манбаларда ҳам батафсил ёритилган [ал-Йа‘қубий II: 310 – 311; at-Tabari II: 1292 – 1301; Ibn A‘tham VII: 265 – 280; el-Maqrīsi VI: 42; Гардизи: 32].

## XXVIII

### Йазид ибн ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра

1. Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик 97/715-16 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллабни ал-‘Ироқ волийси этиб тайинлади, кейин унга Хуросонни ҳам қўшиб берди [at-Tabari II: 1306 – 1310; Гардизи: 33]. Ибн Хаййотга кўра, Йазид ибн ал-Муҳаллаб 96/714-15 йилда ал-‘Ироқ ва Хуросон волийси этиб тайинланди [Халифа ибн Хаййот: 86].



2. Ибн Хаййотга кўра, Йазид ибн ал-Муҳаллаб Хуросон волийси этиб ўғли Муҳалладни тайинлади, ўзи эса ал-‘Ироқга кетди ва 99/717-18 йилга қадар волийлик қилди. Муҳаллад Хуросонда халифа Сулаймоннинг вафотига қадар волий бўлди [Халифа ибн Хаййот: 86]. ал-Йа‘қубийга кўра, Йазид ибн ал-Муҳаллаб Хуросонга келиб, ўғилларини турли шаҳарларга ҳоким этиб тайинлади: Муҳалладни Самарқандга, Мудрикни Балхга, Муҳаммадни эса Марвга. Шу билан Хуросонда Йазиднинг мавқеи кучайди. У Хуросондан кетганда, ўзининг ўрнига Муҳалладни қолдирди [ал-Йа‘қубий II: 311, 316]. ас-Саҳмийга кўра, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра ўғли Муҳалладни Мо дуна-н-наҳр (ما دون النهر), яъни дарёдан пастдаги ерларга, Ҳотим ибн Қабисани эса Мо халфа-н-наҳр (ما خلف النهر), яъни дарё ортидаги ерларга волий этиб тайинлади [ас-Саҳмий: 10].

3. Муҳаллад Марвга яқинлашганда, олдинга ‘Амр ибн ‘Абдуллоҳ ибн Синон ал-‘Атакий ас-Сунобихийни юборди. Ваки‘ ибн Абу Суд уни кутиб олишдан бош тортди. Муҳаллад Марвга етиб келганда ҳам, унга бош эгмади. Муҳаллад уни ҳибсга олиб, отаси келгунча уни қийноқларга солди. Йазид ибн ал-Муҳаллаб Хуросонга келиб, ундаги уруш, хирож ва намоз ишларига амир бўлди [at-Tabari II: 1311 – 1314; Ibn A‘tham VII: 280 – 284]. Лекин ал-Балозурий Йазид ибн ал-Муҳаллабнинг Хуросонга келгани ҳақида ҳеч нима ёзмаган. Йазид Хуросонга келиб, Қутайба ибн Муслимнинг амалдорлари, шу жумладан унинг укаси ‘Амр ибн Муслимни ҳибсга олиб, уларни қийнади ва йиғилган пулларни беришни талаб қилиб, ундириб олди [Ibn A‘tham VII: 283]. У Ваки‘ ибн Абу Судни ҳам ҳибсга олиб, унга кишан солди. Унинг шаҳар ва вилоятларга тайинлаган омилларини ҳам ҳибсга олди ва улардан яширган пулларни беришни талаб қилди [ал-Йа‘қубий II: 311].

4. Бошқа манбаларда Муҳаллад ибн Йазид ибн ал-Муҳаллабнинг ал-Буттамга қилган юриши ҳақида маълумот келтирилмаган. Ибн А‘самга кўра, Муҳаллад ибн Йазид турклар ерига юриш қилиб, у ердаги бир катта қалъа ёнига келиб тўхтади. Унда жуда кўп одамлар йиғилган эди. Улар Муҳалладнинг ёмон ниятда келганини сезиб, уни кузатиб турдилар. Муҳаллад ҳийла ишлатиб, уларни тарк этгандек кўрсатди. У қалъадан узоқлашганда, турклар қалъадан чиқдилар. Шунда араблар қайтиб келиб, уларга ҳужум қилдилар ва кўп одамларни ўлдирдилар, қолганлари эса шаҳар ичига қочдилар. Араблар шаҳарга кириб, уларнинг ҳамма мол-мулкларини тортиб олдилар, шаҳар ичида кўзга кўринган ҳамма нарсаларни олиб кетдилар, кўп одамларни асирга олдилар, катта ўлжа қўлга киритдилар. Шаҳар подшоҳи ат-Тархон ўлдирилди, унинг хотини эса асирга олинди. Муҳаллад унга туркча гапириб, “Менинг шерикларимдан хоҳлаганингни танла”, – деди. У Муҳаммад ибн ал-Муҳаллабни танлади. Муҳаллад қўлга киритилган мол-мулклар ва ўлжани олиб отаси Йазид ибн ал-Муҳаллабга олиб борди [Ibn A‘tham VII: 282 – 283].

5. Уструшана пойтахтида ҳам бутпарастларнинг ибодатхонаси (*бутхона*) бўлиб, ислом даврида у масжидга айлантирилган [at-Tabari III: 1310 – 1312; Смирнова 1969: 70 – 72]. Қутайба ибн Муслим Пайканд шахрини фатҳ этганда, у ердаги бутпарастларнинг ибодатхонасида (*бутхона*) кумушдан ясалган санамни қўлга киритган [Наршахий: 45]. Қутайба ибн Муслим Самарқандни фатҳ этганда у ердаги ибодатхонадан санамларни чиқариб, уларни ёқиб юборди. Улар ёниб бўлганда, кул ичидан 50 минг *миққол* олтин ва кумуш михлар топилган [at-Tabari II: 1246].

6. Жаҳм ибн Заҳр ал-Жу‘фийнинг ал-Буттамга қилган юриши ҳақида ҳам бошқа манбаларда маълумот келтирилмаган. Маҳаллий аҳоли қайси араб лашкарбошиси билан сулҳ тузган бўлса, унинг ҳимояси остида ҳисобланган.

## XXIX

### Журжоннинг фатҳ этилиши

1. Ушбу парча Йазид ибн Муҳаллаб билан боғлиқ бўлгани учун матннинг бошқа қисмидан олиниб, бу ерга киритилди.

2. ‘Аббос ибн Ҳишом ал-Калбий – араб тарихчиси ва ҳадис ровийси [Ибн Халликон VI: 82]. У машҳур араб тарихчиси, насл-насаблар ва тарих билимдони, ҳадис ровийси Абу-л-Мунзир Ҳишом ибн Муҳаммад ибн ас-Со‘иб ибн Бишр ал-Калбий (204/219-20 ёки 206/821-22 йилда вафот этган) нинг ўғли бўлган. У арабларнинг *бану калб* қабиласидан етишиб чиққан бўлиб, асли ал-Куфадан бўлган [Jасut II: 522, 523; III: 46]. Унинг бобоси Муҳаммад ибн ас-Со‘иб ал-Калбий (146/763-64 йилда вафот этган) ҳам насабшунос олим ва ҳадис ровийси бўлган [Atallah 1978: 494 – 496]. Улар ҳақида XXVII, 9-изоҳга қаранг.

3. Абу Михнаф Лут ибн Йаҳйо ибн Са‘ид ибн Михнаф ибн Сулайм ал-Аздий ал-Ғомидий (157/773-74 йилда вафот этган) – ал-Куфалик машҳур тарихчи олим ва ровий. Унинг Михнаф исмли аждоди Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири, ал-Ироқдаги *ал-азд* қабиласининг бошлиғи ва ‘Али ибн Абу Толибнинг тарафдорлари бўлган. Ибн ан-Надимнинг “ал-Фихрист” асарида келтирилган маълумотга кўра, у 34 та асар ёзиб қолдирган. Хусусан, унинг “Футуҳ аш-Шом”, “ар-Ридда”, “Футуҳ ал-‘Ироқ”, “ал-Жамал”, “Сиффин”, “ан-Наҳравон”, “ал-Азориқа”, “ал-Хавориж ва-л-Муҳаллаб”, “Мақтал ‘Али”, “аш-Шурий”, “Мақтал ‘Усмон”, “Мақтал ал-Хусайн”, “Мус‘аб ибн аз-Зубайр ва-л-‘Ироқ” ва “Ахбор ал-Мухтор ибн Абу ‘Абд ас-Сақафий”, “Китоб Йазид ибн ал-Муҳаллаб ва мақталиҳи би-л-‘Ақр” номли асарлари шулар жумласидандир [Ibn an-Nadim I: 93; Ибн ан-Надим: 105 – 106]. Ундан кейинги асрларда яшаган ислом тарихчилари, хусусан, ал-Балозурий ва ат-Табарий ҳам унинг асарларидан кенг фойдаланганлар [al-Ja‘kubi II: 486; at-Tabari I: 1799, 1810, 1815, 1837, 1843, 1888 –

1890, 1906, 2018, 2020, 2377, 2776, 2886, 3069, 3233; Macoudi V: 118; Ибн А‘сам II: 269, 289; IV: 322; Jacut I: 173, 509, 890; II: 335, 895; Ибн Халликон IV: 398; VII: 110]. У хақида яна қаранг: аз-Зириклий VI: 110 – 111; Gibb 1960: 140; Dehkhoda I: 884.

4. Сул ат-Туркий (صول التركي) – Манбаларга кўра, 18/639 йилда Хуросондаги Журжон (форс. Гургон) ва Дихистон (форс. Дехистон) да Сул исмли турк подшоҳи ҳукм сурган. У Сосонийларнинг юксак *марзбон* унвонига эга бўлиб, унга бу унвон отасидан мерос бўлиб қолган [at-Tabari I: 2657 – 2659; ас-Саҳмий: 5 – 6; Jacut II: 51]. 98/716-17 йилда Журжон *марзбони*, яъни ҳукмдори Феруз ибн Қул, Дихистон ҳукмдори эса Сул исмли бир деҳқон бўлиб, улар ўзаро душман бўлганлар. Араб лашкарбошиси Йазид ибн ал-Муҳаллаб уларнинг ўзаро низосидан фойдаланиб, бу иккала вилоятни босиб олди ва у ерда 14 минг, бошқа маълумотга кўра, 40 минг турк аскарларини қатл қилди [at-Tabari II: 1316 – 1222]. Гардизийга кўра, Йазид ибн ал-Муҳаллаб бу вилоятларни қўлга киритгандан кейин халифа Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик (96 – 99/715 – 718 йилларда ҳукм сурган) га мактуб ёзиб, шундай деди: “Бу вилоятни Шопур Зу-л-актоф (شاپور ذوالاكتاف) – “Елкали Шопур”, яъни Шопур II (309 – 379 йилларда ҳукм сурган) давридани бери ҳеч ким қўлга олмаган эди. Хусрав ибн Хурмуз, яъни Хусрав II Парвиз (590 – 628 йилларда ҳукм сурган), халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб (13 – 23/634 – 644 йилларда ҳукм сурган) ва бошқалар уни қўлга олишга ҳаракат қилганлар, лекин бунинг уддасидан чиқа олмаганлар. Ҳеч кимнинг қўли унга етмаган. Мана энди у *амир ал-му‘минин* учун фатҳ этилди” [Гардизи: 33]. Абу-л-Фараж ал-Исфажонийга кўра, турклар Журжонни қўлга олганларидан кейин форсларнинг тили ва динини қабул қилдилар. VII асрда уларнинг Сул ва Феруз исмли бошлиқлари арабларга қарши кураш олиб борганлар [ал-Исфажоний IX: 21]. Абу Са‘д ас-Сам‘оний ўзининг “Китоб ал-ансоб” (“Насаблар китоби”) да ёзишича, “ас-Сулий” *нисбаси* Сул исмли аждоднинг исмидан ясалган бўлиб, исломдан олдин у Журжон подшоҳларидан бири бўлган. Унинг Феруз исмли укаси ҳам Журжонда ҳукм сурган. Уларнинг иккаласи ҳам турк бўлиб, зардуштийлик динига эътиқод қилганлар. Уларнинг кўринишлари ҳам форсларникига ўхшаб кетган. Йазид ибн ал-Муҳаллаб Журжонга келганда, уларга омонлик ваъда қилиб, вилоятни ўз қўлига олди. Сул унинг ёрдамида ислом динини қабул қилди ва у билан бирга қолиб, “ярадорлар куни” (*йаум ал-‘ақр*), яъни 102/720-21 йилда жангда ҳалок бўлди [ас-Сам‘оний VIII: 110]. Абу-л-Қосим Ҳамза ибн Йусуф ас-Саҳмий (XI аср) “Та‘рих Журжон” (“Журжон тарихи”) да келтирган маълумотга кўра, Йазид 102/720-21 йил *сафар* ойининг 12 кечаси ўтгандан кейин жума куни қатл этилган [ас-Саҳмий: 10]. Ибн Халликон келтирган маълумотга кўра, Сул туркий *такин* (تكين), яъни *тегин* унвонига эга бўлган ва Журжон вилоятига қарашли Жул (جول), яъни Чул номли қишлоқдан келиб чиққан [Ибн Халликон I: 9 – 11]. Гардизийга кўра, Сул бутун Гургон

(Журжон) вилоятининг ҳукмдори бўлган. Ўз ерларини Йазид ибн ал-Муҳаллабга топширгандан кейин у аввал аш-Шом (Сурия) га халифа Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик ҳузурига, у ердан эса ал-Мадинага бориб, Муҳаммад пайғамбарнинг мақбараси устида ислом динини қабул қилди. Кейин у Йазиднинг олдига қайтиб келиб, арабларнинг фатҳ урушларида иштирок этди ва Маслама ибн ‘Абд ал-Малик даврида қатл этилди [Гардизи: 33].

Шундай қилиб, манбалардаги маълумотлардан аён бўладики, 18/639 йилда Гургон (Журжон) вилоятида Сул исмли туркий ҳукмдор ҳукм сурган Унинг унвони *марзбон* бўлиб, бу унвон унга отасидан мерос бўлиб қолган. Унинг қўл остида Дихистон қалъаси ва денгиздаги ал-Буҳайра номли орол ҳам бўлган. Сулнинг вафотидан кейин ҳокимият ва *марзбон* унвони унинг Қул ёки Сул исмли ўғлига, кейин эса Феруз ибн Қул (Сул) исмли набирасига ўтиб, у 98/716-17 йилгача ҳукм сурган. Дихистон ҳукмдори Сул-тегин, афтидан, Ферузнинг укаси бўлиб, маҳаллий маъмуриятда иккинчи даражали *деҳқон* унвонига эга бўлган. Ундан ташқари унинг туркий *тегин* унвони ҳам бўлган. Феруз Йазид ибн ал-Муҳаллабга Сул-тегинга қарши курашда ёрдам берган. Берунийга кўра, Сул – Дихистоннинг исломдан олдинги ҳукмдорларининг унвони бўлган [Бируни 1957: 112]. Ибн Хурдодбехга кўра, Сул исми аслида Гургон ҳукмдорларининг унвони, яъни сулолавий исми бўлган [Ibn Khordadbeh: 40]. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2006: 30 – 36; 2011: 442 – 443.

Сул-тегиннинг вафотидан кейин унинг авлодлари ислом динини қабул қилиб, араблар билан фаол ҳамкорлик қилишни давом этдирдилар. Кейинчалик уларнинг баъзилари нафақат Хуросон ва Мовароуннаҳрда, балки Бағдодда ва Араб халифалигининг марказий шаҳарларидаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаганлар. IX – X асрларда унинг авлодлари асосан сарой котибларининг девонларига бошчилик қилганлар ва давлатнинг бошқарув тизими ва маъмуриятида масъул лавозимларни эгаллаганлар [ас-Сам‘оний VIII: 110]. XI асрнинг ўрталарида унинг кўп авлодлари Гургон (Журжон) да яшаганлар [Гардизи: 33]. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2004: 299 – 311; Dehkhoda: X: 15101.

5. Жилон (جیلان) ёки ал-Жил (الجیل) – Табаристон чегарасида Сафид-руд дарёсининг Каспий денгизига қуйилиш ерида жойлашган вилоят [Ibn al-Fakih: 162, 282, 285, 287, 301, 303, 304; al-Istakhri: 204, 205, 217, 218, 228; Ibn Naukal: 383, 386, 389; al-Moqaddasi: 28, 51, 61, 355, 360, 368; ас-Сам‘оний III: 415; Jacut I: 173, 548, 631, 811, 812; II: 179, 873; III: 504; IV: 276, 316, 333]. Форс тилидаги ва айрим араб тилидаги манбаларда унинг номи Гилон (گیلان) шаклида келтирилган [Худуд ал-‘Алем: 3а, 6б, 7а, 11а, 30б, 31а, 32а; Байхаки: 513, 559; Бируни 1957: 52]. IX асрда Табаристон, Жилон ва Бадашваржар ҳукмдори Жил Жилон Хуросон деб аталган [Ибн Хордадбех: 106]. Илк ўрта асрларда Каспий денгизи ҳам Баҳр Жилон (بحر جیلان) – “Жилон денгизи” деб аталган [Ибн Хордадбех: 109]. Бу тарихий вилоят-

нинг номи қадимда унинг худудида яшаган *гел* (Gelae, Γῆλαι) халқининг номи билан боғлиқ. Унинг таркибига ад-Дайлам (الديلم) тоғли ўлкаси ҳам кирган. Жилон ўлкаси текислик ва тоғлардан иборат бўлган. Денгиз соҳилидаги текисликда *гел* (الجيل) номли халқ, тоғларда эса *ад-дайлам* (الديلم) халқи яшаган [Бартольд 1971: 215 – 225]. У ҳақида яна қаранг: Spuler 1965: 1111 – 1112; de Meynard 1861: 187 – 188; Dehkhoda: XIII: 19483 – 19484.

6. Сорийа (ساربية) – IX – X асрларда Табаристон (Мозандарон) вилоятининг асосий шаҳарлардан бири [Ибн Хордадбех: 106; Ibn al-Fakih: 302 – 304, 306, 310, 312; Ibn Rosteh: 149, 150; al-Istakhri: 205 – 207, 211, 216, 217; Ibn Naukal: 377, 378, 381, 384; al-Moqaddasi: 51, 355, 359, 372, 373; Беруни 1973: 465]. XII асрда у *балда* (بلدة) – “шаҳарча” сифатида қайд этилган [ас-Сам‘оний VII: 7; Jacut III: 10; Ibn al-Athir VIII: 48 – 49]. Форс тилидаги манбаларда унинг асл номи Сори (ساري) шаклида келтирилган [Худуд ал-‘Алем: 30а; Байхаки: 546, 555, 338, 559, 566, 672]. Сорийа номи эса фақат араб манбаларида учрайди. У Тажан (تجن) дарёсининг ҳавзасида жойлашган [Худуд ал-‘Алем: 30б]. IX асрда Хуросон волийлари Тоҳирийлар даврида маҳаллий ‘Алавийлар сулоласининг қароргоҳи Омулдан Сорига кўчирилган. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 215 – 225; Bosworth 1997: 54; de Meynard 1861: 295; Dehkhoda: IX: 13250 – 13252.

7. Дихистон (دهستان) – Хуросондаги Гургон вилоятида жойлашган қалъа ва шаҳар [Ибн Хордадбех: 67, 106; Ibn al-Fakih: 303; Худуд ал-‘Алем: 5б, 12б, 29б; Беруни 1973: 465; Jacut II: 633]. Ўрта форс (пахлавий) тилидаги манбаларга кўра, Ашконий (Аршакий) лар сулоласининг ҳукмдори Нарсе Гургонда Даҳистон номли шаҳар қурдирган [Markwart 1931: 12]. Дихистоннинг исломдан олдинги ҳукмдорлари Сул деб аталган [Бируни 1957: 112]. Ас-Сам‘оний маълумотига кўра, Дихистон дастлаб работ (رباط) бўлиб, уни Хуросон амири ‘Абдуллоҳ ибн Тоҳир (215 – 230/830 – 844 йилларда ҳукм сурган) қурдирган [ас-Сам‘оний V: 378]. У чўл ёқасида жойлашган бўлиб, ғуз туркларининг чегараси ҳисобланган. Работ қалъа девори билан ўралган, унинг 3 та дарвозаси бўлган. X асрда унинг ичида бир нечта масжид бўлган. Жоме‘ масжиди работдан ташқарида жойлашган, унинг устунлари ва минораси ёғочдан ясалган [al-Istakhri: 207, 214, 219, 226, 246; Ibn Naukal: 383, 398; al-Moqaddasi: 24, 356 – 358]. Бу работнинг харобалари Туркманистоннинг жануби-ғарбида Эроннинг Хуросон вилоятига қарашли Гургон туманининг чегарасидаги Месториан қишлоғининг ёнида Атрек дарёсининг бўйида жойлашган бўлиб, Машҳади-Мисриён деб аталади [Массон 1951: 46; Пугаченкова 1951: 192 – 252; Атагарриев 1986: 10 – 12]. X асрда Дихистон атрофларида 24 та қишлоқ бўлган [al-Moqaddasi: 356]. XII асрда улардан фақат 6 таси қайд этилган [ас-Сам‘оний I: 96; II: 147; V: 75; IX: 278; al-Sam‘ani: 572V, 587R; Jacut I: 59, 500; II: 418, 633; III: 504, 866, 880; IV: 949]. Каспий денгизининг бўйида Обаскун шаҳридан 50 *фарсах* масофада ҳам Дихистон номли бир қишлоқ бўлган. Унинг ёнида сув жуда

чукур бўлиб, очик денгиздан тўсиқ ерда жойлашган. Шунинг учун денгизда бўрон кўтарилганда, кемалар бу ерга беркиниб, бўрон тугагунча шу ерда тўхтаб турган [Ibn Naukal: 388]. Ўрта асрларда Бозғис ва Кирмон вилоятларида ҳам Дихистон (دهستان) номли шаҳарлар бўлган [al-Istakhri: 268; Ibn Naukal: 440; al-Moqaddasi: 24, 50, 298, 308]. Бу ҳақида яна қаранг: Le Strange 1905: 376; Бартольд 1965: 121 – 126; Spuler 1965: 253; de Meynard 1861: 246; Dehkhoda: VIII: 11309 – 11310.

8. *ал-мисрайн* (المصريين) – араб., иккала шаҳар, яъни ал-Басра ва ал-Куфа шаҳарлари. Бу ҳақида X, 4-изоҳга қаранг.

9. 97/715-16 ёки 98/716-17 йилда Ўазид 30 минг аскарлик катта қўшин билан Журжон ва Табаристондаги туркларга қарши юриш қилди. Журжонда катта шаҳар йўқ эди, унинг атрофлари тоғлардан иборат эди. Журжон подшоҳининг исми Сул эди. У денгиздаги ал-Буҳайра номли оролга қочиб, беркинди. Ўазид Сулни бир неча ой давомида қамал қилди, лекин уни куч билан қўлга ола олмади ва у билан сулҳ тузди. Сулҳ шартларига кўра, Сул унга 5 йил давомида ҳаммаси бўлиб 500 минг дирҳам миқдорда ўлпон бериши лозим эди. Журжон аҳли унга пул ўрнига матолар, кийимлар ва 1000 бош қул юбордилар. Кейин Ўазид Табаристонга кетди. Шу вақт Журжон аҳли ал-Марузон исмли ҳукмдор бошчилигида арабларга қарши бош кўтардилар. Ўазид Журжонга қайтиб келиб, улар билан бир неча ой жанг қилди. Кейин турклар унга таслим бўлдилар ва ўзларини унинг ҳукмига топширдилар. Ўазид уларни ўлдириб, болаларини қул қилиб олиб кетди, жасадларини эса 2 *фарсах* давомида салб қилди. Ўазид Журжон аҳлидан ҳаммаси бўлиб 12 ёки 14 минг, бошқа маълумотга кўра, 40 минг кишини ўлдирди. Улардан яна 6 минг кишини қул қилиб сотди [Халифа ибн Хаййот: 85; ал-Ўа‘қубий II: 311; at-Tabari II: 1317 – 1333; Ibn A‘tham VII: 286 – 296; el-Ma‘qdisi VI: 42 – 43; ас-Саҳмий: 9; Гардизи: 33].

10. Журжон (جرجان) – Каспий денгизининг жануби-шарқий соҳилида, Атрек дарёсининг водийсида жойлашган шаҳар ва вилоят. Фарбда Табаристон, жанубда ва шарқда эса Хуросон билан чегарадош бўлган. Қадимги юнон манбаларида бу вилоят Гиркания деб аталган [Древние авторы: 33, 143]. Арман тилидаги манбаларга кўра, шаҳаншоҳ Хусрав I Ануширвон (531 – 578 йилларда ҳукм сурган) даврида “Веркан ери” (яъни Гургон) ва Сагастон (Систон) “Туркастан” (яъни Туркистон) мамлакатига қарашли бўлган [Тер-Мкртичян 1985: 50, 51, 53]. Ўрта форс (пахлавий) тилидаги манбаларда унинг номи Gurgān [Markwart 1931: 12], форс тилидаги манбаларда эса Гургон (گرجان) шаклида келтирилган [Худуд ал-‘Алем: 3а, 7а, 11а, 19аб, 29б, 30а; Сиасет-намэ: 223, 224; Байхаки: 87, 155, 202, 205, 209, 235]. Ривоятга кўра, бу шаҳарнинг номи унга асос солган Журжон ибн Ловуд (Ловуз) ибн Сом ибн Нухнинг исми билан боғлиқ бўлган [ас-Саҳмий: 4]. Гургон номи форсча *гург* – “бўри” сўзининг кўплик шакли бўлиши ҳам

мумкин. Маълумки, қадимда бўри туркий халқларнинг асосий тотемларидан бири бўлиб, муқаддас ҳайвон ҳисобланган [Логашова 1978: 77].

Сосонийлар даврида Гургон кўчманчилар билан чегарада жойлашган қалъа сифатида муҳим стратегик аҳамиятга бўлган. Шунинг учун унинг ҳукмдорлари *марзбон* – “чегара посбони” унвонига эга бўлганлар. Берунийга кўра, Гургоннинг исломдан олдинги ҳукмдорлари *аноҳбад* (اناهبذ) деб аталган [Бируни 1957: 112]. Лекин аслида бу сўз *исбоҳбад* (اصباهبذ) – *испахбад* унвонининг хато ёзилган шакли бўлиши мумкин [Bosworth 1978: 207]. Сосонийлар даврида Гургонда Шаҳристон-и Йаздагирд ва Шаҳр-и Пероз номли қалъалар қурилган [Markwart 1931: 51, 56].

IX асрда Гургон (Журжон) вилоятига Номийа (نامية), Дихистон (دهستان) ва Важола (وجاله) ёки Важоҳ (وجاه) номли шаҳарлар қарашли бўлган [Ибн Хордадбех: 67]. Ҷўрта асрларда Гургон (Журжон) вилоятининг таркибига Мозандарон вилоятининг чегарасида жойлашган Астробод (استراباد) шаҳри ҳам киритилган [al-Jakubi: 277; Ibn al-Fakih: 53, 162, 165, 199, 206, 210, 217, 254, 302 – 304; Ibn Rosteh: 97; Худуд ал-‘Алем: 296; al-Istakhri: 206, 207, 213, 217; Ibn Naukal: 384, 389; al-Moqaddasi: 25, 51, 354, 358, 372, 373]. Унинг номи Асторобод (استاراباد) ёки Ситоробод (ستاراباد) шаклларида ҳам ишлатилган [Байхаки: 206, 547, 555, 556, 558, 671, 672; ас-Сам‘оний I: 214]. Берунийга кўра, Журжон вилоятига Абаскун, Астробод, Журжон ва Дихистон шаҳарлари кирган [Беруни 1973: 465].

X асрда Журжон катта шаҳар бўлиб, бинолари пахсадан қурилган. Шаҳар икки қисмдан иборат бўлиб, унинг ўртасидан катта дарё оқиб ўтган. Шаҳарнинг шарқий қисми Журжон, ғарбий қисми эса Бакробод деб аталган. Унинг иккала қисмини кўприк боғлаб турган. Табаристон денгизи бўйида Журжоннинг порти жойлашган бўлиб, Обаскун (أبسكون) деб аталган. Журжон вилояти чўл билан туташ бўлиб, шаҳарга у ерлардан турклар келиб турган. Журжон вилоятида тоғлар ҳам кўп бўлиб, уларда 1000 га яқин қалъалар бўлган. X – XI аср бошларида Гургон Зиёрийлар сулоласининг пойтахти бўлган ва гоҳ Сомонийлар, гоҳ Бувайҳийлар қўлига ўтган [al-Istakhri: 207, 212, 213, 216, 217; Ibn Naukal: 382 – 385]. У ҳақида яна қаранг: al-Moqaddasi: 26, 33, 36, 60, 61, 258, 259, 337, 353, 354, 365, 367, 370 – 373; Jacut II: 48 – 54; Ибн ал-Асир VI: 84, 103, 147, VII: 115, 147, 182, 209. Ҳозирги вақтда ҳам Эроннинг Хуросон вилоятидаги Астробод туманида Горгон номли шаҳар бор [Le Strange 1905: 376; Бартольд 1965: 122 – 123]. Унинг аҳолиси 1,5 млн. кишидан иборат бўлиб [Атаев 1992: 19 – 21], уларнинг кўпчилигини ўтроқлашган ва ярим кўчманчи туркманлар ташкил этади [Логашова 1984: 151]. Бу туркманлар Эронга XI асрда ва ундан кейин кўчиб борган туркманлардан катта фарқ қилиб [Савина 1969: 167], уларнинг асосий машғулоти чорвачилик эмас, балки пахта, тамаки ва ўсимлик ёғи етиштириш, яъни деҳқончилик бўлган. Бу эса уларнинг ажодлари бу ерларга қадим замонларда, эҳтимол, илк ўрта асрларда ёки ундан ҳам ол-

дин келиб ўрнашганлиги ва ўтроқлашганлигидан далолат беради [Камолдин 2006: 30 – 36; 2011: 442 – 443]. Гургон ҳақида яна қаранг: Hartmann, Boyle 1965: 1141; de Meynard 1861: 154 – 157; Dehkhoda: XII: 19082 – 19084.

11. Абу Ахиха Са‘ид ибн ал-‘Ос ибн Умаййа – Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири, араб лашкарбошиси, ат-Табарийга кўра, 30/650-51 йилда у Табаристонда фатҳ урушлари олиб борган. ‘Усмон ибн ‘Аффон (23 – 35/644 – 656 йилларда ҳукм сурган) даврида у ал-Куфа волийси этиб тайинланган [al-Jakubi: 295; al-Ja‘kubi II: 152, 190, 192, 207, 267, 283, 284; at-Tabari I: 2836 2840; II: 163]. Кейин у ал-Мадина шахрида яшаган ва “‘Усмон мусҳафи” (مصحف عثمان), яъни халифа ‘Усмон даврида қоғозга туширилган Қур’они Каримнинг илк 4 нусхаларидан бирини ўз қўли билан ёзган. 35/655-56 йилда халифа ‘Усмон қатл этилгандан кейин у Маккага кўчиб ўтиб, халифа ‘Али ибн Абу Толиб (35 – 40/656 – 661 йилларда ҳукм сурган) нинг тарафдорларидан бири бўлган, Му‘овийага қарши олиб борилган жангларда қатнашган. Му‘овийа I (41 – 60/661 – 680 йилларда ҳукм сурган) халифа бўлганда, уни ал-Мадинага волий этиб тайинлади ва у умрининг охиригача шу лавозимни эгаллади. У 53/672-73 ёки 59/678-79 йилда ал-Мадинада вафот этди [Ibn Saad V: 19 – 24; Macoudi IV: 261 – 265, 296, 297; V: 19, 49, 52, 53; IX: 57, 58; Ибн А‘сам I: 162; II: 341, 382 – 401, 407, 422, 426, 438, 442, 443, 540; II: 67, 87, 102; IV: 320, 329, 330; V: 67; VII: 189, 191; Бируни 1957: 144; Ибн Халликон II: 66, 472, 535; V: 281; VI: 93, 108; Ибн Халдун II: 581 – 582]. 71/690-91 йилда ал-Басрада масъул лавозимни эгаллаган Са‘ид ибн ал-‘Ос исмли бир амалдор шахс қайд этилган [at-Tabari II: 817]. Бизнингча, ал-Басрадаги бу амалдор ал-Мадина волийси Са‘ид ибн ал-‘Осинг ўғли бўлган. Айнан шу шахс Йазид ибн ал-Муҳаллаб билан бирга Журжонни иккинчи марта фатҳ этишда иштирок этган. 98/716-17 йилда Журжонда Са‘ид ибн ал-‘Ос ибн Са‘ид ибн ал-‘Осий ибн Умаййа ал-Қураший ал-Умавий исмли шахс фатҳ урушлари олиб борган [at-Tabari I: 1261, 1322 – 1323, 1347, 1779, 1997; III: 2534; Jacut III: 665; IV: 88, 475]. Бу ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий III: 149; Bosworth 1995: 853.

12. *ал-итова* (الاتوة) – араб., “ўлпон”, “солиқ”, “тўлов”.

13. ал-Жазира (الجزيرة) – араб., “орол” ёки “яриморол” демакдир. Ўрта асрларда Шимолий Месопотамия (ал-‘Ироқ) даги Дийор Бакр (ديار بكر) вилоятининг ал-Мавсил, Синжор, Ҳаррон, ар-Риққа, Ра‘с ал-‘Айн, Омид ва Мийофоркин каби бир нечта шаҳарларини ўз ичига олувчи ҳудуднинг умумий номи. Бу шаҳарларнинг ҳаммаси ад-Дажла ва ал-Фрот дарёлари оралигида жойлашгани учун шундай деб аталган. Ундан ташқари Жазират Ибн ‘Умар (جزيرة ابن عمر) номли шаҳар ҳам ал-Жазира деб аталган [ас-Сам‘оний III: 248; Jacut II: 81]. Берунийга кўра, ал-Жазира вилоятига Ҳаррон, ар-Руҳа, Болис, Жазират Бани ‘Умар, ‘Айн Варада (Ра‘с ал-‘Айн), Кафартуса, Омид, Доронинг шахри, Майфарқад, яъни Майофорикин, Насибин, Балад,



ал-Ҳадиса, Суруж, ар-Рафиқа, ар-Раққа ва Тадмур номли шаҳарлар қарашли бўлган [Беруни 1973: 462 – 463]. Бу вилоят ғарбда аш-Шом (Сурия), шимоли-ғарбда Месопотамиянинг *ас-сузур* (чегара) ерлари, шимол ва шимоли-шарқда Арманистон, шарқда Озарбайжон, жанубда эса ал-‘Ироқ билан чегарадош бўлиб, 3 қисм (*кура*) га бўлинган – унинг шарқдаги қисми Дийор Раби‘а, ғарбдаги қисми Дийор Мудар, шимолдаги қисми эса Дийор Бақр деб аталган. Уларнинг номлари шу ерларда исломга қадар ва илк ислом даврида яшаган араб қабилаларининг номлари билан боғлиқ бўлган. Араблар бу ерларда қадимдан яшаб келган бўлиб, форслар у ерни Арвастон, орабийлар эса Бет Арабайа, яъни арабларнинг юрти деб атаганлар. Халифа Му‘овийа (41 – 60/661 – 680 йилларда ҳукм сурган) даврида ал-Ҳазира аш-Шом (Сурия) га қўшилиб, у билан бир маъмурий бирликни ташкил этган [Ibn al-Fakih: 128 – 136]. У ҳақида яна қаранг: Canard 1965: 523 – 524; Большаков 1984: 28, 37, 39, 41, 55 – 57, 61, 67, 233; 1989: 223; 2010: 15, 45, 46, 56, 62, 70, 92, 168, 332; Dekhoda: V: 7731 – 7732.

14. Матнда: *حائط من آخر* – бу ерда *آخر* сўзининг ўрнига *أجر* – араб. “ғишт” бўлиши керак. Шунда бу жумла “пишиқ ғиштдан қурилган девор”, яъни мудофаа девори маъносини билдиради.

15. Бу ерда Сосонийлар даврида кўчманчи туркларнинг Гургон воҳасига бостириб киришига қарши қурилган мудофаа девори назарда тутилган [Kodama: 261 – 262]. Бу девор Журжондан шимолда Х<sup>в</sup>оразм томонда 4 кунлик йўл масофада Дихистон номли қишлоқнинг ёнида қурилган [al-Istakhri: 214; Ibn Naukal: 388]. “Худуд ал-олам” да Дихистонон Сур (دهستانان سور) номли орол ёки яриморол қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 56; Hudud al-‘Alam: 60, 193, 386]. Бу номнинг иккинчи қисми арабча *сур* (سور) – “мудофаа девори” сўзидан иборат. Демак, мудофаа деворининг бир тарафи шу ергача чўзилиб, денгизга кириб кетган. Бу деворнинг қолдиқлари ҳозир ҳам Гургон дарёсининг ўнг соҳилида сақланган бўлиб, Қизил Алан деб аталади [Бартольд 1968: 583]. Гургонда сиёсий ҳокимият туркларнинг қўлига ўтгандан кейин Табаристон билан Гургон чегарасида шаҳаншоҳ Хусрав I Ануширвон даврида пишиқ ғиштдан яна бир девор қурилган [Ibn Rosteh 150]. Бу деворнинг дарвозаси Тамис ёки Тамиша шаҳрининг ёнида жойлашган [Беруни 1973: 465]. Хусрав I Ануширвон Кавказ тоғларида туркларга қарши Боб ал-Авоб (Дарбанд) қалъаси, шунингдек узунлиги 40 *фарсах* бўлган мудофаа девори қурдириб, уни кўриқлаш учун унинг ҳар бир дарвозаси ёнига *хазарлар*, *аланлар*, туркларнинг турли қавмлари ва *ас-сарир* (السرير) номли қабилаларни жойлаштирди [Macoudi II: 2].

*ас-Саҳмий*нинг “Журжон тарихи” да келтирилган маълумотга кўра, Йазид ибн ал-Муҳаллаб Журжонда мудофаа девори (سور) ни қурдирган [ас-Саҳмий: 9, 16]. Бу маълумотда сўз Сосонийлар давридан қолган мудофаа деворининг таъмирланиши ҳақида кетган бўлса керак. Ўрта Осиёда ўтроқ ва кўчманчи аҳоли қадимдан ёнма-ён яшаб келган ва улар ўртасида ўзаро

савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар доимий равишда ривожланиб келган. Кўчманчилар шаҳар аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан, ўт-роқ аҳолиси эса кўчманчиларни деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлашган. Шунинг учун улар ўртасида мудофаа деворлари қуришга эҳтиёж бўлмаган [Виноградова, Кузьмина 1986: 148 – 149; Крадин 2000: 5 – 16]. Фақат ташқи босқинчилар, хусусан, Ўрта Осиё ерларини босиб олган қадимги форслар (Аҳамонийлар), юнонлар, Сосонийлар ва ниҳоят ислом давридаги араблар ва форслар бундай деворларни қурганлар. Чунки уларнинг ҳокимияти асосан шаҳар ва қишлоқларнинг ҳудудлари билан чекланган. Улар узоқ вақтгача чўл ва даштларда яшаган маҳаллий кўчманчи қабилаларни тўлиқ бўйсиндира олмаганлар. Кўчманчилар шаҳарларга келиб ўрнашган босқинчиларга қарши доимий равишда ҳужумлар қилиб турганлар. Шунинг учун улар кўчманчиларга қарши улкан мудофаа деворлари, шаҳарларнинг атрофларига эса работлар ва қалъалар қуришга мажбур бўлганлар. Бу деворларни қуришдан яна бир мақсад маҳаллий ўтроқ аҳолининг кўчманчилар билан яқин алоқалар ўрнатиб, босқинчиларга қарши курашда бирлашишларига тўсқинлик қилиш эди [Мухамедов 1964: 16 – 21].

VIII асрнинг иккинчи ярмида араблар Ўрта Осиёнинг бир нечта ерларида мудофаа деворлари қурдирганлар. Хусусан, 776 йилда ‘Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ибн Саур исмли араб амири аш-Шош вилоятида Софлиғ номли тоғдан бошлаб аш-Шош дарёсигача ал-Қалос дашти бўйлаб чўзилган мудофаа деворини қурдирган [Ibn Naukal: 509, 523]. 161/782-83 йилда Хуросон амири Абу-л-‘Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон Бухоро воҳасини ўраб турувчи Канпирак девор номли мудофаа деворини қурдирган. Ундан кейин бўлган амирлар бу деворни таъмирлаш учун ҳар йили катта маблағлар сарфлаганлар ва бунинг юкини Бухоро аҳлига солиб келганлар. Фақат маҳаллий ҳукмдорлар оиласидан етишиб чиққан Исмо‘ил ибн Аҳмад амир бўлганда, бу ишларни тўхтатиб, “Мен тирик эканман, Бухоронинг девори ўзим бўлман”, деди. Шундан кейин у девор яроқсиз ҳолга келиб, аста-секин бузилиб кетди [Наршахий: 36]. Бу ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 123; Древние авторы: 66 – 67, 81; Зайончковский 1966: 197 – 198; Markwart 1931: 12; EI II: 1141.

16. Сул (ёки Саул) исми қадимда Марказий Осиё ва унга туташ ерларда яшаган турклар орасида кенг тарқалган. Хусусан, Ўрта форс (пахлавий) тилидаги манбаларга кўра, Эрон шоҳи Виштасп ўғли Спандийот Бахлга келганда, ўзининг душманларига дўқ-пўписа қилиб, мактублар ёзди. Улар орасида Чўл-Ҳоқон исмли подшоҳ ҳам бор эди [Markwart 1931: 10]. Шоҳпур ўғли Йаздкерт (Йаздагирд I) Комиш шаҳрига келганда, уни Чўл исмли ҳукмдорнинг отлик аскарларига қарши назорат пунктига айлантирди [Markwart 1931: 12]. “Царство Алибера” (“Алибер салтанати”) номли рус халқ эпосининг қаҳрамонларидан бири Саул Леонидович деб аталган бўлиб, бу

шахс туркий тиллардаги манбаларда қайд этилган хоқон Алп Эр Тонга [Кошғарий III: 163, 379], шунингдек араб ва форс тилларидаги манбаларда қайд этилган “туркларнинг подшоҳи” Афросийоб [at-Tabari I: 604; Фирдоуси I: 90; III: 60; IV: 239] билан бир шахс бўлиши мумкин. Юқорида зикр этилган Дихистон ҳукмдори Сул-тегиндан ташқари Қухистон подшоҳи ҳам Сул деб аталган [at-Tabari II: 1411]. Бодғис ҳукмдори Низак Тархоннинг амакисининг ўғли эса Сул Тархон деб аталган [at-Tabari II: 1221, 1223, 1227]. IX асрда ҳам Сул Эр-такин исмли туркий ҳукмдор қайд этилган [at-Tabari II: 1194, 1313]. Тўхористон аҳлининг Низак Тархон бошчилигида арабларга қарши кўтарган кўзғолонида Тўхористон жабғуси Сул Тархон [at-Tabari II: 1221] ва Форйоб *деҳқони* Тур-Сул иштирок этганлар [at-Tabari II: 1206, 1569]. 121/738-39 йилда араблар томонидан қатл этилган турк хоқонининг лашкарбошиси Кур-Сул (کور صول) деб аталган [at-Tabari II: 1421, 1523, 1524, 1689]. Демак, илк ўрта асрларда Сул (Чўл) исми турклар орасида кенг тарқалган.

Арман тилидаги манбаларга кўра, Аршакийлар (м.а. 250 й. – мил. 224 й.) ҳукмронлиги даврида Каспий денгизининг жанубий соҳилида Чул ёки Чур номли вилоят бўлиб, унинг шу номли бош шаҳри Самур дарёсидан жануброқда жойлашган [Тер-Мкртичян 1991: 104; Патканьян 1869: 69]. Ўрта асрларда Журжон вилоятида Жул (جول), яъни Чул ёки Чўл номли қишлоқ бўлиб, Сулийлар оиласи у ердан келиб чиққан [Ибн Халликон I: 9 – 11]. ат-Табарийга кўра, Хусрав I Ануширвон (531 – 578 йилларда ҳукм сурган) ҳукмронлиги даврида Сосонийлар сул (صول) номли қабила ерларини босиб олганлар. Форслар улардан ҳарбий санъатда моҳир бўлган 80 аскарни омон қолдириб, қолганларни қириб ташладилар. Кейинчалик бу қабиланинг омон қолган вакиллари Хусравнинг ҳарбий юришларида иштирок этдилар. Кавказ тоғларидаги Боб ал-Абвоб ёки Дарбанд қалъаси Боб Сул (باب صول) – Сул дарвозаси [at-Tabari I: 874, 894, 896], шунингдек Темир Қапу (تمور قپو) – Темир дарвоза деб ҳам аталган [Mustawfi of Qazwin: 180, 244]. Боб ал-Абвоб (ад-Дарбанд) шаҳрининг яқинида Сул (صول) номли қишлоқ бўлган [Jасut III: 435; de Meunard 1861: 372 – 373]. Арман тилидаги манбаларда Дарбанд яқинида хазарлар чегарасида Чол ёки Чор дарвозаси ва Чол номли қалъа ва шаҳар қайд этилган [Тер-Мкртичян 1979: 51; Патканьян 1869: 69]. Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, Сул (Чул) Гургон туркларининг қабилавий номи бўлиши ҳам мумкин [Togan 1981: 55]. Лекин матннинг бошқа ерида Сул исмли подшоҳ қайд этилган бўлиб, у Хусрав I Ануширвонга қарши юришга чиққан Синжибу-хоннинг иттифоқчиси бўлган [at-Tabari I 895]. Эҳтимол у Гургон ҳукмдори Сул-тегиннинг аждодларидан бири бўлган. Аслида Сул исми Гургон ва Дихистон ҳукмдорларининг унвони бўлган [Ibn Khordadbeh: 40; Бируни 1957: 112]. Сул ва Чул исмлари аслида туркий *чур* унвонининг арабча шаклидир [Бартольд 1968: 583]. Рус йилномаларида бу унвон Цулос шаклида қайд этилган [Бартольд

1968: 601]. Араб тилидаги манбаларда бу унвон *жур* (جور) шаклида қайд этилган бўлиб, кўп туркий исмларнинг таркибида учрайди. Бонижур, Бағжур, Биғжур, Амажур, Биғажур, Байжур ва бошқалар шулар жумласидандир. Ғарбий Турк хоқонлигининг олий ҳукмдори Тарду-каганнинг унвони Қора Чуриин бўлган [Наршахий: 16]. VII асрнинг охири – VIII асрнинг бошларида Панжикентда ҳукм сурган туркий ҳукмдорнинг исми Чакин Чур Билга бўлган [СДГМ II: 45 – 47, 51 – 52]. Шарқий Туркистонда монийлик динига эътиқод қилган турклар орасида ҳам Қара Чур (*qara-čor*) унвони кенг тарқалган бўлиб, унинг таркибидаги *чур* (*čor*) сўзи диний мартабани билдирган [Зуев 2002: 200 – 201]. Қадимги туркий *чур* ёки *чур* сўзи XX асрнинг бошларида ҳам ишлатилган бўлиб, “пахлавон” ёки “пахлавоннинг ўғли” маъносини билдиради [Будагов I: 74].

Бу маълумотлардан аён бўладики, Сул (Чул ёки Цул) исми *чур* унвонининг бир шакли бўлган. Эроннинг шимолий ҳудудларида яшовчи туркларнинг бир қисмида ҳозиргача “целовчи” лаҳжа сақланган. Гургон ҳукмдорларининг авлодлари ушбу унвонни авлоддан авлодга ўтказиб келганлар ва бориб-бориб у уруғ номи, яъни этнонимга айланган бўлиши мумкин. Туркий халқлар тарихида бундай ҳоллар учрайди. Масалан, Салжук авлодлари салжук турклари, Чигатойхонга қарашли ерларнинг аҳолиси чигатой турклари деб аталган, Ўзбекхонга қарашли ерларнинг авлодлари эса кейинчалик ўзбек халқининг номига айланган.

Илк ўрта асрларда *сул* туркларига тегишли ҳудудлар Каспий денгизининг жанубий соҳилида Элбурс тоғларидан шимолдаги ерларни ўз ичига олган. Ривоятга кўра, қадимда ўғузлар Дар-и Элбурсдан Хужанд чегарасига қадар ерларда яшаганлар [Шоҳ Ҳаким 1994: 79].

17. Матнда: *في بيضة العرب* – араб., сўзма-сўз: “арабларнинг тухумида”, яъни арабларнинг қоқ ўртасида. С.Волин таржимасида: “в яйце арабов” – “арабларнинг тухумида”, яъни араблар эгаллаган ерларнинг ўртасида [ал-Балазури 1939: 64, прим. 6]

18. ас-Син (الصين) – Хитой. У ҳақида XXXI, 6-изоҳга қаранг.

19. ал-Буҳайра (البحيرة) – араб тилида бу сўз “кўл” маъносини англатади; ат-Табарийга кўра, Диҳистондан 5 *фарсах* масофада Х<sup>в</sup>оразм тарафда денгиздаги орол шундай ном билан аталган [at-Tabari I: 2839; II: 1322 – 1323]. Лекин матн мазмунига кўра, бу ерда Каспий денгизининг бўйида, эҳтимол, Гассан-Қули ярим оролида жойлашган бир қалъа назарда тутилган. Аслида ал-Буҳайра номи мазкур ярим оролни денгиз билан боғловчи кўрфазнинг номи бўлган [Бартольд 1965: 122 – 123]. Бошқа ерларда ҳам ҳам шу номли ерлар қайд этилган [Jacut I: 517; Dehkhoda III: 4395 – 4396].

20. Табаристон (طبرستان) – Каспий денгизининг жанубий соҳилида денгиздан 3 *фарсах* масофада Элбурс тоғларидан шимолда Гилон билан Хурросон ўртасида жойлашган тоғли ўлка [al-Istakhri: 212, 216 – 219; Ibn Haukal: 386, 389; al-Moqaddasi: 33, 60, 259, 353, 354, 365, 367, 368, 370, 371].

Ғарбда у Гилон ва ад-Дайлам билан, шарқда эса Гургон билан чегарадош бўлган. Унинг ҳудудидан Тажан дарёси оқиб ўтган. XII асрдан бошлаб бу вилоят Мозандарон (مازندران) деб аталган. XI асрда ёзилган айрим манбаларда Табаристон ва Мозандарон икки турли вилоят сифатида ажратиб кўрсатилган [Сиасет-намэ: 208]. Табаристоннинг бош шаҳри Омул (أمل) деб аталган [ас-Сам‘оний I: 106]. Берунийга кўра, Табаристон вилоятига Омул шаҳридан ташқари Сорийа, Намиша ва Тамис ёки Тамиша номли шаҳарлар, шунингдек, Алхам, Турунжа ва Мамтир номли ерлар қарашли бўлган [Беруни 1973: 464 – 465]. Табаристоннинг исломдан олдинги ҳукмдорлари *испахбад* унвонига эга бўлганлар [Бируни 1957: 111]. IX асрда Табаристон, Жилон ва Бадашваржар ҳукмдори Жил Жилон Хуросон деб аталган [Ибн ал-Факих 1968: 36 – 39; Ибн ал-Факих 1979: 71; Ибн Хордадбех: 62, 106, 134; Ibn al-Fakih: 301 – 314; al-Jakubi: 276 – 277; Ibn Rosteh: 97, 149 – 151; at-Tabari I 2835 – 2837; II: 1317, 1320, 1322, 1324, 1327, 1330, 1696; Худуд ал-Алем: 3а, 4а, 7а, 11а, 29б – 30б; Jacut III, 501]. Баъзи маълумотларга кўра, унинг номи аслида Табаристон (تبرستان) бўлиб, “болталар юрти” маъносини англатади, чунки унинг аҳолиси урушда *табар* (تبر), яъни болталар билан жанг қилган. Араблар эса бу номни араблаштириб Табаристон (طبرستان) деб қабул қилганлар [ас-Сам‘оний VIII: 204; Jacut III: 501 – 507]. Лекин аслида бу вилоятнинг номи унинг ҳудудида қадимда яшаган *танур* (Τάνυροι ёки Τάλυροι) халқининг номи билан боғлиқ бўлган. Ктесий (м.а. V аср) га кўра, тапирлар май ичишга жуда ҳам берилган. Улар энг адолатли одамлар бўлганлар [Пьянков 1975: 111]. У ҳақида яна қаранг: Le Strange 1905: 368; Бартольд 1971: 215 – 225; EI X: 18; Vasmer, Bosworth 1991: 935 – 942; de Meunard 1861: 380 – 387; Dehkhoda: X: 15344 – 15348.

21. ал-Байосон (البيسان) ёки ал-Байсон (البيسان) – Табаристон ва Дихистон чегарасида жойлашган қишлоқ [at-Tabari II: 1323, 1327]. Ўрта асрларда турли ерларда Байсон (بيسان) номли қишлоқлар қайд этилган [Dehkhoda: IV: 5206].

22. Холид ибн Йазид ибн ал-Муҳаллаб – у ҳақида яна қаранг: at-Tabari II: 1328, 1332, 1389; Ибн А‘сам VII: 191, 195.

23. Абу ‘Уйайна ибн ал-Муҳаллаб – у ҳақида яна қаранг: at-Tabari II: 1215, 1320, 1328, 1363, 1413. ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг авлодлари ҳақида қаранг: Masoudi V: 454 – 458; VI: 264; Crone 1993: 358 – 360.

24. *ал-испахбад* (الاصهباد) – форс., *испахбад*, ўрта форс (пахлавий) *снах* – “қўшин” ва *пат* – “бошлиқ” сўзларидан ясалган унвон. Бу ҳарбий унвон Ахамонийлар даврида *spādhapati*, парфянлар даврида *spāhpat*, Сосонийлар даврида эса *asraharpet* шаклларида “бош қўмондон”, “лашкарбоши” маъносида кенг қўлланилган. Илк ислом даврида бу унвонга Эроннинг шимолий ҳудудларидаги айрим вилоятлар, шу жумладан Табаристоннинг ҳукмдорлари эга бўлганлар [at-Tabari I: 2836; II: 1320 – 1324, 1327, 1330; III: 119, 120; Бируни 1957: 111]. Сосонийлар давлатига кирмаган айрим вилоятлар-

нинг ҳукмдорлари ҳам бу унвонга эга бўлганлар. Масалан, Кобул вилояти-нинг ҳукмдори Кобулшоҳ *испахбад* деб аталган [Михайлова 1951: 16]. Бу ҳақида яна қаранг: Bosworth 1978: 207 – 208. Dehkhoda: II: 2704.

25. ал-Марузбон (المروزيان) – 18/639 йилда Журжонда Рузбон Сул (صول روزيان) исмли подшоҳ ҳукм сурган [at-Tabari I: 2657]. Бизнингча бу ердаги Рузбон ёки Марузбон сўзлари *марзбон* унвонининг бузилган шакллари дидир. ат-Табарийга кўра, тузилган сулҳни бузиб, арабларни ўлдирган марзбон Фируз ибн Қулнинг амакисининг ўғли эди [at-Tabari II: 1327].

26. ад-Дайлам (الديلم) – Каспий денгизининг жанубий соҳилида жойлашган Гилон (Жилон) вилоятининг тоғли қисми [Ibn al-Fakih: 192, 196, 209, 254, 258, 278 – 283; al-Jakubi: 234; Ibn Rosteh: 89, 97, 149 – 151; al-Istakhri: 8, 218; Ibn Naukal: 386, 389; ac-Сам‘оний V: 400; Jacut II: 712]. Қадимги юнон тарихчиси Полибийус (м.а. II аср) нинг асарида унинг номи Δελυμαϊοι, Птолемей (мил. I асрнинг охири) нинг географик асарида эса Δελυμαϊς шаклида қайд этилган. Қадимги Дайлам аҳолисининг тили форс тилидан фарқли бўлган [Бартольд 1971: 216 – 218]. ал-Мас‘удийга кўра, ад-Дайлам аҳли *ал-буржон* (البرجان) деб ҳам аталган [ал-Мас‘удий 1996: 101]. Берунийга кўра, ад-Дайлам вилоятига Каутам, Хаусам, Шалус, ар-Руйон, Натил, Калор ва Қал‘а-и Дайлам номли ерлар қарашли бўлган [Беруни 1973: 464]. Форслар уни Дайламон (ديلمان) деб атаганлар. Шаҳразурдан 9 *фарсах* масофада Дайламистон (ديلمستان) номли қишлоқ ҳам қайд этилган [Jacut II: 711]. У ҳақида яна қаранг: Mynorsky 1965: 189 – 194; de Meynard 1861: 249; Dehkhoda VIII: 11410.

27. *вақр* ёки *виқр* (وقر) – араб., “юк”, “оғирлик”, тахминий вазн бирлиги [Гиргас 1881: 895]. ал-Х<sup>в</sup>оразмий келтирган маълумотга кўра, 1 *виқр* бир от ёки эшак кўтара оладиган юкнинг вазни ҳисобланган [al-Khowarezmi: 14].

28. *за‘фарон* (زعفران) – заъфарон, араб., бўйи 20 см келадиган кўп йиллик доривор ўсимлик, ватани Хуросон. Лотинча илмий номи *Crocus sativus L.*, русча номи – *шафран*, оврўпа тилларида – *safran* [Беруни 1974: 495 – 498; Каримова 2002: 203]. У ҳақида яна қаранг: Waines, Sanagustin 2002: 381 – 382; Dehkhoda IX: 12864 – 12865.

29. Абу Му‘аммар – бу исм (*кунйа*) араб тилида “Му‘аммарнинг отаси” маъносини билдиради. Бундай исм одатда тўнғич ўғилнинг исмидан ясалган. Бу ҳақида XVIII, 9-изоҳга қаранг.

30. *Важоҳ* (وجاه) – Журжон вилоятига қарашли қалъа [at-Tabari II: 1330]. Бошқа манбаларда унинг номи *Важола* (وجاله) шаклида келтирилган [Ибн Хордадбех: 67].

31. *ал-манжаниқ* (المنجنيق) – араб., “катапульта” ёки “тўп” (кўплиги *манжаниқат*), яъни ўқ отувчи ёки қалъа деворларини бузиш учун унга тошлар улоқтирувчи ҳарбий ускуна [Гиргас 1881: 770]. Уни яна *‘аррода* (عرادة) деб ҳам атаганлар. Лекин *манжаниқ* ундан бироз каттароқ бўлган. У ҳақида яна қаранг: Hill 1991: 405 – 406; Dehkhoda XIV: 21604 – 21605.

32. Матнда: *إن غلبت على الحياة فلا تغلبين على الموت* – араб., “Сен ҳаёт [устидан] ғолиб бўлсанг, ўлим [устидан] ғолиб бўлма”. С.Волин таржимасида: “Если ты будешь побежден живым, то не будь побежден мертвым” – “Сен тирик ҳолда мағлуб бўлсанг, ўлик ҳолда қайтмагин”, изоҳда эса: т. е. “не возвращайся побежденным” – “яъни мағлуб бўлиб қайтмагин” [ал-Балазури 1939: 65, прим. 3].

33. ат-Табарийга кўра, Йазид қалъани қамал қилган вақт давомида кўп ўтинлар тўплаб, уларни қалъанинг атрофига баланд қилиб тахлашни буюрди. Қуёш ботаётган вақтда бу ўтинлар ёқилди ва қалъани ҳар томондан олов қуршаб олди. Қалъа ичидагилар буни кўриб даҳшатга тушдилар ва қалъадан чиқиб, жангга киришишга мажбур бўлдилар [at-Tabari II: 1332].

34. *ат-такбир* (التكبير) – араб., *к.б.р.* (كبر) ўзагининг II боб феълидан ясалган исм, “улуғлаш”, яъни “Аллоҳ Акбар” (“Аллоҳ энг буюқдир!”) сўзларини талаффуз этиш [Гиргас 1881: 685, 686]. Ислом динининг ибодат тизимида бу энг асосий ва муҳим амаллардан бири ҳисобланган. Бу ҳақида қаранг: Dehkhoda V: 6901; Wensinck 2000: 119.

35. Наҳр Журжон (نهر جرجان) – Журжон дарёси. ат-Табарийга кўра, бу дарё ал-Андарахз (الاندراخز) деб аталган [at-Tabari I: 1332]. Ҳозир бу дарё Ҳиранд (هیرند) деб аталади. Ундан ташқари Журжон ҳудудидан яна бир катта дарё оқиб ўтган бўлиб, сўнгги ўрта асрларда у Атрек деб аталган. У На-со ва Абивард ёнидаги тоғлардан бошланиб, Хабушон ва Дихистон ёнидан оқиб ўтган ва Хазар (яъни Каспий) денгизига қуйилган. Унинг умумий узунлиги 120 фарсахни ташкил этиб, чуқур ва тезоқар бўлган. Унинг бўйларида қароқчилар кўп бўлган [Махмуд ибн Вали: 94]. Бу дарё ҳозир ҳам Атрек деб аталади. У Туркман-Хуросон тоғларидан бошланувчи Себаз ва Сулах дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, ботқоқли дельта орқали Каспий денгизига қуйилади. Унинг умумий узунлиги 669 км, ҳавзасининг майдони эса 27,3 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Атрекнинг энг катта ўнг ирмоғи Сумбар деб аталади. Атрек гидроними қадимий бўлиб, унинг келиб чиқиши *турк* этноними билан боғлиқ бўлиши мумкин [Логашова 1978: 77]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1965: 121–126.

36. ат-Табарийга кўра, Йазид ибн ал-Муҳаллаб ўзига: “Мен Журжон аҳлининг қонини оқизиб, унинг оқимидан тегирмонни айлантираман ва ундаги доннинг ундан нон ёпиб емагунча, бу ердан кетмайман”, – деб қасам ичган эди. У Журжон аҳлидан 12 минг кишини ал-Андарахз дарёсининг бўйига олиб тушиб, уларни қиличлар билан чопишни буюрди. Улардан оққан қондан тегирмон айланди, унинг ундан нон ёпилди. Шундай қилиб Йазид ўзининг ичган қасамини бажарди [at-Tabari II: 1330, 1333].

37. ас-Саҳмийнинг “Журжон тарихи” да келтирилган маълумотга кўра, Йазид Журжонда фақат бир йил ҳукмронлик қилди. Бу вақт ичида у кўчманчиларга қарши улкан мудофаа девори (سور) қурдирди. Шунингдек у Журжонда 40 та масжид қурдирди [ас-Саҳмий: 9, 16].

38. *хамс ва ‘ширун алф алф* (خمس و عشرون الف الف) – араб., 25 минг минг, яъни 25 млн.

39. *мисқол* (مئقال) – мисқол, оғирлик ўлчов бирлиги, унинг миқдори турли ерларда ҳар хил бўлган: Бухорода – 4,8 ёки 5 г, Самарқандда – 4,46 г, Хутталда эса 4,25 г. [Давидович, Хинц 1970: 93]. Бошқа маълумотларга кўра, 1 *мисқол* 24 *қирот* (قيراط) ёки 4,68 г (1 *қирот* = 1/24 *дирҳам* ёки 0,195 г) га, 1,5 *dram* [Frye 1954: 27] га ёки 4,250 г га тенг бўлган [Miles 1965: 297 – 299]. ал-Х<sup>в</sup>оразмий келтирган маълумотга кўра, 1 *мисқол* 1 *дирҳам* ва 3 *асбо* га тенг бўлган [al-Khowarezmi: 14]. Бу ҳақида қаранг: Гиргас 1881: 102; Dekhoda XIII: 20261 – 20262.

40. Матнда: *جماز* – араб., “тез юрувчи”, “югурувчи” [Гиргас 1881: 129]. Исломдан олин арабларда Жаммоз атоқли оти ҳам бўлган [Ibn Saad III (2): 104]. Лекин бу ерда, эҳтимол, бу сўз аслида *حمام* – “эшак” деб ёзилиши керакдир.

41. Матнда: *برنس* – араб., “бош кийим (капюшон) ли юпка уст кийим”. Бу ҳақида яна қаранг: Dekhoda III: 4647.

42. ар-Руйон (الرويان), Руйон (رويان) ёки Руйонж (رويانج) – Табаристон чегарасидаги тоғларда жойлашган шаҳар (*балда*) ва вилоят [al-Istakhri: 206; Ibn Naukal: 378]. IX асрда ар-Руйон (الرويان) номли *рустоқ* қайд этилган [Ибн Хордабех: 106; Ибн ал-Факих: 100]. У Сафидруд ва Шохруд дарёларининг оралиғида жойлашган. Исломдан олдин у ад-Дайламга қарашли бўлган, араблар уни фатҳ этгандан кейин маъмурий жиҳатдан Табаристонга қўшилган. Унинг бош шаҳри Кажжа (كجة) деб аталган [at-Tabari II: 1322; III: 137, 503, 518, 520, 645; Ibn al-Fakih: 193, 303 – 305, 307, 308, 311, 312; Ibn Rosteh: 149, 150; Беруни 1973: 464; Гардизи: 114; ас-Сам‘оний VI: 189; Jacut II: 873]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 217, 222; Meynard 1861: 268 – 269; Dekhoda VIII: 12420.

43. Дунбованд (دنباوند) – ар-Райй (Рай) вилоятидаги шу номли тоғда жойлашган *рустоқ*. Уни Думованд (دماوند) деб ҳам атайдилар, лекин биринчиси тўғрироқдир [Ibn Rosteh: 97; Ibn al-Fakih: 268, 274 – 279, 307 – 309; al-Istakhri: 202, 203, 209, 210; Ibn Naukal: 379, 380; al-Moqaddasi: 384, 386, 398, 400; Беруни 1957: 35, 226, 235, 243, 244; Беруни 1973: 239, 241; ас-Сам‘оний V: 343; Jacut II: 606 – 608]. Баъзи манбаларда унинг номи Дубованд (دباوند) шаклида ҳам келтирилган [Jacut II: 585]. Форс тилидаги манбаларда унинг номи Данбованд (دنباوند) ёки Дамованд (دماوند) шаклида келтирилган [Байхаки: 514, 572]. Думованд *рустоқининг* бош шаҳри Шаланба (شلنبه) деб аталган [Ибн Хордабех: 62, 106; Худуд ал-‘Алем: 30а]. Берунига кўра, Дунбованд Шаланба, Вайма ва Фирим номли шаҳарларни ўз ичига олган [Беруни 1973: 465]. Дунбованднинг исломдан олдинги ҳукмдори ал-Масмуғон (المسمغان) деб аталган [at-Tabari III: 136, 520; Беруни 1957: 111]. Бу исм *ал-мас* (буюк) ва *магон* (муғлар) сўзларидан иборат бўлиб, “муғларнинг бошлиғи” маъносини билдирган. Унинг мулкини Холид ибн Бармак



фатҳ этган [Jacut I: 244]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 217 – 218, 222; Streck 1965: 106 – 107; Le Strange 1905: 371; Meynard 1861: 236 – 239; Dehkhoda VII: 11123.

44. Юқорида келтирилган лавҳанинг *ровий* Абу Михнаф сўзидан нақл этилган бошқа бир кўриниши.

45. Ибн ал-Муҳаллаб – араб., ал-Муҳаллабнинг ўғли. Бу ерда Йазид ибн ал-Муҳаллаб назарда тутилган.

46. Арабларда душманларни салб қилиш одати Муҳаммад пайғамбар замонидан бошлаб қўлланилган. Салб қилиш жуда оғир жазо ҳисобланган. Ўрта Осиёда ҳам араблар салб қилиш жазосини ўзларининг энг ашаддий душманларига нисбатан қўллаганлар. Хусусан, арабларга қарши Тўхористонда кўтарилган қўзғолон бошлиғи Низак Тархон (91/709-10 йил), Суғдда кўтарилган қўзғолон бошлиғи Деваштич (104/722-23 йил) салб қилинганлар [at-Tabari II: 1223, 1448].

47. Жаҳм ибн Заҳр ал-Жу‘фийнинг Журжондаги ҳукмронлиги узоқ давом этмади. Ўша 98/716-17 йилнинг ўзида ал-‘Ироқ волийси Йазид ибн ал-Муҳаллабни ҳибсга олди ва Журжонга ўзининг одамини ҳоким этиб тайинлади. У одам Журжонга келганда, Жаҳм уни ҳибсга олиб, қамокқа ташлади, ўзи эса Марвга Хуросон волийси этиб тайинланган амакисининг ўғли ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳақамий (99 – 100/717 – 719 йилларда ҳукм сурган) нинг олдига кетди [at-Tabari II: 1353]. Бу ҳақида яна қаранг: Ибн Халдун II: 91 – 93; аз-Зириклий II: 138.

### XXX

#### Қутайбанинг ибн Муслимнинг ноиби

1. ‘Абдуллоҳ ибн ‘Абдуллоҳ ибн ал-Аҳтам Абу Хоқон – 71/690-91 йилда ал-Басрада Хумрон ибн Абон даврида миршаблар бошлиғи (صاحب الشرطة) бўлган. Арабларнинг Хуросондаги фатҳ урушларида иштирок этган. 91/709-10 йилда Қутайба ибн Муслим уни Хуросонда ‘омил этиб тайинлади. Ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, Қутайба ибн Муслим уни қатл этди [at-Tabari II: 817, 1218, 1289]. Лекин ал-Балозурийнинг маълумотидан аён бўладики, у Қутайбадан қочиб, аш-Шомга борган ва эски кийимларни кийиб, ўзини Абу Тина деб таништирган ва баққоллик билан шуғулланган. Сулаймон халифа бўлганда, у эски кийимларини ташлаб, уни мадҳ этган [al-Beladsori: 425 – 426]. Унинг отаси ҳақида қаранг: al-Jakubi II: 354; at-Tabari II: 76, 817, 1218, 1290, 1308, 1312; Ибн А‘сам IV: 304; VII: 183 – 187; Ибн Халликон VI: 297, 298.

2. Абу Тина (ابو طينة) – араб., “Боғлам соҳиби”. Араб тилида *тин* (طين) сўзи “лой”, “тупроқ”, “ер” маъноларини билдирган. Ундан ташқари бу сўз одамлар истеъмол қиладиган шўр лойни ҳам билдирган [ас-Сам‘оний III: 294]. Бу лақаб таркибидаги *тина* (طينة) сўзи “табиат”, “фёъл” маъносига эга

бўлган. Бизнингча, бу ерда Абу Тина лақаби унинг кўзи латта билан боғланганлигини англатган.

3. Халифа ал-Валид ибн ‘Абд ал-Малик 96/714-15 йилда ўлдирилган. XXXV, 3-изоҳга қаранг.

4. аз-Заййот (الزيات) – ўсимлик ёғини сотиш ва уни бир ердан иккинчи ерга олиб бориш билан шуғулланувчилар шу *нисба* билан аталганлар. Ўсимлик ёғи кўпроқ аш-Шом мамлакатада ишлаб чиқарилган [ас-Сам‘оний VI: 332].

5. Фил (الفيل) – Х<sup>в</sup>оразм вилоятининг қадимги пойтахт шаҳри. Юқорида унинг номи ал-Фил (الفيل) шаклида келтирилган. У ҳақида XXV, 44-изоҳга қаранг.

6. Юқорида Умаййа ибн ‘Абдуллоҳ ҳақида сўз юритилганда, унинг Хоразмга қилган юриши ҳақида маълумот келтирилмаган (XIX фаслга қаранг).

7. 85/704-05 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллаб Х<sup>в</sup>оразмга юриш қилди. Х<sup>в</sup>оразм аҳли у билан сулҳ туздилар. Йазид у ердан сулҳ шартларида кўрсатилган асирларни олиб, қиш кирган бўлса ҳам орқага қайтди. Йўлда қаттиқ совуқ бошланди. Араблар асирлардан уларнинг кийимларини тортиб олдилар, асирлар эса совуқдан ҳалок бўлдилар [al-Beladsori 417; at-Tabari II: 1142 – 1143].

8. Абу Молик Ка‘б ибн Ма‘дон ал-Ашқарий – Хуросонда яшаган *ал-азд* қабиласининг *ал-ашқар* уруғига мансуб араб шоири ва хатиби. У фатҳ урушларида иштирок этган ва бошидан кечирган воқеаларни ўзининг қасида ва шеърларида ифода этган. Унинг шеърлари 64/683-84 йилдан 93/711-12 йилгача бўлган воқеалар баёнида қайд этилган. Демак, у 30 йилдан ортиқ Хуросонда бўлган ва у ернинг сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этган. У ‘Абдуллоҳ ибн Хозим, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра, Йазид ибн ал-Муҳаллаб, ал-Муфаддал ибн ал-Муҳаллаб ва Қутайба ибн Муслим каби Хуросон волийларига хизмат қилган ва уларнинг баъзиларига мадҳиялар ёзган. У ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг яқин одамларидан бири бўлган ва 77/696-97 йилда у билан *азрақий*ларга қарши кураш олиб борган. Унинг вафотидан сўнг ўғиллари Йазид ва ал-Муфаддал билан ҳам яқин муносабатда бўлган [at-Tabari II: 493, 1007, 1008, 1079, 1129, 1144, 1239, 1241, 1252; Ибн А‘сам VI: 190, 356; VII: 21, 24, 28, 37, 41, 43, 48, 50, 82, 156, 159, 161, 196; Jacut II: 66, 174, 387, 576, 738; III: 6, 933; IV: 6, 240]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий VI: 86.

### XXXI

#### ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳакамий

1. ‘Умар (II) ибн ‘Абд ал-‘Азиз 99/717-18 йилда халифа бўлган.

2. Муғ тоғида топилган араб тилидаги ҳужжатдан маълум бўладики, 103/721-22 йилда арабларга қарши кўзғолон кўтарган Бунжикат (Панч) ҳукмдори Деваштич ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳнинг *мавлоси* бўлган, яъни унинг ёрдамида ислом динини қабул қилган [Крачковская, Крачковский 1934: 55 – 56].

3. Абу ‘Уқба ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳакамий (112/730-31 йилда вафот этган) – унинг асли ал-Йамандан бўлиб, аш-Шом мамлакатидagi Ҳимс шаҳрида туғилиб ўсган араблардан. 87/705-06 йилда ал-Басра волийси ва ал-‘Ироқ волийсининг ноиб, 90 – 94/708 – 712 йилларда ал-Басра волийси, 97/715-16 йилларда Восит волийси, 99 – 100/717 – 719 йилларда Хуросон ва Сижистон волийси бўлган. 104/722-23 йилда ал-Жарроҳ Армини-йа ва Озарбайжон волийси этиб тайинланди ва хазарларга қарши уруш олиб борди. Уларнинг Баланжар номли қалъасини ва яна бир қанча қалъаларни фатҳ этиб, кўп одамларни ўлдирди ва катта ўлжани қўлга киритди. 108/726-27 йилда вазифасидан озод этилди, 111/729-30 йилда яна қайта тикланди. У ғайридинларга қарши кўп жиҳод урушлари олиб борди ва 112/730-31 йилда Марж Ардабил номли ерда хазарлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Уни Батал ал-Ислом (بطل الاسلام) – “Ислом қаҳрамони” ва Форис аҳл аш-Шом (فارس اهل الشام) – “аш-Шом аҳлининг суворийси” деб ҳам атаганлар [Халифа ибн Хаййот: 87; al-Jakubi: 301; al-Ja‘kubi II: 324, 362, 369, 375, 376, 378. 394, 395; ал-Йа‘қубий II: 317, 323, 330; ад-Динаварий: 328; at-Tabari II: 1077, 1091, 1191, 1208, 1266, 1311, 1346, 1350, 1352 – 1355, 1358, 1390, 1413, 1453, 1462, 1527, 1530 – 1531, 1539, 1595; Ibn A‘tham VII: 320; VIII: 29 – 43; Ибн А‘сам VII: 211; VIII: 232 – 251; Та’рих-и Систан: 139, 140; ас-Сам‘оний IV: 182 – 183; Ибн Халликон II: 95, 103; VI: 299; Ибн Халдун III: 111 – 112]. Муғ тоғидан топилган VIII аср бошига мансуб суғд тилидаги ҳужжатлар орасида биттаси терига сиёҳ билан араб тилида ёзилган бўлиб, у Панч ҳукмдори Деваштичнинг ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳга ёзган хатидир. Тахмин қилинишича, бу хат 100/718-19 йилда, яъни ал-Жарроҳнинг Хуросондан кетиши арафасида ёзилган [Крачковская, Крачковский 1934: 55 – 56, 59 – 60, 65]. У ҳақида яна қаранг: Dunlop 1965: 482; аз-Зириклий II: 106; Тер-Гевондян 1977: 84, 86 – 88, 154, 210, 272 – 273; Dehkhoda V: 7595.

4. ал-Жарроҳ Мухалладнинг оёқ-қўлларига кишан солиб, халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азизнинг олдига юборди. Мухаллад ал-Куфага етиб боргунча йўлда одамларга пул тарқатиб, 600 минг дирҳам сарфлади. Шунинг учун у билан бирга борган ҳамма одамлар унга хайрихоҳ бўлдилар ва у ҳақида фақат яхши сўзлар гапирдилар. Мухаллад ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азизнинг ҳузурига келганда халифа уни яхши қабул қилди ва “У отасидан яхшироқдир”, – деб, уни хафа қилишни ман этди [Гардизи: 34]. ал-Жарроҳ Хуросонга келиб, Журжонда Йазид ибн ал-Мухаллаб томонидан ҳоким этиб тайинланган Жаҳм ибн Заҳр ибн Қайс ал-Жу‘фийни халифа олдида

ўзини оқлаши учун ал-Хуттал ҳукмдориға қарши юришга юборди. Жаҳм ал-Хуттал ҳукмдорининг олдиға бир ўзи кириб, у билан сулҳ тузиб чикди ва ундан катта ўлпон ундириб олди [at-Tabari II: 1353].

5. ‘Абдуллоҳ ибн Му‘аммар ибн Сумайр ал-Йашкурий – Хуросон волийси Йазид ибн ал-Муҳаллабнинг лашкарбошиси. 82/701-02 йилда у Йазид ибн ал-Муҳаллаб билан бирга Насаф ва Кешга юриш қилди. 98/716-17 йилда 4 минг аскарға бошчилик қилиб, Байсан ва Дихистон ҳокими этиб тайинланди. Кўп ўтмай, турклар қайта ҳужум қилиб, у ердаги арабларнинг ҳаммасини қириб ташладилар. Улар орасида ‘Абдуллоҳ ибн ал-Му‘аммар ҳам бор эди. Лекин бошқа маълумотға кўра, у 112/730-31 йилда Хуросон волийси ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон ал-Муррий қўшинининг ўғруқи (арьергард) нинг бошлиғи эди ва Кеш яқинида бўлган “Водий жанги” (يوم الوادي) да иштирок этиб, ўша жангда ҳалок бўлди [al-Ja‘kubi II: 362; ал-Йа‘кубий II: 317; at-Tabari II: 1077 – 1080, 1327, 1328, 1538; Ибн А‘сам VII: 191, 192; Jacut II: 736]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий IV: 283; Dehkhoda X: 15724.

6. ас-Син (الصين) – Хитой мамлакатининг арабча номи [Ibn al-Fakih: 3, 5 – 8, 13 – 16, 136, 152, 161, 251, 257, 270, 287, 329; ас-Сам‘оний VIII: 129; Jacut III: 444 – 458], суғд ва ўрта форс (пахлавий) тилидаги манбаларда бу ном Чинистон (činstan), янги форс (форсий) тилидаги манбаларда эса Чин (چين) ва Чинистон (چينستان) шаклларида учрайди [Худуд ал-‘Алем: 2 – 4, 6а, 9а, 12 – 17; Наршахий: 44; Dehkhoda VI: 8406 – 8412]. Бу номнинг келиб чиқиши Хитойда ҳукм сурган Цин сулоласи асосчиси Чин (м.а. 221 – 210 йилларда ҳукм сурган) нинг исми билан боғлиқ бўлган. Араб тилида *ч* (и) ҳарфи йўқ бўлганлиги сабабли унинг ўрнига араб алифбосидаги *сот* (ص) ҳарфи ёзилган. Араб тилидаги манбаларда ас-Син номи илк бор IX асрдан бошлаб ишлатилган [Ибн Хордадбех: 39, 55, 60, 65, 66, 77, 79 – 82]. Араб ва форс тилидаги манбаларда ас-Син (Чин) номи Шарқий Туркистондаги Хўтан ва Кошғарга нисбатан ҳам ишлатилган. Араб тарихчиси Ибн аз-Зубайрнинг хабар беришича, ас-Син подшоҳи ислом динини қабул қилди [Ибн аз-Зубайр: 148 – 149]. Абу Дулафнинг маълумотидан аён бўладики, бу ерда ас-Син подшоҳи деганда, Шарқий Туркистондаги Сандабил (Кансу) шаҳрида яшаган уйғурларнинг ҳукмдори назарда тутилган [Abu Dulaf: 347 – 361]. Араб манбаларида Қутайба ибн Муслимнинг 96/714-15 йилда Кошғарга юриши ва “ас-Син подшоҳи” нинг ҳузурига юборган элчилари ҳақида маълумот келтирилган [at-Tabari II: 1275 – 1280; Gibb 1923: 467 – 474]. Лекин, ат-Табарий асарининг уйғурча таржимасидан аён бўладики, бу ерда “ас-Син подшоҳи” деб Хитой императори эмас, балки Хўтан подшоҳи назарда тутилган, Кошғар эса унга қарашли шаҳар бўлган [ат-Табари 1988: 11 – 16]. Бегунининг ёзишича, “ас-Син мамлакати ас-Синнинг ўз ери, яъни Кошғардан ташқари Туббат, Хутан, Балх дарёсининг ортидаги мамлакатлар ва улар билан қўшни бўлган туркларнинг ерларини ўз ичига

олган [Беруни 1966: 155]. Шарқий Туркистоннинг ҳозирги хитойча номи (*Sin Chiang*) унинг арабча номи (*билад ас-Син*) сингари ўзининг таркибида шу ўлканинг қадимий номини сақлаб қолган [Мар 1841]. Бу ерда ас-Син деганда, айнан Шарқий Туркистон, яъни Хутан ва Кошғар ерлари назарда тутилган. Чунки у ерлар ва унга туташ бўлган ҳудудларда турклар яшаганлар. Афтидан ‘Абдуллоҳ ибн Му‘аммар ал-Йашкурий Фарғонадан Тянь-Шань тоғлари орқали Кошғарга ўтмоқчи бўлган. У ерда у туркларга дуч келган ва улардан қочиб, аш-Шошга қайтиб келган. Сўнгги ўрта асрлардаги манбаларда Чин ва Мочин атамалари ишлатилган бўлиб, ундаги Мочин атамаси санскрит тилидаги Mahācīn – “Буюк Чин” сўзларидан ясалган. Бу ҳақида яна қаранг: Bosworth, Hartmann, Israeli 1997: 616 – 625; Абду-расул ўғли 2005: 3 – 19]. Арабларнинг ас-Син ва Хитойга қилган юришлари ҳақида қаранг: Камолиддин 2008: 187 – 190.

7. ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ даврида арабларнинг ас-Синга қилган юриши ҳақида бошқа манбаларда маълумот келтирилмаган. ал-Йа‘қубийга кўра, ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳнинг олдига ат-Туббат элчилари келдилар ва уларга ислом дини ҳақида маълумот бериш учун одам юборишни илтимос қилдилар. У ат-Туббатга ас-Сулайт ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳанафийни юборди [ал-Йа‘қубий II: 317].

8. ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз даврида ислом динини қабул қилиб, арабларнинг маъмурий бошқарув тизимида хизмат қилганлардан бири Сулаймон ибн Абу-с-Сарий эди. У Хуросондаги Дихистон вилоятининг туркий ҳукмдори Сул-тегиннинг ўғли эди. Унинг исломдан олдинги ота-боболари ҳам Журжон ва Дихистонда 100 йилга яқин ҳукмронлик қилиб келганлар [ат-Табари 1987: 17, 167 – 170; ас-Сам‘оний VIII: 110; Ибн Халликон I: 9 – 11]. 98/716-17 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллаб Журжонни фатҳ этгандан кейин Сул-тегин Дамашқга халифа Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик (96 – 99/715 – 717 йилларда ҳукм сурган) ҳузурига борди, у ердан эса ал-Мадинага бориб, Муҳаммад пайғамбарнинг қабри устида ислом динини қабул қилди. Кейин у Хуросонга қайтиб келиб, арабларнинг Ғарчистон, Ғур, Хуттал ва Табаристонда олиб борган фатҳ урушларида иштирок этди ва 102/720-21 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллаб билан бирга жангда ҳалок бўлди [Гардизи: 33].

Сул-тегиннинг ўлимидан кейин унинг ўғиллари араблар билан ҳамкорлик қилишни давом этдирдилар. Унинг авлодлари турли ерларда котиблар девонини бошқарганлар ва маъмурий бошқарув ишларида иштирок этганлар [ас-Сам‘оний VIII: 110]. Сулаймон ибн Абу-с-Сарий унинг катта ўғли бўлган. У тажрибали лашкарбоши, машхур давлат арбоби ва моҳир дипломат эди. У арабларнинг *бану увофа* қабиласининг *мавлоси* эди. Отаси билан бирга арабларнинг фатҳ урушларида иштирок этди [at-Tabari II: 1421, 1509, 1695]. 99/717-18 йилда у Самарқанд ҳокими этиб тайинланди [Крачковская, Крачковский 1934: 52 – 90; ан-Насафий 1991: 105]. 101/719-20

йилда у Дамашқга халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз (99 – 101/717 – 720 йилларда ҳукм сурган) ҳузурига Суғд аҳолисининг вакиллари элчи қилиб юборди [at-Tabari II: 1364]. 104/722-23 йилда у Панч ҳукмдори Деваштич бошчилигидаги суғдларнинг қўзғолонини бостиришда иштирок этди. Шундан кейин у Насаф ва Кеш ҳокими этиб тайинланди [at-Tabari II: 1447 – 1449]. 107/725-26 ёки 108/726-27 йил (мил. 726 йил) да араблар уни Хитой императорининг ҳузурига элчи қилиб юбордилар [Бичурин II: 333]. 110/728-29 йилда у Самарқандда хирож ишлари бўйича масъул амалдор бўлган [at-Tabari II: 1509], 121/738-39 йилда эса Хуросон амири Наср ибн Саййор (121 – 131/738 – 748 йилларда ҳукм сурган) котибининг ўринбосари бўлган. Ўша йилда у сулҳ аҳдномаси билан Фарғона ҳукмдорининг олдига юборилган [at-Tabari II: 1695]. Унинг укалари ҳам арабларнинг маъмурий бошқарув тизимида турли лавозимларда хизмат қилганлар. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2004: 299 – 311; 2005: 203 – 209.

9. X аср араб географлари келтирган маълумотга кўра, Мовароуннаҳр аҳли орасида жавонмардлик кенг тарқалган, халқнинг феъли кенг, унинг кўп ерларида инсонлар гўёки битта уйда ягона оиладек яшайдилар. Ҳар бир одам бошқа одамнинг уйига худди ўз уйига келгандек кириши мумкин. Мезбон [ўз уйига] келган меҳмонга [ҳеч қандай] беписанд қилмайди, балки, уни умуман танимаса ҳам, унинг ҳожатини чиқариш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. [Бунинг учун] у ўзига ҳеч қандай манфаат кўзламайди ва [меҳмон] кўнглидан чиқариб [бергани] билан қаноатланади. Ҳар бир одам кўлидан келганича имкон қадар ўзи ва [уйига келган] меҳмони ҳақида ғамхўрлик қилишга [катта] аҳамият беради.

У ерда катта қаср ва меҳмонлар учун кенг ётоқхонага эга бўлишга интилмайдиган ўз рўзғорида мустақил бўлган [бирорта] ер эгасини кўрмайсан. Улар куннинг кўп қисмини йўловчиларга керак бўлиши [мумкин] бўлган нарсаларни тайёрлаш билан ўтказадилар. Улар иззат-икром билан кутиб олиш учун йўловчи келишига мунтазирдирлар. Агар [бирор] қишлоқ аҳлига йўловчи келиб тушса, улар [бир-бирлари билан] рақобатлашиб, уни [меҳмон қилиш] учун [ўзаро] талашадилар. Мовароуннаҳрда одамлар яшайдиган ҳар бир ердаги ҳеч бир одам, хоҳ қишлоқ бўлсин, хоҳ чекка бир жой, кечаси-ю кундузи бундай одатдан чекинмайди. Улар бундай ишларда, ҳатто ўз бойликлари ва мулкларига зарар етса ҳам, худди барча одамлар [пул] йиғишда баҳслашгани ва ўз бойликлари билан мақтанганидек, ўзаро баҳслашадилар.

Мен ас-Суғдда ҳовлисининг кириш эшиги қозик билан қоқилган бир мусофирхона харобасини кўрдим. Мен суриштириб, унинг эшиклари юз йилдан ортиқ вақт мобайнида [ҳеч ёпилмасдан], очик турганлигини билдим. Йўловчилар бу ерда тўхташ учун [ҳеч қачон] рад жавоби олмас эдилар. Унда кечаси фавқуллодда [ҳеч қандай] тайёргарликсиз юз, икки юз ва ундан ҳам кўп одамлар ўз от уловлари ва хизматкорлари билан кўниши

мумкин эди. Бу ерда улар, гарчи манзил соҳиби буни таъминлаш мажбуриятини олмаган ва бажо келтириши лозим бўлмаса ҳам, ўз отларига ем, ўзларига таом ва [ётиш учун] кўрпа-тўшак топганлар ва ўз юкларидан фойдаланишдан озод бўлганлар. Ҳар бир ерда уларнинг ва у [манзил] нинг бир вакили мавжуд бўлиб, у мустақил бўлган ва унинг [манзили] га тўсатдан йўловчилар кириб келганда, ўзининг шароитини янгилашда ҳеч нарсага муҳтож бўлмаслиги учун [узоқ] вақт давомида керак бўлган барча нарсалар билан таъминланган. Манзил соҳиби меҳмонларга очиқ чеҳра ва самимият билан муомала қилган, ўзини меҳмонлар билан тенг тутган, токи келганларнинг барчаси унинг бу ташрифдан хурсанд эканлигини ва унинг ўз ишида саҳийликка мойил эканлигини кўрсин.

Шу билан биргаликда [бошқа] ислом мамлакатларида бойлик эгаларининг фақат айримларидан бошқа кўпчилиги ўз маблағлари ва пулларини шахсий манфаатларга ва дилхушликларга, Аллоҳ рози бўлмаган нарсаларга, бир-бирлари билан рақобат қилишга ва ёмон нарсаларга сарфлайдилар. Мовароуннаҳрда эса бойлик эгаларининг фақат айримларидан ташқари кўпчилиги ўз маблағларини работлар қурилишига, йўллар қуришга, *жиҳод* олиб бориш учун вақфларга, турли хайрли ишларга, кўприклар қуришга сарфлайдилар. У ерда бирор шаҳар йўқки, унда [жиҳозланган] сув манбаи бўлмаса, бирор гавжум қишлоқ йўқки, унда йўловчиларнинг эҳтиёжларидан ортиқ миқдорда работлар бўлмаса.

Айтишларича, Мовароуннаҳрда 10 мингдан ортиқ работ мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигида йўловчи қўнганда, агар лозим бўлса, [доим] ўз отига ем ва ўзига таом билан таъминланган. Мен жуда кам ҳолатларда Самарқанд деворигача бўлган бирор бир меҳмонхонанинг, йўл чеккасининг, маҳалла ва одамлар жамоаси [яшайдиган ер] нинг ҳамма учун мўлжалланган музли сувдан холи бўлганлигини кўрдим. Самарқандда, шаҳарда ва унинг деворлари ичида ва ташқи девор ўраб турган майдонда муздек сув сақланидиган икки мингдан ортиқ [махсус] ҳавзалар мавжуд бўлиб, улар хайрияга ажратилган вақфлар ҳисобига фаолият кўрсатган. Уларда [ҳар ерларга] ўрнатилган мис қудуқлар ва [уларнинг устига] қурилган [иншоотлар] нинг деворларига ўрнатилган сопол кўзалардан иборат [мураккаб] сув тизими мавжуд бўлган [al-Istakhri: 289 – 290; Ibn Haukal: 465 – 467].

10. ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ ислом динини қабул қилганлардан хирож олинмайди деб эълон қилганда, кўпчилик одамлар ислом динини қабул қилдилар. Натижада ғазнага тушум кескин камайиб кетди. Шунда ал-Жарроҳ берган сўзига хилоф равишда одамлардан яна хирож олишда давом этди. Хуросон аҳли унинг устидан шикоят қилиб, халифа ‘Умар II олдида элчилар юбордилар. Шундан кейин ал-Жарроҳ ислом динини қабул қилганларнинг суннат қилиши мажбурий деб эълон қилди. Халифа унинг бу ҳаракатларидан қаттиқ ғазабга келди ва уни вазифасидан четлатди. Чунки халифа Хуросонда келишувлик сиёсатини олиб боришни афзал кўрар эди,

ал-Жарроҳ эса Хуросонда шафқатсиз сиёсат олиб бориш тарафдори эди ва у ерда фақат қамчи ва қилич ёрдамида ҳукм суриш мумкин деб ҳисоблар эди [ал-Йа‘қубий II: 317; at-Tabari II: 1352 – 1355]. Ибн Хаййотга кўра, ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳга мактуб ёзиб: “Ҳеч қандай юришлар қилманглар ва ўз қўлингиздаги ерларни маҳкам ушланглар”, – деди [Халифа ибн Хаййот: 87].

11. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, ал-Жарроҳ Хуросондан кетишдан олдин ғазнадан 20 минг ёки 10 минг дирҳам олган эди [at-Tabari II: 1355].

## XXXII

### ‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘айм ал-Ғомидий

1. ‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘айм ал-Ғомидий (ал-‘Омирий) ал-Қушайрий ал-Аздий – *ал-азд* қабиласига мансуб араб лашкарбошиси. Халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз томонидан 100/718-19 йилда ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ ўрнига Хуросон волийси этиб тайинланди ва 18 ой ҳукм сурди. 102/720-21 йилда унинг ўрнига Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз Хузайна келди ва унинг амалдорларини ҳибсга олиб, яширган хирож пулларини беришни талаб қилди. 106/724-25 йилда ‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘айм Хуросон волийси Муслим ибн Са‘ид билан бирга Мовароуннаҳрда туркларга қарши юришда иштирок этди. Унинг Ну‘айм, Шадид, ‘Абд ас-Салом, Иброҳим ва ал-Микдад исмли 5 та ўғли ҳам у билан бирга эди. 109/727-28 йилда у Хуросон волийси Асад ибн ‘Абдуллоҳ кўл остида бўлиб, қабилавий низо тарқатишда айбланиб, калтакланди. Шундан кейин у ал-Куфага кетиб, у ерда қолди. 112/730-31 йилда халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик уни 10 минг аскардан иборат ал-Куфа кўшинига бошлиқ этиб тайинлади ва Хуросон волийси ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон ал-Муррий (111 – 116/729 – 734 йилларда ҳукм сурган) ихтиёрига Хуросонга юборди. Ўша йили у кўшини билан ас-Сағонийонда туркларга қарши жанглар олиб борди. 117/735-36 йилда яна Хуросон волийси этиб тайинланган Асад ибн ‘Абдуллоҳ уни ал-Куфа ва аш-Шом кўшинлари билан Марв ар-Рудга Умавийларга қарши бош кўтарган хорижийлар ҳаракатининг бошлиғи ал-Ҳорис ибн Сурайжга қарши юборди [Халифа ибн Хаййот: 87, 91; al-Jakubi: 301; al-Ja‘kubi II: 362; ал-Йа‘қубий II: 317; at-Tabari II: 1352 – 1359, 1419, 1477 – 1486, 1498, 1499, 1552, 1582, 1587; Гардизи: 19, 34; Ибн Халдун III: 95 – 96]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 246; Большаков 2010: 145, 154, 171, 173, 192; Gibb 1923: 61, 66, 68, 77.

2. ‘Абд ар-Раҳмон ибн ‘Абдуллоҳ ибн Зийод ал-Қушайрий – 100/718-19 йилда халифа ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз уни Хуросонда хирож ишлари бўйича *омил* этиб тайинлади, лекин 1 йилдан кейин халифа Йазид II (101 – 105/720 – 724 йилларда ҳукм сурган) уни вазифасидан четлатди. 104/722-



23 йилда Са‘ид ал-Ҳараший уни суғдларнинг арабларга қарши кўтарган кўзғолонини бостиришга юборди [at-Tabari II: 1356 – 1359, 1366, 1390, 1419 – 1421, 1440 – 1449; Ибн А‘сам IV: 314; Арабский аноним: 242а; Та‘рих-и Систан: 140].

3. Уруш ишларига масъул лашкарбоши *волий* ёки *амир* деб аталган, хирож ишларига масъул амалдор эса *‘омил* деб аталган. Ундан ташқари диний ишлар учун масъул амалдор ҳам бўлган. Хуросонда уруш ва хирож ишлари бир шахсга ҳам топширилган. Баъзан эса учала вазифани ҳам бир киши бажарган. Масалан, Йазид ибн ал-Муҳаллаб бир ўзи ҳам уруш, ҳам хирож, ҳам намоз ишларига масъул бўлган [at-Tabari II: 1314]. ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз ‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘аймга Мовароуннаҳрдан мусулмонларни оилалари билан Марвга кўчиришни буюрди. ‘Абд ар-Раҳмон уларга Марвга кўчишни таклиф этди, лекин улар бунга унамадилар ва жойларида қолдилар. ‘Умар бу ҳақида эшитиб, хурсанд бўлди [ал-Йа‘қубий II: 317].

4. \*...<sup>4</sup> Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган.

### XXXIII

#### Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз ал-Хузайна

1. Абу Холид Йазид II ибн ‘Абд ал-Малик ибн Марвон (71 – 105/690 – 724) – Умавийлар (Марвонийлар) сулоласига мансуб 9-араб халифаси, 101 – 105/720 – 724 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. Унинг ҳукмронлиги даврида араблар Мовароуннаҳрда туркларга қарши шиддатли жанглар олиб борганлар. 101/719-20 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллаб камокдан қочиб, ал-Басрада унга қарши бош кўтарганда, у ал-Басрага укаси Маслама ибн ‘Абд ал-Маликни юборди. Маслама ал-Ироқда Йазидга қарши бир қанча жанглар олиб борди ва 102/720-21 йилда уни ўлдирди [al-Ya‘qubi: 20; al-Ja‘kubi II: 336, 366, 369, 371 – 378, 434; ал-Йа‘қубий II: 325 – 330; ад-Динаварий: 332; at-Tabari II: 838, 1174, 1196, 1317, 1341, 1349, 1359, 1360, 1363, 1368, 1372 – 1465, 1483, 1495, 1740; al-Masudi: 320 – 322; el-Maqqdisi VI: 47 – 49; al-Osyooti: 247 – 248; История халифов: 188а – 197а; Арабский аноним: 251б, 293а]. У ҳақида яна қаранг: Lammens, Blankinship 2002: 311; Большаков 2010: 139 147 151 154 – 165, 175, 238, 319 – 323; Босворт 1971: 29 – 31; Беляев 1966: 199; ал-Зириклий X: 239.

2. Маслама ибн ‘Абд ал-Малик ибн Марвон ибн ал-Ҳакам (120/738 йилда вафот этган) – аш-Шомдаги Умавийлар (Марвонийлар) оиласининг аъзоси, халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвон (65 – 86/685 – 705 йилларда ҳукм сурган) нинг ўғли. Арабларнинг Византиядаги фатҳ урушларида фаол иштирок этган. 96/714-15 йилда Сулаймон ибн ‘Абд ал-Малик (96 – 99/715 – 715 йилларда ҳукм сурган) даврида 120 минг кўшин билан Константинополь шахрига юриш қилган ва у ерда “Маслама масжиди” ни қурган. Йазид ибн ‘Абд ал-Малик (101 – 105/720 – 724 йилларда ҳукм сурган) даврида ав-

вал иккала ал-‘Ироқ волийси, кейин Арминийа волийси этиб тайинланган. 109/727-28 йилда туркларга қарши ва ас-Синд мамлакатига юриш қилган. Ҳамма ака-укалари ичида у халифа бўлишга кўпроқ лойиқ бўлган. 120/738 йилда аш-Шомда вафот этган [al-Jakubi: 301; al-Ja‘kubi II: 336, 338, 350, 359 – 363, 370 – 374, 380, 381, 394, 395; ал-Йа‘қубий II: 326; ал-Балозурий: 497, 502; at-Tabari I: 2844; II: 838, 1174, 1181, 1185, 1191, 1192, 1194, 1197, 1200, 1217, 1235; Macoudi II: 44, 317, 318, 336; V: 370, 447, 454, 479, 506; VI: 106, 119; IX: 60, 62; Ибн А‘сам VI: 351 – 354; VII: 110 – 112, 119 – 133; 197 – 199; VII: 221 – 232; 253 – 260, 271, 272, 339; Jacut I: 351; 374, 453, 478, 693, 735, 869; Ибн Халдун III: 100 – 101]. У ҳақида яна қаранг: Rotter 1991: 740; Большаков 2010: 70, 90 – 93, 112, 124, 131 – 134, 142, 148, 151 – 156, 166 – 169, 178, 185, 306, 329; аз-Зириклий VIII: 122; Dehkhoda XIII: 20892.

3. Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз ибн ал-Ҳорис ибн ал-Ҳакам ибн Абу-л-‘Осий (Абу-л-‘Ос) ибн Умайя – 100/718-19 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллаб ўрнига Хуросон волийси этиб тайинланган ва 102/720-21 йилда Йазид қатл этилгандан кейин лавозимидан четлатилган. У фақат ал-‘Ироқ волийси Маслама ибн ‘Абд ал-Маликнинг куёви бўлгани учун бу лавозимга тайинланган эди. У жуда ҳам юмшоқ, кўнгилчан ва нозик табиатли одам эди. У одамлардан кўп нарса талаб қилмас ва ҳеч қачон уларга нисбатан кўпол муомала ва куч ишлатмас эди. Шунинг учун одамлар унга Хузайна (حذينة) деб лақаб қўйганлар. Бу сўз “деҳқон аёл”, “аслзода аёл”, “уй бекаси” деган маънони билдирган. 102/720-21 йилда Са‘ид Амударёдан кечиб ўтиб, Самарқандга келди ва у ердаги маъмурий ишлар билан шуғулланди. Турк хокони янги араб амирининг заифлигини кўриб, Суғдга турклар ва суғдлардан иборат кўшин юборди. Унга Курсул исмли лашкарбоши бошчилик қилган эди. Са‘ид ҳам уларга қарши ўзининг кўшинини юборди. Улар Суғддаги Қаср ал-Боҳилий номли қалъа ёнида кечаси тўқнашдилар ва шиддатли жанг қилдилар. Аввал мусулмонлар кўп куч йўқотдилар, кейин эса турклардан устун келдилар, лекин уларни таъқиб қилишга журъат қилмадилар. Бу тўқнашувда суғдлар туркларни қўллаб-қувватладилар ва араблар билан тузилган сулҳни бузиб, ислом динидан қайтдилар. Кейин Са‘ид яна кўшин билан Амударёдан кечиб ўтди ва Суғдга йўл олди. Йўлда унга бир гуруҳ турклар ва суғдлар ҳужум қилдилар, лекин араблар уларни мағлубиятга учратдилар. Араблар йўлда давом этиб, бир водийга келдилар. Бу ерда эса уларни туркларнинг асосий кучлари кутиб турган эди. Бўлиб ўтган жангда араблар яна кўп одамларни йўқотиб, орқага чекиндилар. 103/721-22 йилда ал-‘Ироқ ва Хуросон волийси Маслама ибн ‘Абд ал-Малик лавозимидан четлатилди ва аш-Шомга қайтди. Унинг ўрнига тайинланган ‘Умар ибн Ҳубайра одамларнинг илтимосига кўра, Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз Хузайнани Хуросон волийси лавозимидан четлатди ва ал-‘Ироқга қайтиб кетди. 126/743-44 йилда у ал-Куфа шаҳрида яшар эди [Халифа ибн Хаййот:

89, 91; ал- al-Jakubi: 301; al-Ja'kubi II: 373, 374; Йа'кубий II: 326, 327; ал-Балозурий: 276; ад-Динаварий: 332, 333; at-Tabari II: 1297, 1357, 1416 – 1434, 1436 – 1440, 1867; Гардизи: 20, 34; Jacut I: 658, 785, 886; II: 430; III: 424, 862; IV: 289; Ибн Халликон III: 128; V: 281]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 154, 156, 320; Бартольд 1963: 246 – 247; Смирнова 1970: 41; Gibb 1923: 61, 67.

4. Хузайфа (حذيفة) – бошқа манбаларда бу сўз Хузайна (حذينة) шаклида келтирилган. Бу лақаб ёки унвон турк./суғд. *хотун* (خاتون) сўзининг бошқа бир шаклидир. Ўрта асрларда арабларда Хузайфа (حذيفة) исми ҳам бўлган. Афтидан ал-Балозурий ёки унинг асарини кўчирган котиб туркий унвонни араб исми билан адаштириб, шундай ёзган. Қадимги туркий тилда *qatun* – “хоним”, “аслзода хоним”, “хукмдорнинг аёли” или “малика” маъносини билдирган [ДТС: 436; Dehkhoda VI: 9268; VII: 9617]. Турк хоқонлигининг маъмурий тизимида кенг ишлатилган аёлларнинг бу унвони худди шу маънода бахтар ва суғд тилларида ҳам *γ'twnh*, *γwt'unh* и *x'twn* шаклларида [Gharib 1995: 161 (#4070); 178 (#4470); 431 (#10605); 440 (#10825)], шунингдек, хўтан-сак тилида *hattuna* шаклида ишлатилган [Bailey 1944: 290]. Тахмин қилинишича, бу сўзнинг келиб чиқиши суғд тили билан боғлиқ бўлиб, *γwt'w* – “подшоҳ” унвонининг муаннас шаклидир, янги форс тилида *γwt'w* унвони *худо* (خدا) ёки *хузо* (خذا) – “худо” шаклида сақланиб қолган [Frye 1954: 110, n. 38].

5. Са'ид ибн 'Абд ал-'Азиз Хуросонга келганда, унинг олдига Абғар хукмдори, яъни Деваштич қабулга кирган эди [at-Tabari II: 1418].

6. Абғар деҳқони Са'ид ибн 'Абд ал-'Азизнинг ҳузурига кирганда, у рангли кийимда пардоз қилиб ўтирган, атрофида эса рангли нарсалар қўйилган эди. Абғар хукмдори унинг ёнидан чиққанда, ундан “Янги амир қалай?” – деб сўрадилар. У “аёлсифат”, – деб жавоб берди. Шундан кейин унга Хузайна деб лақаб қўйилди. Хузайна сўзи “уй бекаси”, “деҳқон аёли” маъносини англатган [at-Tabari II: 1418].

7. Абу-л-'Ало' Саура ибн ал-Хурр (Абжар) ат-Тамимий ал-Абоний ад-Доримий ал-Ҳанзалий (112/730-31 йилда вафот этган) – арабларнинг *тамим* қабиласининг *абон ибн дорим* уруғига мансуб лашкарбоши [ас-Сам'оний V: 249 – 250]. 102/720-21 йилда Са'ид ибн 'Абд ал-'Азиз Хузайна Хуросон волийси этиб тайинланганда, уни ўзидан 1 ой олдин Хуросонга юборди. 106/724-25 йилда у Хуросон волийси Муслим ибн Са'ид билан бирга Мовароуннаҳрда туркларга қарши жанг қилди. 109/727-28 йилда у Хуросон волийси Асад ибн 'Абдуллоҳ (106 – 109/724 – 728 йилларда хукм сурган) нинг қўл остида бўлган. Халифа Ҳишом ибн 'Абд ал-Малик ва Хуросон волийси даврида ал-Жунайд ибн 'Абд ар-Раҳмон 111/729-30 йилда уни Балх ҳокими, 112/730-31 йилда эса Самарқанд ҳокими этиб тайинлади. Ўша йилда турк хоқони қўшини билан Самарқанд ёнига келиб, арабларга таҳдид қилганда, Саура ибн ал-Хурр ал-Жунайдни ёрдамга чақирди. Ал-

Жунайд Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, Кеш шахрига келиб тўхтади. Турклар бу хабарни эшитиб, Кеш ва Самарқанд оралиғидаги барча қудуқлар ва сувлоқларни тупроқ билан кўмиб ташладилар. Ал-Жунайд тоғ йўли билан юриб, Самарқанддан 4 *фарсах* масофада жойлашган бир водийга келди. Бу ерда уни турк хоқони қарши олди. Унинг қўшини суғдлар, шошликлар, фарғоналиклар ва турклардан иборат эди. Самарқанд ҳукмдори Ғурак ҳам у билан бирга эди. Улар шиддатли жанг қилдилар ва иккала томон ҳам ҳолдан тойиб, жангни тўхтатдилар. Бу жангда жуда кўп мусулмонлар ҳалок бўлди. Шунда ал-Жунайд Саурага мактуб ёзиб, унга кўшин билан шаҳардан чиқишни буюрди. Саура 10 ёки 12 минг аскарлик кўшин билан Самарқанддан чиқиб, ал-Жунайд қўшини билан кўшилишига 1 *фарсах* қолганда, турк хоқонининг қўшини унга ҳужум қилди. Улар ўртасида жанг бўлди ва турклар мусулмонларни ўраб турган қуриб қолган ўтлоқларга ўт қўйдилар ва уларнинг сувга борадиган йўлини тўсдилар. Мусулмонлар жон жаҳдлари билан туркларга ҳужум қилдилар. Турклар чанг-тўзон кўтариб, чекиндилар ва орқада жойлашган жарликга қулаб тушдилар. Уларнинг кетидан мусулмонлар ҳам қуладилар. Жарлик ичида турклар уларнинг кўпчилигини қириб ташладилар. Улар орасида Саура ибн ал-Хурр ҳам бор эди. Унинг қўшинидан фақат 1 ёки 2 минг киши қутилиб қолди. Кейин ал-Жунайд қўшини билан етиб келди ва турклар билан жанг қилиб, уларни мағлубиятга учратди ва Самарқандга кирди. У ас-Суғдда ҳаммаси бўлиб 4 ой бўлди ва Марвга қайтди [al-Ja'kubi II: 373; at-Tabari II: 896, 898 – 902, 1019, 1418, 1430, 1431, 1448, 1479, 1498, 1532 – 1553; Ибн А'сам VII: 55; al-Nasafi: 231 (№ 377)]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 68, 73, 75; аз-Зириклий III: 214.

8. Са'иднинг ўғли ҳақида бошқа манбаларда маълумот келтирилмаган. Саура ибн ал-Хурр 102/720-21 йилда Хуросонга Са'иддан 1 ой олдин келди ва Шу'ба ибн Зухайр ан-Нахшалийни Самарқанд хоқими этиб тайинлади. Кейин Са'ид ибн 'Абд ал-'Азиз ўзи келиб, Самарқанд ва ас-Суғдга 'Усмон ибн 'Абдуллоҳ ибн Мутаррифни хоқим, Сулаймон ибн Абу-с-Сарийни эса хирож бўйича *омил* этиб тайинлади. Турк хоқони катта кўшин йиғиб, уни Курсул исмли лашкарбоши бошчилигида арабларга қарши ас-Суғдга юборди. Турклар араблар билан Қаср ал-Боҳилий номли ерда кечаси жанг қилдилар. Иккала томондан кўп аскарлар ҳалок бўлди, охири турклар чекиндилар [at-Tabari II: 1418 – 1428].

9. ат-Табарийга кўра, туркларнинг Курсул бошчилигидаги қўшини ас-Суғддаги ад-Дабусийа шахрининг ёнидаги Қаср ал-Боҳилий номли қалъа ёнига келиб тўхтадилар [at-Tabari II: 1421 – 1427]. ал-Йа'қубийга кўра, Са'ид ибн 'Абд ал-'Азиз ас-Суғдга келиб, Самарқандда тўхтади ва суғдлар билан қаттиқ жанг қилди. Унинг олдида Фарғона маликаси келиб, унинг Фарғонага юриш қилмаслиги шарти билан суғдларга қарши ёрдамни таклиф этди. У “суғдлар ерларини тарк этиб, Хужандада тўхтадилар ва араб-

лар билан сулҳ тузгунча ёки бошқа ерга кетгунча биздан уларни вақтинча бизнинг еримизга киритишимизни сўрадилар. Хужандада уларнинг ейдиган ва ичадиган ҳеч нарсаи йўқ, ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳам курол-яроқлари йўқ. Агар сиз уларга ҳужум қилмоқчи бўлсангиз, ҳозир бунинг айнаи вақтидир”, – деди. Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз Хужандага Саура ибн ал-Хурр ад-Доримийни отлиқлар билан юборди, ўзи ҳам уларнинг кетидан борди. Араблар суғдларни қамал қилдилар. Суғдлар сулҳ тузишни сўраб, ўз ерларига қайтишга рози бўлдилар. Араблар қалъанинг тагига хандақ қазиб, суғдларга “Чиқинглар!” – деб қичқирдилар. Суғдлар қалъадан чиқдилар. Улардан фақат Жалиҳ исмли бир одам курол билан чиқиб, арабларга қарши жанг қилди. Араблар унга ташланиб, уни ўлдирдилар. Ундан кейин қолган суғдларни ҳам қириб ташладилар ва хандақ уларнинг мурдаларига тўлиб кетди. Араблар суғдларнинг болаларини қул қилдилар ва барча мол-мулкларига эга бўлдилар [ал-Йа‘қубий II: 326]. Лекин бошқа манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, бу воқеалар Са‘ид ибн ‘Амр ал-Ҳараший даврида бўлган.

10. Са‘ид Хуросонга келиб, яна ас-Суғдга юриш қилди, чунки суғдлар ва турклар исломдан қайтиб, арабларга қарши бош кўтарган эдилар. Араблар уларни мағлубиятга учратдилар. Са‘ид аскарларга: “Уларни таъқиб қилманглар, ахир ас-Суғд *амир ал-му‘минин*, яъни халифанинг боғидир. Сиз уларни мағлубиятга учратдингиз, энди сиз уларни йўқ қилмоқчимисиз?” – деди [at-Tabari II: 1428 – 1429].

11. Ўша йили (102/720-21 йил) Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз 2 марта дарёдан кечиб ўтиб, Самарқандга келди, лекин ундан нарига ўтмади. Иккинчи юриш давомида турклар ва суғдлар билан жангларда кўп араблар ҳалок бўлдилар [at-Tabari II: 1429 – 1431]. Ҳалок бўлганларнинг кўпи *тамим* қабиласига мансуб эдилар. Улар орасида ал-Муғира ибн Ҳабно’, Шу‘ба ибн Заҳир ан-Наҳшалий ва ‘Абдуллоҳ ибн Зухайр ал-‘Адавий бор эди [Халифа ибн Хаййот: 89].

12. ат-Табарийга кўра, Наср ибн Саййор 110/728-29 йилда Хуросон волийси Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламий (109 – 111/727 – 729 йилларда ҳукм сурган) даврида Самарқанд ҳокими этиб тайинланган [at-Tabari II: 1510].

#### XXXIV

#### Са‘ид ибн ‘Амр ал-Жураший

1. ат-Табарийга кўра, Маслама ибн ‘Абд ал-Малик 102/720-21 йилда ал-‘Ироқ ва Хуросон волийси вазифасидан озод этилди ва аш-Шомга кетди. Унинг ўрнига ‘Умар ибн Хубайра волий этиб тайинланди. 103/721-22 йилда унинг олдига ал-Мужашшир ибн Музоҳим ас-Суламий ва ‘Абдуллоҳ ибн ‘Умайр ал-Лайсий келиб, Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз устидан шикоят

қилдилар. Шундан кейин ‘Умар ибн Хубайра уни вазифасидан четлатди ва ўрнига Са‘ид ибн ‘Амр ал-Харашийни Хуросонга волий этиб тайинлади [at-Tabari II: 1434, 1436 – 1438].

2. Аслида Са‘ид Хузайнани Маслама ибн ‘Абд ал-Малик эмас, балки 102/720-21 йилда унинг ўрнига ал-‘Ироқ ва Хуросон волийси этиб тайинланган ‘Умар ибн Хубайра вазифасидан четлатди [Халифа ибн Хаййот: 91; at-Tabari II: 1434, 1436 – 1438; Гардизи: 34 – 35].

3. Абу Йаҳйо Са‘ид ибн ‘Амр ибн ал-Асвад ибн Малик ибн Ка‘б ибн Вакдон ал-Хараший (114/732-33 йилдан кейин вафот этган) – ал-Балозурийнинг матнида унинг *нисбаси* ал-Жураший (*الجرشي*) шаклида келтирилган. Лекин бошқа манбаларда бу *нисба* ал-Хараший (*الحرشي*) шаклида тўғри ёзилган. 82/701-02 йилда у ал-‘Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф билан бирга ал-‘Ироқ аҳлига қарши чиқди. 101/719-20 йилда у ал-‘Ироқда кўтарилган *хорижий*ларнинг кўзғолонини бостирди. 103 – 104/721 – 723 йилларда иккала ал-‘Ироқ ва Хуросон волийси ‘Умар ибн Хубайра даврида Хуросонга волий этиб тайинланди ва суғдларнинг Дивоштиж (Деваштич) бошчилигидаги кўзғолонини бостирди. Са‘ид ал-Хараший Хужандга қочиб кетган суғдларга нисбатан шафқатсиз кураш олиб борди. У алдов йўли билан уларни қуролсизлантириб, кейин ҳаммасини қириб ташлади. Унинг буйруғи билан 3 мингдан 7 минггача гаровга олинган суғдлар ҳам қатл этилди. Панч ҳукмдори Деваштич ҳам алдов йўли билан ўзининг Муғ тоғидаги мустаҳкам қалъасидан ташқарига чиқарилди ва Рабинжанда қатл этилди. Са‘ид ал-Хараший унга ихтиёрий равишда таслим бўлган Хузор ҳокими Субкарийни ҳам хоинларча ўлдирди. 104/722-23 йилда ‘Умар ибн Хубайра Са‘идни лавозимидан четлатиб, ҳибсга олди. Кейин Холид ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий уни қамоқдан озод этди ва у аш-Шомга қайтди. 112/730-31 йилда халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик уни Арминийа ва Озарбайжонга волий этиб тайинлади ва у ердаги *хазар*ларга қарши урушга юборди. Са‘ид ал-Хараший у ерда 2 йил волий бўлди ва 114/732-33 йилда халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик уни лавозимидан озод қилди. Кўп ўтмай Са‘ид ал-Хараший вафот этди. 161/777-78 йилда Са‘ид ал-Хараший номли яна бир одам Ҳарот амири бўлган. 163/779-80 ёки 166/782-83 йилда у Хуросон волийси Му‘оз ибн Муслим билан бирга ал-Муқанна‘ бошчилигидаги “оқ кийимлилар” кўзғолонини бостиришда фаол иштирок этган. 168/784-85 йилда у 40 минг аскарлик қўшин билан Табаристон ҳукмдорлари Вандо-Ҳурмуз ва Ширвинга қарши урушга юборилди. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, бу манбаларда бир шахс ҳақида сўз юритилган [al-Nasafi: 186 (№ 287); Гардизи: 165]. Лекин уларнинг ҳаёти орасидаги катта давр (тахм. 60 йил) уларнинг ҳар хил шахс бўлганлари ҳақида тахмин қилишимизга асос беради [Халифа ибн Хаййот: 89, 91; al-Beladsori: 206, 207, 311, 333, 427, 428; al-Jakubi: 301; al-Ja‘kubi II: 381; at-Tabari II: 493, 519, 520, 1092, 1093, 1378, 1397, 1436 – 1461, 1531; III: 484, 494, 521, 705; Ibn

A‘tham VIII: 26, 43 – 60; Ибн А‘сам VIII: 232 – 234, 243 – 254, 260; Наршахий: 68; Гардизи: 34 – 35, 46; al-Nasafi: 186 – 187 (№ 287)]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 148, 156 – 158, 167, 168, 185, 186, 321, 323; аз-Зириклий III: 152; Gibb 1923: 62 – 64; Dehkhoda IX: 13660.

4. Са‘ид ибн ‘Амр ал-Ҳараший 103/721-22 йилда Хуросонга волий бўлиб келганда, Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз Самарқанд шахрининг дарвозаси ёнида суғдларга қарши жанг қилаётган эди. Янги волий тайинланганини эшитиб, у жангни тўхтатди ва Самарқандда 1000 отликни қолдириб, орқага қайтди. Са‘ид ал-Ҳараший Хузайнанинг амалдорларидан бирортасига ҳам тегмади [at-Tabari II: 1436 – 1437].

5. Ибн А‘самга кўра, Са‘ид ибн ‘Амр ал-Ҳараший Хуросонга келиб, сулҳни бузганлар билан қайта сулҳ тузди. Кейин у Балх дарёсини кечиб ўтиб, Бухорога келди ва у ерда бир муддат турди. Кейин у Самарқандга келди ва у ерда ҳам маълум вақт турди. Бу ерда унга Фарғона подшоҳи Жиланж арабларга қарши бош кўтаргани ҳақида хабар келди. Са‘ид Фарғонага юриш қилди ва у ердаги бир мустаҳкам қалъанинг ёнига келиб тўхтади. Жиланж ўша қалъага беркинган эди. Са‘ид уни қамал қилди. Кейин Жиланж ундан сулҳ тузишни сўраб, унга итоат этиш, 100 минг дирҳам, 50 та *зулом* ва 50 та чўри бериш ва кўлини бериш мажбуриятини олди. Са‘ид ибн ‘Амр бунга рози бўлди. Ўша куни кечаси араблар хотиржам уйқуга кетганда, Жиланж 5 аскар билан уларга хужум қилиб, бир қанча одамларни ўлдирди. Кейин улар ўртасида шиддатли жанг бошланди. Охири араблар устунликка эришиб, уларни мағлубиятга учратдилар, Жиланж жангда ҳалок бўлди. Араблар катта ўлжа қўлга киритдилар. Са‘ид унинг 1/5 қисми (*хумс*) ни ажратиб, Йазид ибн ‘Абд ал-Маликга юборди, қолганини аскарларга бўлиб берди [Ibn A‘tham VIII: 26 – 27].

6. Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз даврида суғдлар турклар билан бирлашиб арабларга қарши бош кўтарган эдилар. Хуросонга Са‘ид ибн ‘Амр ал-Ҳараший волий бўлиб келганда, уларнинг подшоҳлари, деҳқонлари ва савдогарлари ундан кўрқиб, мол-мулклари ва оилалари билан ас-Суғдни тарк этишга ва Хужанда шахрига кетишга қарор қилдилар [Халифа ибн Хаййот: 89; at-Tabari II: 1439 – 1441].

7. Са‘ид ибн ‘Амр 104/722-23 йилда дарёдан кечиб ўтиб, ад-Дабусий-йадан 2 *фарсах* масофада жойлашган Қаср ар-Риҳ номли қалъага келиб тўхтади. Кейин у Хужандага келиб, унинг қалъасида беркинган суғдларни қамал қилди [at-Tabari II: 1442 – 1443].

8. Матнда: *‘азимуҳум* (عظيمهم) – араб., “уларнинг каттаси”, яъни суғдларнинг бошлиғи, йўлбошчиси. Суғд ер эгаларининг *рутбасида азим* унвони *миҳтар* ва *деҳқон* унвонларидан юқори турган [Смирнова 1970: 39 – 40]. 103/721-22 йилда арабларга қарши кўзғолон кўтарган суғдларнинг йўлбошчиси Дивоштиж (ديواشتج) ёки ад-Дивошти (الديواشتي), яъни Деваштич исмли Бунжикат (Панч) ҳукмдори бўлган. Ат-Табарий уни *диҳқон аҳл Са-*

*марқанд* (دهقان اهل سمرقند) – “самарқандликларнинг деҳқони” деб атаган [at-Tabari II: 1446]. Муғ тоғидан топилган ҳужжатларда ҳам Деваштич *сүвдук MLK’ sm’rknđč MR’Y* – “Суғд подшоҳи, Самарқанд ҳукмдори” деб аталган [Смирнова 1970: 222 – 223]. IX асрда Хуросон ва ал-Машриқнинг исломдан олдинги ҳукмдорлари орасида Зу-н-На‘на‘а (ذو النعنة) лақабли ал-Буттам ҳукмдори қайд этилган [Ибн Хордадбех: 69]. Тахмин қилинишича, бу лақаб аслида Дивоштиж (ديواشتج) деб ўқилиши керак [Гоибов 1984: 107 – 108]. У ҳолда Деваштич дастлаб ал-Буттам ҳукмдори бўлган, ундан кейин Панч (Панжикент) шаҳрида ҳукм сурган. 100/718-19 йилдан кейин у ўзини Суғд подшоҳи ва Самарқанд ҳукмдори деб эълон қилган.

Муғ тоғида топилган араб тилидаги ҳужжатдан маълум бўладики, кўзғолон кўтаришдан олдин Деваштич Хуросон волийси амир ал-Жарроҳ ибн ‘Абдуллоҳ (99 – 100/717 – 719 йилларда ҳукм сурган) нинг *мавлоси* бўлган, яъни унинг ёрдамида ислом динини қабул қилган [Крачковская, Крачковский 1934: 55 – 56]. 102/720-21 йилда Са‘ид ибн ‘Абд ал-‘Азиз Хуросон волийси бўлиб Марвга келганда, Абғар подшоҳи (ملك ابغر), яъни Деваштич унинг олдига Марвга келди. Одамлар ундан Са‘ид ҳақида сўрашганда, у Хузайна (خزينه), яъни “хотин сифат” деб жавоб берди. Шундан кейин унинг лақаби Хузайна бўлди [at-Tabari II: 1418]. Муғ тоғида топилган ҳужжатлар ичида Са‘ид Хузайнанинг лашкарбошиси ‘Абд ар-Раҳмон ибн Субҳнинг Деваштичга суғд тилида ёзган мактуби сақланган [Смирнова 1970: 213 – 139]. Самарқанд ҳукмдори Ғурак ислом динини қабул қилиб, арабларга хизмат қилар эди. Шунинг учун 103/721-22 йилда суғдлар арабларга қарши кўзғолон кўтарганда, Деваштич ўзини бутун ас-Суғд ҳукмдори деб эълон қилди. Суғдлар араблардан қочиб, Фарғонага йўл олдилар. Лекин Фарғона ҳукмдори араблар билан келишиб, суғдларни уларга сотиб берди. 104/722-23 йилда Хуросон волийси амир Са‘ид ал-Ҳараший суғдларнинг кўзғолонини шафқатсиз бостирди. Деваштич одамлари билан Абғар қалъасида беркинди. Са‘ид уларни қамал қилди ва улар таслим бўлдилар. Деваштичнинг эса Самарқанд вилоятидаги Рабинжан шаҳрида қатл этди ва танасини *новус* устига михлаб салб этди [al-Ja‘kubi II: 373; at-Tabari II: 1271, 1441, 1446 – 1448].

Муғ тоғида Деваштич нинг 80 дан ортиқ мактуб ва бошқа ҳужжатлардан иборат шахсий архиви топилган. Ҳужжатларнинг асосий қисми суғд тилида, битта мактуб араб тилида, битта мактуб қадимги туркий тилда ва битта мактуб хитой тилида ёзилган [СДГМ 1962, 1963]. Муғ тоғидан топилган суғд тилидаги ҳужжатларда Деваштич исми *δuw’štuyč* шаклида, араб тилидаги ҳужжатда эса Дивости (ديواستي) шаклида қайд этилган. Суғд тилидаги ҳужжатлардаги маълумотларга кўра, Дивоштижнинг атрофидаги энг нуфузли амалдорлар Ут-тегин, Курчи, Утт каби туркий исмлар [СДГМ II: 17 – 45, 71, 108 – 114, 132 – 156], шунингдек *тархон* ва *тегин* каби унвонлар билан аталган [СДГМ I: 38; II: 69]. Деваштич исми қад. эроний *δuw* –



“дев”, “иблис” ва *ašta* – “ҳаракатламоқ” сўзларидан ясалган бўлиб, “девлар ҳаракатга келтирувчи”, “девона” маъносини билдиради [Фрейман 1952: 461 – 462]. Араб тилидаги манбаларда унинг исми ад-Дивошти (الدیواشتی) шаклида келтирилган. Демак, бу исм аслида *нисба*, яъни ер номидан ясалган от бўлиб, унинг Дивошт номли ердан келиб чиққанлигини билдирган. Деваштичнинг ҳақиқий исми эса маълум эмас. Муғ тоғида топилган ҳужжатларда жуда кўп жой номлари қайд этилган. Лекин улар орасида Деваштич номли ер йўқ. Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасининг илк ўрта асрлардаги топонимларининг кўплари ҳозир ҳам сақланган [Смирнова 1961: 220 – 230]. Демак, ҳозирги топонимияда илк асрларда мавжуд бўлган, лекин Муғ тоғида топилган ҳужжатларда қайд этилмаган жой номлари ҳам бўлиши мумкин. Ҳозирги Панжикент туманининг топонимиясида Давашт-тау номли ер оти сақланган [Смирнова, Боголюбов 1955: 142 – 143]. Эҳтимол Деваштич *нисбали* ҳукмдор шу ердан келиб чиққандир. Унинг асл исми эса бошқа бўлган. Панжикент ҳукмдорлари зарб этган тангаларда Дивоштиж исми қайд этилмаган. Балки у Бидкан (*будк’н MLK*) ёки Бидъан (*буду’н MLK*) [Смирнова 1955: 8; Большаков 1964: 117] ёхуд Африг (*’wr’kk MLK* ёки *’prykk MLK*) номлари остида тангалар зарб этгандир [Ахунбабаев 1986: 81 – 82; Ахунбабаев 1986: 257]. Деваштич ёки унинг иш юритувчиси (*фрамандар*) Утт (*’wtt*) нинг қароргоҳи ҳозирги Гардан-и Ҳисор номли қаср харобалари ўрнида жойлашган. Араблар Деваштичга қарши юриш бошлаганда, Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар айнан шу ердан олиб чиқилган [Якубов 1979: 126 – 151, 166 – 170]. Панч ҳукмдорларининг расмий тили суғд тили бўлган. Муғ тоғида топилган ҳужжатлар ичида қадимги туркий тилда ёзилган ҳужжатнинг мавжудлиги шундан далолат берадики, Деваштич ва унинг атрофидаги амалдорлар туркий тилни яхши билганлар ва ундан расмий ёзишмаларда фойдаланганлар [Бернштам 1951: 65 – 75].

IX асрда Халаф ибн Дивоштиж (خلف بن دیواشتج) исмли одам Насаф вилоятидаги Рухшин (رخشین) қишлоғининг деҳқони бўлган. У машхур *ғозий* бўлган ва 300/912-13 йилда вафот этган [al-Nasafi: 134 (№ 201)]. Эҳтимол у Панч ҳукмдори Деваштичнинг авлоди бўлган. Чунки ҳукмдор оилаларда тахт ворисларига ота-боболарнинг исмини қўйиш одат бўлган. У ҳақида яна қаранг: Смирнова 1970: 240 – 257; Кадырова 1965: 72 – 79; Джалилов 1961: 130 – 147; Якубов 1979: 24 – 55, 100 – 124, 126 – 172; Dehkhoda VIII: 11435.

9. Суғдларнинг бир қисми Са‘иддан сулҳ тузишни ва уларни ўз ерларига қайтаришни сўрадилар. Улар шаҳардан чиқиб, арабларга таслим бўлдилар. Са‘ид суғдларнинг йўлбошчиларидан бирини ўлдирди. Суғдлар ҳам уларнинг қўлига асир тушган 150 га яқин араб аскарларини ўлдирдилар. Шунда Са‘ид суғдларнинг ҳаммасини қатл этишни буюрди. У ердаги суғдларнинг сони 3 ёки 7 минг эди. Улардан фақат 400 та савдогар омон қолди, чунки улар ас-Синдан олиб келган бойликларини Са‘идга бериб, жонлари-

ни сақлаб қолдилар. Қатл этилган суғдларнинг болаларини араблар қул қилиб олиб кетдилар [Халифа ибн Хаййот: 89; at-Tabari II: 1443 – 1446].

10. Са‘ид ал-Хараший Хужандада таслим бўлган суғдларни қатл этгандан сўнг уларнинг бошлиғи Панч ҳукмдори Деваштичга қарши қўшин юборди. Деваштич одамлари билан Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги Қум номли қалъада беркинган эди. Араблар қалъани қамал қилдилар. Деваштич қалъадан чиқиб, арабларга таслим бўлди. Қалъада қолганлар эса араблар билан сулҳ тузиб, қалъани уларга топширдилар. Араблар қалъадаги бор мол-мулкларни сотиб, пулини ўзаро бўлиб олдилар. Кейин Са‘ид Кеш ҳукмдори Вик билан 6 ёки 10 минг бош қул беришга сулҳ тузди. Халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик Са‘ид ал-Харашийга мактуб ёзиб, Деваштични озод этишни буюрган эди. Лекин Са‘ид унга кулоқ солмасдан, Кешдан Рабинжанга келганда, Деваштични қатл этди ва новус устига михлаб салб қилди [at-Tabari II: 1447 – 1453].

### XXXV

#### Муслим ибн Са‘ид

1. *валий ал-‘аҳд* (ولي العهد) – араб., “тахт вориси” [Гиргас 1881: 903]. Араб халифалигида тахт вориси тахтга ўтиргунча энг муҳим вилоятларнинг бирида волий бўлган. Масалан, халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли ал-Ма‘мун 182/798-99 йилда укаси ал-Аминдан кейин тахт вориси деб эълон қилиниб, Хуросон ва ал-Машриқ волийси этиб тайинланди [Беляев 1966: 215]. Бу ҳақида яна қаранг: Ayalon 2002: 125 – 126.

2. Абу-л-Валид Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик ибн Марвон (71 – 125/690 – 743) – Умавийлар (Марвонийлар) сулоласига мансуб 10-араб халифаси, 105 – 125/724 – 743 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. Дамашқда туғилиб ўсган. 105/723-24 йилда у тахтга ўтирган. 120/738 йилда халифа ‘Али ибн Абу Толиб (35 – 40/656 – 661 йилларда ҳукм сурган) нинг авлодларидан бири Зайд ибн ‘Али ибн ал-Ҳусайн ўзининг ал-Куфадаги 14 минг тарафдорлари билан унга қарши чиққан. Ҳишом унга қарши одам юбориб, уни ўлдирган тарафдорларини эса тарқатиб юборган. Унинг ҳукмронлиги даврида араблар Мовароуннаҳрда турк хоқонининг қўшинлари билан шиддатли жанглар олиб борганлар. Натижада турк хоқони ўлдирилди ва араблар унга қарашли бўлган баъзи ерларни босиб олдилар. Ғарбда эса араблар Франциягача борганлар. Лекин 113/731-32 йилда франклар билан бўлган жангда мағлубиятга учраб, орқага қайтишга мажбур бўлганлар. Ўзининг ҳукмронлиги давомида Ҳишом яхши сиёсат олиб борган ва Умавийлар (Марвонийлар) ичида давлат ғазнасига энг кўп бойликлар ва пуллар келтирган халифа бўлган [al-Ya‘qubi: 20; al-Ja‘kubi II: 331, 360, 376, 377, 379 – 397, 427, 445; ал-Йа‘кубий II: 331 – 346; ал-Балозурий: 40; ад-Динаварий: 334; at-Tabari I: 2815, 2817; II: 838, 1174, 1185, 1343, 1344, 1414, 1452, 1463,

1466 – 1751, 1766, 1770; al-Masudi: 322 – 323; el-Maqdisi VI: 49; al-Osyooti: 248 – 251; История халифов: 197а – 214б; Арабский аноним: 245а, 246б, 256б, 257а]. У ҳақида яна қаранг: Gabrieli 1971: 493 – 495; Большаков 2010: 91, 139, 163 – 231, 241, 278, 306, 323 – 331; Босворт 1971: 29 – 31; Беляев 1966: 165, 198 – 201, 213; ал-Зириклий IX: 84 – 85.

3. Абу-л-‘Аббос ал-Валид II ибн Йазид II ибн ‘Абд ал-Малик ибн Марвон (88 – 126/707 – 744) – Умавийлар (Марвонийлар) сулоласига мансуб 11-араб халифаси, 125 – 126/743 – 744 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. У халифа Ҳишом даврида давлат ғазнасида йиғилган беҳисоб бойликлар ва пулларни турли маишат ва айш-ишратларга сарфлаган. Давлат ишлари билан шуғулланиш ўрнига у овга чиқар, майхўрлик қилар ва мушоиралар ўтказар эди. У ҳатто Маккадаги муқаддас ал-Ка‘ба ибодатхонасида ҳам май ичмоқчи бўлган эди. Шунинг учун 126/743-44 йилда Йазид III ибн ал-Валид I ибн ‘Абд ал-Маликнинг тарафдорлари уни тахтдан ағдариб, Иорданиядаги ан-Ну‘мон ибн Баширнинг саройида ўлдирганлар. Унинг боши Дамашқга келтирилган ва жоме‘ масжидига қўйилган [al-Ya‘qubi: 21; al-Ja‘kubi II: 371, 376, 377, 393, 394, 397 – 401; ал-Йа‘қубий II: 347 – 350; at-Tabari II: 838, 1192, 1359, 1463, 1572, 1713, 1740 – 1812, 1819 – 1826, 1831, 1834, 1836; al-Masudi: 323 – 325; el-Maqdisi VI: 51 – 52; al-Osyooti: 251 – 253; История халифов: 214б – 223а; Арабский аноним: 257а – 258а]. У ҳақида яна қаранг: Kennedy 2002: 128; Большаков 2010: 163, 212, 223 – 239, 286, 329, 330; Босворт 1971: 29 – 31; Беляев 1966: 201; аз-Зириклий IX: 145; Hamilton 1988.

4. Абу-л-Мусанно ‘Умар ибн Ҳубайра ибн Са‘д ибн ‘Адий ал-Фазорий – ал-‘Ироқ ва Хуросон волийси (103 – 105/721 – 723 йилларда ҳукм сурган), уни Ибн Ҳубайра деб ҳам атаганлар (тахминан 110/728-729 йилда вафот этган). Унинг келиб чиқиши аш-Шомдаги бадавий қабилалардан бўлган ва ‘Амр ибн Му‘овийа ал-‘Уқайлий билан бирга ар-Румга юриш қилган. Кейин у ал-Ҳажжож ибн Йусуф ас-Сақафийнинг душмани Мутарриф ибн ал-Муғирани қатл этишда иштирок этди ва унинг бошини ўзи халифа ‘Абд ал-Малик ибн Марвонга етказди. ‘Абд ал-Малик бундан хурсанд бўлиб, унга Дамашқ вилоятидаги Бурза номли қишлоқда *икто*‘ мулки сифатида ер ҳадя қилди. ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз халифа бўлганда уни ал-Жазирага волий этиб тайинлади. Ибн Ҳубайра ал-Жазирага бориб, Арминийага қарши фатҳ урушлари олиб борди ва у ерда кўп асирларни қўлга киритди. Йазид ибн ‘Абд ал-Малик халифа бўлганда, уни ал-‘Ироқ ва Хуросон волийси этиб тайинлади. Унинг қароргоҳи ал-Куфа шаҳрида эди. 105/723-24 йилда Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик уни лавозимидан бўшатиб, ўрнига Холид ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрийни волий этиб тайинлади. Холид уни ҳибсга олиб, Восит шаҳридаги қамоққа ташлади. Унинг ғуломлари қамоқ тагидан йўл қазиб, унга от келтирдилар. У ўғли Йазид билан қамоқдан қочиб, аш-Шомга борди ва Маслама ибн ‘Абд ал-Маликдан уни ҳимоя

қилишини сўради. Маслама воситачилик қилгандан кейин халифа Хишом Ибн Хубайрани кечирди ва таъқиб қилмади [al-Jakubi: 301; al-Ja'kubi II: 359, 360, 374, 376, 378, 387; at-Tabari II: 209, 210, 457, 833, 973, 996 – 1000, 1306, 1315, 1349, 1433 – 1461, 1481, 1488; Macoudi V: 458; Гардизи: 20, 34 – 35; Та'рих-и Систан: 141; Ибн Халликон II: 71, 72, 203, 204, 229; III: 15, 488; VI: 243, 280; Ибн Халдун III: 103]. Халифа Марвон II ибн Муҳаммад ал-Химор даврида унинг ўғли Абу Холид Йазид ибн 'Умар ал-Фазорий (128 – 131/745 – 749 йилларда ҳукм сурган) иккала ал-'Ироқ, Хуросон ва Сижистон волийси этиб тайинланган [Та'рих-и Систан: 147]. У ҳақида яна қаранг: Vadet 1971: 802; Большаков 2010: 131, 133, 156, 158, 164, 165, 175, 320, 321; аз-Зириклий V: 230 – 231; Bosworth 1968: 70; Gibb 1923: 62; Dehkhoda I: 401.

5. Са'ид ал-Хараший ал-'Ироқ волийси 'Умар ибн Хубайрани менсимасдан, унга мулозамат қилмас ва ўзини унга тенг деб билар эди. 'Умар бундан қаттиқ ғазабга келди ва уни вазифасидан четлатди. Кейин уни ҳибсга олиб, қийноққа солди ва ундан Хуросонда йикқан пулларини ундириб олди [at-Tabari II: 1454 – 1457]. Ибн А'самга кўра, Йазид ибн 'Абд ал-Малик Са'ид ал-Харашийни вазифасидан четлатиб, ўрнига 'Абд ар-Раҳмон ибн Сулайм ал-Килобийни Хуросон волийси этиб тайинлади. Кейин уни ҳам Хуросондан четлатиб, яна Са'ид ал-Харашийни тайинлади [Ibn A'tham VIII: 27].

6. Муслим ибн Са'ид ибн Аслам ибн Зур'а ибн 'Амр ибн Хувайлид ас-Со'иқ ал-Килобий – 104/722-23 йил охиридан 106/724-25 йилнинг бошигача Хуросон волийси бўлган. Унинг бобоси Аслам ибн Зур'а ал-Килобий халифа Му'овийа (41 – 60/661 – 680 йилларда ҳукм сурган) ва ал-'Ироқ волийси 'Абдуллоҳ ибн 'Омир даврида 43/663-64 йилда Хуросонда хирож ишлари бўйича мас'ул, 45/665-66 йилда Хуросондаги шаҳарларнинг бирида ҳоким, 54/673-74 йилда Хуросон волийси 'Убайдуллоҳ ибн Зийоднинг ноиб, 55/674-75 йилда эса Хуросон волийси этиб тайинланган ва бу лавозимида 57/676-77 йилгача қолган. Муслим ибн Са'ид ёшлигида унинг отаси Са'ид ибн Аслам ал-'Ироқда ўлдирилди. Шундан кейин у иккала ал-'Ироқ волийси ал-Ҳажжож ибн Йусуф кўлида унинг ўғли билан бирга тарбияланди ва ўқиди 103/721-22 ёки 104/722-23 йилнинг охирида ал-'Ироқ волийси 'Умар ибн Хубайра Муслим ибн Са'ид Хуросон волийси этиб тайинлади. 105/723-24 йилда у туркларга қарши юриш қилди, лекин улардан мағлубиятга учраб, Марвга қайтиб келди. Турклар унинг қўшинларининг кетидан Балх дарёси (Амударё) гача қувлаб келдилар. Кейин у Суғд шаҳарларидан бири бўлган Афшинага юриш қилиб, унинг ҳукмдори билан сулҳ тузди. Сулҳ шартларига кўра, Афшина ҳукмдори унга 300 минг бош қул бериши ва шаҳар қалъасини топшириши керак эди. 106/724-25 йилда Муслим ибн Са'ид яна туркларга қарши юриш қилди. У Амударёдан кечиб ўтиб, Бухорога етганда, ўзининг ал-'Ироқ волийси этиб тайинланган

ни ҳақида хабар келди. Лекин Муслим ўзининг юришини давом этдириб, Фарғонага йўл олди. У ердаги Водий ас-Сабух номли ерда у турк хоқонининг кўшини билан тўкнашди. Қисқа бўлиб ўтган жангда турклар ғалаба қозондилар ва кўп араб аскарларини қириб ташладилар. Бу жангда араблар билан бирга бўлган Суғд *ихшиди* Ғуракнинг укаси ҳам ҳалок бўлди. Муслим ўзининг одамлари билан зўрға қочиб кутулди. Турклар уларнинг кетидан қувиб, уларни ҳар томондан қуршаб олдилар. Араблар бир дарё лабига етганда, у ерда уларга фарғоналиклар ва шошликлар қарши чиқдилар, лекин жангга киришмасдан тарқалиб кетдилар. Араблар орқадан келаётган турклар билан жанг қилиб, турк хоқонининг ўғлини ва суғдларнинг бошлиғини асирга олдилар. Кейин араблар дарёдан кечиб ўтиб, Хужандага келдилар. 107/725-26 йилда Муслим ибн Са‘ид Хуросонни тарк этиб, ал-‘Ироқга кетди [Халифа ибн Хаййот: 91, 92; al-Jakubi: 301; al-Ja‘kubi II: 374; ал-Йа‘қубий II: 327; at-Tabari II: 65, 81, 168, 172, 180, 1453 – 1463, 1473, 1477 – 1488; Ibn A‘tham VIII: 28; Ибн А‘сам VIII: 234; Гардизи: 28, 35; Ибн Халдун III: 106 – 107]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 158, 165, 170 – 172, 324; Gibb 1923: 64.

7. Муслим ибн Са‘ид 104/722-23 йилнинг охирида Хуросонга келиб, Са‘ид ал-Ҳарашийни ва унинг амалдорларини ҳибсга олди ва уларни ‘Умар ибн Ҳубайра олдига юборди [at-Tabari II: 1457 – 1461].

8. Афшин (افشين) – Уструшананинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорларининг сулолавий унвони *афшин* бўлган [Ибн Хордадбех: 69; Бируни 1957: 111]. Бу унвон ҳақида қаранг: Абаев 1959: 112 – 116; Смирнова 1961: 55 – 70; Barthold, Gibb 1960: 241; Dehkhoda II: 3080. ат-Табарийга кўра, 105/723-24 йилда Муслим ибн Са‘ид дарёдан кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрга юриш қилди, лекин у ерда ҳеч нарса кўлга кирита олмади ва турклардан қочиб, орқасига қайтди. Кейин у ас-Суғддаги Афшина (افشينة) номли шаҳарга юриш қилиб, унинг ҳукмдори ва аҳолиси билан сулҳ тузди [at-Tabari II: 1462 – 1463].

9. ат-Табарийга кўра, Муслим ибн Са‘ид Афшина ҳукмдори билан 3 минг бош қул бериш ва қалъани арабларга топшириш шарти билан сулҳ тузди [at-Tabari II: 1463].

10. ат-Табарийга кўра, Муслим ибн Са‘ид Марвга 105/723-24 йилнинг охирида кетди [at-Tabari II: 1463].

11. 106/724-25 йилда Муслим ибн Са‘ид яна дарёдан кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрга юриш бошлади. Балх ҳокими ‘Амр ибн Муслим ва бошқа араблар бу юришда иштирок этиш учун Муслим ёнига келишга шошилмадилар. Шунда Муслим Мовароуннаҳрдан орқага Наср ибн Саййорни кўшин билан юборди [at-Tabari II: 1473].

12. Наср ибн Саййор Балхга етиб келганда, ‘Амр ибн Муслим уни шаҳарга киритмади. Наср Балхдан 2 *фарсах* масофада жойлашган Баруқон номли ерда тўхтади. Унга қарши чиққан *бакр*, *раби‘а* ва *ал-азд* қабилала-

рининг қўшини ҳам шу ерга етиб келди. Улар Балх ҳокими ‘Амр ибн Муслимнинг тарафдорлари эдилар. Улар Наср ибн Саййор билан жанг қилдилар. Бу жангда ‘Амр ибн Муслим ва унинг тарафдорлари мағлубиятга учрадилар ва ‘Амр қалъага беркиниб, ўзи учун омонлик сўради. Наср унга ва унинг тарафдорларига омонлик кафолатини берди ва шафқат қилди [ал-Йа‘қубий II: 327; at-Tabari II: 1474 – 1477].

### XXXVI

#### Холид ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий

1. Абу-л-Ҳайсам Холид ибн ‘Абдуллоҳ ибн Йазид ибн Асад ал-Қасрий (66 – 126/686 – 744) – икки марта иккала ал-‘Ироқ, Сижистон ва Хуросон волийси бўлган, 105 – 109/723 – 728 ва 117 – 120/735 – 738 йилларда ҳукм сурган. Унинг асли ал-Йамандан бўлиб, кейин Дамашқда яшаган. 89/707-08 йилда халифа ал-Валид ибн ‘Абд ад-Малик (86 – 96/705 – 715 йилларда ҳукм сурган) даврида у Макка волийси этиб тайинланди. 105/723-24 йилда халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик (105 – 125/723 – 743 йилларда ҳукм сурган) даврида эса иккала ал-‘Ироқ, Сижистон ва Хуросон волийси этиб тайинланди. Холид ўзи ал-‘Ироқда қолиб, ал-Куфада ҳукм сурди, Хуросонга эса укаси Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрийни юборди. Сижистонда унинг номидан Хил ибн Ҳаммод ал-Фатагоний ҳукм сурди. 120/737-38 йилда у лавозимидан четлатилиб, ҳибсга олинди ва 126/743-44 йилда халифа ал-Валид ибн Йазид (125 – 126/743 – 744 йилларда ҳукм сурган) даврида қатл этилди [Халифа ибн Хаййот: 92, 99; al-Jakubi: 301, 302; al-Ja‘kubi II: 340, 341, 347, 351 – 353, 376 – 380, 383, 384, 387 – 391, 397, 400; ал-Йа‘қубий II: 334, 340; ал-Балозурий: 40; ад-Динаварий: 334, 336, 343 – 346; at-Tabari I: 1101; II: 360, 628, 1196, 1230, 1234, 1305, 1382, 1477, 1482, 1488, 1497 – 1504, 1545, 1552, 1573 – 1582, 1593, 1604, 1615, 1616, 1635; Masoudi V: 278, 399, 400, 410 – 414; Ибн А‘сам IV: 314; VIII: 239, 240, 268, 270, 273, 274, 277, 278, 283, 305; Арабский аноним: 259аб; Гардизи: 20, 35, 36; Та‘рих-и Систан: 141 – 143; Jacut I: 644, 796; II: 424; IV: 93, 368, 408, 499; Ибн Халликон II: 226 – 231 (№ 213); Ибн Халдун III: 82 – 83]. У ҳақида яна қаранг: Hawting 1978: 925 – 927; Большаков 2010: 35, 123, 132, 149, 151, 164, 173, 178, 191, 195 – 197, 206, 226, 293, 329; аз-Зириклий II: 338; Gibb 1923: 65; Dehkhoda VI: 9359.

2. Абу Мунзир Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий (ёки ал-Қушайрий) ал-Бажалий (120/737-38 йилда вафот этган) – Дамашқда туғилиб ўсган, арабларнинг Хуросонда олиб борган фатҳ урушларида фаол қатнашган. 90/708-09 йилда Асад ибн ‘Абдуллоҳ Балх шахрини ва ундаги Навбахор ибодатхонасини вайрон қилишда иштирок этган. Ўшанда араблар мазкур ибодатхонадаги 400 га яқин брахман (коҳин) ларни ўлдирганлар. 98/716-17 йилда халифа Сулаймон даврида Журжон ҳокими бўлган. Ҳишом ибн ‘Абд ал-

Малик (105 – 125/724 – 743 йилларда хукм сурган) халифа бўлганда, унинг акаси Холид ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий (105 – 120/723 – 738 йилларда хукм сурган) ни ал-‘Ироқ ва ал-Машриқ волийси этиб тайинлаган. Унинг хукмронлиги даврида Асад ибн ‘Абдуллоҳ икки марта Хуросон волийси бўлган (106 – 109/724 – 727 йй. ва 117 – 120/735 – 738 йй.). У Нишопур вилоятида Асадобод номли қишлоққа асос солган. 107/725-25 йилда Асад ибн ‘Абдуллоҳ ўзи вайрон қилган Балх шаҳрининг ички қалъаси (*қуҳандиз*) ва ички шаҳар (*мадина*) қисмларини қайта қуришни буюриб, у ерга Баруқондан араб аскарларини ва девонларни кўчирди. 118/736 йилда у халифа Ҳишом ибн ибн ‘Абд ал-Маликдан рухсат сўраб, Балхнинг ташқи шаҳар (*рабад*) қисмини қайта қурдирди [Ахмедов 1982: 17]. Балхнинг қайта қурилиши босқинчиларнинг ўзлари вайрон қилган шаҳарни яна қайта қурганларининг ягона мисолидир [Бартольд 1963а: 119]. 108/726-27 йилда Асад ал-Хутталга юриш қилиб, у ерда турк хоқони билан тўқнашди, лекин мағлубиятга учраб Балхга қайтиб келди. 117/735 йилда турк хоқони бошчилигидаги кўшинлар Хуросонга ҳужум қилиб, Марв ар-Рудгача келдилар. Асад уларга қарши шиддатли жанглар олиб борди ва Хуросондан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди. 119/737 йилда у ал-Хутталга юриш қилиб, у ерда турк хоқони билан тўқнашди ва уни жангда ўлдирди. Асад у ердан кўп бойликлар ва асирлар қўлга киритиб Балхга қайтди. Асад ибн ‘Абдуллоҳ 120/738 йилда акаси Холид ҳибсга олинишидан биров олдин Балхда вафот этди. Бошқа араб волийларидан фарқли равишда Асад ибн ‘Абдуллоҳ маҳаллий аслзодалар билан ҳамкорлик қилиш сиёсатини олиб борди. Хусусан, у Балх шаҳрини ва Навбахор ибодатхонасини қайта қуриш ишларини Бармакийлар оиласининг вакилига топширди. Сомонийларнинг бобокалони Сомон-худот ҳам унинг олдига келиб, ўзининг Балхдаги душманларига қарши курашда ёрдам беришни сўраган. Асад унинг Балхдаги душманларини енгишда унга ёрдам берган. Кейин Сомон-худот унинг кўлидан ислом динини қабул этган ва ўғлини унинг шарафига Асад деб атаган [Халифа ибн Хаййот: 92, 96, 99; al-Jakubi: 301, 302; al-Ja‘kubi II: 383; ал-Йа‘кубий II: 334; ад-Динаварий: 281, 334, 335; at-Tabari II: 1206, 1477, 1480 – 1494, 1497 – 1502, 1573 – 1638, 1647, 1650, 1661, 1743, 1858 – 1860, 1920; Ибн А‘сам VIII: 239, 283; Наршахий: 56, 57, 69; Гардизи: 36; Арабский аноним: 259б; Jacut I: 245; II: 72; III: 193, 442; Ибн Халдун III: 52 – 53, 108, 116 – 120]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 165, 171 – 173, 192 – 195, 197, 200, 204, 205; Gibb 1960: 684 – 685; аз-Зириклий I: 291; Gibb 1923: 66 – 67, 77 – 84; Dehkhoda II: 2249.

3. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, Муслим ибн Са‘ид Фарғонага 106/724-25 йилда юриш қилди ва Водий ас-Сабух номли ерга келди. [at-Tabari II: 1478 – 1486].

4. *мадина* (مدينة) – араб., “шаҳар”, “бош шаҳар”, “пойтахт” (Бу ҳақида III, 16, 144, XI, 8 ва XXV, 30-изоҳларга қаранг). Исломга қадар Фарғонанинг пойтахти Косон (كاسان) шаҳри бўлган. У ҳақида XXV, 9-изоҳга қаранг.

5. \*...<sup>5</sup> Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган.

6. *марҳала* (مرحلة) – араб., “босқич”, яъни қарвонларнинг бир кунда босиб ўтган йўли [Гиргас 1881: 292]. 1 *марҳала* тахминан 3 – 5 *фарсахга*, яъни йўлнинг қандай ерлардан ўтганлигига қараб, 20 – 35 км га тенг бўлган. Бу ҳақида яна қаранг: EI VI: 558 – 559; Dehkhoda XIII: 20624.

7. ал-Йа‘қубийга кўра, Муслим ибн Са‘ид Фарғонага юриш қилди, лекин у ерда ҳеч нарсани кўлга кирита олмади. У Фарғонадан қайтаётганда, турклар ва фарғоналиклар уни таъқиб қилдилар ва уларга хужум қилиб, қаттиқ жанг қилдилар [ал-Йа‘қубий II: 327]. ат-Табарийга кўра, Муслим ибн Са‘ид турклардан қочиб, Водий ас-Сабух номли дарёдан кечиб ўтди. Бу ерда унинг аскарларига турк ҳоконининг кўшини хужум қилиб, уларни қириб ташлади ва отларини олиб кетди. Муслимнинг энг яхши аскарлари ва лашкарбошилари ҳалок бўлдилар. Улар ичида ас-Суғд ҳукмдори Ғуракнинг укаси ҳам бор эди. Қолган аскарлар Муслимга қарши бош кўтариб, уни ҳайдаб юбордилар. Муслим уларни тарк этиб, бир гуруҳ одамлари билан 8 кун юрди. Турклар уларнинг кетидан таъқиб қилиб бордилар. 9-куни араблар дарё ёқасига етиб келдилар. Дарёнинг орқасида эса Фарғона ва аш-Шош аскарлари турган эди. Араблар дарёдан кечиб ўтдилар, турклар эса уларнинг кетидан бордилар. Араблар дарёнинг нариги соҳилига етиб борганда, орқадан келаётган туркларга хужум қилдилар ва суғдларнинг бошлиғи, туркларнинг лашкарбошиси ва яна бир қанча одамларни асирга олдилар. Кейин улар оч қолиб ва ҳолдан тойиб Хужандага етиб келдилар [at-Tabari II: 1478 – 1480].

8. \*...<sup>8</sup> Бошқа манбаларда бу шеър келтирилмаган.

## XXXVII

### Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий

1. Асад ибн ‘Абдуллоҳ 106/724-25 йилда Хуросонга волий бўлиб келгандан кейин дарёдан кечиб ўтиб, Самарқандга келди. Бу ерда унинг олди-га Фарғонадан Муслим ибн Са‘ид келди ва унга итоат билдирди. Асад унга тегмади ва ҳибсга олмади. Кейин Муслим у билан бирга Марвга кетди [at-Tabari II: 1484 – 1485]. Ибн А‘самга кўра, Ҳишом Холид ибн ‘Абдуллоҳга мактуб ёзиб, укаси Асад Марвдан ғайридинларга қарши жиҳод урушига чиқишини буюрди. Асад мусулмонларни йиғиб турклар ва суғдларга қарши юришга чиқди, лекин ҳеч қандай натижага эришолмасдан қайтиб келди. Кейинги йилда у яна уларга қарши юриш қилди ва яна натижасиз Марвга қайтди [Ibn A‘tham VIII: 97 – 98].



2. ал-Ҳасан ибн Абу-л-‘Амаррата ал-Киндий – арабларнинг Акил ал-Мурар хонадонининг авлоди. 104/722-23 йилда у Хуросон волийси Са‘ид ибн ‘Амр ал-Ҳараший (103 – 104/721 – 723 йилларда ҳукм сурган) билан бирга Деваштич бошчилигидаги ас-Суғд деҳқонларининг қўзғолонини бос-тиришда иштирок этди. 106/724-25 йилда Хуросон волийси Асад ибн ‘Абдуллоҳ (106 – 109/724 – 728 йилларда ҳукм сурган) уни Самарқанд ҳокими этиб тайинлади. У Самарқандда ҳарбий ва хирож ишлари учун масбул эди. 110/728-29 йилда Хуросон волийси Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламий (109 – 111/727 – 729 йилларда ҳукм сурган) уни хирож ишларидан озод этиб, ўрнига бошқа одамни тайинлади. Кейин ундан ҳарбий ишлар бошқарувини ҳам тортиб олиб, бошқа одамга берди [at-Tabari II: 1446, 1485, 1507 – 1509]. У ҳақида яна қаранг: Gibb 1923: 67 – 68; Большаков 2010: 171 – 172.

3. *хутба* (خطبة) – ‘араб. “ваъз”, “хутба”, яъни имом-хатибнинг жум‘а намози олдидан ўқийдиган панд-насихатлардан иборат маърузаси. Унда Аллоҳ Та‘оло ва унинг расули Муҳаммад пайғамбарга такбир айтилгандан кейин ўша вақтда тахтда ўтирган халифа ва унинг *хутба* ўқиладиган шаҳардаги волийси мадҳ этилади Жум‘а намоз олдидан *хутба*нинг ўқилиши сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, унда халифа ёки унинг волийсини зикр этмаслик қонунни бузиш ва исён кўтариш деб ҳисобланган [Мец 1966: 25; Rosental 1973: 2; Sultanov 2000: 3; Давидович 1953: 51; 1968: 281]. Араб халифалигининг маъмурий тизимида вилоятларнинг марказий ҳокимиятга бўйсуниб қоидаларини назорат қилиб турувчи махсус девон бўлиб, бу қоидаларга ҳамма волийлар қатъий амал қилган. Х<sup>в</sup>оразмшоҳ Муҳаммад ибн Такаш (597 – 617/1200 – 1220 йилларда ҳукм сурган) 617/1220 йилда халифа ан-Носир билан низога бориб, халифани ўлган деб эълон қилди ва Ўрта Осиё шаҳарларида унинг исмини *хутба*дан чиқариб ташлади [Ибн ал-Асир XII: 145]. Бу ҳақида яна қаранг: Wensinck 1986: 74 – 75; Халидов 1991: 285; Dehkhoda VII: 9868.

4. Самарқанд ҳокими ал-Ҳасан ибн Абу-л-‘Амаррата хотини ал-Жанубни кутиб олиш учун шаҳардан чиқди. Бу ерда уларга туркларнинг 7 минглик қўшини ҳужум қилди. Одамлар унга: “Бу лаънати турклар яна сенга ҳужум қилдилар”, – дедилар. У эса: “Улар бизнинг олдимизга келгани йўқ, биз уларнинг ерига келиб, уни босиб олдик ва уларни кулга айлантирдик. Мен қасам ичаманки, сизларни улар билан яқинлаштираман ва сизларнинг отларингизни уларнинг отлари билан ёнма-ён қўяман”, – деб жавоб берди [at-Tabari II: 1485 – 1486].

5. Ибн Хаййотга кўра, 108/726-27 йилда Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ғур (الغور) вилоятига юриш қилиб, унинг аҳли билан жанг қилди ва уларни мағлубиятга учратди [Халифа ибн Хаййот: 92].

6. Нимруд (نمرود) – Бу ерда Нимруд вилоятидаги тоғлар назарда тутилган. Сосонийлар даврида Эрон дунёнинг 4 томонига қараган 4 қисм (*kūst*)

га бўлинган – шимолда Апахтар (*apaxtar*), Бахтар (بختر) ёки Атурпотакон (*Āturpatakān*), яъни Озарбайжон (آذربيجان), жанубда Немроч (*nēmroč*) ёки Нимруз (نيمروز), ғарбда Хобарон (*xvarbarān*), Мағриб (مغرب) ёки Эрон (ايران) ва шарқда Хуросон (*xvarāsān*) [Тарих-и Систан: 64; Гардизи: 17]. Ибн Рус-тега кўра, Нимруз (نيمروز) сўзи форс тилида “жануб” маъносини билдирган [Ibn Rosteh: 103]. Немроч (*nēmroč*) вилоятида Кобул (*Kāpul*), Рахват (*Raxvat*), Баст (*Bast*), Фрах (*Frāh*), Зранг (*Zrang*), Кермон (*Krmān*), Веҳ-Арташир (*Vēh-Artašēr*), Стахр (*Staxr*), Дарабкерт (*Dārāpkert*), Веҳ-Шохпур (*Vēh-Šāhpuhr*), Гор-Арташир-Хварре (*Gōr Artašīr-xvarrēh*), Тавпак (*Tavpak*), Оҳормизд-Арташирон (*Ohormizd-Artašīrān*), Рам-Оҳормизд (*Rām-Ohormizd*), Шос (*Šos*), Шостар (*Šostar*), Ванд ийог Шохпур (*Vand iyōg Šāhpuhr*), Эран-хварре-керт Шохпур (*Ērān-xvarrēh-kert-Šāhpuhr*), Нахр-Тирак (*Nahr-Tīrak*), Самрон (*Samrān*), Аросп (*Arāsp*), Асур (*Asūr*), Гай (*Gay*), Эран-асанкерт-Кават (*Ērān-asan-kert-Kavāt*) ва Ашкар (*Aškar*) каби шаҳарлар бўлган [Markwart 1931: 16 – 22]. Ривоятга кўра, қадимги Бобил (Вавилон) да Немврод исми подшоҳ ҳукмронлик қилган. У Нуҳ пайғамбарнинг набираси Кушнинг ўғли ва Ҳомнинг набираси бўлган [Бируни 1957: 103, 111; al-Khowarezmi: 125]. Эҳтимол, Нимруд (Немроч) вилоятининг номи шу подшоҳнинг исми билан боғлиқ бўлгандир.

Ўрта асрларда Нимруд (نمروذ) номи билан қадимги юнон манбаларида қайд этилган Дрангиана (*Drangiana*) вилоятининг ерлари назарда тутилган. Бошқа манбаларда бу вилоятнинг номи ан-Найруд (النيرود) [at-Tabarī II: 1532] ва Нимруз (نيمروز) [Jacut IV: 870], форс тилидаги манбаларда эса Нимруз (نيمروز) ёки Ним Руз (نيم رود) шаклида қайд этилган [Худуд ал-‘Алем: 31а; Гардизи: 89, 106; Байхаки: 90, 385, 515; Сиасет-намэ: 115, 116, 120, 123, 153, 167; Махмуд ибн Вали: 49, 51]. Бу вилоят Ҳилманд дарёсининг қуйи оқими ҳавзасида жойлашган бўлиб, ўрта асрларда Систон (سيستان), араб тилидаги манбаларда эса Сижистон (سجستان) деб аталган. Унинг таркибига шунингдек Куҳистон, ар-Руххаж (الرخج) (ҳозирги Белужистон) ва Забулистон тоғли ўлкалари ҳам киритилган. Ҳилманд дарёсининг номи манбаларда Ҳирманд (هيرمند) ёки ал-Ҳиндманд (الهندمند) қайд этилган [Jacut IV: 992 – 993]. Бу вилоятнинг бош шаҳри Заранж (زرنج) Заранг (زرنگ) деб аталган [Ибн Хордадбех: 73, 74; Истахрий 1348: 192 – 198; Бируни 1963: 196; Беруни 1973: 457; ас-Сам‘оний VI: 272; Jacut II: 926]. Ўрта форс (пахлавий) манбаларида унинг номи Заранг (*Zrang*) шаклида қайд этилган [Markwart 1931: 18]. Бу шаҳарнинг номи шу ерда яшаган қадимги халқ номи билан боғлиқ бўлиб, юнон манбаларида у *drang* ёки *sarang*, Доро I битигида эса *zaranka* шаклида қайд этилган [Бартольд 1971: 260 – 261]. IX – X асрларда Заранж шаҳри Сижистондаги энг катта шаҳар бўлиб, 3 қисмдан (*қуҳандиз*, *мадина* ва *рабад*) иборат бўлган ва унинг ҳамма қисмлари мудофаа деворлари билан ўралган [al-Istakhri: 238 – 242; 247 – 252, 265, 283; Ibn Haukal: 411 – 425; al-Moqaddasi: 50, 297, 305, 329, 333].

Бу шаҳарнинг харобалари ҳозирги Афғонистоннинг жануби-ғарбий қисмида Эрон ҳудудидаги Зоҳидон шаҳри билан Ҳилманд дарёсининг ўртасида Над-Али қалъасининг ёнида жойлашган [Le Strange 1905: 335]. Ироқдаги ал-Мавсил шаҳридан 30 км жанубда жойлашган сурёнийлар даври (м.а. IX – VIII асрлар) га мансуб қадимги шаҳар харобалари ҳам Нимруд деб аталади [Richardson 1995: 49]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1971: 86, 261; Meunard 1861: 583; Колесников 1982: 115.

7. Бу маълумот бошқа манбаларда келтирилмаган.

8. Ибн Хайётга кўра, 107/725-26 йилда Асад ибн ‘Абдуллоҳ Ғарсабистон (غرسبستان) га юриш қилди. Араблар у ерда қаттиқ очликни бошдан кечирдилар ва қийинчиликлар билан орқага қайтиб келдилар [Халифа ибн Хайёт: 92]. Афтидан, бу ерда арабларнинг ал-Хутталга қилган юриши назарда тутилган. Ғарсабистон номи аслида Ғаржистон (غرجستان) бўлса керак. Ўрта асрларда бир нечта тоғли ўлкалар Ғаржистон – “тоғли ўлка” деб аталган. Хуросондаги Қухистон вилоятидаги тоғлар, Зарафшон дарёсининг юқори оқими ҳавзасидаги тоғлар шулар жумласидандир. Балки ал-Хуттал тоғлари ҳам ўрта асрларда Ғаржистон деб аталгандир.

9. Асад ибн ‘Абдуллоҳ Балхни 90/708-09 йилда харобага айлантирган эди [at-Tabari II: 1206]. 107/725-26 йилда унинг ўзи Хуросон волийси этиб тайинланганда шаҳарни қайта тиклашни буюрди ва бу ишни бошқаришни Навбахор ибодатхонасининг бош қоҳини Бармакга топширди. Шаҳарнинг қуҳандиз ва мадина қисмлари қайта тиклангандан кейин унга Балх яқинидаги Буруқон номли қишлоқда турган араб аскарлари кўчириб келинди [at-Tabari II: 1490]. Хуросон вилоятининг ҳамма девонлари, яъни бошқарув органлари ҳам бу ерга кўчирилди [al-Beladsori: 428]. 118/736-37 йилда Асад ибн ‘Абдуллоҳ иккинчи марта Хуросон волийси этиб тайинланганда, у шахсан халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малиқдан рухсат сўраб, Балх шаҳрини тиклаш ишларини давом этдирди [Ахмедов 1982: 17]. Балх шаҳрининг араблар томонидан қайта тикланиши тарихда босқинчилар ўзлари вайрон қилган шаҳарни ўзлари тиклаганининг ягона мисолидир [Бартольд 1963а: 119].

10. *девон* (ديوان) – араб., “шеърлар тўплами”, шунингдек, “ҳисоб-китоб дафтари” “давлат идораси”, “муассаса”, яъни иш юритиш ва ёзишмалар билан шуғулланувчи ташкилот [Гиргас 1881: 266]. Илк бор девонлар халифа ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврида жорий этилган бўлиб, унда давлатдан нафақа олиш ва аскарларга маош бериш ишлари рўйхатга олинган. Умавийлар даврида девон ишлари яна ҳам такомиллашиб, бошқарув тизимининг таркибий қисмига айланган. Янги-янги ерларнинг фатҳ этилиши, ўлжа сифатида, шунингдек *хирож* ва *жизйа* шаклида келиб тушган катта маблағлар, уларни рўйхатга олиш ва тартибга солишни тақозо этган эди. Араб халифалигининг бошқарув тизими Сосонийлар давлатининг бошқарув тизимига асосланган. Дастлаб девон ишлари асосан ўрта форс (пахлавий) тилида

юритилган бўлиб, уларда форслар, юнонлар ва орабийлар ишлаганлар. Умавийлар даврида девон ишларини юритиш араб тилига ўтказилган. Араб халифалигининг маъмуриятида вазир девонидан ташқари яна 10 та девон бўлган. Худди шундай бошқарув тизими Сомонийларнинг маъмуриятида ҳам қабул қилинган эди. Унда вазир девонидан ташқари 10 та девон бўлиб, *девон ал-муставфий (ёки хазинадор)* молия ишлари, *девон ал-иншо* (ёки *‘амид ал-мулк*) – расмий ҳужжатлар ва ёзишмалар, *девон соҳиб аш-шурат* – ҳарбий ишлар, *девон ал-‘арз* – қўшин таъминоти, *девон соҳиб ал-барид* – ҳукумат ёзишмаларини ташиш, *девон ал-муҳтасиб* – бозор масалалари ва нарх-наволарни назорат қилиш, *девон ал-мушрифин* – ғазнадаги пуллари-нинг сарфланишини назорат қилиш, *девон ал-қозий* – қонунга риоя қилиш-ни назорат қилиш, *девон ад-ди‘а* – ҳукуматга қарашли ерларни назорат қилиш, *девон ал-вақф* – диний ташкилотларга қарашли ерларни назорат қилиш билан шуғулланган [Qudama ibn Ja‘far: 3 – 53; al-Khowarezmi: 62 – 68]. Бу ҳақида яна қаранг: Мец 1966: 71 – 74; Bosworth 1968: 36; Duri, Lambton 1965: 323 – 337; Dehkhoda VIII: 11436 – 11440.

11. Унгача девонлар Балхдан 2 *фарсах* масофадаги Баруқон (بروقان) номли қишлоқда жойлашган эди. Хуросон амирининг қароргоҳи ҳам шу ерда эди [at-Tabari II: 1490; ас-Сам‘оний II: 176].

12. Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Хутталга 108/726-27 йилда юриш қилди. Ал-Хуттал ҳукмдори ас-Сабал арабларга қарши турк хоқонини ёрдамга чақирди. Араблар ас-Сабал билан жанг қилиб, мағлубиятга учрадилар ва катта йўқотишлар билан шармандаларча Балхга қайтиб келдилар. Бу юриш қиш арафасида амалга оширилган эди ва унинг давомида араблар қаттиқ очарчиликни бошдан кечирдилар. Балхда болалар уларнинг мағлубиятини мазаҳ қилиб, форс тилида шеър ҳам тўқиганлар. Бу шеърнинг маъноси таъминан қуйидагича:

Сен Хутталдан қайтиб келдинг,

Сен шарманда бўлиб қайтдинг.

Сен мағлуб бўлиб қайтдинг,

Сен кучсиз бўлиб қайтдинг [at-Tabari II: 1492 – 1494, 1603].

Бу шеър янги форс (*форсий*) тилида ёзилган илк шеърлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақида яна қаранг: Беленицкий 1950: 113. Асад ибн ‘Абдуллоҳ Хуросонга келиб, турклар ва суғдларга қарши 2 марта натижасиз юриш қилгандан кейин учинчи йилда яна юриш қилди ва турклар мамлакатадаги тоғлар ва дараларда кезиб юрди ва яна натижасиз қайтиб келди. Унинг кўп аскарлари очлик ва сувсизликдан ҳалок бўлдилар [Ibn A‘tham VIII: 97 – 98].

13. ат-Табарийга кўра, 109/727-28 йилда Балхда араблар ўртасида ўзаро низолар авж олди. Асад ибн ‘Абдуллоҳ *мудар* қабиласининг одамлари ва Наср ибн Саййорни ёмон кўрар ва уларни дарра билан уришга ҳукм қилган эди. Кейин уни ҳибсга олиб, Холид ибн ‘Абдуллоҳ олдига ал-‘Ироқга

юборди [at-Tabari II: 1498 – 1500]. Бошқа манбаларга кўра, Асад ибн ‘Абдуллоҳ бир ўзи 3 марта Мовароуннаҳрга юриш қилиб, натижасиз қайтиб келганидан кейин Хуросондаги йирик лашкарбошилар Наср ибн Саййор ал-Киноний, ‘Абд ар-Раҳмон ибн Ну‘айм ал-Мозиний, Саура ибн ал-Хурр ад-Доримий ва ал-Бахтарий ибн Абу-д-Дирҳам ал-Қайсийга мактуб ёзиб, уларни халифанинг *жиҳод* урушига чиқиш ҳақидаги буйруғига бўйсунмаганликда айблади. Кейин уларни ҳибсга олиб, дарра билан урди, соч ва соқолларини олдирди ва оёқ-қўлларини кишанлаб, акаси Холид ибн ‘Абдуллоҳнинг олдига юборди [Ibn A‘tham VIII: 98; Гардизи: 35].

14. Асад ибн ‘Абдуллоҳ хукмронлиги даврида Хуросондаги араблар ўртасида қабилалараро низолар кучайиб кетди. Бу гаплар халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Маликнинг қулоғига етиб борди. У Холид ибн ‘Абдуллоҳга мактуб ёзиб, Асадни Хуросондан чақириб олишни буюрди. Асад Хуросонни тарк этиб, 109/727-28 йилнинг *рамазон* ойида ал-‘Ироқга йўл олди ва ҳаж сафарига борди. У билан бирга Хуросон деҳқонлари ҳам бордилар [at-Tabari II: 1497 – 1501]. Ибн Хаййотга кўра, халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик Холид ибн ‘Абдуллоҳни ва унинг укаси Асад ибн ‘Абдуллоҳни Хуросон волийлигидан 108/726-27 йилда четлатди [Халифа ибн Хаййот: 99]. Ибн А‘самга кўра, халифа Асад ибн ‘Абдуллоҳнинг Хуросондаги араб лашкарбошилари билан қилган иши ҳақида эшитгандан кейин ғазабга келди ва уни Хуросондан четлатди [Ibn A‘tham VIII: 98 – 99].

15. ал-Ҳакам ибн ‘Авона ал-Калбий – 109/727-28 йилда Хуросон волийси Асад ибн ‘Абдуллоҳ (106 – 109/724 – 728 йилларда хукм сурган) ҳаж сафарига кетганда, унинг ўрнига Хуросонда ноиб бўлиб қолди. Ундан кейин ал-‘Ироқ волийси Холид ибн ‘Абдуллоҳ уни ас-Синд волийси этиб тайинлади [at-Tabari II: 1501]. Ибн А‘сам ал-Куфий ‘Авона ибн ал-Ҳакам исмли ровийни қайд этган [Ибн А‘сам III: 433; VII: 92, 96]. У ҳақида яна қаранг: Ибн Халликон VII: 105, 108.

### XXXVIII

#### Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламий

1. Ашрас (ал-Ашрас) ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламий ал-Комил (112/730-31 йилдан кейин вафот этган) – халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик даврида 109 – 111/727 – 729 йилларда Хуросон волийси бўлган. Дастлаб одамлар уни яхши фазилатлари учун ал-Комил (“Комил инсон”) деб ҳам атаганлар. Лекин у Хуросонга келганда, унинг феъли ўзгариб, кўп одамлардан юз ўгириб, кўпчиликни таъқиб қила бошлади. У Суғдга келиб, “ким ислом динини қабул қилса, *жизйа* солиғини тўлашдан озод қилинади”, деб эълон қилди. Шундан кейин маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисми ислом динини қабул қилиб, масжидлар қура бошладилар. Суғд подшоҳи Ғурак унга хирож тўловларидан тушум камайиб кетгани ҳақида хабар берди. Кейин Аш-

рас улардан яна *жизйа* солиғини олишни буюрди. Шунда суғдлардан 7 минг киши Ашрасга қарши исён кўтариб, Самарқанддан 7 *фарсах* масофада тўпландилар. Суғдларнинг бу норозилик ҳаракатларини айрим араб аскарлари ҳам қўллаб-қувватлаб, уларга қўшилдилар. Улар туркларни ҳам ёрдамга чақирдилар. 110/728-29 йилда Ашрас қўшин билан Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, уларга қарши юриш қилди, Байканд, Бухоро ва Камаржа номли ерда улар билан жанглар олиб борди, кўп аскарларини йўқотди. Охири уларни енга олмасдан, мағлубиятга учради ва улардан Дабусийага қочиб, унинг қалъасида беркинди. Суғдлар ва турклар Мовароуннахрнинг деярли ҳамма ерларини қўлга олдилар, арабларнинг қўлида фақат Самарқанд ва Дабусийа шаҳарлари қолди. Хуросон аҳли ҳам Ашраснинг устидан халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Маликга шикоят қилдилар ва Ҳишом уни лавозимдан четлатди. Бошқа маълумотларга кўра, 111/729-30 йилда Ашрас Тўхористондаги подшоҳларга элчиларни юборди ва улар унинг олдига келдилар. 112/730-31 йилда у Фарғонага юриш қилди ва у ерда турклар билан тўқнашди. Турклар мусулмонларни ўраб олдилар ва кириб ташладилар. Унинг Хуросонда қўйилган яна бир лақаби Жағр (“Қурбақа”) эди [Халифа ибн Хаййот: 93, 94, 99; al-Jakubi: 301; at-Tabari II: 1504 – 1528; Ibn A‘tham VIII: 99; Ибн А‘сам VIII: 278; Гардизи: 20, 35; Ибн Халдун III: 108 – 110]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 247 – 248; Большаков 2010: 173 – 175, 324; аз-Зириклий I: 332; Gibb 1923: 69, 72; Dekhoda II: 2631.

2. ал-Йа‘кубийга кўра, Асад вафот этгандан кейин унинг ўрнига Жа‘фар ибн Ҳанзала ал-Баҳроний Хуросон волийси этиб тайинланди. Ундан кейинги Хуросон волийси Наср ибн Саййор эди [ал-Йа‘кубий II: 334, 341 – 342].

3. ‘Умайра ибн Абу Умаййа ал-Йашкурий – 109/727-28 йилда Хуросон волийси Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ уни миршаблар бошлиғи (*соҳиб аш-шурта*) этиб тайинлади, лекин кўп ўтмай уни бу лавозимдан четлатди [at-Tabari II: 1504].

4. *набатий* (نبطي) – араб., “оддий халқ вакили”; “набатий”, яъни Месопотамиянинг қадимги аҳолисига мансуб одам. Абу Са‘д ас-Сам‘оний маълумотига кўра, ан-Набатий (النبطي) *нисбаси* ал-‘Ироқнинг қадимги аҳолисига мансубликни билдирган [al-Sam‘ani: 552R]. ат-Табарий маълумотига кўра, ан-Набатий *нисбаси* дудукликни билдирган [at-Tabari II: 1291]. Араблар қадимги Петра шаҳри аҳли, яъни сурёнийларни ҳам Набат аш-Шом (نبط الشام) – “аш-Шом набатлари” деб атаганлар. Бу ҳақида яна қаранг: Graf 1993: 834 – 838; Гиргас 1881: 780; Dekhoda XIV: 22312 – 22313.

5. Бошқа манбаларда бу маълумот келтирилмаган. Ибн Хаййотга кўра, Ашрас Тўхористондаги подшоҳларга элчиларни юборди ва улар унинг олдига келдилар [Халифа ибн Хаййот: 93]. ат-Табарийга кўра, суғдлар бош кўтарганда, Ашрас уларга қарши қўшин юбориб, суғд дехқонларини ҳақорат қилди. Уларни саф торттириб, устидаги қимматбаҳо кийимларини йир-

тиб ташлади ва камарларини бўйнига осиб қўйди [at-Tabari II: 1509 – 1510]. Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ биринчи бўлиб Хуросонда отлик қўриқчилар қўшини (*робита*) ни жорий қилиб, уларга кечаси шаҳарда тартиб сақланишини назорат қилишни юкледи. Ашрасга Хуросонда Жағр (“Қурбақа”) деб лақаб қўйилган эди [at-Tabari II: 1504 – 1505].

6. Абу-л-‘Ало’ Собит ибн Ка‘б ибн Жобир ал-‘Атакий ал-Аздий (112/730-31 йилда вафот этган) – арабларнинг *ал-азд* қабиласидан етишиб чиққан шоир ва лашкарбоши. Уни Собит Қутна деб атаганлар. У Хуросондаги фатҳ урушларида иштирок этган ва воқеаларни шеърларида ифода этган. Унинг шеърлари 64/683-84 йилдан 110/728-29 йилгача бўлган воқеалар баёнида қайд этилган. 106/724-25 йилда у Самарқанд ҳокими ал-Ҳасан ибн Абу-л-‘Амаррата ал-Киндийнинг ноиб бўлган. Хуросон волийси Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ ас-Суламий 110/728-29 йилда Самарқандга юриш қилганда, Собит у билан бирга бўлган. Ашрас уни отлиқлар билан Омулга турклар билан жанг қилиш учун юборди. Собит турклар билан жанг қилиб, уларни мағлубиятга учратди. Жанглардан бирида у бир кўзидан айрилди. У 112/730-31 йилда “Водий жанги” да ҳалок бўлди [at-Tabari II: 494, 1225, 1281, 1391, 1409, 1414, 1422, 1424, 1425, 1446, 1480, 1486, 1489, 1496, 1503, 1509 – 1515; Ибн А‘сам VII: 131; VIII: 223; Ибн Халликон VI: 307, 308 (№ 335)]. У ҳақида яна қаранг: Ashèshe 2000: 429; аз-Зириклий II: 82; Gibb 1923: 67, 70.

7. Қутна (قطنه) – араб., “пахта”, “пахта бўлаги” [Гиргас 1881: 667; Dehkhoda XI: 17644].

8. ат-Табарийга кўра, Ашрас Самарқанд аҳлини ислом динини қабул қилишга даъват этди ва улардан *жизйа* олмасликка ваъда берди. Шунда кўп одамлар ислом динини қабул қилдилар. Самарқанд *ихшиди* Ғурак Ашрасга мактуб ёзиб, хирож йиғими камайиб кетганини хабар берди. Ашрас яна *жизйа* тўловини мажбурий деб эълон қилди. Суғдлар бунга норозилик билдирдилар ва улардан 7 минг киши Самарқанддан кетиб, шаҳардан 7 *фарсах* масофада тўхтадилар. Баъзи араб лашкарбошилари ҳам уларни қўллаб-қувватладилар. Ашрас уларга қарши қўшин юбориб, суғдларнинг тарафини олган арабларни ҳибсга олди ва суғд деҳқонларини ҳақорат қилди. Уларни саф тортириб, устидаги қимматбаҳо кийимларини йиртиб ташлади ва камарларини бўйнига осиб қўйди. Шундан кейин ас-Суғд ва Бухоро аҳли исломдан юз ўгирдилар ва арабларга қарши ёрдамга турк хоқонини чақирдилар. 110/728-29 йилда Ашрас уларга қарши юришга чиқиб, Омулга келди ва 3 ой давомида у ерда турди. Омулдан у Қатон ибн Қутайба ибн Муслимни туркларга қарши юборди. Қатон 10 минг аскарлик қўшин билан дарёдан кечиб ўтди. Турк хоқони суғдлар билан дарё олдига етиб келди ва унинг қўшинини қуршаб олиб, камал қилди. Хоқон ҳар куни бир лашкарбошини чопқун қилиш учун ажратар, у отлиқлари билан дарёдан Хуросон томонга кечиб ўтиб, у ердаги одамларни талаб, подаларини

олиб қочар эди. Ашрас Собит Қутнани Марвдаги қамоқдан чиқариб, туркларга қарши юборди. Собит отлиқлари билан Омул яқинида юрган туркларга хужум қилди ва улар билан жанг қилиб, олиб кетаётган ўлжаларини тортиб олди. Лекин турклар яна дарёдан кечиб ўтиб, ўлжаларини қайтариб олдилар. Кейин Ашрас дарёдан Мовароуннаҳрга кечиб ўтиб, туркларга қарши Мас‘уд ибн Ҳаййонни юборди. Турклар унга хужум қилиб, уни мағлубиятга учратдилар ва Мас‘уд кўп аскарларини йўқотиб, Ашраснинг олдига қайтиб келди. Шундан кейин Ашраснинг ўзи хужумга ўтиб, туркларни мағлубиятга учратди ва Байканд яқинида тўхтади. Бу ерда араблар билан турклар ўртасида қаттиқ жанглар бўлиб ўтди, бу жангларда кўп мусулмонлар ҳалок бўлдилар. Улар орасида Собит Қутна ҳам бор эди. Ниҳоят мусулмонлар ғалаба қозондилар ва туркларни таъқиб этиб, уларни тўзатиб юбордилар. Кейин Ашрас Бухорога келиб, шаҳарни қамал қилди, сўнг-ра Арбинжан яқинидаги Камаржа номли қалъада тўхтади. Турк хоқони яна арабларга қарши хужум бошлади ва Камаржа қалъасини қамал қилди. У билан бирга Фарғона, аш-Шош, Торбанд, Афшина, Насаф ва Бухоро аҳли, шунингдек шаҳаншоҳ Йаздагирдиннинг ўғли Хусрав ҳам бор эди. Унинг қўлида асирга тушган 100 та араб аскарлари ҳам бор эди. Турк хоқони уларни ўлдиришни буюрди. Арабларнинг қўлида суғдлар ва туркларнинг 200 та гаровга олинган болалари бор эди. Араблар ҳам уларни ўлдирдилар. Шундан кейин улар ўртасида шиддатли жанг бошланди. Камаржа қамали 58 кун давом этди Лекин турклар қалъани куч билан ололмадилар. Охири улар ўзаро келишдилар ва турклар арабларнинг ад-Дабусийага кетишига йўл очиб бердилар. Ўша 110/728-29 йилда Курдар аҳолиси ҳам арабларга қарши бош кўтарди. Уларни турклар қўллаб-қувватладилар. Ашрас у ердаги арабларга ёрдамга 1000 отлиқни юборди ва улар туркларни Курдардан ҳайдаб юбордилар. 111/729-30 йилда ҳам Ашрас суғдлар ва турклар билан жанглар олиб борди [at-Tabari II: 1507 – 1525]. Ибн А‘самга кўра, ал-Ашрас ибн ‘Абдуллоҳ Хуросонга катта қўшин билан келди. Турклар ва суғдлар 100 мингдан ортиқ қўшин тўплаб, Бухорода тўхтадилар. ал-Ашрас йўлга чиқиб, Байканд яқинида ғайридинлар билан тўқнашди. Улар ўртасида шиддатли жанг бўлиб, унда тамим қабиласидан 1000 нафар аскар ҳалок бўлди, ғайридинлардан ҳам жуда кўп одамлар ҳалок бўлди. Араблар мағлубиятга учраб, орқага чекиндилар. Бутун Мовароуннаҳр турклар ва суғдлар қўлига ўтди, арабларнинг қўлида фақат Самарқанд шаҳри қолди. ал-Ашрас аскарлари билан орқага қайтди ва дарёдан кечиб ўтиб, Балхга келди. Халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик бу ҳақида эшитганда, ал-Ашрасга одам юбориб, уни Хуросондан чақириб олди [Ibn A‘tham VIII: 99].



### XXXIX

#### ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Рахмон ал-Муррий

1. 112 хижрий йил милодий 730 йилнинг 26 март кунидан 731 йилнинг 14 март кунигача давом этган.

2. ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Рахмон ибн ‘Амр ибн ал-Ҳорис ал-Муррий (ал-Мазиний) ад-Димашқий ал-Ғатафоний (116/734-35 йилда вафот этган) – 105/723-24 йилга қадар ас-Синд волийси, 111 – 116/729 – 734 йилларда эса Хуросон волийси бўлган. 111/729-30 йилда ал-Жунайд Хуросонга келди ва қўшини билан Жайхун дарёсидан кечиб ўтиб, турк хоқони бошчилигидаги турклар ва суғдларнинг қўшинлари билан бир қанча жанглар қилди. Бу жангларда турк хоқонининг қўшинлари мағлубиятга учради ва ал-Жунайд ғалаба билан Марвга қайтиб келди. Бу жангларда аш-Шош хукмдори ва турк хоқонининг укаси асирга олинди ва ал-Жунайд уларни Бағдодга халифа хузурига юборди. 112/730-31 ёки 113/731-32 йилда ал-Жунайд яна Мовароуннахрга юриш қилди. Кейинги йилда хоқон яна Хуросонга юриш қилди. Бу сафар ал-Жунайд Самарқанддаги арабларни ёрдамга чақирди. Улар Самарқанддан 4 *фарсах* масофада жойлашган бир тоғ дарасида турк хоқонининг суғдлар, шошликлар, фарғоналиклар ва турклардан ташкил топган қўшинлари билан тўқнашдилар. Улар орасида бир нечта шиддатли жанглар бўлиб ўтди, уларда иккала томондан жуда кўп одамлар ҳалок бўлдилар. Бу жангларда кўп куч йўқотган араблар Кармина томонга чекиндилар. Турк хоқонининг қўшинлари етиб келдилар ва Тавовис ёнида арабларга яна хужум қилдилар. Бу жангда туркларнинг бир машхур саркардаси Курсул ўлдирилди. Турклар буни ёмон аломат деб ҳисобладилар ва орқага қайтдилар. Араблар Бухорога кетдилар, ал-Жунайд эса Марвга қайтди. 115/733-34 йилда Хуросонда қаттиқ қурғоқчилик ва очарчилик бўлди. Марвдаги араблар кўп озик-овқатларни Мовароуннахрдан, хусусан, Зарафшон водийсидан олар эдилар. Бу йилда эса Зарафшон водийси турклар қўлида эди 116/734-35 йилда ал-Жунайд Марвда истисқо касаллигидан вафот этди [Халифа ибн Хаййот: 94, 99; ад-Динаварий: 333, 335; al-Jakubi: 301; al-Ja‘kubi II: 379, 380; at-Tabari II: 1425, 1467, 1527 – 1572, 1718; Ibn A‘tham VIII: 99; Ибн А‘сам VIII: 278 – 282, 401; Гардизи: 35; al-Nasafi: 231 (№ 377); Ибн Халликон VI: 142; Ибн Халдун III: 110 – 114]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 175 – 178, 190, 192, 296, 324, 325; аз-Зириклий II: 137; Gibb 1923: 72 – 76; Бартольд 1963: 248.

3. ат-Табарийга кўра, ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Рахмон 111/729-30 йилда Хуросон волийси этиб тайинланди. У халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Маликнинг хотинига қимматбаҳо тошли тақинчоқ совға қилди. Бу тақинчоқ Ҳишомга жуда ёқди. Кейин ал-Жунайд Ҳишомга ҳам шунга ўхшаш тақинчоқ совға қилди. Шундан кейин Ҳишом уни Хуросонга волий этиб тайинлади [at-Tabari II: 1527]. Ибн Хаййотга кўра, Ҳишом Ашрас ибн ‘Абдуллох

ас-Суламийни Хуросон волийлигидан 113/731-32 йилда четлатди ва ўрнига ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмонни тайинлади [Халифа ибн Хаййот: 99].

4. ал-Жунайд Хуросонга келганда, Ашрас турклар ва суғдлар билан жанг қилаётган эди. ал-Жунайд Омулга келиб, дарёдан кечиб ўтди. Унинг отликлари кўп эмас эди, шунинг учун у Ашрасга чопар юбориб, ундан ёрдамга отликларни юборишни сўради. Ашрас унга 7 минг отликдан иборат кўшинни юборди. Лекин уларга йўлда турклар ва суғдлар хужум қилдилар. Араблар йўлдаги бир қалъага беркиндилар ва улар билан жанг қилдилар. Турк хоқони адир устида турган эди. Восил ибн ‘Амр бошчилигидаги араблар адир орқасидаги ботқоқликдан кечиб ўтиб, унга тўсатдан хужум қилдилар ва мағлубиятга учратдилар. Шундан кейин араблар ал-Жунайд олдига келиб кўшилдилар [at-Tabari II: 1527 – 1528]. Ибн А‘самга кўра, ал-Жунайд Хуросонга келиб, Балхда тўхтади ва барча ҳарбий кучларни тўплашни буюрди. Кейин у кўшин билан Балх дарёсидан кечиб ўтди. Турк хоқони бу ҳақида хабар топди ва 170 минг аскарлик кўшин билан Балх дарёси томонга йўл олди. Улар ўртасида шиддатли жанг бўлди. Восил ибн ‘Амр исмли лашкарбоши туркларга хужум қилиб, уларни мағлубиятга учратди. У турк хоқонига яқинлашиб, унинг дубулға (темир қалпоқ) сига урди ва уни бошидан улоқтирди. Турк хоқони аскарлари билан қочдилар, араблар эса уларнинг кетидан қувиб, ўлдира бошладилар. Ўша куни турклардан 3 мингга яқин одам ҳалок бўлди [Ibn A‘tham VIII: 99].

5. ат-Табарийга кўра, ал-Жунайд ёрдамга келган отликлар билан илгари юриб, Байканддан 2 *фарсах* масофада кетаётганда, уларга яна турк хоқонининг отликлари хужум қилдилар. Араблар уларни мағлубиятга учратдилар ва юришда давом этиб, Ашрас кўшинига етиб олдилар. Самарқанд вилоятидаги Зармон қишлоғида турк хоқони яна уларга хужум қилди. Араблар турклар билан жанг қилиб, аш-Шош ҳукмдори ва турк хоқонининг укасини асирга олдилар [at-Tabari II: 1529].

6. Эҳтимол, Бағдоддаги ал-Хоқонийлар оиласининг бобокалони айнан шу асирга тушган хоқоннинг ўғли бўлгандир. IX асрда Бағдодда Хоқон исмли бир одам яшаган бўлиб, у Фарғона подшоҳларининг авлоди бўлган. У 234/848-49 йилда вафот этган [al-Jakubi: 258, 266; ас-Сули: 104]. Унинг ўғиллари ва набиралари ‘Аббосий халифаларининг энг яқин одамлари, вазирлари, волийлари ва юксак мартабали амалдорлари бўлганлар [ас-Сам‘оний V: 22]. Улардан ал-Фатҳ ибн Хоқон (248/862-63 йилда вафот этган), Йаҳйо ибн Хоқон (240/854-55 йилда вафот этган), Бағлавур ибн Хоқон, Такин ибн Хоқон, Абу-л-‘Аббос Аҳмад ибн Хоқон ал-Фарғоний каби машҳур шахслар унинг авлодлари бўлганлар [ас-Сули: 63, 104, 117, 127; Ibn Miskawaih: 68, 69, 174, 420, 421, 424, 561; Ibn al-Nadim I: 116; al-Masudi: 362, 379]. Из IX асрда ‘Аббосийларнинг Бағдоддаги саройида Хоқон ал-Ходим ат-Туркий, Хоқон ‘Атрудж [al-Jakubi: 258; al-Masudi: 190, 191], Хоқон ибн Аҳмад ва Хоқон ал-Афлахий исмли шахслар ҳам хизмат қилганлар [Ibn

Miskawaih: 115, 225, 244]. X асрда Миср ва Сурияда ҳукм сурган Ихшидийлар сулоласи [EI IV: 418; Босворт 1971: 76] нинг бобокалонлари Туғж ибн Жаф ибн Жаф ибн Йил-такин ибн Фауран ибн Фури ибн Хоқон ал-Фарғоний ва унинг ўғли Абу Бакр Муҳаммад ибн Туғж ал-Фарғоний [Ibn Miskawaih V: 508, 553, 577; Ибн Халликон I: 41 – 44] ўзларини Фарғона *ихшид*ларининг авлодлари деб ҳисоблаганлар [al-Masudi: 194, 371; EI III: 1060].

7. 111/729-30 йилда Самарқанд яқинида турк хоқони устидан ғалаба қозонгандан кейин ал-Жунайд орқасига йўл олди ва ат-Тирмизга келиб, у ерда 2 ой қолди. Кейин у қўшини билан Марвга қайтди. Турк хоқони одамларига “Бу бола мени бу йил мағлубиятга учратди, лекин келаси йилда мен уни йўқ қиламан”, – деди [at-Tabari II: 1529]. Ибн А‘самга кўра, ал-Жунайд Мовароуннаҳрдан Марвга қайтиб келди ва қишни у ерда ўтказди [Ibn A‘tham VIII: 100].

8. ‘Амр ибн Муслим ал-Боҳилий – Хуросон волийси Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилийнинг укаси. 87/705-06 йилда Қутайба уни ат-Толиқон ҳокими, 91/709-10 йилда эса Балх ҳокими этиб тайинлади. 96/714-15 йилда Қутайба Фарғонада ўлдирилганда, унинг ака-укаларидан фақат ‘Амр омон қолган, чунки ўша вақтда у Жузжон (Гузгон) ҳокими эди. 97/715-16 йилда Йазид ибн ал-Муҳаллаб Хуросонга волий бўлиб келганда, уни ҳибсга олиб, йиғилган пулларни беришни талаб қилди. 106/724-25 йилда Муслим ибн Са‘ид волийлигида ҳам ‘Амр ибн Муслим Балх ҳокими эди ва Баруқонда араблар ўртасидаги ўзаро низода Наср ибн Саййорга қарши кураш олиб борди. Бу курашда ‘Амр мағлубиятга учради ва Хуросонни тарк этиб, ал-Басрага кетди. 112/730-31 йилда халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик 10 минг нафар басраликларни ‘Амр ибн Муслим бошчилигида Хуросон волийси ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон ал-Муррийга ёрдамга юборди. 120/737-38 йилда Хуросон волийси лавозимига қўйилганлар номзодлар ичида у ҳам бор эди [al-Ja‘kubi II: 342; at-Tabari II: 1218, 1228, 1297, 1473 – 1477, 1545, 1552, 1605, 1661, 1663; Ibn Saad V: 396; Ibn A‘tham VII: 283 – 284; Ибн ‘Асам VII: 153, 187; Гардизи: 32; Та’рих-и Систан: 136 – 137; Jacut II: 124]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 101, 102, 170.

9. 112/730-31 йилда қўшимча қўшинлар ва қурол-аслиҳаларни олгандан кейин ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон Тўхористонга юриш қлиб, Балх дарёсининг бўйида тўхтади. Бу ердан у 18 минг аскарлик қўшинни бир томонга, 10 минг аскарлик қўшинни бошқа томонга юборди. Шу вақт Самарқанд ҳокими Саура ибн ал-Хурр унга мактуб ёзиб, турк хоқони Самарқандга ҳужум бошлагани ҳақида хабар берди. Шунда ал-Жунайд қўшинлари билан дарёдан кечиб ўтиб, Кешга келди. Турклар бу ҳақида хабар топиб, Кешдан Самарқандга олиб борувчи йўлдаги ҳамма қудуқлар ва булоқларни кўмиб ташладилар. Араблар Самарқандга тоғ йўли билан боришга қарор қилдилар. Улар йўлдаги тоғ дарасига кирганда, уларга катта қў-

шин билан турк хоқони ҳужум қилди, у билан бирга *ихшид* Ғурак ва суғдлар, Тўхористон жабғуси, шошликлар ва фарғоналиклар ҳам бор эди. ал-Жунайд Саура ибн ал-Хуррга Самарқанддан чиқиб, унга ёрдам беришни буюрди. Саура Самарқанддан чиқиб, 3 *фарсах* юрганда, ал-Жунайд қўшинига 1 *фарсах* қолган эди. Шу вақт унга турклар ҳужум қилдилар ва уларнинг атрофидаги қуруқ ўтларни ёқиб юбордилар. Араблар ҳужумга ўтдилар, чанг тўзон кўтарилди, турклар орқага чекиндилар ва орқадаги жарликка қуладилар. Уларнинг кетидан араблар ҳам жарликка қуладилар. Турклар арабларни ўлдирди бошладилар. Улардан фақат 1000 ёки 2000 нафари омон қолди. Ғурак уларнинг олдига келиб, уларга омонлик кафолатини берди ва таслим бўлишни таклиф этди. Арабларнинг бир қисми таслим бўлдилар, лекин турк хоқони Ғуракнинг берган сўзини тасдиқламади ва уларни қатл этди. Арабларнинг қолганлари Кешга, Насафга ва Самарқандга қочдилар. Бу жангда Саура ибн ал-Хурр ҳам ҳалок бўлди. Кейин ал-Жунайд Самарқандга йўл олди, турклар унга ҳужум қилдилар. Араблар қулларни ҳам жанг қилишга жалб қилдилар ва туркларни мағлубиятга учратиб, Самарқандга келдилар. Кейин ал-Жунайд ҳалок бўлган арабларнинг оилаларини олиб Марвга йўл олди. Улар Тавовисга етганда, турклар яна ҳужум қилдилар. Жангда туркларнинг бир лашкарбошиси ҳалок бўлди. Шундан кейин ал-Жунайд Бухорога келди ва у ердан Марвга қайтди. ал-Жунайд ас-Суғдда ҳаммаси бўлиб 4 ой бўлди [at-Tabari II: 1532 – 1552]. Бу маълумотни Ибн Хаййот ҳам қисқача келтирган [Халифа ибн Хаййот: 94]. Ибн А‘самга кўра, Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик Хуросонга ал-Жунайд олдига ёрдамга Наср ибн Саййорни қўшин билан юборди. ал-Жунайд Саура ибн ал-Хуррга 4 минг аскар бериб, Самарқанд ҳокими этиб тайинлади. У Самарқандга етиб келганда, турк хоқони турклар ва суғдлардан иборат 50 минг аскарлик қўшин билан Самарқанд ёнига келиб тўхтади. Бу вақтда ал-Жунайд 28 минг аскарлик қўшин билан Балх дарёсининг бўйида турган эди. ал-Жунайд қўшин билан Самарқандга йўл олди. Хоқон бу ҳақида хабар топиб, Кеш ва Насафдан дашт (البرية) орқали Самарқандга олиб борувчи йўлдаги қудуқлари кўмиб ташлади. Шунда ал-Жунайд Самарқандга тоғ дараси (الشعب) орқали боришга қарор қилди. Араблар ярим йўл юрганда, уларга турк хоқони ҳужум қилди. Улар ўртасида мисли кўрилмаган шиддатли жанг бошланди. Бу жангда Наср ибн Саййор мислсиз жасорат кўрсатди. Унинг қўлидан кўп турклар ҳалок бўлдилар. Араблар катта ўлжа қўлга киритдилар. Турк хоқони 100 минг аскарлик қўшин тўплаб, яна арабларга қарши ҳужум қилишга тайёрланди. ал-Жунайд қўшин билан у томонга йўл олди ва Саура ибн ал-Хуррга мактуб ёзиб, Самарқанддан чиқишни ва турк хоқонига орқадан ҳужум қилишни буюрди. Саура ибн ал-Хурр 20 минг аскар билан шаҳардан чиқди. Турк хоқони бу ҳақида хабар топиб, уларга қарши орқага қўшин юборди, ал-Жунайд эса бундан беҳабар эди. Шаҳардан чиққан мусулмонлар туркларга қаттиқ қаршилик кўрсат-

дилар ва ҳаммаси жангда ҳалок бўлдилар. ал-Жунайд бу ҳақида хабар топиб, Марв ва Бухористонга ёрдам сўраб, одамлар юборди ва 43 минг аскар билан турк хоқонига қарши юрди. Хоқон эса Самарқанд дарвозалари ёнида туриб, шаҳарни қамал қилаётган эди. ал-Жунайд турклар билан шиддатли жанг қилди. Ўша куни жангда кўп мусулмонлар ҳалок бўлдилар, турклардан эса 10 мингдан кўп нафари ҳалок бўлди. Турк хоқони мағлубиятга учради, кўшиннинг омон қолганлари тоғлар, дарёлар ва чакалакзорларга қочдилар. ал-Жунайд Самарқандга етиб келди ва шаҳарга кириб унинг аҳолиси-дан пул йиғди ва аскарларга бўлиб берди. Кейин ал-Жунайд Мусо ибн ан-Насрга 5 минг жангчини бериб, Самарқанд шаҳрида қолдирди, ўзи эса Марвга қайтди. У халифа Ҳишомга совға-саломлар, зотли отлар ва Хуро-сонда йиғилган пулларни юборди [Ibn A‘tham VIII: 100 – 106]. Ибн Хаййотга кўра, 114/732-33 йилда ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон ас-Сағонийонга юриш қилди, лекин у ерда ҳеч нарсани қўлга кирита олмади [Халифа ибн Хаййот: 95].

10. Бану Ҳошим (بنو هاشم) – Ҳошимийлар, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг бобокалони Ҳошим ибн ‘Абд Маноф авлодлари. Муҳаммад пайғамбар унинг 3-бўғиндаги авлоди бўлган. Ҳошимийлар Муҳаммад пайғамбарнинг фаолиятида, унинг вафотидан кейин ҳам ислом давлатида ҳар доим муҳим ўрин эгаллаганлар [al-Ya‘qubi: 16 – 22; 23 – 35; at-Tabari I: 1081, 1086, 1163, 1180, 1189, 1190, 1196 – 1198, 1308, 1323, 1324, 1413, 1648, 1825, 2724; el-Maqdisi VI: 56 – 62]. Ҳошимийлардан бир нечта ҳукмдорлар сулоласи ҳукм сурган. Маккада IV/X асрдан 1924 йилгача *шариф*лар сулоласи. ‘Аббосийлар сулоласи ҳам Бану Ҳошим уруғининг бир тармоғи бўлган. Уларнинг ал-‘Аббос исмли бобокалони, Муҳаммад пайғамбарнинг отаси ‘Абдуллоҳ сингари ‘Абд ал-Муталлиб ибн Ҳошимнинг ўғли бўлган. Янги даврда ҳам уларнинг авлодлари Ҳижозда (1908 – 1925), Ироқда (1921 – 1958) ва Иорданияда (1921 йилдан бошлаб) ҳукм сурганлар. Уларнинг яна бир тармоғи IV/X асрдан бошлаб ҳозиргача Марокашда ҳукм суриб келмоқда. Улар ҳақида қаранг: Резван 1991: 277; аз-Зириклий IX: 48 – 49; Dawn 1971: 263 – 265.

11. ал-Жунайд улардан бирини ҳибсга олиб, қатл этди ва “Бу одамларнинг қони беҳуда тўкиляпти”, – деди [at-Tabari II: 1560]. ад-Динаварийга кўра, ал-Жунайд уларнинг бошлиқларини Марвга чақириб, улар билан суҳбатлашди. Кейин уларга даъват қилишга рухсат берди. Улар Марвдан Бухоро ва Самарқанд, кейин Кеш Насафга, кейин ас-Сағонийон ва Хутталонга, кейин Марв ар-Руд ва ат-Толиқонга, кейин Ҳарот, Бушанж ва Сижистонга бориб, одамларни ‘Аббосийларни қувватлашга даъват қилдилар. Уларнинг тарафдорлари кўпайди. Кейин ал-Жунайд уларга даъват қилишга рухсат берганига афсусланди. У бу ҳақида Холид ибн ‘Абдуллоҳга, у эса Ҳишом ибн ‘Абд ал-Маликга мактуб ёзди. Ҳишом даъват қилган одамларни ҳибсга олишни буюрди [ад-Динаварий: 335 – 337].

12. ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон қаттиқ касалликга чалиниб, 115/733-34 йилда ёки 116/734-35 йилнинг муҳаррам ойида Марвда вафот этди [at-Tabarī II: 1564 – 1565; Гардизи: 35], унинг қабри Марвда [Ibn A‘tham VIII: 106].

## XL

### [‘Осим ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳилолий]

1. ‘Осим ибн ‘Абдуллоҳ ибн Йазид ал-Ҳилолий – 115 – 116/733 – 735 йилларда 7 ой ёки ундан кўпроқ вақт давомида Хуросон волийси бўлган. У Хуросонга келганда, ал-Ҳорис ибн Сурайж бошчилигида Умавийларга қарши бош кўтарган хорижийлар Хуросоннинг кўп қисмини, шу жумладан, Балх, Марв ар-Руд, ат-Толиқон, ал-Форйоб шаҳарлари, ал-Жузжон вилоятини қўлга олган эдилар ва Марвга таҳдид қилаётган эдилар. ‘Осимга эса фақат Марв ва Абаршаҳр шаҳарлари бўйсунар эди. ‘Осим ал-Ҳорис ибн Сурайжга қарши жанглар олиб борди ва Марв яқинида уни мағлубиятга учратди. Лекин уни таъқиб қилмасдан, Марвда қолди. 116/734-35 ёки 117/735-36 йилда халифа Ҳишом ибн ‘Абд ал-Малик Холид ибн ‘Абдуллоҳни ал-‘Ироқ волийси этиб тайинлади, у эса Хуросон волийси этиб Асад ибн ‘Абдуллоҳни тайинлади. Ўша йилда ал-Ҳорис яна Марвга ҳужум қилган эди ва ‘Осим у билан жанг қилишга тайёргарлик қилаётган эди. ‘Осим Хуросонга волий бўлиб Асад ибн ‘Абдуллоҳнинг келаётганини эшитиб, аввал ал-Ҳорис ибн Сурайж билан битим тузди ва у билан бирга Ҳишом ибн ‘Абд ал-Маликга қарши чиқишга келишди. Уларнинг битимига бошқа баъзи лашкарбошилар ҳам қўшилдилар. Лекин кейин ‘Осим бу ниятидан қайтиб, ал-Ҳорисга қарши жангга киришди ва яна уни мағлубиятга учратди. Асад ибн ‘Абдуллоҳ Марвга келиб, ‘Осимни ҳибсга олди ва ундан хирож йиғимидан тушган 100 минг дирҳам пулни талаб қилиб олди. Кейин у Марв ар-Рудга ал-Ҳорис ибн Сурайжга қарши кўшин юборди, ўзи эса Омулга, ундан кейин Балхга йўл олди [Халифа ибн Хаййот: 95, 99; al-Jakubi: 301; al-Ja‘kubi II: 403, 404; at-Tabarī II: 1482, 1564 – 1585, 1696; Ibn A‘tham VIII: 106; Ибн А‘сам VIII: 282, 283, 306 – 308; Гардизи: 20, 36; Ибн Халдун III: 114]. У ҳақида яна қаранг: Большаков 2010: 190 – 192; Gibb 1923: 77.

2. ‘Осим ибн ‘Абдуллоҳ 115/733-34 йилда Хуросон волийси этиб тайинланди [Халифа ибн Хаййот: 99; at-Tabarī II: 1564]. Бошқа маълумотга кўра, у 116/734-35 йилда тайинланди [Гардизи: 36]. ‘Осим фақат 7 ой давомида Хуросон волийси бўлди. Унинг қўлида фақат Марв ва Абаршаҳр вилоятлари қолган эди. Бошқа ҳамма ерлар ал-Ҳорис ибн Сурайж қўлида эди. 116/734-35 ёки 117/735-36 йилда Ҳишом уни Хуросон волийлигидан четлатди ва унинг ўрнига Холид ибн ‘Абдуллоҳни тайинлади, у эса Хуросонга яна укаси Асадни юборди. 116/734-35 йилда Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳорис

ибн Сурайж ва унинг тарафдорлари билан жанг қилиб, уларни мағлубиятга учратди. ал-Ҳорис турклар олдига қочди, унинг шерикларидан бир қанчаси асирга тушдилар. Асад уларнинг бир қисмини қатл этди, бошқаларининг эса оёқ-кўллари кесиб ташлашни буюрди. 117/735-36 йилда ал-Ҳорис ибн Сурайж турк хоқони билан бирга Хуросонга юриш қилиб, аввал ал-Жузжонга, кейин эса Марв ар-Рудга келдилар. Асад ибн ‘Абдуллоҳ уларга қарши чиқиб, уларни мағлубиятга учратди. 119/737-38 йилда Асад ал-Хутталга юриш қилди ва турк хоқони билан жанг қилиб, уни ўлдирди, катта ўлжа ва кўп асирлар қўлга киритди. Ўша йили у ал-Хуттал ҳукмдори Бадр Тархонни ҳам ўлдирди [Халифа ибн Хаййот: 95, 99; at-Tabari II: 1582 – 1635].

3. ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, ал-Жунайд ибн ‘Абд ар-Раҳмон 112/730-31 йилда Тўхористонга юриш қилиб, Балх дарёсининг ёнида тўхтади. У ердан у 18 минг аскарлик қўшинни Тўхористонга, 10 минг аскарлик қўшинни эса унинг бошқа томонига юборди. Шу вақт турк хоқонининг Самарқандга ҳужум қилгани ҳақида хабар келди ва ал-Жунайд қўшини билан Балх дарёсидан кечиб ўтиб, Кешга келди [at-Tabari II: 1532 – 1533]. Ибн А‘самга кўра, ал-Жунайд қўшин билан Марвдан йўлга чиқиб, Балх дарёсининг ёнига келиб тўхтади. У билан бирга Наср ибн Саййор ҳам бор эди. Улар Балх дарёсидан кечиб ўтдилар. Кейин у Саура ибн ал-Хурр ад-Доримийни чақириб, унга 4 минг аскарлик қўшин берди ва Бухористонга юборди. Кейин ‘Аммора ибн Ҳурайм ал-Муррийни ҳам Бухористон (بخارستان) га юборди. У Бухористон аҳли билан жанг қилмади, чунки улар бўйсуниб, унга тобелик изҳор қилдилар. У аҳолидан мол-мулк ва гаровга одамларни олиб, ал-Жунайднинг олдига қайтиб келди. Саура ибн ал-Хурр эса Самарқандга ҳоким бўлиб борди [Ibn A‘tham VIII: 100].

## ХЛІ

### [Наср ибн Саййор]

1. Абу ‘Абд ал-Малик Марвон II ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн ал-Ҳакам ал-Умавий (72 – 132/692 – 750) – Умавийлар сулоласига мансуб сўнгги халифа, 127 – 132/744 – 750 йилларда Дамашқда ҳукм сурган. Унинг фахрий унвони ал-Қо‘им би-ҳаққи-ллоҳ бўлган. Уни ал-Жа‘дий (الجددي) ва ал-Ҳимор (الحمار) деб ҳам атаганлар. У ал-Жазирада туғилган, чунки унинг отаси у ерда волий бўлган. 105/723-24 йилда Кўнияга юриш қилиб, уни фатҳ этган. 114/732-33 йилда Озарбайжон, Арминийа ва ал-Жазира волийси этиб тайинланган ва у ерларда кўп фатҳ урушлари олиб борган. 126/743-44 йилда халифа ал-Валид ибн ‘Абд ал-Малик ўлдирилганда, Марвон ўзини Арминийада халифа деб эълон қилди. 127/744-45 йилда эса у Дамашқга юриш қилиб, Иброҳим ибн ал-Валидни тахтдан ағдарди ва Умавийларнинг тахтига ўзи ўтирди. Унинг ҳукмронлиги даврида

Хуросонда Абу Муслим бошчилигидаги ‘Аббосийлар ҳаракати бошланди. 132/749-50 йилда уларнинг Қахтаба ибн Шабиб ат-То’ий бошчилигидаги қўшини ал-Мавсил ва Ирбил орасидаги аз-Зоб номли ерда халифа Марвон II нинг қўшинларини мағлубиятга учратди. Марвон аввал аш-Шомга, кейин Мисрга қочди ва ўша ерда ўлдирилди [Халифа ибн Хаййот: 99, 114 – 120; al-Ja‘kubi II: 381, 382, 395, 403 – 417, 419 – 421, 428, 438; ал-Йа‘қубий II: 354 – 365; ад-Динаварий: 366 – 369; at-Tabari II: 839, 940, 1431, 1562, 1573, 1576, 1593, 1635, 1667, 1698, 1752, 1785, 1825, 1835, 1890; al-Masudi: 325 – 329; История халифов: 233б – 235а; Арабский аноним: 258а – 259а; el-Maqdisi VI: 54 – 55; al-Osyooti: 256 – 257]. У ҳақида яна қаранг: Hawting 1991: 623 – 625; Большаков 2010: 6, 8, 90, 169, 185 – 190, 223, 228, 236 – 251, 262 – 288, 306, 326, 332 – 338; Босворт 1971: 29 – 31; Беляев 1966: 202 – 204, 212; аз-Зириклий VIII: 96 – 97; Dehkhoda XIII: 20715.

2. Наср ибн Саййор 121 – 131/738 – 748 йилларда Хуросон волийси бўлган. У ҳақида XXIV, 12-изоҳга қаранг. Бошқа манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, ‘Осим ибн ‘Абдуллоҳдан кейин 117/735-36 йилда Хуросон волийси этиб Асад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Қасрий, 120/737-38 йилда эса қисқа муддатга Жа‘фар ибн Ҳанзала ал-Баҳроний ва Жудай‘ ибн ‘Али ал-Кирмоний тайинланганлар [Халифа ибн Хаййот: 99, 102, 104, 112, 113, 115, 119; al-Jakubi: 302; ал-Йа‘қубий II: 341 – 342, 347 – 349, 357 – 358; at-Tabari II: 1573 – 1619, 1629 – 1659; Ibn A‘tham VIII: 106 – 107; Гардизи: 36].

3. Ушрусана (اشروسنة) тарихий вилояти ҳақида XXIV, 83-изоҳга қаранг.

4. Марвон ибн Муҳаммад 127 – 132/744 – 750 йилларда ҳукм сурган. Демак, Наср ибн Саййор Ушрусанага 127 – 131/744 – 748 йиллар оралиғида юриш қилган бўлиши керак. Лекин ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, бу йилларда Наср ибн Саййор ҳеч қандай юришлар қилмаган ва бошқа ишлар билан машғул бўлган. 127 – 128/744 – 746 йилларда у ал-Ҳорис ибн Сурайж бошчилигида Хуросонда кўтарилган исённи бостирган, 129 – 131/746 – 749 йилларда эса Хуросонда Абу Муслим бошчилигида кўтарилган ‘Аббосийлар ҳаракатига қарши кураш олиб борган. Наср ибн Саййор 121/738-39 йилда аш-Шошга юриш қилиб, йўлда Ушрусанада тўхтаган. Ушрусана деҳқони Абор Хара (ابار خره) ёки Хон Ахара (خان اخره) унга пул таклиф этди. Кейин у аш-Шошга бориб, Муҳаммад ибн Холид ал-Аздийни 10 минг аскарлик қўшин билан Фарғонага юборди ва у ерга волий этиб тайинлади. Кейин у Фарғонада қўним топган ал-Хуттал ҳукмдори ал-Жишни деҳқонлари ва бошқа одамлари билан у ердан қайтиб келишга даъват этди. Улар рози бўлиб, Фарғонани тарк этдилар ва кўп сонли санамларини Ушрусанага олиб келдилар ва ўша ердаги ибодатхонага жойлаштирдилар [at-Tabari II: 1694].



## XLII

### [Абу-л-‘Аббос ас- Саффоҳ]

1. Абу-л-‘Аббос ‘Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн ‘Али ибн ‘Абдуллоҳ ибн ал-‘Аббос ибн ‘Абд ал-Мутталиб ас-Саффоҳ (104 – 136/722 – 754) – ‘Аббосийлар сулоласига мансуб 1-араб халифаси, 132 – 136/749 – 754 йилларда ал-Анборда ҳукм сурган. Абу Муслим ал-Хуросоний бошчилигида Хуросонда Умавийларга қарши кўтарилган кўзғолон натижасида 132/749-50 йилда ҳокимиятга келди ва ал-Куфада халифа деб эълон қилинди. У ҳокимиятга келгандан кейин аш-Шомда Умавийлардан шафқатсиз ўч ола бошлади ва уларнинг оиласига мансуб бўлган барча одамларни қатл қилди, уларнинг фақат ёш болалари омон қолиб, бир қисми Андалусияга қочди. Унинг амри билан жуда кўп қон тўкилгани туфайли унга ас-Саффоҳ (السفاح) – “Қонхўр” деб лақаб қўйилган. У ал-‘Ироқдаги ал-Анбор номли шаҳарда яшаб, у ерда ал-Ҳошимийа номли яна бир шаҳар қурган ва уни ўзининг қароргоҳига айлантирган. У ислом давлатида биринчи бўлиб вазир лавозимини жорий қилган. Унинг ҳукмронлиги даврида девонларда “араб” сўзининг ўрнига “мусулмон” сўзи ишлатила бошланган, чунки ‘Аббосийлар халифаликнинг шарқий қисмида яшовчи араб бўлмаган халқлар – форслар ва турклар (ал-‘ажам) нинг қўллаб-қувватлагани туфайли ҳокимиятга келдилар. Абу-л-‘Аббос жуда ҳам сахий одам бўлган, илм-фан ва адабиётни яхши кўрган. 136/753-54 йилда у чечак касалига чалиниб, ёшлигида вафот этган [Халифа ибн Хаййот: 117 – 122; al-Jakubi: 303; al-Ja‘kubi II: 369, 386, 398, 409, 413 – 438, 445, 468, 475; ал-Йа‘қубий II: 368 – 380; ад-Динаварий: 370 – 377; at-Tabari II: 840, 1453; III: 23, 25 – 28, 33 – 88, 153, 486. 1498, 2499, 2500, 2506, 2518, 2546; Hamzae Ispahanensis: 157 – 158; al-Masudi: 337 – 340; el-Maqdisi VI: 69 – 76, 88 – 90; Ибн А‘сам VIII: 329, 330, 335 – 354; История халифов: 287а – 293а; Арабский аноним: 240а, 246а, 251б, 256аб, 285б – 287б, 289б – 293а; Ибн ал-‘Имроний: 61 – 62; al-Osyooti: 257 – 261; Ибн Халдун III: 218 – 222, 227]. У ҳақида яна қаранг: Moscati 1960: 103; Большаков 2010: 6, 7, 280 – 283, 285 – 291, 338; Босворт 1971: 32 – 33; Беляев 1966: 212 – 213, 238, 247, 265; аз-Зириклий IV: 257 – 258; Dehkhoda X: 15723.

2. 137/754-55 йилда халифа Абу-л-‘Аббос ас-Саффоҳ вафот этгандан кейин тахтга Абу Жа‘фар ‘Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Мансур ўтирди ва 158/774-75 йилгача ҳукм сурди. Ундан кейин халифалар ал-Маҳдий (158 – 169/775 – 785 йилларда ҳукм сурган), ал-Ҳодий (169 – 170/785 – 786 йилларда ҳукм сурган) ва Ҳорун ар-Рашид (170 – 193/786 – 809 йилларда ҳукм сурган) ҳукм сурдилар [al-Jakubi: 303 – 305; ал-Йа‘қубий II: 381 – 404; ал-Ҳа‘қубий: 22 – 27; ад-Динаварий: 378 – 392; Hamzae Ispahanensis: 201 – 216; at-Tabari II: 840, 1268; III: 57 – 59. 61 – 72, 85 – 451, 486 – 488, 819, 895, 1815, 2500, 2508 – 2510, 2514, 2519; al-Masudi: 340 – 346; el-Maqdisi VI: 76

– 88, 90 – 95; Ибн А‘сам VIII: 345 – 369, 371 – 402, 408, 410, 416, 424, 430; История халифов: 293б – 296а; Арабский аноним: 136 – 140; Ибн ал-‘Имроний: 62 – 75; al-Osyooti: 262 – 310]. У ҳақида яна қаранг: Босворт 1971: 32 – 36; Большаков 2010: 256 – 291; Беляев 1966: 205 – 268; аз-Зириклий IV: 257 – 258; Dehkhoda XIV: 21655.

3. Араб халифалигида 132/749-50 йилда ‘Аббосийлар ҳокимиятга келиб, Абу-л-‘Аббос ас-Саффоҳ ал-‘Ироқда халифа деб эълон қилингандан кейин ‘Аббосийлар ҳаракатининг бошлиғи Абу Муслим Хуросон волийси этиб тайинланди. Абу Муслим Хуросонда ҳокимиятга келиши билан маҳаллий аҳолига нисбатан қаттиққўллик ва шафқатсизлик сиёсатини олиб борди. 132/749-50 йилнинг охири ёки 133/750-51 йилнинг бошларида у Шарик ибн Шайх ал-Махрий бошчилигида Бухорода кўтарилган *аш-ши‘а* (الشيعية) диний оқими тарафдорларининг кўзғолонини бостирди [Наршахий: 58 – 60]. В 133/750-51 йилда Абу Муслим Самарқандда туриб, Туркистондаги Тароз (Талас) дарёси бўйида араб ва хитой кўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жангга раҳбарлик қилди [al-Nasafi: 353 (№ 582); Ибн ал-Асир V: 212]. Бу жангда араблар хитойларни мағлубиятга учратдилар. Шундан кейин Хитой ўзининг Ўрта Осиёга қилган даъвосидан бутунлай воз кечди [Большаков 1980: 132 – 136]. 133 – 134/750 – 752 йилларда Абу Муслим Самарқандда туриб, ас-Суғд, Бухоро ва ал-Хутталнинг деҳқонлари ва ҳукмдорларини оммавий қонли қирғин қилди [at-Tabari III: 74 – 75, 79 – 80] ва Ўрта Осиёда исломга қадар ҳукм сурган барча ҳукмдорлар сулолаларининг ҳокимиятига чек қўйди [Карев 2002: 209 – 210]. Абу Муслим Хитойга ҳам юриш қилишни режалаштирган эди ва Тароз ҳокими Са‘ид ибн Хумайдга тайёргарлик ишларини амалга оширишни буюрган эди. Лекин 135/752-53 йилда Зийод ибн Солихнинг Самарқандда кўтарган исёни бунга халақит берди [at-Tabari III: 82 – 83; Карев 2002: 206, 210 – 212]. Абу Муслим ўзининг қонхўрлиги билан шуҳрат қозонган ва ислом даврида ҳар бири 1 млн. дан ортиқ одамни ўлдирган 4 та лашкарбошидан бири бўлган [ас-Саолибий: 72]. У ҳақида яна қаранг: ад-Динаварий: 337 – 338; 360 – 383.

4. 137/754-55 йилда Абу Муслим қатл этилгандан кейин Хуросон волийси этиб Абу Довуд Холид ибн Иброҳим аз-Зухлий, 140/757-58 йилда ‘Абд ал-Жаббор ибн ‘Абд ар-Раҳмон ал-Аздий, кейин Хозим ибн Хазима ва Жубрайл ибн Йаҳйо, кейин Асад ибн ‘Абдуллоҳ, кейин ‘Абдуллоҳ ибн Молик ал-Хузо‘ий, 147/764-65 йилда эса Абу ‘Авн ‘Абд ал-Малик ибн Йазид, кейин Хумайд ибн Қахтаба, кейин унинг ўғли ‘Абдуллоҳ ибн Хумайд тайинланди [Халифа ибн Хаййот: 121, 122, 127; ал-Йа‘кубий II: 389 – 404; el-Maqdisi VI: 82; Гардизи: 42 – 43].

### XLIII [ал-Ма’мун]

1. Абу-л-‘Аббос ал-Ма’мун, ‘Абдуллоҳ ибн Ҳорун (170 – 218/786 – 833) – халифа Ҳорун ар-Рашиднинг хуросонлик хотинидан туғилган ўғли, ‘Аббосийлар сулоласининг 7-халифаси, 198 – 202/813 – 818 йилларда Марвда, 202 – 218/818 – 833 йилларда эса халифа сифатида Бағдодда ҳукм сурган. В 182/798-99 йилда у акаси ал-Аминдан кейин *валий ал-‘аҳд* (ولي العهد), яъни тахт вориси деб эълон қилинди ва унга ал-Ма’мун – “муваффақиятли”, “содик” шарафли номи берилди, 192/807-08 йилда у қароргоҳи Марвда бўлган Хуросон ва ал-Машриқ волийси этиб тайинланган эди. 195/810-11 йилда ал-Амин отаси томонидан белгиланган ворислик тартибини бузиб, ўзидан кейин ал-Ма’мун ўрнига ўзининг ўғлини тахт вориси деб эълон қилди. Бунга жавобан ал-Ма’мун 198/813-14 йилда Марвдан Бағдодга қўшин юбориб, ал-Аминни қатл этди ва ҳокимиятни ўз қўлига олди. Лекин ал-Ма’мун халифа деб эълон қилинган бўлса ҳам, Бағдодга кўчиб ўтмади ва 202/817-18 йилга қадар халифаликни Марвдан туриб бошқарди.

‘Абдуллоҳ ал-Ма’мун ёшлигидан илм-фанга қизиққан, кўп китоб ўқиган, хусусан, у ҳадис илми ва тилшунослик соҳаларининг билимдони бўлган. Ундан ташқари ал-Ма’мун қадимги юнон фалсафасига жуда қизиққан ва уни чуқур ўрганган. У ар-Рум (Византия) императорларига кўп хадялар юбориб, улардан қадимги юнонларнинг фалсафага оид китобларини юборишни сўраган. Румликлар қадимги юнон файласуфларининг барча китобларини тўплаб унга юборганлар. ‘Абдуллоҳ ал-Ма’муннинг халифалиги даврида Байт ал-ҳикма (بيت الحكمة) – “Ҳикматлар уйи” илк ислом академияси сифатида давлат тасарруфи остида фаолият олиб борган. Унда олимлар қадимги юнон, санскрит ва паҳлавий тилларидаги асарларни араб тилига таржима қилганлар. Унинг қошида бой кутубхона ташкил этилган. Ислом дунёсининг турли ерларидан таклиф этилган олимлар бу ерда риёзиёт, фалакиёт, табобат, кимё ва география каби табиий фанлар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Уларнинг кўпчилик қисмини Ўрта Осиёдан келган олимлар ташкил этган. ‘Абдуллоҳ ал-Ма’мун олимларга ҳомийлик қилар ва уларни ўзига яқин тутар эди. Унинг ҳукмронлиги даврида Бағдодда хуросонликларнинг таъсири кучайиб, форслар ва турклар халифаликдаги ҳокимиятнинг деярли барча таянч мансабларини эгаллаганлар [Халифа ибн Хаййот: 136, 140 – 142; ад-Динаварий: 400 – 401; al-Jakubi: 306 – 307; al-Ja‘kubi II: 491, 500 – 506, 521, 528 – 575, 582; at-Tabari III: 647 – 649; Hamzae Isphanensis: 225 – 226; at-Tabari III: 321, 434, 578, 603, 647, 651 – 667, 675, 693, 708, 730, 755, 762, 771, 775 – 825, 975 – 1164; al-Masudi: 349 – 352; el-Maqqdisi VI: 112 – 113; Ибн А‘сам VIII: 385 – 436; al-Osyooti: 310 – 339; Гардизи: 51 – 52; Сиасет-намэ: 63, 139, 143, 146, 185, 224; ас-Сули: 76, 119, 120, 123; Ибн ал-‘Имроний: 96 – 104; Ибн ал-Асир VI: 65, 69, 88 –

98, 103, 114, 129, 134, 142 – 148; Ибн Халдун III: 312 – 314]. У ҳақида яна қаранг: Рекаюа 1991: 331 – 339; аз-Зириклий IV: 287; Dehkhoda XIII: 20083; Беляев 1966: 215 – 216; Абдуҳалимов 2010: 60 – 67.

2. ‘Абдуллоҳ ал-Ма’мун 198 – 202/813 – 818 йилларда халифа сифатида Марвда, 202 – 218/818 – 833 йилларда эса Бағдодда ҳукм сурган.

3. 190 – 194/805 – 810 йилларда бутун Мовароуннаҳр Рофи‘ ибн ал-Лайс бошчилигида Ҳорун ар-Рашидга қарши кўтарилган кўзғолон оғушида эди. Рофи‘ ибн ал-Лайснинг тарафдорлари ичида энг фаол ҳаракат қилганлар турклар эди. Бу кўзғолон бостирилгандан кейин 197/812-13 йилда ал-Ма’муннинг вазири ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн туркларга қарши жазо юришини бошлади. У Исфижоб қалъасининг ҳарбий кўмондонини ўлдириб, Торбанд, Фороб ва Шовғар шаҳарларини қўлга олиб, Ўтрор шаҳригача етиб борди ва қарлуқлар жабғусининг ўғилларини ва унинг хотинларини асирга олди, жабғунинг ўзи эса кимақлар мамлакатига қочди. Ўша йилда Зу-р-Рийосатайн Фарғонанинг пойтахти бўлган Косон шаҳрини қўлга олди ва арабларга Фарғона қалъаларининг калитларини юборди [Михайлова 1951: 17 – 19]. Лекин ал-Балозурий келтирган маълумотга кўра, Косон ва Урашт шаҳарларини Нух ибн Асад қўлга олган [al-Beladsori: 420]. Эҳтимол Нух ибн Асад 197/812-13 йилда ал-Ҳасан ибн Саҳл билан бирга жазо юришида иштирок этиб, Фарғонага юборилган кўшинга бошчилик қилгандир. Нух ибн Асад ундан кейин ҳам туркларга қарши жиҳод урушлари олиб борган [Ибн ал-Факих 1993: 51].

4. ‘Абдуллоҳ ал-Ма’мун 192/807-08 йилда Хуросон ва ал-Машрик волийси этиб тайинланди ва Марв шаҳрига кўчиб келди. 198/813-14 йилда у халифа деб эълон қилинган бўлса ҳам 202/817-18 йилгача Марвда қолди. У Марвда ҳаммаси бўлиб 10 йил яшади.

5. ‘Абдуллоҳ ал-Ма’муннинг вазири ал-Фадл ибн Саҳл 197/812-13 йилда туркларга ва Кобулшоҳга қарши қилган юришларидан кейин 202/817-18 йилда Сарахсда қатл этилди. Шундан кейин ал-Ма’мун халифалиги даврида, яъни 218/833-34 йилга қадар Хуросонда йирик ҳарбий юришлар амалга оширилмади. 204/819-20 йилда Мовароуннаҳр вилоятлари Самарқанд, аш-Шош, Усрушана ва Фарғонага Сомон-худот ўғли Асаднинг ўғиллари 4 ака-ука Аҳмад, Нух, Йаҳйо ва Илйос ас-Сомонийлар ҳоким этиб тайинландилар. Улар ғайридин турклар ва суғдларга қарши *жиҳод* урушлари олиб бордилар. ал-Йа‘кубий келтирган маълумотга кўра, халифа ал-Маҳдий даврида (158 – 169/775 – 785) Фарғона пойтахти Косонга Аҳмад ибн Асад бошчилигидаги кўшин юборилди [al-Ja‘kubi II: 478]. Бу маълумотда халифа ал-Маҳдий эмас, балки Иброҳим ибн ал-Маҳдий (201 – 203/817 – 819) назарда тутилган бўлса керак, чунки Аҳмад ибн Асад 205/820-21 йилда вафот этган [ас-Сам‘оний VII: 12 – 13]. Аҳмаднинг укаси Нух ибн Асад ҳам ғайридин туркларга қарши *жиҳод* урушлари олиб борган [Ибн ал-Факих 1993: 51]. ал-Балозурий келтирган маълумотга кўра, халифа ал-

Мунтасир (247 – 248/861 – 862 йилларда хукм сурган) даврида Косон аҳолиси Нух ибн Асадга қарши исён кўтарди [al-Beladsori: 420]. Лекин Нух ибн Асад 227/841-42 йилда вафот этган [ас-Сам‘оний VII: 14]. Демак, бу ерда халифа ал-Мунтасир эмас, балки ал-Му‘тасим (218 – 227/833 – 842) назарда тутилган бўлса керак.

6. Бу ҳаракатларнинг натижасида Ўрта Осиёдаги кўп деҳқонлар ва аслзодалар халифа ал-Ма‘муннинг Марвдаги саройида унинг хизматига ўтдилар, кейин эса у билан бирга Бағдодга келиб, у ердаги бошқарув тизимида юқори ҳарбий ва маъмурий лавозимларни эгалладилар. X аср араб географлари Мовароуннаҳр аҳли ҳақида шундай ёзган эдилар: “Уларнинг мамлакатлари узоқ бўлса ҳам [улар] кўп бойликлар, дабдаба ва ҳашам билан ҳажга биринчи бўлиб келадилар. Шу билан бирга улар катталарга итоат бўйича энг яхши, аслзода одамларга ва бир-бирларига хизмат қилишда эса энг илтифотлидирлар. Уларга Бану-л-‘Аббос оиласидан бўлган халифалар ҳам тан берганлар ва Мовароуннаҳр аҳлидан аскарларни ўзларининг хизматига таклиф қилганлар. Турк аскарларининг [фазилатлари] юксак бўлганлиги туфайли улар барча қўшинларга бошчилик қилганлар, уларнинг деҳқонлари эса уларга амир этиб тайинланганлар. Уларнинг қўшинлари барча халқлар ичида жасурлиги, қатъийлиги, шижоати ва матонати билан бошқалардан устун туради. Мовароуннаҳр деҳқонлари ўзларининг хизматдаги хушфезлиги, итоаткорлиги, [чиройли] кийинишлари ва шоҳона кўринишлари туфайли [халифалар] нинг лашкарбошилари, яқинлари ва содиқ хизматкорлари бўлдилар, ҳатто халифаларнинг энг яқин ва хос одамлари ва аскарларига айландилар. Улардан фарғоналиклар ва турклар қўшинларга бошчилик қилиб, халифаларнинг [ишончли] кўрикчилари бўлдилар. Ўзларининг шижоати ва жасорати туфайли устунлик қилган турклар ушрусаналик ал-Афшин ва Ибн Абу-с-Сож, самарқандлик ал-Ихшод ва ас-суғдлик ал-Марзубон ибн Турксафи, ас-суғдлик ‘Ужайф ибн ‘Анбаса, ал-Бухор-худот ва бошқалар [халифалар] нинг амирлари, кўмондонлари ва аскарлари эдилар” [al-Istakhri: 292, 323; Ibn Naukal: 468]. IX асрда яшаб ижод қилган араб ёзувчиси ва тарихчиси ал-Жоҳиз туркларнинг фазилатлари ҳақида махсус асар ёзиб, уларнинг бошқа халқлардан устун жиҳатларини кўрсатиб берган [al-Djahiz: 1903; ал-Джаҳиз 1993: 56 – 103].

Ўрта Осиёда 190/805-06 йилда араб саркардаси исёнкор Рофи‘ ибн ал-Лайс бошчилигида халқ қўзғолони кўтарилиб, унинг асосий ҳаракатлантнрувчи кучлари қарлуқлар ва тўққиз ўғузлар эди [Кадырова 1965: 138 – 145]. Қўзғолон 194/809-10 йилда бостирилгандан кейин Ўрта Осиё халқлари тақдирида катта бурилиш юз берган, бу туркларнинг ёшасига ислом динини қабул қилишлари ва Араб халифалигининг марказий шаҳарларига кўчишлари билан боғлиқ эди. Араб манбаларида туркларнинг бундай юришлари ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Лекин IX асрнинг 20-йилларида шубҳасиз юз берган бу воқеанинг изларини араб тилидаги биографик ман-

баларда кузатиш мумкин. Ундан ташқари у ўрта аср арман манбаъларида қайд этилган бўлиб, уларда ёзилишича, “Осиё скифлари (яъни турклар) Араб халифалиги даврида, арманларнинг тақвими бўйича 260 йилда (яъни мил. 811 йилда) ғарбга юриш қилганлар” [Тер-Мкртичян 1985: 66]. Албатта бу хабарда туркларнинг ҳарбий юриши ҳақида эмас, балки уларнинг катта бир гуруҳининг 811 йилда ғарбга томон юз берган силжиши ҳақида сўз юритилган. Бағдод ва унинг атрофларига мил. VIII аср ўрталаридан бошлаб кўчиб кела бошлаган турклар у ерда ўзларининг колонияларига асос солганлар. Бу колониялар IX аср бошларида ва ундан кейин мунтазам равишда Ўрта Осиёдан янги кўчиб келган турклар ҳисобига кенгайиб борган. Маълумки, халифа ал-Му‘тасим (218 – 227/833 – 842 йилларда ҳукм сурган) ўз саройига ва кўшинларига туркларни кўплаб хизматга жалб қилган ва улардан махсус “Хуросон кўшини” ни тузган. Турк кўмондонлари ва давлат арбобларининг Бағдоддаги нуфузи борган сари ошиб бориб, натижада IX аср ўрталарига келиб, улар Бағдод ва бутун халифаликдаги сиёсий ҳаётга кучли таъсир ўтказа бошлаганлар ва ҳатто араб халифалари уларнинг қўлида кўғирчоқ бўлиб қолганлар. ‘Аббосий халифалари турклар томонидан тайинланиб, улар истаган вақтда алмаштирилари эди. Туркларнинг Бағдоддаги юқори мавқеи кейинги асрларда ҳам то Салжукийларнинг ҳокимиятга келиши (XI аср) га қадар сақланиб келган. Уларнинг кўпчилиги йирик ер эгалари бўлиб, Ироқ, Миср, Сурия, Кавказ ва Кичик Осиёда жойлашган бу ерларни уларга халифалар *икто* ‘ мулки сифатида инъом этганлар. Ундан ташқари IX – X асрларда Миср, Сурия ва Фаластин ерларида Тулунийлар ва Ихшидийлар турк сулоалари ҳукмронлик қилган бўлиб, улар Бағдод халифаларидан деярли мустақил эдилар. Араб халифалигининг марказий шаҳарларида туркларнинг нуфузи ортиши билан Ўрта Осиёлик зиёлилар ҳам бу ерларга юртдошларининг кўмагига умид қилиб, кўчиб кела бошлаганлар. VIII асрнинг охирлари ва IX асрнинг бошларидаёқ Бағдодда ва Яқин Шарқнинг бошқа шаҳарларида «ат-Туркий» (التركي) *нисба* ли бир қатор турк ҳадисшунос ва фақиҳ олимлари яшаганлар [ас-Сам‘оний III: 43 – 44]. IX асрда Бағдодда ал-Ма‘мун академияси фаолиятининг бошланиши билан бу ерда Ўрта Осиёлик олимларнинг сони яна ҳам ортиб, улар бутун ислом дунёсида шуҳрат қозондилар. Бу олимлар ичида турклар кўпчиликни ташкил этган бўлиб, улар на фақат ижтимоий фанлар, балки аниқ фанлар соҳасида ҳам фаолият кўрсатганлар. Бу ҳақида қаранг: Камолиддин 2005: 93 – 104; Kamoliddin 2007: 141 – 153.

7. Кобул-шоҳ (كابل شاه) – Кобул ҳукмдорларининг унвони [Ибн Хордадбех: 69; Бируни 1957: 112]. Араблар халифа ‘Усмон ибн ‘Аффон даврида илк бор Сижистонни фатҳ этгандан кейин Кобул мамлакатига ҳам кўп юришлар қилганлар [al-Beladsori: 392 – 402]. 32/652-53 йилда араблар Сижистондан Кобулга қарши юриш қилганда, ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра Кобул-шоҳни найза билан уриб мағлуб этди. Шундан сўнг, Кобулшоҳ тас-

лим бўлиб, араблар билан сулҳ тузди [Та'рих-и Систан: 110 – 111]. Лекин араблар Кобул-шоҳ мамлакатини тўла қўлга олмаганлар. Шунинг учун илк ислом даврида Кобул-шоҳ Араб халифалигининг жанубий ва шарқий ҳудудларига доим таҳдид солиб турган. 82/701-02 йилда 'Абд ал-Малик ибн Марвон Кобулга 'Убайдуллоҳ ибн Абу Бакрани Сижистонга юборди. У Сижистондан Кобулга юриш қилганда, душманлар унга тўсатдан хужум қилиб, уларни у ердаги тор тоғ дарасига қамаб қўйдилар. Арабларнинг озиқ-овқатлари тугаб қолиб, очликдан ўзларининг отларини ҳам ея бошладилар. Улар орасида битта ноннинг баҳоси 70 дирҳамга чиқиб кетди. Уларнинг ҳаммаси очликдан ва қиличлардан ҳалок бўлдилар. Ислоом даврида ҳали бирорта қўшин бундай қийинчиликларга дуч келмаган эди. Кейин ал-Ҳажжож 'Абд ар-Раҳмон ибн ал-Аш'ас ибн Қайсни Сижистонга юборди. У Сижистонга келиб, Буст *ноҳий*асининг ҳукмдори Рутбил билан сулҳ тузди ва Кобулга юриш қилиб, у ердаги бир қанча қасрларни фатҳ этди. У ердан у кўп асирлар ва ўлжалар олиб келди. Ал-Ҳажжож унинг ҳалок бўлишини истаб, унга мамлакат ичкарасига юришни буюрди. Ибн ал-Аш'ас унинг буйруғини инкор этиб, унга қарши бош кўтарди [el-Maqdisi VI: 34 – 35]. 91/709-10 йилда Бодғис ҳукмдори Низак-тархон Тўхористонда Қутайба ибн Муслимга қарши кўзғолон кўтарганда, Кобул-шоҳ уни қўллаб-қувватлади [at-Tabari II: 1206, 1219]. IX асрда Маккадаги муқаддас ал-Ка'ба биносидаги ғазнада халифа ал-Ма'мун даврида Кобул мамлакати фатҳ этилгач, у ердан ўлжа олинган Кобул-шоҳнинг тожи ва тахти сақланган. 197/812-13 йилда Хуросон волийси ал-Ма'муннинг вазири ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн бошчилигидаги араб қўшини Кобул ва Қандаҳор вилоятларига юриш қилиб, уларни фатҳ этди ва Кобул мамлакатини Хуросон таркибига қўшиб олди. Кобул-шоҳ тожида ўйиб ёзилган ва ундан лавҳага кўчириб ёзилган ёзувга кўра, *испаҳбад* Кобулшоҳнинг тахти 200/815-16 йилда ал-'Ироқга юборилган [Михайлова 1951: 10 – 20]. У ҳақида яна қаранг: Dehkhoda XII: 17871 – 17872.

8. IX асрда Маккадаги муқаддас ал-Ка'ба биносининг ичидаги ғазна таркибида халифа ал-Ма'мун даврида Кобул мамлакати фатҳ этилгандан сўнг у ерда қўлга киритилган Кобул-шоҳнинг тожи ва тахти сақланган. 197/812-13 йилда Хуросон волийси ал-Ма'муннинг вазири ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн бошчилигидаги арабларнинг қўшини Кобул ва Қандҳара вилоятларига юриш қилиб, уларни фатҳ этди ва Кобул мамлакатини Хуросон таркибига қўшиб олди. Кобул-шоҳ тожида ўйиб ёзилган ва ундан лавҳага кўчириб ёзилган ёзувга кўра, *испаҳбад* Кобулшоҳнинг тахти 200/815-16 йилда ал-'Ироқга юборилган [Михайлова 1951: 10 – 20].

9. 'Аббосий халифалар ўзларининг дастурхони учун уларга тобе бўлган турли ерлардан ноёб мевалар ва деҳқончилик маҳсулотларини келтирар эдилар. Хусусан, Х<sup>v</sup>оразмдан Бағдодга халифа ал-Ма'мун, кейин халифа ал-Восиқ дастурхонига маҳсус *баранж* (برنج) навли қовунлар юборил-

ган. Бу навли қовун ўша даврда энг ширин ва мазали ҳисобланган экан. Қовунлар Бағдодгача бузилмай етиб бориши учун уларни қалайдан ясалган махсус қутиларга жойлаштиришар, атрофидаги бўшлиқ эса ях билан тўлдирилар эди. Бу қовунларнинг Бағдодга бузилмасдан етиб борганларининг бозордаги нархи 700 дирҳам бўлган [Абдуллаев 1991: 85]. Исломдан олдин ҳам Х<sup>б</sup>оразм қовунлари бутун Шарқда машхур бўлиб, ноёб мева сифатида Хитойга хитой императорлари тановул қилиши учун махсус олиб кетилган.

10. Ковус ибн Саҳир (كوس بن صهر) – IX асрнинг биринчи ярмида (тах. Минан 800 – 825 йилларда) Уструшанада ҳукм сурган *афшин* унвонли маҳаллий ҳукмдорлар сулоласининг сўнгги вакили [at-Tabari II: 1609, 1613]. Унинг бобосининг исми Х.роб.ғ.р. (خرا بگر), отасининг исми эса Хон Ах.ра (خاناخره), Хор Ах.ра (خاراخره) ёки Хор Х.ра (خارخره) бўлган. Унинг исми Абор Х.ра (ابارخره) шаклида ҳам учрайди [at-Tabari II: 1609, 1613; III: 631, 1066, 1694]. Ковуснинг бобосининг исмини Қаро-Буғро (قرا بگرا) шаклида тиклаш мумкин. Қадимги туркларда *buura* – эркак туя муқаддас ҳисобланган, *qara* сўзи эса “буюк”, “муқаддас” маъноларини билдирган [ДТС: 120]. Ковуснинг 2 ўғли бўлган: бири Ҳайдар, иккинчиси эса ал-Фадл. Уструшана ҳукмдорлари арабларга қаршилик кўрсатиб, узоқ вақтгача мустақилликни сақлаб келдилар. Ниҳоят 207/822-23 йилда Хуросон волийси Тохир ибн ал-Хусайн вафот этгандан кейин халифа ал-Ма’мун Талха ибн Тохирни Хуросон волийси этиб тайинлади. Аҳмад ибн Абу Холид унинг лашкарбошиси эди. Аҳмад Балх дарёсидан кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрга юриш қилди ва Уструшанани қайта фатҳ этди. У Ковус ибн Саҳирни ва унинг ўғли ал-Фадлни ҳибсга олди ва Бағдодга халифа ал-Ма’мун ҳузурига юборди [Ибн ал-Асир VI: 157].

11. Зу-р-Рийосатайн (ذو الرياستين) ёки Зу-р-Ри’осатайн (ذو الرئاستين) – “Икки бош лавозим соҳиби”, халифа ал-Ма’муннинг вазири ва бош қўмондони ал-Фадл ибн Саҳлнинг фахрий унвони. Бу унвон унга халифалиқдаги сиёсий-иқтисодий бошқарув ва ҳарбий саркардалиқ учун берилган [Ibn al-Atir: 111; Ибн ал-Асир: 42]. Бу икки вазифани баробар олиб борган биринчи амалдор халифа ал-Ма’мун томонидан Форс вилоятига волий этиб тайинлаган Холид ибн Бармак бўлиб, у ҳам ҳарбий қўмондонлик, ҳам солиқлар йиғиш ишлари билан ўзи шуғулланган [Tha’alibi: 49]. Бошқа маълумотга кўра, ал-Фадл ибн Саҳл бир вақтнинг ўзида икки ҳукмдорга – халифа ал-Ма’мунга ва *валий ал-‘аҳд* ‘Али ибн Мусо ар-Ризога вазир бўлиб хизмат қилгани учун бу ном билан аталган [Байхаки: 214]. У ҳақида яна қаранг: аз-Зириклий V: 354; Dehkhoda VIII: 11536 – 11537.

12. Абу-л-‘Аббос ал-Фадл ибн Саҳл ибн ‘Абдуллоҳ ибн Задонфарух ас-Сарахсий (154 – 202/771 – 818) – Бармакийлар оиласидан етишиб чиққан машхур давлат арбоби. Халифа ал-Ма’муннинг вазири ва унинг энг яқин маслаҳатчиси. У Хуросондаги Сарахс шаҳрида туғилиб ўсган. Ёшлигидан



у Хуросонда ал-Ма'мун билан бирга бўлган, 190/805-06 йилда Марвда унинг қўлидан ислом динини қабул қилган. Унгача у зардуштийлик динига эътиқод қилган. 196/811-12 йилда ал-Ма'мун уни бутун ал-Машрик волийси этиб тайинлади. Ҳамадон тоғидан Тибет чегарасигача ва Табаристон денгизидан ал-Ҳинд денгизигача бўлган ҳамма ерлар унинг қўл остига ўтди. У Йаҳйо ибн Му'озни Мовароуннахрга ҳоким этиб тайинлади. 197/812-13 йилда ал-Фадл ибн Саҳл Зу-р-Рийосатайн Хуросон волийси ал-Ма'муннинг вазири бўлган вақтда Кобул ва Қандаҳор вилоятларига юриш қилиб, уларни фатҳ этди ва Кобул мамлакатини Хуросон таркибига қўшиб олди. Кобул-шоҳ тожида ўйиб ёзилган ва ундан лавҳага кўчириб ёзилган ёзувга кўра, *испахбад* Кобулшоҳнинг тахти 200/815-16 йилда ал-Ироқга юборилган [Михайлова 1951: 10 – 20]. 198/813-14 йилда ал-Ма'мун Марвда халифа деб эълон қилинганда, ал-Фадл ибн Саҳл унинг вазири ва бош қўмондони этиб тайинланди ва вазирлардан биринчи бўлиб Зу-р-Рийосатайн (ذو الرئاستين) ёки Зу-р-Ри'осатайн (ذو الرئاستين) – “Икки бош лавозим соҳиби” унвонига эга бўлди. Унгача эса вазирлар ҳарбий ишлар билан шуғулланмас эдилар. У жуда ҳам шижоатли, ақлли ва нотиж инсон эди. У халифа ал-Ма'мунни халифалик тахтига ‘Али ибн Абу Толибнинг авлоди ‘Али ибн Мусо ар-Ризони *валий ал-‘аҳд*, яъни тахт вориси этиб тайинлашга кўндирди. Шундан кейин Хуросонда ‘Аббосийларнинг қора рангли байроқлари туширилди ва ‘Алавийларнинг яшил байроқлари кўтарилди. ‘Али ибн Мусо ар-Ризога *вазир* ва *дабир* тайинланди. Лекин ал-Ма'муннинг бу ишлари Бағдоддаги ‘Аббосийлар тарафдорларининг норозилигига сабаб бўлди, ал-Фадл ибн Саҳл эса буни ал-Ма'мундан яширди. Лекин ал-Ма'мун бу ҳақида бошқалардан эшитди ва ўзининг бу ниятидан қайтишга мажбур бўлди. Шундан кейин у 202/817-18 йилда ал-Фадл ибн Саҳлни Хуросондан Бағдодга юборди. Йўлда у Сарахсда тўхтаб, ҳаммомда чўмилаётган вақтда ал-Ма'мун кўрсатмасига биноан Ғолиб ибн Устоз Сис бир нечта хизматкорлар билан уни ўлдирди [Халифа ибн Хаййот: 141; al-Jakubi II: 531, 549, 550, 574; at-Tabari III: 435, 709, 731, 771 – 773, 778 – 794, 802 – 805, 808, 814, 830, 840, 879, 925, 938, 949, 963, 977, 997, 1013, 1025 – 1028, 1188, 1193, 1296; Hamzae Ispahanensis: 226 – 227; Ибн А'сам VIII: 407, 428; Гардизи: 44, 51 – 53; Сиасет-намэ: 139, 260; Байхаки: 211 – 214; Та'рих-и Систан: 257; Ибн ал-Асир: VI: 89, 91 – 98, 103, 116, 129, 134, 142, 143, VII: 30; Jacut I: 669, 807; II: 49, 50; III: 359; Ибн Халликон IV: 41 – 44 (№ 529)]. У ҳақида яна қаранг: Sourdel 1965: 731 – 732; аз-Зириклий V: 354; Dekhoda VIII: 11536 – 11537.

13. Мадинат ас-Салом (مدينة السلام) – араб., “Тинчлик шаҳри”. Илк ўрта асрларда ал-‘Ироқдаги Бағдод шаҳри шу ном билан ҳам аталган. Бу ҳақида қаранг: Duri 1960: 894 – 908; Михайлова 1990; Dekhoda XIII: 20563.

14. Бу бошқарувчининг исми Тародис (طراديس) эди [al-Beladsori: 430].

15. ал-Афшин (الافشين) – Уструшананинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорларининг унвони *афшин* бўлган [Ибн Хордадбех: 69; Бируни 1957: 111]. Охирги Уструшана ҳукмдори Ковуснинг ўғли, ‘Аббосий халифаларининг бош қўмондони Ҳайдар ибн Ковус илк ислом тарихида ал-Афшин номи билан машҳур бўлган. Уструшана тангаларида *афшин* (‘*βšun*) унвони MR’Y идеограммаси шаклида ифода этилган [Смирнова 1970: 50, 54]. Уструшана ҳукмдорларидан ташқари Панч (Панчикат) ҳукмдорлари [Смирнова 1963: 48 – 51], шунингдек Самарқанд ҳукмдори Ғурак ҳам *афшин* унвони билан аталган [Ibn A‘tham VII: 244]. Бу унвоннинг келиб чиқиши қадимги массагет қабилалари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг тилида “уй бекаси”, “қабила бекаси” маъносини билдирган [Абаев 1959: 115]. Бу унвон ҳақида яна қаранг: Смирнова 1961: 55 – 70; Barthold, Gibb 1960: 241; Dehkhoda II: 3080.

16. Ҳайдар ибн Ковус (حيذر بن كاووس) – Уструшананинг исломдан олдинги маҳаллий ҳукмдорлар сулоласининг охирги вакили, ‘Аббосий халифаларининг лашкарбошиси, халифа ал-Му‘тасимнинг шахсий кўрикчилари бошлиғи ва унинг яқин дўсти. Илк ислом даври ва арабларнинг фатҳ урушларида ал-Афшин (الافشين) номи билан машҳур бўлган. Бу номни унга халифа ал-Му‘тасим берган эди [at-Tabari III: 1105, 1129, 1170 – 1179, 1186 – 1234, 1235 – 1269, 1271, 1295, 1298, 1300 – 1318, 1328, 1600; al-Jakubi: 259, 262, 293; al-Ja‘kubi II: 557, 468, 569, 578 – 584; al-Masudi: 88, 169, 170, 352, 354, 355; Ибн Халликон I: 82, 388; V: 123]. Унинг бобосининг исми Хон Ахура (خان اخره), бобоқалонининг исми эса Хара-буғра (خرا بغير) бўлган [at-Tabari II: 1609, 1613; III: 1066]. Бу исмлар туркий тил асосида шарҳланган бўлиб [Смирнова 1971: 64], унда *буғра* сўзи “эр туя” маъносини билдирувчи туркий унвон бўлган [Кошғарий I: 196, 397; III: 271]. Қадимги турклар икки ўркакчи эркак туяни, айниқса унинг қора ранглиси жуда ҳам эъзозлаганлар. Қадимги туркий битикларда бундай туя *буура* деб аталган, унинг *titir* насли эса энг қимматли ҳисобланган [ДТС: 564]. Хитой манбаларида келтирилган маълумотга кўра, 742 – 745 йилда Самарқанд вилоятидаги Иштихан ва Кабудан шаҳарларининг ҳукмдори Гэло-пуло деб аталган [Chavannes 1903: 75, 140; Бичурин II: 313; Малявкин 1989: 80]. Бу ҳукмдорнинг исми Хара-буғра шаклида тикланган [Смирнова 1981: 425].

Ҳайдар ибн Ковуснинг ўғли Ҳасан ибн ал-Афшин Бағдоддаги ‘Аббосийлар саройида машҳур турк лашкарбошиси Ашносининг қизига уйланган [at-Tabari III: 1300 – 1301]. Ибн Ҳавқал ал-Афшинни уструшаналик турк ҳукмдори деб таърифлаган [al-Istakhri: 292; Ibn Naukal: 468]. Ҳайдар ал-Афшин Бағдодда ўзини жасур жангчи ва истеъдодли лашкарбоши эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ‘Аббосийлар уни энг хавfli ерларга урушга юбордилар. 216/831-32 йилда ал-Афшин арабларга қарши Миср ва ал-Мағрибда кўтарилган кўзғолонларни бостирган, 220/835 йилда у Арминия ва Озарбайжон волийси этиб тайинланган ва Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Аз-

дий ас-Самарқандийни Арминийага ҳоким этиб тайинлаган. 224/838-39 йилда у Арминийага Муҳаммад ибн Холид ал-Бухоро-худотни ҳоким этиб тайинлади, ўзи эса Озарбайжонда маздакий Бобак бошчилигидаги хуррамийлар кўзғолонини бостирди. 225/839-40 у ҳали ҳам Арминийа ва Озарбайжон волийси эди [el-Maqdisi VI: 117 – 119; Гандзакеци: 79; Тер-Гевондян 1977: 137, 209, 283]. У Озарбайжондаги Барзанд шахрини қайта куриб, ўзи учун у ерда сарой қурдирди [Ибн Хордадбех: 107; Сиасет-намэ: 226 – 227]. Кейин у халифага хиёнат қилганликда айбланди ва ҳибсга олинди. 225/839-40 йилда у исломдан юз ўгирганликда айбланиб, халифа ал-Му‘тасимнинг Бағдоддаги саройида унинг устидан ҳукм чиқарилди, кўп ўтмай 226/840-41 йилда у қамокда вафот этди. Унинг жасади аввал бутга тортиб михланди, кейин куйдирилди, кули эса Фрот дарёсига оқизиб юборилди [at-Tabari III: 1309 – 1318]. Ўрта асрларда Уструшанада ал-Афшин номи билан боғлиқ бўлган бир нечта ерлар бўлган. Хусусан, ал-Афшин Уструшанадаги Дизак шахридан 2 *фарсах* масофада Худайсар номли работ қурдирган. Унинг ўртасида булоқ сув мавж уриб турган, атрофларида эса ал-Афшин ал-‘Ироқга кетишдан олдин шу работга вақф қилиб берган ерлар жойлашган [al-Istakhri: 328; Ibn Naukal: 504 – 505]. Минк шахри яқинида ал-Афшин ал-Акбар (الافشين الاكبر) номли қалъа (حصن) бўлган [Ibn Naukal: 506]. ат-Табарийнинг асарида Самарқанд ва Хўжанд атрофларида жойлашган Водий ал-Афшин (وادي الافشين) – “ал-Афшин водийси” номли ер ҳам қайд этилган [at-Tabari II: 1485]. У ҳақида яна қаранг: Смирнова 1969: 70 – 72; Беляев 1966: 255 – 257; Dehkhoda II: 3080; Негматов 1957: 140 – 150.

17. Кунб (كنب) – Бунжикат шахристони (*мадина*) нинг номи. Асарнинг бошқа нусхаларида бу ном К.н.т (كنت) ва умуман нуқтасиз шаклда келтирилган [al-Beladsori: 430e]. Йоқут ал-Ҳамавийнинг маълумотига кўра, Кунб (كنب) ‘*ажам* тилидаги ном бўлиб, бу сўз араб тилида “оғир жисмоний меҳнатдан кўлда ҳосил бўладиган қадоклар” (غظ يعلو اليد من العمل) маъносини билдиради [Jасut IV: 307]. Бизнингча, бу номнинг Кант (كنت) шаклида ўқилиши тўғрироқдир. Қадимги туркий тилда *känd/känt* (كنت/كند) сўзи – “шаҳар”, “кўрғон”, ўғуз лаҳжаларида эса “қишлоқ” маъносини билдирган [ДТС: 290; Кошғарий I: 295, 329, 330, 414]. Суғд тилида бу сўз *knδ(h)*, *knθ*, *kθ* ва *qθ* шаклларида қайд этилган ва “шаҳар” маъносида ишлатилган [Gharib 1995: 190 (4761), 191 (4770), 197 (4937); Лурье 2004: 88 – 110; Lurje 2003: 185 – 212]. Ўрта форс (пахлавий) тилида эса *kant* сўзи “хандақ” маъносини билдирган [ПРС: 165]. Туркий тиллардаги *канд/кент* топоформанти ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2006: 67 – 68. Бу шаҳар номининг нуқтасиз шаклдаги ёзилишини Хоразмдаги Кит (كيت), Кит (كيت) ёки Жит (جيت), яъни Гит (گيت) шахрининг номи билан ҳам солиштириш мумкин [al-Istakhri: 302, 303; Ibn Naukal: 480; al-Moqaddsi: 49, 287, 289].

18. Ҳошим ибн Муҳаввир ал-Хутталий (243/857-58 йилда вафот этган) – бошқа манбаларда унинг исми Ҳошим ибн Банижур (Бонижур ёки Боти-

жур) шаклида қайд этилган. IX асрнинг биринчи ярмида у Юқори Тўхористондаги Вахш ва Ҳаловард шаҳарларининг ҳоқими бўлган [al-Jakubi: 260, 291; al-Ja'kubi II: 561]. Халифа ал-Му'тасим (833 – 842 йилларда ҳукм сурган) даврида Ҳошим ал-Жабал вилоятига хуррабийлар ҳаракатининг бир оқими бўлган *ал-муҳаммара* (المحمرّة) гуруҳларини бостиришга юборилди, чунки улар Хуросондан ҳажга бораётганлар ва бошқа карвонларга ҳужум қилиб, уларни талон-тарож қилар эдилар [al-Ja'kubi II: 575].

Ҳошимнинг отаси Бонижур (بانيجور) IX асрда Тўхористоннинг турли шаҳар ва вилоятларида ҳукм сурган Бонижурийлар сулоласининг асосчиси бўлган. Манбаларда унинг келиб чиқиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Суғд ҳукмдори Ғуракнинг кичик ўғлининг исми ҳам Бонижур бўлган [al-Nasafi: 423 (№ 733); 89 (№ 87); 456 (№ 786)]. Хитой манбаларида унинг исми Мо-чжо шаклида келтирилган. 731 йилда Ғурак Самарқанд вилоятидаги Моймурғ *рустоқини* унга мулк сифатида берган [Chavannes 1903: 136; Бичурин II: 275, 287, 311]. 713 – 744 йилларда Хитойга Маймурғ ҳукмдоридан совға-саломлар келиб турган. 744 йилда ундан охириги марта элчилар келганлиги хитой солномаларида қайд этилган. Ўшанда у Хитойга хотини билан келди. Хитой императори унга ва унинг хотини *qatun*га фахрий унвонлар берди [Шефер 1981: 582; Chavannes 1903: 144 – 145]. Халифа ал-Мансур даврида (136 – 158/754 – 775 йилларда ҳукм сурган) Мовароуннаҳрга Кошғарга қочган Фарғона ҳукмдори томонидан араблар билан музокара олиб бориш учун Бонижур (بانيجور) исмли элчи келди. Араблар унга ислом динини қабул қилишни таклиф этдилар, лекин у рад жавобини берди. Шунинг учун араблар уни қамоққа ташладилар. Бонижур халифа ал-Маҳдий даврига қадар қамоқда қолди [al-Ja'kubi II: 465, 576]. Бизнингча, Бонижур исмли бу элчи Ғуракнинг Хитойга кетиб қолган ўғли бўлган. Мил. 744 йилда у Хитойга оиласи билан кетиб, Суғдга қайтиб келмаган ва Кошғарда кўним топган. Фарғона ҳукмдори ҳам араблардан қочиб ўша ерда кўним топган эди. Тахминан 10 йилдан кейин, яъни 136/ 753-54 йилдан кейин у ўзининг юрти Самарқандга элчи бўлиб келди. У гарчи элчи бўлса ҳам, араблар уни қамоққа ташладилар ва у ал-Маҳдий ҳукмронлигига қадар қамоқда қолди. Шундан кейин у ислом динини қабул қилган бўлса керак. IX асрда Тўхористонда ҳукм сурган Бонижурийлар (ёки Абу Довудийлар) сулоласининг бобокалони Бонижур ҳам халифалар ал-Мансур ва ал-Маҳдий даврида яшаган [de Zambaur 1927: 202]. Бизнингча, Кошғардан Самарқандга элчи бўлиб келган Бонижур, яъни Ғуракнинг ўғли, ва Тўхористондаги Бонижурийлар сулоласининг бобокалони бир шахс бўлган. 158/774-75 йилдан кейин у ислом динини қабул қилиб, қамоқдан озод этилгандан сўнг халифа ал-Маҳдий уни Тўхористон волийси этиб тайинлаган. Айнан шу даврда Тўхористонда *йабғулар* сулоласи йўқ қилинган эди. Тўхористон *йабғулари* арабларга қарши озодлик ҳаракатида фаол иштирок этганлар. Шунинг учун араблар уларни йўқ қилиб, уларнинг

ўрнига ўзларининг одами – маҳаллий подшоҳлар оиласидан чиққан Бонижурни тайинлаганлар. Унинг авлодлари 100 йилдан ортиқ вақт давомида Тўхористоннинг турли шаҳар ва вилоятларида ҳукм сурганлар. Улардан бири Ҳошим ибн Бонижур эди. Ҳошимнинг ўғли ал-‘Аббос ибн Ҳошим 219/834-35 йилда Балх ҳокими бўлиб, 14 йил ҳукмронлик қилди [ал-Балхий: 39].

Бонижурнинг яна бир ўғли, Ҳошимнинг укаси Довуд ибн Бонижур Мовароуннаҳр волийси бўлиб, Самарқанд шаҳрида ҳукм сурган. Хуросон волийси Ҳарсама ибн А‘йан Рофи‘ ибн ал-Лайсни ўлдириб, Самарқандни эгаллагандан кейин Самарқандга аввал Йаҳйо ибн Му‘озни, 197/812-13 йилда эса Довуд ибн Бонижурни ҳоким этиб тайинлади.

Унинг набираси Довуд ибн ал-‘Аббос ибн Ҳошим ибн Бонижур 233/847-48 йилда Балх волийси этиб тайинланди. Уни Ибн Бонижур деб ҳам атаганлар. Ўша йилда у Балх вилоятидаги Тахт-и Рустам тепалигининг устида тош ва ганчдан ёзги қаср қуришни бошлади ва унинг қурилиши 20 йил давом этди. Илгари унинг ўрнида Наушод (نوشاد) номли оташпарастрлар ибодатхонаси бўлган [ал-Балхий: 39]. 257/870-71 йилда халифанинг укаси ал-Муваффақ томонидан Балх, Тўхористон, ас-Синд ва Сижистон ҳокими этиб тайинланган Йа‘қуб ибн ал-Лайс бу қасрни харобага айлантирди [Ибн ал-Асир VII: 98]. 258/871-72 йилнинг зу-л-ҳижжа ойида Довуд ундан Исмо‘ил ибн Аҳмад ас-Сомонийнинг олдига Самарқандга қочди ва у ерда 259/872-73 йилнинг сафар ойигача турди. Сомонийлар уни иззат-икром билан кутиб олдилар ва унга паноҳ бердилар. У Балхга қайтиб келганда, ўзининг қасри вайрон этилганлигини кўриб, чуқур қайғуга ботди ва 17 кундан кейин ғам-ғуссадан вафот этди. Лекин XII асрда ҳам Балх яқинида Наушод қасри қайд этилган [Балхий: 39; al-Nasafi: 148 (№ 228); Гардизи: 50 – 51; at-Tabari III: 712 – 715, 1045, 1435; al-Sam‘ani: 571a]. Бу қасрнинг харобалари XVII асрда ҳам мавжуд бўлган [Ахмедов 1982: 19]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 123, 128; Камолитдин 69 – 72.

19. Ҳошим ибн Бонижур Юқори Тўхористондаги ал-Вахш ва Ҳаловард шаҳарларининг ҳокими бўлган [al-Jakubi: 260, 291].

20. Ковуснинг Умм Жунайдга уйланиши ва ўзининг бир нечта деҳқонлари билан Уструшанани тарк этиши ҳақидаги маълумотни фақат ал-Балозурий келтирган. Бошқа манбаларда бу ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Умм Жунайд (ام حنيد) исми араб тилида “Жунайднинг онаси” маъносига эга. Демак, бу аёлнинг исми ёки лақабига қараганда, у араб бўлган ёки ундан туғилган ўғил (Жунайд) мусулмон бўлиб, араблар уни шундай атаганлар.

21. Аҳмад ибн Абу Холид ал-Аҳвал ал-Котиб – араб лашкарбошиси. У халифа ал-Ма‘муннинг лашкарбошиси ва яқин маслахатчиси эди. 204/819-20 йилда у халифа ал-Ма‘мун билан Хуросондан Бағдодга келди. 205/820-21 йилда ал-Ма‘мун унинг маслаҳати билан Тохир ибн ал-Ҳусайнни Хуросон волийси этиб тайинлади. 207/822-23 йилда Тохир ибн ал-Ҳусайн вафот

этганда, ал-Ма’мун Тохирнинг ўрнига кимни тайинлаш ҳақида яна Аҳмаддан маслаҳат сўради. Аҳмад унга: “Талҳа ибн Тохирни” деб маслаҳат берди. Халифа Талҳа ибн Тохирни Хуросон волийси этиб тайинлади. Аҳмадни эса катта қўшин билан унга ёрдамга Хуросонга юборди. Аҳмад Балх дарёсидан кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрга юриш қилди ва Уструшанани фатҳ этди. У *афшин* Ковус ибн Саҳир ва унинг ўғли ал-Фадлни ҳибсга олди ва Бағдодга халифа ал-Ма’мун ҳузурига юборди. Бунинг учун Талҳа ибн Тохир унга 3 млн. дирҳам пул ва 2 млн. дирҳам лик мол-мулк тақдим этди. Аҳмаднинг котиби Иброҳим ибн ал-‘Аббосга эса у 500 минг дирҳам берди [al-Ja‘kubi II: 554 – 558, 574; at-Tabari III: 1038, 1042, 1064, 1065, 1075; Ибн А‘сам VIII: 420, 421, 425, 428, 436; Ибн ал-Асир VI: 148, 156 – 157; Ибн Халликон I: 41, 386; II: 123, 521, 522; III: 475; V: 101; VI: 151]. 213/828-29 йилда Аҳмад ибн [Абу] Холид Сижистон волийси этиб тайинланди. У Сижистонга келганда, Ҳамза ал-Хорижий бошчилигидаги хорижийлар ҳаракати унга қарши чиқиб, шаҳарга киритмадилар. Аҳмад улар билан шиддатли жанглар олиб борди ва ғалабага эриша олмасдан Хуросонга қайтди [Та’рих-и Систан: 188]. У ҳақида яна қаранг: Бартольд 1963: 266, 269.

22. Мил. IX асрнинг бошларида ‘Аббосий халифаларнинг Бағдоддаги, кейин эса Самарра (араб. Сур ман ра’й) шаҳридаги саройида аслзода туркларнинг сони ва нуфузи шунчалик кучайиб кетдики, улар на фақат ҳарбий соҳани, балки маъмуриятдаги деярли барча муҳим лавозимларни эгаллаганлар ва Араб халифалигидаги ҳамма сиёсий ва иқтисодий ишларни назорат қилганлар. Улар ҳатто халифаларни ҳам ўз назорати остида ушлаб, ‘Аббосийлар оиласидан ўзларининг манфаатига хизмат қилувчи ва уларнинг айтганларини бажарувчи аъзоларини тахтга ўтқизар ва хоҳлаган вақтда уни ўлдириб бошқасини тахтга ўтқизар эдилар [Мюллер 1896 II: 212 – 217]. Бағдодда турклар орасидан етишиб чиққан энг йирик давлат арбоблари Абу-с-Сож, Аҳмад ибн Тулун, Хоқон, Мунис, Бакбак, Буғо ал-Кабир, Буғо ас-Сағир, Васиф ат-Туркий, Итах ал-Хазарий, Канжур, Ашнос, Симо ат-Тавил, Бағир ат-Туркий, Са-такин, Утамиш, Баржух, Зурофа ат-Туркий, Бадр ал-Асбағ ва бошқалар ва уларнинг кўп сонли авлодлари бўлган [Maccoudi VII: 118, 122, 259 – 268, 324, 334, 364; VIII: 11, 29, 345, 348; IX: 2, 7, 12, 28 – 30; ас-Сули: 56, 159, 161, 166, 175, 192, 199, 202, 213, 224, 241; Mottahedeh 2001: 46 – 47; Pipes 1978: 91].

#### XLIV

#### [ал-Му‘тасим]

1. ал-Му‘тасим биллоҳ (المعتصم بالله), Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Ҳорун ал-‘Аббосий (179 – 227/795 – 841) – ‘Аббосийлар сулоласига мансуб 9-араб халифаси, 218 – 227/833 – 842 йилларда ҳукм сурган. Унинг Ҳорун ар-Рашид, онаси эса Самарқандлик турклардан бўлган. Унинг табиатида турк-

ларга хос хислатлар ғолиб бўлиб, туркларга мойиллик кучли эди. У туркча кийим кийиб юрар ва туркча сўзлашар эди [Zaidan 1907: 217]. У халифалардан биринчи бўлиб тўртбурчак шаклдаги бош кийим кийган бўлиб, уни *аш-шошийа ал-му‘тасимийа* (الشاشية المعتصمية), яъни “ал-Му‘тасим бош кийими” деб атаганлар. Ундан кейин сарой аҳли ҳам бу бош кийимни кийишни бошлаган ва бу ҳамма учун одатга айланган [al-Ya‘qubi: 31 – 32]. Бу маълумотда Ўрта Осиёдаги ўтроқ ва шаҳар туркий аҳолисининг бош кийими ҳақида сўз юритилган. Ўрта Осиёда тўртбурчак шаклдаги бош кийими асосан Фарғона водийси ва аш-Шош воҳасида тарқалган. Шунинг учун араблар уни *аш-шошийа* (الشاشية) – “аш-Шош бош кийими” деб атаганлар. Ҳозирги ўзбек ва уйғур дўппилари ўша бош кийимнинг авлодлари ҳисобланади. Бундай дўппилар ҳозир ҳам асосан Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида тарқалган.

Ақаси ал-Ма‘мун халифалиги давридаёқ ал-Му‘тасим ўзининг атрофига кўпроқ туркларни тўплаш мақсадида Самарқанд амири Нух ибн Асадга ҳар йили Бағдодга турк *гулом*ларидан юбориб туришни топширди. Шундай қилиб, унинг атрофида 3 мингга яқин турк *гулом*лари йиғилиб, ‘Аббосийлар қўшинининг асосини ташкил этдилар [al-Jakubi: 255 – 256]. ‘Аббосийлар Бағдодга фақат *гулом*ларни эмас, балки турк аслзодалари ва лашкарбошилари ҳам халифалар ҳомийлиги остида яшашни таклиф этганлар. Бундай аслзодалардан бири Фарғона ҳукмдорининг ўғли Жафф ибн Йил-тегин эди. Унинг ғоят шижоатли ва жасур одамлигини эшитиб, ал-Му‘тасим уни бошқа деҳқонлар ва аслзодалар билан бирга ўзининг Бағдоддаги саройига таклиф этди ва уларни тантанали равишда иззат-икром билан кутиб олди. Бағдод яқинида Самарра (Сур ман ра’й) шаҳрида янги сарой қурилганда, у ердан уларга ер мулклари ажратилди [Zaidan 1907: 218 – 219]. У ҳақида XXV, 78-изоҳга қаранг.

2. Илк ‘Аббосийлар даврида (VIII асрнинг иккинчи ярми – IX асрнинг бошлари) Ўрта Осиёнинг баъзи маҳаллий ҳукмдорлари ва аҳолисининг бир қисми ислом динини қабул қилган бўлса ҳам, бунинг тагида иқтисодий ва сиёсий мақсадлар бўлган. Исломи динини қабул қилган бу одамлар ислом қонун-қоидаларига фақат юзаки риоя қилганлар, аслида эса улар ўз отабоболарининг динига содиқ қолганлар ва махфий равишда ўзларининг диний эътиқодларига риоя қилганлар. Масалан, Бухоро ҳукмдори Тағшода ислом динини қабул қилган бўлса ҳам, яширин равишда ҳали ғайридин эди. У ўлганда, унинг васиятига кўра, хизматкорлари келиб, бухороликларнинг диний маросимига биноан мурданинг гўштини суягидан ажратдилар ва суяқларини олиб кетдилар [Наршахий: 58]. Уструшана ҳукмдорлари *афшин*лар сулоласининг охириги вакили ал-Афшин Хайдар ибн Ковус халифа ал-Му‘тасимнинг лашкарбошиси бўлиб, халифалик душманлари ва ғайридинларга қарши жиҳод урушлари олиб борган. Хусусан, у Озарбайжондаги Бобак бошчилигидаги хуррабийларнинг кўзғолонини, кейин эса Мисрдаги

қибтларнинг арабларга қарши кўтарилган кўзғолонини шафқатсиз бостирган. Лекин маълум бўлишича, у ислом динини фақат юзаки қабул қилган, аслида эса яширин равишда ўзининг динига эътиқод қилиб юрган экан. Унинг Самаррадаги саройида тинтув ўтказилганда, у ердан қимматбаҳо тошлар ва зар иплар билан безатилган санамлар ва оташпараст муғларнинг муқаддас китоби топилган. Унинг Самаррадаги иккинчи саройида ҳам бутпарастларнинг санами топилган. Уструшана аҳли унга “худоларнинг худоси” деб мурожаат қилганлар, чунки исломдан олдин подшоҳ бўлган унинг ота-боболарига шундай мурожаат қилинган [at-Tabari III: 1310 – 1312, 318; Ibn al-Athir VI: 366, 369; Смирнова 1969: 70 – 72]. Бу ҳақида яна қаранг: Камолиддин 2004: 169 – 174; 2005: 344 – 346.

3. Ўрта Осиёда ислом динини қабул қилган турклар ва суғдлар ғайридин турклар ва суғдларга қарши юришлар қила бошладилар. IX – X асрларда Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаган туркий халқларнинг бир қисми ислом динини қабул қилган эдилар [Бартольд 1963а: 240]. Хусусан, Бороб, Канждеҳ ва Шош орасидаги яйловларда 1000 га яқин ўтовларда ислом динини қабул қилган турклар яшар эдилар [Hudud al-‘Alam: 119; Ibn Naukal: 511]. Х<sup>в</sup>оразм ўғузлари ислом динини қабул қилиб, ўзларини “туркмон” (ترکمان) деб атай бошладилар ва ғайридин ўғузларга қарши кураш олиб бордилар [Marvazi: 18]. Сутканд шаҳрида яшовчи ўғузлар ва қарлуқлар ҳам ғайридин туркларга қарши кураш олиб борганлар [Ibn Naukal: 511]. 310/922-23 йилда ўғузларнинг подшоҳи ислом динини қабул қилиб, Макка ва ал-Мадинага ҳаж сафарига борди ва Бағдодга келиб, халифа ал-Муктадир билан учрашди [Masoudi II: 16].

Мовароуннаҳр ҳукмдорлари Сомонийлар ҳам ғайридин туркларга қарши *жиҳод* урушлари олиб борганлар. Тоҳирийлар томонидан тайинланган Самарқанд ҳукмдори амир Нух ибн Асад биринчи бўлиб ғайридинларга қарши *жиҳод* урушларини бошлади. 225/839-40 йилда у Испижобга юриш қилиб, уни фатҳ қилди [ас-Сам‘оний VII: 13]. Наср ибн Аҳмад 300 минг аскардан иборат *ғозий*лар кўшини билан Шовғарга юриш қилди [al-Istakhri: 291; Ibn Naukal: 467]. Айниқса Исмо‘ил ибн Аҳмад ўзининг ғайридинларга қарши олиб борган кураши билан шуҳрат қозонди [Ибн ал-Факих 1993: 51]. 260/873-74 йилда у Бухорога ҳоким этиб тайинланганда, шаҳар атрофига мудофаа девори қуришдан воз кечиб, “Мен ўзим Бухоронинг девори бўламан” деди [Наршахий: 36]. 280/893-94 йилда у турклар мамлакатига юриш қилиб, Тароз шаҳрини эгаллади. У ерда кўп одамларни қирди, туркларнинг подшоҳини, унинг хотини ва яна 10 мингга яқин одамни асирга олди. У Тарозда кўп отлар ва катта ўлжани қўлга киритиб, кўшинидаги ҳар бир отликка 2 минг дирҳамдан тарқатди. Тароздаги катта черков жоме‘ масжидига айлантирилди [Masoudi VIII: 144, 321; Наршахий: 77; Ибн ал-Асир VII: 185, 216]. Исмо‘ил ибн Аҳмаддан кейин ғайридинларга қарши *жиҳод* урушлари тўхтатилиб, уларнинг ўрнига ғайридин турклар орасида



ислом динини тарғиб қилиш ишлари авж олди. Нух ибн Наср ислом динини тарғиб қилиш мақсадида Шарқий Туркистон қарлуқ ҳукмдорининг қизига уйланди ва уларнинг оиласи билан қариндошлик алоқаларини ўрнатди [Ибн аз-Зубайр: 150; Minorsky 1955: 4 – 5; Bosworth 1969: 8 – 9].

